

М.Расулов

БОЗОР
ИҚТИСОДИЁТИ
АСОСЛАРИ



М. РАСУЛОВ

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари
учун дарслик сифатида тавсия этган*

*Академик С.С. Фуломов
таҳрири остида*

ТОШКЕНТ “ЎЗБЕКИСТОН”

Тақризчилар: *иқтисод фанлари докторлари, профессорлар*
М. Т. АБДУРАСУЛОВ, А. ЎЛМАСОВ
ва **Ш. ШОДМОНОВ**

Муҳаррир: **А. Ҳақимжонов**

Расулов М.Р.

Бозор иқтисодиёти асослари: Олий ўқув юртлири талабалари учун дарслик//Суз боши: С. С. Фуломов. — Т.: “Ўзбекистон”, 1998. — 380 б.

ISBN 5-640-02323-6

Мазкур дарсликда бозор иқтисодиёти назарияси ва амалиётининг асосий масалалари тўла таҳлил ва талқин этилади.


Унда бозор муносабатлари, иқтисодиёт тушунчалари, аралаш иқтисодиёт, бозор категория ва қонунлари, тадбиркорлик, маркетинг, бозор мувозанати ва эркин баҳо, бозор шакллари кабилар билан бирга бозор иқтисодиётини тартибга солиш ва унинг ижтимоий йўналиши масалалари ўз ечимини топган.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шаклланиши хусусиятлари алоҳида мавзуларда кенг ёритилган.

Дарслик бевосита бакалаврлар тайёрловчи олий ўқув юртлирининг қуйидаги мутахассисликларга мўлжалланган: иқтисод В 340200, менежмент В 341100, маркетинг В 341200. Шунингдек, китобдан тадбиркорлар, бозор иқтисодиёти билан қизиқувчилар фойдаланиши мумкин..

ББК 65.050.9 (5У) 1я73

№ 579-98
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Республикасининг
Давлат кутубхонаси



0601010000 - 106
Р 99
М351(04)97

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистонимиз улуғвор даврларни бошидан кечирмоқда. Мустақиллик туфайли жамиятимиз ҳаётида туб мазмунли ўзгаришлар амалга ошиб, ҳар томонлама тарқиёт билан бирга бир мамлакат, бир халққа хос ўзгаришлар ҳам пайдо бўлиб ривож топмоқда. Булар ичида иқтисодиёт алоҳида ўрин эгаллайди. Келажаги буюк Ўзбекистон давлатнинг негизи бўлган ва мустақил ривожланадиган иқтисодиётга асос солмоқда.

Мустақил иқтисодиётни таъминлаш бозор асосидаги иқтисодиётни яратиш орқали амалга ошмоқда, шунга кўра бундаги асосий йўл, йўналиш бозор иқтисодиётини юзага келтиришдир. Иқтисодий ривожланиш муаммоларини маълум даражада ҳал этиб, иқтисодиётнинг порлоқ келажagini таъминлай оладиган йўл бозор усули эканлиги, мамлакатимиз учун бундан бошқа иқтисодий тизим, усул йўқ эканлиги биз учун яққол ҳақиқатдир.

Шунга кўра бозор иқтисодиёти моҳияти, шакллари, қонуниятлари ва булардаги бор хусусиятлар кабиларни аниқлаш, уларни ўрганиш ҳозирги иқтисодий амалиётимиз учун жуда долзарб вазифадир.

Кенг китобхонларга тавсия этилаётган йирик иқтисодчи олим ва моҳир педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Мухтор Расуловнинг “Бозор иқтисодиёти асослари” дарслиги, фикримизча бу соҳада аҳамиятлидир.

Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг таъминланишини тезлаштириш ва бозор муносабатларига ўтишда юз бераётган иқтисодий тангликнинг олдини олиш ва умуман янги иқтисодий тузумга ўтишни катта талафотларсиз ҳал қилиш иқтисодий билимсиз бўлмаслиги аён-дир. Иқтисодий ўзгаришни таъминлаш ва бунда кўзда

тутилган даражадаги муваффақиятларга эришиш мамлакатимиз фуқароларидан бирдамлик ва фаолиятлиликни талаб этади. Фуқаролик ҳуқуқининг ва вазифаларининг амалга оширилишида иқтисодий билим алоҳида ўрин эгаллайди.

Халқаро иқтисодиётга қўшилиб бориш, жаҳон бозоридаги фаолиятни кенгайтириш бу соҳадаги халқаро сиёсатни ўрганиб боришни талаб этади.

Мавжуд иқтисодий ва ижтимоий қийинчиликларнинг олдини олиш, бозор иқтисодиёти шаклланишини тезлаштириб, кенг иқтисодий тараққиёт йўлига чиқиш ва умуман келажакни кўра билишда дарсликдаги фикрлар асосан ёрдам бера олади, деб ўйлаймиз.

Академик С. С. ФУЛОМОВ

КИРИШ

Бозор тизими барча мамлакатлар иқтисодиётига хос бўлиб, у ўз доирасини тўхтовсиз кенгайтириб бормоқда. Бу, айниқса, цивилизация даражасига боғлиқ бўлиб, у ўз тараққиёт жараёнини тезлаштириб бормоқда. Энг тараққий этган ва қудратли иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар асосан бозорча усул туфайли халқ фаровонлигини таъминлашда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Булар аввало юқори даражали индустриал мамлакатлардир. Буларнинг кетидан бораётган ва бозор муносабатларига ўтишда яхши натижаларга эришаётган мамлакатларнинг сони ошиб бормоқда.

Иқтисодий муносабатларни самарали ташкил этиш ва ресурсларни оқилона жойлаштириш аввалдан инсоният диққатини, айниқса иқтисод илми аҳлини ўзига жалб этиб келган. Бунда ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш имконини туғдирувчи ҳар қандай ижтимоий шакл тан олинган. Шунинг учун ҳам Фарбда чоп этилган иқтисодий адабиётларда, масалан мулк шакллариغا эътибор берилганда у ё хусусий мулк, ё давлат мулки бўлиши кераклиги устида мулоҳаза юритилмай, уларнинг устуворлиги ва камчиликлари устида мулоҳаза юритиш асос бўлиб ҳисобланган.

“Ресурслар тақчиллиги — эҳтиёжнинг поёнсизлиги” муаммоси инсониятни доимо ўйлантириб, бунини ҳал қилишда инсон бозор усулини танлаган ва уни энг маъқул усул, деб билган.

Маълумки, жамият ихтиёридаги ишлаб чиқариш имкониятлари, меҳнат ресурслари, турли маблағлар, табиий бойликлар, ер қабилар поёнсиз эмас, яъни бу ресурслар чегараланган бўлиб, улардан фойдаланиш, уларни жойлаштириш оқилона ёндашувни талаб этади.

Агарда маълум тармоқлар тезроқ тараққий этиб, бир хилдаги товарлар ишлаб чиқариш кўпайтирилса, демак бунга кўпроқ ресурслар жалб этилади ҳамда шунга кўра қолганларига кам ресурслар сарф этиш зарурияти туғилади. Бундан альтернатив (яъни икки йўлдан бирини) танлаш муаммоси туғилади.

Тарихан бунинг икки: маъқул топиш ёки маъқуллик тамойили ва мажбурийлик ёки олдиндан белгилаб қўйиш тамойили мавжуд.

Маъқуллик тамойилида горизонтал алоқа асос бўлиб, шахслар ўз хулосалари бўйича иш тутадилар ва ўзлари мустақил бир қарорга келадилар. Бундай усул бозор иқтисодиётига хосдир. Мажбурийлик тамойилини олсак, бунда вертикал алоқа устунлиги таъминланиб, шахслар тенг ҳуқуқли бўлмай, балки ижрочи сифатида бўлиб, иқтисодий ҳаракат марказлашган ҳолда белгиланади ва йўналтирилади. Бундай усул умуман давлат-маъмурий иқтисодиётига хосдир. Албатта бу тамойиллар алоҳида-алоҳида соф ҳолда мавжуд бўлади, деб тушуниш нотўғри. Лекин шуни қайд қилиш зарурки, иқтисодий тараққиёт амалиёти шуни исботлаб бермоқдаки, ҳозирги вақтда бозор иқтисодиёти ҳукмронлиги ресурсларни самарали тақсимлаб жойлаштириш ва иқтисодий ўсишни тезлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва юқори турмуш даражасини таъминлаш имконини туғдиради. Бундай тизим меҳнатни рағбатлантиришнинг маъқул усулларида кенг фойдаланиш ва шахсий бойликни, пировардида эса миллий бойликнинг ортиб боришини тезлаштиради.

Бозорни асосан талаб, таклиф, рақобат ва бозор баҳоси кабилар шакллантиради. Умуман олганда баҳонинг ташкил топиши усулига қараб хўжаликларни бозор ёки нобозор хўжаликлар қаторига қўйиш мумкин.

Бозор асосида хўжалик юритишнинг устуворлик сирини мада, деган савол туғилади. Бу саволга жавобан бозор иқтисодиётининг инсонга бевосита яқинлиги, унинг табиатига мос келиши ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу борада инсонга хос уч хусусиятни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, инсон иқтисодий фаолияти эркинликни талаб этади;

иккинчидан, у ўз мулкига эга бўлиш, хусусий мулкчи бўлишни истади;

учинчидан, у тўхтовсиз бойлик орттириш, кўп даромад олишга интилади.

Бундай хусусиятларни инсондан ажратиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам инсон ўз табиатига кўра бозор усулидаги хўжалик тарафдори ва унда бозорга нисбатан мойиллик кучлидир.

Иқтисодий назариянинг таниқли намояндалари ҳам бозор устуворлигини тан олиб, уни устун қўядилар. Айттайлик, Адам Смит, Кейнс, Жан-Батист Сэй, Маршалл, Самуэльсон кабилар бозорни тўла қўллаганлар. Ҳозирги замон иқтисодий назариясининг асосчиларидан ҳисобланган Адам Смит бозорни “табиий ҳодиса” деб ҳисоблаб, у инсон табиатига тўла мос келади, деган хулосага келади. Унинг издошларидан Жан-Батист Сэй ҳам бундай фикрни қўллаб-қувватлайди. Кейнс ва кейнсчилар эса бозорни ишлаб чиқариш муқобиллиги ва йўналишини тартибга солувчи усул, деб тан олганлар. Бу масалалар айниқса “Экономикс”да кенг ўрин эгаллаган.

Лекин К. Маркс бундай тушунчаларга қарши бўлиб, бозорни ўз моҳияти бўйича стихияли, деб фикр юритади ва бозор тенглиги фақат тушкунлик, номуқобиллик асосидагина юзага келиши мумкин, дейди. Бозор тараққиёти антагонистик зиддиятларни кучайтиришга олиб келади. Шунинг учун ҳам бозорга асосланган иқтисодиёт истиқболсиз ва якуни барбод бўлишдир, деган хулосага келади. Аммо амалиёт тарихи унинг хулосаси асоссиз эканлигини исботламоқда.

Цивилизацияли иқтисодиёт (маданийлашган иқтисодиёт) бозор механизмини, бозор муносабатларини такомиллаштириб, бозор иқтисодиётига, умуман иқтисодий тараққиётга катта ўзгаришлар киритмоқда. Бу иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши, давлатнинг иқтисодиёт воқелигига иштирокининг кенгайиши, аралаш иқтисодиётнинг аҳамиятли бўлиб бориши кабиларда ўз аксини топмоқда.

Маълумки, бозор усули иқтисодиёт тараққиётини тўлиғича таъминлай олмайди ва бунинг учун қўшимча механизмлар талаб этилади. Бошқача қилиб айтганда, бозор умумий иқтисодий тараққиёт учун ёрдамга муҳтождир. Бундай ёрдамчи куч давлат ва жамият фаолияти бўлиб, цивилизация тараққий қилган сари буларнинг аҳамияти ўсиб бормоқда ва бозор шароитида иқтисодий

омиллардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, иқтисодий тараққиётнинг ижтимоийлилик таъсирини кучайтириш, истеъмолчилар манфаатини ҳимоялаш, пул-кредит, солиғ-бюджет сиёсатларидан тўғри фойдаланиш имконини бермоқда.

Ижтимоий инфраструктуранинг асосан давлат тасарруфида бўлиши ва бунинг бозор иқтисодиётига самарали таъсири, умуман давлат ва бозор иқтисодиётларининг бир-бирига мос ҳолда ҳаракатда бўлиши иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш даражаси муаммоларини ҳал қилишда жуда қўл келмоқда.

Бозор иқтисодиётининг умумий томонлари мавжуд бўлиб, бу барча мамлакат, ҳудуд ва халқлар учун бир хилдир. Айтайлик, унинг умумий даражалари (категория), механизмлари, муносабатлари мавжудки, улар миллий, давлат чегараларини тан олмайди, барчага тааллуқли ва зарурдир, буларсиз умуман бозор ўз мазмунини йўқотади. Аввало бу дарсликда шу умумий ҳодиса, категория ва қонунларга ўз эътиборимизни қаратамиз. Чунки бозор иқтисодиётининг шаклланишида биринчи навбатда, шу умумийликларга эътибор берилади ва улардан фойдаланилади.

Лекин ҳеч вақт бозор муносабатларига ўтиш бир хилда бўлмайди, яъни ҳар бир мамлакатда у турлича юз беради, ўзгачалик мавжудлигини кўрсатади. Чунки ҳар бир мамлакат бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бунга таъсир этувчи томонлар, омиллар кўпдир. Ҳар бир мамлакатда бозор иқтисодиётининг шаклланиши умумий қонуниятларнинг аниқ шароитда амалга ошиши ва барча мавжуд хусусиятларни, аниқ шарт-шароитларни эътиборга олган ҳолда реаллашуви мумкин. Бу жараёнда ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, интеллектуал ҳолати, моддий бойликлар, айниқса табиий бойликлар, меҳнат ресурслари каби имкониятлар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Агар буларга географик жойлашув, миллийлик, урф-одат, халқ бирлиги кабиларни қўшсак, умумий шароит яна ҳам ойдинлашади.

Шунинг учун ҳам буларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиш, бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг миллий модели талаб этиладики, бунда барча умумийлик ва хусусийликлар тўла ҳисобга олинishi зарур.

Ўзбекистон ҳам иқтисодий тараққиётда бозор йўлини танлади. Зеро, Ўзбекистон фақат бозоргина инсон манфаатига мос меҳнатни рағбатлантирувчи механизмга эга бўлгани, жаҳон ҳамжамияти ривожланишининг ҳозирги босқичига жуда мослиги, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олиши, ишлаб чиқаришни истеъмолчилар манфаатига бўйсундириши, тежамли хўжалик юритишнинг кучли, оқилона жиҳатларини яратиши, янгиликларга сезгирликни ошириши ва фан-техника ютуқларини дадил жорий этиш шароитларига эга бўлиши кабиларни эътиборга олган ҳолда узил-кесил бозор муносабатларига ўтишни тан олиб, бозор иқтисодиёти сари дадил қадамлар қўймоқда.

Республика Президенти И.А. Каримов айтганидек, *“бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр амри, объектив реалликдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуги ва воситасидир”*.¹

Дарсликдаги мавзулар асосан тўрт қисмга бўлиб берилган:

1. Бозор иқтисодиёти моҳияти ва унинг ривожланиш қонуниятлари.
2. Ўзбекистонда бозорнинг шаклланиши ва унинг хусусиятлари.
3. Бозор иқтисодиётининг ифодаланиши ва кўринишлари.
4. Бозор иқтисодиётининг тартибга солиниши ва унинг ижтимоий йўналиши.

Биринчи қисмда бозор иқтисодиётининг умумий қонуниятлари, асосий механизмларига эътибор берилган. Шу билан бирга бозор ва нобозор иқтисодиётлари хусусиятлари, уларнинг устуворлик ва камчилик томонлари баён этилиб, бозор иқтисодиёти ва инсон шахсий манфаати муаммосини ечишга ҳаракат қилинади. Бунда ишлаб чиқариш ва айирбошлаш муносабатлари, иқтисодиётдаги мақсад ва восита муаммолари талқини, бозор иқтисодиётининг энг му-

¹ И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. “Ўзбекистон”, 1992, 43—44-бетлар.

ҳим асосларидан ҳисобланган мулк шакллари, рақобат каби масалалар ўз ўрнини топган.

Бу қисм бозор иқтисоди категориялари ва қонунлари билан яқунланади.

Иккинчи қисм Ўзбекистонда бозорнинг қисқача тарихий даврлари, унинг бошланғич ҳолатини кўрсатиш билан бошланади ва Ўзбекистон учун бозор иқтисодиёти бир бутун тизим сифатида биринчи марта шаклланаётгани исботланади.

Кейинги зарур масала Ўзбекистонда бозорга ўтишдаги муҳим асослар бўлиб, бунинг уч томони таҳлил этилади: бозор муносабатларига ўтиш миллий иқтисодиётнинг тезлик билан шаклланиши ва мустақил ҳаракат қила олиши учун қанчалик муҳим ва зарур эканлигини кўрсатади. Чунки бозор аввало шунга боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш ҳажми, унинг тараққиёт даражасига боғлиқ бўлганлиги туфайли индустриалаштиришсиз бозор муносабатлари ривожлана олмайди. Чунки мамлакатимизда юз берган тарихий воқеа, яъни мустақиллик иқтисодиёт олдига, унинг бозор мазмунидан қатъи назар, жуда мураккаб муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Буларни эътиборга олмасдан туриб бозор соҳасидаги муваффақиятларни кўзлаш самарасиз уринишларга олиб келиши муқаррар.

Бу қисмдаги кейинги мавзу асосан Ўзбекистонда бозор шаклланишининг ўз хусусиятларига қаратилиб, бунда машҳур беш тамойилнинг амалга ошуви йўллари, усуллари каби масалалар ёритилган.

Учинчи қисмга асосан бозор иқтисодиёти амалиётига оид мавзулар киритилган бўлиб, бунда бозор иштирокчилари, тадбиркорлар, бозор турлари, маркетинг, банклар ва пул муомаласи каби масалалар ўз ечимини топган. Жаҳон бозори мавзуи ҳам шу қисмдан ўрин олган.

Тўртинчи қисм асосан бозор иқтисодини тўлдирувчи давлат фаолиятига оид мавзуларга қаратилиб, буларда бозор иқтисодиётини тартибга солиш ва унинг ижтимоий йўналиши муаммолари ҳамда амалиёти масалалари баён этилади.

Умуман олганда, дарсликда назарий масалалар ечимини, шу билан бирга имкони борича бозор иқтисодиёти амалиётига оид масалаларни кўриб чиқишга ва натижада китоб-

хонда бозор назарияси ва амалиёти тўғрисида тўла тушунча ҳосил қилишга ҳаракат қилинди.

Иқтисодий билимларга эга бўлиш ҳар бир жамият аъзо-си учун заруриятга айланмоқдаки, бусиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди. Чунки озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, бўш вақтдан фойдаланиш иқтисодий билимсиз ўз ечимини топмайди.

Тўлақонли ҳаёт кечириш учун бўлган ҳаракат албатта ҳар кимдан иқтисодий билимли бўлишни талаб этади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти сирларини билиш, унинг қонун, қонуниятларини ўрганиб турмушга татбиқ этишнинг ҳаётдаги аҳамияти жуда каттадир. Дарслик устидаги ҳаракатларимиз бу соҳада кутилган самара беради, деган умиддамиз.

I. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ МОҲИЯТИ, БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ

Маълумки, бозор цивилизацияли тараққиёт маҳсули бўлиб, у инсон иқтисодий фаолиятининг юқори чўққисидир. Иқтисодий тараққиёт амалиёти шуни тасдиқлайдики, хўжаликни бозорга мослаб уюштириш энг самарали усулдир. Чунки у иқтисодий тараққиётни ҳақиқатан ҳам инсон манфаатидан келтириб чиқаради.

Бозорнинг тарихи катта, у қадим-қадимдан маълум нарса. “Ипак йўли”, улуғ географик кашфиётларда бозор учун интилишнинг роли катта бўлган. Айниқса, шарқ бозорлари асрлар оша ўз довуғини тарқатиб келган.

Бозор, бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти тушунча ва категориялари мавжуд бўлиб, улар ўзларига хос мазмунларга эга. Яна бир бор таъкидлаймиз, бозор тарихан жуда қадимги ҳодиса. Ҳозирги даврда бозор иқтисодиётини ташкил этиш, бозор муносабатларига ўтиш даврини бошимиздан кечирмоқдамиз. Худди бир қарама-қаршилиқ мавжуддек, яъни бозор катта тарихга эга, қадимий ҳодисаю, лекин уни қурмоқдамиз. Буни қандай тушунмоқ керак, деган савол туғилиши табиий. Чунки бозор бордек, лекин у айни вақтда йўқ, масалан, Ўзбекистонда биз кутган, биз истаган бозор энди ташкил этилиши керак.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТУШУНЧАСИ

Аввало бозор, бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти тушунчаларини кўриб чиқайлик. Бозор нима, бозор деганда нимани тушунамиз? Бозор — эскидан оддий ҳолда олди-сотди жойи, товарларни сотувчи ва харидор ўртасида бегона-лаш, уларни алмаштириш жойи ва жараёни деб тушунилган. Бундай бозор тушунчаси фақат оддий чакана савдо жараёни билан чегараланиб, қадимий “Шарқ бозори” мазмунини англантиши мумкин.

Бозор оддий ва ҳаётий юзаки тушунчани билдирса, бозор иқтисодиёти тўла мазмунли ва илмий тушунчадир.

Маълумки, бозор ривожининг тушунчасини ҳам кенгайтириб боради. Шунинг учун олимларнинг бу жараёнга муносабатлари ўзгариб, унга тўлароқ тушунча беришга уринадилар. Айтайлик, энг кейинги бозорга берилган таърифлар ва унинг моҳиятини атрофлича кўрсатадиган фикрлар албатта эски тушунчалардан фарқ қилади. Масалан, “Экономикс”да бозорни механизм ёки мослашув деб тушуниб, харидорлар ўртасидаги алоқа ёки талаб ва сотувчилар ўртасидаги алоқа механизми дейилади. Капитализм худди бозор тизимининг ўзи бўлиб, сотувчи ва харидорлар томонидан қабул қилинган ечимлар бозор тизими орқали амалга ошади, деб қаралади. Рус олимларини олсак, улардан В. В. Железнов, В. Семенов ва бошқалар бозорни товар муомаласи деб тушунтиришга уринадилар. Л. И. Абалкин эса бозор — товар муомаласи эканлигини тан олган ҳолда бозорнинг ялпи маҳсулот такрор ишлаб чиқарилиши ва унинг таркибий қисмлари ҳаракатининг такрорланиши элементи эканлигини ва бозорнинг маълум хўжалик алоқалари тури, маълум иқтисодий ҳаракат хили эканлигини ҳам қайд қилади.

Бундан ташқари бозор иқтисодиётига усул деб баҳо бериш ҳам мавжуд, яъни бозор унинг қатнашувчилари ўртасидаги алоқа усули, хўжаликларни бир-бирига боғлаш усули, деб айтадилар. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги алоқа албатта бозор орқали амалга ошади. Рақобат, талаб ва таклиф туфайли ишлаб чиқаришга таъсир ўтказилади, баҳолар эркин юзага келиб, шулар туфайли бозор қатнашчиларининг ҳаракат йўналиши белгиланади.

Ишлаб чиқариш бозорнинг асосий механизмларидан бири бўлган таклифга айланиши туфайлигина реаллашади. Моддий ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёни қанчалик муҳим аҳамият касб этмасин, у истёмоли учун аталган ва бозор шароитида талабдан келиб чиқади. Чунки инсон истёмоли унинг эҳтиёжи талабга айланиши туфайлигина юзага келади. Бозор муносабатлари шароитида бозордаги талаб асос бўлганлиги учун ишлаб чиқариш восита сифатида хизмат қилади, ишлаб чиқариш бозор иқтисодиёти таркибида бўлиб, унинг моддий асосини ташкил этади. Умуман ишлаб чиқариш бозор муносабатлари, унинг қонун талаблари асосида ривожланади. Демак, бозор иқтисодиётида инсон талаби, унинг истёмоли юқори бўлгани ҳолда ишлаб чиқариш бунинг воситаси вазифасини бажаради ва талаб учунгина хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётида товар муомаласи тушунчаси билан бирга иқтисодий алоқа усули, умуман хўжалик юритиш усули тушунчалари мавжуд, буларни асло инкор этиб бўлмайди.

Лекин бозор иқтисодиётининг моҳияти муомала ва иқтисодий алоқаларга нисбатан кенгдир. Бозор иқтисодиёти аввало барча хўжалик тармоқлари, иқтисод турлари, соҳаларига таъсир ўтказиши билан чегараланмай, балки макроиқтисодиётнинг асосий томонларига мазмун бериб, уларни ўз доирасига олади. Маълумки, иқтисодий пропорция, баланслар бозор таъсирисиз бўлиши мумкин эмас. Чунки аввало ресурслар бозори мавжуд бўлиб, уларнинг жойлашуви ва тақсимланиши бозор механизмлари таъсири остида бўлади. Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) соҳалари ва уларнинг ҳосиласи — товарлар бозорнинг асоси ҳисобланган талаб таъсири туфайлигина реаллашмоғи мумкин.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти товар муомаласи, иқтисодий алоқа усулигина бўлиб қолмай, балки у иқтисодий тизимдир, яъни иқтисодиёт тизимига хос барча хусусиятларни ўзида акс эттирувчи ва иқтисодиётнинг барча томонларига таъсир этиб, ўзига қамраб олувчи иқтисодий тизимдир. Бундай фикрни П. Самуэльсон, Р. Макконелл, Л. Брю, Ф. Котляр, В. Фальцман, А. Лившиц, Д. Черников каби ғарб ва рус иқтисодчи олимлар илгари сурадилар.

Бозор иқтисодиёти иқтисодий соҳалар ва тармоқларнинг ўзаро боғлиқлиги асосидаги бирликдир.

Демак, бозор иқтисодиёти деганда шуни тушунишимиз керакки, бу аввало бозор усулидаги иқтисодиёт, бозор муносабатлари асосида ривожланаётган иқтисодиётдир. Иқтисодиётнинг айрим қисмлари ёки айрим ҳудуд иқтисодиётида бозор муносабатларининг таъсир этиши эмас, балки иқтисодиётнинг асосий ва кўпчилик қисмида ёки асосан иқтисодиётнинг бозор муносабатлари асосида тўла ривожланишидир. Бундай ҳолда иқтисодиёт бозор мазмунига эга бўлади, чунки бозор муносабатлари тасодифий, айрим ҳолларда учрайдиган воқелик бўлмай, балки у умумий ва оммавий иқтисодий ҳодиса бўлиб, зарурий, талаб ҳолатига айланади. Бозор иқтисодиётида бозор муносабатлари тизими юзага келади ва иқтисодиёт шундай тизим асосида ривожланади.

“Иқтисодиёт назарияси” дарслиги муаллифлари профессорлар А. Ўлмасов ва М. Шарифхўжаевлар “Бозор иқтисодиёти эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, социал мўлжалга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига эга бўлган... иқтисодиётдир”, деб таъкидлайдилар¹.

Шу билан бирга, “бозор бу сотувчилар ва харидорларнинг товарларни пул воситасида айирбошлаш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлари, уларнинг ўзаро алоқаларидир”, — деб товар муомаласи ва алоқа усули билан чегаралаш тушунчаси ҳам мавжуд².

Бозор иқтисодиёти эркин ҳаракатдаги, ўзини-ўзи бошқарувчи ва тартибга солувчи ички қудратга эга. Адам Смит буни “кўзга кўринмас қўл”, деб атаган. Бу “қўл” жамият учун керак бўлган нарсаларни яратади. Адам Смитнинг хулосасига кўра, ҳар бир кимса фақат ўз фойдаси тўғрисида ўйлайдию, лекин уни йўналтирувчи “кўзга кўринмас қўл” у ўзи ўйламаган натижага олиб келади, дейди. Бу қудратли “қўл” бозор муносабатлари, бозор механизмидир.

Бозор иқтисодиётининг эркинлик хусусияти аввало тадбиркорлар ва танлов эркинлигидан иборатдир. Хусусий

¹ А. Ўлмасов, М. Шарифхўжаев. Иқтисодиёт назарияси. “Меҳнат”, 1995, 171-бет.

² Ўша асар, 216-бет.

тадбиркорлар иқтисодий ресурсларни эркин қўлга киритиш ва **эгаллик** қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ресурслардан ихтиёрий **равишда** товарлар (хизматлар) ишлаб чиқариш, шунингдек, фирмаларнинг истаги бўйича уларни сотиш имконига эгадирлар. Тадбиркорларнинг маълум тармоқда иш **кўриш** ёки тармоқдан чиқиш ихтиёри ўзларида бўлиб, бунга **тўсиқлик** қилувчи куч йўқ.

Эркин танлаш имконини олсак, бозор шароитида капитал ва моддий ресурслар эгаларининг буларни ўз ихтиёрлари бўйича ишлатиш ёки иш тутиш ҳуқуқи ва имконига эга бўлишидан иборатдир. Шу билан бирга ишловчилар истаган меҳнат тури билан шуғуллана олиш имконига ҳам эга бўладилар. Сўнгра истеъмолчилар ўз даромадлари ҳажмига қараб, истаган миқдорда, сифатда бирор хилдаги товар ва товарлашган хизматларни сотиб оладилар. Истеъмол танлови энг кучли эркинликдир. Шу нуқтаи назардан ишлаб чиқарувчи-сотувчининг эркинлиги харидор эркинлигига боғлиқ ва шундан келиб чиқиб пировардида ишлаб чиқарувчининг эркинлиги харидор эркинлиги туфайли реаллашади.

Бозор иқтисодиётининг муҳим томони шуки, у инсон манфаатидан келиб чиқади. Чунки барча бозор иштирокчилари гўё ўзларининг шахсий манфаатлари учун курашадилару, амалда эса деярли барчанинг манфаати таъминланади.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ВА ИНСОН МАНФААТИ

Биз бозор иқтисодий тараққиётни инсон манфаатидан келтириб чиқаради, дедик. Лекин амалда товар ишлаб чиқарувчи-тадбиркор-сотувчи фақат ўз шахсий манфаатини асос қилиб олади, истеъмолчи эса имкони борича арзонроқ мол олиш ва кўпроқ фойдага эришишга интилади. Бозор иқтисодиёти шароитида барча фақат шахсий манфаат устида қайғуради ва бири иккинчисининг ҳисобига ўз манфаатини таъминлашга уринади. Лекин айтганимиздек, деярли барчанинг манфаати таъминланади.

Маълумки, ишлаб чиқарувчи-сотувчи истеъмолчининг манфаатини кўзлаб иш тутмайди, у ўзини ўйлаб ҳаракат қилади ва истеъмолчининг ҳисобига бойишни ўйлайди. Бундай шароитда қандай қилиб инсон манфаати устида

гап юритиш мумкин, чунки ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида сотувчи ва харидор орқали ифодаланувчи кучли қарама-қаршилиқ ва зиддият мавжуд.

Лекин бозор асосидаги бундай зиддиятнинг мавжудлигига қарамай, бозор ўзига йўл очиб бормоқда, бозор иқтисодиёти ривож топган мамлакатлар кўпаймоқда ва истиқбол бозор иқтисодиёти томонида эканлиги борган сари кучли намоён бўлмоқда. Ҳозир шундай аҳвол юзага келдики, но-бозорча иқтисодиёт тизимли мамлакатлар, айниқса собиқ социалистик мамлакатлар ҳам бозор сари интилмоқда ва жаҳонда бозор иқтисодиёти умумий талаб ва воқеликка айланмоқда.

Бунинг сабаби нима? **Бозор иқтисодиёти устунлиги нимада** ва у ўзининг қандай хусусияти билан жаҳонда ҳукмронлик қилмоқда? Бунда аввало манфаатлар тушунчасига аниқлик киритиш талаб қилинади. Маълумки, инсон манфаати деганда кенг маънода уч хил манфаатни тушуниш мумкин: ижтимоий, жамоа ва шахсий. Бозорни инкор этувчи социализм тизимида шахсий манфаат ўз ўрнини тополмаган ва доимо камситилган, у иккинчи даражали аҳамият касб этиб келган. Асосий манфаат ижтимоий манфаат бўлиб, у ижтимоий мулкка асосланган. Шахсий манфаат эса умумий манфаатдан, давлат манфаатидан келтириб чиқарилган. Бундай шароитда ижтимоий манфаат устунлиги ва унга шахсий манфаатнинг тобелиги тамойили ҳукм сурган. Ҳатто жамоа манфаати ҳам шахсий манфаатдан устун турган. Биламизки, шахсий манфаат доимо таҳқирланиб, уни ижтимоий манфаатга тенглаштириш, ёки устун қўйиш ҳаттоки жинойий мазмунга эга бўлган.

Шахсий манфаатнинг бу ҳолда бўлиши жамият тараққиётига, айниқса, иқтисодий тараққиётга катта зарар келтирди. Шахсий манфаат асос бўлмаган, ижтимоий манфаат устунлигига асосланган жамият ва унинг иқтисодиёти истиқболсиз эканлиги ўтган социалистик мамлакатлар амалиётида яққол кўринди. Зеро, жамият инсонники бўлгани сабабли давлат ҳам инсон учун хизмат қилмоғи ва булар инсон шахсий манфаатидан келиб чиқишини англаш жуда муҳимдир. Шахсий манфаатни инкор этувчи тузум ва давлатнинг келажаги йўқлиги, умри қисқа эканлиги аён. Чунки жамият, унинг давлати инсон шахсий манфаатини таъминламоғи ва уни ўзида

мужассамлаштириши тараққиёт гаровидир. Жамият, ижтимоий муассаса, ташкилот, жамоа турлари инсон яратган институтлар бўлиб, инсоннинг шахсий манфаатини ўзида ифода эта олсагина улар мавжуд бўлиши ва ривожланиши мумкин.

Бунга хусусий мулк, қўшма ва жамоа мулклари кўпроқ ва асосли равишда тўғри келиб, ўзларида инсон шахсий манфаатини шакллантирадilar.

Ижтимоий мулкка асосланган тузум бозор тизимини умуман инкор қилиб келди, хусусий мулкни барбод этди, барча соҳаларда умумийлик, ижтимоийлик ўрнатиб борилдики, бундай шароитда шахсий манфаатдорлик ҳеч вақт устун бўлишига, асос бўлишига ўрин қолмади.

Бозорнинг инсон манфаатини ифодалаши деганимизда албатта асосан шахсий манфаатни кўзда тутамиз, бу манфаатдорлик ижтимоий ва жамоа манфаатлари учун асос бўлмоғи зарур. Қўйилган саволларга қайтар эканмиз, бунга жавоб топиш учун мавжуд манфаатлар зиддияти моҳиятини тўғри тушуниш ва уларнинг таъсир кучи даражасини аниқлаш талаб этилади. Гап шундаки, айтилган зиддият ҳал қилиб бўлмайдиган, тўхтовсиз қўпоровчилик хусусиятига эга бўлган зиддият эмас. Шу билан бирга тадбиркор-сотувчи билан харидор-истеъмолчилар манфаати таъсир кучи бир хил эмас. Чунки тадбиркор манфаатининг истеъмолчи манфаатига боғлиқлиги пировардида истеъмолчи манфаати устунлигини таъминлайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор манфаатининг инсон шахсий манфаатига боғлиқлиги шуки, у талабга мос товар ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Агар товар (хизмат кўрсатиш) талабга эга эмас экан, у сотилмайди, сотилмайдиган товар харидорга эга бўлмайди. Шунга кўра, ҳар қандай шароитда ҳам тадбиркор истеъмолчини ўйлайди, унга мослашади, яъни унинг бозордаги талаби бўйича иш тутади. Бозор иқтисодиётининг қонунияти шуки, унда талабга мос, сотиладиган товаргина ишлаб чиқарилади. Бу, тадбиркор-ишлаб чиқарувчи харидор-истеъмолчининг манфаатини эътиборга олишга мажбур, деган сўздир. Нобозорча иқтисодиёт ҳукмронлиги шароитида эса ишлаб чиқариш устунлиги туфайли ишлаб чиқарилган товаргина сотиб олинади ва унинг

ROSSON TALAFIGA BOG'LIK LIGI BU'NMAIDI, CHUNKI BORIGINA,
NAMANGAN DAVLAT
2 — UNIVERSITETI
Axborot-resurs markazi

бозордаги талабдан қатъи назар, сотувга тушиши мумкин. Бундай шароитда бори сотиб олинади ва талаб эркинлиги, инсон шахсий манфаати устунлиги шароити ҳали яратилмаган бўлиб, буни фақат бозор иқтисодиёти ривожига ҳал қилиши мумкин. Бунинг учун ишлаб чиқарувчининг истеъмолчига боғлиқлиги даражаси шундай бўлиши керакки, фақат унинг талабига мос товар (хизмат кўрсатиш)лар ишлаб чиқарилиши зарур. Бу тадбиркор фаолияти истеъмолчининг бозордаги талабидангина келиб чиқиши, шу туфайли амалга ошириш зарурлигини англатади. А. Смит айтганидек, истеъмол ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг мақсадидир ва ишлаб чиқарувчининг манфаатлари шунинг учун ҳам эътиборлики, у истеъмолчилар манфаати учунгина хизмат қилади. Бу шунчалик аниқ нарсаси, уни исботлашга уринишнинг ўзи мантиқсизликдир.

Бундан шундай умумий хулоса чиқариш мумкин: **тадбиркорнинг манфаати харидорнинг манфаатига мутлақ боғлиқдир.** Тадбиркорнинг шахсий манфаати фақат инсон шахсий манфаати туфайли рўёбга чиқиши ва амалга ошиши мумкин. Бозор муносабатларигина иқтисодиётни инсон манфаатларига тўла қарата олади. Бу эса бозорнинг асосий устунлиги, барқарорлиги ва истиқболлини белгилаб беради. Айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти шароитида манфаатлар мослиги, шу туфайли иқтисодиётнинг тўлақонли ҳаракати, юқори даражали тараққиёти таъминланиши мумкинлиги мавжуддир. **Манфаатлар мослиги, айниқса инсон шахсий манфаатининг асосланганлиги бозор иқтисодиётига қудратли куч бағишлайди.** Асосий масала албатта бозор муносабатларига ўтиш ва бу муносабатлар ҳаракатини тўғри уюштиришда, яъни бозор иқтисодиёти имкониятлари, унинг устунликларидан тўғри ва тез фойдалана билишдадир.

Бозор муносабатларининг ривожлана бориши билан иқтисодиётнинг мутаносиблиги даражаси ўсиб, иқтисодий тушкунлик, ундаги инқирозликнинг олдини олиш имкониятлари ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам XIX ва XX аср бошларидаги капитализмга нисбатан ҳозирги капитализм тубдан фарқ қилиб, у бир қанча зиддиятларга барҳам беришга муяссар бўла олди. У анча тартибли, деярли стихиясиз иқтисодиётни тараққий эттирмоқда. Жуда

катта ҳажмли товарлар ва товарли хизматлар давлатлар томонидан харид қилиниши билан бирга, кўпчилик мамлакатлар иқтисодиётини белгилловчи йирик компаниялар ўз бозорларини аниқ биладилар ва аксарий товарларни олдиндан аниқланган шартномалар бўйича сотадилар. Шу билан бирга давлатлар ҳам иқтисодиётни тартибга солиш соҳасида катта тажрибаларга эга бўлмоқдалар.

1-жадвал

ХІХ аср ва ХХ асрнинг иккинчи ярмидаги капитализмга хос баъзи хусусиятлар

ХІХ аср капитализми	ХХ асрнинг иккинчи ярми капитализми
Ишлаб чиқаришни фабрика асосида умумлаштириш	Хўжаликларнинг миллий ва интернационал миқёсда умумлашуви
Яска тадбиркорлар — капиталистларнинг иқтисодий фаолияти	"Аралаш иқтисодиёт", яъни хусусий, давлат, кооператив, ҳиссадорлик корхоналари
Катта бўлмаган корхоналар ўртасидаги чегараланмаган рақобат	Монополиялар ҳукмронлигидаги чегараланмаган ва тартибга солинувчи рақобат
Эркин бозор ва давлат аралашувисиз индивидуал капиталистнинг ўзини-ўзи бошқаруви	Истеъмол талаби ва тақлифини рағбатлантириш учун миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиниши ва инқироз, ишсизликнинг олдини олиш
Ишсизлик, касаллик, кексалик ҳолатларида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашнинг йўқлиги	Давлат ва бошқа хил ижтимоий фондлар, таъминотларнинг ташкил этилиши

Жадвалдаги таққослаш шуни кўрсатадики, бозор таққиди капитализм деб аталувчи тузумнинг барча томонларига таъсир этиб, ижобий хулосаларга олиб келмоқда. Кейинги вақтларда иқтисодиётни ларзага келтираётган инқирозларнинг деярли олди олиниб, иқтисодий стихиялик ўрнини ташкилийлик эгаллаб, умуман самардорлик устунлик қилмоқда. Бозор туфайли кучли иқтисодиётни яратиш, унинг ривожига эришув натижасида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш соҳасида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса йирик тадбиркор-капиталистлар ёлланувчи меҳнаткашларга ён босиш, синфий ҳамкорликка интилиш ва фақат имтиёзли табақаларнинг фаровонлиги билан чегараланмай, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш ҳақида фамхўрлик кўрсатмоқдалар.

Иш шароитларини яхшилаш, ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш, билим олиш каби муҳим соҳалардан аҳолининг оммавий фойдаланиши даражаси ўсмоқда.

“АРАЛАШ ИҚТИСОДИЁТ” ТУШУНЧАСИ

Маълумки, иқтисодиётда турли шакли кўринишлар мавжуд бўлиб, булар индивидуал, хусусий, кооператив ва давлат хўжаликларидан иборатдир. Хўжалик турларининг хусусиятлари ҳам мавжуд бўлиб, улар бир-бирларидан кўп томонлама фарқланадилар.

Бундан ташқари хўжаликлар бозор муносабатлари ёки бунинг акси бўлган нобозор муносабатларига асосланган бўлиши мумкин, бу ҳам иқтисодиётдаги турлилиikka олиб келади.

Нобозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт давлат тасарруфига тааллуқли бўлиб, биз бу ерда асосан шунга эътибор бермоқчимиз, чунки “аралаш иқтисодиётнинг” асосий сабаби ҳам шундадир.

Иқтисодиёт фақат бозор тизимидангина иборат бўлиши мумкин эмас ва уни идеал тизим деб бўлмайди. Бу биринчидан, бозор иқтисодиётнинг барча томонларини тўлиғича таъминлай олмаслиги ва тўла ҳолда ўз тизимига ололмаслиги бўлса, иккинчидан, иқтисодиётнинг баъзи томонларини бозор эпламай ва унга самарали таъсир эта олмаслиги ва ҳар томонлама ёрдамга муҳтожлигидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти билан бирга давлат иқтисодиёти ва давлатнинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш соҳалари мавжуддир. Чунки иқтисодиёт “аралаш иқтисодиёт” мазмунида бўлиб, бозор тизими давлат иқтисодий фаолияти билан тўлдириб борилгандагина умумий юқори натижага эришилиб, жамият талаби тўлароқ қондирилади.

Тўла тараққий этган эркин бозор иқтисодиётини олсак ҳам, бунда энг камида қуйидаги уч муҳим муаммони бозор механизмлари ҳал қила олмаслигини кўрамизки, булар марказлашган пул муомаласи, туб ижтимоий истеъмол ва иқтисодиётнинг ташқи самарадорлик таъсиридан иборатдир. “Давлат иқтисодиёти” заруриятини тўғри тушуниш учун буларга умумий талқин бериб ўтайлик.

1. Эркин тадбиркорлик жараёнида иқтисодиётни зарур миқдордаги ягона пул тизими билан таъминлаш им-

кони йўқ ва бунда давлат ёрдами керак бўлади. Айтайлик, доллар ва сўм, рубль, танга кабиларни олсак, булар албатта давлат томонидан ташкил этилади. Тўғри, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларни олсак, буларда тижорат банклар жуда ривожланган ва пул муомаласини улар кенг доирада олиб боришлари, чунончи, электрон пул тизимларини жорий этган бўлишлари, вексель, акция, сертификат кабилар муомаласини жорий этишлари мумкин. Лекин барибир бу асосий иш моҳиятини ҳал қилмайди ва ҳамма ерда давлат пул сиёсати амалда бўлиб марказий банкларсиз иш битмайди. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги бозор камчилиги тузатилганлиги ёки бўлмаса бозорнинг пул муомаласи борасидаги ижтимоий талаби даражасида бўла олмаслигини эътиборга олган ҳолда марказлаштирилган пул зарурияти туғилади. Шунинг учун ҳам пул ҳаракати ташкилотчиси сифатида давлат бу вазифаларни ўз зиммасига олади. Айтиш мумкинки, бу вазифани давлат келажакда ҳам ўз қўлида сақлаб қолиб ҳеч кимга бермайди. Бу жараён пул-кредит сиёсати ва солиг-бюджет сиёсатларида анча аниқлашади. Шу билан бирга пул бозорида реаллашади. Чунки марказий пуллар бозори жуда ўзига хос бўлиб, унда сотувчи-монополист давлат жуда кўпчиликни ташкил этувчи харидорларга қарама-қарши туради. Бу харидорларнинг пулга нисбатан бўлган талабларининг мавжудлиги марказий банкларнинг иқтисодий роли қанчалик катта эканлигини ва умуман уларнинг фаолиятларини назорат қилиш муаммосининг қанчалик мураккаблигини кўрсатади.

2. Жаҳон иқтисодиёти илмида соф ижтимоий товарлар деган тушунча мавжуд бўлиб, бу ижтимоий истеъмол заруриятларидан келиб чиқади. “Ижтимоий товарлар” мураккаб тушунча бўлиб, анча мавҳумликка эга. Бу тўрт хил мазмунда бўлади. Биринчидан, инсон ҳақини тўласа ҳам, тўламаса ҳам ўзи учун зарур товарни олиши мумкинлигига ишонч ҳосил қилса, пули бўлганда ҳам бу товарга ўз талабини қаратмайди. Чунки инсон бундай истеъмолдан четлатилмайди. Иккинчидан, истеъмол миқдори барча учун тенгдир. Учинчидан, товарлар биргаликда, жамоа бўлиб истеъмол этилади. Тўртинчидан, товар барчага бир хил миқдорда тегишли ва ҳар бир киши бир хилда истеъмол қилиш имконига эга бўлади.

Юқорида қайд қилинган тўрт хил шартга мос келадиган соф ижтимоий товарлар нималардан иборат? Бу миллий мудофаа, давлат бошқаруви, жамоа тартибини таъминлаш, энергия тизимлари, асосий фанлар кабилардир. Ҳақиқатан ҳам булар барча учун бир хилда зарурдир ва буларни бозор усулида ташкил этганда ҳам самаралик ўзгармайди. Масалан, армия барчага бир хил хизмат қилиши мумкин ва ҳар бир кишининг бу соҳадаги истеъмоли барчаникидек. Асосий фанларни олсак, бу илмий билимлар асоси бўлиб, барчага хизмат қилади ҳамда ундан жамият бир хилда манфаатдор бўлади.

3. Ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг бозорга нисбатан иқтисодий ҳаракатининг ташқи самарадорлиги мавжуд бўлиб, бу айнан пул билан ўлчанилмайдиган ва ҳар бир инсон ҳаётига ҳамда жамиятга реал таъсир кўрсатувчи ҳолатдир. Бу табиатни асраш, экология муаммоларидан келиб чиқади. Маълумки, бозор механизми шароитида ишлаб чиқаришни тезлаштириш, табиий бойликлардан кўпроқ фойдаланишга мойиллик кучли бўлади. Масалан, бозор рақобати доирасидаги саноат корхонаси ўз фаолияти билан атроф муҳитни ифлослайди. Бундан бутун аҳоли зарар кўради. Чунки бозор иқтисодиёти табиатни сақлаш, тикланмайдиган ва қайтарилмайдиган ресурсларни асраш учун тадбиркорларни рағбатлантириш кучига эга эмас.

Бу муаммо фақат давлат иштироки ва унинг фаолияти туфайли ҳал қилинади. Ҳақиқатан ҳам бу соҳада давлатнинг фаол ҳаракатини кўрамиз. Агарда шундай бўлмаса, ривож топган мамлакатлар аллақачон ресурсларсиз қолган ва ундан ташқари ўз хўжалиklarининг ташландиқлари билан тўлиб кетган бўлар эди.

Ташқи самарадорлик (ижобий ёки салбий)нинг реаллашуви хусусий ва ижтимоий харажатларни ҳамда ишлаб чиқариш натижаларини чегаралаш заруриятини тақозо этади. Хусусий харажатлар ва унинг маҳсули бозор тенглиги билан белгиланса, ижтимоий харажат ва маҳсулот ташқи самарадорлик белгиларига кўра хусусийдан кам ёки кўп бўлиши мумкин. Бунда албатта хусусий рақобат иштирокчиларининг манфаати билан жамият манфаати баланси бўлиши талаб этилади. Масалан, давлат табиий муҳитга етказилган зарарни ўлчаш, зарар келтирувчиларга махсус солиқлар белгилаш, зарар кўрганлар

фойдасига бюджет механизми орқали молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш кабиларни амалга ошириши мумкин. Шу билан бирга бунда давлатнинг маъмурий усулларидан фойдаланиш ўринлидир. Айтайлик, инвестиция лойиҳаларини экологик муҳофаза мақсадида экспертиза қилиш, инсон соғлигига зарар келтирувчи технологияни тақиқлаш, миллий ресурсларни сақлаб қолиш ва улардан тижорат йўлида фойдаланишни тақиқлаш кабилар. Бундай чоралар бозор манфаатига зарар келтирмайди. Бинобарин, бу чоралар бозор механизми таъсир эта олмайдиган ва кучи етмайдиган соҳага қаратилган ҳамда инсон эҳтиёжидан келиб чиқадиган чоралардир. Ривожланган мамлакатларда ресурслардан фойдаланишнинг юқори самарали даражага эришуви, табиий бойликлардан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш бунга яққол мисол бўла олади. АҚШда бир неча ўн йиллардан буён қазилма бойликлар манбалари ҳисобига ишлаб чиқариш бирмунча қисқартирилиб, вақтинча тўхтатилган. Нефть манбаларининг анча қисми қайта бекитилиб, қазиб олиш тўхтатилган. Асосий талаб чет мамлакатлар хом ашёларига қаратилган.

Бундай хусусиятли ва “ижтимоий товарлар” мазмунига П. Самуэльсон (Нобель мукофоти эгаси, “Экономикс” дарслиги муаллифи) тиббиёт ва маориф кабиларни ҳам қўшади. Чунки бу тармоқларда ҳам соф ижтимоий товар хусусияти кучли бўлиб, давлат фаолияти бозорга нисбатан самаралидир ва бу соҳада бозор давлатга тенглаша олмайди.

Шу билан бирга буларга бозор муносабатларининг иштироки ва талабнинг ҳолатига келиши аломатларининг мавжудлиги ҳам хосдир. Чунки давлат ихтиёрида бўлишига қарамасдан моддий неъматлар текинга истеъмол этилмасдан тўловга асосланиши албатта хусусийлик аломатининг таъсирини кўрсатади ва у бозорга хос баҳо, таклиф ва талаб механизмлари амали асосида истеъмол қилинади.

Булардан ташқари давлат бозор иштирокчиси сифатида таклиф ва талаб субъекти ҳам, яъни давлат тадбиркорлиги мавжуд бўлиб, бу бир неча тармоқларга тааллуқлидир. Улар асосан “хусусий бозордан қолган” тармоқлардир. Бу албатта ўртача фойдани таъминлаш даражасида бўлади (чунки булар ҳақиқатан ҳам хусусий тадбиркорликка нисбатан умуман паст самаралидир).

Булар катта капитал ҳажмли ва кам фойдали ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурадаги тармоқлар: энергетика, транспорт, алоқа, маориф, соғлиқни сақлаш кабилардир. Шу билан бирга уларга асосан катта харажатлар билан боғлиқ ишлаб чиқаришни фаоллаштиришни талаб этадиган тармоқлар ёки инқирозга юз тутган корхона ва тармоқлар ҳам киради. Бунда давлатнинг асосий вазифаси бу тармоқ ва корхоналарни тараққиёт изига солиш, балансли усулни таъминлашдан иборат бўлади. Буларнинг барчаси хусусий тадбиркорликни қўллаш ва унга ёрдам беришга қаратилган. Булар шу хусусиятлари билан эркин бозордан фарқланади. Чунки барча иқтисодий ҳаракат эркин баҳо, талаб асосида юз бермай, давлат томонидан белгилаш ва чегаралаш чоралари билан тўлдирилиб борилади.

Давлат иқтисодиёти чегараси ўзгарувчан бўлиб, заруриятга қараб миллийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнлари доимо давом этади, бу жараён умуман иқтисодиётни тартибга солиш, такрор ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш асосида юз беради.

Мамлакатларда давлат иқтисодиёти миқёси турлича бўлиб, масалан АҚШда давлат мулки 13—14%, Францияда — 29—30%, Англияда — 20%ни ташкил қилади. Деярли кўпчилик мамлакатларда темир йўл транспорти, энергетика кабилар давлат ихтиёридадир.

Шундай қилиб, “аралаш иқтисодиёт” деганда бозор ва нобозор муносабатлари, бозор ва нобозор иқтисодиёти бирлиги, асосли давлат иқтисодиёти мавжудлигини тушуномқ керак.

Демак, “аралаш иқтисодиёт” мавжуд бўлиб, бунда давлат ва бозор иқтисодиёти биргаликда тараққий этиб қолмай, балки улар бир-бирини тўлдириб келади. Бу инсоният ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти тарафдори ва у рақобатли бозорни қўллаб, янги ижтимоий иқтисодий реалликка эришмоқда, деган маънони билдиради.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Бозор иқтисодиёти моҳиятида товар ишлаб чиқариш жуда аҳамиятлидир. Товар ишлаб чиқариш қадимий иқтисодий воқелик бўлиб, у ўз тараққиёти туфайли бозорни юзага келтиради. Маълумки, товар ишлаб чиқаришнинг

туб моҳияти айирбошлаш учун ишлаб чиқаришдан иборат. Маҳсулот айирбошлаш, унинг даражаси, мавжуд шакллари товар ишлаб чиқаришга боғлиқдир. Зеро, бозор муносабатлари товар ишлаб чиқариш ва унинг муомаласи туфайли юзага келиб, ривожланади.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши товар ишлаб чиқариш ва муомаласини тараққий эттириш, уларнинг юқори даражасига эришувини талаб этади. Бу, аввало, бозор учун зарур товарлар мавжудлигига эришиш билан боғлиқдир. Маълумки, бу жуда юқори даражада бўлмоғи зарур. Кенг тармоқли, катта ҳажмдаги ва жуда хилма-хил товарлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш керак. Шундай йўл билангина бозор иқтисодиётининг моддий асоси яратилади. Бу, аynи вақтда зарур бозор муносабатлари учун иқтисодий шароитларни кенгайтириб боради.

Товар ишлаб чиқариш тараққиёти, ўз навбатида, айирбошлаш муносабатларининг ривожи, унинг шакллари тараққиётига олиб келади. Айтайлик, товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва унинг шакллари бўлган товар муомаласи ва савдонинг тараққиёти бир-бирига боғлиқ:

товар ишлаб \longleftrightarrow айирбошлаш, \longleftrightarrow товар \longleftrightarrow савдо, \longleftrightarrow бозор
чиқариш, \longleftrightarrow муомаласи, \longleftrightarrow

Буларда кетма-кетлик билан бирга акслилик ҳам мавжуд. Юқоридаги тархда кўрсатилганидек, товар ишлаб-чиқариш ва айирбошлаш тараққиёти товар муомаласи ва савдода ўз аксини топиб, пировардида бозор ривожи билан якунланади. Маълум даражагача булар товар ишлаб чиқариш тараққиётидан келиб чиққан ҳолда ривожланиб, унинг таркибий қисми сифатидаги ҳаракатидан иборат бўлса, сўнгра аҳамият нуқтаи назаридан ўзаро ўрин алмашиш юз бериб, бозор иқтисодиёти тизими шаклланиши туфайли, уларнинг аввало ишлаб чиқаришга таъсири кучайиб боради. Юқорида айтганимиздек, ишлаб чиқариш бозор иқтисодиётида тақлиф орқалигина, тақлиф сифатидагина реаллашади. Уни, яъни бозорни тулиғича талабга боғлаб қўяди ва бозор талабга мос ҳолдагина иқтисодиётдаги ўз вазифасини бажара олади.

Рақобат ва баҳолар устида ҳам шуни айтиш мумкин. Бозор иқтисодиётдаги бу категорияларнинг янги мазмунга эга бўлиши, улар аҳамиятининг кучайиши, таъсир доираларининг кенгайиши кабилар айирбошлаш аҳамиятини

ўзгартиради ва ишлаб чиқариш ҳамда айирбошлаш муносабатларининг боғлиқлиги, бир-бирларига таъсир этиш кучлари бошқача мазмунга эга бўлади. Фикримизча, бу категориялар айирбошлаш доираси билан чегараланмай, балки бевосита ишлаб чиқариш соҳасида ҳам кучга эга бўлади ва ундаги иқтисодий воқеликларга бевосита таъсир кўрсатади. Бу жараён қанчалик кучли бўлса, ишлаб чиқариш шунчалик тезлик билан ривожланиш имконига эга бўлади. Натижада бозор иқтисодиётининг инсон турмуш даражасига таъсири самарали бўлади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТАЛАБ ДАВРЛАРИ ТУШУНЧАСИ

Бозор иқтисодиёти аввало ишлаб чиқаришга боғлиқдир, уни ишлаб чиқариш тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ишлаб чиқариш паст даражада бўлса, бозор ибтидоийлигича қолаверади, оддий савдодан четга чиқа олмайди ва умумийлик даражасига кўтарила олмайди. Чунки бозор муносабатлари таъсири учун моддий шароит бўлмайди, улар кенга олмайди, бозорнинг таъсир доираси жуда торлигича қолаверади.

Демак, бозор муносабатларига ўтиш, бозор иқтисодиётини шакллантириш, тадбиркорлар тизимини яратиш ишлаб чиқаришнинг ривожланишидан бошланмоғи зарур. Ишлаб чиқариш тараққиёти маълум даражага етмагунча таклиф ва талаб, рақобат асосидаги иқтисодий ҳаракат юз бермайди. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар аввало кучли ва юқори даражали ишлаб чиқаришга эга бўлган мамлакатлардир. АҚШ, Япония, Германия, Англия, Франция, Канада каби мамлакатларни олсак, булар саноати юқори ишлаб чиқаришга эга бўлган мамлакатларки, бу мамлакатларда ривожланган бозор иқтисодиёти шаклланган. Буларнинг ишлаб чиқариши юксак техника, технология, юқори унумли, самарали тузилишга эга бўлиб, ҳақиқатан ҳам халқ фаровонлигини таъминлай оладиган бозор иқтисодиёти мавжуд.

Шунинг учун ҳам кучли ва ҳар томонлама ривож топган иқтисодиёт аввало тараққий этган ишлаб чиқаришдир. Бозор иқтисодиётидаги мамлакатлар албатта шундай ишлаб чиқаришни яратган ва шу асосда ўз мавқеларини белгилаб бормоқдалар.

Ҳар бир мамлакатда юқори даражали ишлаб чиқаришни яратиш жараёни ҳар хил кечади. Тарихда “саноат революцияси” ва индустрлаштириш даврлари бўлиб, ривож топган мамлакатлар бу даврларни турлича тарзда ва турлича давр ичида бошларидан кечиришган. Бу жараён аввало Англияда бошланган бўлса, сўнгра бошқа Овруро мамлакатларида юз берган. АҚШ ва Японияда эса ўзига хос ҳолда амалга ошган. Ҳозир ҳам бозорга ўтаётган мамлакатларда бу жараён турлича, бирида тез, бирида секинлик билан юз бермоқда. Кейинги вақтларда бу ўрта ва майда мамлакатларда тезроқ амалга ошмоқда. Бу вазифани мамлакатлар фақат ўз ички имкониятлари орқали амалга оширса, ҳозирги мамлакатлараро ҳамкорлик жараёни тезлаштира бошлади. Чунки бошқа мамлакатлардан қарз олиш, янги техника ва технологияни сотиб олиш, фан-техника ютуқларидан, замонавий лойиҳалардан фойдаланиш кабилар ишлаб чиқаришнинг юксалишини ва унинг бозорга мослашуви жараёни тезлаштиради.

Зеро, қандай бўлмасин тезроқ маълум ишлаб чиқариш даражасига эришиш албатта зарур ва фақат шу йўл билан бозорга ўтиш, унинг ривожини таъминлаш мумкин. Юқори даражали ишлаб чиқаришсиз ривож топган бозор иқтисодиётига ўтиш фақат хаёлий фикрдир, чунки амалда бу нарса ҳеч бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Кучли ишлаб чиқаришга эга бўлган мамлакатлар саноати юксалган мамлакатлар қаторига киради. Бундай мамлакатлар **пост индустрия** даврида кўпая бошлади. Демак, пост индустрия даври мавжуд экан, индустрия даври ҳам мавжуд бўлиши керак. Индустрия даврининг вазифаси йирик, кучли ишлаб чиқаришни яратишдан иборат. Бу умуман бозор тараққиёти давридан олдин бўлиб, ҳақиқатан шундай ишлаб чиқариш асосида бозор ўз даврини бошлаши мумкин.

Демак, ишлаб чиқариш даври ҳам мавжуддир. Юқори даражали ишлаб чиқариш бозор муносабатларига ўтиш ва унинг ривожланиши учун зарур шарт экан, булар кетма-кет келадиган тараққиёт даврлари бўлиб, бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш даврини тақозо этади.

Тарихда алоҳида ишлаб чиқариш даври мавжуд бўлган, деган хулосани учратмаслик мумкин. Аммо бу даврни, юқори ишлаб чиқариш юзага келадиган даврни, инкор этиб бўлмайди. Чунки бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг барчаси бу даврни босиб ўтган.

Бозор иқтисодиёти моҳияти устида сўз юритганимизда унинг инсон манфаатидан келиб чиқиши, манфаатлар уйғунлигини таъминлай олишини таъкидлаган эдик. Бунда инсон шахсий манфаати асос бўлиб ҳисобланади, бу эса унинг истемол даражасидан келиб чиқади. Бозор шароитида бу фақат талаб орқали амалга ошади. Чунки инсон истемоли, унинг эҳтиёжи бозорча талабга айланмагунча реаллаша олмайди. Бинобарин, талаб бозорнинг асосини ташкил этади ва бозор механизмлари асосида ҳам шу талаб ётади. Талаб бозор мазмунини белгилайди, чунки бозор иқтисодиёти асосан талабга қаратилган.

Демак, бозор умуман талаб билан белгиланади ва у билан характерланади. Шунинг учун ҳам талабнинг бозор учун умумий хусусиятлилиги, аҳамияти, асосийлиги, бозорнинг шу билан белгиланиши кабиларни эътиборга олсак, буни талаб даври, деб айтиш мумкин. Чунки бозор талабни қондириш жараёнидан иборатдирки, ҳақиқатан ҳам бозор иқтисодиётини акс эттирувчи ҳодиса талабдир.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шаклланиши икки даврни: ишлаб чиқариш ва талаб даврини ўз ичига олади. Бозор иқтисодиётига ўтиш фақат ишлаб чиқариш даври туфайли содир бўлиши мумкин. Бинобарин ишлаб чиқаришгина товарлар ва товарлашган хизматлар мўл-кўллигини таъминлайди. Талаб даври эса инсоннинг ҳар томонлама талабларини қондириши мумкин.

Айни вақтда, талаб товарлар ва товарлашган хизматларга бўлган талабларни ўз ичига оладик, буларнинг ишлаб чиқариши бир хилда юқори даражада бўлиши керак. Агарда бозор иқтисодиёти ривож топган мамлакатларни олсак, бунга ишонч ҳосил қиламиз. Айтайлик, АҚШ да хизмат кўрсатиш соҳасидаги бандлик 72—73% ни ташкил этади ва фақат 28—27% гина моддий ишлаб чиқаришда банд. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги республикаларида


бу кўрсаткич 25—26% ва 75—74% дан ошмайди, Ўзбекистонда эса 23—77% га тенг.

Ишлаб чиқариш даври асосан бозор муносабатларига ўтиш, унинг иқтисодий шакллантириш босқичига тўғри келиб, бунда бозорга мос ишлаб чиқаришни яратиш талаб этилади. Бозор сари бўлган ҳаракатнинг самарадорлиги асосан шунга боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқариш ва талаб даврига хос фикрларни жуда аниқ, очиқ ва мукамал бўлмаса ҳам, чет иқтисодий адабиётларида учратиш мумкин. Бундан ташқари ғарбий иқтисодчиларнинг тадбиркорлик фирмаларининг бозор фаолиятига нисбатан тамойилларини белгилаш концепцияларига хос даврларни келтириш мумкин. Буларнинг кўзга кўринган вакиллари Ф. Котляр, Т. Левий, П. Друккерлардир.

Айтайлик, “ишлаб чиқариш концепцияси”. Бу йўналишда асосий мақсад ишлаб чиқариш бўлиб, бозор ва бозор талабини чегарасиз, деб билишади, яъни нима бўлса ҳам ишлаб чиқарилса бўлди, дейилади. Чунки бу биз айтган ишлаб чиқариш даврига хос нарса ва таклиф паст даражада бўлади. Сўнгра “реализация концепцияси” даври келади. Бунда тамойил “мана товар, энди сотаверинг” маъносига эга бўлади. Буни ишлаб чиқариш даврининг кейинги босқичлари, яъни юқори даражага яқинлашиш босқичи, дейиш мумкин. Учинчи давр маркетинг тамойили даври бўлиб, бунда ишлаб чиқариш ва маҳсулотни сотишгина эмас, балки асосий мақсад истеъмолчиларнинг эҳтиёжи, уларнинг талабини қондиришдир. Демак, маркетинг даври ишлаб чиқариш давридан сўнг талаб даврининг бошланишига тўғри келади. Бундан маркетинг ишлаб чиқариш давридан сўнг юзага келган ва у талаб даври маҳсули, дейиш мумкин. Чунки унда ишлаб чиқариш муаммоси ҳал бўлиб, талаб даври, яъни талаб муаммоларини ҳал қилиш даври бошланади.

1- тархдан ишлаб чиқариш ва талаб даврлари, Ғарб олимлари айтган концепцияларнинг боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Бу даврлар расман маълум вақтда очиқ-ойдин бўлган, дейишга асос бўлмаса ҳам бозор иқтисодий шаклланиши ва унинг мазмуни буларни тақозо этади.



1-тарх. Ишлаб чиқариш ва талаб давларига оид ифода-тушунчалар

Бозор иқтисодиётининг ривожда капитализмнинг ўрни катта. Ҳақиқатан ҳам бозор, унинг икки даври шу тузумда тўла шаклланиб, самарали ривожланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароитини яратишда, ишлаб чиқариш даврини муваффақиятли босиб ўтишда ва талаб даврини юзага келтиришда капиталистик ҳўжалик тизимининг роли беқийс.

Шунинг учун бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш, уни шакллантиришда капиталистик тажрибадан фойдаланиш, унинг ҳўжалик усулини асос қилиб олиш юқори самара бериши мумкин.

БОЗОР ВА НОБОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Умуман бозор муносабатлари нобозор иқтисодиёти асосида шаклланиб, нобозор иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтилади.

Мамлакатимизда шу давргача мавжуд бўлган иқтисодиётни нобозор иқтисодиёти дейиш мумкин, чунки у бозор муносабатлари тизимига эга эмас, уни бошқариш нобозорча усул асосида амалга ошар эди.

Нобозорча маъмурий-марказлашган иқтисодиётнинг истиқболсиз ва самарасизлигини таъкидлаб, унинг сал-

бий томонларига эътибор берар эканмиз, бунинг асосийларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. Маъмурий бошқарув, мажбурий марказий планлилик ва умумий итоаткорлик.

2. Хўжалик бошқарувининг ўта марказлашуви.

3. Хўжаликнинг аниқ ҳаракат шароитларининг ҳисобга олинмаслиги.

4. Хўжаликлар ва уларнинг иш манфаатларининг эътиборга олинмаслиги.

5. Ижтимоий-иқтисодий ва хусусий-иқтисодий манфаатлар ўртасидаги зиддиятнинг кучайиши.

Маъмурий бошқарув сунъийликка асосланади ва бунда субъективлик ҳукмронлик қилади. Иқтисодиёт ўзининг объектив қонунлари асосида ривожлана олмайди. Собиқ Иттифоқда бевосита расмий давлат билан бир қаторда бошқа норасмий “давлат” бўлиб, бу коммунистик партия эди. Муҳим масалалар, иқтисодий йўналишлар партия қурултойи, пленумлари томонидан белгиланиб, буларнинг қарорлари жуда катта кучга эга ва унинг ижроси ўта мажбурий эди. Расмий давлат ва улар идораларининг хўжалик фаолиятлари ва иқтисодиёт соҳасидаги ижролари мазкур партия кўрсатмаларига қатъий риоя этилиши, мажбурийлиги, бунда бирор бир оғиш, четлашувнинг бўлиши мумкин эмас эди.

Хўжаликнинг, умуман иқтисодиётнинг барча томонлари, ҳатто майда-чуйдасигача режалаштирилиб, режалар қонунга айлантириллар ҳамда кам-кўстсиз ижро этилиши талаб этиларди. Шу билан бирга ишлаб чиқариш натижаси, умуман хўжалик фаолияти ҳулосаси режага, унинг бажарилиш даражасига боғлиқ бўлиб, даромаднинг тақсимланиши, ишловчининг даромад ҳажми ҳам шундан келиб чиқар эди. Бу жараёнларда сунъийлилик, субъективлилик ҳукмронлиги туфайли кўрсаткичлар, вазифалар объектив ҳолатни ифодамай олмаганлиги сабабли ноҳақлик авж олди. Айтайлик, маҳсулот ҳажми, унинг ишлаб чиқариш имкониятлари, умуман хўжалик фаолияти ҳажми кўпинча режаларда тўғри ҳисобга олинмаганлиги учун даромад олиш, рағбатлантириш реал ҳолатни акс эттира олмас эди. Бундай шароитда оз иш учун кўп ҳақ олиш ва рағбатлантириш ҳолатлари оммавий тус олган эди. Маълумки, бундай шароитда ишловчининг хўжалик фаолиятига бўлган муносабати ёмонлашади ва

унинг ишни яхшилаш учун қизиқиши бўлмайди, унумдорлик ўсмайди. Буларнинг барчаси хўжалик фаолияти натижасига салбий таъсир кўрсатади.

Иқтисодий фаолиятда мажбурийлик, кўр-кўрона итоаткорлик инсон шахсига нисбатан салбий таъсир кўрсатди, иш самарадорлиги пасайиб борди, чунки бегоналик муносабати устунлик қилди.

Бундай нобозорча иқтисодиётнинг кейинги салбий томони бошқарувнинг ўта марказлашуви бўлиб, бу ҳудудлар манфаатига зид келувчи ҳодисаларни юзага келтирди. Мамлакат бир марказдан бошқарилиб, барча хўжалик фаолияти шу марказ манфаатига қаратилган эди. Умумиттифоқ бўйича ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, бу асосдаги ижтимоий меҳнат тақсимотининг ўрнатилиши, халқ хўжалиги комплексининг барпо этилиши жуда кўп номаъқул ва жуда қимматга тушадиган иқтисодий алоқаларни яратди. Ҳудудларнинг бир-бирларига боғлиқлиги шунчалик кучли эдики, бу кўпинча самарасиз бўлиб, ишлаб чиқариш ривожига жуда катта зарар келтирди. Чунончи, бундай марказлашув туфайли Ўзбекистон фақат хом ашё ишлаб чиқарадиган республикага айлантирилди. Бунда техника экинлари, қазиб чиқариш саноати авж олиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш жуда суст юзага келди. Айниқса истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш, машинасозлик ва асбобсозлик жуда кам тараққий этди. Бу биринчидан, паст даромадли тармоқларнинг ривожланишига олиб келса, иккинчидан, бевосита истеъмол билан боғланган тармоқлар, умумий тараққиётни белгиловчи саноат хилларининг ривожланмаслигига олиб келади.

Бундай нобозорча иқтисодиётнинг учинчи хил салбий оқибатлари хўжалик ҳаракати шароитининг эътиборга олинмаслигидир. Ялпи режали тузумга асосланган хўжалик юритиш олдиндан юқоридан белгилаш тамойили бўйича бошқаришни сингдирди. Бунда умумдавлат манфаати асосида белгиланган иқтисодий вазифа маҳаллий манфаатлар, умуман инсон манфаатини четлаган ҳолда, имкониятлар тўла ҳисобга олинмаган тарзда ҳудудлар, корхоналар, жамоалар учун мажбур этиб белгиланади ва бу вазифалар зўрлик билан бажарилиши талаб қилинади.

Энг оғир натижа шуки, мавжуд имкониятларсиз, хўжалик юритиш шароитларида тескари иш олиб бориш хўжа-

лик механизмларини оқсатади ва тез ишдан чиқаради, уларнинг ўрнини маъмурий ва ҳарбийларга хос усуллар алмаштириб боради, сиқув-назорат кучаяди.

Кейинги масала хўжаликлар ва уларнинг иш манфаатларини эътиборга олмаслик, дедик. Тоталитарлик, авторитарлик хўжалик соҳасини ҳам қамраб олади. Хўжалик механизмлари ўрнини буйруқбозлик эгаллайди, иқтисодиёт қонун ва қонуниятлари таъсири тўхтаб, тўла сунъийликка ўтилади.

Нобозорча иқтисодиёт салбий оқибатларининг кейингиси ва энг муҳими ижтимоий-иқтисодий ва хусусий-иқтисодий манфаатлар ўртасидаги зиддиятларнинг кучайиб боришидир. Таъкидлаганимиздек, маъмурий-режали хўжалик бошқариш усули ижтимоий манфаат номи билан давлат манфаатини юқори кўяди, шахсий манфаатни эса унга бўйсундириб, уни асосан инкор этади. Бу эса пировардида ишловчилар даромадининг паст даражада бўлиши, ижтимоий муаммоларнинг кучайиб бориши, истеъмол буюмлари, хизмат кўрсатиш ишлаб чиқаришини ночор ҳолда бўлиши билан яқунланади. Ижтимоий ва шахсий иқтисодий манфаатлар ўртасидаги зиддиятнинг кучайиши натижасида умуман жамият тараққиёти зарар кўради, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, турмуш тарзининг бузилиб бориши юз беради. Бу мавжуд тузумни ўзгартириш ва маъқул истиқболли тузумни юзага келтиришни зарур қилиб кўяди.

Биз таҳлил қилаётган нобозор тузуми ишлаб чиқаришни издан чиқаради. Масалан, собиқ СССР даврида ишлаб чиқариш асосан воситалар ишлаб чиқариш ва ҳарбийча мазмунда эди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилиши ва қишлоқ хўжалик танг ҳолда эдики, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тўртдан уч қисми биринчи бўлинма, яъни ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқаришдан иборат бўлса, фақат тўртдан бир қисми иккинчи бўлинма, яъни истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга тўғри келган, бевосита истеъмол эса бундан ҳам паст бўлган эди.

Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқларда яшаши ва унинг бевосита қишлоқ хўжалиги ишларига бандлик даражаси 35—40 фоизга боришига қарамай, республика ўзини-ўзи озиқ-овқат билан таъминлай олмади ва у асосан четдан олиб келинди.

Маъмурий-режали тизим даврида иқтисодиёт ўз ички қонунлари бўйича ҳаракатда бўлмай, балки сиёсат ва ғоя таъқиблиги остида эди. Давлат манфаатини таъминлаш шiori остида аҳолини тўхтовсиз қишлоқ хўжалик ишларига сафарбар этиш, бундай амалиётни қурилиш ишларида ҳам қўллаш, керакли ва кераксиз шанбаликлар ўтказиш ва ҳоказолар бунга мисол бўла олади. Оддий ҳолда қилинадиган ишлар ҳам сафарбарлик орқали бажарилиши оммавий тус олган эди. Текинга давлатга деб меҳнат қилиш одат тусига кирган эди.

Бу тизимнинг яна бир энг зарарли томони сифат муаммосининг чуқурлашуви, кучайиши бўлди. Шахсий манфаатдорликни эътиборга олмаслик жавобгарликнинг йўқ бўлиб кетиши, бегоначилик қайфиятининг авж олиши маҳсулот сифатида ўз аксини топиб, бу ҳар томонлама жамиятга зарар келтирди. Ишловчининг технологик талабга риоя қилмаслиги туфайли ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар асосан паст сифатли, истеъмол хусусиятларининг етишмаслиги билан фарқланар эди.

Маълумки, товар ишлаб чиқарилар экан, у истеъмол учун зарур барча хусусиятларга эга бўлиши керак. Сифатсиз товар бўлиши мумкин эмас. Шундай бўлгандан кейин товар сифати тўғрисида гап юритиш ҳеч қандай мантиққа эга бўлмайди. Чунки бунинг ўзи ишлаб чиқариш жараёнини англатади, унинг мазмунига киради.

Бозор хўжалик усулига келсак, бутунлай бошқача ҳолатни кўрамиз. Бозор иқтисодиёти бир қанча устунликларга эгаки, у ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Аввало биз юқорида кўриб ўтган нуқсонларни бартараф этади ва маъмурий-режали ўта марказлашган бошқариш усулининг салбий оқибатларига йўл қўймай, хўжаликларнинг эркин ҳаракат қилиш шароитини яратади.

Бозор иқтисодиёти механизми мавжуд илмий технологик янгиликларнинг қўлланишини рағбатлантиради, харажатларни пасайтириш, сифатни кўтариш, товарлар ва хизмат кўрсатиш хилларини кўпайтиришга олиб келади, ишлаб чиқариш ҳажми ва тузилишини талабга мослаб боради.

Бозорча усулнинг энг муҳим ва асосий афзалликларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Бозор иқтисодиётида шахсий манфаатдорликнинг асослиги.

2. Эркин иқтисодий фаолият.

3. Хўжалик юретишдаги ташаббускорлик.

Юқорида бозор иқтисодиёти ривожининг инсон манфаатидан келиб чиқишини таъкидлаган эдик. Манфаатлар ичида шахсий манфаатнинг устунлиги ва ижтимоий манфаат шахсий манфаат асосида юзага келиши ҳақида ҳам гап юритган эдик.

Ҳақиқатан ҳам бозор иқтисодиёти ҳаракати шахсий манфаатнинг реаллашуви туфайли юз бериши мумкин, бусиз унинг муносабатлари ҳаракати учун зарур иқтисодий шароит мавжуд бўлиши мумкин эмас. Шахсий манфаатнинг таъминланиши, шу асосда хўжаликнинг юритилиши иқтисодий муваффақиятни таъминлайди. Бозор иқтисодига шахсий манфаатгина озуқа беради. Ижтимоий манфаат, давлат манфаати устунлиги эса зарурий шароитдагина вақтинча ёки тасодифий ҳолатлардагина куч бериши мумкин.

Иқтисодиёт инсон талабига қараб ривож топади, истеъмолга қараб ишлаб чиқариш кенгайди. Шунинг учун иқтисод бозор усули билан бошқариладиган мамлакатларда товар камчилиги эмас, балки ортиқчалиги муаммодир. Бозор иқтисодиётидаги диққатни ўзига жалб этадиган, жуда қийинчилик билан кўчадиган нарса товарларни сотишдир, чунки товарларнинг мўл-кўллиги, уларнинг хилма-хиллигига эришилади. Америка Кўшма Штатлари ва Оврўпо етакчи мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш эмас, балки уни камайтириш, айниқса экин майдонларини қисқартириб ҳосилни ошириш давлат томонидан дотация этилади.

Бозор асосида ривожланган мамлакатларда ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилиниши анча юқори. Шахсий манфаатнинг реаллашуви, айниқса, даромад тақсимотида яққол кўринади. Ҳақиқатан ҳам меҳнат, фаолият натижасига қараб ҳақ тўланади. Даромад даражаси нисбатан жуда юқори. Демак, турмуш даражаси ҳам юқори. Бу юқори даража кенг ривожланган бозор иқтисодиётининг ҳосиласидир.

Кейинги муҳим афзаллик — эркин иқтисодий фаолиятнинг жорий этилиши. Маълумки, инсон тарихан эркинлик учун курашади ва бора-бора барча соҳаларда шунга эришади. Иқтисодиёт соҳасида бу бозор усули туфайли

амалга ошади. Бунинг асоси хўжаликка бўлган муносабат, аввало, ишлаб чиқариш воситаларига бўлган муносабат билан белгиланади. Бозор шароитида хўжалик ўзиники бўлишигина бу соҳада эркин ҳаракат, ихтиёрий фаолият кўрсатиш шароитини яратиши мумкин.

Бу, аввало мулк муносабатларига, мулк шаклларига боғлиқ. Бозор муносабатлари ҳукмронлигида ижтимоий мулк асос бўла олмайди. Демак, маъмурий-режали бошқарув усулига хос мулк шакллари тубдан ўзгариши талаб қилиниб, у эркин иқтисодиёт шароитига мос ҳолга келтирилади.

Хўжалик ўзиники, қайси иш билан шуғулланиш эркинлиги бўлгандан кейин эътибор фақат тўла бозор учун ишлаш ва бор имкониятларини ўз хўжалигини ривожлантириш учун қаратилади. Иш асосан бозор талаби билан тўхтовсиз ўзгартириш, янгилаш асосида олиб борилади. Хўжалик ўз механизмлари туфайли ҳаракатда бўлади, иқтисодиёт эса ўзининг қонун, қонуниятлари асосида эркин ҳаракат қилади.

Бозор иқтисодиётининг яна бир афзаллиги ташаббускорликка асосланиш, дедик. Бу хўжалик юритишдаги эркинликдан келиб чиқади. Эркинлик жон куйдириш, бор имкониятларини ишга солишни талаб қилади. Хўжаликни кенгайтириш, иш юритишга янгиллик киритиш, уни тўхтовсиз такомиллаштириб бориш табиий талабга айланади, бусиз аввало тадбиркор бўлиш мумкин эмас. Бу албатта ҳар томонлама, айниқса, моддий рағбатлантирилади.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни тўхтовсиз бозор талаби асосида янгилаб бориш ички талабга айланади. Бусиз тадбиркорнинг шахсий манфаати рўёбга чиқмайди, амалга ошмайди. Бировнинг далда бериши, давлатнинг кўрсатма беришининг ҳеч ҳожати йўқ. Ташаббус ихтиёрий бўлиб, ташаббускор ўз билими, тушунчаси, тажрибаси ва умуман бор имкониятларини тўла ишга солишга ҳаракат қилади.

Кўриниб турибдики, бозор ташаббускорликнинг иқтисодий асосини яратиб беради, ташаббускорликсиз бозор иқтисодиёти ривожланмайди.

Жамият тараққиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, инсоният ҳаётининг асоси бўлган иқтисодиёт учун энг маъ-

кул бўлган йўл бозорча ривожланишидир. Иқтисодиётни бозор усулида бошқариш цивилизациянинг энг катта муваффақиятидир. Чунки инсоннинг азалий талаби бўлган даромаднинг ортиб бориши ва истеъмолнинг ўсиб боришида фақат бозор усули восита бўла олиши мумкин. Инсоният бундан албатта самарали фойдаланиши, уни тўхтовсиз тақомиллаштириб бориши, уни бойитиб бориши зарур.

Бозор иқтисодиёти билан аралаш иқтисодиётнинг мавжудлигидан қатъи назар, ўтиш даврига хос хусусиятлардан бири шуки, давлат иқтисодиёти узоқ вақт устунлик қилади, чунки давлатнинг ўзи бозор муносабатларининг шаклланиш ташаббускори бўлиб, ўтиш давридаги асосий юкни ўз зиммасига олгандагина бу жараён тезлашади.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. **Бозор ва бозор иқтисодиёти.** Бозорни оддий савдо, сотувчи ва харидорларнинг муносабатлари сифатида тушуниш мавжуд. Бозор иқтисодиётини товар муомаласи, шунингдек, хўжалик усули, хўжаликлараро алоқа тури, деб тушуниш мавжуд. Лекин бозор иқтисодиёти кенг тушунча бўлиб, у муомала ва алоқа усули тушунчалари билан чегараланмай, балки барча тармоқ ва соҳаларни ўз ичига олган иқтисодиёт тизимидир.

2. **“Кўзга кўринмас қўл”.** Бу бозор иқтисодиётининг ички ҳаракатини тушунтирувчи ўзини-ўзи бошқарув, тартибга солиш, ўз ички қонуниятлари асосидаги ҳаракат қобилиятидир. У янги илмий-технологик ечимларни ишлаб чиқаришда қўллашни, иқтисодий тараққиётни таъминлайди. Ишлаб чиқариш ҳажми ва тузилишини талабга мослайди, харажатларни камайтириб, товар ва хизмат кўрсатиш сифатини кўтаради.

3. **Бозор ва манфаатлар уйғунлиги.** Бозор хусусий, жамоа ва ижтимоий манфаатлар мослигини таъминлаш хусусиятига эга бўлиб, бунинг асосида инсон шахсий манфаати устунлиги ётади. Тадбиркорнинг шахсий манфаати харидор-истеъмолчилар шахсий манфаати орқали амалга ошиши мумкин.

4. **“Аралаш иқтисодиёт”.** Бозор иқтисодиёти ягона тизим бўлиб қолмай, шу билан бирга давлат иқтисодиёти ҳам мавжуд. Цивилизацияли иқтисодиётда давлатнинг тартибга солиш фаолияти кенгайиб боради ва у айни вақтда бозор иштирокчиси сифатида фаолият кўрсатади.

5. Ишлаб чиқариш ва талаб даврлари. Бозор иқтисодиёти даврлари бўлиб, бунда бирламчи бўлган ишлаб чиқаришни яратиш ўтиш даврига хос. Бунда товар ва товарлашган хизматлар мўл-кўллиги, демак, бозорнинг моддий асоси яратилади. Талаб даври фақат юқори даражали ишлаб чиқариш шароитида ва ишлаб чиқаришнинг тўлиғича талабни қондира олиш даражасига эришилганда бошланади. Талаб даври бозорнинг туб мазмунини ўзида акс эттиради.

6. Бозор ва нобозор иқтисодиёти. Бозор нобозор иқтисодиёти асосида юзага келади ва асосан эркин иқтисодий ҳаракат, шахсий манфаатга асосланган ва ташаббускорликни рағбатлантириш хусусиятлари билан фарқланади. Мамлакатимизда мавжуд бўлган нобозор иқтисодиёти жуда кўп нуқсонларга эга бўлган ва у самарасизлиги билан фарқланган.

МАВЗУ БЎЙИЧА САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Бозор, бозор муносабатлари ва бозор иқтисодиётлари тўғрисида қандай тушунчага эгасиз. Буларни тўла талқин эта оласизми?

2. Бозор моҳиятини олди-сотди жараёни билан чегаралашга қандай қарайсиз? Товар муомаласи билангина чегараланишгачи? Бозор иқтисодиётининг хўжалик усули ва хўжаликлараро алоқа, деган тушунчани қандай изоҳлайсиз?

3. Улуғ иқтисодчи олим Адам Смитнинг “кўзга кўринмас қўл” иборасини қандай тушунасиз?

4. Адам Смитнинг бозор моҳиятига хос назарияси билан танишиш тавсия этилади.

5. “Аралаш иқтисодиёт”ни қандай тушунасиз? Унинг бозор иқтисодиётига боғлиқлик томонлари ва алоқалари борлигини биласизми?

6. “Соф ижтимоий товарлар” жумбоғини ечиб беринг.

7. Давлат иқтисодиётининг бозор шароитидаги ҳолати ва унинг бозор иқтисодиёти ривожига таъсирини етакчи мамлакатлар мисолида кўрсатиб беринг.

8. Бозор ва товар ишлаб чиқариш муносабатларини аниқлаб беринг ва уларнинг бир-бирига боғлиқлиги ва белгилаб келиш аломатларини кўрсатиб беринг.

9. Бозор иқтисодиётида айирбошлаш муносабатларида ва шаклларида қандай ўзгаришлар юз беради?

10. Бозор иқтисодиёти шаклланишида капитализмнинг аҳамияти қандай? Буни мисоллар билан тушунтириб бера оласизми?

11. Бозор иқтисодий тизимининг устуңликлари нимада? Бу тизимда инсон шахсий манфаати қандай ҳал қилинади?

12. Нобозор ва бозор тизимларини маъмурий-бўйруқбозлик иқтисодиётига таққослаб тушунтириб, уларнинг салбий ва ижобий томонларини кўрсатиб беринг.

II. ИҚТИСОДИЙ РАҚОБАТ, МОНОПОЛИЯ ВА УЛАРНИНГ БОЗОР РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

ИҚТИСОДИЙ РАҚОБАТ ТУШУНЧАСИ

Бозор иқтисодиётига хос ва уни ҳаракатга келтирувчи, тараққий этишига катта таъсир кўрсатувчи рақобат курашидир. Рақобат курашининг аҳамияти шунчалик юқорики, усиз бозорни тасаввур этиб бўлмайди, чунки у бозор иқтисодиётининг мазмунига айланиб кетади.

Бозор шароитидаги рақобат **иқтисодий рақобат** бўлиб, у иқтисодий жараёнда юз беради. Ундаги асосий мақсад бозор иштирокчиларининг эркин фаолияти шароитини яратиш, ҳар бир иштирокчи ўз ҳаракати учун зарур муҳит ва ҳолатни таъминлаш билан боғлиқ бўлган курашдан иборатдир. Ҳар бир бозор иштирокчисининг керакли ишларни бошқаларга нисбатан муваффақиятли ҳал қилиши, бунинг учун зарур шароитларни олдиндан ва ўз вақтида ярата олиши, доимо устунликка эга бўлиши кабилар иқтисодий рақобат курашининг мазмунини ташкил қилади.

Бозор иқтисодиётида қатнашувчилар бир-бири учун рақиб ҳисобланиб, бир-бирлари билан ўз фаолиятларининг муваффақияти учун кураш олиб борадилар. Алоҳида-алоҳида ҳолдаги иштирокчиларнинг бир-бири ўртасидаги кураши умуман бозор иқтисодиёти билан якунланади.

Иқтисодий рақобат курашида қатнашувчилар бир-бирларини шахсан билишлари, таниш бўлишлари зарур эмас. Бунинг учун аввало бозор хусусияти, унинг ҳаракат қонуниятларини яхши билган, сезган ҳолда фаолият кўрсатиш асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, ҳар бир нарсада, ҳар қандай шароитда тезроқ, эртароқ, ҳар томонлама ўйлаб ҳаракат қилган олдин улгурганидек ва тўла мақсадга эришганидек рақобат курашида бозор масалаларини ҳал қилиш ҳам шунга ўхшаб кетади.

Рақобат курашида барча ҳам муваффақиятга эришишга муюссар бўлмайди. Бу тажриба, билим, матонат, таваккалчилик ва албатта, йирик сармоёга эга бўлишни талаб қилади.

Рақобат кураши кенг мазмунли, кўп қиррали бўлиб, бозор иқтисодиётининг барча даврлари, соҳалари, тармоқларида юз беради. Рақобат курашига бардош бера оладиган шахсгина бозор тараққиётига кўп ҳисса қўша олади.

Рақобат курашининг асосий мазмуни харидорларни ўзига кўпроқ жалб этиш шароитини яратишдир. Чунки ҳар бир тадбиркорнинг молини сотиб оладиган харидор кўп бўлса, у сотиш муаммосини тезроқ ҳал этади, умуман иши тезлашади, юқори фойда олади. Сармояси қанча тез қайтиб, тез ҳаракатда бўлса, шунчалик кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга, кўпроқ сотишга муяссар бўлади.

Харидор учун курашдаги энг муҳим нарса зарур товарни, хизматни ўз вақтида ва кўпроқ ишлаб чиқариш ва харидорга тезроқ етказишдир. Бу жараёнда бошқаларга нисбатан олдинроқ улгурса, албатта у бу курашда голиб чиқиш имкониятини қўлга киритган бўлади. Бу, биринчи навбатда, бир хил товар ишлаб чиқарувчилар ва бир хил харидорлар ўртасидаги курашдир. Шунинг учун ҳам рақобатдаги ҳаракатнинг кенг ҳажмлиси бозор учун, товарни муваффақиятли сотиш учун бўлган курашдир.

Рақобат кураши иқтисодий фаолиятнинг бошқа тармоқ ва соҳаларида ҳам юз беради. Масалан, хом ашё учун курашни олайлик. Маълумки, бу ишлаб чиқаришда катта аҳамият касб этади. Керакли хом ашёни ўз вақтида, керакли миқдор ва хилда олиш учун ҳаракат қилиш умумий муваффақият учун зарур шартдир. Баракали, юқори самарали хом ашё жойларини қўлга киритиш учун, шунингдек, материаллар, унумли ва арзон энергия учун кураш катта ўрин эгаллайди.

Булардан яна бири иш кучи таъминотидир. Юқори ма-лакали, тажрибали ишчи, хизматчиларга эга бўлиш, айниқса тадбиркор, савдогар учун жуда керак. Етарли миқдорда уларга эга бўлиш, касаба уюшмаларига таъсир этиш учун кураш рақобатда ўринлидир. Демак, сотувчилар, тадбиркорлар ўртасидаги рақобат асосан харидорлар, иш кучи, хом ашё, материал, маъқул энергия хили учун олиб борилади.

Рақобат курашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган нарса **баҳодир**. Умуман, баҳо талаб ва таклиф мувозанатининг натижаси бўлиб, рақобат орқали юзага келади.

Маълумки, ҳар бир товарга талаб юқори бўлса, баҳо ҳам кўтарилиши керак. Шунга кўра товарлар сарф-харажатига кўра жуда юқори ёки жуда паст баҳода сотилиши мумкин. Юзаки қараганда сунъий равишда талабни кўтариш туфайли баҳони ошириш мумкинга ўхшайди. Мавжуд шароитга кўра шундай ҳолат ҳам юз беради. Лекин рақобат натижасида бундай ҳолат доимий ёки узоқ чўзилиши мумкин эмас. Барибир кўп товар сотишга интилиш устун келади.

Истеъмолчининг даромад даражасига таъсир кўрсатувчи баҳо рақобат ҳолатига боғлиқ бўлиб, у турғун бўла олмайди ва тўхтовсиз ўзгариб туради. Бозор иштирокчилари учун бозор ҳолатини кўрсатиб турадиган нарса ҳам баҳо бўлиб, у сотувчи ва харидорларнинг ҳаракат йўналишини аниқлаб беради. Чунки бозор иштирокчилари бозорга қачон ва қанча товар етказиб туришни баҳо даражаси орқали аниқлайдилар. Бу эса бевосита ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади. Қачон, қанча, қандай товар ишлаб чиқаришни бозордаги юзага келиб турган баҳо орқали белгилаб иш кўрилади.

Рақобат туфайли пайдо бўладиган бозордаги баҳоларнинг тадбиркор ва истеъмолчилар учун муҳимлигини белгиловчи икки томони мавжуд. Биринчисида тадбиркорнинг фойдаси ва даромади ифодаланади, иккинчисида бозор ҳолати аниқланади.

Истеъмолчи — харидорни олсак, у ҳам баҳога икки томонлама боғлиқдир. Биринчидан, баҳонинг даражаси, ҳаракат мазмунига қараб, қайси товарни қачон сотиб олиш ва қанча миқдорда сотиб олишни аниқлайди. Иккинчидан, даромаднинг тақсимланиши ва реаллик даражасини аниқлаб беради. Баҳо кўтарилиб бораверса, албатта даромад даражаси пасайиб боради. Лекин рақобат баҳоларнинг пасайишига ҳам олиб келади. Чунки иқтисодиётда, шахсий даромадда юз берадиган барча ўзгаришлар бозорда рақобат туфайли юзага келадиган баҳо даражасида ўз ифодасини топади. Шунга кўра, барча бозор иштирокчилари, айниқса тадбиркорлар, катта диққат ва эътибор билан баҳони кузатиб борадилар, унинг ўзгаришини ўз вақтида билиб туриш чораларини қўлайдилар.

Демак, бозорда пайдо бўладиган баҳо бозор иқтисодиётининг кўзгуси бўлса, рақобат уни юзага келтирувчи куч-

дир. Рақобат ва баҳо механизмлари ўз таъсирлари билан бозорни ҳаракатлантирувчи муҳим механизмлар бўлиб, бозор иқтисодиётининг бошқарилишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Улар бозор иқтисодиётининг ўзидан-ўзи ҳаракатга келтирувчи ва бошқарувчи ички кучларидирки, унга ташқаридан сунъий таъсир кўрсатиш ва баҳони рақобатсиз олдиндан белгилаш бозор табиатига тўғри келмайди, унинг механизми ҳаракатларига фақат салбий таъсир кўрсатади.

Айтиш мумкинки, рақобатнинг асосида, шахсий манфаат ётади ва бу рақобат курашининг кучайиши, таъсирининг ортиб бориши учун куч бағишлайди. Бунинг боиси шуки, ҳар бир иқтисодий бирлик ўз нафсини кўзлайди. Ҳар бир тadbиркор юқори фойда учун, ҳеч бўлмаганда кам зарар учун курашади. Моддий ресурслар эгалари уни сотишда ёки ижарага беришда юқори баҳо орқали иш тутишга уринади. Иш кучи эгаларини олсак, миқдори ва мураккаблиги бир хилдаги меҳнатларига имкони борича кўп даромад олишга ҳаракат қиладилар. Буларнинг ҳаммаси харидор сифатида, айтганимиздек, паст баҳонинг тарафдорларидир. Шахсий манфаатдорлик бозор иқтисодиёти фаолиятида тартиб ўрнатиб туради, манфаатсизлик эса кутилмаган тартибсизликларга олиб келиши мумкин. Бундай воқелик шундай хулосага олиб келадики, турли иқтисодий бирликлар ўз ихтиёрий танловини амалга ошириши даврида шахсий манфаат асосида уларнинг асосий ҳаракат тарзи шаклланади. Бу бозор иқтисодиёти тақозосидир.

Умуман, рақобат иқтисодчилар тасаввури бўйича қуйидагиларни билдиради:

1) Бозорда турли, истаган аниқ маҳсулот, ресурсларни эркин ҳолда сотувчи ва сотиб олувчиларнинг мавжудлиги.

2) Сотувчи ва харидорларнинг истаган бозорда ёки иқтисодий тармоқда эркин қатнаша олиши ёки истаганда тармоқдан чиқиб кета олиши.

Рақобат ўз моҳиятини бозор иштирокчиларига тааллуқли иқтисодий кучлар тарқоқлигида ифода этади. Буни шундай изоҳлаш мумкин. Аниқ, маълум бир бозорда, чунончи, ғалла бозори ёки ип газлама бозорида жуда кўп сотувчи ва харидорлар мавжуд, шу билан бирга товарлар мўл-кўл, дейлик. Бундай шароитда сотувчи ва харидорлар

ўзлари учун маъқул баҳони талаб эта олмайдилар. Чунки алоҳида ҳолдаги уларнинг уринишлари баҳога таъсир этмайди ва бунда айрим ҳаракатлар муваффақият келтирмай, мавжуд мувозанат белгилайдиган умумий баҳо бўйича олди-сотди амалга ошади.

Рақобатнинг моҳияти шуки, ҳар бир сотувчи бозордаги жуда кўп миқдордаги сотувчилар иштирокида ўзининг нисбатан кичик ҳиссаси билан умумий таклифга таъсир кўрсата олмайди, демак, баҳони ҳам якка ҳолда ўзгартира олмайди. Айтиш мумкинки, рақобат шундан иборатки, ҳар бир сотувчи — таклиф субъекти умумий таклифга кичик ҳисса қўша олади ва умумий оқим ичида бўлади. Якка ҳолдаги сотувчилар таклифнинг умумий миқдорига сезиларни таъсир кўрсата олмайдилар, шунинг учун ҳам якка ишлаб чиқарувчи сифатидаги сотувчи маҳсулот нархини истаганича ўзгартира ва унга истаган ҳолда муносабатда бўла олмайди. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир сотувчи якка-якка ҳолдаги ҳаракатда ва рақобатда қатнашувчи сифатида бозор ихтиёрида бўлади. Бунда рақобат якка-якка ҳолдаги барча ёки жуда кўпчилик сотувчилар ҳаракатидан иборат бўлади. Кўриниб турибдики, рақобат бозорда ҳукмронликни инкор этиб, эркин ҳаракатни талаб этади.

Харидорлар тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин, яъни улар ҳам бир-бирига боғлиқ бўлмаган ихтиёрий ҳаракатда бўладилар. Умумлаштириб айтганда, рақобатнинг асосини ташкил қилувчи иқтисодий ҳокимиятнинг кенг тарқоқлиги бу ҳокимиятдан фойдаланишни тартибга солиб туради ва ундан зарарли фойдаланиш имкониятларини чегаралаб боради. Демак, иқтисодий имкониятлар учун кураш иқтисодий бирликларнинг ўз фойдасини кўзлаб, бир-бирига зарар келтиришга тўсиқ бўлиб хизмат қилади. Рақобат сотувчи ва харидорларнинг ўз манфаатларини таъминлашининг амалга ошувининг чегараларини белгилаб туради. Шунинг учун ҳам **рақобат бозор иқтисодиётида асосий тартибга солувчи куч бўлиб хизмат қилади.**

Юқорида қайд қилиб ўтилган рақобатларнинг иккинчи томони иштирокчиларнинг танлов эркинлигидир. Бозор шароитида ҳар бир тадбиркор истаган товари билан иш кўриши, хоҳлаган тармоқда фаолият кўрсатиши ва зарур топганда ҳеч қандай тўсиқларсиз ва қий-

инчиликсиз бу тармоқдан чиқиб кетиб бошқасига ўтиш имконига эгадир. Бу билан маълум тармоқлар, соҳаларнинг заруриятга қараб кенгайиши ёки торайиши имкони таъминланиб борилади. Чунки талаб ва таклиф мувозанати туфайли ишлаб чиқарувчи ва харидорларнинг тармоқлараро ҳаракати эркинлиги таъминланади. Бундай шароит иқтисодий мослашувни таъминлайди ва самарадорликнинг сақланиб бориши имконини туғдириб боради.

Энди биз рақобатнинг фақат тармоқлар манфаати билан чегараланмай, унинг тармоқлараро ва умумжамият манфаатлари борасидаги таъсири ва ҳаракатини кўриб чиқайлик. Бозор механизмлари бўлган талаб ва таклиф орқали истеъмолчилар ва жамият истаклари корхоналарга, корхоналар орқали эса ресурслар билан таъминловчиларгача етказилади. Бу жараёнда рақобат таъсирини кўрамиз. Маълумки, истеъмол талабининг кўтарилишида баҳо ўз аксини топади. Талаб ортиб бориши туфайли баҳо кўтарилиб борадики, натижада юқори фойда олинади. Бу ўз ўзидан шу маҳсулотларга талаб ошганлиги ва буларни кўпроқ ишлаб чиқариш кераклигидан хабар беради. Рақобат, айниқса бунга кўшилувчи янги фирмалар ишлаб чиқаришни кенгайтириб, баҳонинг харажатлар даражасида бўлишини таъминлаши мумкин. Агарда бу жараёнга рақобатнинг таъсири бўлмай, монополиялик мавжуд бўлса, ўзгариш юз бермайди ва ортиқча фойда олиш давом этаверади.

Рақобат фақат жамият талабига эътибор бериш ва баъзи тармоқларнинг кенгайиши ва қисқаришига олиб келиш билан чегараланмай, фирмаларни энг самарали технологияга ўтиш, илғор ишлаб чиқаришни таъминлаб боришга ундайди. У паст ва кам самарали технология асосида ишлаб чиқаришни уюштирган фирмаларни қўлламайди ва уларнинг бошқа илғор рақиблар томонидан сиқиб чиқарилишига олиб келади. Шунинг учун рақобат, айтганимиздек, техник прогресс имконини қўллайди ва унинг кенг тараққиётига ундайди.

Рақобатли бозорнинг яна энг муҳим томонларидан бири, олдинги мавзуда кўрган имиздек, хусусий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлигининг таъминланишидир. Чунки бу жуда муҳим ва ўта зарур бўлган манфаатлар тенглигига хос ҳодисадир. Бунда ўта муҳим бўлган дав-

лат манфаати ҳам кўзда тутилади. Айтганимиздек, тадбиркорлар энг тежамли ресурслар комбинациясини, яъни мавжуд рақобат шароитида хусусий манфаатга ҳам тўла мос келадиган комбинацияни қўллайдилар. Тадбиркорларнинг техник прогрессга асосланмаган ҳолдаги ишлаб чиқариши зарур наф бермайди ва пировардида синишга олиб келади. Шу билан бирга камёб ресурсларни ишга солиш, кам харажатли ишлаб чиқаришни уюштириш энг самарали усуллардан бўлиб, бу жамиятга жуда фойдалидир.

Хулоса қилиб айтганда, рақобат кучи шахсий манфаатни тартибга солиб шундай йўналтирадики, у ўзидан ўзи жамият манфаатининг мақсадга мувофиқ равишда таъминланишига олиб келади. Бозорга хос “кўзга кўринмайдиган қўл” таъсири шундай яқунланадики, фирмалар ўз фойдаларини имкони борича юқори даражага етказсалар, жамият маҳсулоти ҳам шунчалик юқори даражада бўлади.

Рақобатнинг бўлиши, рақобат таъсирининг кучайишидаги асосий шарт хўжаликларнинг турли-туманлигидир. Умуман, кураш турлилик, кўп хиллиликни талаб қилади. Бозор иқтисодиётида кўп хилли хўжаликлар, уларнинг эгалари бир-бирларининг рақиблари бўлиб, улар рақобат жараёнида фаол иштирок этишлари керак. Хўжалик турлари жуда оз ёки бир хил бўлса, рақобат учун, унинг таъсир доирасини кенгайтириш учун шароит бўлмайди.

Рақобат учун хўжалик усуллари, шакллари кўпайиши керак. Айниқса, хусусий хўжаликлар кўпайиб, асосий ўринни эгаллаши зарур. Хусусий хўжаликлар билан бир қаторда кооперативлар, бирлашма, қўшма хўжаликлар кўпайиши талаб этилади. Давлат хўжаликлари ҳам шаклан ва ҳам мазмунан ўзгариб, бозор талаблари асосида қайта ташкил этилиши керак. Буларга ҳиссадор (акцияли) жамиятлар, ижарали хўжаликлар кабилар мисол бўлиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, бусиз хўжалик юритишда мустақиллик бўлмайди, мустақилликсиз рақобатни тасаввур этиб бўлмайди ва умуман бозор мазмунсиз бўлади.

Рақобат жаҳон иқтисодиёти миқёсида ҳам бўлиб, унинг миллий мамлакатлар иқтисодиётига ҳам таъсири бўлади.


Халқаро рақобат курашини олсак, у мамлакатлар ўртасидаги, шунингдек, халқаро йирик бирлашмалар, айниқса, трансмиллий корпорациялар ўртасидаги курашдир. Бунда халқаро бозорларни эгаллаш, хом ашё ҳудудларини ўзлаштириш, илмий-техника манбаларини қўлга олиш каби асосий томонларни кўпроқ эгаллашга уринилади. Натижада умуман, иқтисодий тараққиёт манб. аларини ўз ихтиёрига олиш, бунинг асосида ўз бойликларини орттириш, олинандиган фойданинг даражасини кўтариш кабиларга муяссар бўлинади.

Жаҳон иқтисодиётига қўшилиб бориш, халқаро бозорда таъсирли кучга эга бўлиш ва халқаро меҳнат тақсимоотида манфаатли ўринларни эгаллаш халқаро рақобат туфайли амалга ошади. Бу барча мамлакатларни кучли иқтисодиётга эга бўлишга, илғор ишлаб чиқариш даражасини қўлга киритишга ундайди.

Жаҳон миқёсида фаолият кўрсатувчи мамлакатлар ва бирлашмалар сони ортиб бормоқда. Бу фақат жаҳон иқтисодиёти тараққиётига таъсир кўрсатиш билан чегараланмасдан, балки ички бозордаги монопол ҳолатнинг олдини олишга ҳам таъсир этмоқда. Чунки бозорда қатнашувчи сотувчилар қанча кўпайиб борса, монопол таъсир шунча заифлашиб боради. Кўпчилик маҳсулот бозорларида майда фирмалар камайиб, йириклари кўпайиб бормоқда. Бу ресурслар бозорига ҳам тааллуқлидир. Меҳнат бозоридаги қасаба уюшмаларининг фаолияти ҳам шундай мазмунда бўлади. Бир қатор юқори фойдали тармоқларда патент мушкуллиги ва бошқа тур ресурслардан фойдаланишдаги тўсиқларнинг кўпайиб бориши рақобат кучини заифлаштиради. Лекин жаҳон рақобат кураши натижасида чет маҳсулотларининг кириб келиши бозор иштирокчиларини кўпайтириш орқали ички рақобат имкониятларини оширади.

Чунончи, АҚШ, Фарбий Оврўпо, қисман Японияни олсак, автомобиль ва пўлат бозорлари каби, озиқ-овқат маҳсулотлари, ресурслар бозорларида ҳам йирик фирмалар ҳиссалари ошиб, бу рақобат таъсирига салбий таъсир кўрсатмоқда. Маълумки, ҳозирги даврда бир қанча озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича чет фирмалар ўзларига йўл очиб, истиқболларини таъминламоқдалар.

Рақобат турлари ва ҳаракат мазмунлари мавжуд бўлиб, у 2-тархда кўрсатилган.



2-тарх. Рақобат турлари ва таъсири

Рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини эътиборга олган ҳолда маркетинг концепциясида рақибларга, уни танлашга катта эътибор берилади. Рақибларни аввало фирмаларга қараб белгилаш керак, яъни қайси фирмалар қандай товарларни бозорга чиқаради, яъни сотувчи сифатидаги рақибларни аниқлаш ва уларни ўрганишга қаратилган ишларни белгилаш ва амалга ошириш талаб этилади. Сўнгра харидор-рақиблар ўрганилади. Бунда машҳур “Маркетинг асослари” китоби муаллифи Филип Котляр излашни усулини таклиф этади. У рақибларни тўртга бўлиб ўрганишни тавсия этади: 1) истак бўйича рақиб; 2) товар тури бўйича рақиб; 3) товар хили бўйича рақиб ва 4) товар маркази бўйича рақиблар. Истеъмолчилар харид қилиш бўйича қандай қарорга келишини аниқлаш ҳар бир фирма учун кўпроқ ўз товарини сотиш йўлини топиш, яъни ўз харидорларини аниқлаш имконини беради. У “Швини” велосипед чиқарувчи фирмани мисол келтириб, аввало харидорнинг қандай товарлар сотиб олиши мумкинлиги, улар ичида қанчаси транспорт воситалари, сўнгра қанчаси велосипед сотиб олиши, охири велосипеднинг “Швини” маркалисини қанча харидор сотиб олиши мумкинлигини ва умуман, бошқа маркали велосипед сотиб олувчи рақибларни аниқлаб, ўз харидорларини кўпайтириш чораларини қўллашлиги қайд қилинади.

Рақобат асосий тартибга солиш механизми сифатида ишлаб чиқарувчилар ва ресурслар билан таъминловчиларни харидорлар ҳукмига ёки истеъмолчилар мустақиллигини таъминлаш манфаатига тўла бўйсундиради. Ҳақиқатан ҳам рақобат шароитида кўпчилик сотувчи ва харидорларнинг ҳукми бозор баҳосини белгилайди, яъни якка ҳолдаги ишлаб чиқарувчилар ва ресурслар билан таъминловчилар харидорларнинг истагига мослашадилар. Бу иштакларни бозор тизими инобатга олган ҳолда сотувчиларга етказди. Бозор тизимига бўйсуниб иш тутувчи рақобатдаги ишлаб чиқарувчилар фойдага эга бўлиб, ўз мавқеъларини мустаҳкамлаб борса, бозор қонунларини бузувчилар зарар кўради ва уларни синиш, банкротлик кутиши мумкин. **Рақобат кучи таъсири шароитида харидорлар тўла хўжайин, бозор — уларнинг вакили, корхоналар эса уларнинг хизматкори вазифасини бажарувчи сифатида мавжуд бўладилар.**

МОНОПОЛИЯ ВА БОЗОР МОДЕЛЛАРИ

Бозор иқтисодиётида монополия рақобатга қарши куч шароитида пайдо бўлади ва у рақобат таъсири шароитини ўзгартиради.

Монополия — бу бозорда юзага келадиган иқтисодий ҳодиса бўлиб, унда йирик сотувчи ёки харидорлар ўз иқтисодий қудратига суяниб, бошқа бозор иштирокчиларига ҳукмларини ўтказадилар. Бунда монополчиларнинг шахсий манфаатига асосланган, уларнинг фойдасини кўзлаган шартлар қолган барча учун мажбурий ҳисобланади. Буларга нисбатан бошқалар бозорга таъсир ўтказиш кучига эга бўлмай, ўз манфаатларини кўзлаш имконидан маҳрум бўладилар. Таклиф ҳажми ва бозордаги баҳо монополия томонидан белгиланади.

Монополия ҳолати фирмаларга жуда қўл келади. Чунки харидорларга қарам бўлиш, уларнинг дидига қараб иш тутиш заруриятидан ҳоли бўлиниб, уларнинг талабига зид иш кўриш имкони туғилади. Агарда харидорлар мажбурий қўйилган баҳолардан норози бўлсалар, монополчи ишлаб чиқаришни қисқартириб, савдога чиқади-

ган товар (хизмат)ларни камайтириши мумкин. Бунда харидорларнинг мавжуд юқори баҳони тан олишдан бошқа иложи қолмайди, албатта. Бунинг харидорларга қандай таъсир этиши, кам харжли оилаларнинг аҳволи оғирлашуви билан монополиянинг иши бўлмайди. Монополчиларни фақат бир нарса: юқори фойда ва катта даромад қизиқтиради.

Монополча бозорни бошқаришнинг турлича фойда олиш усуллари мавжуд бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммаси жамият учун катта иқтисодий зарар келтиришини инсоният ўз тарихида кўриб ўтди. Бу ҳақда кейинроқ сўз юритамиз. Ҳозир табиий монополия ҳақида сўз юритайлик. Жамиятнинг нормал талабига мос келадиган монополиялар ҳам бўлади. Буларни, албатта, иқтисодиёт сиқиб чиқармайди ва жамият таъқиқлашни истамайди. Масалан, фирма ноёб товарлар ишлаб чиқарса, бунда энг янги технологияни қўллаб, фойдадан ҳоли бўлмаган ҳолда паст нархларда сотиш усулини қўллаб бозорни эгалласа, бунинг ёмон томони йўқ. Табиий усулда юзага келган монополия қонуний бўлиб, уни йўқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас ёки иқтисодий фойдадан ҳоли эмас.

Бундай монополиялар табиий бойликлардан фойдаланиш, транспорт, алоқа ёки коммунал хўжалик тармоқларида бўлиши мумкин. Масалан, жуда ноёб фойдали қазилма учун битта шахта етарли бўлиб, иккинчи рақибнинг кераги йўқ. Шунингдек, алоқа шоҳобчалари, газ қувурлари кабиларни кўрсатиш мумкин.

Табиий монополия шундай ҳолатни тақозо этадики, бунда объектив кучлар (табиий ёки техник) сабабли товар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш бир фирма қўлида бўлиб, лекин бу жамият учун фойдали ҳисобланади. Бунинг олдини олиб бўлмайди, ҳатто зарурияти ҳам йўқ. Аммо нарх-наво бу монополиялар учун давлат томонидан ёки маҳаллий ҳокимият томонидан белгиланиш зарурияти туғилади.

Монополиянинг ўсиши, унинг рақобатга таъсири бозорнинг шаклланишини ўзгартиради. Бу қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

Бозорнинг асосий моделлари¹

№	Белгилари	Рақобат ва монополияга қараб бозор модели			
		соф рақобат	соф монополия	монополияли рақобат	олигополия
1.	Фирмалар сони	жуда кўп	битта	кўп	бир нечтагина
2.	Маҳсулот тури	стандартилашган	ягона, ўхшашли йўқ	табақалашган	стандартилашган ёки табақалашган
3.	Баҳо назорати	йўқ	таъсирли	қисман	чекланган
4.	Тармоққа кириш шароити	жуда осон	ўраб олинган	нисбатан енгил	таъсирли тўсиқлар мавжуд
5.	Нархсиз рақобат	йўқ	деярли йўқ	сифат, реклама, савдо тамгалари кабиларга эътибор қатна	жуда кенг қўлланилади

¹ Р. Макконелл, Л. Брю "Экономикс", 1994, Москва, 2-том, 66-бет.

Жадвалда рақобат ва монопол аҳволга қараб тўрт бозор модели бўлиши кўрсатилган. **Соф рақобат** модели асосан юқорида қайд қилинган шароитларга мос келади. Бунда баҳо шаклланиши тўла эркин ҳолда юз беради ва сотувчилар, харидорлар жуда кўп бўлади. Буларнинг келиши олиб иш тутишлари, озчиликнинг бозорда ҳукмини ўтказиши, бир қисм сотувчиларнинг баҳони ўзгартири олиши мумкинлигининг имкони бўлмайди. Илгарилари асосан шундай бўлган бўлса ҳам кейинги вақтларда бозор шароитлари ўзгариб, деярли соф рақобат таъкидлаб ўтилган даражада бўлмайди. Бунга эътибор беришнинг сабаби шуки, ҳозирги вақтда ҳам бир неча тармоқлардаги рақобат шу моделга хосдир. Шу билан бирга соф рақобат оддий ҳолатни акс этиб, бунда "даромад" ва "харажатлар" тушунчаларидан яхши фойдаланиш мумкин.

Соф монополияни олсак, бундаги энг муҳим нарса маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бир фирма ихтиёрида

бўлиши ва унинг ўрнини олувчининг йўқлиги, яъни ҳақиқатан ҳам бозордаги танҳоликдир. Чунки монополиянинг барча хусусиятлари шундан келиб чиқади. Бу моделнинг тўрт муҳим томонини кўрсатиш мумкин: 1) сотувчи якка, тармоқнинг тенгдоши йўқ, чунки фирма яккаю-ягона; 2) сотиладиган маҳсулот жуда юқори даражада бўлиб, ундан яхшироғи ёки унинг ўрнини босадигани йўқ (кўпинча баъзи хом ашё ва янги маҳсулот таъминотчиларига хос); 3) монополист бозорга ўз ҳукмини ўтказиши, баҳони назорат қилади, товарнинг бозорга келишини ўз қўлида ушлаб туради; 4) монополист томонидан рақиблар учун бозорга кириш йўли тўла тўсилади. Бунда унинг ягоналиги иш берса, зарурият туғилса, сунъий тўсиқлар ҳам ишга солинади. Айниқса бунда патент, лицензиялардан тўла фойдаланиш мумкин.

Ҳозирча шу билан чегараланиб (чунки куйида яна монополизмга қайтамыз), бундан кейинги модель — монополлик рақобатни кўриб чиқайлик. Бунда танҳолик ёки оммавийлик шароити ҳукмрон бўлмай, бозорда нисбатан ишлаб чиқарувчилар кўп бўладию, лекин уларнинг товарлари бир хил бўлмай, фарқланади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарувчилар ва фирмалар минглаб бўлмай, ўнлаб бўлса етарли. Соф рақобатда стандартли товарлар ёки бир хил товарлар бозорга олиб чиқилса, бунда табақалаштирилган товарлар олиб чиқилади. Табақалаштириш ёки турлилиқ маҳсулот ва хизматлар сифатига тааллуқли бўлгани туфайли истеъмолчининг буларга муносабати нарх-навога боғлиқ бўлмайди. Айтайлик, виноларнинг алоҳида хиллари ёки бир хил турдаги шоколад кабиларни мисол келтириш мумкин. Кийим модаларида бунинг ўрни албатта катта. Бунда рақибларга нисбатан бўлган таъсир ва муносабат фақат баҳолар орқали бўлмай, товар ва хизматлар турлилигига катта эътибор бериш йўли билан ҳам амалга ошади ва бу асосий тамойил бўлиб ҳисобланади. Бу моделдаги бозор, яъни монополли рақобатнинг муҳим хусусиятларидан яна бири шуки, тармоққа кириш ва маълум товар бозорида иштирок этиш осон кўчади. Бундай бозор иштирокчилари жуда йирик ишлаб чиқаришга эга бўлмай, нисбатан катта бўлмаган фирмалар бўлиб, уларнинг харажатлари учун катта маблағ талаб этилмайди.

Монополли рақобатдаги монополлик мазмунини нима белгилайди, деган савол туғилиши мумкин. Бунга жавобан шуни айтиш мумкинки, товар хиллари турлилиги, сотувга чиқариладиган товарларнинг фарқланиши ва ўзига хос монопол эгаликнинг мавжудлиги бозорда монопол ҳукмронликни юзага келтиради. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг ягона бўлмай, яна бошқаларнинг бўлишлиги ва тармоққа кириш эркинлиги мавжуд бўлишига қарамай, ўз табақалашган товари ёки хизматига ўзи баҳо қўйиш имконига эга бўлади. Бундан ташқари бу бозорда майда ва ўрта ишлаб чиқарувчилар билан бирга йириклари ҳам иштирок этади. Шунинг учун ҳам ҳозирги замон Фарбий мамлакатлар бозори тузилишида шу биз кўраётган монополли рақобат устунлик қилади.


Кейинги модель — **олигополия** бўлиб, рақобатда иштирок этувчиларнинг озчиликни ташкил этиши билан фарқланади. Агар бозордаги рақиблар кўпчилик бўлмай, жуда озчиликни ташкил этиб, миқдори ўнлардан ошмаса, буни олигополия дейилади. Бу тахминан соф монополия ва монополли рақобат ўртасидаги бозор моделидир. Айтайлик, АҚШдаги автомобиль саноатида уч йирик фирма ҳукмронлик қилади; “Дженерал моторз”, “Форд” ва “Крайслер”. Японияда ҳам бир нечта гигантлар мавжуд. Шуларга ўхшаган гигантларнинг бозордаги ҳукмронлиги олигополия мазмунига эга бўлади.

Олигополлар бир хил ёки табақалаштирилган товарлар ишлаб чиқариши мумкин. Бир хиллилик кўпинча хом ашё ва ярим фабрикатлар бозорига хосдир. Айтайлик, руда, нефть, пўлат, цемент, техник спирт кабилар. Табақалаштириш асосан истеъмол буюмларига хосдир. Албатта озчиликни ташкил этган фирмаларнинг бир-бирлари билан келишуви жуда осон. Улар монопол баҳо, бозорларни бўлиб олиш ва рақобатнинг бошқа томонларига осонликча таъсир этиб, уни чегаралай оладилар. Шундай қилиб, олигополия соф монополияга яқинлаша олади. Тажриба шуни кўрсатадики, олигопол бозордаги рақобат ишлаб чиқариш концентрациясига боғлиқдир: улар кўп бўлса, яъни кўп сонли фирмалар мавжуд бўлса, рақобат таъсири кучлироқ бўлади, агар фирмалар оз сонли бўлса, рақобат заифлашади, монополлик устунлик қилади.

Олигопол бозорнинг ривожланган рақобатдан муҳим фарқи шуки, у баҳо ҳаракати билан боғлангандир. Рақобат бозорида баҳолар тўхтовсиз ва тез-тез ўзгариб турса, олигопол бозорда баҳо деярли кам ўзгариб, анча турфунликка эга бўлади. Баҳоларни белгилайдиган бир етакчи фирма бўлса, қолганлари одатдагидек унинг кетидан эргашадилар.

Шундай қилиб, рақобат ва монополиялар таъсири остида бозор моделлари турлилиги тўғрисидаги умумий тушунчалар билан танишиб чиқдик. Энди юқорида айтганимиздек, соф монополияга қайтиб, баҳонинг шаклланиши ва умуман унга хос баъзи муҳим томонларни тўлароқ кўриб чиқайлик. Бунда ҳаракатлар, баҳо ва даромадлар ўзгариш чизигидан фойдаланамиз. Соф рақобатли бозор шароитида эластик, яъни ўзгарувчан талаб мавжуд бўлиб, талаб чизиғи пироварддаги даромад чизигига тўғри келади. Монополистнинг талаб чизиғи тармоқлар талаб чизигига мос келади, шунга кўра у пасайиш хусусиятига эга. Бунда биринчи сотилган юқори баҳодаги товарга нисбатан кейингиларининг баҳоси пасайиб боради. Даромад ҳам шу тарзда бўлади.

Чизигимизга му-рожаат этайлик. Бунда АС талаб ва mR пироварддаги даромад чизиқларидир. Кўриниб турибдики, mR (пироварддаги даромад) талаб чизигининг пастидан ўтган. Агар АВ қисми эластик талаб ва mR нинг ижобий ўсишини кўрсатса, ВС қисми ноэластик талаб ва mR нинг нолга етганини кўрсатади. Шунинг учун монополист бунга йўл қўймаслик мақсадида ўзига хос баҳога тааллуқли ҳаракатларни амалга оширади. Бунга маълум даражада баҳони ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу билан бирга харажатларни камайтириш каби-лардан фойдаланади. Чунки монополиянинг ҳукмронлиги истеъмолчилар учун зарарли бўлганлиги туфайли соф монополия давлат томонидан тартибга солиб турилади. Бун-



3-тарх. Монополистик талаб ўзгарувчанлигининг чизма ифодаси

дай шароитда монополия фойдасини сақлаб қолиш учун меҳнат унумдорлигини ошириб бориш ва харажатларни камайтириб, таннархини пасайтириш кабиларни амалга оширишга мажбур бўлади.

Аmmo шу нарсани ҳам эътиборга олиш керакки, доимо баҳо ҳисобига даромад олиб бўлмайди. Баҳонинг кўтарилиши ҳамма вақт монополия учун фойдали деб бўлмайди. Унинг учун энг маъқул йўл ишлаб чиқаришни ўстириш ва тараққий эттиришдир.

Якка фирма мавжудлиги ва соф монополия шароитида рақобат йўқ бўлади, деб бўлмайди. Чунки бу фирма ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучи бозорида харидор сифатида рақобатга учрайди. Жаҳон бозори ички бозордан фарқланади. Айтайлик, АҚШ йирик автомобиль концернлари Япония, Германия, Франция, Швеция каби мамлакатлар автомобиль фирмалари билан рақобат курашида бўладилар. Буларнинг ҳаммаси монополиянинг соф мазмунини инкор этмайди ва аксмонополия сиёсатини қўллаш талаб этилади. Бу сиёсат XIX асрнинг охиридаёқ бошланган бўлиб, ҳозиргача такомиллашиб келмоқда. Давлатнинг монополияларга қарши биринчи қонуни антитрест қонун 1890 йилда АҚШда чиқарилган бўлиб, бу “Шерман қонуни” деб аталган. Бу қонун кейинчалик бир неча бор қайта кўриб чиқилди. Бундай қонунлар кўпчилик бозор иқтисодиётидаги мамлакатларга мансубдир.

Аксмонополия сиёсати асосан уч йўналишни ўз ичига олади: булар ишлаб чиқариш таркибини бошқариш, акцияларни сотиб олиш меъёрини белгилаш, баҳоларнинг таклиф ва талаб мувозанати даражасини таъминлашга қаратилган чоралар кабилардир.

а) Ишлаб чиқариш таркибини белгилашга оид чоралар корпорациялар учун шу хил маҳсулотларнинг ярмидан ортигини ишлаб чиқаришгина мумкинлиги ва назорат қилишдан иборат.

б) Йирик корпорациялар иштирокчиларининг акциялар сотиб олиш ҳажми чегараланади. Бунда акция бир корпорация ихтиёрига ўтиши билан монополлашувга олиб бормаслиги эътиборга олинади. Чунки кўп миқдорда акция сотиб олиш йўли билан тармоқ устидан назорат миқёсини кенгайтиришга йўл қўйилмайди. Агарда бирон бир корпорация бошқалар акциясининг асосий қисмини сотиб олса, қўшилишга ва монополияга олиб ке-

лиши мумкин, натижада бу тармоқда рақобат таъсирининг сўниши юз беради.

в) Баҳо соҳасида келишиб олишга йўл қўймасликка қаратилган чоралар акскартель қонунлари, деб аталади. Баҳо тўғрисида шартномалар тузиб монополия юзага келса, буни картель дейилади. Ўз вақтида бу Германияда жуда авж олиб, ҳатто Германия “Картель мамлакати” деб аталган эди. Албатта бозорларни тақсимлаб олиб, бир хил баҳолар устида келишиб олиш истеъмолчиларнинг манфаатига салбий таъсир кўрсатади ва зарар келтиради.

Аксмонопол қонунлар рақобат шароитини яратиш ва эркин иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилади. Лекин гап фақат бундай қонунларнинг бўлишида эмас, балки уларнинг ижросини таъминлаш, назорат қилувчи органларнинг такомиллашувидадир. Шундай амалий назорат остида самарали ишлаб, ҳақиқий бозор рақобати таъминланилса, монополиялар ҳукмронлигининг олдини олиш имкони туғилади. Бундай аҳволни кўпчилик бозор иқтисодиёти ривож топган мамлакатларда кўриш мумкин. Бу, айниқса АҚШ, Япония, Германия, Франция ва бошқа бир қанча мамлакатларга тааллуқлидир.

Монополиялар мавжуд бўлган мамлакатларда монополияларга қарши кураш олиб борилса, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда бозорнинг шаклланиши, рақобат шароитини яратиш учун ҳаракат қилинади. Бундай мамлакатларда, айниқса тоталитар тизимларда давлат монополиясини йўқ қилиш асосий мақсад бўлади. Шунга эътибор бериш керакки, рақобат шаклланган мамлакатларда давлатнинг фаол ҳаракати рақобатни такомиллаштиришга қаратилса, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда рақобатни шакллантиришга қаратилади. Давлатнинг рақобат шароитини яратишдаги фаолияти нодавлат хўжалиklarини кўпайтириш, давлат хўжалиklarини эса бозор муносабатлари таъсирига мослаш мазмунида бўлади. Борган сари давлат мулки ҳисобига бошқа хил мулкларни кенгайтириш, корхоналарни акционерлаштириш ва бунга кўпчиликни жалб эта бориш, бозор талабига хос солиқ, бож, импорт-экспорт тизимларини яратиш, тижорат кредитларини кенгайтириш, хўжалик фаолиятларини маъмурий таъсирлардан озод этиш, тадбиркорликни таъминлаш каби рақобат учун зарур

шароитларни шакллантириб боришда албатта давлат фаолияти кучайиши зарур.

Рақобат усуллари қўллаш, аксмонополия сиёсати даражалари бозор ҳолатига боғлиқдир. Масалан, товарга тўйинган бозор ва унинг акси бўлган тўйинмаган бозор бўлиши мумкин. Бозор шаклланаётган Ўзбекистон ва бунга ўхшаш республикаларда товар (хизматлар) мўл-қўллиги ҳали таъминланмаган. Бунда эркин товар танлаш имкони йўқ ва харидлик даражаси анча чекланган. Бундай бозорда баҳо рақобати жуда қўл келиши мумкин. Чунки баҳонинг талаб ўзгарувчанлигига таъсири кучли бўлиб, баҳо пасайиб бориши билан харидорлар кўпайиб боради. Баҳони пасайтирмайдиган, шунингдек, баҳонинг ҳаракат хусусиятини ўз вақтида пайқамаган ишлаб чиқарувчи бозордан сиқиб чиқарилиши турган гап.

Товарларга тўйинган бозорда эса товар (хизмат) турлари сероб, танлаб харид қилиш учун имконият жуда кенг бўлиб, эластик талаб ҳукмронлик қилади. Бунда даромадли пулдорлар кўплиги, баҳога эътибор кучли бўлмаганлиги умумий бозор ҳолатини белгилайди. Бундай шароитда баҳосиз рақобат устунлик қилади. Лекин барибир қандай бўлмасин соғлом рақобат учун кураш бозор тараққиётининг асоси бўлиб, аксмонополия сиёсати бунга ёрдам бериши керак.

Аксмонополия сиёсатининг таъсири ҳақида хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, самарали иқтисодиёт йирик монополистик иқтисодий тузумга қарши кураш ва монопол ҳаракатларнинг олдини олиш ҳамда рақобат таъсирини кучайтиришни талаб этади. Аксмонополия сиёсатида қонунчилик бюджет ва банкларнинг молиявий ҳаракатлари билан тўлдирилади. Бир томондан, солиқ олдида барча ҳўжалик иштирокчилари бир хил тенгликка эга бўлса, иккинчи томондан, альтернатив ишлаб чиқариш яратилиб, майда ва ўрта корхоналар учун солиқ соҳасида маълум имтиёзлар бўлмоғи зарур.

Бозор муносабатлари таъсири кучайиб бориши билан рақобат ҳам ўз мазмунини ўзгартириб боради, яъни такомиллашади. Албатта ҳозирги даврдаги рақобат ҳолати, унинг таъсир этиш мазмуни олдинги бозор рақобатидан тубдан фарқ этади. Собиқ рақобат жуда стихияли, шафқатсиз таъсирда бўлиб, уни ҳақиқатан ҳам “ёввойи рақобат” деб аташади. Номига яраша таъсир мазмунига ҳам эга эди.

Ҳозирги даврда давлат таъсири, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси “ёввойи рақобат” билан бирга “цивилизациялашган рақобатни” юзага келтирган. Лекин “ёввойи рақобат” фақат ўтган давр учун хос, деб бўлмайди. Цивилизациялашган рақобат аралаш иқтисодиёт шароити учун хос бўлиб, асталик билан рақобатнинг асосийсига айланади.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. **Иқтисодий рақобат.** Бу умумиқтисодий воқелик. Эркин иқтисодий тараққиёт шароитида бозор иштирокчилари ўртасидаги қулай иш фаолияти шароити, умуман, юқори даромад олиш имкониятларини қўлга киритиш учун олиб бориладиган ҳаракатлар мажмуидан иборат. Бунинг иқтисодий манфаат учун муҳим бўлган асосий шарти мулк эркинлиги, шу билан бирга бозор муносабатларининг ҳар томонлама таъсир этиш шароити бўлиши кераклигидир.

2. **Бозор рақобатининг туб моҳияти** икки нарса билан белгиланади: а) бозорда турли ва истаган аниқ маҳсулот (хизмат кўрсатиш) ва ресурсларни эркин ҳолда сотувчи ва сотиб олувчиларнинг мавжудлиги; б) сотувчи ва харидорларнинг истаган бозорда ёки иқтисодий тармоқда эркин қатнаша олиши ёки истаганда чиқиб кетиши. Умумлаштирган ҳолда ифодаласак, сотувчи ва харидорларнинг бозордаги тўла эркин ҳаракат шароитига эга бўлишидир.

3. **Рақобатнинг турлари** бўлиб, булар асосан тармоқлар ички рақобати, тармоқлараро рақобат ва жаҳон иқтисодиётидаги рақобатлардан иборатдир.

4. **Рақибларни танлаш.** Ҳар бир бозор иштирокчисининг ўз фаолиятида дуч келадиган рақибларини билиши, уларнинг фаолиятини ўрганиши ва шунга қараб ўз муносабатини аниқлаган ҳолда иш тутиши.

5. **Монополия** бу бозордаги ҳукмронлик ҳодисаси. Сотувчи ёки харидорлар ўз иқтисодий қудрати ва имкониятларига суяниб, бошқа бозор иштирокчиларига ўз тазйиқларини ўтказадилар, ўз манфаатларига тўла йўл очишга ҳаракат қиладилар. Натижада рақобат сусайиб, истеъмолчилар манфаатига зарар келтиради.

6. Рақобат ва монополия ҳолатига қараб тўрт хил *бозор модели* юзага келади: а) соф рақобатли; б) монопол рақобатли; в) олигопол рақобатли; г) соф монополли.

7. **Аксмонопол сиёсат.** Бу монополия ҳукмронлигига қарши қаратилган давлат сиёсатини билдиради. Бунда қонунчилик ва бюджет — пул, кредит — пул сиёсатларидан фойдаланилади.

8. **“Ёввойи рақобат”** ва **“цивилизациялашган рақобат”** тушунчалари. Биринчиси асосан ривожланмаган бозорга хос бўлса, иккинчиси асосан аралаш иқтисодиёт ва ривожланган бозорга хосдир.

МАВЗУ БЎЙИЧА САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Иқтисодий рақобатнинг моҳиятини ечиб беринг.

2. Иқтисодий рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни, аҳамиятини тушунтириб беринг.

3. Рақобатнинг бозор механизми деганда нимани тушуниш керак, бу қандай мазмунни англатади?

4. Монополиянинг моҳияти, унинг бозор тараққиётига таъсирини тушунтириб беринг. Монополиянинг истеъмолчиларга салбий таъсир кўрсатиши сабабларини мисоллар билан кўрсатиб беринг.

5. Аксмонополия сиёсати нимани билдиради, у нимага қарши қаратилган? Унинг усуллари нималардан иборат?

6. Аксмонополия сиёсатининг Ўзбекистонда қўлланилишини мавжуд давлат монополияси тақдири билан боғлаб тушунтириб беринг.

7. Бозор иқтисодиёти тараққийси ва унга ўтиш давридаги рақобат ва монопол ҳолатни тушунтириб беринг.

III. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА МУЛК ШАКЛЛАРИ

МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ БОЗОРГА ТАЪСИРИ

Ҳар қандай иқтисодий тизимда бўлганидек, бозор иқтисодиётида ҳам мулк муаммоси ҳал қилувчи аҳамият касб этади ва ҳаракатдаги мавжуд мулк шакллариининг бозор талабига, унинг хусусиятларига мос келиши талаб этилади. Юқорида қайд қилганимиздек, эркин иқтисодий тараққиёт, хўжалик хилларининг турлилиги, иқтисодий ташаббускорлик, рақобат ҳолати бозорнинг моҳиятини белгиловчи асослардир. Булар аввало мавжуд мулк шаклларига боғлиқ бўлиб, уларнинг ифодасини ташкил этган ҳолда асосан мулк моҳиятидан келиб чиқади.

Иқтисодий тизимлар мулк шакллариининг акси бўлганидек, бозор муносабатлари ҳам ўзларига хос ва мос мулк шакллариини талаб этади.

Тарихда турли мулкчилик ва якка мулкчилик даврлари мавжуд бўлган. Жамият турли хил мулкчилик асосларида ҳам доимо ривожланиб келган. XX асрга келиб якка мулкчилик тизими ҳам барпо бўлди. Бозор муносабатлари, бозор иқтисодиётининг мулк шаклларига боғлиқлиги ижтимоий мулкчилик шароитида, айниқса жуда аён бўлди.

Маълумки, марксизмнинг коммунизм назарияси ижтимоий мулкчиликка асосланган эди. Шунга кўра кишилик жамиятининг истиқболи ҳам шундай мулкка асосланиб белгиланган ва хусусий мулкни инкор этиб, жамиятнинг ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятлари, ижтимоий иқтисодий воқеликдаги барча нуқсон, салбий оқибатларни хусусий мулкчиликдан кўришиб, уларнинг олдини олиш, барча муҳим инсоний муаммоларни ҳал қилишда ижтимоий мулкчиликка асосланилган. Товар ишлаб чиқариш ва бозор иқтисодиёти истиқболсиз деб, келажак порлоқ жамиятга хос бўлмаган иқтисодий воқелик, деб маъқулланган. Хусусий мулкни барбод қилиш, албатта бозор иқтисодиёти шароитларини йўқ қилиб, nobozorча усул шароитларини яратиб берди. Бозорча хўжалик юритиш усули ҳатто социалистик мамлакатларда таъқиблаш даражасигача етиб борган эди. Буни Чехословакия ва Венгриядаги “Бозор социализми” учун бўлган ҳаракат оқибатларида кўриш мумкин эди. Чунки бундай уринишлар ҳарбий куч билан бостирилиб, умуман, бундай уринишлар социалистик иқтисодий тизим учун ёт нарса деб кўрсатилган эди.

Хўжаликларнинг турлилиги, даражаларининг ҳар хиллиги курашга даъват этади, яъни рақобатга олиб келади. Ижтимоий мулк эса, аксинча, тенглик, бир хиллилик хусусиятини яратади. Бундан ташқари у хўжалик юритишда марказлашувга олиб келиб, мустақил ҳаракат қилиш, ташаббус кўрсатиш имконларини йўқ қиладики, бундай шароит бозорча тараққиётни инкор этади.

Энг муҳим нарса шуки, ижтимоий мулк бир хиллилик бўлса, хусусийлик турлиликтан иборатдир.

Мулк моддий ва бошқа бойликлардан фойдаланиш шароитлари, муносабатлари, эгаллик қилиш, ўзлаштириш мазмунини ўз ичига олади. Мулкка эгаллик эса кўпроқ бойликка эга бўлиш ва у билан боғлиқ барча шароитларни қўлга киритишдир. Шунга кўра у иқтисодий мазмунга эга иқтисодиёт асосидир. Иқтисодий фаолиятда мулкнинг ҳал қилув-

чи аҳамият касб этиши унга эгалик даражасини кучайтириш ва бойликларга нисбатан эркин муносабатда бўлишга эришишда ифодаланади. *Маълумки, ишлаб чиқариш шароити, тақсимот ва истеъмол ҳолати, миқдори ва даражаси албатта мулк муносабатларига боғлиқ ва у билан белгиланади.* Ундан фойдаланиш, унга эгалик қилишда умумийлик ва хусусийлик мавжуддир, бошқача қилиб айтганда, унинг қатнашчилари тенглик ва тенгсизлик ва итоаткорлик ҳолатида бўлиши мумкин. Бунда албатта мулккий муносабатлар бир хилда бўлмай, балки турли хилда ва турли таъсирда бўлади.

Мулкка эгаликдаги умумийлик амалда тенгликни юзга келтирмайди, чунки унинг ҳаракати кимларнинг томонидан бошқарилиши керак, у ё вакил, ё белгиланган шахс, ёки ташкилот бўлиши мумкин. Бундай шароитда барчанинг манфаатлари бир хилда эътиборга олинishi мумкин эмас, чунки кимки мулкка яқин бўлса, уни бошқариш ҳуқуқларига эга бўлса, у манфаатдорликдаги бир хилликка тўла риоя эта олмайди ва у ўзи, ўзига яқинларнинг манфаатига кўпроқ эътибор берадики, бу бошқаларнинг манфаати ҳисобига амалга ошади. Шу билан бирга умумийликда ҳақиқий мулк эгалиги таъминланмайди, асосан эгасизлик устунлик қилади. Шунинг учун ҳам йирик иқтисодчиларнинг ижтимоий мулкда эгасизлик хусусияти мавжуд, деб таъкидлашда албатта ҳақиқат бор. Шунинг учун ҳам мулкдаги умумийликнинг самарадорлик даражаси, айрим воқеликдан ташқари, юқори бўла олмайди. Бу эса ижтимоий мулкнинг истиқболини белгилайдики, бунга асосланган тизим узоқ умр кўриши, юқори тараққиётни таъминлаши мумкин эмас. Бундан ташқари мулкдаги умумийлик бозор шароитларини инкор этади.

Мулкдаги хусусийликнинг ижобий томонлари кўп, у ижтимоийликка нисбатан бир қанча устунликларга эга. У, аввало, умумийликнинг тескараси бўлган турлилик, хилма-хиллик, тенгсизлик шароитлари билан боғлиқдир. Бунда эгалик даражаси юқори бўлиб, жавобгарлик ҳиссиёти кучли бўлади. Энг муҳими шахсий манфаатдорлик тўла ёки тўлароқ ифодаланади. Мулкдан фойдаланишнинг шахсга бевосита боғлиқлик даражаси юқори бўлади.

Мулк хусусийлиги хўжалик юритишдаги турлилик, хилма-хиллик ва эркинлик шароитларини яратиш туфайли бозор муносабатларига мос келади ва рақобатга асос солади. Бозор муносабати билан мулк муаммоси, унинг ҳаракатдаги шаклларига эътибор берар эканмиз, унинг бозор иқтисодиёти ривожигаги ўрни, аҳамияти, бозор учун унинг маъқул ва зарур кўринишлари, бозор иқтисоди ривожига мақсадида мулк муносабатларининг тараққиётига эътибор беришимиз зарур.


Мулкчиликнинг тури ва шакллари мавжуд. Мулк тури ижтимоий иқтисодий тузумларга нисбатан белгиланиб, асосан буларга хос мулкий муносабатларни ифодалайди. Бунда мавжуд мулк шакллари аввало эксплуатация ёки ноэксплуатация тузумларининг асоси бўлиб ҳисобланади. Маълумки, тарихан ўтилган тузумлар эксплуатация билан боғлиқ бўлиб, буларни қулдорлик, феодал ва капитализм тузумлари, деб фарқлар эдик. Эксплуатациянинг мазмуни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бойликлар, омилларнинг маълум синф, гуруҳлар қўлида бўлиб, қолганларнинг улар учунгина меҳнат қилиши билан белгиланади. Меҳнат қилган маҳсулот тақсимида иштирок этмай, кам даромад олган ва мулк эгалари эса меҳнатсиз ҳам кўп даромад олган. Ўз меҳнати билан даромад олувчи мулкдорлар ҳам бўлгану, лекин улар асосий гуруҳлар қаторига кирмаган.

Жамият тараққиёти, аввало, иқтисодий ривожланиш натижасида аралаш иқтисодиёт юзага келиб, кўпчиликнинг мулк эгаси бўла олиши шароити пайдо бўлади. Юқори даражали ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш кўпчиликнинг мулкка ҳиссадор бўлиши, моддий ресурслар ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ўзлаштиришда қатнашуви мумкин бўлади. Умуман, иқтисодий тараққиётда барчанинг манфаатдорлиги юзага келадиги, бу янгича мулкий муносабатлар мазмунига хос мулк турини яратади.

Мулкчилик яккахукмронликдан турлилик томон ривожланадиги, бу мулк шакллари тараққиётини кўрсатади. Мулк тўғрисида юқорида қайд қилиб ўтилган фикрлар унинг шаклларида ўз ифодасини топади ва ўз таъсирини мавжуд ҳаракатдаги мулк шакллари туфайли намоён этади.

Яккамулкчилик тўла ижтимоий мулк шаклидан иборат бўлса, мулк шакллариининг турлилиги асосан давлат мулки, шахсий мулк, шунингдек жамоа, қўшма, кооператив мулклари кабилардан иборатдир. Мулкдан фойдаланишда яна қўшимча шакллар ҳам юзага келади. Булар қаторига ижара, пудрат, шериклик, фермерлик (деҳқончилик) кабиларни қўшиш мумкин.

Мулк шакллари мулкни ўзлаштиришдаги кўринишлар, мулкнинг амалий ифодаси бўлиб, унинг мазмунини билдиради.



4-тарх. Бозор иқтисодиётидаги мулк шакллари

Айтганимиздек, бозор иқтисодиёти турли мулк шакллариини тақозо этади. 4-тархда мавжуд мулк шакллари боғлиқлиги кўрсатилган. Асосан давлат, хусусий ва бирлашма мулкларни мулк турлари десак, турлар шаклларга, шакл-

лар эса ўз навбатида, яна ўз ичида мулк субшаклиларига бўлиниб кетади. Мулк шаклиларининг турлилиги, янгиларининг пайдо бўлиши бозор иқтисодиёти тараққиёти натижасидир. Бирон бир мулк шакли мавжуд экан, демак у самарали ҳаракатда бўлади.

Мулк турлари нисбатини хўжалик субъектлари тузуми бўйича олсак, Ўзбекистонда бу 1997 йилнинг 1 январига қадар қуйидагича эди:

1. Давлат корхоналари — 15,6%
2. Хусусий корхоналар — 44,1%
3. Бирлашма корхоналар — 40,3%

ДАВЛАТ МУЛКИ

Ҳар бир мамлакатнинг давлати ўз мулкини ташкил этади. Бу асосан хўжалик билан, аввало, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Кейинги вақтларда бунинг ҳажми сезиларли даражада бўлиб, умумий мулк миқёсида нисбати Францияда деярли учдан бир қисмга, Англияда 20—21 фоизга, АҚШда 13—14 фоизга тенгдир. Булар асосан барча тармоқларга оид ва халқ хўжалиги инфраструктуралари соҳасидадир. Лекин капиталистик деб аталаётган давлат мулклари қайси шаклда бўлишига қарамай, асосан хусусий характерда ва бозор қоидалари асосида фаолият кўрсатади. Шунга кўра у бозор муносабатларини ривожлантириш, рақобатга шароит яратиш учун хизмат қилади.

Лекин давлат мулкининг бошқа бир тури мавжуд бўлиб, у ўз ҳажми ва ҳаракат мазмуни нуқтаи назаридан фарқланади. Бу собиқ социалистик деб аталган мамлакатларда юзага келган давлат мулкидир. Бу хил мулк шакли ижтимоий мулк бўлиб, ўта даражада умумлашган ва марказлашган мулкдир. Собиқ совет империясида бундай мулк аввало ишлаб чиқариш воситаларини миллийлаштирилиб, уларни ҳеч қандай тўловсиз давлат ихтиёрига олиш ҳисобига пайдо бўла бошлади. Бунда, биринчи навбатда, ерга бўлган хусусий мулкка барҳам берилди ва у давлат мулкига айлантилди.

Майда мулк ва бунга асосланган ишлаб чиқариш вақтинча хусусийлигича сақланиб, 30-йилларга келиб, улар ҳам умумлаштирилди ва артель шаклидаги кооперативларга бирлаштирилди. Қишлоқ хўжалигида колхозлар

тузилди, шаҳарларда ҳунармандчилик артеллари юзага келди. Номига бу жараён ихтиёрийлик асосида ташкил топдию, лекин амалда ноихтиёрий ва маъмурий усулда юзага келди. Шу билан мамлакатда хусусий мулк йўқ қилиниб, умуман хусусий манфаат ҳам инкор этилиб, ижтимоийликка асос солинди.

Бундай ҳодиса ишлаб чиқариш билан чегараланмасдан бошқа соҳаларни ҳам ўз ичига олади: чунончи, савдода хусусий мулк тўлиғича давлат ва кооператив савдосига айлантирилди ва фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ортиқча деб аталмиш қисми учун колхоз бозори савдоси ташкил этилди. Натижада хусусий мулкчиликка қақшатқич зарба берилиб, мамлакат бўйича мулк тўла умумлаштирилди ҳамда давлат ва кооператив мулк шаклларида социалистик мулк номи билан ривожлана борди. Лекин кооператив мулки ва унга асосланган колхозлар ўз мазмуни билан давлат мулкидан фарқланмаган. Чунки улар давлат мулки, давлат корхоналари фаолиятига тааллуқли бўлиб, умумий тартиб қоидалари асосида бошқарилди. Хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш воситалари ва тайёр маҳсулотдан фойдаланишда мустақиллик йўқ эди ва давлат ҳукмронлиги асос бўлиб ҳисобланди.

Бундай давлат мулки жуда кўп салбий оқибатлар билан боғлиқдир. Бунинг давом этиши умумий тараққиётдаги зиддиятни кучайтириб, иқтисодиётни тангликка олиб келди. Бунинг асосий сабаблари ортиқча даражада иқтисодиётнинг давлатлашуви, барча соҳа ва тармоқлар хўжалиklarини тўла давлат ҳукмронлигида бўлиши, хўжаликни бошқарувда ўта марказлашувни юзага келтириш, иқтисодиётнинг тоталитар мазмунда бўлиши, иқтисодиётда объективлик ўрнини субъективлик эгаллаши, шахсий манфаат камситилиб, жамият номи остида иқтисодиётни давлат манфаатига тўла қаратишлардан иборат бўлди. Энг муҳими ишбилармонлик, ташаббускорлик учун зарур шароитлар деярли йўқ қилинди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давлат мулк монополиясига барҳам бериш ва уни хусусийлаштиришни талаб этади.

Ассоциациялар, яъни корхона ва ташкилотлар уюшмаси мулки мавжуд бўлиб, булар асосан давлат мулки асосида бўлганлиги туфайли, буни давлат мулкига боғлаб кўрсатмоқчимиз. Чунки бу умуман бирлашма мазмунида бўлиб,

хусусий мулк иштирокида ҳам бўлиши мумкинлиги ва хусусийлик муносабатларига мойиллик бўлишига қарамай давлатчилик устунлик қилади ва асос бўлиб ҳисобланади. Бундай мулк ҳам бошқаларга ўхшаган халқ хўжалигининг барча тармоқ ва соҳаларида юзага келади. Уюшма мулки эса иштирокчилар мулкидан ажратилган қисминигина ташкил этиб, умумий манфаат учунгина ишлатилади. Бу, айниқса ўтиш даврига жуда характерли бўлиб, Ўзбекистонда ҳам кўп қўлланилмоқда.

ХУСУСИЙ МУЛК

Энг қадимги ва кенг тарқалган мулк хусусий шаклдаги мулк бўлиб, у асосан айрим шахслар билан боғлиқдир.

Хусусий мулкнинг асосий хусусияти шуки, мулк бир кишининг ихтиёрида бўлади ва мулкка нисбатан тўла мустақил иш тутиш имконияти туғилади. Хусусий мулкнинг чегараси бўлмай, бу фақат унинг эгасининг имконияти, қобилиятига боғлиқ бўлади. Бозор иқтисодиёти ривожига бу тур алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусий мулк бир шаклдаги мулк, лекин ҳар бир хусусий мулк ўзига хос алоҳида мулк бўлганлиги туфайли, улар мустақил мулклар, яъни жуда кўп миқдордаги, минг-минглаб сонли мулклардир. Уларнинг ҳар бири бозорнинг алоҳида иштирокчиси ва рақобат курашининг қатнашчиси. Бундан хусусий мулк рақобатни кенгайтирувчи, кучайтирувчи мулк шакли эканлиги яна бир бор ойдинлашади.

Шунга кўра хусусий мулк бозор шароитига жуда тез мослашадиган, харидор талабини тез эътиборга олиб иш тутиш ва фаолият кўрсатиш учун энг қулай шароитга эга бўлган мулк шаклидир. Бундай хусусият бозор иқтисодиётида хусусий мулкнинг аҳамиятини кучайтиради ва етакчилик ролини белгилаб беради. Демак, бозор ривожига учун биринчи навбатда, хусусий мулк кенг қулоч ёзмоғи, иқтисодиётда асосий ўринни эгалламоғи талаб этилади. Зеро, хусусий мулк тараққиётсиз бозор иқтисодиётини тасаввур этиб бўлмайди. Хусусий мулк асосий ўринни эгалламагунча ва давлат мулки устунлиги йўқ қилинмагунча барибир иқтисодий тараққиётнинг объективлигига нисбатан сунъийликнинг устунлиги шароити мавжуд бўлаверади.

Хусусий мулк турлича: кичик, ўрта, катта ва жуда катта ҳажмларда бўлади ва худди шундай ҳўжаликларни ифода-лайди. Албатта улар тўхтовсиз равишда катталашиб ва кен-гайиб хусусиятига эга. Шунга кўра хусусий мулк, айрим шахслар мулки бўлишига қарамай, жуда катта ҳажмда мил-лион, миллиард доллар миқдорида бўлиши мумкинки, у жуда йирик корхоналарни ҳам ўз ичига олади. Хусусий мулк Ўзбекистонда жуда тезлик билан шаклланмоқда. Унинг ҳис-саси ҳўжалик субъектлари ичида 1997 йил бошида 44,1 фо-изни ташкил этди. Бу 1996 йилнинг бошига нисбатан 9,4 фоиз кўпдир.

Хусусий мулк икки, яъни индивидуал ва корпоратив шаклда бўлади. **Индивидуал мулк** шароитида бойлик ало-ҳидалик асосида ўзлаштирилади. Бунда мулк эгаси мулки-дан фойдаланишда ижарага бериш ёки бирон гуруҳга қўши-либ иш тутишда тўла мустақилликка эга бўлади.

Оила мулки ҳам индивидуал хусусий мулкдан ажраб чи-қиб, алоҳидалашади.

Корпоратив мулк шакли ҳиссадорликка асосланади, яъни бунда биргаликда иш кўриш учун гуруҳларга қўши-лиш юз беради. Корпоратив мулк фақат хусусий мулк-дан таркиб топади. Бунда, албатта мулкдор бойликни якка ўзлаштириш ҳуқуқига эга бўладию, лекин бу маъ-лум гуруҳларга бирлашув шароитида юз беради. Корпо-ратив хусусий мулкнинг туб мазмуни индивидуал маб-лағларни бирлаштириш туфайли пайдо бўлувчи жамият-ларнинг корпоратив мулкдан иборатдир. Корпоратив хусусий мулк ҳўжалик юритиш заруриятидан келиб чи-қиб, катта маблағлар ишлатиш ва капиталларни бир-лаштириш орқали юзага келади. Шу билан бирга майда хусусий мулк масъулияти ўрнига корпоратив масъулият пайдо бўлади.

Корпоратив хусусий мулк монополистик мулкни ҳам юзага келтиради. Булар корпоратив мазмундаги йирик хусусий мулк бирлашмаларидан иборат ва улар жуда катта ҳажмдаги бойлик, бу бойлик эса озчилик ихтиёрида бўлади.

Туб хусусий мулкдан кейин миқдор жиҳатдан кўп шакли мулк тури ҳисобланган бирлашма мулки туради. Бирлашма мулкнинг корпоративлик мазмуни бўлса ҳам бу бир неча мустақил мулк шаклларида, яъни акцио-нерлик, жамоа, кооператив, қўшма ташкилотлар мулки

кабилардан иборат бўлади. Шу билан бирга корпоратив хусусий мулкдан фарқли ўлароқ бунда давлат ва чет мамлакатлар мулклари ҳам иштирок этади. Бундаги кўп тарқалган бу мулк шакли аввало **жамоа мулкидир**. Бу майда хусусий мулкчиларнинг бирлашмаси сифатида юзага келиб, бир қанча устунликларга эга. Бундаги муҳим томон асосан сармояларни кучайтириш имконига эга бўлиш, мулкчиларнинг монополлик ҳаракатига бардош бера олиш имконини яратишдир. Бу хил жамоа мулки турли тармоқларда ҳаракатда бўлади, яъни бу мулкчилик ишлаб чиқариш, муомала соҳалари, инфраструктураларда фаол қатнашиши мумкин.

Жамоа мулки, айниқса бевосита истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш тармоқларида катта ўрин эгаллайди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, таъминлаш, қурилиш кабиларда унинг таъсири жуда катта. Оврўпо мамлакатларида, айниқса Японияда бевосита истеъмол ва умуман, инсон ҳаёти шароитида бу мулк шаклининг ўрни катта. У ерда минглаб жамоа корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Бизнинг шароитимизда асосан қишлоқ хўжалигида бу мулк шакли кенг қулоч ёйган. Булар асосан жамоа, гуруҳ мулки асосида ҳаракатдаги хўжаликлардир. Бундан ташқари савдода, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва қайта ишлашда ҳам бу хил мулк кенг тарқалган бўлиб, булар матлубот жамиятлари, харид-савдо бирлашмаларидир.

Жамоа мулки майда мулкчилар фаолиятида аҳамиятлидир. Чунки алоҳида ҳолда майда мулк самара келтириши у ёқда турсин, ҳатто рақобатга бардош бера олмаслиги ва арзигулик иш кўра олмаслиги мумкин, майда мулкдорлар эса ўзаро бирлашиб, каттароқ ҳажмда тижорат ишларини амалга ошириш имконини туғдиради. Шунинг учун ҳам ҳақиқий демократик асосда юзага келган жамоа мулки ва бу асосдаги хўжалик жуда аҳамиятлидир. Ҳар бир бундай бирлашма маълум даражада эркин ҳаракатни чегаралаши сабабли бирлашув фақат ихтиёрийликни талаб этади. Шунини эътироф этиш зарурки, жамоа мулкига давлатчиликни сингдириш фақат зарар келтиради: жамоа мулкидан кутилган самара бўлмайди.

Жамоа мулкининг қўлланилишидаги яна бир хусусият шундан иборатки, бойликнинг ўзлаштирилиши учун иш

фаолиятида биргаликда қатнашиш талаб этилади, чунки жамоа мулки меҳнатсиз ўзлаштиришни инкор этади ва корпоратив хусусий мулкдан фарқланиб, ҳам мулкка, ҳам меҳнатга ҳисса қўшиши зарур ҳисобланади. Бу асосда ташкил этилган хўжаликдаги асосий иш кучи шу мулк эгаларининг ўзидир. Шу билан бирга зарурият талаби билан ёлланма меҳнат жалб этилиши ҳоллари ҳам мавжуд бўлади. Майда мулк бозорда таъсирли кучга эга бўла олмаса, унинг бирлашуви натижасида юзага келадиган жамоа мулки катта ўрин эгаллайди ва бозор иқтисодиётининг муҳим иштирокчисига айланади, унинг ривожиди фаол қатнашиш имконини туғдиради.

Кооператив мулки жамоа мулкининг кўп учрайдиган шаклидир. Кооператив хиллари кўп, улар шу хил мулкка асосланган ва кенг тарқалган корхоналардир. Кооперативларга бирлашганларнинг мулки умумий ва даромади асосан сарф этилган меҳнат билан белгиланади. Бу гуруҳ асосидаги бирлашма бўлиб, ҳиссадорлик мазмунида ташкил топади. Кооперативларда қўшилган мулк билан бир қаторда шахсий қатнашув ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳар бир кооператив бозорда мустақил иштирокчи сифатида фаолият кўрсата олади.

Ўзбекистон шароитида маҳалла мулки ҳам ривожланиб, унинг аҳамияти ўсиб бормоқда.

Мулкчилик шакллариининг яна бир аҳамиятлиси бу — **қўшма мулкдир**. Ўз номи билан бу — мулкларнинг бир-бирига қўшилиши туфайли юзага келади. Икки усулда барпо бўлиши мумкин бўлган бу хил мулк мамлакатнинг ички ва ташқи имкониятларига боғлиқдир. Чунки қўшма мулк ички йирик мулкларнинг бир-бирлари билан қўшилиб иш кўришга асосланса, шу билан бирга мамлакатлараро қўшилиш туфайли ҳам шаклланади. Шунинг учун ҳам бошқа хил мулк шаклларииндан фарқли ўлароқ, бу мулк халқаро аҳамият касб этади. Аввало, мамлакат ичида турли мулкларнинг қўшилиши орқали пайдо бўлиб, бунда давлат асосий ролни ўйнайди. Айтайлик, давлат мулкига хусусий ва жамоа мулкларини тортиш туфайли хўжаликлар ташкил этиш ёки айрим хўжалик фаолияти тури бўйича қўшилиб иш кўриш мумкин ва бунда турли мулк сармоялари жалб этилган бўлади. Бундай шароитда фаолият имкониятлари кенгаяди, самарадорлик даражаси ортади. Айниқса, бундай мулк шакли

ишлаб чиқаришни кенгайтириш, инвестиция соҳаси, янги тармоқлар яратишда жуда аҳамиятлидир.

Маълумки, бозор муносабатларига ўтишда чет сармояларни жалб этиш бу жараёни тезлаштиришда жуда қўл келади. Мулк нуқтаи назаридан олсак, бу чет капиталини жалб этган ҳолда қўшма мулкни авж олдиришдир. Мамлакатимизда, айниқса Туркия, Корея Республикаси ва Германия Федератив Республикаси, АҚШ капиталлари қатнашувида қўшма мулклар кўпаймоқда. 1997 йилга келиб чет инвестицияси билан иш кўраётган корхоналар сони 3061 га етди ва шулардан 985 таси шаклланиш даражасидадир. 1996 йилнинг ўзида бундай қўшма корхоналарда ишлаб чиқариш 6,7 марта ўсди ва маҳсулот 41,6 млрд сўмга етди. Қисқа вақт ичида барпо этилган бундай корхоналар миқдорининг шундай даражага етиши катта муваффақиятдир, албатта. Лекин бу жараён яна ҳам тезлашиши зарур.

Четки капитал асосидаги қўшма корхоналарнинг аҳамияти инвестицияни кучайтириш, миллий иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида шакллантиришда ортиб боради. **Катта маблағлар зарурияти шароитида қўшма мулк орқали чет капиталини жалб этиш заруриятдир.** Зеро, юқорида айтганимиздек, республикамиз олдида халқ хўжалиги тузилишини тубдан ўзгартириш, янги тармоқлар яратиш, замонавий технологияни ўзлаштириш каби йирик иқтисодий вазифалар ўз-ўзидан катта-катта сармояларни талаб этади. Қўшма мулк эса бу муаммони ечишда катта роль ўйнаши турган гап.

Қўшма мулк туфайли жалб этиладиган чет капитали янги технологияни олиб кирмоқда. Чунончи, Корея Республикаси, Германия Федератив ҳукумати капиталлари асосида юзага келган қўшма корхоналар республикамиз учун янги автомобиль саноатини замонавий даражада юзага келтириш имконини бермоқда.

Хом ашёвийлик йўналишини бартараф этиб, тайёр маҳсулот яратишни ўзлаштиришдан пахтадан кийим-кечак тайёрлашгача бўлган технологик ишлаб чиқаришни яратишда Туркия, Корея Республикаси кабилар билан юзага келаётган қўшма мулк жуда аҳамиятлидир. Бундай жараёнлар кундан-кунга ривожланиб, турли мамлакатлар иштирокида қўшма мулкни кенгайтириш туфайли авж олмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад қўшма мулкнинг шаклланиш жа-

раёнига четдан йирик капиталларни жалб этиш, уни миқдорий ва ҳажмий кенгайтириш йўли билан янги тармоқлар барпо этиш, замонавий технологияни қўллаш каби ҳажмли сармояларга боғлиқ масалаларни муваффақиятли бажаришни тезлаштиришдир.

Кейинги вақтларда ташкилотлар мулкнинг мавқеи ҳам ошмоқда. Чунки уларнинг хўжалик — тижорий фаолиятларининг ўсиши мулкни бадал пули чегарасидан алақачон чиқариб юборди. Булар турли партия, касаба ва ёшлар уюшмалари, турли фондлар кабиларнинг мулкларидир.

Диний ташкилотларнинг ҳам мулклари мавжуд. Бу фақат диний бино ва иншоотлар билан чекланмай, балки хўжалик фаолияти имкон туғдирган жамғармалар, турли маросимлардан тушадиган маблағлар ҳисобига ортиб боради. Улар оддий хўжалик фаолияти билан бирга катта қурилиш ишлари ва бошқа капитал харажатларни бажариб борадилар. Бу мулк фақат диний йўлда қўлланилади ва ишлатилади.

Акционер мулк бу туркумдаги энг салмоғли ва таъсирили шакл бўлиб, кенг тарқалгандир. Бу ҳам аслида бирлашган мулк бўлиб, акция чиқаришга асослангандир. Бу акциялар эркин ҳаракатда бўлади, қимматбаҳо қозғолар қаторида савдода иштирок этади ва сотилади, сотиб олинади. Акцияга эга бўлганлар шу асосдаги мулкнинг қатнашчилари ҳисобланадилар. Корхоналарнинг фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Акциялар учун корхоналар фаолиятлари натижасига қараб даромад оладилар. Бу мулкда иштирок этиш жуда ихтиёрийдир. Чунки истаган вақтда акцияни сотиб олиш ёки сотиб юбориш мумкин.

Умуман, бозор иқтисодиётининг ривожланишида бу хил мулкнинг таъсири катта. Чунки акционер жамиятлари жуда йирик бўлиб, улар жуда катта ҳажмдаги мулкни бирлаштирадилар. Шу билан бирга акционер мулкда давлатларнинг иштироки катта бўлиши мумкин. Айтайлик, ҳозирги бозорга ўтиш даврида Ўзбекистонда асосий санат корхоналари акционерлашганига қарамай, улардаги мулкнинг асосий қисми давлат мулкидан таркиб топган. Санатда, савдода, транспорт ва қурилишда пайдо бўлган йирик акционер корхоналар мулкларида давлат қисми юқоридир.

Бундан ташқари акционер мулк бошқа мамлакатлар мулклари иштирокида юзага келиши мумкин. Жаҳонда халқаро акционер жамиятлари кўп. Масалан, трансмиллий концернлар худди шундай мулкни ташкил этадилар.

Халқ корхона мулки. Бу шаклдаги мулк акционер мулкдан келиб чиқади. Чунки акциялар эгалари корхонада ишлайдилар. Шунинг учун улар айна вақтда корхонанинг мулкдори ҳуқуқига эга бўладилар. Бу корхоналар фаолиятига акцияга эга бўлган ходимлар ҳам қатнашув ҳуқуқини кўлга киритадилар. Натижада акционер корхона даромадидан шу акционерлар манфаатдор бўладилар. Масалан, АҚШни халқ капитали мамлакати дейдилар. Чунки акцияга эга бўлган ходимлар корхоналарда кўпчилиқни ташкил этади. 1994 йилда халқ корхоналарида 11 млн дан ортиқ киши ишлаган ва акцияларнинг 20 фоиздан 51% физигачаси ишловчиларнинг биргалиқдаги мулкидан иборат бўлган. У ерда халқ корхоналари деб аталувчи хўжаликлар миқдори ортиб бормоқда. Бундай ҳолатда, албатта, эксплуатация мазмуни ўзгаради ва меҳнатга эркили муносабат асос бўлиб ҳисобланади.

Мулк шакллариининг моҳияти ва мазмуни билан танишиш шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти учун барча мулк шакллари аҳамиятли бўлиб, ҳар бири ўзига хос устунликка эгадир. Айтиш мумкинки, ҳар бир мулк шакли бозор иқтисодиёти учун зарурий бўлиб, улар умумий тараққиёт жараёнида бир-бирини тўлдириб боради. Шунинг учун ҳам бозор муносабатлари шароитида мулк шакллариининг турлилиги ва ҳар бир мавжуд шаклининг тараққий этиб бориши талаб этилади. Бу жараён эркин рақобат шароитида амалга ошиши керак.

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишида мулк шакллариининг турлилиги ва хусусий мулкнинг асосийлигини таъминлаш давлат мулкани хусусийлаштириш, унинг монопол ҳолатини бартараф этишни муҳим масала қилиб қўяди. Чунки бозорга ўтиш, нобозорча бошқариш усули ўрнига бозорча хўжалик юритишни ўрнатиш, давлат иқтисодиётини парчалаш, рақобатбоп хўжалик турларини яратиш асосий муаммолардандир.

Юқорида таъкидлаганимиздек, давлат мулки ҳукмронлиги, тўла давлат иқтисодиёти мавжудлиги бир қанча асосли нуқсонларни келтириб чиқаради, бозор шароитини инкор этади.

Давлат мулкани хусусийлаштириш (приватизация) умумиқтисодий воқелик бўлиб, бозор иқтисодиёти шаклланиши ва ривожининг зарур шартидир. Приватизация давлат мулкидан бошқа мулк шаклларига ўтишни англатади. Приватизациянинг луғавий мазмуни хусусийлаштириш бўлгани учун бу иқтисодий жараёни давлат мулкани хусусийлаштириш, деб атайдилар. Лекин мазмунан хусусийлаштириш приватизацияга нисбатан кенгрокдир. У яна умуман иқтисодиётни либераллаштириш, давлат мулкига хусусийлик муносабатларини сингдириш каби эркин, иқтисодий шароитга боғлиқ тадбир-чораларни ҳам ўз ичига олади.

Приватизация давлат иқтисодий монополлигини битириш ва ўрнига бозорга хос бўлган мулк эркинлигини таъминлашга қаратилган. Чунки бунда давлат мулки ҳукмронлиги ўрнига аста-секинлик билан нодавлат, биринчи навбатда, хусусий мулк шаклларини ўрнатиб бориш юз беради. Агарда биз хусусий мулк шакллари яратиш ва бозорга ўтиш шароитларини пайдо этиш учун давлат мулкани хусусийлаштираётган бўлсак, ривож топган мамлакатларда бозор иқтисоди ривожини соҳасида катта тажриба орттириб, бозор тараққиётини такомиллаштириш ва шу соҳада давлат ва бозор тизимлари ўртасидаги мувозанатни замонавийлаштириш амалга ошмоқда. Бу ҳам туб мазмуни билан монополлашувга қарши кураш, рақобатли бозорни кучайтириш билан боғлангандир. Шунинг учун биздаги ва Фарбдаги хусусийлаштиришни бир хил деб бўлмайди. Бизнинг шароитимиздаги бу жараён ўтиш даври вазифасини бажариш ва бозор иқтисодиётига асос солиш билан боғланган бўлса, Фарбдагиси бозор иқтисодиёти тараққиётини таъминлаш ҳамда навбатдаги давлат ва рақобат бозори ўртасидаги янги балансни таъминлашдан иборат.

Мулкий муносабатларнинг умумий ва хусусий томонлари мавжуд бўлганидек, хусусийлаштиришнинг ҳам умумий қонуният ва талаблари ҳамда шунингдек, миллий, оммавий хусусиятлари мавжуддир. Кейинги йилларда иқтисодиётни нодавлатлаштириш жараёни шароитида

ноғоявийлаштириш кучаймоқда. Чунки фақат хусусийлик тарафдорлари бўлганлар ёки давлат иқтисодиёти тарафдорлари бўлганлар камайиб, ўз аҳамиятларини йўқотмоқдалар. Айтайлик, Буюк Британиянинг йирик нефть компанияси бўлган “Бритиш петролиум”ни консерваторлар эмас, балки лейборист демократлар хусусийлаштиришди. Швецияда ҳам социал-демократлар худди шундай қилишди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Нодавлатлаштириш фақат хусусийлаштиришдан иборат эмас. Бунинг йўл ва усуллари кўп бўлиб, иқтисодий аҳвол, кучлар мувозанати, ҳозирги ҳолат кабиларни ҳисобга олган ҳолда қулай усуллардан фойдаланиш талаб этилади.

Фарб давлатлари тажрибасига кўра иқтисодиётнинг нодавлатлаштириш усулларида тўрт хилини самарали деб танласа бўлади.

Албатта бу усулларни Ўзбекистон учун тўғри келади деб бўлмайди. Лекин улардан фойдаланиш мумкин. Шунга кўра буларни таҳлил этиш фойдадан ҳоли эмас деб ўйлаймиз.

1. Бозорни либераллаштириш. Бу баҳолар эркинлигига ўтиш билан бирга, рақибларни бозорда кўпайтириш чораларини қўллаш, кичик бизнесни кучайтириш, чет товарларни кўпроқ келтириш шароитларини кенгайтириш кабилар бозорни ўзидан-ўзи приватизациясиз нодавлатлаштириб, кенгайтиради ва талабни қондириш даражасини кўтаради.

2. Акционерли давлат — шахсий корхоналарини яратиш, уларнинг фаолият соҳасини кенгайтириш. Бунда давлатнинг акцияли капиталдаги ҳиссасини пасайтириб боришга қаратилган солиқ, кредит каби механизмлар мавжуд.

3. Давлат иқтисодиётига хос nobozor муҳитни кетмакет йўқ қилувчи нодавлатлаштириш усуллари. Булар бюджет ҳисобига корхоналарнинг ишини яхшилаш, давлат буюртмасини қисқартириш, кредит қарзлардан воз кечмаслик, хусусий инвестиция шароитларини давлат корхоналарига татбиқ этишлардан иборатдир. Бу бозор муносабатларига йўл очади.

4. Хусусийлаштиришни амалга ошириш. Агар хусусийлаштириш кенг қўлланилса айрим шахслар, сотиладиган корхоналар, банк, янги акционер жамиятлар, чет фирмаларнинг жамоа аъзолари мулкдорлар қаторига қўшилиб борадилар.

3-жадвал

Иқтисодиётни нодавлатлаштириш усуллари

№	Усуллар	Усулнинг мазмуни	Усулнинг механизми	Ижобий томонлари	Салбий томонлари
1.	Бозорни либераллаштириш	Эркин баҳолар киритилиши, рақобатга йўл очиш, бозор қатнашчиларини кўпайтириш	Баҳо, рақобат, приватизациясиз нодавлатлашув	Майда корхоналар кўпайиши, бозорда таклифнинг ўсиши, бозор тузилишининг ўзгариши	Баҳонинг кўтарилиб бориши
2.	Давлат шахсий акционерли корхоналарни яратиш	Акционер капиталда давлат ҳиссасини камайтириш	Солиқ, кредит	Мулкчилар кўпаяди, эркин иқтисодий фаолият ўсади	Табақаланиш кучаяди
3.	Давлат иқтисодиётига хос нобозор усулларни кетма-кет йўқ қилиш	Давлат корхоналарида бозор муносабатларини қўлаш	Бюджет, кредит, хусусий инвестициялардан фойдаланиш	Давлат буюртмаларини қисқартириш, корхоналар фаолиятини яхшилаш	Ўтиш билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг вақтинча қисқариши
4.	Хусусийлаштириш	Давлат мулкни хусусийлаштириш	Аукцион, акциялар сотилиши, текинга мулкни тарқатиш	Мулк эгасини топади, унинг самарадорлиги ошади	Таъсири маълум вақт ўтганда кучга киради, катта ўзгаришларни талаб этади

Жадвалда иқтисодиётнинг нодавлатлаштиришга хос усуллари кўрсатувчи томонларни умумлаштирилган ҳолда кўрсатишга ҳаракат қилдик. Буларни алоҳида-алоҳида қўлланилади, деб бўлмайди. Бу, албатта тараққий этган ғарб мамлакатлар тажрибаси асосида тузилган. Лекин республика шароитларини ҳисобга олган ҳолда булардан муваффақиятли фойдаланиш ва бу бизнинг шаклланаётган бозор иқтисодиётимиз учун катта фойда келтириши мумкин. Бу тўрт

усул бозор усулига ўтган мамлакатларга хос бўлиб, уларда приватизация олдиндан ҳал қилинган. Ўзбекистон учун эса ҳозирги асосий вазифа — приватизацияни тўла амалга оширишдир.

Амалда юқорида келтирилган тўрт усул биргаликда олиб борилади. Лекин иқтисодиётнинг нодавлатлаштиришда либераллаштириш ва хусусийлаштириш бир-бирини тўлдириб келади. Чунки буларнинг ўзига хос катта устуворликлари мавжуд. Либераллаштиришни олсак, у бозор эшикларини кенг очиб қўяди. Бунда бозорнинг ички тузилиши ўзгариб боради ва иқтисодиётнинг нодавлатлашувига ёрдам қилади ва монополлашувни заифлаштиради. Хусусийлаштириш эса бирданига бундай ўзгаришларга олиб келмайди, чунки фақат мулк шакли ўзгаради, бозорда дарров ўзгаришлар юз бермайди ва ўша товар камчилиги, монополия мавжудлиги, товар сифатининг пастлиги сақланиб қолаверади.

Лекин хусусийлаштиришнинг ижобий томони шуки, у мулкнинг реал — ҳақиқий эгасини топади. Биламизки, мулк эгасини топмагунча самарадорлик бўлмайди. Демак, бозор механизмлари ишга туша бошлайди, ишлаб чиқариш ўсиб, тақлиф кучая боради.

Ривож топган мамлакатларда хусусийлаштириш молия бозорига таъсир этади, натижада сотиладиган акциялар кўпайиши билан тақлиф ортади. Бу ҳеч қандай харажатлар билан боғлиқ бўлмайди ва истеъмол буюмларига бўлган талабнинг қисқаришига олиб келади. Фойдали бўлгани учун фуқаролар хурсандлик билан давлат мулкнинг сотилишида фаол қатнашадилар. Инфляцияга қарши таъсир кучли бўлади. Даромадларнинг бир қисми акциялар сотиб олишга сарфланганлиги сабабли товар ва хизматлар бозорида талаб пасаяди. Англия, Францияга ўхшаган мамлакатларда приватизация жараёнида худди шундай воқелик юз берган.

Россияда аҳвол бошқача бўлиб, хусусийлаштириш чеклари чиқарилди, бу ижтимоий-сиёсий мувозанатга анча ёрдам берди.

Хусусийлаштиришнинг муваффақияти учун бир нечта шартларни бажариш талаб этилади.

1. Мулкнинг тақдирини белгилашда, имкони бўлса приватизациялаштирилади. Бунда ноҳақлик, назоратсиз-

лик юз бермаслиги учун, аввало давлат мулки субъектларнинг тўла аниқлиги талаб этилади.

2. Приватизация иқтисодиётнинг бозор потенциалларини тезда ишга солиши учун капиталлар ҳаракатини таъминлаш, уларнинг тармоқлараро ва соҳалараро силжиш йўллари очиш талаб этилади.

3. Сотиладиган акцияларнинг олдиндан маълум бўлиши. Ривожланган мамлакатларда бу жараён ҳақиқий бозор усулида эркин тарзда бўлмайди. Масалан, Францияда сотиладиган корхоналар акцияларининг 10 фоизи корхона ходимларига паст баҳода сотилади, 15 фоизи чет элликларга, 50 фоизи Франция фуқароларига ва банк, муассаса, корхоналарга, фондларга, қолган 25 фоизи эса йирик молия институтларига сотилади. Германияда эса давлат ўзига 51 ёки 25 фоизини қолдиради.

4. Хусусийлаштиришнинг охиригача амалга ошишини таъминлаш учун мулкнинг бири хусусийлаштирилиб, иккинчисини бюрократ аппарат кўлида қолишига йўл қўйилмаслик керак.

Юқоридаги шартлар бажарилса, хусусийлаштириш муваффақиятли ўтади. Масалан, Германияда бу қийинлик билан кўчди. Чунки маҳаллий ҳокимиятларнинг ҳуқуқлари катта. Англияда “Бритиш Генеком”ни приватизация қилиш натижасида 2,25 млн киши шерик мулкдор бўлишди. Бу, корпорациянинг 96 фоизи ходимларига тенг, деган сўз.

Давлат хусусийлаштиришни кенгайтирар экан, демак у ўз фаолиятини бозор иқтисодиёти талабига мослаштириш, унинг ривожини кучайтириш ва талаб томон тўла ҳаракатда бўлиш, истеъмолчилар учун зарур товарлар билан бозорни тўлдиришни кўзда тутди. Приватизация ишлаб чиқариш самарадорлиги ва аҳолининг юқори даражали турмушини таъминлаш учун бўлган ҳаракатдан иборатдир.

Ўзбекистонда рақобат бозорига хос эркин иқтисодиётни шакллантиришда албатта хусусийлаштириш муҳим асос бўлиб, у тезлаштирилиши керак. Аммо юқоридаги шартларни эътиборга олиш ва шароитга қараб юқорида кўрсатиб ўтилган усуллардан фойдаланишни эсдан чиқармаслик шарт. Хусусийлаштиришни иқтисодни либераллаштириш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки либераллаштириш бевосита бозорни кенгайтиради, яъни бу

жараёнга ҳозироқ таъсир кўрсатиб, тезда самара бера бошлайди.

Республикамизда баҳо либераллиги амалга ошди ва ўз самарасини бермоқда, бож соҳасидаги амалий ишлар чет товарларининг ички бозоримизда ўз ўрнини кенгайтирмоқда. Пул-кредит соҳасидаги ишлар, миллий пулнинг мустақамланиши кабилар бозор муносабатларига ўтишни тезлаштирмоқда.

Лекин хусусийлаштириш соҳасида ҳам бир қанча ишлар бажарилиб, бунда давлат катта ташаббускорлик қилмоқда. Пулли, пулсиз ва имтиёзли усуллар кенг қўлланилмоқда. Айтайлик, турар жойларни хусусийлаштириш жуда тез вақт ичида кенг миқёсда ўтказилди. Бунда имтиёзли усул қўлланилиб, уй-жойлар арзон баҳода кам пул ҳисобига Ўзбекистон фуқароларининг хусусий мулкига айлантирилди. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, аввало майда ва ўрта, сўнгра катта савдо корхоналари ҳам хусусийлаштирилди. Бунда хизматчиларга имтиёзли шароитлар яратиб берилди.

Аукцион йўли билан ким ошди савдоси орқали нодавлатлаштириш ҳам қўлланилиб, бу асосан вилоят ва туманлар ҳудудларида ўтказилмоқда. Тез вақт ичида давлат санат, қурилиш, транспорт корхоналарини акционерлаштириш туфайли мулкчиларнинг сони анча кўпайтирилди. Бунда корхона хизматчи ва ишчиларига устуворлик ҳуқуқи берилиб, аввало улар чекланган акционерлик корхоналарига айлантира бошланди.

Ўзбекистонда ҳам хусусийлаштиришда чет эл капитали қатнашиб, мулк сотиб олиши мумкин. Бу мулк турлилиги шароитини яратишда аҳамиятлидир. Хусусийлаштиришнинг тезлик билан олиб борилиши шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда минг-минглаб хусусий корхоналар мавжуд бўлмоқда. Уларнинг сони 1997 йилга келиб 100 мингдан ошиб кетди.

Хусусийлаштириш натижасида давлат монополиясига барҳам берилмоқда, нодавлат мулкнинг барча шакллари ривожланмоқда. Хусусий мулкчи ишлаб чиқарувчиларнинг миқдори борган сари кўпайиб, эркин иқтисодий ҳаракат шароитини яратувчи соғлом рақобат учун қадам ташланмоқда. Натижада мулк эгасини топиб, ундан фойдаланиш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб бориш сари силжиш тезлашмоқда.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. Турли мулкчилик ва яккамулкчилик. Якка мулкчилик монополлик, айниқса давлат монополлиги билан боғлиқ бўлиб, озчиликнинг ҳукмронлиги ва давлат мазмунидаги иқтисодиётни тақозо этади. Турли мулкчилик иқтисодиётда мулк шакллариининг кўплиги ва унинг тараққиёт учун зарур барча турларининг мавжудлигини тақозо этади. У рақобатли бозорнинг асосини ташкил этади.

2. Мулк шакллари. Мулкнинг ўзлаштиришдаги кўринишларини, мулкнинг амалий ифодасини тушунмоқ керак. Агарда шартли равишда хусусий, бирлашма ва давлат мулкларини мулк турлари деб олсак, улар бир қанча шаклларни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, бирлашма мулк жамоа, кооператив, қўшма, акционер, халқ корхоналари, ижтимоий ташкилотлар, диний ташкилотлар, маҳалла мулки кабилардан иборат бўлса, хусусий мулк индивидуал, корпоратив ва оила мулкни ўз ичига олиши мумкин.

3. Халқ корхоналари мулки акционерлашган мулкнинг бир кўриниши бўлиб, акцияларга эга бўлган ходимларнинг иштирокидаги корхоналар мулкидир.

4. Приватизациянинг луғавий мазмуни хусусийлаштириш бўлиб, давлат мулкидан нодавлат мулкларни, яъни бошқа хил ва шаклдаги мулкларга ўтиш жараёнини билдиради. Бу давлат монополиясини битириш, унинг ўрнига мулк эркинлигини таъминлаш, мулкни демократлаштиришдан иборат бўлиб, давлат мулкни кўпчилик ўртасида тарқатган ҳолда мулкдорларни кўпайтириш жараёнидир. Хусусийлаштириш бозор муносабатларига ўтиш даврида зарур шарт бўлиб, оммавий тус олса, бозор ривожини шароитида зарурият тақозоси асосида хусусийлаштириш ва давлатлаштиришни ўрин алмаштириб туриш мумкин.

МАВЗУ БЎЙИЧА САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Мулк муносабатлари ва мулкчиликни қандай тушунасиз? Мулкчиликнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни, унинг ривожини учун таъсирини мисоллар билан кенг тушунтириб беринг.

2. Якка мулкчилик ва турли мулкчилик мазмунини тушунтириб, уларнинг бозорга алоқаси, ундаги аҳамияти каби масалаларни ечиб беринг.

3. Мулк турлари ва шакллари қандай тушунасиз? Ҳар бир мулк шаклининг бозор учун аҳамиятини очиб бера оласизми?

4. Нима учун корпоратив мулк ва акционерлашган мулк бир-бирига ўхшашлигига қарамасдан бошқа-бошқа мулк шакли бўлиб ҳисобланади?

5. Хусусий мулк ва унинг кўринишларини бозор ривожини учун алоҳида аҳамият касб этишининг сирини нимада?

6. Халқ корхона мулкнинг моҳиятини очиб беринг, унинг ишлаб чиқаришни ривожланиши ва ишловчиларнинг турмуш сифати даражасига таъсирини кўрсатиб беринг.

7. Хусусийлаштиришнинг мазмунини тўлароқ қилиб тушунтириб беринг. Унинг бошқа усуллар, айниқса бозорни либераллаштириш билан боғлиқ бўлган таъсирини кўрсатиб беринг.

8. Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг амалга ошуви ҳақида нима-лар биласиз? Бунда чет тажрибалардан фойдаланиш ва шу билан бирга республика, маҳаллий шароитлар, имкониятларни эътиборга олган ҳолдаги мисолларни биласизми?

9. Умуман Ўзбекистонда хусусийлаштиришга қандай баҳо берасиз?

10. Ўз вилоят ва туманингизда хусусийлаштириш жараёнини мисоллар билан таҳлил этиб беринг.

IV. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАР

Бозор иқтисодиётига мавжуд барча категориялар таъсир кўрсатади. Лекин бозор иқтисодиётида аҳамиятли, уни ривожлантирувчи, ҳаракатининг мазмунини белгилаб берувчи асосий омиллар ҳам бўлиб, уларсиз бозор иқтисодиётини тасаввур этиб бўлмайди. Бундай туб мазмуни билан бозор иқтисодиёти моҳиятини белгилаб берувчи категориялар қаторига: талаб, таклиф, рақобат, эркин баҳо, конъюнктура, муқобиллик-тенглик, фойда кабилар киради.

Булар механизм сифатида бўлиб, корхоналарнинг бошқарилиши, иш юритилиши, хўжаликнинг ташкил этилиши бозор мазмунида бўлиши, умумий бозорча иқтисодий йўналишда таъсир этишини сезамиз ва бозор ҳаракатини улар туфайли амалга ошувини кузатамиз. Шунинг учун ҳам иқтисодий категорияки, улар абстрактлашган иқтисодий воқелик, умумлашган иқтисодий мазмуний ҳаракатдан иборатдир. Категориялар объектив ҳолатда мавжуд бўлиб, ўз-ўзидан ҳаракатлантирувчи кучдир, иқтисодий ҳаракатни ўзида акс эттирувчи, ифодаловчи мавҳумликдир ва мавҳумлашган иқтисодий воқеликдир. Биз кўраётган категориялар бозорга хос ҳаракатлантирувчи хусусиятга эга, улар ва иқтисодий қонунлар туфайли бозорнинг иқтисодий мазму-

нини тушунамиз. Унинг ривожланиш хусусиятлари, ҳаракатланиш қонуниятларини англаймиз.

Бу категорияларни ўрганишдаги кетма-кетлик уларнинг белгиловчи бир-бирига боғлиқлик хусусиятларига асослангандир. Бу мавзуда асосий эътиборни талаб, таклиф, баҳо, конъюнктура, фойда ва планлаштириш категорияларига қаратамиз.

ТАЛАБ КАТЕГОРИЯСИ ТУШУНЧАСИ

Талаб бозордаги энг муҳим ҳодиса бўлиб, у инсон шахсий манфаатидан келиб чиқади ва шунга хос иқтисодийликни ўзида акс этади. Талаб категорияси инсонга бевоситалик, унинг манфаатини бозорда ифодалашни туфайли бозор иқтисодиётининг туб мазмунига асосий таъсир кўрсатади ва унинг ҳаракат йўналишини белгилаб беради.

Бозор шароитида истеъмол табиий ҳолда амалга ошмай, айирбошлаш ва унинг пул-товар муомаласи туфайли рўёбга чиқади. Бунинг учун олди-сотди, харидор-сотувчи поғоналаридан ўтиб, бир қатор шаклларни бошдан кечирмоғи зарур: эҳтиёж-талаб-истеъмол. Шахсий истеъмол маълум моддий ва маиший буюмларга муҳтожликни туғдиради. Товар-пул муомаласи шароитида эса бу бозорга мурожаат этиш, унда харидор сифатида иштирок қилиш заруриятини туғдиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир истеъмолчи шахс бозорда, аввало, харидор сифатида юзага келади. Харидор маълум товар ва хизматларга талабни пайдо қилади. Талаб бу мавҳум нарса эмас, у истакнинг ўзи эмас, балки реал воқеликдир. Агар эҳтиёж маълум ва аниқ пул миқдори билан қопланмаса, у талабга айланмайди. Эҳтиёж талаб қилинадиган, харид қилиниши зарур бўлган, баҳо миқдорини таъминлай оладиган пул ҳажмига эга бўлмаса, у ҳақиқий талабга айлана олмайди. Демак, истеъмолчи-харидорнинг бозорда талаб мазмунида ҳаракат қила олиши учун зарур миқдордаги пул зарурдир, шу пул туфайлигина у ўз эҳтиёжини талабга айлантириши мумкин. **Бозордаги талаб пул билан қопланган, харидликни тўла таъминлай оладиган харидор-истеъмолчининг намоён бўлишидир, унинг бозорда ифодаланишидир.** Шу вақтдагина ҳар бир истеъмолчи талаб мазмунидаги бозор иштирокчисига айланади

ва ўзининг манфаатини бозор муносабатлари асосида ифода этади. Бозор иқтисодиётида пул билан қопланмаган талаб бўлмайди ва пулсиз эҳтиёж тилак, истак ва хаёл даражасида қолаверади.

Шу мазмундаги истеъмолчининг талаби маълум товар, товарлашган хизматга айланиши учун улар зарурий хилларда ва миқдорда мавжуд бўлиб, уларнинг хили, сифатига қараб белгиланади. Чунки талаб пировардида баҳо туфайли амалга ошади. Талаб ҳаракати жараёнида эътибор аввало товар, товарлашган хизматнинг истеъмол қийматига қаратилади. Бунда, биринчи навбатда, бевосита истеъмолни қоплаш хусусиятлари аниқланиб, истеъмол талабларига тўла мослигини белгилаб, сўнгра унинг баҳо-сига эътибор берилади. Чунки истеъмолчи учун аввало товардан фойдаланиш асос бўлиб ҳисобланади. Лекин бунинг ўзи билан талаб тўла ифодаланиб шакллана олмайди. Бунинг сабаби шуки, баҳо муаммоси ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, пировардида талабнинг рўёбга чиқиши, амалга ошиши баҳога тақалади. Чунки айтиб ўтганимиздек, бозордаги талаб пул билан қопланадиган реал иқтисодий ҳодисадир. Баҳо ҳам талабни белгиловчи асосий томон бўлгани туфайли талабни акс эттирувчи харидор учун баҳо ҳам маъқул бўлиши зарурки, у ўз пул-маблағи билан чегараланган, унинг даромади маълум баҳогагина ҳисобланган бўлади. Шунга кўра товар, товарлашган хизматнинг истеъмол хусусиятлари талаб даражасига тўла мос келса ҳам, баҳо тўғри келмаса талаб шаклланмайди ва товар сотиб олинмай, истеъмолчининг манфаати қондирилмайди.

Талаб реал бўлиши, уни амалга ошиши учун товарнинг икки хусусияти ҳам катта аҳамиятга эга, хаттоки кўпинча баҳонинг ҳал қилувчилик хусусияти устун келиши мумкин. Баҳо туфайли талаб амалга ошмай қолиши оммавий бўлиб, даромади юқори бўлмаган истеъмолчилар учун бу тақдирий масала бўлиши, юқори баҳо туфайли ўз истеъмолини қисқартириб бориши аҳолининг кўпчилик қисмига хос нарсадир. Бу, айниқса, инфляциянинг ўсиб бориши даврига оид.


“Экономикс” муаллифлари К. Р. Макконелл ва С. Л. Брюларнинг таъкидлашича, истеъмол танлови бозор иқтисодига асосланган эркин иқтисодий тараққиётнинг кенг қулоч ёзгандир. Чунки истеъмолчилар ўз пул даромад-

лари миқёсида товарлар ва товарлашган хизматларни кўнги-лари истаган тарзда сотиб олишлари ва шу билан ўз истеъмолларини ихтиёрий қондириш имконига эга бўлишлари мумкин. Иқтисодийёт нима ишлаб чиқариши кераклигини истеъмолчи белгилайди. Бундай хусусият бозорда талабга ҳал қилувчи куч беради.

Талаб, аввало, ресурсларга ва истеъмол товарлари, то-варлашган хизматларга бўлган талаб сифатида юзага ке-ладики, биринчиси ишлаб чиқариш истеъмолини, ик-кинчиси эса шахсий истеъмолни қоплашга қаратилган-дир.

Талаб ўзгариши (эластиклиги) мавжуд бўлиб, у баҳолар ўзгариши ва ҳолати, харидорлар миқдори ва уларнинг диди, истаги, истеъмолчилар пул даромади, ўрнини алмаштириш мумкин бўлган ёки ўрнини босадиган товарлар ҳажми, ин-фляция эҳтимоли кабиларга боғлиқдир.

Буларни, айтилиши вақтда талабни белгиловчи омиллар де-йиш мумкин. Буларнинг ичида энг муҳимлари товарлар ва хизматлар баҳоси ва истеъмолчиларнинг пул даромадлари-дир.



5-тарх. Талаб ҳаракатининг чизма ифодаси

Чизмадан аниқ кўриш мумкинки, даромад юқори бўл-са, талаб ўсиб бора-ди ва баҳо юқори бўлса, талаб пасайиб боради.

Баҳога қараб та-лабнинг ўзгариши

катта аҳамият касб этиши туфайли бунга эътибор кучли бўлади. Эластиклик коэффиценти таъсирли бўлиб, у ба-ҳога қараб талабнинг кўпайиши ва озайишини билдиради. Бир миқдор асос қилиб олиниб, шунга қараб талаб қанча ўзгариши белгиланади. Эластик коэффицент талабнинг баҳога қараб сезгирлиги ва ўзининг ўзгариши даражасини билдиради. Бундаги асосий мазмун шуки, талаб ва баҳо ҳара-катлари қарама-қарши йўналишда бўлади, яъни баҳо кўта-рилса, талаб камайиши керак, баҳо пасайса, талаб ўсиши керак. Айтайлик, талаб ўзгариши (коэффиценти) мол гўшти учун 0,4 ни ташкил этса, баҳонинг 10 фоизга кўта-рилиши талабнинг 4 фоизга камайишига олиб келади. Агар

талаб коэффиценти бирга тенг ёки кўп бўлса, маҳсулотга бўлган талаб юқори бўлади, яъни баҳо ўзгариши даражасидан катта бўлади.

Алоҳида-алоҳида товарларга бўлган талабнинг эластиклиги ёки ноэластиклигининг аҳамияти шуки, у баҳога қараб ўзгариш натижасида олинадиган даромадга таъсир кўрсатади.

Баҳодан ташқари эластиклик ёки талабнинг ўзгарувчанлиги даромад ўзгаришига боғлиқдир. Чунки бу истеъмор ва ишлаб чиқариш даражасининг ўзгаришига олиб келади. Маълумки, ривожланаётган мамлакатларда даромад ўсиб бориши билан узоқ истеъмор қилинадиган товарларга бўлган талаб ортиб боради. Ривожланган мамлакатларда эса товарлашган хизматларга талаб ортади. Шундай қилиш керакки, айрим товарларга бўладиган талабнинг кўпайиши айни вақтда баъзи товарларга бўлган талабнинг камайишига олиб келади. Талаб эластиклигининг даромадга қараб ўзгариш усули баҳога қараб коэффицентни белгилашга ўхшайди. Бунинг учун АҚШдаги талабнинг даромадга қараб ўзгариши аҳамиятига боғлиқ маълумотларни мисол келтирамиз.

4-жадвал

АҚШда даромадга қараб талаб эластиклиги

Товарлар номи	Эластиклик
Салбий миқдор	
сут	-0,5
картошка	-0,2
чўчка гўшти	-0,2
Ноэластик товарлар	
кофе	0,0
парранда гўшти	0,3
пишлоқ	0,4
мол гўшти	0,5
сигаретлар	0,8
Эластик товарлар	
бензин	1,1
вино	1,4
узоқ муддатли истеъмор товарлари	1,8

Жадвалдаги кўрсаткичлардан кўриш мумкинки, даромаднинг ўсиб бориши туфайли умумий оддий истеъмол товарларига талаб камайган (салбий талаб), шу билан бирга юқори сифатли товарларга талаб деярли ўзгармаган (ноэластик товарлар), юқори турмуш даражаси билан боғлиқ товарларга эса талаб кўпайган (эластик товарлар). Албатта бунда оила бюджетининг аҳамияти катта бўлиб, борган сари зеби-зийнат буюмлари ёки бевосита кундалик истеъмол консерватив талабларнинг мувозанатларини ўзгартириб боради. Чунки бири кўпайса, бошқаси камаяди ёки ўзгаришсиз қолади. Аммо барчаси ўзгариши ҳам мумкин, бу эҳтиёж ва даромад имконига боғлиқ.

Талабнинг бир неча турлари ва кўринишлари мавжуд. Бунда биз маркетинг бўйича мутахассис Ф. Котлярнинг бозордаги товарларга бўлган талабларнинг бир неча кўринишлари бўйича берган изоҳларидан фойдаланамиз. Албатта, бу маркетинг нуқтаи назаридан кўриб чиқилган, аммо кўриниши, ҳолати ва мазмунларини ўрганиш бўйича биз учун фойдадан ҳоли эмас.

1. Салбий талаб. Баъзи одамлар товарлашган хизматларга салбий муносабатда бўладилар. Масалан, эмлашга, стоматологик даволанишга, хирургик даволаниш кабиларга салбий қаралади ва уларга ҳавас бўлмайди. Бундай товарлар ва товарлашган хизматларга талаб салбий бўлади. Товарларга салбий талабларнинг олдини олиш учун бундай товарларни ўзгартириш, баҳосини пасайтириш кабиларни қўллаб, уларнинг истеъмоли учун рағбат ҳосил қилиш керак бўлади.

2. Талабнинг йўқлиги. Айрим истеъмолчилар товарга қизиқмайди ва унга бепарво қарайди. Айтайлик, фермерлар агротехникани қўллашга қизиқмай, эътибор беришмайди. Талабалар чет тилларни ўқишга бепарволик қилади. Бунда инсон манфаати билан товарлар фойдалилигининг бир-бирига боғлаш йўллари топиш зарур.

3. Яширин талаб. Кўпчилик истеъмолчиларда бозорда мавжуд товар ва товарлашган хизматлар туфайли қондирилмаган кучли иштиёқ бўлиши мумкин ва у яшириниб ётган ва рўёбга чиқмаган талабга айланади. Зарари кам ёки зарарсиз сигаретларга эҳтиёж катта. Шунингдек, автомобиль, турар жой кабиларга талаб катта. Демак, шундай товарларни таклиф этиш керак.

4. Камайиб борувчи талаб. Ҳар қандай ташкилот товар ва товарлашган хизматларга бўлган талабнинг камайишига албатта дуч келади. Масалан, хусусий ўқув юртлирида ўқишни ёки армияда мажбурий хизмат қилишни истамайдиганлар каби. Бунда шунинг олдини оладиган янгича томонларни топиб, таклиф этиш керак.

5. Узилувчан талаб. Кўпчилик ташкилотларнинг товар ёки товарлашган хизматларга бўлган талаби бир меъёрда бўлмай, узилиб ёки бирдан кўпайиб туради. Бу транспортга, мавсумийлик кабиларга хос воқеликдир. Бунда мослашув, заруриятга қараб таклифни ўзгартириш талаб қилинади.

6. Тўлақонли талаб. Ташкилотнинг ўз савдо оборотидан тўла қаноатланиши тўлақонли талаб мавжудлигини билдиради. Вазифа талабни шу ҳолда ушлаб туриш, талабнинг камайишига йўл қўймайдиган чораларни қўллаб боришдан иборатдир. Шунинг учун кучайиб борувчи рақобат ва товар сифати, хизмат кўрсатиш кабиларга эътиборни сусайтирмаслик зарур бўлади.

7. Ортиқча талаб. Бир қатор ташкилотларда талаб даражаси уни қондириш имкониятидан юқори бўлади. Бунда ноталаб усулларини қўллаш ва истеъмолчиларни камайтириш йўллари топиш мақсадга мувофиқдир. Кам даромадли соҳаларда, баҳони кўтариш, сервисни пасайтириш йўллари билан истеъмолчиларни қисқартириш мумкин.

8. Нораціонал талаб. Саломатлик учун зарарли товарлар талабига қарши қаратилган ҳаракат мавжуд бўлиб, бу таъсирли куч сарф этишни талаб этади. Масалан, сигарет чекишнинг кўпайиши, спиртли ичимликлар, наркотик воситаларни истеъмол қилиш, отув қуроллари, парнографик фильм ва суратлар кабиларга қарши чоралар қўллаш амалга оширилмоқда. Бунда баҳоларни кўтариш, тарғиботни кучайтириш ва бундай товарларга эга бўлишни чеклаш кабилар қўл келади.

Буларга қўшимча равишда ўсиб борадиган, барқарор қондирилган, кечиктирилган, нормал ва ваҳима мазмунидаги талаб кўринишлари мавжуд бўлиб, буларни ҳам кўриб чиқайлик.

Ўсаётган талаб жуда хусусиятли бўлиб, бу айниқса ўтиш, ислоҳот даврларига хос бўлиб, инқироз натижасида талаб жуда пасайиб кетиб, сўнгра у тиклана бошлайди.

Иқтисодий қийинчиликлар ишлаб чиқаришнинг ўзгариши ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг талабдан паст бўлиши, халқ хўжалик тузумининг ўзгариб, янгилалиши кабилар умумий иқтисодий ҳолатнинг оғирлашуви истеъмолнинг ночорлиги билан боғлиқ бўлади. Бунда даромад пасайиши, товарлар тақчиллиги, инфляция кабилар таъсирли бўлиб, кўп товарлар истеъмоли пасаяди. Буларнинг ҳаммаси бозордаги товарлар талабининг ҳолатини белгилаб беради.

Ўзбекистон, Суверен Давлатларда мустақилликка ўтиш, бозор иқтисодиётининг шаклланиши натижасида оғир иқтисодий ҳолат юз берди. Лекин ўтиш даври вазифаларининг бажарилиб бориши, ишлаб чиқариш тушкунлигининг олдини олиб бориш натижалари туфайли аҳвол аста-секин яхшилана боради ва бу албатта, ўз таъсирини кўрсатади. Ўсиб бораётган талаб бизнинг шароитимизга ҳам тааллуқли бўлиб, даромадлар ошиб бориши, бозорда товарлар тақчиллигининг кўтарилиши кабилар бунга жуда мос тушади. Бошқача қилиб айтганда, бозорда товарларга талаб доимо ўсиб боради.

Барқарор қондирилган талаб иқтисодиётнинг нормал ривожланиши, айниқса, ривожланган мамлакатлар бозор иқтисодиётига тааллуқлидир. Бундай мамлакатларда истеъмолчилар талабининг тўла қондирилиши доимий бўлиб, унда узилишларга йўл қўйилмайди.

Қондирилиши кечиктирилган талабнинг мавжудлиги иқтисодиётнинг носоғломлигидан хабар беради. Бунда иқтисодий мувозанат бузилади ва бундай талаб ҳам ортиб боради. Натижада иқтисодий танглик, умумий инқироз кучаяди ва бу ижтимоий-сиёсий муҳитга салбий таъсирини кучайтиради. Бу, айниқса инфляция, товар камчиллиги, турмуш даражасининг пасайиб бориши каби ўта салбий оқибатларга олиб келади. Аҳоли қўлида тупланиб бораётган пул массаси бозорга ўз тазйиқини ўтказиб, баҳолар кўтарилишини тезлаштиради. Шу билан бирга товар хиллари ва турларига бўлган талаб мувозанати ўзгариб, у бир товардан иккинчисига ўтаверади. Бу эса борган сари сероб товарлар гуруҳини қисқартириб, тақчил товарлар гуруҳини кенгайтиради. Умуман бозор талабини тўла издан чиқариш хавфини туғдириб беради. Буни Ўзбекистон мисолида ҳам озиқ-овқат товарларига бўлган талабнинг кейинги йилларда кескин кўпайишида қисман кўрамыз.

Демак, бошқа товарларга бўлган талаб озиқ-овқат товарларга кўчган. Айниқса, узоқ истеъмол қилинадиган товарларга талаб анча камайган.

Нормал талаб. Бу катта ўзгаришлар ва кутилган даражада ташкил топаётган талабдан иборат. Бу нормал иқтисодий тараққиётнинг натижасидир.

Ваҳимали талаб. Бу туб мазмуни билан нонормал талаб бўлиб, асосан сунъий равишда юзага келади. Шовшув, ваҳима гаплар туфайли бирдан товарларга талаб ортади. Айтайлик, қандайдир кескин ўзгариш, миш-мишлар тарқатиш ёки бир хилги товарларни кўплаб сотиб олишга ҳаракат қилиниши товарлар тақчиллигини кучайтиради. Бунда ишонч йўқолади, истеъмолчиларнинг руҳий ҳолатига таъсир кучаяди. Бундай талаб узоқ давом эта олмайди ва зарур чора-тадбирлар туфайли нормал талаб ўрнатилади.

Талабга миллий, маҳаллий, халқаро омилларнинг таъсир этишини кўрамиз. Албатта, миллий, анъанавий урф-одатларнинг таъсири маълум. Бундан ташқари умумий ва ишлаб чиқариш даражасининг талабнинг шаклланишига таъсири каттадир. Товарларга бўлган талаб бу омилларга кўра турлича бўлиши мумкин. Чунки бу омилларнинг товар талаби миқдорига таъсири бир хил бўлмайди.

Халқаро омилларни олсак, янги товар ёки хизматлар хилининг киритилиши, иқтисодий алоқалар даражаси ва унинг ўзгариб туриши, реклама ривожига албатта талаб миқдорига таъсир этади. Бозордаги истеъмолчиларнинг талаби билан ҳар томонлама танишиб чиқиш, унинг моҳияти, кўриниши, омиллари кабилар ҳал қилувчи аҳамиятга эгаллиги бозор мазмунининг асосини ўзида акс этишини кўрсатади.

ТАКЛИФ КАТЕГОРИЯСИ ТУШУНЧАСИ

Талаб алоҳида ҳолда юзага кела олмайди ва таклифни чақириб, у билан биргаликда шаклланади. Ўз аҳамияти нуқтаи назаридан таклиф бозор учун талабдан кейинги муҳим категория-механизмдир. Таклиф ишлаб чиқариш томони, унинг бозорда ифодаланишидир.

Айирбошлаш, муомала орқали истеъмол учун ишлаб чиқариш пировардида таклифга айланиши керак. Чунки бозор

шароитида таклифсиз товар ишлаб чиқариш амалга ошмайди, у таклиф шаклидагина реаллашади. Товар ишлаб чиқарувчининг мақсади даромад экан, у товарининг истеъмолчисини топиб, ўз мақсадига эришиши даркор. Бу ўзиданўзи бўлмайди ва у албатта талабни қондиришга аталган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш жараёнида талабга тўла мос келадиган товарнинг барча хусусиятларининг ҳосил қилиниши зарурияти туғилади. Бунинг умумий мазмуни шуки, талабга ҳар томонлама мос товар ишлаб чиқарилиши таклифнинг асосидир. Агарда истеъмол қиймати тўлиғича талабга қаратилган, талабдан келиб чиқадиган бўлса ва товар қиймати ҳам талабнинг пул миқдорига мослашган бўлсагина таклиф шаклланади. Лекин талаб категориясини кўрганимизда қайд қилганимиздек, баҳо ҳамда пул билан белгиладиган талабни эътиборга олмасдан шакллана олмайди. Чунки талабнинг рўёбга чиқишида баҳо ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Таклифнинг талабдан келиб чиқиши, унга боғлиқлиги ҳам шундадир. Кўриниб турибдики, ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи, иш юритувчи, бизнесмен-тадбиркор талабга боғлиқ бўлган ва кўп томонли иқтисодий воқеликларга боғлиқ бўлган таклиф мазмунини ўзида тўла ифодаламагунча ўз мақсадига эриша олмайди.

Қайд қилиб ўтганларимиздан худди таклиф сушт категория ва тўлиғича талабдан келиб чиқадигандек бўлиб кўринади. Амалда бундай эмас. Тўғри, аввало талаб юзага келади ва таклиф томонининг ҳаракатлари талабга қаратилган бўлади. Лекин таклиф томонда ҳам фаоллик юқори даражада бўлиши мумкин. Тадбиркорлик албатта таклифда ўз ифодасини топади. Чунки тадбиркор аввало товар эгаси, сотувчи ва охир-оқибат даромад олувчидир. Тадбиркор бозорнинг ташкилотчиси, уни уюштирувчи ва бошқарувчиси сифатида ҳаракат қилади. Шунга кўра у фақат таклифни юзага келтириш билан чегараланмасдан, талабни ҳам ташкил этишда фаоллик қилади, мавжуд талабни қондириш билан бирга янги талабларни юзага келтиради, уни йўналтиради, ўз мақсадига қаратишга ҳаракат қилади ва бунинг уддасидан чиқади.

Тадбиркорнинг манфаати талаб туфайли истеъмолчининг манфаати орқали рўёбга чиқишига қарамай, у истеъмолчи-харидорнинг манфаатини сотувчи ролида ўзининг манфаатига қаратишга ҳаракат қилади. Ишлаб чиқарувчи-

лар таъсирлари билан истеъмолчиларни ўз ҳаракатларига бўйсундиришга уриниб, бу соҳада бирмунча муваффақиятга ҳам эришадилар. Кўриниб турибдики, талабнинг шаклланишини ҳимоялаш зарурияти туғилади. Бусиз таклиф ва талаб ўртасидаги зиддият таклиф фойдасига ҳал бўлиши билан яқунланиши мумкин. Албатта, жамият бунга йўл қўймай, истеъмолчи манфаатини таъминлаш шароитини яратиши керак.

Шундай қилиб, ишлаб чиқарилган ва айни вақтда бозорга чиқарилган ва чиқарилиши мумкин бўлган товарлар ва товарлашган хизматлар йиғиндиси таклиф миқдорини ташкил этади. Бозорда сотишга аталган товарлар ҳажми таклиф этилган товарлар миқдори дейилади. Бозорда сотувга таклиф этилган товарлар миқдори ишлаб чиқариш миқёси ва тузилишига боғлиқдир. Бу, албатта, таклиф ҳажми ишлаб чиқариш ҳажмига тенг, деган маънони англатмайди. Чунки маҳсулот сифатида истеъмол қилиш бозор маъносини билдирмайди. Барча маҳсулотнинг бозорга чиқарилган қисмигина товар маҳсулоти бўлиши мумкин. Бозорга чиқмаган маҳсулот қисми таклифга кирмайди.

Бозордаги таклиф этилган товарлар миқдорининг бир неча омиллари мавжуд. Буларнинг қаторига, аввало, таклиф этиладиган товарлар ва товарлашган хизматлар баҳоси даражаси, ишлаб чиқариш технологияси, товар ишлаб чиқарувчилар миқдори, ишлаб чиқариш омиллари баҳоси, солиқлар ва субсидиялар, баҳоларнинг ошиш эҳтимоли кабиларни қўшиш мумкин.

Таклиф миқдорига кучли таъсир кўрсатувчи омил — бу товарлар ва товарлашган хизматларнинг бозордаги сотиладиган баҳосидир. Чунки бу тушумни белгилайди.

Агарда бозорда сотиладиган товарлар баҳоси ошиб борса, сотувдан олинadиган пул — тушум ҳам қўпаяди ва ишлаб чиқарувчи моддий рағбатланган ҳолда ўз ишлаб чиқаришини кенгайтириб, таклифни



6-тарх. Таклиф ҳаракатининг чизма ифодаси

кўпайтиришга ҳаракат қилади. Бу боғлиқлик 6-тархда кўрсатилган. Товарлар баҳоси юқорига кўтарилган сари таклиф эгри чизиги ҳам шунчалик баландлашади ва бу унинг кўпайишини ифодалайди. Башарти товарлар баҳоси аксинча ҳаракатда бўлса, яъни пасайса, таклиф ҳам камайиб бориши керак. Чунки ишлаб чиқарувчи бундай ҳолда товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириб, бозорга кўпроқ сотувга товар чиқаришдан манфаатдор бўлмайди. Натижада таклиф камаяди. Демак, таклифнинг йўналиши баҳоларнинг кўтарилиши ёки пасайишининг натижасига қараб белгиланади.

Маълумки, ишлаб чиқаришни кенгайтириш қўшимча харажатларга боғлиқ. Айтганимиздек, бу харажатларнинг миқдори ҳам таклиф даражасига катта таъсир кўрсатади. Бу ишлаб чиқариш омиллари баҳосига боғлиқдир. 6-тархда эгри чизикдаги таклиф чизигининг йўналишларига эътибор берсак, бунинг таъсири товарлар баҳосига қараганда бошқача йўналишга эгадир. Уларнинг баҳосининг ўсиши таклифни пастга томон йўналтиради, яъни унинг камайишига олиб келади. Бунда ҳал қиладиган нарса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, товарларни кўпроқ ишлаб чиқариб бозорга етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни қоплаган ҳолда кутилган фойда олинадими ё йўқми, деган муаммога боғлиқ бўлади. Чунки бу соҳада ҳам баҳолар кўтарилиб, кутилган натижа чиқмаса, товарлар баҳосининг кўтарилишига қарамай, таклиф кўпаймаслиги мумкин. Аксинча, товарларнинг баҳоси пасайган ҳолда таклиф кўпайиши ҳам мумкин. Бу яна ўша кўриб ўтган мисолимиздагидек, баҳолар мувозанатига боғлиқ. Бунда тушум ҳажми кўпайса, барча харажатлар қопланган ҳолда кутилган даромад олинса, албатта таклифни кўпайтириш мумкин.

Таклиф бозор товар билан тўла таъминлангандан кейин ўзгармасдан бир меъёрда бўлиши ҳам мумкин. Бунда баҳо ошиб бориши билан бозорга чиқариладиган товар кўпайишининг зарурияти бўлмай қолади. Шунда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўзгармай, таклиф ҳам баҳога боғлиқ бўлмаган ҳолда барқарорлашиши мумкин.

Таклифнинг ўзгарувчанлиги, умуман талаб ўзгарувчанлиги ёки эластиклигига ўхшайди. Баҳога мувофиқ товар баҳосига қараб, таклифнинг ўзгариш даражасини

аниқлаш учун таклиф ўзгарувчанлиги кўрсаткичи (ТЎ) қўлланилиб, у қуйидагича ҳисоблаб чиқилади:

$$T\ddot{U} = \frac{\text{таклиф этилган товар миқдори ўзгариши (\% да)}}{\text{баҳоларнинг ўзгариши (\% ҳисобида)}}$$

Бу кўрсаткич (ТЎ) 1 дан катта бўлса, яъни $T\ddot{U} > 1$ бўлса, таклиф ўзгарувчан бўлади, агар $T\ddot{U} = 1$ бўлса — ноўзгарувчан бўлади, $T\ddot{U} < 1$ бўлса — мутлақ ноўзгарувчан ҳолат юз беради. Энди бозордаги таклиф этиладиган товарлар ҳажмига унинг баҳосидан ташқари таъсир этувчи омилларни ҳам кўриб чиқайлик.

Ишлаб чиқариш технологияси. Технологиянинг такомиллашуви ишлаб чиқаришни арзонлаштиради, ресурслар сарф-харажатини камайтиради, маҳсулот ишлаб чиқарилиши кўпаяди. Албатта бу бозорда товарлар таклифининг кўпайишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш омиллари баҳоси. Юқорида кўриб ўтганимиздек, ишлаб чиқариш харажатлари баҳоси таклиф миқдорига жуда боғлиқдир. Чунки булар баҳосининг кўтарилиши бевосита товарлар баҳосига таъсир этади. Ишлаб чиқариш ресурсларининг арзонга тушиши товарлар қийматини пасайтириш имконини туғдиради. Айтайлик, рудага бўлган баҳо кўтарилса, металлнинг харажатлари ҳам кўтарилади. Кўмир, нефть, газ кабиларнинг баҳосининг ошиши туғридан-туғри энергияни қимматлаштиради. Иш кучи баҳоси ҳам шундай. Ресурслар баҳосининг пасайиши эса товарлар таклифини кўпайтириш имконини туғдиради. Ем-хашак арзонлашса чорвачилик кенгайди, гўшт, сутнинг бозордаги таклифи кўпаяди ва ҳоказо.

Солиқлар ва субсидиялар. Солиқлар ҳам ўз мазмуни билан товар эгалари учун харажатни ташкил этганлиги туфайли, уларнинг ортиши бозор таклифига таъсир этмай қўймайди. Солиқларнинг ортиши таклифга салбий таъсир этиб, уни камайтиришга олиб келиши мумкин. Субсидия эса аксинча таъсир кўрсатади. Давлат баъзи бир товар ишлаб чиқаришга субсидия ёрдам кўрсатса, шу товарлар таклифи кўпаяди, чунки ишлаб чиқувчи учун умумий харажатлар камайган бўлиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва натижада, шу товарнинг таклифини кўпайтириш имконини туғдиради.

Бошқа товарлар баҳоси. Таклифнинг ўзгарувчанлиги бошқа товарлар баҳосига ҳам боғлиқ. Бу, айниқса, бир-бири ни алмаштириш мумкин бўлган товарларга тааллуқдир. Масалан, англи кўйлақлар баҳосининг пасайиши, унга бўлган таклифни қисқартириб, енгсиз кўйлақларни кўпроқ ишлаб чиқариб, уларга бўлган таклифни кўпайтиришга олиб келиши мумкин.

Товар ишлаб чиқарувчилар сони. Таклиф миқдори, шунингдек, товар ишлаб чиқарувчилар миқдорига ҳам боғлиқдир. Агар улар кўпайиб борса, бозордаги товарлар таклифи кўпайиб, баҳо даражасига таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар кўпайиши ёки камайиши айти вақтда бозорда улар товарининг таклифидир. Бу бошқа тармоқларга тадбиркорларнинг ўтиши ва талабга қараб иш тутишига олиб келади.

Инфляция эҳтимоли. Товарлар баҳосининг умумий тез ўсиши эҳтимоли таклифга таъсир кўрсатади. Чунки бундай нарса тадбиркорлар фаолиятининг ўзгариши, уларнинг товарларни бозорга таклиф этиш ҳоҳишларини ўзгартириши мумкин. Товарларни бозорга олиб чиқмай, вақт пойлаши маъқул бўлиб, таклифни қисқартиради ва баҳоларнинг кўтарилиши ёки нормаллашувини кутиш маъқул туюлади. Тармоқларда баҳонинг кўтарилиши ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ундайди.

Товарларни узоқ сақлаш шароитлари. Таклифнинг ўзгарувчанлиги товарларни узоқ вақт сақлаш ва бундаги харажатлар даражасига боғлиқ бўлади. Баъзи товарлар, айниқса, ҳўл мева, сабзавот, резавор кабилар узоқ сақлаш учун катта-катта харажатларни талаб этади, улар мавсумга қараб таклиф этилади ва у ўзгарувчанлик хусусиятига эга бўлмайди.

Таклиф ўзгарувчанлигига яна бошқа омиллар ҳам таъсир этади. Бунга ишлаб чиқаришда бўладиган тўсиқлар, аввало ресурслар етишмовчилиги ва ерга бўлган таклиф кабилар мисол бўла олади. Бундай аҳволни ноёб товарлар, айниқса, санъат ва адабиёт асарлари кабиларнинг таклифини ноўзгарувчанлигида ҳам кўрамиз.


Вақт омили ҳам таклифнинг ноўзгарувчанлигини ортиради. Чунки ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни кенгайтириш маълум вақтни талаб этади. Шў билан бирга экспорт ва импорт кабилар ҳам таклиф ноўзгарувчанлиги билан боғлиқдир.

Ресурслар ишлаб чиқаришда асосий ўринни эгаллаганидек, бозордаги талаб ва таклифнинг шаклланишида ҳам катта аҳамият касб этиб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Умуман, ресурсларнинг иқтисодий баҳога эга бўлиши, уларнинг талабга нисбатан мувозанатига боғлиқдир. Агар ресурсларга бўлган талабга нисбатан ресурслар оз бўлса, у ҳолда улар ишлаб чиқариш ресурсларига айланади. Талабга нисбатан кўп бўлса, улар ресурслар қаторига қўшилмайди ва табиий бойликларни ташкил этади. Ресурслар чекланиш билан боғлиқдир. Булар иқтисодга нисбатан ички ва ташқи ҳолатда бўлиши, яъни табиий ва меҳнат ресурслари билан бирга иқтисодий жараёнда юзага келиб, ишлаб чиқариш зарурияти билан боғлиқ элементлардир.

Умумий кўринишда олсак, ишлаб чиқариш ресурслари меҳнат ашёлари, меҳнат воситалари ва меҳнат ресурсларидан иборат бўлади. Лекин тараққиёт ресурсларни кенгайтириб, унинг мазмунини ўзгартириб боради. Бу, айниқса, меҳнат воситалари ва меҳнат ресурсларига таллуқлидир. Шу билан бирга постиндустрия даври учун илм-фан ресурсини ҳисобга олмасдан бўлмайди, чунки у аллақачон ишлаб чиқариш кучига айланган бўлиб, ишлаб чиқариш элементларининг барчаларида мавжуддир.

Бу ресурслар кенг маънода иқтисодий ресурсларни ташкил этади. Буларга бўлган талаб ва таклиф ўзгарувчан ёки ноўзгарувчан бўлиши мумкин. Бу бир неча омилларга боғлиқ. Буларнинг ичида аввало маълум товарларга бўлган талабни кўрсатиш мумкин, чунки ишлаб чиқариш ҳажми шунга қараб белгиланади. Бу орқали ресурсларга бўлган талаб юзага келади, яъни ишлаб чиқариш ресурсининг қайси бири ишлаб чиқариш учун кўпроқ, қайси бири камроқ ишлатилиши маълум товарларга бўлган бозордаги бевосита талаб миқдорига боғлиқдир. Айтайлик, транспорт воситалари кўплаб ишлаб чиқарилса, албатта металлга ва ёқилғига бўлган талабни кучайтиради.

Ресурсларга бўлган талаб ўзгарувчанлигининг эътибор берадиган асосан уч омили мавжуд: тайёр маҳсулотга талабнинг эластиклиги, ресурсларни алмаштириш имкони, то-



7-тарх. Ресурсларга бўлган талаб ва таклифларнинг маҳсулотларга бўлган талаб ва ресурсларни алмаштириш имконига боғлиқлиги

варнинг умумий харажатларидаги айрим ресурслар миқдори.

Тархдан кўриниб турибдики, ресурсларга бўлган талаб ва таклиф ўзгарувчанлиги аввал тайёр маҳсулотларга бўлган талабдан келиб чиқади, у кўп бўлса ресурсларга ҳам талаб ортади ва бу ўз навбатида, тайёр маҳсулотга бўлган талабнинг нисбатан пасайишига олиб келади. Ресурсларни алмаштириш мумкинлиги эса тескари ҳаракатга олиб келади, яъни таклифни кўлайтирса, талабни камайтиради, чунки янги ресурс ишлаб чиқаришга жалб этилиб, эскисининг бозордаги таъсири пасаяди.

Бу икки омилдан ташқари ресурслар таклиф ва талабига маҳсулот харажатларидаги ресурсларнинг миқдори ва ҳиссаси таъсир этади. Чунки улар бир хил эмас ва ўзгариб туриши мумкин. Масалан, газламани олсак, унга тола, ундан ташқари бўёқлар, энергия кабилар киради. Аввало толага бўлган талаб асос бўлиб ҳисобланади, яъни умумий ишлаб чиқариш харажатларида қайси ресурснинг ҳиссаси катта бўлса, бу ресурсга бўлган талаб ўзгарувчанлиги шунча юқори бўлиши мумкин.

БАҲО ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Баҳо шунчалик аҳамиятлики, ҳар бир бозор иштирокчиси ўз фаолиятини баҳо туфайли белгилайди. У худди **бозорнинг асосий кўрсаткичи** сифатида барчага ўз таъсирини ўтказди. Масалан, ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотининг ба-

ҳосига қараб иш тутади. Унга баҳо юқори бўлса, демак, бу талабнинг ортиб бораётганлигини билдириб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ундайди. Агар фойдаланаётган ресурсларнинг баҳоси кўтарилса, у бошқа ресурсга ўтишга уринади. Товарнинг бозордаги баҳоси пасая борса, харидорларни кўпайтириш йўлини ахтаради ва харажатларни пасайтириш чораларини қўллайди.

Харидорларни оладиган бўлсак, улар ҳам баҳо ҳаракатига қараб бозорда ўз тутишларини ўзгартириб, товарларга ва уларнинг эгаларига муносабатни ўзгартирадilar. Истеъмолни яхшилаш учун кўпроқ ишлаб, кўпроқ даромад олиш ёки бошқа арзонроқ товарни истеъмол қилишга ўтади, баъзи товарлар истеъмолини қисқартиришга мажбур бўлади. Умуман, бозор иштирокчиларининг барчаси ўзларининг қандай муносабатда бўлишларини баҳо ҳаракати, унинг даражаси туфайли аниқлайдилар. Бозор ҳолатининг асосий томонлари, биринчи навбатда, товарлар ва товарлашган хизматлар баҳосида ўз ифодасини топади. Айтайлик, товарлар оқими, сотувчи ва харидорлар мувозанати, даромадлар даражаси, олди-сотди тезкорлиги кабилар талаб ва таклиф мувозанати туфайли баҳо даражасида мужассамлашади. Адам Смит айтмоқчи “кўринмас қўл” ҳаракати баҳо орқали билинади ва сезилади, у орқали бозор иштирокчиларига, айниқса, тадбиркорларга етказилади.

Баҳо бозор категорияси бўлишига қарамай, унинг маълум вазифалари мавжуд бўлиб, у умумиқтисодий аҳамият касб этади. Бу вазифалар (функциялар) асосан қуйидагилардан иборат:

1. Бозор мувозанатини таъминлаш.
2. Рақобат воситаси.
3. Ҳисоб-китоб, ўлчов.
4. Тартибга солиш.

Баҳонинг мувозанатни таъминлаш вазифаси талаб ва таклиф мувозанати орқали амалга ошиб, бозордаги талаб ҳажми ва таклифнинг шунга мос келишини таъминлайди. Баҳо туфайли амалга ошадиган мувозанат товарларнинг йиғилиб қолмай сотилиб кетиши, шу билан бирга товар тақчиллигига йўл қўймайди. Бу мувозанат истеъмолчиларнинг ўз даромадларига яраша товар сота олишлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг талабга асосан иш ҳажмини белгилаб фаолият кўрсатишлари ва фойда олишларини таъминлайди. Муомала

орқали ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида тенглик ўрнатилади.

Рақобатнинг муҳим тури баҳо воситаси туфайли курашдир. Маълумки, бозор иштирокчилари ўз рақобат курашида баҳодан кенг фойдаланадилар. Маълум товар ишлаб чиқарувчилар ўз рақибларини бозордан сиқиб чиқариш ва харидорларни ўзларига оғдириб олишлари учун имкони борича баҳони пасайтиришдан фойдаланишга уринадилар.

Шунинг учун ҳам баҳо бозорда жуда тез ўзгариб туради, ҳар бир тадбиркор баҳо ўзгаришидан ўз манфаати учун кенг фойдаланишга ҳаракат қилади.

Баҳо бозорнинг тартибга солинишида катта ўрин эгаллайди. Чунки бозордаги ҳар қандай ўзгариш, умуман, бозор ҳолати баҳода ўз ифодасини топади. Баҳо кўтарилар экан, демак, бу талабнинг ортиши ва шу муайян товарларнинг харидорлари кўпаяётганидан хабар беради. Бу, ўз навбатида, тадбиркорларни фойдани кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ундайди.

Агар кредит тизимини мисол қилиб олсак, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки ўзгартириш жараёни тезлашса, кредитга талаб ошади, унинг фоизи кўтарилади, демак, даромади ортиб боради. Бу кредитни кўпайтириш кераклигини билдиради. Ёки транспорт соҳасини олсак, транспортда пассажирлар кўпаяр экан, унга талабнинг ортиб бориши хизмат баҳоларининг кўтарилишини билдиради. Демак, бу тармоқни кенгайтириш зарурияти туғилади.

Бу мисоллар шуни кўрсатадики, баҳо умуман иқтисодий тартибга солишда, халқ ҳўжалигидаги ҳисобкитобни амалга оширишда, моддий бойликлар ва хизматлар ўлчовини бажаришда катта аҳамият касб этади. Биламизки, моддий бойликлар, хизматлар, бир томондан, натурал ўлчовига эга бўлса, иккинчи томондан, пул билан, яъни баҳо туфайли ўлчанилади. Лекин шундай умумиқтисодий томонлар мавжудки, улар фақат баҳо ўлчовига эгадир. Бюджет, харажатларнинг бир неча тури, даромадлар кабилар бунинг мисолидир.

Сарф-харажатлар, фойда-зарарлар баҳо асосида ўлчанади.

Баҳолар жорий ва таққосий бўлади. Жорий баҳолар ўз вақтидаги амалий баҳолар бўлса, таққосий баҳолар ўзга-

риши эътиборга олиниб, ҳисоблаб чиқилган ва умумий даражага етказилган баҳолардир. Чунки баҳолар ошиб бо- раётганда иқтисодий ўсиш ёки пасайишни фақат таққос- ланган баҳолар орқали аниқлаш мумкин. Амалий жорий баҳолар соф иқтисодий ҳолатни тўғри акс эттира олмай- ди. Масалан, 10 йил ичида гўшт истеъмоли пул ўлчовида 5 баробар кўтарилган бўлса, истеъмол шунча кўпайди де- ган тушунчани билдирмайди, чунки баҳо ўзгаришини эътиборга олиб, бу кўтарилишни таққосланган баҳоларга айлантириш керак. Мисолимизда гўшт баҳоси шу вақт ичида 5 баробар ошган бўлса, у вақтда ҳақиқатан гўшт истеъмолининг умумий миқдори шу вақт ичида ҳеч ўзгар- гани йўқ.

Шу билан бирга баҳонинг тақсимот, ижтимоий ҳимоя вазибаларини кўрсатиш мумкин. Баҳо орқали тармоқ- лар, соҳалар ўртасидаги тақсимот, аҳоли гуруҳлари ўрта- сидаги даромад тақсимланишига таъсир этиш мумкин.

Бундан ташқари бозор иқтисодиёти шароитида, ай- ниқса, унинг шаклланиши вақтида баҳолар туфайли аҳоли- ни ижтимоий ҳимоя қилиш амалга оширилади. Бунда аҳолининг маълум табақаларини (кам таъминланган оила- лар, ногиронлар) пасайтирилган баҳода товарлар билан таъминлаш ёки хизмат кўрсатиш (коммунал, уй-жой) ка- билар амалга ошади. Бунда дотациялашган баҳолар, Фарб- да кенг қўлланиладиган текин ва арзонга овқатлар, кий- им-кечаклар тарқатиш каби тажрибаларни мисол келти- риш мумкин. Ўзбекистонда ҳам 1991—1994 йиллар ичида озиқ-овқатлардан 6—10 хили нормалаштирилган таъми- нот мазмунида бозордан анча паст нархларда аҳолига со- тилиб турилди. Бу жараёнда давлат ўртадаги фарқни ўз бюджетидан қоплаб турди. Ҳозиргача ҳам баъзи бир ком- мунал хизмат турлари давлат ҳисобидан нисбатан паст баҳоларда амалга ошмоқда.

Товарларнинг пировард баҳоси бозорда шаклланиб, ҳақиқий **бозор баҳосини** юзага келтиради. Бозор баҳоси барча харажатларни қоплаган ҳолда эгасига сотилгандан кейин нормал фойда келтириши керак. Бозор баҳоси- нинг шаклланиши фақат харажатлар асосида бўлмайди. Бунинг юзага келишида харажатлар билан бирга бошқа объектив ва субъектив омиллар мавжуд бўлади. Булар маҳсулот нафлилиги, истеъмол вақти, рақобат, таклиф ва талаб мувозанати, руҳий омиллар кабилардир.

Лекин ҳар қандай шароитда товарнинг қиймати унинг учун объектив асос бўлиб, баҳо ундан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Биринчи навбатда, товар баҳосининг шаклланишида уни ишлаб чиқариш, истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча меҳнат сарфлари иштирок этади. Сўнгра қўшимча маҳсулот қиймати ҳам қўшилиб, товар эгалари, сотувни ташкил этувчиларни фойда билан таъминлайди.

Филипп Котлярнинг кўрсатишича, талаб одатда фирма ўз товарига сўрайдиган энг юқори баҳога қаратилса, фирманинг харажатлари энг паст баҳо билан белгиланади. Фирма товарнинг баҳосини ишлаб чиқариш учун кетган барча харажатлар, шунингдек, тақсимлаш, сотиш ҳамда кўзланган фойдани қўшгани ҳолда белгилайди.

Фирма харажатлари икки хилга бўлинади: доимий харажатлар (бино ижараси, иссиқлик билан таъминланиш, фоизлар тўлови, хизматчилар маоши кабилар) ва ўзгарувчан харажатлар (товарлар ишлаб чиқариш ҳажми ўзгариб туради). Жами харажат буларнинг йиғиндиси бўлиб, тўлиғича баҳога қўшилиши керак. Баҳонинг энг юқори даражаси талаб билан, энг паст — харажатлар билан белгиланишига қарамай, фирма томонидан баҳонинг белгиланишида рақиблар баҳоси ва бу баҳога бозорнинг таъсири ҳисобга олинади. Агар фирма товари рақибларникидек бўлса, шу даражада белгилайди, бўлмаса харидорларидан ажраб қолиши мумкин. Агар товар сифати жиҳатидан фарқ қилса, албатта буни ҳисобга олиб, ё пастроқ ё юқорироқ баҳо танланади. Баҳо танлашда уч хил йўналиш бўлиши мумкин. Жуда паст баҳо, эҳтимол баҳо ва жуда юқори баҳо

5-жадвалда кўрсатилган йўналишларнинг оқибатлари ва асосларида биринчи, учинчи мулоҳазалар номаъқул бўлиб, баҳо танлашда асосий эътибор иккинчи йўналишга қаратилади. Чунки бу анча реал бўлиб, бозор талабига яқин туради.

√ Бозордаги баҳога катта таъсир кўрсатувчи омиллардан бири *товар нафлиги* даражасидир. Харидор бозорда ўзи учун энг зарур ва нафли товарни ахтаради. Товарнинг наф келтириш хусусияти харидорнинг дидига тўғри келиши, унинг эҳтиёжини тўла қондира олиши ва умуман истеъмол жараёнида харидор тўла қониқиш ҳосил қилиши кабилар билан белгиланади. Товарнинг бу хусу-

Баҳони белгилашдаги асосий мулоҳазалар

Жуда паст баҳо	Эҳтимол баҳо асослари			Жуда юқори баҳо
Бу баҳода фойда олинмайди	Маҳсулот таннархи	Рақиблар баҳоси ва ўринбосар товарлар баҳоси	Товарларнинг хусусиятлари	Бу баҳода талаб шаклланмайди

сияти, яъни наф келтириш хусусияти қанчалик кучли бўлса, баҳоси ҳам шунга қараб юқори бўлади. Лекин баҳонинг ортиб бориши чегарасиз бўлмайди, чунки нафликнинг чегараси бор, у **истеъмол тўйиниши** билан белгиланади. Бундан кейин баҳо пасайиб боради, яъни зарурий миқдор чегарасидан кейин талаб сусаяди, ҳатто йўқ бўлиб, товарнинг нафлиги бутунлай тўхтади. Нафликнинг юқори нуқтаси ва айнан юқори баҳо товар истеъмолидан олиннадиган энг юқори қониқиш чегараси билан белгиланади.

Нафлиликка яна **истеъмол вақти** ҳам таъсир кўрсатиб, албатта бозор баҳоси даражасида ўз аксини топади. Истеъмол вақти қанчалик қулай ва вақтни тежаса, харидор учун шунча маъқул бўлади. Айталик, иш билан банд бўлган ва вақтини тежашга муҳтож харидор қўшимча баҳога қарамай, буюртма орқали товарлар, кўпинча озиқ-овқат сотиб олади. Масалан, юқори сифатли сут ва сут маҳсулотлари эрталаб нонуштага етказиб берилса, харидор ортиқча баҳога қараб ўтирмайди. Вақтнинг қадри ортиб бориши билан истеъмол қулайлиги харажатлари товар баҳосининг шаклланишида аҳамиятли бўлиб боради.

Юқорида кўрсатганимиздек, талаб ва таклиф, уларнинг мувозанати баҳонинг шаклланишига таъсир ўтказиши. Талаб катта бўлса, баҳо юқори бўлади, паст бўлса — баҳо ҳам паст бўлади. Агарда улар ўртасида мувозанат таъминланса, баҳо ўртача бўлади.

Баҳонинг шаклланишидаги омиллар бир хил бўлмайди, бу ҳолат воқеликларга боғлиқ ва шароитга қараб, омилларнинг нуфузлилиги ўрнига қараб таъсир даражалари турлича бўлади.


Баҳонинг шаклланишида **инфляция** алоҳида ўрин тутиб, унинг туб мазмуни баҳонинг тўхтовсиз кўтарилиб бориши натижасида пулнинг қадрсизланишидир. Бу истеъмолчиларга салбий таъсир кўрсатади. Бу ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиб бориши ва товарлар тақчиллигининг кўпайиши туфайли юзага келади. Зарарлиси — товар тақчиллигидир. Инфляция жуда тезлашиб, гиперинфляцияга айланиши (ойлик баҳо кўтарилиши 50 фоиздан юқори бўлиши) мумкин. Гиперинфляция иқтисодиётни издан чиқаради, уни бузади ва халқнинг қашшоқланиши, ишсизликнинг ўсишига олиб келади. Инфляцияга қарши кураш ва унинг тезда олдини олиш жуда муҳим бўлиб, бунда давлат катта роль ўйнаши керак.

Бозор моделларини кўрганимизда эркин рақобат ва монополия шароитларида баҳоларнинг шаклланиши турли тарзда амалга ошишини кўрсатиб ўтган эдик. Бунга шуни қўшиш керакки, зарурият туғилганда давлат ҳам бу жараёнда иштирок этиб, омил тариқасида таъсир этади. Шундай қилиб, *товар қиймати миқдори, товар нафлиги, рақобат, талаб ва таклиф нисбати, давлатнинг аралашуви, фирмаларнинг баҳо белгилаш стратегияси кабилар баҳолар шаклланишининг асосий омиллари* бўлиб ҳисобланади.

Бозор баҳоларининг турлари ва кўринишлари кўп бўлиб, бу турли мақсадни кўзлаган кўпчилик бозор иштирокчилари, баҳолар вазифаларининг ҳар хиллигининг натижасидир. Бозор иқтисодиётидаги баҳолар таъсири-нинг кучлилиги ва ўрнининг ғоят катталиги улардан омилкорона фойдаланишни талаб этади. Шунга кўра, фирмалар бунга жуда катта эътибор бериб, стратегия ишлаб чиқарадилар ва бунда товар сотишни кўпайтириб бориш, фирма мавқеини кучайтириш каби муҳим вазифаларни ўз олдиларига аниқ қилиб қўядилар.

8-тархда баҳо хиллари кўрсатилган бўлиб, улардан ҳар бирининг иқтисодиётда ўз ўрни бор. Масалан, **демпинг баҳони** олсак, у рақибларни сиқиб чиқариб, ўз ўрнини эгаллашда қўлланилади.

Демпинг баҳо таъқиқланган баҳолардан бўлиб, фирмалар уни яширинча ҳолда қўллайдилар. Рақиблар чекланганда нуфузли баҳолар ишлатилади. Бу маълум обрўталаб **нуфузли** товарларга тааллуқли ва муҳими юқори баҳога мўлжалланган.



8-тарх. Баҳо тизими¹

Харидор ҳолатига қараб **қатъий** (стандарт) **баҳолар** ёки **ўзгарувчан нархлар** қўлланилади. Айтайлик, фақат 1 долларли ёки 10 долларли товарлар дўконларини очиб, харидорларни ўзига жалб этилади. **Миллий ва жаҳон баҳолари** бўлиб, улар мамлакат ва жаҳон бозорларига чиқариладиган товарларга хос бўлади.

Баҳоларнинг даража ва нисбати бозор ҳолатини баҳолашда қўлланилади. Баҳолар даражаси деганда унинг ўлчамини тушунамиз. У икки хил бўлади: мутлақ даража ва нисбий даража. Баҳонинг мутлақ даражаси унинг умумий миқдоридан иборат бўлиб, муайян товарнинг қанча туришини билдиради. Пул қадри кўтарилиши би-

¹ А. Ўлмасов, М. Шарифхўжаев. Иқтисодийёт назарияси. Т., "Меҳнат", 1995, 307-бет.

лан баҳонинг мутлақ даражаси пасайиб боради. **Нисбий даража** баҳонинг харид қобилиятига нисбати бўлиб, харид пулининг неча фоизини ташкил этишини кўрсатади.

Мутлақ баҳо даражасининг пул қадрига боғлиқлиги шуки, пул кучининг ошиб бориши билан баҳо пасайиб бориши, яъни пул миқдорига кўпроқ товар сотиб олиниши керак. Албатта бу ижобий воқелик бўлиб, пул таъсири аксининг баҳода ифодаланишини кўрсатувчи ҳолатдир. Баҳонинг нисбий даражасини олсак, бу харидорларнинг сотиб олиш қобилиятини ўзида акс этувчи кўрсаткич бўлиб, у турмуш даражасини аниқлашда фойдаланилиши мумкин.

Кўриниб турибдики, баҳо кўп қиррали категория бўлиб, унинг таъсири бир хил мазмунга эга эмас. Баҳо шаклланиши шароитларининг турли натижаларга олиб келишини эътиборга олган ҳолда унинг салбий томонларининг олдини олиш ва ижобий томонини қўллаш, нархнинг бозор иқтисодиётининг халқ манфаати асосида ривожланиши шароитларини яратиш аҳамиятлидир. Бунда давлат ва жамоат ташкилотларининг баҳонинг юзага келиши жараёнларини тартибга солиш, унинг энг маъқул йўллари қўллаш цивилизацияли бозорнинг зарур шартларидандир.

Лекин ҳулоса сифатида шуни таъкидлаш зарурки, **бозорнинг туб моҳиятини кўрсатувчи ва талаб-таклиф мувозанатини белгиловчи бозор баҳоси эркин баҳодан иборатдир.**

КОНЪЮНКТУРА ХИЗМАТЛАРИ

Конъюнктура туб мазмуни билан бозор иқтисодиёти категориясидир. У бозор ҳолати, ундан доимо хабардор бўлиб туришдан иборатдир. Бозор шароитида иқтисодий фаолият олдиндан белгиланган режалар, кўрсатмалар йўли билан амалга ошмайди, балки ўзининг ички қонуниятлари, категория ва қонунларининг ҳаракати асосида юз беради. Бу жараён юқорида таъкидлаганимиздек, аввало таклиф ва талаб, рақобат ва эркин баҳо асосида юз беради. Шунинг учун ҳар бир бозор иштирокчисининг муваффақиятли фаолияти, унинг самарали иш юритиши учун бозор ҳолатини билиш, уни таҳлил қилиш, умумлаштириш та-

лаб қилинади. Бусиз бугунги, эртанги иқтисодий ҳаракатнинг йўлини тўғри белгилаш мумкин эмас. Зеро, бунинг учун бозорга тааллуқли кўп маълумотлар зарур ва ҳар бир тадбиркор бозор ҳолатини ўз вақтида билиб турса, унинг ҳаракатлари ҳам ҳақиқий талаб даражасида бўлади. Тадбиркорнинг иш кўриши бозор конъюнктурасига қанчалик мос келса, унинг қилган бутун уринишлари ҳам яхши натижа беради.

Ҳар бир бозор иштирокчиси, тадбиркор эртасини ўйлаб иш кўришга, фаолият ҳажмининг доимо кенгайиб боришига ҳаракат қилади. Чунки эртасини таъминламай, фақат бугунги ҳолат билан чегараланиш тадбиркорга хос нарса эмас. Бугунги ишни бажариш билан бирга тараққиётни таъминлаш ишининг ривожланиб бориши учун тўхтовсиз уриниш даркор. Лекин тараққиётни қандай таъминлаш кераклиги, унинг йўналиши қандай бўлишини билиб туриш зарур. Умумий ривожланиш билан унинг аниқ йўлларини билиб бориш, яъни нимани ишлаб чиқариш, ундаги ташкилийликнинг ўзгариб боришида нимага кўпроқ эътибор бериш, қаерда қандай ҳаракат қилиш, келажакда нимага талаб ўсади, хом ашё ва ишлаб чиқариш материаллар хили ва уларга талаб қандай, табиий ва сунъий материаллар хили ўзгариши, уларнинг ҳолати қандай, ташқи ва ички бозорлар ҳаракати даражаси қай аҳволда, қайси тармоқлар аҳамиятли, транспорт даражаси, ижтимоий ҳолат, даромадлар ўзгариши каби жуда кўп тадбиркорликка таъсир кўрсатувчи омиллар мавжуд. Буларни олдиндан билиш, умумлаштирилган ҳолда тўғри фикрга келиш зарур. Чунки буларсиз бозордаги фаолиятга ҳолисона баҳо бериб ва эртани тўғри тушуниб бўлмайди, ўз фаолиятини бўлажак шароитлар ва талабларга мослаштира олмайди. Демак, буларнинг ҳаммаси яна аҳборот, бозор келажаги тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишни, уларга қараб иш тутишни талаб қилади. Ақл билан эртани ўйлаб ишлаш маълум даражада режаликни талаб қилади.

Бозор жуда ҳам тез ўзгарувчан бўлиб, унинг ҳолатини ўрганиш анча мураккаб ва жуда ҳажмлидир. Шунга кўра бозор ҳолатини ўрганиш юқори даражали конъюнктура хизматининг ташкил этилишини талаб қилади. Бозор қанчалик ривож топса, бозор иқтисоди тараққий этиб

борса, конъюнктура хизмати ҳам шунча кенгайиб боради.

Бозор турларининг ҳар хиллиги, бозор шаклларининг кўплиги, улар ҳаракатларининг бир хил бўлмаганлиги туфайли ахборот ҳар бир бозор шакли, хили учун ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Масалан, истеъмол буюмлари бозори билан меҳнат бозори ахбороти ўзгачадир. Меҳнат бозори меҳнат турлари, даромад даражаси, мутахассисликлар мавжудлиги каби-ларга боғлиқ бўлиб, баҳоси истеъмол буюмлари ёки умуман моддий маҳсулотлар баҳосидан тубдан фарқ қилади. Лекин воқелик барибир умумий томон ҳисобланган таклиф ва талаб таъсири асосида юз беради. Товар турлари бозорларининг ҳолати, демак, ахборотлари ўзларига хос хусусиятларга эга. Уларга муносабат ҳам ўзгача бўлмоғи зарур. Ички бозор, халқаро бозорни олсак, албатта ўзгачалик катта, конъюнктурадаги хусусийлик кўп.

Конъюнктура хизматини ташкил этишда буларни эътиборга олмасдан бўлмайди.

Конъюнктура хизматини такомиллаштириш катта муваффақиятларга олиб келди. Ҳозирги даврни ахборот даври дейиш мумкин. Ҳозирги давр ахборот инқилоби ҳам бозор талаби туфайли рўй берди. Бозор ҳолати, конъюнктура хизматини такомиллаштириш учун бўлган уриниш ҳисоблаш, ахборот, алоқа техник ва технологиясининг янги турларини яратди, компьютер даврини бошлаб берди. Ахборотнинг янги техника ва технологияси фақат бозор ахбороти, компьютер хизмати билан чегараланмасдан, балки бутун иқтисодиётнинг ўзгариши, аввало, ишлаб чиқаришнинг кескин ривож топишига олиб келди, кам материалли, кам энергияли, кам меҳнатли ишлаб чиқариш даврини бошлаб берди, бу ҳақиқатан ҳам иқтисодиётдаги инқилобий ҳодисадир. Буларнинг марказида ахборот, ҳисоблаш техникаси ва технологияси ётади.

Фойда ва планлаштиришнинг аҳамияти

Бозор иқтисодиётида барча ҳаракат, фаолиятнинг натижаси даромад ва фойдадир. Фойда олишни кўпайтириш жамият манфаатига ҳам мос келади. Чунки иқтисодий фаолиятнинг юқори фойдалилиги индивидуал фойдани кўпайтириш билан умуммамлакат миллий даромадининг ортишига олиб келади. Айтиш мумкинки, фойда миқдори

ва унинг даражаси бозор иштирокчиларини, айниқса тадбиркорларни ҳаракатга келтирувчи кучдир. *Бозор иштирокчисининг манфаатдорлиги фойда миқдори билан белгиланади.* Тадбиркор қайси тармоқ ва фаолият фойдани кўпроқ келтирадиган бўлса сармоясини шу ерда ишла-тиб, кам фойда келтирадиган ишни йиғиштириб қўяди. Шунга кўра бу нуқтаи назардан нима билан шуғулланишни фақат кутиладиган фойда даражаси белгилаб беради.

Фойда олиш учун яширин иқтисодий фаолият, тақиқланган ишлар билан шуғулланиш ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, наркобизнес, қурол-аслаҳа сотиш кабилар шулар жумласига киради. Бу албатта умумий ҳолат эмас, буни ҳаттоки бозорнинг умумий ички қонуниятларининг бузилиши, сунъий ҳолатнинг юзага келиши ёки умумий бозор ҳаракатидан чекиниш, дейиш мумкин.

Бозор иштирокчилари, шу жумладан, тадбиркорларнинг манфаати халқ истеъмоли манфаати туфайлигина рўёбга чиқади. Олдин айтиб ўтганимиздек, ишлаб чиқарилган товарлар таклиф мазмунига эга бўлсагина, у истеъмолга йўл олади, яъни сотилади. Истеъмолсиз талаб бўлмаганидек, талабсиз таклиф бўлмайди, таклифсиз ҳар қандай товар ва хизматнинг харидори, истеъмол қилувчиси бўлмайди.

Демак, талабсиз фойда юзага келмаслиги керак. Бозор қонуниятининг мазмуни ҳам шундан иборат ва бозор шароитида даромад олиш, фойда қилишнинг бошқача усули бўлиши мумкин эмас. Фойда механизмининг таъсири тадбиркор фаолиятини истеъмолчи манфаатига қаратади, чунки шу йўл орқалигина фойда олишини билади.

Фойда — тушумнинг харажатлардан ортиқча қисмидир. Шу қисмни юқори даражага кўтариш бозор иқтисодиётидаги энг муҳим кучдир. Фойда нормал ва юқори бўлиши мумкин. Нормал фойда олмаслик хўжалик юритишни ўзгартириш чораларини қўллашга ундайди. Аҳвол офирлашганда вақтинча фойдадан воз кечиб, тижорий фаолиятни давом эттириш чегарасида бўлинади.

Юқори фойда юқори даражали ишлаб чиқариш, ил-фор технология, шу билан бирга удабурон ташкилотчилик туфайли таъминланади. Буларнинг ҳаммаси бозор талабига тўла мос ҳолда фаолият кўрсатишни талаб қилади.

Бозор иқтисодиётига таъсир кўрсатадиган ва аҳамиятли умумий категориялардан яна бири — планлаштириш — режалаштиришдир. Планлаштиришни собиқ социалистик тизимда бўлган марказлашган, мажбурийлаштирилган умумпланли тизимдан фарқлаш керак. Умуман, қандай соҳада бўлмасин, режали иш жуда ижобий натижалар беради, айниқса бу бозор иқтисоди учун зарурдир. Чунки у мақсадга эришиш, кутилмаган тасодифларнинг олдини олиш имконини беради.

Планлаштириш ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилади. Айниқса, бу микроэкономикага хосдир. Ҳар бир фирма ўз фаолиятини фақат режали ташкил этади. Бу ўз ифодасини, айниқса “бизнес планда” топади. Иқтисодий муваффақиятли натижаларда бунинг ўрни катта. Планлаштириш макроиқтисодиётда ҳам кенг қўлланилади. Бу программалаштириш ва планлаштириш номи билан юритилади. Ҳозир марказлашган стратегик программа ва планлаштириш, айниқса АҚШ ва Японияда ҳамда бошқа ривожланган мамлакатларда амалга ошмоқда. Булар давлат фаолияти ва йирик фирмалар, айниқса трансмиллий корпорациялар фаолиятида кенг учрайди. Бундай ҳодисани йирик иқтисодчи олим Дж. Гэлбрейт “планлаштирилган иқтисодиёт” деб атайди. Масалан, Президент Франклин Рузвельт давридан бошлаб АҚШда “Геннеси” программаси, Манхеттен лойиҳаси давлат ҳомийлиги асосида амалга ошмоқда. Японияда муҳим илмий-техник программалар, айниқса электрон ҳисоблаш машиналарининг бешинчи авлоди давлат программаси асосида олиб борилмоқда.

Планлаштириш асли режали иш тутиш ва олиб бориш, келажакни кўзлашдир. Маълумки, режасиз иқтисодий фаолият туфайли самарали хулосага эришиш имкони камаяди. Корхона, бирлашма, ҳатто тармоқлар режасиз юқори самара бერмайди. Ҳар бир ҳаракат, фаолият олдиндан режаланиб, ҳисобланиб, чамаланиб, кейин амалга оширилса, серунум бўлиб, кўзлаган мақсадга тўла эришиш имконини беради.

Келажак режалар, бўлажак ишлаб чиқариш имкониятлари, иқтисодий тараққиёт ҳажми, тури, талаб ва таклиф кабилар олдиндан кўзланган режалар — программа, планлар асосида бўлса, албатта тараққиёт тасодифларсиз

ва иложи борича кутилмаган ҳодисаларнинг олдини олиш туфайли давом этиши мумкин. Демак, юқори даражали планлаштириш ва ундан чуқур фойдаланиш талаб қилинади. Ривож топган цивилизацияли бозор иқтисодиётига эришган мамлакатларда программалаштириш, планлаштириш катта амалий тажриба сифатида хизмат қилиши мумкин. Гап шу тажрибаларни ўрганиш ва улардан ўз шароит ва хусусиятларимизни эътиборга олган ҳолда фойдаланишдадир.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. Бозор иқтисодиёти категориялари мавжуд бўлиб, буларнинг энг асосийлари талаб, таклиф, баҳо, рақобат, конъюнктура, фойда кабилар, булар бозор иқтисодиёти механизмлари сифатида таъсир этадилар. Шу билан бирга бозор иқтисодиётига умумий иқтисодий категориялар ҳам таъсир этади.

2. Талаб бозор иқтисодиётининг етакчи ва асосий категорияси ва механизmidир. Талаб истеъмолнинг бозорда ифодаланишидан, туб мазмуни билан у истеъмолчининг манфаатини бозорда акс эттиришидан иборат. У пул билан таъминланган талаб мазмунига эга. Истеъмолчининг маълум товарлар ёки товарлашган хизматларга бўлган эҳтиёжи пул билан таъминлансагина талабга айланади ва бозорда реаллашади.

3. Таклиф бозорда сотиладиган товарлар мазмунини англатади ва ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги маҳсулотини ифодалайди. Таклиф бозордаги талаб асосида шаклланади. Талаб бозордаги таклиф туфайли ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатади ва уни истеъмолчи манфаатига бўйсундиради. Ишлаб чиқариш таклиф туфайли ва таклиф мазмунида бозорда реаллаша олади.

4. Талаб ва таклиф ўзгарувчанлиги мавжуд. Бунга таъсир этувчи омиллар бор ва ўзгарувчанлик шу омиллар таъсирига боғлиқ. Ишлаб чиқарувчи учун айниқса талаб ўзгарувчанлиги ва унинг омиллари таъсири аҳамиятлидир. Чунки у харидорлар ҳаракати йўналишини билдиради.

5. Иқтисодий ресурслар таклифи ва талабининг ишлаб чиқаришнинг шаклланишидаги аҳамияти катта. Умуман ресурслар чекланиш билан боғлиқ иқтисодий ҳодисадир.

Ресурслар талаби ўзгарувчанликка эга бўлиб, бунинг асосий омиллари товарларга бўлган талаб миқдори, ресурслар алмашувчанлиги, умумий ресурслардаги етакчи ресурс ҳиссасидан иборатдир.

6. Баҳо пировардида бозорда шаклланиб, у ҳар бир бозор иштирокчиси учун асосий кўрсаткич ҳисобланади. Тадбиркорлар ўз ҳаракатларини баҳога қараб белгилайдилар. Ишлаб чиқаришнинг ҳажми, ўзгариши, йўналиши бозордаги баҳога қараб аниқланади.

7. Ишлаб чиқариш харажатлари товар баҳосининг шаклланишида катта ўрин эгаллайди. Харажатлар ишлаб чиқаришдан ташқари тижорий сарфларни ҳам ўз ичига олиб, баҳо омиллари қаторига киради.

8. Баҳонинг шаклланишида товар нафлилиги даражасининг ўрни ҳам катта. Нафлилик харидорнинг дидига, истеъмоқ қилишдаги қониқиш даражасига боғлиқ. Товар истеъмоқдан тўла қониқиш даражасигача талаб ортиб, баҳо кўтарилаверади. Товар нафлилиги даражаси пасайиши билан баҳоси ҳам пасайиб боради.

9. Конъюнктура бозор ҳолатини кўрсатувчи категория. Бу бозор ҳолати ахборотига боғлиқ. Ҳар бир бозор иштирокчиси бозор ҳолатини ўз вақтида билиб туришдан манфаатдор, чунки ўзининг ҳаракати, фаолиятини бозор билан ўлчаб, унга мослашиб бориши зарур.

10. Фойда ҳар бир тадбиркор учун мақсадли натижа бўлиб, у тушумнинг умумий харажатлардан ортиқча қисмини ташкил этади. Фойда нормал ва юқори даражали бўлади. Фойдани максималлаштириш ҳар бир тадбиркор учун куч бағишлайди.

МАЗЗУ БЎЙИЧА САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Бозор категориялари деган тушунчани аниқлаб беринг. Улардан энг асосийларининг қайси бирларини биласиз?

2. Талабнинг моҳияти, бозор иқтисодиётидаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини тушунтириб беринг. Талабнинг эҳтиёждан қандай фарқи бор?

3. Талабни инсон истеъмоли манфаати билан боғлиқ ҳолда кенгроқ тушунтиришга ҳаракат қилиб кўринг. Талабнинг инсон манфаатини бозорда реаллаштирувчи механизм эканлигини мисоллар билан кўрсатиб беринг.

4. Талабни шакллантирувчи қандай омиллари биласиз? Уларни ўз аҳамиятлари бўйича кетма-кетлигини аниқлай оласизми?

5. Талабни қандай хиллари ва кўринишлари мавжуд, уларни мисоллар билан тушунтира оласизми?

6. Таклиф қандай мазмунга эга категория? Унинг механизми сифатидаги таъсирини тушунтириб беринг.

7. Таклифни ишлаб чиқарувчилар билан боғлаб тушунтириб беринг. Таклифнинг тadbиркорлар манфаатига қандай боғлиқлиги бор?
8. Иқтисодий ресурслар талаби ва таклифнинг қандай хусусиятларини биласиз?
9. Баҳонинг моҳиятини ечиб беринг, унга таъсир этувчи асосий омилларни тушунтириб беринг.
10. Баҳо даражасининг бозор иштирокчиларига таъсири нимада?
11. Баҳонинг шаклланишидаги харажатлар ва товар нафлилиги даражасининг ўрни ва аҳамиятини очиб беринг.
12. Баҳонинг қандай вазифаларини биласиз? Мисоллар билан тушунтиринг.
13. Баҳо турлари, шакллари, уларнинг моҳияти тўғрисида нималарни биласиз?
14. Фойда категориясининг бозор иқтисодиётидаги ўрнини кенгрок талқин этиб беринг.
15. Планлаштиришдан бозор иқтисодиётида фойдаланиш имкониятларини тушунтириб беринг.

V. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ҚОНУНИ, УНИНГ ҲАРАКАТИ

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИНГ ДИАЛЕКТИК РИВОЖИ

Талаб ва таклиф бир-бири билан боғланган, бир-бирини белгилаб келувчи диалектик равишда ривожланадиган категориялардирки, уларнинг ҳаракат мазмуни иқтисодий қонун даражасигача кўтарилади. Харидор талаби тўлов қобилиятли ва истеъмол учун аталган таклифлар орқали амалга ошувчи диалектик бирликдан иборат бўлса, товар таклифи ижтимоий фойдалиликни акс этиб, инсон талабини қондирувчи истеъмол қийматлар йиғиндиси ҳамда ижтимоий талаб миқдорини ифодаловчи товар таклифнинг миқдорий аксини билдирувчи томонлардан иборат диалектик бирликдир.

Талабнинг устунлиги тўлов қобилиятидан ташқари ижтимоий-иқтисодий, тарихий, миллий, маданий, маиший-одоб каби инсон ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқлигидадир. Талабнинг боғлиқлиги таклифнинг мавжудлиги, талабнинг қондирилиши имкониятидадир.

Ишлаб чиқариш талабдан келиб чиқадиган таклифнинг ҳажми, тузилиши билан белгиланади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши ёки қисқариши товар талабининг ўсиши ва қисқаришига олиб келади. Таклиф фақат моддий буюмлардан иборат бўлмай, балки талабдан келиб чиқадиган товарлашган хизматларни ҳам ўз ичига олади. Булар кийим-кечак, пойабзал тикиш, мебель, уй-рўзғор, ма-

иший техника буюмлари кабиларни таъмирлаш, коммунал хизмат, тиббиёт, маданият, илмий хизматлар, транспорт хизматлари кабиларнинг бозор мазмунидаги мавжудлигидир. Хизмат тармоқларининг фаолияти, ривожига талаб ва таклиф таъсири остида амалга ошадики, уларни ишлаб чиқариш ва истеъмоли талаб ва таклиф хусусиятига боғлиқдир. Булар фақат биргаликда мавжуд бўлишлари мумкин.

Бу категория тарзида, бозор механизмлари сифатида мустақилликка эга эмас, деган маънони билдирмайди. Уларнинг ўзларига хос хусусиятлари, маълум ўзгача ҳаракатлари ўз қонун ва қонуниятлари мавжудки, улар асосида бир-бирларига таъсир этадилар ва ифодаланадилар. Улар доимо бир-бирларини тўлдириб борадилар. Истеъмол йўлида талаб этиладиган товар ва товарлашган хизматларни таклиф инъом этса, талаб уларни истеъмолга узатади, яъни истеъмолнинг моддий шароитини яратиб беради. Кўриниб турибдики, бозор шароитида талаб ва таклифнинг бир-бирларини тўлдирган ҳолда биргаликдаги ҳаракати туфайлигина инсон истеъмоли рўёбга чиқиши, жисмоний ва маънавий ҳаёти давом эттирилиши мумкин.

Буларни яна алоҳида ҳолда оладиган бўлсак, уларнинг турлилигини кўрамиз. Аввало талаб ўзида истеъмол турлилигини ифода этади. Биринчидан, бу шахсий истеъмол ва хусусий, яъни ишлаб чиқариш истеъмолидир. Бундай истеъмолларнинг фарқлануви шундаки, шахсий истеъмол тўла ва пировард истеъмолдирки, бунда моддий бойлик ва хизмат турлари ўз ҳаракатларини яқунлайдилар, иқтисодий ҳаракатдан бутунлай чиқиб кетадилар.

Ишлаб чиқариш истеъмолини оладиган бўлсак, бундаги жараён моддий ўзгариш, яъни бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш билан боғлангандир.

Фақат шахсий истеъмол ҳақиқий истеъмолдир, чунки бу билан товарлар ва товарлашган хизматлар ҳаракати яқунланади.

Бундан ташқари шахсий истеъмол яна иккига, яъни товарлар истеъмоли ва товарлашган хизмат истеъмолига бўлинади. Булар кўриниши, мазмуни бўйича фарқланади, шу билан бирга истеъмол қилиш усули ҳам бошқача. Истеъмол

ҳам турлилиги билан талабда ўз ифодасини топади. Маълумки, талабнинг реаллашувида бундай ҳодиса ўз таъсирини кўрсатмай қўймайди. Ҳар бир истеъмол турининг хусусиятларини ўзида намоён этган ҳолда талаб таклифга таъсир эта боради.

Демак, бозор шароитида ҳар қандай истеъмол таклиф ва талабнинг диалектик бирлиги ва ҳаракати асосида юз бериши мумкин.

Иқтисодий фаолиятнинг иккинчи томони бўлган истеъмолнинг акси, яъни ишлаб чиқаришни олсак, бунинг ҳам бир хилда эмаслигини кўраимиз. Аввало моддий ишлаб чиқариш билан бирга ўз мазмунига кўра ишлаб чиқариш бўлган ва йилдан-йилга кенгайиб бораётган хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам мавжуд. Буни моддий ва номоддий ишлаб чиқариш дейиш мумкин. Шунга кўра таклиф ҳам буни акс эттирадиган моддий ва хизмат маҳсулотларини талабга қарши қўяди.

Иқтисодиётнинг бошида ишлаб чиқариш туради ва ҳаркат шу жараёндан бошланиб, кейин айирбошлашга ўтилади, сўнгра шахсий истеъмол билан якунланади. Бундаги мантиқийлик шуки, истеъмол учун моддий ва номоддий неъматлар муҳайёлиги талаб этилади. Бу эса уларни яратиш ва пайдо қилишни биринчи галдаги вазифа қилиб қўядики, бу муаммо ишлаб чиқариш туфайлигина ҳал қилинади. Чунки табиатда халқ истеъмоли буюмлари ўзидан-ўзи тайёр ҳолда бўлмайди. Шунга кўра инсоният моддий бойликлар яратиш устида ғамхўрлик қилади, уни ташкил этади, хўжалик юритади. Ишлаб чиқариш инсон ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлиги учун унинг фаолиятида асосий ўринни эгаллайди. Чунки турмуш даражаси, истеъмол ҳолати ишлаб чиқариладиган моддий бойликлар, неъматлар миқдори ва турига боғлиқдир. Инсон ҳаёти учун тўхтовсиз истеъмол, унинг тўхтовсиз кенгайиб бориши, турлилиги зарур. Бу эса, айтганимиздек, аввало ишлаб чиқаришга боғлиқдир.

Бундай ҳолат ишлаб чиқаришнинг бирламчилиги, етакчилиги, тақдирий муаммо эканлигини белгилайди. Шундай экан, демак, ишлаб чиқаришнинг бозордаги акси, шакли бўлган таклиф устунлиги мавжуд бўлиши керак. Лекин мақсад истеъмол-ку! Чунки истеъмолсиз ишлаб чиқариш ўз аҳами-

ятини йўқотади, истеъмом самараси туфайлигина ишлаб чиқариш юқори аҳамият касб этиши мумкин.

Маълумки, бозор ривожии товар, хизматлар мўл-кўллиги, уларнинг турлилиги даражасига боғлиқ, товар ишлаб чиқариш даражаси, унинг тараққиёти орқали ҳал қилиниши мумкин. Бозорнинг шаклланиши аввало товар ишлаб чиқариш муаммосини ҳал қилиш, унинг юқори даражасини таъминлашни талаб қилади. Шунга кўра айтиш мумкинки, бозор муносабатларига ўтиш, юқорида қайд қилганимиздек, ишлаб чиқариш даврини бошдан кечириш, товар муаммосини ҳал қилишдан бошланиши заруриятини долзарб вазифа қилиб қўяди. Буни ривож топган бозор иқтисодиётига эришган мамлакатлар тажрибасида кўриш мумкин бўлиб, умумий ҳаракат ишлаб чиқаришни кенгайтириш, имкони борича талабга мос товарларни кўпайтиришдан иборат. Юқори даражали бозор иқтисодиётига эришган мамлакатлар каби мамлакатимизда ҳам бозор муносабатларига ўтиш асос қилиб олинган экан, демак, биз ҳам бозор иқтисодиётига хос ишлаб чиқаришни яратишимиз зарур.

Ишлаб чиқариш даври ўз вазифаларини бажариб, товар мўл-кўллиги даврини яратгандан сўнг, бозор иқтисодиётининг туб мазмунини акс эттирувчи талаб даври бошланади. Талаб давридагина нима, қанча, қачон, қай хилдаги товарлар ва товарлашган хизматлар яратилиши зарурлиги истеъмом талаби асосида белгиланади. Шундагина таклиф талабдан келиб чиқиши мумкин ва талаб ҳамда таклифнинг қонун кучига эга бўлиб ҳаракатда бўлиши учун зарур шароитлар тўла мавжудлашади.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ МУВОЗАНАТИ

Бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф мувозанати аҳамиятлидир. Талаб ва таклиф баҳо орқали бир-бири билан боғланади. Айтиб ўтганимиздек, улар жуда ўзгарувчан бўлиб, бунга таъсир ўтказувчи омиллар кўп. Бозор иқтисодиёти талаб ва таклифнинг мос келишини тақозо этади. Бундай мослик бозор иқтисодиёти тараққиётининг талабидан келиб чиқади. Чунки бусиз иқтисодий ўсиш амалга ошмайди.

Талаб ва таклифни ўзида ифодаловчи сотувчи ва харидорнинг ҳаракат йўналиши турличадир. Агар харидор баҳо-

ларнинг паст бўлишини истаб ҳаракат қилса, сотувчи, аксинча — баҳоларнинг юқори бўлиши тарафдорлиги учун уларнинг кўтарилишига ҳаракат қилади.

Харидор товарларни арзон сотиб олиб ўз даромадларини кўпроқ моддийлаштира олса, у шунча мақсадга эришган бўлади. Сотувчи эса қанча баҳо юқори бўлиб, товарини қимматга сота олса, кўзлаган фойда даражасига эришади. Кўриниб турибдики, харидор баҳоси ва сотувчи баҳоси бир хил бўлмайди. Лекин улар бозорда бир-бирлари билан учрашганларидан кейин аҳвол ўзгаради. Чунки бозор баҳоси юзага келгунча бир товарни сотиш ва сотиб олиш баҳоси бир хил бўлиши мумкин ҳолос. Лекин сотувчи ва харидор бир баҳога келишсагина олди-сотди амалга ошади, бўлмаса улар келиша олмай олди-сотди рўй бермайди. Харид юз бермайди. Таклиф ва талаб мувозанати бозор баҳосида ифодаланади.

б-жадвал

Талаб ва таклиф мувозанати

1 кўйлак баҳоси (сўм)	Талаб (дона)	Таклиф (дона)	Фарқи
100	5	1	-4
200	4	2	-2
300	3	3	0
400	2	4	-2
500	1	5	-4

Жадвалда таклиф ва талаб мувозанатига оид мисоллар келтирилган. 1 кўйлакнинг баҳосини талаб ва таклифга қараб ўзгаришини кўрадиган бўлсак, 5 ҳолатдан 4 тасида талаб ва таклиф баҳолари ўртасида фарқ катта ва фақат бир ҳолатда тенг бўлаяпти. Агар 1 кўйлак 100 сўм бўлса, 1 та кўйлак таклиф этилиб, 4 харидорнинг талаби қондирилмаяпти, аксинча — 500 сўм бўлса, 1 кўйлакка талаб бўлиб, 4 тасига талаб бўлмаяпти. Демак, фақат 3-да, яъни 1 кўйлак 300 сўм бўлганида талаб ва таклиф бир-бирига мос келиб, сотувчи ва харидорлар келишган ҳолда кўйлакка бўлган талаб ва таклиф муносабатларини тўғри ҳал қилиб, бир-бирларини

қоплай олаяптилар. Шунинг учун ҳам мисолимиздаги 1 кўйлакнинг баҳоси 300 сўмга туширилиб ёки кўтарилмагунча мувозанат таъминланмай, сотувчилар товарини сотолмаса, харидорлар уни сотиб ололмайдилар. Чунки харидорлар қурби фақат 3-кўйлакка тенг бўлса, таклиф ҳам шунга мос бўлиши керак, бўлмаса сотувчилар товарини ўз зарари ҳисобига сотиб, баҳонинг зарурият чегарасидан пасайтиришга мажбур бўладилар.

Харидорларнинг даромади мавжуд ҳолатда фақат 300 сўмлик баҳони кўтара олар экан, кўйлак сотилишини кўпайтириш албатта бозор баҳосининг пасайтирилишини талаб қилади. Агарда мисолимиздаги мувозанат баҳо 200 сўмга тушса, албатта талаб кўпаяди ва 3 та кўйлак ўрнига 4 таси сотилади.

Даромадни камайтирмаслик учун сотувчи мувозанат ушлаши, баҳо пасайиши билан таклифни кўтариши керак. Чунки у харидорларни кўпайтириб, кўпроқ кўйлак сотиш билан қутулган фойда миқдорига эриша олади. Бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бозорга кўпроқ товар чиқариш йўли билан ҳал қилиниши керак. Тушумнинг кўпайишигина баҳонинг пасайишини қоплай олиши мумкин.

Таклиф ва талаб мувозанатда бўлиши учун бўлган сотувчи ва харидорлар ҳаракати тўрт хил ўзгаришни ўз ичига олади: а) мувозанатлашган товар миқдори ва баҳосининг ўсиши талабнинг ўсишини билдиради; б) мувозанатлашган товар миқдори ва баҳосининг пасайиши талабнинг пасайишини кўрсатади; в) мувозанатлашган товар миқдорининг кўпайиши ва баҳосининг пасайиши таклифнинг кўпайишини билдиради; г) мувозанатлашган товар миқдорининг камайиши ва баҳонинг кўтарилиши таклифнинг қисқаришини билдиради.

Бир-биридан ажралган ҳолда иш кўрувчи бозор қатнашчиларининг ечимлари ҳам турлича бўлади. Буларни бир-бирига мослаштирадиган ва қовуштирадиган куч баҳо бўлиб, у механизм таъсири билан талаб ва таклифни бир-бирига яқинлаштиради, келиштиради, бир-бирига мос келадиган муносабатлар даражасига олиб келади. Мувофиқлик мувозанат баҳо орқали юзага келади. Бозор қатнашчилари ҳарака-

тининг умумийлашуви, бир-бирларига тушунарли равишда бўлиши, бир-бири билан келиша оладиган даражага етказиш талаб ва таклиф мувозанатнинг юзага келиши туфайли амалга ошади. Бунда хабарчи, кўрсаткич ролини **мувозанат баҳо** бажаради.)


Талаб ва таклифнинг турлича бўлиши, бир-бирига тўғри келмай, ё талаб ортиқча, ё таклиф ортиқча бўлиши бозор мазмунидан келиб чиқади **ва бозор иқтисоди** тараққиётининг сабаби ҳам шунда. Талаб ва таклиф турлича бўлиши билан бирга баҳо, сотиб олиш қобилияти кабиларнинг ўзгариши рақобат йўли билан тўхтовсиз ўзгариб туриши табиий ҳодисадир. Лекин *бозордаги тўқнашув, муносабат туфайли таклиф ва талабнинг миқдорий жиҳатдан баҳо бўйича бир-бирига тенглиги, мослашуви юз бериб, бозор мувозанатини таъминлайди. Мувозанатсиз бозор меғёрсиз ҳолатда бўлади.*

Демак, бозор мувозанати унинг таклиф ва талабини миқдор ва таркиб жиҳати бўйича мослашувидан иборат бўлиб, мувозанат учун бўлган ҳаракат доимийликка эгадир. Башарти бу мувозанат узоқ вақт бузилиб турса, бозор ўз хусусиятини йўқотиб боради, заифлашади, шу билан умумий иқтисодий ҳолатни ёмонлаштиради.

Бозор иқтисодиёти қонунларига келсак, булар таклиф ва талаб ҳаракатининг бозор баҳосига боғлиқлиги, уларнинг бир-бирига таъсиридан келиб чиқадиган бозордаги муносабатларни ўз ичига олади.

ТАЛАБ ҚОНУНИ

Талаб қонуни биринчи маротаба француз олими Курно томонидан ифодаланган. Олим баҳо ва талаб муносабатларини математик усулда ечишга ҳаракат қилиб, талаб қонуни баҳо вазифасининг қисман ифодаланишини, талабнинг камайиши жараёнини, яъни баҳо кўтарилиши билан талаб пасайишини кўрсатиб берган эди. Бундай фикрда жон бор **ва баҳо кўтарилиши билан талаб камайиб, товарларни сотиб олиш учун интилиш сусайишининг юз бериши маълум нарса.**



9-тарх. Талаб қонуни ҳаракатининг чизма ифодаси

Келтирилган тархдан кўришиб турибдики, талаб ҳаракати баҳо даражаси билан бевосита боғлиқ, яъни баҳо ўзгариши албатта талаб ўзгаришига олиб келади. Агар баҳо кўтарилса, талаб камаяди, баҳо пасайса, талаб кўтарилади. Чизмада баҳо кўтарилган сайин, яъни P томон силжиган сайин, талаб чизиғи пасайиб боряпти ва бу чизиқнинг пасайиши даражаси баҳонинг A томон яқинлашувига боғлиқ бўлмоқда. Баҳонинг бошланғич қисми, яъни O томон қарасак, талаб чизиғи кўтарилиб бормоқда, чунки баҳо даражаси пасаймоқда.


Талабнинг баҳога боғлиқлиги ва унга қараб ўзгариши талаб қонунининг мазмунини билдиради. Умуман айтганда, талаб қилинадиган товарлар билан баҳо ўртасидаги боғлиқлик талаб қонуни таъсирида юз беради. Ўз навбатида, талаб баҳога таъсир ўтказида, яъни талабнинг кўпайиши баҳони кўтаради ва аксинча, талабнинг пасайиши баҳони пасайтиради. Чунки бусиз бозор мувозанати юзага келмайди.

Талаб истеъмолчи — харидорнинг бозордаги ҳаракатининг ифодаси бўлгани туфайли истеъмолнинг реаллашуви талаб қонуни таъсирига боғлиқдир. Чунки бунда истеъмолчининг даромади, диди ва истаги рўёбга чиқиши керак. Ҳақиқатан ҳам талаб ўсар экан, харидор кўпроқ товар сотиб олиш, кўпроқ хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлади. Бу ўринбосар товарлар харидига ҳам таъсир кўрсатади.

ТАКЛИФ ҚОНУНИ

Таклиф қонунининг ҳаракати талаб қонуни ҳаракатининг ва талаб қонунининг акс натижасини билдиради. Баҳо

ўсган сайин ишлаб чиқарувчилар рағбатланиб, товарлар чиқаришни кенгайтиришга ҳаракат қиладилар. Бу эса сотувда товарларнинг кўпайиши ва таклифнинг кўтарилишига олиб келиши керак. Баҳо қанча пасайса, таклиф ҳам шунчалик



10-тарх. Таклиф қонуни ҳаракатининг чизма кўрсатмаси

пасайиб, бозорда сотиладиган товарларни кўпайтиришнинг зарурияти бўлмайди. Бу эса бевосита ишлаб чиқаришнинг ҳажмига таъсир кўрсатади.

Баҳонинг кўтарилиши натижасида таклифнинг кўпайиши таклиф қонунининг мазмунини англатади. Таклиф қонуни ҳаракати товарлар ва товарлашган хизматларнинг бозордаги ҳолатини акс эттириб, баҳо кўтарилса, таклифни кўпайтириш рағбатлантирилади. Таклиф қонуни таъсирида баҳонинг пасайиши бозорда таклиф этиладиган товарлар ҳажмини ва сотувдан келадиغان тушумни камайтирмаслик учун ишлаб чиқаришни кўпайтириш, маҳсулотни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш харажатлари даражасини пасайтириш йўллари топиш ва зарур чораларни қўллашга ундайди.

Таклифнинг шаклланиши унинг қонуни таъсирида амалга ошар экан, у бевосита ишлаб чиқарувчига таъсир ўткази, унинг фаолиятини бозор талабига мослаштиришга қаратади. Таклиф бозорга чиқарилган ва сотувга аталган товарлар миқдори билан белгиланар экан, демак, у ишлаб чиқарувчининг бозорда ифодаланиши, дейиш мумкин. Чунки товар ишлаб чиқарувчи тадбиркор бозордаги таклифни акс эттириши мумкин. Шунинг учун ҳам тадбиркорнинг фаолияти бозорда таклиф орқали реаллашади ва унинг манфаати таклиф туфайли амалга ошади. Тадбиркор таклиф воситаси билан, таклифни шакллантириш билан ўз мақсадларига эришади. У таклифнинг доимо кўтарилиши чораларини қўллайди, яъни таклиф қонунидан ўз манфаати сари фойдаланади. Умуман, таклифнинг бозорда нисбатан

мустақил ҳаракат таъсири бўлиши билан бирга, у асосан бозор ҳолати, мавжуд бозор талабини эътиборга олгандагина шакллана олади. Буни тадбиркор ҳисобга олмасдан иложи йўқ.

Таклиф, албатта талаб билан белгиланишига қарамай унинг ҳаракатида ҳам мустақиллик мавжуд. Бунинг асосида **тадбиркор-соҳибкорнинг** манфаати ётади. Маълумки, тадбиркор ўз фаолиятини фойдага қаратиб, юқори даромадлиликка бўйсундиришга ҳаракат қилади. Шахсиятчиликнинг бирмунча томонлари ҳам амалга ошади. Лекин умуман, таклиф талабга боғлиқ бўлганлиги туфайли тадбиркор ўз фаолиятини истеъмол талабига боғлиқлигидан ажрата олмайди. Чунки пировардида тадбиркор манфаати таклифнинг талабга бўйсунган ҳолда юзага келиши сабабли у истеъмолчи манфаати орқалигина амалга ошиши мумкин.


Шунинг учун ҳам таклиф барча тармоқ, соҳаларнинг истеъмол асосида ривожланишини таъминлайди. Таклифнинг қонун сифатида таъсир этиши асосида ҳам шу мақсад ётади. Таклиф қонунининг асосий мазмуни ишлаб чиқаришни ўзида ифода этиш, талаб асосида ҳаракат қилиш ва унинг мақсади туфайли таъсир кўрсатишларида ифодаланади. Таклиф қонуни ўз таъсир кучи билан истеъмол учун зарур ҳолдаги ишлаб чиқаришнинг йўналишини таъминлайди ва тўла бозор талабига бўйсундиради. Шунга асосан товарлар, хизматлар хили, миқдори, тури кабиларнинг истеъмолга мос келиши таъминланади.

Кўриниб турибдики, талаб ва таклиф қонунининг умумий ва хусусий томонлари мавжуд бўлиб, улар бир-бирларини тўлдирган ҳолда ҳаракатда бўладилар.

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ҚОНУНИ

Талаб ва таклифнинг туб мазмуни билан биргаликдаги таъсир ва ҳаракатлари ҳам қонуний кучга эга бўлиб, бунда бозор иқтисодиётининг моҳияти, умумий йўналиши, асосий хусусияти ўз аксини топади.

Таклиф ва талаб қонунининг чизма ифодасида талаб кўтарилса таклифнинг пасайиши ва унинг акси баҳо даражаси орқали амалга ошуви тасвирланган. Бунинг баҳо ўзгаришига боғлиқлиги ўз навбатида, таклиф ва талаб ўзгаришида ифодаланади.



11-тарх. Талаб ва таклиф қонуни

Таклиф ва талаб қонунининг назарий томонларини ишлаб беришда ва асослашда машҳур иқтисодчи А. Маршаллнинг хизмати каттадир. У бу қонунни ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсулотларининг айирбошланиши, бўлинмалар ўртасида тақсимланиши каби умумий масалаларни ечишда қўллаган. Айтайлик, ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат воситалари ва меҳнат предметлари, шунингдек, истеъмол буюмларини айирбошланиши, булар ўртасида даромадларнинг тақсимланишини таклиф ва талаб қонуни таъсири остида тартибга солинишини кўрсатган эди.

Талаб ва таклиф қонунисида талаб қонуни ва таклиф қонунининг ҳаракатлари мужассамлашувини кўрамиз. Чунки талабнинг пасайиши фақат баҳонинг ўзгариши таъсири билан ёки унинг акси бўлган талабнинг ўзгариши билан чекланмайди. Бу биргаликдаги ҳаракат, яъни талабнинг кўтарилиши, албатта таклифнинг пасайишига олиб келади, чунки у талаб ҳажмига тўғри келмайди. Шунингдек, таклифнинг кўтарилиши баҳонинг пасайиши туфайли талабнинг ўзгаришига олиб келади, яъни талабни рағбатлантиради, харидорлар кўпаяди, бошқа товарлар харидорларининг баҳоси пасайган товарларни сотиб олишга интилиши кучаяди.

Макроиқтисодиёт даражасида талаб ва таклиф қонуни таъсири амалда микродаражадагига ўхшаб кетади. Баҳо кўтарилганда жами талаб камаяди ва жами таклиф кўпаяди.


Юқорида биз талаб ва таклиф қонунларининг ҳаракатини микродаражада кўриб, уларнинг ўзаро таъсирла-

ри муаммоларини таҳлил қилган эдик. Таклиф ва талабнинг бир-бирларига бўлган таъсири, алоқалари мувозанат баҳонинг шаклланиши ва айрим товарлар ва айрим бозорлар устида гап юритган эдик. Макродаражада эса баҳонинг умумий даражаси ҳолатида мувозанатлик ва ишлаб чиқаришнинг мослиги таъминланиши керак. Бу эса умуммиллий ва умумсоҳа даражасида амалга ошувни талаб этади.

Жами талаб деганимиз — бу макроиқтисодиёт миқёсидаги пиروвард барча маҳсулот ва хизматларга бўлган талабни билдиради. Бу барча оилавий хўжалик, фирмалар, давлат ва ташқи дунёнинг миллий маҳсулотга бўлган талаб йиғиндисини ўз ичига олади.

Жами таклиф — маълум вақт ичида таклиф учун ишлаб чиқарилган мамлакат миқёсидаги маҳсулот йиғиндисидир. Бу, аввало ишлаб чиқариш ресурсларига боғлиқдир.

Макродаражада баҳо даражаси жами талаб ва жами таклифнинг ўзаро таъсири остида белгиланади.




12-тарх. Жами талаб ва жами таклиф ҳаракатининг чизма ифодаси.

Жами талаб ва жами таклифнинг чизма ифодасида P , баҳо даражасида харидорлар Q_2 ҳажмида маҳсулот сотиб олишни истасалар, ишлаб чиқарувчилар фақат Q ҳажмда ишлаб чиқариш имконига эгалар. Шунга кўра, баҳолар P_1 дан P_0 гача кўтарилади. Бу эса ишлаб чиқаришни то мувозанат ҳосил бўлмагунча кенгайишига олиб келади. Шунда талаб ва таклиф этиладиган маҳсулотлар миқдори бир-бирига тенг келади. Бундай нуқта чизмада E бўлиб, бу жами талаб ва жами таклиф тўқнашуви нуқтасидир. E нуқтаси мувозанатлашган баҳо ва амалий ишлаб чиқариш ҳажмини

билдиради, қайсики жами талаб ва жами таклифга мос келиб, бир-бирларини қоплай оладилар.

Талаб ва таклиф қонунининг таъсири юқорида қайд қилинган иқтисодий воқеликлар билан чекланмайди. Бу қонунни ифодаламоқчи бўлсак, унинг уч томонига эътибор бериш керак. Талаб ва таклиф қонуни: 1) баҳо мувозанати ва микро-макро даражада таклиф ва талаб мувозанатининг таъминланиши; 2) талабнинг бозор иқтисодиётидаги асосийлиги ва таклифга нисбатан устуворлиги; 3) таклифнинг талабни тўла қондирилиш даражасида бўлиши.

Демак, бу қонун аввало товарлар ишлаб чиқариш ва уларнинг сотилиши мувозанатини таъминлаш бозорда таклиф ва талаб мувозанатининг юзага келиши туфайли амалга ошади. Бу қонуннинг бундай ҳаракати иқтисодиётдаги мосликни таъминлаш ва умуман ишлаб чиқариш тараққиётининг шу асосда давом этишига таъсир этади. Демак, биз юқорида кўриб ўтган баҳо мувозанати ҳам шунинг ифодасидир.



13-тарх. Баҳо мувозанати чизмаси

Чизмада талаб ва таклиф E нуқтасида бир-бири билан тўқнашган. Бу P_3 баҳоси даражасига тўғри келади. Демак, бу қонун таъсири остида талаб ва таклиф ҳаракатлари бозорда умумий баҳонинг пайдо бўлиши (албатта, барча шу хил товарлар учун умумий ва мажбурий эмас)га олиб келадик, бу баҳо бозорнинг мувозанат баҳосидир. Ҳақиқатан ҳам бу бозор иштирокчилари учун кўрсаткич вазифасини ўтайди.

Бозорда истеъмолчининг асосийлиги товарлар ва товарлашган хизматларга бўлган талаб моҳияти билан белгиланади. Шунга кўра талабнинг бозордаги асосийлиги, белгилов-

чилиги вазифаси бозор иқтисодиёти моҳиятини белгилайди. Таклифнинг талаб асосида белгиланиши, унинг вазифаси аввало талаб вазифасидан келиб чиқиши биз кўраётган қонун мазмунини билдиради.

Демак, таклиф ва талаб ўртасида боғлиқлик, ўзаро таъсир талаб устуворлиги асосида амалга ошади. Истеъмолчининг талабини ишлаб чиқаришга бозорда шаклланадиган таклифгина етказилади. Лекин буларнинг барчаси баҳо орқали, унинг ҳаракати, айниқса мувозанат баҳо орқали юз беради.

Бу қонуннинг талаб устуворлигини таъминлаши ҳақида сўз юритар эканмиз, инсон манфаати асосида бунда ҳақиқатан ҳам иқтисодиётнинг туб мазмуни бўлган истеъмолнинг асос бўлиши, ишлаб чиқариш амалда фақат истеъмол воситаси сифатида юзага чиқиши, иқтисодиёт ҳаракатида асосий мақсад инсон истеъмоли эканлиги ўз ифодасини топишини кўрамиз. Ишлаб чиқаришнинг талаб асосида ҳар томонлама ва кенг миқёсда тараққий эта олиши инсон турмуш тарзининг юқори даражасини таъминлаб боради. Бозор иқтисодиётининг устунлиги ҳам аввало шу билан белгиланса керак. Чунки юзаки қараганда таклиф доимо устун келиши, талабни ўзига бўйсундириши, таклиф талабга нисбатан тўла мустақил ҳаракат қила олиши мумкинга ўхшаб кўринади ва бозор иқтисодиёти фақат таклиф томон, яъни тадбиркор-соҳибкорлар манфаатига қаратилганга ўхшаб кўринади. Амалда эса ундай эмас, чунки талаб устунлик қилади, бозор аввало талабни эътиборга олишга мажбур, таклиф ҳаракати талаб орқали белгиланмасдан иложи йўқ. **Яна бир бор айтиш мумкинки, бозорнинг тараққиёт асоси истеъмолчи-харидор-инсоннинг шахсий манфаатидан келиб чиқиб, бозор иқтисодиётига хос барча зиддиятларни ҳал қилиш учун хизмат қилади ва унинг чегарасиз тараққиётини таъминлашга асос бўлиб ҳисобланади.**

Талаб ва таклиф қонуни таъсирининг учинчи муҳим томони таклифнинг талабни тўла қондира олиш даражасида бўлишлиги, дедик. Бозорнинг туб хусусияти бўлган талаб ҳукмронлиги аввало товарлар ва товарлашган хизматлар мўлкўлиги ва улар хилма-хиллигига асосланади. Бундай шароит юқори даражали ва тўхтовсиз такомиллашиб борувчи товар ишлаб чиқарилиши туфайли яратилади. Кучли иқтисодиётли бозор тизими тараққий этган жаҳондаги етакчи

мамлакатлар аввало йирик ва ҳар томонлама ривожланган ишлаб чиқаришлари билан фарқланади. Бу таклиф ва талаб қонунининг тўлақонли ҳаракати учун зарур иқтисодий шароит туғдириб беради.

Қонуннинг бу талаби товарлар миқдори, товарлар ва хизматлар турлилиги, истеъмол қулайликларини яратишни ўз ичига олади. Талабнинг тўла қондирилиши танлов эркинлигининг таъминланишига боғлиқдир. Агарда товар миқдор жиҳатидан бозорга аталган даромадга тўла тенг келса, албатта танлов эркинлиги тўла амалга ошмайди. Бу, айтилишича, ва харидорлар учрашувида таклифнинг маълум даражадаги миқдорий устунлигини талаб этади. Чунки товарларнинг таклифи танлов талабини тўла қондириш даражасида бўлиши керак.

Бундан ташқари товар ва хизматлар тури ҳам талаб даражасида бўлиб, у харидорлар дидига, истеъмолни тўла қондира олишга тўла мос келиши керак. Маркетингчи олим Ф. Котляр товарларни аввало икки гуруҳга бўлади: узоқ муддатли истеъмол товарлари ва қисқа муддатли истеъмол товарлари. Сўнгра уларни бир неча бўлақларга бўлади. Товар турлари қанча кўп бўлса, танлов шунча юқори даражада бўлиб, талабнинг тўла қондирилишига ёрдам қилади.

Талабнинг тўла қондирилишидаги кейинги муҳим нарса истеъмол шароитини яхшилаш билан боғлиқ қўшимча хизмат кўрсатиш турларини ва ҳажмини кенгайтиришдир. Бу, аввало товарлардан фойдаланишда доимий ёрдам кўрсатиб туриш, товарларни истеъмол жойларига етказиб бериш, ўрнатиш билан боғлиқ ишларни бажариш ва ҳоказолар бўлиб, буларнинг барчаси талабнинг шаклланишида катта ўрин эгаллайди.

Ҳозирги жамиятда аҳолига хизмат кўрсатишнинг аҳамияти ва товарлашган хизматларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Хизмат кўрсатишнинг мазмунига эътибор берсак, у фаолият, нафлик ва қондирилиш кабилардан иборат сотув объектидир. Ф. Котлярнинг кўрсатишича, америкача ҳаётнинг энг муҳим феноменларидан бири хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳаддан ташқари ҳажмда ўсишидир. Қишлоқ хўжалигини эътиборга олмаганда 73% иш жойлари шу соҳага тўғри келади (қишлоқ хўжалигидаги бандлик 3—4% дан ошмайди). Таққослаш учун оладиган бўлсак, бу Германияда — 41%, Ита-

лияда — 35% ни ташкил этади, дейди. Ўсиб бораётган фаровонлик, бўш вақтнинг кўпайиб бориши ва товарларнинг мураккаблашуви (техник хизмат кўрсатишни талаб этувчи товарларнинг истеъмолда кўпайиши кўзда тутилади) Қўшма Штатларни жаҳонда хизмат кўрсатиш иқтисодиёти бўйича энг биринчи мамлакат даражасига кўтарди.

Ҳаётга сингиб кетган хизмат тармоқлари билан бирга доимо янгилари пайдо бўлмоқда. Хизмат кўрсатиш фаолият тарзида ёки моддий кўринишга эга бўлмаган товарлар ишлаб чиқаришдан иборатдир. Товарлашган хизматнинг ўзига хос хусусиятлари кўп. Шунга кўра талаб ва таклифнинг шаклланиши, бозор мувозанатини юзага келтириш шу хусусиятларни эътиборга олган ҳолда амалга ошади.

Айтайлик, табақалаштирилган баҳоларни қўллаш, яъни юқори баҳо билан бирга паст баҳоларни қўллаш, талаб пасайганда янги талабни уюштириш, талаб юқори вақтида альтернатив талаблар тавсия этиш, буюртмалар хилини кўпайтиришлар товарлашган хизматлар талабига оид ҳодисалардир. Талаб кўтарилганда қўшимча хизматчиларни жалб этиб таклифни кўтариш (ошхонада истеъмолчилар кўпайса, қўшимча официантлар жалб этиш), истеъмолчилар кўпайиб кетса, иш тартибини шунга мослаб ўзгартириш (беморлар мурожаати ортиб кетса, врачлар ва ҳамширалар ишини мослаштириш), харидорларнинг ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш (харидорларнинг товарларни ўзлари ўраб олишлари) кабилар таклифга хос хусусиятлардир. Булар мувозанат баҳонинг сақланишига таъсир этувчи томонлардир.

Шундай қилиб, таклиф ва талаб қонуни ўз моҳияти, ҳаракат мазмуни, таъсир кучи бўйича шуни кўрсатадики, у бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи ва унинг тараққиёти қонунидир.

Талаб ва таклиф қонунининг ҳаракати ва умуман бозор иқтисодиёти тараққиёти инсоният жамияти учун жуда аҳамиятли бўлган барча бойликлардан фойдаланиш самарасини кўтариш ва инсон манфаатига қаратишда катта имкониятлар яратишини қайд қилиш мумкин. Бунда ресурслардан тўла фойдаланиш, табиий бойликлар самарасини кўтариш, янги-янги технологиялар туфайли янги хом ашё, материалларни яратиш кабилар жуда аҳамиятлидир.

Бозор иқтисодиёти, айниқса соф рақобат шароити табиий бойликлардан оқилона фойдаланишга зид ҳаракатлар қилиб, экологик муаммони кучайтиради. Лекин давлат фаолияти, бозор иқтисодиёти яратган катта иқтисодий имкониятлар бу муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга олиб келмоқда. Бунинг мисоли жуда кўп ва бу соҳада катта тажрибалар орттирилган.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда табиатни ҳимоя этиш, хўжалик фаолиятининг табиий ҳолатини сақлаш, экологик ҳолатни яхшилаш учун доимо кўп ҳажмли харажатлар сарф этилади. Бу соҳада жуда кўп тадбир-чоралар қўлланилиб, бу мамлакатларда аҳамиятли тажрибаларга эгадирларки, булардан фойдаланиш биз учун муҳим вазифалардандир.

Асосий ресурслардан самарали фойдаланиш ва мавжуд барча табиий, моддий, меҳнат бойликларидан фойдаланишни тўла инсон манфаатига қаратишда ҳам бозор қўл келиб, бу соҳада эришилган муваффақиятлар эътиборга сазовордир. Айтайлик, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кам моддий, кам энергия, кам меҳнатли ишлаб чиқариш асос бўлиб, ҳар бир маҳсулотнинг ихчам, енгиллигини таъминлашга эришилганки, биздаги маҳсулотларга таққосласак, фарқи жуда катта. АҚШ, Япония, Германия каби мамлакатларга нисбатан МДХ мамлакатларида машиналар оғирлигида 2—3 марта, сарф-харажатларда 5—6 марта фарқ қилади. Уртача бир ишчи, ходимнинг кунлик меҳнати биздаги 4—5 киши меҳнатига тўғри келади. Масалан, маҳсулот бирлигига сарф этиладиган бензин бу мамлакатларга нисбатан Россияда 3 баробар, Ўзбекистонда эса 3,5 баробар кўп ишлатилади.

Ҳозирги технология асосан кам харажат, айниқса кам моддий сарфли ишлаб чиқаришни юқори даражага кўтарган бўлиб, буларнинг ҳаммаси бозор талаби натижасидир.

Араб мамлакатларининг бу соҳадаги қилган ишлари намуналидир. Буларни, албатта индустриал ривож топган мамлакат, деб бўлмайди. Чунки улар табиий инъом ҳисобига бойиган мамлакатлардир. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида катта иқтисодий даражага эришмоқдалар. Қувайтда нефть қазиб чиқариш ҳисобига келажак авлод учун ажратиб борилаётган маблағ 600 млрд. доллардан кўпдир. Шўр денгиз сувини чучуклаштириш технологиясини кенг

қўллаш эвазига кўкаламзор обод шаҳарлар бунёд этилган. Саудия Арабистони кум саҳроларни ўзлаштириб, суғориладиган деҳқончиликни кенгайтирмоқда. Натижада буғдой майдонлари кенгайтирилиб, ҳозир ўзларининг маҳсулоти билан ички талабларни тўла қондириш билан бирга буғдойни четга ҳам сотишмоқда, АҚШ даги бирмунча нефть қудуқлари фойдаланишдан тўхтатилиб, беркитиб қўйилган.

Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиёти қонунлари таъсири шароитида ва бозор муносабатлари асосидаги иқтисодиёт инсон жамияти учун жуда аҳамиятли бўлган ресурслардан самарали фойдаланиш, табиатни сақлаш муаммоларини ҳал қилиб боришда катта устунликка ва барча имкониятларни инсон манфаатига қаратишда муҳим муваффақиятларга эришиш имкониятига эга.

Мавзу бўйича асосий тушунчалар

1. **Талаб ва таклиф диалектик ривожланиш хусусиятига эга** ва улар бир-бирига боғлиқ ҳолда ва бир-бирини белгилаган ҳолда ҳаракатда бўлади.

2. **Талаб ва таклиф мувозанати** бозорнинг миқдор ва таркиб жиҳати бўйича мослашувидан иборат бўлиб, мувозанат учун бўлган ҳаракат доимийдир. Таклиф ва талаб тенглиги туфайли пайдо бўладиган шароитда баҳо мувозанати ўз ифодасини топади.

3. **Талаб қонуни** баҳонинг ўсиши туфайли унинг камайишини билдиради. Баҳонинг пасайиши эса, ўз навбатида, талабнинг кўпайишига олиб келади. Талаб қонуни истемолчи-харидорнинг ҳаракатига боғлиқ бўлиб, бозор баҳосига таъсир кўрсатади ва баҳо ўзгариши асосида ҳаракат қилади.

4. **Таклиф қонуни** талаб қонунининг акси бўлиб, баҳо юқори бўлса таклиф кўтарилиши ва таклиф кўтарилса, баҳо пасайишида ўз ифодасини топади. Таклиф кўтарилиши ишлаб чиқаришни рағбатлантиради.

5. **Талаб ва таклиф қонуни** ўз навбатида, талаб қонуни ва таклиф қонунининг бирлигидир. Лекин, шу билан бирга улар ўзининг хусусиятига эга бўлган бозор иқтисодиётининг асосий қонунидир. Унинг таъсири уч томонлама: 1) талаб ва таклиф мувозанати (бозор мувозанати)нинг таъминланиши; 2) талабнинг асосийлиги ва таклифга нис-

батан устуворлиги; 3) таклифнинг талабни тўла қондирилиши даражасида бўлиши.

6. Таклиф ва талаб қонуни ўз таъсири ва ҳаракати билан ресурслардан самарали фойдаланиш, қудратли иқтисодиёт туфайли бозор иқтисодиёти шароитида табиатни муҳофаза этиш ва экология муаммоларини давлат иштирокида ҳал қилишга ёрдам кўрсатади.

Талаб ва таклиф қонуни таъсирида ривожланаётган иқтисодиёт мавжуд имкониятлардан инсон манфаати учун энг самарали фойдаланиш имконини туғдиради.

МАВЗУ БЎЙИЧА САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Талаб ва таклифнинг диалектик ривожини қандай тушунасиз?

2. Таклиф ва талаб мувозанатининг иқтисодиёт ҳолати учун бўлган таъсирини айтиб беринг.

Бозор баҳоси мувозанатини рақам мисоли билан чиқаринг ва тушунтириб беринг. Баҳо мувозанатининг узоқ вақт бузилиши нимага олиб келишини кўрсатинг.

3. Талаб қонуни, таклиф қонунини алоҳида ва биргаликда тушунтиринг. Бу қонунлар таъсирини, уларнинг баҳо ўзгариши туфайли бўладиган таъсирини айтиб беринг.

4. Талаб ва таклиф қонунини ифодалаган ҳолда уларнинг бозор иқтисодиётига таъсирини тушунтириб беринг.

VI. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА ПУЛ, МОЛИЯ ВА БАНК ТИЗИМЛАРИ

Инсон иқтисодий фаолиятида пул ва пул муомаласи, молия ва кредитлар мавжуд бўлиб, уларнинг бозор шароитидаги аҳамияти ва эркин ривожигаги ўрни жуда каттадир. Буларнинг тараққиётсиз бозор иқтисодиётини тасаввур этиб бўлмайди. Айтиш мумкинки, пул муомаласи, молия ва банклар тизимининг ривожига бозор иқтисодиёти тараққиётининг тақдирий асосларига айланиб кетади.

Бу категорияларда, уларнинг бозор иқтисодиётидаги ҳаракатларида умумийлик бор. Лекин шу билан бирга уларда алоҳидалик, ўзларига хос хусусиятлар, ҳаракатларидаги қонуниятлар мавжудки, улар бозор иқтисодиёти тараққиётида бир-бирини тўлдириб келади. Булардаги ўзаро боғлиқлик ҳам жуда кучли. Айтайлик, пул қадрининг пасайиши умуман, иқтисодиётнинг оқсашига, шахсан молия ва кре-

дит тизимлари, банклар фаолиятида нормалликка олиб келади. Шу билан бирга кредит тизимининг ҳаракати, ҳолатидаги ўзгаришлар ўз навбатида, пул муомаласи ва молия тизимига таъсир этади ва ҳоказо.

ПУЛ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИ

Пулнинг келиб чиқиши. Молия, кредит ва банкларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг фаолияти негизида пул ётади. Пул инсон кашфиёти бўлиб, у жуда қадимдан маълум. Пулнинг тақдири айирбошлашга бориб тақалади. Инсоннинг яна бир муҳим кашфиёти бўлган айирбошлаш ва унинг ривожини пулни юзага келтирган.

Пул бирданига ҳозирги шаклига айлангани йўқ. Бу катта ва узоқ давом этган жараён ҳолида шаклий тараққиёт натижасидир. Айирбошлаш бошидан бевосита тарзда амалга ошган, яъни товар бевосита товарга алмашган. Бу жараён кенгайиши билан воситачилик зарурияти туғилади, унинг оддий шакллари мураккаблашиб, пулнинг ва унинг ҳозирги ҳолатининг пайдо бўлишига олиб келади.

Тарихдан пул вазифасини шароитга қараб турли товарлар (масалан, туз, асал, қуритилган балиқ, садаф, мўйна кабилар) бажарган. Кенгроқ тарқалгани чорва бўлган. Лотинларда пул “пессия” деб аталиб, чорва сўзидан олинган. Капитал “капит” сўзидан олинди, бу ҳам лотинча чорва боши деган мазмунни билдиради. Тарихдан ҳалқасимон катта-кичик тошлар, буғдой, ун, чой, фил суяги пул ўрнида ишлатилганлиги маълум.

Пулнинг пайдо бўлишидаги кейинги давр металл пуллар бўлиб, бунда кумуш ва олтин етакчилиқ қилган. Айтайлик, Буюк Британия пул бирлиги фунт стерлингнинг маъноси бир фунт кумушни англатади. Россия пул бирлиги рубль кумушнинг бўлаги, бўлинган қисми маъносини билдиради. Доллар ва таллер ҳам “тахлер”, яъни катта кумуш тангалар деган маънони беради.

Пулнинг энг кейинги кўриниши қоғоз пуллар бўлиб, бунинг ҳам тарихи катта. Бундан олдин монеталар юзага келади. Бу металл пуллар бўлаги бўлиб, мис, бронза, кумуш, олтин монеталар босилиб чиқарилган. Монета сўзи юнонларнинг монастир номидан келиб чиқиб, бунда тангалар ясалган. Монета тангалар барча мамлакатларга тарқалиб

кетган. Танга — монетанинг пайдо бўлиши савдода майда пул зарурлигидан келиб чиқади. Монета — оғирлиги белгиланган, қадрли муҳрланган металл бўлагидир.

Узоқ вақтгача, ҳатто XX асргача, олтин пул вазифасини бажариб, ҳақиқий пул ҳисобланган. Бунда олтиннинг ноёблиги, қадрлилиги ва бошқа кўп қулайликлар яратадиган табиий хусусиятларининг таъсири катта. Лекин унинг пулга айланишининг асосий сабаби товар эканлиги, зарур қийматга эга бўлишидир. Кўп вақтгача олтиннинг вақили сифатида қоғоз пуллар кучга эга бўлган. Қоғоз пуллар монеталар ўрнига чиқарилган. Қоғоз пуллар биринчи марта қадимги Хитойда IX асрда муомалада қўлланилган. Сўнгра бошқа мамлакатларда ҳам аста-секин пайдо бўла бошлаган ва ҳозир барча мамлакатларда қоғоз пуллар асосий пул бўлиб қолди. Муомалада олтин пуллар бўлган мамлакатнинг ўзи қолмади.

Пулнинг моҳияти. Ҳар бир мамлакат ўзининг пулига эгадир. Чунончи, доллар, фунт стерлинг бир неча мамлакатларнинг пули бўлиб хизмат қилади. Лекин уларнинг қадрқиймати бир хил эмас. АҚШ, Канада, Австралия долларининг қиймат миқдори фарқланади. Шунингдек, Ўзбекистон ва Қирғизистон сўмлари ҳам бир хил эмас. Пул бирликлари пайдо бўлганда маълум миқдордаги қадр-қиймат асос қилиб белгиланган. Миллий пулларнинг қадрлилиги, бошқа пулларга нисбатан қиёсий миқдори доимо ўзгариб туради. Чунки бу иқтисодиётдаги кўп томонлар, ҳатто сиёсий ўзгаришлар, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар каби таъсирлар натижасидир.

Ўзбекистоннинг ўз миллий пулига эга бўлиши давлат мустақиллиги, унинг мустақкам иқтисодиётини яратишда катта ўрин эгаллайди. Миллий пулимиз бўлган сўмнинг қадрини ошириб бориш, унинг иқтисодий таъсирини кучайтиришга эришиш ва бошқа мамлакатлар пулига тенглаштириш даражасини таъминлаш жуда зарур ва муҳим вазифадир.

Сўмнинг, аввало мамлакатимиз ичида, сўнгра халқаро миқёсдаги тенглашуви, алмашувчанлиги (конвертацияси)ни амалга ошириш талаб қилинади. Бу осонликча ўз ўзидан амалга ошмайди. Бунга аввало, айирбошлашни ривожлантириш, товар-пул муомаласини кучайтириш орқали эришиш мумкин. Чунки пул айирбошладдан келиб чиқади ва унинг тараққиёти туфайли ривожлана олади. Ай-

ирбошлаш эса бозорни товарлар, хизматларга тўйдириш орқали тезлашади. Булар иқтисодиётнинг қудратли бўлиши, ишлаб чиқаришнинг индустрлаштирилган даражадаги ривожига туфайли амалга ошиши мумкин.

Демак, миллий пул қудрати иқтисодий тараққиётнинг ифодаси, унинг натижаси ва ҳосиласидир.

Қоғоз пулларнинг номинали (қадрлилиги)ни ҳақиқий пул ўрнига чиқарадиган ҳукмрон салтанат ёки банкир ўз имзо ва муҳрлари билан тасдиқлайди ва зарур вақтда унинг асосидаги пулни қайтариш мажбуриятини олади. Бора-бора бу вазифа марказий банклар қўлига ўтади. Пул эмиссиясига йўл қўймаслик зарур шарт ҳисобланади. Чунки эмиссия реал қийматларга эга бўлмаган қўшимча пул белгиларининг чиқарилишини билдиради. Шунинг учун ўз вақтида банкнотларнинг олтинга эркин алмашиниши кафолатланган эди. Ҳозир ундай эмас.

Нима учун бозор иқтисодиётида пулнинг таъсири катта ва барча иштирокчилар имкони борича кўп пулга эга бўлишга, товарларини тезда пулга айлантиришга уринадилар? *Пул ижтимоий меҳнатни ифодалайди, у қиймат тимсоли, яъни пул ўзида қиймат миқдорини ифодалайди.* Шунга кўра пул махсус товар ҳисобланади. Пулга эга бўлинса, миқдорига қараб исталган вақтда хоҳлаган товарга ёки товарлашган хизматга эга бўлиш имкони мавжуд.

Пул муомаласи. Пул ўз хусусиятига кўра, аввало муомала воситасидир, яъни товарларни бир-бирига алмаштириш пул воситасида амалга ошади. Чунки товар эгаси бўлган сотувчи харидорга товарни сотиб, товарнинг қийматини пул сифатида олиб кетади. Шунинг учун талаб билан таклифни бир-бирига пул улайди ва уларнинг узилишига барҳам берувчи бўлиб ҳисобланади.

Товарларнинг силжиши, ҳаракат тезлиги, бир-бирига яқинлашуви пул воситасида амалга ошади, дейиш мумкин. Айирбошлашнинг энг юқори поғонаси бўлган муомала мазмунан пул туфайли юзага келади. Товар-пул муомаласи эса бозор шароитининг асосидир, демак бундан пул ва пул муомаласининг бозор иқтисодиёти ривожигаги ўрнини баҳолаш қийин эмас.

Мамлакат иқтисодиётининг мувозанати, унинг муомаласини таъминлаш учун маълум миқдорда пул талаб қилинади. Буни аниқлашда бир неча томонларга эътибор

бериш зарур. Тўловлар нақд ёки нақд пулсиз бўлиши мумкин. Агарда товарнинг ҳақи бевосита пул тўлови орқали амалга ошса, буни нақд пул асосидаги олди-сотди дейилади. Башарти бевосита пул тўловисиз олди-сотди юз берса, бундай олди-сотди пулсиз тўлов дейилади. Асосан банклар орқали пул ўтказув шу усулга киради. Шунинг учун ҳам зарурий пул миқдорини белгилашда бундай воқелик эътиборга олинади. Чунки у бевосита пул зарурияти даражасига таъсир этади.

Бундан ташқари зарур пул миқдорини аниқлашда пул ҳаракати тезлиги аҳамиятлидир. Бу пул бирлигининг йил ичида неча марта қўлдан-қўлга ўтиб, товар эгаларининг ўзгаришидаги иштироки даражасига боғлиқдир, яъни пул қанча кўп “ишласа” — товарлар, хизматларнинг олди-сотдисида кўп қатнашса, шунча тез ҳаракат қилганлиги аниқланади. Масалан, бир йилда шартли равишда 100 млн сўм товар, хизматлар сотилиши 10 млн сўм пул туфайли амалга ошган бўлса, ҳар бир сўм йилига ўртача 10 марта айланиб, ўз ҳаракат тезлиги даражасини белгилайди.

Шунга асосланган ҳолда нормал муомала учун зарур пул миқдорини белгилаш мумкин бўладики, бу айирбошлашни тенглаштиришга ёрдам беради.

Мамлакат муомаласи учун зарур пул миқдорини — М, сотиладиган товар, хизматлар баҳосининг ўртача даражасини — Р, йил ичида сотиладиган товар, хизматлар умумий ҳажмини О, пул ҳаракати тезлигини — У билан белгиласак, унда қуйидаги тенгликка эга бўламиз:

$$M = POU$$

Демак, мамлакатда қанча пул кўп бўлса мамлакат шунча бой ва яхши ҳолатда бўлади дейиш, нотўғридир. Чунки пул ортиқчалиги ҳам, етишмовчилиги ҳам яхши эмас, яъни пул ҳажми ихтиёрий бўлмайди. Айтайлик, ишлаб чиқариш ўзгармай, нархлар кўтарилса, албатта қўшимча пул миқдори талаб этилади ёки пул ҳаракати тезлашиб, ишлаб чиқариш ҳажми ва баҳолар ўзгармаган ҳолда пул кам миқдорда талаб этилади. Айтиш мумкинки, гап пулнинг умуман, кўп-озлигида эмас, балки у ифода этадиган бойликлар ҳажмидадир.

Зарур пул миқдори билан мавжуд миқдор ўртасида фарқ катта бўлса, у иқтисодиётда нохуш салбий оқибатларга, чунончи инфляцияга олиб келади. Чунки муомалада пул кўп

бўлиб, ортиқчалик даражаси кўтарилиб борса инфляция рўй беради. Бундай ҳолат иқтисодий тебрантиради, аҳоли турмуш даражасини пасайтиради. Гиперинфляцияда қимматчилик, қашшоқланиш кучаяди ва умуман иқтисодий издан чиқади.

Инфляция мамлакатда баҳонинг умумий даражасининг кўтарилиши жараёнидан иборат бўлиб, илгари бунинг сабабини қоғоз пуллардан ахтаришар эди. Лекин пул чиқариш қаттиқ назорат остига олинганда ҳам инфляция ҳолати мавжудлиги аниқланган, яъни гап фақат давлатнинг пул чоп этиши имконияти мавжудлигида эмас экан. Унинг сабаблари кўп ва улар бир неча хил кўринишда бўлади. Иқтисодий ислохотлар, ишлаб чиқариш тузилишининг кенг ҳажмдаги ўзгариши, умуман, бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш каби ўзгаришлар албатта инфляция билан боғлиқ бўлади. Чунки бундай ҳолатлар талаб ва таклиф мувозанатининг ўзгариши, пулга бўлган ишончнинг пасайиши, нарх-навонинг тезлик билан ўзгариши, аксарий ҳолларда албатта унинг кўтарилиб бориши натижасида юз беради.

Бунинг икки томони таъсирлидир: биринчиси **талаб инфляцияси** бўлса, иккинчиси **харажатлар инфляциясидир**. Тижорат, фирмалар, ҳукумат юзага келадиган заруриятлар туфайли ишлаб чиқариладиган товарларга нисбатан кўпроқ пул сарф этади. Бу таклифга нисбатан талабнинг ўсишига олиб келиб, ўз навбатида, баҳоларнинг кўтарилиши билан яқунланади. Харажат инфляцияси ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиб бориши ҳосиласидир. Бундаги баҳонинг ўсиши ресурсларга харажатларнинг ортиб бориши ва бунинг эса товарлар баҳосида ўз аксини топиши инфляцияни кучайтиради. Айтайлик, энергия, хом ашё ва материаллар қимматлашуви харажатлар инфляцияси сабабларидир. Бунда иш ҳақининг ўсиб бориши, кўтарилаётган баҳоларни олдиндан кўзлаб, ишчиларнинг иш ҳақини ошириш учун уринишлар ва шунга ўхшаш бошқа ҳаракатлар кучаяди ва бу инфляцияда ўз аксини топади.

Инфляциянинг олдини олишда нормал товар-пул муомаласи жараёнини таъминлаш, унинг учун пулнинг маълум миқдорда бўлиши, унинг на кўп ва на оз бўлишига қарши кураш энг маъкул йўл. Бу талаб ва таклиф мувозанатини таъминлайди. Баҳо кўтарилишининг олдини олишга қара-

тилган барча чора-тадбирлар инфляцияга қарши қаратилган ҳаракат ҳисобланади.

Пулнинг қиймат ўлчови ва жамғариш воситаси эканлиги. Сиз билан пул муомаласи, унинг шу воситага хос хусусиятлари билан танишиб чиқдик. Пулнинг кўриб чиқишимиз зарур бўлган кейинги воситаси — **қиймат ўлчови** эканлигидир. Бу пулнинг энг асосий хусусияти бўлиб, товарлар дунёси ва уларнинг ҳаракатини таъминлашда катта ўрин эгаллайди. Пулнинг қиймат ўлчови хусусияти, яъни сотувчи ва харидор учун товарлар қадрини белгиловчи ягона ўлчов бирлиги вазифасини бажара олиши унинг бошқа хусусиятларига, воситаларига йўл очади. Чунки у **қиймат ўлчови бўлганлиги туфайли муомала воситаси бўла олади.** Пул пайдо бўлиши билан товарларнинг бир-бирига таққосланишининг имкони туғилади. Бунда инсоннинг яна бир улуғ кашфиёти бўлган товарларни бир-бирига уларнинг нисбий қадрлари туфайли тенглаштириш ва пулдан ягона ўлчов сифатида фойдаланиш учун кенг йўл очиб берилади.

Товарларнинг нисбий қадрлилиги айирбошлаш тенглиги билан аниқланиб, бу тенгликни сотувчи ўзи учун фойдали деб ҳисобласа, харидор ҳам ўзи учун сотиб олиш фойдали деб ҳал қилади. Шундагина олди-сотди юз беради. Айирбошлаш кенгайиб бориши билан товарларни бир-бирига бевосита таққослаб тенглаштириш вазифаси пулга юкланиб, у ягона ўлчов воситаси бўлиб қолади. Бу айирбошлашни тубдан ўзгартириб, унинг ривожланишини тезлаштиради, натижада инсоннинг иқтисодий истиқболига катта йўл очиб беради. Лекин иқтисодиётда ва унинг пул ҳўжалигида ишлар ёмонлашиб борса, муомала қисқариб, пул қадрсизланиб, ўрнига эскича бевосита товарлар алмашуви — бартернинг кучайиши юз беради. Амалий ҳаётимизда бундай мисоллар кўп учрайди, яъни пулни ўлчов бирлиги вазифасидан аста-секин четлаштириб, унинг ўрнини энг зарур, талаби юқори товарлар эгаллаган.

Қиймат ўлчовидан келиб чиқадиган пулнинг кейинги хусусияти жамғариш воситаси эканлигидир. Пул пайдо бўлиши, ўз фаолияти ва таъсирини кенгайтира бориши туфайли даромадни сақлаш, унинг бир қисмини зарур вақтгача жамғариб бориш имкони туғилади. Шу билан бойликнинг бир қисмини пул сифатида жамғариш шароити яратилади.

Масалан, бирон-бир қадрли буюм, кўпроқ сармоя талаб этадиган нарса сотиб олиш мақсади пайдо бўлса, албатта пулнинг бу хусусияти, воситачилиги қўл келади. Даромаднинг бир қисми сарф этилмай сақланиб борилади ва керакли ҳажмда пул жамғарилиши билан катта харид қилиш имкони туғилади. Уй, машина ёки бошқа шундай катта қимматли товарлар сотиб олиш шулар жумласидандир. Ҳозир эса, айниқса ривожланган мамлакатларда буларнинг ҳажми кенгайиб бориб, кўпчилик рўзгор буюмлар, яъни мебель, гилам, холодильник, телевизор, магнитофон ва бошқа шунга ўхшаш товарлар қўшилмоқда.

Пулнинг бу соҳадаги катта устуворлиги шуки, уни истган вақтда ва зарур миқдорда маъқул товарга айлантириш мумкин. Бу жуда қулайдир. Қадрли ва қиммат буюмлар ҳам жамғарма сифатида хизмат қила олади. Айниқса, “ўлмас моллар” қадрлидир. Лекин буларни пулга айлантириш ва айни зарур товар сотиб олиш маълум вақтни талаб этади. Пул жамғармаси эса бу ишнинг жуда осон ва тез амалга ошишини таъминлайди.

Пулнинг хусусиятлари туфайли унинг бажарадиган вазифалари, муомаласини уюштириш, пулларни айирбошлаш, сақлаш, сотиш, молия ва кредитни амалга ошириш каби иқтисодий муносабат, алоқалар юзага келади. Булар кейинги мавзу ва мулоҳазаларга йўл очиб беради.

МОЛИЯ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Молиянинг моҳияти. Бозор иқтисодиётидаги ҳар қандай фаолият маблағ, пул талаб қилади, молияни юзага келтиради. Умуман молия халқ ҳўжалигидаги пул ресурслари билан боғланган бўлиб, бундай ресурсларни ҳосил қилиш, тақсимлаш ва ишлатиш жараёнларининг шаклланиши тушунчасидан иборатдир. Маълумки, ишлаб чиқариш истеъмолдан олдин тақсимотни талаб этади. Аввало қиймат шаклидаги тақсимот амалга ошиб, маҳсулот ана шу қийматлар ҳиссасига қараб тақсимланади.

Қиймат тақсимоти турли пул ресурсларини, фондларини юзага келтиради. Булар товарларга алмашинилиб, истеъмолни шакллантиради. Умумжамият истеъмоли давлат томонидан таъминланади. Бунинг учун аввало ресурслар, бир неча хил пул фондлари юзага келтирилади. Аҳоли ижтимоий ҳимояси, атроф муҳитни сақлаш, мудофаа,

давлат бошқаруви, номоддий соҳаларни таъминлаш каби-лар шулар жумласидандир. Бунинг учун аввало қийматлар тақсимоти туфайли зарур пул ресурслари ташкил этилиб, махсус пул фондлари юзага келади. Шу пул ресурс ва фондларнинг ишлатилиши туфайли эслатиб ўтилган тар-моқ ва соҳаларнинг эҳтиёжи қондирилади. Булар давлат томонидан амалга оширилиб, давлат молиясининг шакл-ланиши ва давлатнинг молиявий фаолиятидан келиб чи-қади.

Демак, пул шаклидаги молиявий фондлар ҳосил бўлиб, улар молиявий ресурсни ташкил этади. **Молия маҳсулот қий-матининг тақсимланишидир.** Қиймат тақсимоти маҳсулотни ишлатишдан олдинги жараён бўлиб, у истеъмолга аталган-дир.

Давлат ва нодавлат молияси мавжуд бўлиб, биринчи-си асосан умумжамият моҳиятини касб этса, иккинчиси тадбиркорлар, оила, жамоа молиясидан иборатдир. Мо-лиявий муносабатлар ва алоқаларнинг субъектлари бўлиб, буларга молиявий ресурсларни ташкил этишда, тақсим-лашда ва ишлатишда иштирок этувчи корхона, давлат, ташкилот, муассаса, фуқаро кабилар киради. Ҳар бир субъект ўзига қаратилган маҳсулотларга тенг бўлган пул фондларини ташкил этади. Бу фондлар турлича бўлиб, ҳар бири маълум мақсадни кўзлайди. Масалан, давлат мо-лияси давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш, аҳоли-ни ижтимоий ҳимоялаш, резервлар ташкил этиш каби-ларга сарф этилади.

Молия муносабатларининг объекти деганда пул резерв-ларини тушунамиз. Албатта булар маълум миқдордаги маҳ-сулотларни ўзида ифода этиши зарур.

Молиянинг вазифалари. Молиянинг ўзига хос вази-фалари мавжуд бўлиб, булардан асосий тўрт хилини кўрс-атиш мумкин: тақсимлаш, рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоялаш, иқтисодий ахборот вазифалари. Молиянинг вазифалари (функциялари) деганимизда унинг хўжалик фаолиятида мазмунлашувини, аниқ ифодаланишини ту-шунамиз. Ҳақиқатан ҳам қийматнинг тақсимланиши пул фонди ва ресурсларнинг ишлатилиши туфайли молия маҳ-сулотларни тақсимлаш, шахслар ва жамоаларни рағбат-лантириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини амал-га ошириш, иқтисодий ахборот кабиларда ўз аксини то-пади.

Тақсимлаш вазифаси миллий маҳсулот, миллий даромаднинг пул фондлари шаклланиши асосида тақсимланишдан иборатдир. Бирламчи ва қайта тақсимлаш мавжуд. Бевосита ишлаб чиқаришдаги тақсимлаш бирламчидир, бундан кейинги тақсимланиш қайта тақсимланишдан иборатдир. Айтайлик, иш ҳақи, фойда, ижтимоий суғурта, амортизация каби фондларга бўлиниш бирламчи тақсимотга киради. Солиқлар, турли тўловлар, маиший хизмат ҳақи кабилар иккиламчи ёки қайта тақсимлашга киради. Ялпи миллий маҳсулотни 100 фоиз деб олсак, шундан 60 фоизи ишлаб чиқаришни тиклаш, 20 фоизи иш ҳақи, 15 фоизи фойда, 5 фоизи ижтимоий суғурта фондлари учун тақсимланиши мумкин.

Иқтисодий рағбатлантириш ҳам аввало молиядан бошланади, бу ҳам пулни тақсимлашдан бошланади. Солиқ тизимидаги имтиёзлар, тўловларда ва субсидияларда рағбатлантириш ўз аксини топади. Бож ҳақини камайтириш, мукофот фондлари ташкил этиш ва улардан фойдаланиш иқтисодий фаолликка ундайди. Буларнинг бири экспорт ёки импортни рағбатлантирса, иккинчиси бевосита ишловчиларни ёки жамоаларни рағбатлантиришда фойдаланилади.

Ижтимоий ҳимоялаш ҳам молиядан бошланади ва у орқали амалга оширилади. Чунки у аввало пул орқали, пул фондлари воситасида бажарилади ва у пул туфайли амалга оширилади. Маълумки, аҳоли қатламида муҳтож қисмлари кўп, яъни етим болалар, қариялар, ногиронлар, кам даромадли оилалар шулар жумласидан бўлиб, улар ўз тирикчилигини юритишни минимал даражада таъминлашда ҳам доимо муҳтож бўладилар. Ижтимоий ҳимоялаш эса шуларни молиявий таъминлаш, бошқача айтганда, молиявий кафолатлашни талаб этади. Бу асосан давлат ёрдамида амалга ошади. Давлат махсус фондлар ташкил этиб, бундай ҳимоялашни амалга ошириб боради. Бунга ёрдамчи сифатида корхона, ташкилот, жамоалар ҳам шундай фондлар ташкил этади ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашда фаол иштирок этади. Ишсизлик нафақалари, болалар учун нафақа, ногиронлар пенсияси кабилар бундаги асосий фондлар ҳисобига киради.

Бундан ташқари ижтимоий истеъмол орқали амалга ошадиган фондлар ҳам мавжуд бўлиб, буларга бепул тиббий хизмат, маориф, атроф муҳитни соғломлаштириш кабилар-

ни киритиш мумкин. Булардаги умумийлик оммавий ижтимоий кафолатлиликдадир. Инфляция вақтидаги компенсациялар ёки зарарларни қисман қоплашга жалб этилган фондлар ҳам шулар жумласига киради.

Молиявий ахборотларнинг иқтисодиётни бошқаришда, иқтисодий фаолиятни баҳолашдаги ўрни катта. Бу молиявий яқунлар хусусида ўз вақтида хабарлар бериб туриш орқали амалга ошади. Айтайлик, молиявий кўрсаткичлар орқали ишлаб чиқаришни кузатиш, молиявий фондлар ҳолати бўйича халқ хўжалиги соҳаларининг мувоzanати, бир-бирларига монандлиги кабиларни аниқлаш имкони туғилади.

Молиявий ахборотда **аудиторлик хизмати** маълум ўрин эгаллаб, ахборотдан фойдаланишни яхшилайти ва тезлаштиради. Чунки аудиторлик хизмати корхоналар, компанияларнинг хўжалик-молиявий фаолиятини таҳлил этади, экспертизасини бажаради, холисона хулосалар чиқаради ва уларни ўз вақтида етказиб беради. Маълумки, бундай хизмат молиявий бошқарувда аҳамиятлидир.

Молия вазифаларидан унумли фойдаланиш иқтисодий ўсиш учун хизмат қилади. Моддий ва меҳнат ресурсларининг тўғри йўналишда бўлиши ва уларни самарали сарфлаш молия фаолиятига, унинг вазифалари реаллашувига боғлиқ. Кўриб чиққанамиздек, такрор ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш пул маблағлари билан таъминланишдан бошланади. Шу йўсинда молия ўз вазифаларини бажариш билан иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларни тартибга солади, самарали хўжалик фаолиятини рағбатлантиради. Буларни амалга ошириш молиявий воситалар туфайли юз беради. Булар қаторига ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари, амортизация, фойда, акция курси, дивиденд, солиқлар, суғурта ҳақи, банк ҳақи, дотация, субсидия, компенсация кабиларни киритиш мумкин. Молиявий воситалар фондларда шаклланиб **молия ресурсларини** ташкил этади.

Ана шу ресурслар орқали молиянинг таъсири ва ҳаракати амалга ошади. Айтайлик, амортизация фонди ва фойданинг бир қисми инвестиция учун хизмат қилади, буларнинг кўпайиш резервлари ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш резервлари демакдир. Агарда булар етарли бўлмаса, техника, технологияга сарф этиш камади ва ишлаб чиқариш ўсиши сусаяди. Ёки дивидендлар-

ни олайлик. Булар юқори бўлса, акция чиқарган компаниялар аҳволининг яхшилигидан дарак беради, уларнинг молиявий ҳолати яхши бўлиб, акция курси ошади, қўшимча капитал келиши, умуман иқтисодий ўсиш тезлашади.

Молиявий ресурсларда асосий ўринни фойда ва миллий бойлик тутати. Булар иқтисодий ўсиш манбаини ташкил этади. Фойда, соф даромад сифатида инвестиция, турли резервлар, суғурта ва ижтимоий фондларни уюштириш учун тақсимланади.

Молиявий ресурслар пул шаклида бўлганлиги туфайли улар моддий таъминланиш орқалигина иқтисодий кучга эга бўладилар. Агарда уларни маҳсулот билан қоплаш имкони бўлмаса, унинг иқтисодиёт учун, айниқса ишлаб чиқариш учун ҳеч қандай таъсири бўлмайди.

Молиявий ресурслар икки турга, яъни **микроресурслар ва макроресурсларга** бўлинади. Микроресурслар марказлашмаган бўлиб, корхона, фирма, компания, ташкилот, жамоа уюшмалари, шахсларнинг пул ресурсларидан иборатдир. Бунга қарзга олинган пуллар ҳам киради. Макроресурслар асосан давлат ихтиёридаги пул ресурсларидан иборат бўлиб, умумдавлат миқёсида ташкил этилади. Булар умуман бюджетда жамғарилади. Шу билан бирга бошқа фондлар ҳам мавжуддир.

Бозор иқтисодиётида, албатта, микроресурслар асосий ўринни эгаллайди. Бозорда эркин иқтисодий фаолият шароитида албатта фирма, концерн, корпорация, бирлашма, корхона кабиларнинг молияси асос бўлиб ҳисобланади. Лекин бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлат молияси етакчи ўринда бўлади.

Иқтисодий фаолиятни молиялаштириш, молия ресурсларининг ташкил топиши асосан уч усулда амалга ошади: 1) ўзини-ўзи молиялаштириш, 2) қарз олиш (кредит), 3) зарурий ҳолатларда давлат ажратган молиядан фойдаланиш. Биринчи усулда пул маблағлари, ресурслари ҳар бир иқтисодий субъект томонидан ўз ҳисобига шаклланади. Иккинчи усулда қарз олиш ҳисобига молия ресурслари ташкил топади. Учинчи усулда давлат бюджети ёки бошқа умумий фондлар ҳисобига молиялаштириш зарурияти туғилиши билан молия ресурси пайдо бўлади ва шу асосдаги сармоялар ишга солинади.

Бозор иқтисодиёти талаби бўйича сармоя ва маблағларнинг эркин ҳаракати таъминланади. Бу албатта молия бозорининг ривожиди ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Молия бозори миллий ва халқаро миқёсда бўлиб, бунда пул маблағларининг эркин ҳаракати шакли тушунилади. Ҳар қандай бозор шаклига ўхшаб, пул бозорининг ҳам объект ва субъектлари мавжуддир. Молия бозорининг объектлари асосан қимматбаҳо қоғозлар, пул, қарз пул кабилардир. Акция, облигация, чек, вексель кабилар қимматбаҳо қоғозлар бозорининг объектини ташкил этса, қарз пуллар кредит бозорининг объекти ҳисобланади. Молия бозорида пул эгалари ва уларга муҳтожлар унинг субъектлари ҳисобланади. Буларнинг ўртасидаги бевосита муносабат ва олди-сотди молия бозорининг мазмунини билдиради. Бу жараёнда талаб ва таклиф таъсири ҳамда эркин баҳо асос бўлиб хизмат қилади.

Молия бозори бўш пул маблағларини жамғаради ва маълум мақсадни мўлжаллаган ҳолда уларни молиявий ресурсларга айлантиради. Бу аҳоли кўлидаги ҳаракатсиз ётган пулларни ишга солишда айниқса кўл келади. Капиталга айланган пул маблағларининг тармоқлар ўртасидаги ҳаракатини, уларнинг соҳадан соҳага кўчишини таъминлаб, эркин кўчиб юриш, пул ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлашда молия бозорининг таъсири катта. Масалан, компьютер саноати тезлик билан ўсиб борар экан, демак, бунинг учун катта маблағ зарурияти туғилади. Бунинг учун бу соҳага кенг миқёсда пул капитали даркор. Металлургия кенгаймаса, ҳатто қисқариб борса бундаги пул капитали эркин ҳолда бошқа тармоққа, мисолимиздаги компьютер саноатига кўчиши керак. Чунки бу ерда талаб юқори, фойда катта, демак, баҳо ҳам юқори, металлургия ва шунга ўхшаш тармоқларда эса талаб кам, фойда нисбатан паст. Бу молия бозори орқали ҳал қилинади. Пул сармоялари эркин ҳолда, яъни олди-сотди тарзида энг зарур тармоқлар томон ҳаракат қилади, пул ресурслари билан таъминлаш нормалаштирилиб борилади.

Молия тизими. Молия тизими юзага келиб бу бозор иқтисодиётининг таркибий қисмига айланиб кетади. Молия тизими деганда жамиятдаги молия муносабатлари йиғиндисини, уларни ифодаловчи молия механизмлари, воеиталари ҳамда молия сиёсатини тушуниш керак.

Микроиқтисод ва макроиқтисод мавжуд бўлганидек молия тизимида ҳам микромолия ва макромолия мавжуддир. **Микромолия** бирламчи бўлиб, у корхона, фирма, жамоа, оила молияларини билдиради. Бунинг асосида ички ва ташқи молиявий, пул билан боғланган муносабат алоқалари ётади. Бунда ўзлари пул топиб, ўзлари тақсимлаб, ўзлари ишлатадилар.

Микромолиядаги ички алоқалар шу жамоа ичидаги пул тақсимоти ва уни ишлатиш жараёнини ўз ичига олса, ташқи алоқалар пул сармоялари билан алоқадор бошқа корхона, фирмалар, биржалар, банклар ва давлат молия идоралари билан бўлган муносабатларни ўз ичига олади. Микромолияда хўжаликлар ўз молияларини шакллантирадилар ва ташқи молиявий мажбуриятларини бажарадилар. Бундай молия амортизация ажратмаси, иқтисодий фаолиятдан олинган фойда, корхона сотиб олинган бўлса, ўз ишчи ва хизматчиларидан тушадиган пул, шунингдек, фирма сотган акция ва облигациялардан тушумлар, қарзга олинган пул маблағлари, давлат субсидияси кабилардан таркиб топади.


Корхона, фирма молияси албатта ўз фаолиятлари натижаси бўлиб, аввало у фойда даражаси ва миқдорига боғлиқдир. Кўриниб турибдики, бу хўжаликларнинг иқтисодий самарадорлигининг асосидир. Чунки корхонанинг яхши иш натижалари ўз ҳиссасининг ортиб бориши, ўзи ишлаб топган сармоялар ҳисобига пул ресурсларини кўпайтириб ўз ишини ўзи молиялаштириш даражасида бўлиши мустақил иш олиб бориш, тез ривожланиш имконини туғдиради. Молиявий қарамлик ҳар бир фирма учун доимо қийинчилик туғдиради. Микромолиядаги ташқи мажбуриятларни олсак, булар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, суғурта пулини тўлаш, қарз-кредит ҳажмига қараб қарз қисми ҳамда процентини тўлаш кабиларни ўз ичига олади. Молиялаштиришда корхонани ривожлантириш ҳамда асосий капитал қисмини янгилаб бориш оборот капиталига қўшилиш билан боғлиқ харajatлар амалга оширилади. Фирмани кучайтириш мақсадида имкони борича бошқа фирма акциялари ва облигацияларини сотиб олиш, ўз ишчи ва хизматчиларини рағбатлантириш учун, сармояларни кўпайтириш учун ҳаракат қилинади.

Микромолияда акция ва облигацияларнинг таъсири катта бўлиши мумкин. Акция қимматбаҳо қоғоз бўлиб, у корхона капиталида иштирокликни билдирувчи ҳужжатдир. Акция даромад келтиради. Буни дивиденд дейилади. Облигация эса қарздорликни билдирувчи қимматбаҳо қоғоз бўлиб, бу ҳам процент турида даромад келтиради.

Кейинги вақтларда акционерлар жамиятлари кўпайиб, акцияларнинг корхоналар иқтисодий фаолиятига таъсири ортиб бормоқда. Акциялар оддий ва имтиёзли бўлади. Оддий акцияда дивиденд фойда даражасига қараб турли бўлади ва акционер овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Имтиёзли акцияда эса даромад олдиндан белгиланиб, кафолатланади, лекин акционер овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

Имтиёзли акциялар харидоргир бўлиб, бозорда унинг харидорлари кўп, баҳоси эса олди-сотдида белгиланади. Акцияларнинг бозор баҳоси уларнинг сотиш курсини юзага келтиради. Бозор курси котировка дейилиб, у фонд биржасида амалга оширилади. Акция курси иқтисодий, сиёсий ва руҳият омилларига эга.

Макромолия асосан давлат молиясидан иборат. Лекин бунга мавжуд ижтимоий фондлар ҳам киради. Давлат молияси унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаолиятини таъминлаш учун хизмат қилади. Бу миллий бойлик ва миллий даромаднинг бир қисми. Лекин давлат молияси унинг ихтиёридаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг молиясини ҳам ўз ичига олади, яъни бунда микро ва макро молия бир-бирига чати-



14-тарх. Молия тизими

шиб кетади. Аралаш иқтисодиёт хусусиятига эга бўлган давлат иқтисодиётининг молияси ҳам бозор ва нобозор муносабатларидан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам давлат молияси таркиби мураккаб бўлиб, давлат бюджети, уюштирилган фондлар, давлат, кредит ва корхоналар молияси кабиларни ўз ичига олади.

Давлат молияси даромадлари аввало, айтганимиздек, миллий даромад ва миллий бойлик қийматининг тақсимланиши ва қайта тақсимланиши жараёнида пайдо бўлади. Аниқ ҳолда давлат ихтиёрига теккан қисми ҳисобига шаклланади. Бунинг ички манбалари солиқлар, заёмлар, эмиссиядан иборатдир.


Солиқлар давлат бюджетининг манбаи бўлиб, ҳўжалик фаолиятини рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя вазифаларини бажаради. Албатта солиқнинг объект ва субъектлари бўлиб, унинг нормаси, имтиёзлилиги ҳам мавжуд.

Давлат заёмлари қарз ҳисобига шаклланади. У корхона, ташкилотлар ва фуқаролардан қарз олиш ҳисобига бюджет камомadini қоплаш мақсадида қўлланилади. Улар марказий, маҳаллий бўлиб, муҳлати тугагач давлат томонидан сотиб олинади. **Эмиссия** қўшимча пуллар чиқариш билан боғлиқ бўлиб, қўшимча даромаддир, яъни ўз харажатларини қоплай олмаганда қўллаш мумкин бўлган восита ҳисобланади. Кредит эмиссияси ҳам бўлади. Башарти солиқ ва заёмлар етарли миқдорда бўлмаса, эмиссиядан фойдаланилади.

Бу манбалардан ташқари давлат молиясига унинг иқтисодий фаолиятидан келадиган тушумлар ҳам кириб, дивиденд, процент, ижара ҳақлари, давлат мулкани сотиш кабилардан келган даромадлар шулар жумласидандир. Албатта бу ва буларга ўхшаш даромадлар давлат харажатларини қоплаш учун ишлатилади.

Давлат молиясининг иккинчи томони умумдавлат харажатларидир, булар асосан **давлат бюджети** орқали амалга ошади, яъни давлатнинг инвестиция ажратмалари, мудофаа харажатлари, ижтимоий эҳтиёж учун ажратмалар, давлат бошқаруви кабиларнинг молиявий манбаи асосан унинг бюджетидир. Давлат бюджети асосий харажатларининг тўрт асосий хили мавжуд: 1) ишлаб чиқаришни тараққий эттириш; 2) давлатга қарашли маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот; маданият тармоқлари-

ни пул билан таъминлаш; 3) мавжуд давлат идораларининг харажатлари; 4) мамлакат мудофаасини таъминлаш. Давлат бюджетининг даромад қисми, албатта, биринчи навбатда, ана шу тўрт хил харажатларни тула қоплаши зарур.



15-тарх. Давлат бюджетининг асосий харажатлари

Бюджет камомати бу харажатларни қоплай олмаслиги билан боғланган бўлиб, бюджет тақчиллигини юзага келтиради. Бундай аҳвол кўпинча қўшимча солиқлар киритиш, эмиссиядан фойдаланиш, заёмлар чиқариш ва чет мамлакатлардан қарз олиш қабиларга олиб келади. Давлат бюджетининг тақчиллик ҳолати салбий ҳолатга ўхшаб кўринади. Амалда ҳамма вақт ҳам буни жуда хавфли деб бўлмайди. Барча мамлакатлар, ҳатто энг ривожланган мамлакатлар давлат бюджетиди ҳам бундай аҳволни учратиш мумкин. Гап тақчиллик даражасида ва унинг хусусиятидир. Тақчиллик жуда катта ва уни камайтиришнинг иложи бўлмаса, албатта бу иқтисодий хавф туғдириши мумкин. Шу билан бирга бюджет истеъмол йўналишида бўлса ва унинг камомати шу билан боғлиқ бўлса, бу ҳам хатарли. Агарда бюджет тақчиллиги иқтисодий тараққиёт йўналиши билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш инвестицияси юқори даражада бўлса, бунинг кўрқинчли томони йўқ. Чунки бу халқ ҳўжалигининг истиқболли тузилишини яратиш, самарадорликни ошириш ва умуман, иқтисодий ўсишни кўзлаган харажатлар бўлиб, бу ўзини тезда оқлаши мумкин.

Бюджетдаги мувозанатни таъминлаш ва ундаги тақчилликни қоплаш асосан иқтисодий ривожланиш, бюджет даромадларини ошириш туфайли амалга оширилади.

Макромолияга бевосита давлат молиясидан ташқари бир қанча фондлар киради. Ижтимоий суғурта, пенсия, аҳолини иш билан таъминлаш, йўл қурилиши, табиатни муҳофа-

за этиш, тарихий ёдгорликларни сақлаш, тадбиркорларга, ҳарбийларга ёрдам бериш, новация, корхоналарга ёрдам (санация) каби фондлар шулар жумласидандир.

Бу хилдаги молия фондларининг умумий хусусиятлари бозор ва нобозор муносабатлари мавжудлигидадир. Чунки бундай молия фондлари ҳаракати учун, яъни уларнинг шаклланиши, ишлатилиши учун тижорий асосда ёки текин харажатни қоплаш шартсиз амалга ошуви хусусиятлидир. Аралаш иқтисодиётга хослик бу фондларда жуда очиқ ифодаланади.

Булар ичида **суғурта фондлари** катта ўрин эгаллайди. Маълумки, суғурта молия муносабатларининг бир туридир. Бунинг даромад манбаи суғурталанган аҳоли ва хўжаликларнинг пул манбаидан иборат бўлиб, маҳсулот қиймати тақсимотида бир қисмини суғуртага ажратиш туфайли пул фонди, суғурта фонди пайдо бўлади. Суғурталаш шу фондни ташкил этиш, тақсимлаш ва ишлатиш каби жараёнларни ўз ичига олади.

Суғурталаш туб мазмуни билан зарарни қоплаш, зарар эҳтимоли асосида юзага келади. Суғурта объекти хилма-хилдир. Шунга кўра у иккига бўлиниши мумкин: мол-мулк суғуртаси ва ижтимоий суғурта. Мол-мулкка бойлик турларини суғурталаш кирса, социал (ижтимоий) суғуртага ҳаётий, турмуш хотиржамлиги киради. Тадбиркорлик хавф-хатарини суғурталаш ҳам пайдо бўлиб, кенгаймоқда.

Социал суғуртанинг аҳамияти ортиб, бунга ажратиладиган пул ресурслари кўпаймоқда. Бунинг уч манбаи мавжуд: давлат, корхона ва ташкилот ҳамда шахсий маблағлар. Булар жамият аъзоларининг меҳнатга яроқсиз, ўзини таъминлай олмайдиган қисмлари учун ишлатилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида **тиббий суғурта** ҳам кенгаймоқда. Бунинг мақсади инсонлар соғлиғини сақлаш бўлиб, пировардида барчага минимал тиббий ёрдам беришни ташкил этиш, суғурталанганларнинг саломатлигини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашдан иборатдир. Бу суғурта фонди ҳам давлат, корхона, фирмаларнинг мажбуран ажратадиган ва фуқароларнинг ўз хоҳишлари билан ажратадиган пул маблағларидан таркиб топади.

Тадбиркорлик суғуртаси тадбиркорнинг фаолиятини кафолатлашда аҳамиятлидир. Бунда фойдани кам олиш ёки

олмаслик хавфи, пул тушумининг ўз вақтида бўлмаслиги, савдо-сотиқдаги нохуш ҳодисалар кабилар суғурталанади. Бу суғурта тадбиркорнинг ишонч билан иш бошлашига ёрдам қилади, уни синиш ҳолатидан асрайди, фаолиятига далда бўлади.

Суғурталар ҳам олди-сотди объекти бўлиб, ўз бозорларини ташкил этади. Суғурта ресурсларидан капитал сифатида кенг фойдаланилади, айниқса ишлаб чиқаришга кенг жалб этишда қўл келади.

Нотижорий ташкилот, муассасалар, яъни касаба уюшмалари, кўнгилли жамиятлар, партиялар, ёшлар ва хотин-қизлар ёки фахрийлар иттифоқлари, ижодий уюшмалар, илмий-маърифий ташкилотлар кабиларнинг ҳам молияси мавжуд бўлиб, улар ҳам турли манбалардан йиғилади. Вақтинча ортиқча бўлган улардаги пул маблағлари тижорий ишларда қўлланилиши ва молия бозорида иштирок этиши мумкин.

Хайрия мақсадида ҳомийлик туфайли йиғилган пуллар ҳам ўз молиясини ташкил этиб, юқорида айтганимиздек, турли жараёнларда иштирок этадилар. Бунда махсус ва хайрия фондлари катта ўрин тутаяди. Хайрия фондлари кўнгилли бўлиб, миқдори чегараланмайди ва фақат савоб ишлар учун хайрия сифатида ишлатилади. Ислом мамлакатларида вақф фонди ташкил этилган. Бунга ер, иморат, антиквар, қадрли китоблар, пул ва бошқа бойликлар киради. Ўзбекистонда шунга ўхшаш маҳалла, наврўз каби фондлар мавжуд.

Бозор ва аралаш иқтисодиёт шароитида, эркин ва демократлашган ижтимоий-иқтисодий шароитда молиянинг турлари, айниқса макромолия турлари, хиллари жуда кўп бўлиб, улар пул хусусиятларидан кенг фойдаланиш имконини беради ва иқтисодий ўсиш ҳамда инсон турмуши даражасини кўтаришда барча имкониятларни ишга солишга ёрдам беради.

КРЕДИТ ВА БАНКЛАР ФАОЛИЯТИ

Кредит тушунчаси. Пул ҳаракати ва пул маблағлари билан боғлиқ бўлган бозор иқтисодиётидаги муҳим воқеликлардан яна бири кредитдир. Молия ва кредитнинг уму-

мийлиги шундаки, иккови ҳам пул маблағлари билан боғлиқ иқтисодий муносабатлардан иборат. Лекин улар ўртасида муҳим фарқ ҳам мавжуд. Яъни молия хўжалик эгаларининг пуллари билан бўлган муносабатларни ўз ичига олса, кредит қарз пуллар ҳаракати ва уларга боғлиқ муносабатларни билдиради. Молияда пулни ишлатиш эркин ва харажатсиз амалга ошса, кредитда бу ҳақ тўлаш туфайли ва муҳлати келганда қайтариб бериш шарти билан ишлатиш ҳуқуқига эга бўлинади.

Кредит пулларнинг ҳаракати, айланишда бўлиши бўш, вақтинча ишлатилмай эркин ҳолдаги пуллар мавжудлигидан келиб чиқади. Пул эгалари ихтиёрида вақтинча бўш турган пулларни фоиз билан қайтариш шарти асосида маълум вақт ичида ишлатиш учун олинади. Кўриниб турибдики, кредит қарз берувчи пул эгаси билан қарз олувчи тадбиркор ёки истеъмолчи ўртасида бўладиган алоқадан келиб чиқади. Кредитнинг умумий субъектлари қарз берувчи пулдор ва қарздор тадбиркордир. Бу ерда шуни илова қилиш ўринлики, кредит шахсий истеъмол ёки капитал сифатида фойдаланилиши мумкин. Биз асосан иккинчиси, яъни капитал устида сўз юритамиз.

Шундай қилиб, ҳар қандай пул кредит объекти бўлавермайди, фақат ҳозирча ишлатилмаётган ва вақтинча эгаси қўлида бўш турган пул, қарзга берилиши мумкин бўлган пул кредит объекти бўлиб ҳисобланади. Бундай пул эгалари аҳоли, корхона ва фирмалар, шунингдек, давлат бўлиши мумкин, айти вақтда қарз олувчилар ҳам айти шулардир.

Кредитнинг ўзи такрор ишлаб чиқариш жараёнидан келиб чиқадик, айти вақтда пулга муҳтожлар ҳам кўп бўлади ва шунингдек, пули вақтинча бўш бўлган пул эгалари ҳам кўп бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш, товарлар сотилиши вақтида пуллар бўш бўлса, товарлар сотиб олиш, яъни хом ашё, материаллар, энергия сотиб олишда, иш ҳақи тўлаш вақтида пуллар кўп керак бўлади. Иқтисодий айланма жараёнида бир вақтда бўш пулни ишлатишни истовчи ва пулга муҳтож ва уни ахтарувчилар мавжуддир. Бундай муаммолар кредит орқали ҳал қилинади. Айтилик, амортизация ажратмалари, инвестицияга аталган пулларнинг хом ашё ва материаллар пулининг йиғилиб бориши, иш ҳақининг маълум вақтдагина тўланиши туфайли

йиғилиб бориши кабилар бевосита ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқдир. Булардан ташқари аҳолини ижтимоий ҳимоялашга ажратиладиган пуллар ҳам маълум вақт ичида жамғарилиб, сўнгра ишлатилади. Аҳоли истеъмолида ҳам шундай ҳолатлар бўлади ва маълум қисм даромад жамғарилиб боради. Давлат молиясида ҳам пул йиғилиши ва вақти-соати келганда сарф этилиши табиийдир. Булар қарз бериш учун, яъни кредит учун манбалар бўлиб ҳисобланадики, улар айнаи вақтда қарз фондларини шакллантириб боради.

Демак, иқтисодий ҳаётнинг ўзи, пул ресурсларининг ҳаракати, пулларнинг ишлатилишидаги даврийлик кабилар кредитга асос солиб, уни бўш пуллар билан таъминлаб туради. Албатта бу кредитнинг бир томони, яъни кредит бозоридаги таклифнинг шаклланиши жараёнидир. Маълумки, шу билан бирга талаб зарур. Пул мавжуд экан, у доимо айланиб, ҳаракатда бўлар экан, демак, унга доимо муҳтожлик мавжуд бўлади. У пулга бўлган талабни юзага келтиради.

Кредит вазифалари. Кредитнинг вазифалари, турлари мавжуд, чунки у хилма-хил вазифаларни турли кўринишларда, турли шаклларда бажаради. Кредит вазифалари қуйидагилардан иборат.

- КРЕДИТ =
- 1) қимматбаҳо қоғозлар чиқариш;
 - 2) бўш пулларни капиталга айлантириш;
 - 3) қарз усули билан пул маблағларини тармоқлараро тақсимлаш;
 - 4) пул қарзи усули билан иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Қимматбаҳо қоғозлар кредит орқали муомалага, хўжалик ҳаракатига киритилади. Вексель, чек, сертификат шулар жумласидандир. Тадбиркорларни қўллаб, уларнинг пулга бўлган эҳтиёжларини қондирилиши туфайли ҳаракатдаги капитал миқдори кўпайтирилади, иқтисодий тараққиёт таъминланади ва тезлаштирилади. Кредит орқали тармоқлар ўртасида ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиши юз бериб, зарурий тараққиёт мувозанатининг таъминланиши учун воситачилик қилинади. Умуман, кредит бўш пулларни керакли жойларда ишлатиш имконини туғдириб, умумий иқтисодий ўсишни тезлаштиришга ёрдам қилади.

Кўриниб турибдики, кредит ўз вазифаларининг амалга ошуви туфайли иқтисодий ҳаракат ва тараққиётдаги аҳамиятини оширади. Қарз худди, юзаки қараганда, иккинчи даражали нарсага ўшаб кўринади. Лекин бажарадиган вазифалари, бозор иқтисодиётида унинг ўрни жуда катта эканлигини ва усиз бозор иқтисодиётини тасаввур этиб бўлмаслигини кўрамыз. Демак, бозор иқтисодиёти ривожини учун кредит тизимини авж олдириш ҳар бир мамлакат учун ўта зарур вазифалардандир.

Кредит бозори мавжуд экан, демак, унда баҳо бор ва шу орқали қарз жараёни юзага келиши мумкин. Баҳо қарз ҳақидан иборат бўлиб, кредитда қарз фоизи дейилади. Чунки у қарз миқдорига нисбатан фоиз ҳисоби билан белгиланади. Амалда **фоиз кредитнинг баҳосидир**. Агар қарзга талаб ортса, фоиз кўтарилади, камайса — пасаяди. Бундаги таклиф ҳаракати ҳам шундай хусусиятга эга, лекин ҳаракат йўналиши аксинча бўлади.

Фоиз даражаси талаб ва таклиф мувозанати билан бирга яна бир қанча омилларга боғлиқдир. Буларнинг ичида қарз муҳлати, қарз бериш шартлари, инфляция даражаси, қарзнинг қандай пул билан берилиши, пулни қарз беришдан бошқа йўлда ишлатишдан келадиган фойда даражаси, қарз бериш хатарлилиги кабиларни қайд қилиш мумкин.

Банклар. Кредит, пул қарз бериш икки усулда юз бериши мумкин: биринчиси, бевосита бўлиб, бу қарз берувчи ва қарз олувчи, ўзаро алоқада бўлиши ва бевосита пул қарз олиш йўли ёки насияга мол сотиш йўли билан амалга ошади. Чунки насияга сотиш мазмунан қарзга беришнинг ўзи. Насияга сотиш ҳам маълум муҳлат ва ҳақ тўлаш асосида юз беради, яъни товар баҳосига устама қўйилиб, товар насияга сотилади. Ривожланган мамлакатларда товар ва товарлашган хизматларга тўйинган бозор шароитида автомобиль, турар жой, яхта, видео ва бошқа аппаратуралар кабилар кенг миқёсда кредитга сотилади, яъни бўлажак даромад ҳисобига сотилиб, товар ҳақи бўлиб-бўлиб фоиз билан тўланади.

Ўтмишдаги судхўрлик, ҳозирги даврдаги инновацияда молиядаги венчур капиталининг айрим қисмлари ҳам бевосита кредитнинг кўринишларидир.

Иккинчи усул билвосита бўлиб, қарз бериш восита-чилик йўли билан, яъни учинчи субъект ёрдамида амалга ошади. Бунда алоҳида кредит ташкилот ва корхоналари юзага келиб, банклар пайдо бўлади. Банклар ҳақиқатдан ҳам кредит вазифаларини ўзида мужассамлаштирган муассасадир.

Банклар кредитдаги икки томонни бир-бирига боғлайди, улар ўртасидаги зарур алоқаларни ўзи бажаради. Бўш пул эгалари ва пулга муҳтожлар банк орқали ўз муаммоларини ҳал қиладилар. Амалда банк фаолияти туфайли бундаги субъектлар банкка пул қўювчи ва қарз олувчиларга айланадилар. Банк пул қўювчиларга фоиз тўласа, пул олувчилардан фоиз олади. Бу фоизлар ўртасидаги фарқ банк даромадини шакллантиради.

Бундан ташқари банклар хазина сақловчи ва қимматбаҳо қоғозлар чиқарувчи бош бўғиндир. Давлат эмиссияси ҳам банк орқали амалга ошади. Шу билан бирга банклар гаровга бойлик қўйиш вазифаси, капитал ва истемолчи кредитлари каби вазифаларни ҳам бажаради. Умуман банкларнинг кредит, молиялаштириш соҳасидаги фаолияти жуда кенг бўлиб, бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан банклар фаолиятининг кенг кўламлиги ҳамда банклар тизимининг ривожига боғлиқдир.

Давлат, хусусий ва жамоа банклари мавжуд. Бунинг асосида мулк шакллари, пул сармоялари манбалари ётади. Давлат банклари хазина сақлаш, пул чиқариш, пул муомаласини таъминлаш, молияни тартибга солиш каби вазифаларни бажаради. Давлат банклари марказий деб аталиб, бир тизимни ташкил этади. Масалан, АҚШда давлат банк тизими 13 минг банкларни ўз ичига олиб, шундан 1/3 қисми миллий ва қолгани штатлар ихтиёридадир. Барча миллий ва штатлардаги энг йирик банклар федерал резерв тизимини ташкил этади. Қолгани бу тизимдан четда бўлиб, фақат 15 фоизи депозитга эгадир. АҚШ нинг “марказий банки” 12 округ федерал резерв банкидан иборат бўлиб, федерал резерв кенгашига бирлашади. Федерал резерв тизими ҳукуматга эмас, балки АҚШ конгрессига итоат этади.

Банклар фаолияти ҳукумат эътиборида бўлади, чунки уларнинг бозор иқтисодиётидаги тутган ўрни жуда катта.

Шунинг учун ҳам пулнинг вужудга келиш жараёни, банк кредитлари, банкларнинг пайдо бўлиши ва фаолиятлари бозор тизими шароитида ҳукуматнинг эътиборида бўлиши шарт.

Жамоа банклари бирлашмалар, йирик ташкилотлар, кооператив иттифоқлари томонидан ўз фаолиятларини молиялаштириш учун ташкил этилади.

Хусусий банклар миқдорий жиҳатдан асосий бўлиб, улар жуда кўпчиликни ташкил этади ва бозор иқтисодиётида молиявий, кредит вазифаларини бажариб, товар-пул муомаласи ривожига катта таъсир кўрсатади.

Фаолият хусусиятларига кўра банкларнинг хили кўп. Буларнинг асосий қисми **тижорат банкларидир**. Булар бир неча тур банклардан иборат бўлади. Масалан, Ўзбекистонда миллий банк, халқ банки, пахта банки, ғалла банки, саноат-қурилиш банки кабилар бўлиб, уларнинг ҳудудий бўлимлари ҳам кўп. Буларнинг ичида миллий банк ташқи иқтисодий алоқалар учун хизмат қилса, қолганлари асосан ички бозор, мамлакатнинг товар-пул муомаласи учун хизмат қилади. Янги ташкил этилган халқ банки фуқаролар билан алоқада бўлиб, омонатчилар билан иш олиб боради, аҳолига пул қарз бериш ишларини бажаради. Бу жуда тарқоқ ҳолдаги пул массасини йиғиб, ишга солади ва бундан кенг аҳоли-омонатчиларни манфаатдор қилиб, бўш ётган пулининг ишлатилишидан келган даромаднинг бир қисмини фоиз ҳисобида тўлайди.

Банклар фаолиятидаги энг муҳим томонлардан бири шуки, улар ўз мижозлари ўртасидаги пул муаммолари, ўзаро тўловлар ва бошқа шунга ўхшаш хизматларни ҳам бажаради. Маълумки, иқтисодий алоқаларни амалга оширишда тўловлар асосий ўрин эгаллаб, товарлар ҳаракати, уларнинг бир эгаликдан иккинчисига ўтишида, яъни такрор ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқариш ва товар-пул муомаласининг тўхтовсиз ҳаракатини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки тўловлардаги узилиш маҳсулотлар силжишининг тўхтаб қолишига, иқтисодий алоқаларнинг бузилишига олиб келади. Қулай тўлов усулларини қўллаш, мижозлар ўртасидаги ишончни кучайтириш кўп жиҳатдан банклар иш фаолиятига боғлиқдир.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. **Пул бозор** категорияси, у товарлар қийматини ўзида ифодаловчи махсус товар. Пулнинг уч вазифаси мавжуд: қиймат ўлчови воситаси, муомала воситаси ва жамғарма воситаси.

2. **Пул муомаласи** бозор иқтисодиётининг асоси бўлиб, товарларни айирбошлаш вазифасини бажаради.

3. **Товар-пул муомаласи** учун маълум миқдордаги пул талаб этилиб, у сотиладиган товар ва хизматлар умумий ҳажми, пул ҳаракати тезлиги ва сотиладиган товар ва хизматлар баҳосининг ўртача даражасига боғлиқдир. Мамлакат миқёсидаги товар-пул муомаласи учун зарур пул миқдори талаб ва таклиф мувозанатини таъминлашда катта ўрин эгаллайди.

4. **Молия** пул ресурслари билан боғланган бўлиб, бундай ресурсларни ҳосил қилиш, тақсимлаш ва ишлатиш жараёнлари ҳамда шаклланиш тушунчаларини билдиради.

5. **Давлат ва нодавлат молияси** мавжуд бўлиб, умум-жамиyat ва хусусий молияларни ташкил этади.

6. **Молия вазифаларига** тақсимлаш, рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя, молиявий ахборотлар киради.

7. Турли **молия фондлари** ҳам бўлиб, улар молия ресурсларини ташкил этади, улар макроресурс ва микроресурслардан иборат бўлади.

8. Давлат молиясининг асоси **давлат бюджетидир**.

9. **Кредит** бозор иқтисодиётидаги муҳим механизм бўлиб, у қарз пуллар ҳаракати ва уларга боғлиқ муносабатларни билдиради.

10. Кредит бевосита ва билвосита тарзда амалга ошиши мумкин.

11. **Банклар** кредит вазифаларини бажарувчи муассаса бўлиб, қарз берувчи ва қарз олувчилар ўртасидаги алоқаларни бажаради.

12. Банклар пул қарз бериш, пуллар ва қимматбаҳо қоғозлар чиқариш, хазина сақлаш каби муҳим вазифаларни бажаради.

13. Банкларнинг, айниқса тижорат банкларининг тўловларни амалга ошириш ва маҳсулот эгаларининг ўзгаришидаги, ишлаб чиқариш ҳамда шахсий истеъмолни таъминлашдаги ўрни жуда катта.

МАВЗУ БЎЙИЧА САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Пулнинг келиб чиқиши, унинг тараққиёт шаклларини мисоллар билан тушунтиринг.
2. Пулнинг моҳияти, бозор иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамиятини қандай тушунасиз?
3. Пулнинг вазифаларини айтиб беринг.
4. Пул муомаласини қандай тушунасиз? Буни товар муомаласи билан боғлиқ ҳолда айтиб беринг.
5. Мамлакат миқёсидаги товар-пул муомаласи учун зарур пул миқдорининг белгиланиши муаммосини ечиб беринг. Бунга амалий мисоллар келтиринг.
6. Молия, молиялаштиришнинг моҳияти, буларнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги аҳамияти каби масалаларни қандай тушунасиз?
7. Молия ресурслари моҳияти, уларнинг манбалари, ишлатилиши кабиларни амалий мисоллар билан тушунтира оласизми?
8. Молиянинг қандай вазифаларини биласиз?
9. Макромолия ва микромолияни айтиб беринг. Давлат молияси нима?
10. Банклар ҳақидаги ва уларнинг фаолиятига оид тушунчаларни айтиб беринг.
11. Банкларнинг қандай хилларини биласиз? Улар қандай хусусиятларга эга?

VII. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ДАСТЛАБКИ ШАРОИТИ

Мамлакатимиз мустақиллиги иқтисодиётимизни бозор муносабатлари асосида шакллантириш ва ривожлантириш имконини туғдиради. Президентимиз И. А. Каримов бир неча бор такрорлаб айтганидек, биз учун бозор иқтисодиётидан бошқа йўл йўқ ва амалда бозор иқтисодиётини шакллантириш жараёни тезлашиб бормоқда.

Юқорида кўриб ўтилган мавзулардан бозор, бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти, бозор механизмлари, иқтисодий қонунлар тушунчаларига эга бўлган ҳолда Ўзбекистондаги иқтисодиёт моҳиятига тўғри баҳо бера оламиз ва бундаги ўтиш даврига бўлган ўзимизнинг муносабатимизни мавжуд бозор иқтисодиёти тушунчалари асосида тўғри белгилай оламиз.

Шу билан бирга Ўзбекистонда бозорнинг тарихийлигини эътиборга олмай иложимиз йўқ. Айни вақтда, бозорни шакллантириш даврида эканлигимиз билан биргаликда бозор тарихини узвий боғлаш талаб этилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда бозорга ўтиш хусусиятлари масаласини кўришдан олдин унинг Ўзбекистондаги тарихи ва ҳозирги шароити билан танишиб ўтишни ҳамда бозор иқтисодиёти-

ни қуриш заруриятини белгилаш ва аниқлаш лозим, деб топдик.

ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ТАРИХИГА ОИД

Ғарбга нисбатан Шарқ мамлакатларида тараққиёт анча олдин бошланган. Инсоннинг иқтисодийёт соҳасидаги фаолияти, бозор, савдо кабилар Осиё халқлари ичида жуда қадимги даврлардаёқ бошланиб, сўнгра Ғарбга, Оврўпа халқларига тарқала бошлаган.

Шарқ бозори, Марказий Осиё ва Ўзбекистондаги бозор ўзининг қадимийлиги билан бирга бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу ерларда ўз даврида инсон иқтисодий фаолияти анча юқори даражада эканлигини кўрсатади. Аввало шуни таъкидлаш зарурки, шарқ бозорида махсус савдо расталари, дўконлар, омборлар, карвон саройлар кабилар бўлган. Шу билан бирга савдогарлар ўз ватанларидан узоқ бўлган бир неча бозорларда олди-сотди ишларида қатнашишган, ҳатто бир неча мамлакатлар бозорларида иштирок этишган.

Бу албатта қадим вақтлардаёқ ҳунармандчилик, деҳқончилик ривожланганлигининг натижасидир. Қадимги давр, қулчилик даврларидаёқ, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди бозорларида Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой ва Юнон савдогарлари ўз молларини сотиш билан бирга кўп миқдорда бу ерлардан ҳунармандлар, деҳқонлар маҳсулотларини харид қилар эдилар.

Турон бозорида “Ипак йўли”нинг таъсири катта эди. Бу йўл Хитойдан Жанубий Оврўпагача чўзилган бўлиб, шу йўлдаги шаҳар бозорларини ўз ичига олар, яъни асосан шу “Ипак йўли” ўтган жойлардаги бозорларга таъсир этар эди. Бу бозор фақат Хитой моллари ва Жанубий Оврўпа моллари билан чегараланмай, йўл-йўлакай барча халқлар моллари савдосини ҳам таъминлар эди. Албатта, бунда Хитойнинг ипак моллари ва чинниси катта ўрин эгаллар, лекин Турон ҳунарманд ва деҳқончилик молларининг салмоғи ҳам оз эмас эди. Бу моллар Узоқ Шарқ ва Оврўпогача олиб борилиб сотилар эди. Шу билан бирга “Ипак йўли” ўтган ҳудудлар учун номаълум бўлган маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишининг бора-бора ўзлаштирилишида “Ипак йўли”нинг таъсири катта бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида кейинги бозор тақдири **Мовароуннаҳр** билан боғлиқ бўлган. Бунда Амир Темур даври ўз

аҳамияти билан фарқланиб туради. Чунки у йирик марказлашган давлатни барпо этиб, бозор учун жуда қулай шароит яратган эди. Ўзбекистон асосидаги давлат Фарбда Оврўпагача, Шарқда Хитой, Ҳиндистонгача чўзилган бўлиб, бозор учун кенг масофа яратилди. Бунда ички бозорга нисбатан ташқи бозор кенгроқ ривожланди.

Шаҳарлар кўпайиб, йирик-йирик савдо марказлари пайдо бўлди. Савдо авжи ҳунармандчилик ва харидоргир моллар ишлаб чиқаришни кенгайтирди. Бу вақтга келиб Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Шаҳрисабз каби жаҳон аҳамияти касб этган савдо марказлари юзага келди. Мовароуннаҳр бозорлари Шарқ ва Фарб мамлакатлари савдогарларини ўзига жалб этди.

Катта шаҳарлар бозорида савдонинг хусусиятларидан бири шу эдики, ҳунарманд моллари алоҳида савдо дўконларида эмас, балки асосан корхонанинг ўзида сотилар эди. Шунга кўра махсус ҳунармандлар маҳалласи, ўрами, мавзелари бўлган. Буларнинг айримларининг номлари ҳозиргача ҳам сақланиб келмоқда, чунончи Ўкчи, Эгарчи, Мисгарлик, Қаллаҳона, Чақичмон кабилар. Бундай маҳаллалар асосан шаҳарлар марказида бозорларга яқин жойлашган эди.

Тўқувчи ва тикувчига ўхшаганларнинг маҳсулотлари асосан бозорларда сотилиб, махсус бозорлар мавжуд бўлган. Масалан, Самарқанднинг Регистон майдонида XVI асрда қурилган катта айланма бино бўлиб, бу дўппи бозори эди. Ҳозирги вақтда бу ерда кутубхона жойлашган.

Бундан ташқари савдогарлар айрим молларни сотишга ихтисослашган бўлиб, ўз номига эга эди. Айтайлик, аллопун ва буғдой, қассоб-гўшт сотувчилар, баққол-майда савдо кабилар. Булар савдо ва бозорнинг қадимдан анча юқори даражада эканлигидан далолатдир.

Умуман, Ўзбекистоннинг кейинги бозор тарихи Туркистон билан боғлиқ бўлган. Бунда XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, **рус мустамлака даври** алоҳида ўрин эгаллайди. Бу даврда бозор муносабатлари бир қадар кенгайиб, бир қатор ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар ҳам миқдор, ҳам сифат ўзгаришларини ўз ичига олади. Ўрта Осиё иқтисодиёти Россия иқтисодиёти манфаатига бўйсундирилди. Бунда, аввало, пахтачиликка ва боғдорчиликка катта аҳамият берилди. Россия мустамлакачилик сиёсати-

да пахтачилик асосий ўрин эгаллаб, бу тармоқ имкони борича кенгайтирилди ва Ўзбекистоннинг пахта хом ашёси билан деярли бутун Россиянинг тўқимачилиги саноати тўла таъминланиб, ҳатто четга ҳам экспорт қилинди. Бу соҳада мустамлакачилик сиёсатидан, унинг бор имкони-ятларидан тўла фойдаланилди. Чунки бу йўл билан табиий бойликлар ва арзон меҳнат ресурсидан жуда юқори фойда олинар эди. Шу билан бирга ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳам арзонга олиб кетилар, бу тармоқ ҳам анча жонланган ва ўзига хос бозоргир моллар ишлаб чиқарилар эди.

Мустамлака даврида саноат юзага кела бошлади. Бу асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бирламчи ишлов бериш билан боғлиқ бўлиб, булар асосан пахта заводларини ташкил этар эди.

Худудимизга Оврўпага хос бўлган савдо тармоқлари ҳам кира бошлайди ва Шарқ савдоси Фарб савдоси хусусиятлари билан янада ривожлана бошлади. Бунда капиталистик муносабатларнинг кириб кела бошлаши аҳамиятлидир. Техник экинлар майдонининг кенгайиши, темир йўл қурилиши, хўжаликларнинг саноатга боғлиқлигининг кучайиши кабилар товар-пул муомалаларини жонлантиради.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида пахта майдонлари 1860—1915 йиллар ичида 36 минг гектардан 542,5 минг гектарга, пахта етиштириш эса 25 минг тоннадан 830,9 минг тоннагача ўсган. Бундан ташқари Россияга пилла, тери-чарм, жун, мевалар етказилиб турилган. 1915 йили 80 минг тонна пилла, 1800 минг дона қоракўл тери, 11,2 млн сўмлик мева Россияга ташилган.

Россияга олиб кетилган маҳсулот миқдори 1857 йилдаги 3838,8 минг сўмдан 1914 йилда 269079,0 минг сўмга ўсган. Шунингдек, Россиядан келтирилган товарлар миқдори шу вақт ичида 6047,5 минг сўмдан 243574,0 сўмга етган. Бунда четга чиқарилган моллар асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўлса, четдан олиб келинган моллар саноат истеъмол молларини ташкил этган.

Йирик савдо дўконлари, катта магазинлар ҳам пайдо бўлиб, булар асосан руслар турган мавзеларда очилган. Бозор муносабатларини кенгайтирадиган биржа, ярмарка ва банклар очилган. Энг бирламчи ва аҳамиятли савдо биржаси 1906 йили Кўқонда очилади ва конъюнктурани кўрсатиб ту-

рувчи “Кокандский биржевой комитет” бюллетени нашр этилади.

Мустамлака даврида Тошкент ва Қўқон иқтисодий марказга айланди. Айниқса, Қўқон энг аҳамиятли эди. Бунга сабаб Фарғона водийсининг пахтаси эди.

Бу даврда кооператив савдоси ҳам пайдо бўла бошлади. Булар асосан матлубот ва ссуда кооперативлари бўлиб, улар фақат рус аҳолиси ичида тарқалган эди.

Умумий қилиб айтганда, Туркистондаги бозор, савдо мустамлака мазмунида бўлиб, у фақат Россия манфаатига қаратилди, мавжуд бозор муносабатлари ички хўжалик муносабатларига деярли туб ўзгариш киритолмади ва асосан ташқи таъсир, яъни Россия таъсирида бўлди. Шунинг учун ҳам у Россия ва Туркистон ҳамда Туркистон орқали Россия ва Шарқ, Жануб мамлакатлари ўртасидаги маҳсулот ҳаракатларини ўз ичига олган эди. Шунга кўра Туркистон Россиянинг Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Араб мамлакатлари билан бўлган ташқи савдосида оралиқ вазифасинигина бажариб, ўзи ҳеч қандай мустақилликка эга эмас эди.

Мустамлакачилик, айниқса тенгсиз-эквивалентсиз айирбошлашда ўз аксини топади. Масалан, Россияга фақат хом ашё чиқарилади ва у ҳам ўз қиймати билан сотиб олинмасди. 1915 йили чор ҳукумати тозаланган пахтани сотиб олиш нархини бир пуд учун 24 сўм белгилади, бу маҳаллий бозордагига нисбатан 3 баробар паст эди. Россиядан асосан истеъмол буюмлари келтирилиб, уларнинг ичида металл буюмлар 9—10 фоизнигина ташкил этарди ва олдиндан келишилган нархлар бўйича сотилиб, булар мавжуд нархлардан анча юқори эди.

Пахтакор, пиллакор, қорақўлчи деҳқонлар асосан қарз ҳисобига тирикчилик қилганлари учун пировардида маҳсулотларини арзонга сотишга мажбур бўлар эдилар. Чунки қарзнинг асосий қисми пул билан эмас, балки тайёр маҳсулотлар билан бериларди. Масалан, 1912 йили Туркистон деҳқонлари ҳосилни олгандан кейин ҳам фақат қарзларининг 60 фоизинигина тўлай олганлар.

Россия мустамлакачилик даврида Туркистонда бозор муносабатлари бирмунча ривож топди, товар ишлаб чиқариш кенгайди. Аммо иқтисодий асос туб ўзгаришларга дуч келмади ва феодализм иқтисодиёти емирилмади, балки у мустамлакачилик иқтисодиёти билан тўлди-

рилди ва асосан натурал хўжалиги устунлиги сақланиб қолди.

Зеро, Ўзбекистон ҳудудидаги хўжаликлар феодал, натурал асосда бўлиб, бозор муносабатлари ҳаракати бирмунча кенгайди, холос. Бозорга, товар-пул муомаласига тортилган пахтакор хўжаликларнинг истеъмоли ҳам натурал асосда эди. Масалан, текширувларга кўра, 1915 йили Фарғона вилояти пахтакор деҳқон хўжалиklarининг истеъмолига сотиб олинган товарлар ҳиссаси 26 фоизнигина ташкил этиб, қолгани натурал истеъмомга тўғри келган.

Совет империяси даври бозор иқтисодиёти учун энг муваффақиятсиз бўлди. Чунки бу давр ичида уни шакллантириш, ривожлантириш эмас, балки йўқ қилиш, унинг учун зарур шароитларга барҳам бериш амалий кучга эга бўлди. Бу капиталистик муносабатларни йўқ қилиш ва социализм иқтисодий тузумини барпо этишда ўз ифодасини топди. Бозор иқтисодининг асоси бўлган хусусий мулкни барбод этиб, ўрнига ижтимоий мулкни ўрнатиш зарур, деб тушунтирилди. Натижада икки хил мулк, яъни давлат ва жамоа-кооператив мулки барпо этилдики, мазмунан кооператив мулки ҳам давлат мулкидан фарқланмас эди. Пировардида яккамулклилик пайдо бўлдики, бу ўзидан-ўзи ҳар қандай рақобат учун тўсиқ эди.

Мамлакатда марказлашган барча халқ хўжалиги тармоқлари ва ҳаётий соҳаларни ўз ичига олган ягона комплекс юзага келди. Бундай шароитда хўжалик юритиш учун зарур мустақиллик ва ташаббускорлик учун ҳеч қандай ўрин қолмади. Мамлакат бўйича ягона план асосида иш юритиш талаб қилинди ва ҳар қандай хўжалик ходими фақат ижрочи га айлантирилди.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАРАЖАСИ

“Социалистик иқтисодиёт” деб аталмиш шароитда ишловчи ва истеъмолчининг шахсий манфаати эътиборга юлинмай, асос қилиниб ижтимоий манфаат, давлат манфаати тушунчалари олдинга сурилди. Товар ишлаб чиқариш ва унинг муомаласи тубдан қисқарди. Бу эса, аввало истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш аҳамиятини пасайтирди. Истеъмол ва ишлаб чиқаришда талаб ва таклиф ўз кучини, моҳиятини йўқотди. Натижада истеъмол иккин-

чи даражали бўлиб, ишлаб чиқаришнинг унга боғлиқлиги хусусияти йўқола борди. Бу, албатта инсон манфаати ва унинг турмуш даражасида ўзининг салбий оқибатларига олиб келди.

Натижада нобозорча иқтисодиёт ташкил топдики, бу ишлаб чиқариш даражаси, меҳнат унумдорлиги, иқтисодиёт мазмунларига салбий таъсир кўрсата бошлади.

7-жадвал

Социализм ва бозор иқтисодиёти тизимлари асосларини таққослаш

Тизим асослари	Социалистик иқтисодиёт тизимига хос асослар	Бозор иқтисодиёти тизимига хос асослар
Мулк шакллари	Давлат мулк шакли	Хусусийлаштирилган мулк шакллари
Бошқариш усули	Ялпий планлаштириш	Рақобат
Баҳо тизими	Давлат баҳоси	Эркин баҳо
Манфаатлар устунлиги	Ижтимоий манфаат	Шахсий манфаат

Жадвалда иқтисодий асослар таққосланган бўлиб, совет империяси даврида давлат мулки, планлаштириш, давлат баҳоси ва ижтимоий манфаат ҳукмронлик қилганлиги тўғрисида бозор муносабатлари ривожининг шароити бўлмаган. Чунки бозор муносабатлари учун буларнинг бутунлай акси бўлган хусусийлаштирилган мулк шакллари, рақобат, эркин баҳо ва шахсий манфаат асос бўлиши керак.

Ўзбекистон ҳам шу совет империяси таркибида бўлганлиги сабабли нобозорча иқтисодий жараён шароитида бўлди ва бунинг барча оқибатлари Ўзбекистон иқтисодиёти учун тааллуқли бўлди. Салбий таъсир Ўзбекистон учун кучлироқ бўлди. Бу икки ҳолат, яъни “капитализмсиз тараққиётнинг” оқибатлари ва ишлаб чиқаришнинг хом ашё йўналишида бўлиши билан белгиланади.

Маълумки, Ўзбекистонда капиталистик муносабатлар ривожланмади ва бусиз социалистик ҳўжалик деб аталмиш тизим яратилди. Энг муҳими тадбиркорлик-соҳибкорлик ва ёлланма меҳнат муносабатлари ривожланмади. Бунинг, умуман тараққиёт учун, айниқса индустриаллаштиришни тўла амалга

ошириш, товар ишлаб чиқаришни тараққий эттириш ва бозор иқтисодиётини юзага келтириш учун аҳамияти каттадир.

Амалиёт шуни кўрсатдики, капиталистик муносабатлар цивилизацияга хос юқори даражали иқтисодиётни ярата олди. Шунинг учун ҳам капитализм даврини сакраб ўтиш муваффақият эмас, балки катта йўқотиш, маълум даражада инсоният бойлигидан маҳрум бўлиш, жамият яратган катта зарурий тажрибадан, ўз тараққиётини таъминлашдан маҳрум бўлишдир. Энг муҳими иқтисодий тараққиётни маъқул бўлган бозор муносабатларисиз паст самарали, келажаксиз нобозор йўли билан боғлаб қўйиш эди.

Социалистик иқтисодий тизим ўзининг ягона халқ хўжалиги комплекси билан республикалар иқтисодий тараққиётида тенгсизлик, уларнинг ўз халқлари манфаатларини четлаб ўтишга асосланиб келди.

Ўзбекистоннинг бозор тарихи билан танишиш шуни кўрсатадики, тараққиётимизда тўла бозор иқтисодиёти даври, бозор муносабатлари тизими даври бўлмаган. Албатта бозор муносабатлари мавжудлиги жуда катта тарихга эга, у узоқ вақтлардан бери мавжуд, лекин у иқтисодий тизим даражасига ета олмаган ва унинг учун зарур шароит яратилмаган, бунга имконият ҳам бўлмаган. Шунга кўра Ўзбекистонда бозор жуда тараққий этган даврлар бўлган ва шу даврларни тиклашимиз ва қайтаришимиз зарур, дейиш, юмшоқроқ қилиб айтганда, ўринсиздир. Чунки у ҳақиқатга тўғри келмайди ва илмий асосга эга эмас.

Ҳозирги Ўзбекистонимиз ҳудудида бозор, бозор муносабатлари бўлганлиги туфайли уларнинг иқтисодий таъсир давлари бўлган. Аммо бу бозор иқтисодиёти ҳукмрон эди, деган сўз эмас. Бозор иқтисодиёти учун, албатта ишлаб чиқариш фақат товар айирбошлашга аталган бўлиши зарур, яъни капитализмда бўлганидек, бутун бойлик товар шаклида намоён бўлиши, айирбошлаш орқалигина маҳсулотлар истеъмолга тушиши керак.

Ҳаттоки бозор муносабатлари нисбатан юқори даражада бўлган Россия мустамлакасининг кейинги йилларида ҳам товар ишлаб чиқариши ҳукмронлиги, товар айирбошлаш

умумийлиги таъминланмаган эди. Товар ишлаб чиқариши шу билан бирга бозор учун иқтисодий асос бўлиб ҳисобланади. Чунки айирбошлашни авж олдириб, унинг янги-янги шакллари пайдо этади, яъни товар-пул муомаласи тараққий этади, савдо ривожининг юқори даражаси ва унинг турлилиги таъминланади.

Бозор шароитида энг муҳими талаб ва таклиф каби бозор иқтисодиётининг ҳал қилувчи категориялари ўз таъсирларини кенгайтириб бориши тақозо этилади. Бу эса ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг истеъмол устидан бўлган ҳукмрон таъсирини йўқ қилиб, инсон манфаатини олдинга суришни талаб қилади.

Ўзбекистонда товар ишлаб чиқарилиши ривожини ва унинг умумийлиги, юқори даражаси ўрнига натурал хўжалик асос бўлиб, бозор муносабатлари тизими у ёқда турсин, умуман, улар ҳаракати учун шароит ҳам мавжуд бўлмаган. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш, бозор иқтисодиётини шакллантириш учун мустақил миллий иқтисодиёт асос бўлиб, айтиш мумкинки, тарихимизда биринчи марта бозор иқтисодиёти юзага келдики, бу унинг поёнсиз истиқболини, юксак даражада ривожланишини таъминлайди.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ УМУМИЙ ҲОЛАТИ

Бозор иқтисоди бошланғич даврининг шароити Ўзбекистонда товар ишлаб чиқаришнинг паст даражадалигидан ташқари яна бир неча хусусиятлар билан белгиланади. Буларнинг ичида энг муҳимларидан бўлган мавжуд иқтисодий алоқалар, халқ хўжалиги тузилиши, умумий техник қолоқлик кабиларга алоҳида эътибор бериш керак. Юқорида айтиб ўтганимиздек, собиқ совет даври хўжалигида иқтисодий алоқалар ягона комплекс асосида юзага келган бўлиб, республикалар ўртасидаги иқтисодий боғлиқлик жуда кучли ва ишлаб чиқариш ривожини бир томонлама мазмунга эга эди. Ўзбекистон эса асосан хом ашё йўналишида бўлиб, у ҳам жуда ихтисослашган эди. Асосан қишлоқ хўжалиги баъзи техник экинларга мослашиб, пахта хом ашёси, пилла, қоракўл кабиларгина ривожланганди.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши
(1993 й., % ҳисобида)

Соҳа, тармоқлар	Умумийга, % ҳисобида
Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш	71,2
Истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш	28,8
Оғир саноат	58,9
Енгил саноат	23,6
Озиқ-овқат саноати	12,3
Машинасозлик	12,7

Жадвал рақамларидан кўриниб турибдики, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш жуда паст даражада бўлган. Айниқса, озиқ-овқат саноатининг ҳиссаси жуда оз эди. Оғир саноатнинг машинасозлиги фақат 12,7 фоизга тенг бўлиб, асосан хом ашё ишлаб чиқаришдан иборат бўлган. Уй-рўзғор машиналари деярли ишлаб чиқарилмаган (Самарқандда совутгичлар ишлаб чиқариш корхонаси бўлган холос).

Деярли саноатнинг барча тармоқлари бошқа республикаларда жойлашган корхоналар маҳсулига боғлиқ бўлган. Ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмол маҳсулотларининг аксарият қисми бошқа республикалардан келтирилган. Бир сўз билан айтганда, ишлаб чиқариш тўла ҳолда четга боғлиқ бўлиб, халқ хўжалик тизими чет манфаатларга асосланган ва республика манфаатидан бутунлай четда бўлган. Бутун мамлакатни пахта билан тўла таъминлаган республикамизда ҳатто чит ва тайёр кийимларнинг анча қисми четдан келтирилган.

Эндиги вазифа республикамиздаги мавжуд иқтисодий алоқаларни принципиал равишда қайта тузиб, унинг бозор талабига мослашувини таъминлашдир. Шунингдек, халқ хўжалиги тузуми ҳам республика манфаати ва бозор талаби асосида аста-секин ўзгартирилиб, ҳозирги замон талаби асосида, яъни бозор муносабатларига ўтиш талабларига мослашиш даркор.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига ўтишидаги бошланғич даврда чет мамлакатлар билан ҳеч қандай алоқа, яъни иқтисодий алоқа, мустақил ташқи савдо бўлмаган. Республиканинг жаҳон иқтисодиётига қўшилиш ҳуқуқи ва имкони бўлмаган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бу имкониятларнинг барчаси секин-аста қўлга киритилди ва киритилмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, республикамизнинг иқтисодий имкониятлари жуда юқоридир. Катта ҳажмда (5 млн гектарга яқин) суғориладиган ер мавжуд. Бу жуда катта бойлик. Жуда кўп миқдорда турли қазилма бойликлар мавжуд. Буларнинг ичида мис, олтин, кўмир, нефть, газ кабиларни алоҳида қайд қилиш мумкин. Ўзбекистонда 700 та кон бор. Марказий Осиёга нисбатан олинса, нефтнинг 31%, табиий газнинг 40%, кўмирнинг 55%, газ конденсатининг 74%, пахта толасининг 75%, меҳнат ресурсларининг 40% Ўзбекистонга тўғри келади. Иқлими ва умуман, табиий шароит деҳқончилик учун жуда қулай. Энг муҳими шуки, республикамиз халқи меҳнаткаш, тоқатли ва матонатли халқ. Вояга етганларнинг умумий билим даражаси юқори. Мамлакатимизда жуда кенг ривожланган ўқув, илм-фан тармоқлари мавжуд.

Президентимиз И.А. Каримов айтгандек, — “Ўзбекистон келажаги буюк давлат деб таъкидламоқ учун барча асослар бор: табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳиёт мавжуд”¹.

Бундай йирик-йирик имкониятлар мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтишни тезлаштириш ва юқори даражали иқтисодиётни қуриш имкониятлари бор эканлигидан далолат беради ва кўп ўтмай жаҳонда илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олиши мумкинлигини кўрсатади. Чунки Ўзбекистон бунинг учун зарур барча ички ва ташқи имкониятларга эга. Муаммо шу имкониятлардан самарали фойдаланиш шароитини яратувчи ва рақобатлантирувчи куч ҳисобланган бозор муносабатлари ривожини таъминлашдир.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишлари. 1993, “Ўзбекистон”, 34-бет.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. **Ўзбекистонда бозор тарихи.** Худудимизда бозорнинг тарихи катта. Чунки у қадимлардан мавжуд. Ўзбекистонда бозор тарихини Турон, Мовароуннаҳр, Туркистон, рус мустамлака ва совет империяси даврларига бўлиш мумкин.

2. **Ўзбекистон худудид**а бозор муносабатлари мавжудлигига қарамай, **ҳеч вақт бозор иқтисодиёти даври бўлмаган.** Бунинг сабаби товар ишлаб чиқариш ва муомаласининг юқори даражали тараққиётининг бўлмаганлигидадир.

3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич даврида халқ хўжалиги қолати йирик салбий ҳолатда бўлиб, бунинг энг асосийлари самарасиз иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги, халқ хўжалиги тузуми (структураси)нинг Республика манфаатини акс этмаслиги, техника даражасининг пастлиги кабилардан иборат.

4. **Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишни муваффақиятли амалга оширишнинг барча имкониятлари бор.** Мамлакатимиз ривож топган бозор иқтисодиётига эга бўлиши учун жуда катта имкониятларга эга.

МАВЗУ БЎЙИЧА САВОЛЛАР ВА ТУШУНЧАЛАР

1. Ўзбекистонда бозорнинг тарихийлигини қандай тушунасиз?
2. Ўзбекистон худудид
а бозор мавжудлиги ва миқёсини асосий даврлар бўйича айтиб, тушунтириб беринг.3. Рус мустамлака даври ва совет империяси давридаги Ўзбекистонда бозорнинг аҳволи, даражасини кенг талқин қилиб беринг. Агар бунда маълум мисоллардан фойдалансангиз жуда яхши бўлади.
4. Ўзбекистоннинг “капитализмсиз ривож”ни бозор муносабатларига таъсирини қандай талқин қиласиз?
5. Совет империясидан қолган Ўзбекистон халқ хўжалигининг ҳолатини тушунтириб беринг.
6. Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти истиқболи ва бундаги мавжуд имкониятлар нималардан иборат?

VII. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШДАГИ МУҲИМ АСОСЛАР

МИЛЛИЙ МОДЕЛ

Бозор муносабатларига ўтиш ва бозор иқтисодиётининг шаклланишида мамлакатлар учун умумийлик мавжуд, яъни бу жараённинг барча давлатлар учун умумий ҳисобланган қонун, қонунийлик, иқтисодий воқелик-

лари бўлиб, улар зарурий кучга эгадир. Биз юқоридаги мавзуларда буларнинг асосийларини қўриб чиқдик. Мулк шакллари турлилиги, хўжалик юритишнинг эркинлиги, талаб ва таклифнинг шаклланиши, рақобат шароити, баҳо эркинлиги ва бозор баҳо мувозанати, давлат иқтисодиёти мавжудлиги билан аралаш иқтисодиёт барқарорлиги кабилар мамлакатлар шароитлари, улардаги мавжуд хусусиятлардан қатъи назар бозор иқтисодиёти учун зарур шартдирки, буларсиз бозорни умуман тасаввур этиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётидаги умумийликнинг яна бир томони — бу мамлакатларнинг бозорга ўтишдаги ва уни ривожлантиришдаги тажрибаларидан фойдаланишдир. Чунки ҳеч бир мамлакат алоҳида ҳолда, бошқалардан ажралган тарзда бу жараёни амалга оширолмайди. Мавжуд тажрибалардан фойдаланиш ва имконий ёрдамларни қабул қилиш бозор тараққиётини тезлаштиради ва бу борадаги фаолият самарадорлигини оширади.


Шунинг учун ҳам бу соҳада, аввало бозор иқтисоди асосларини билиш, унинг умумий хусусиятларини англаш талаб қилинади. Зеро, аниқ тушунчага эга бўлмасдан, бозор иқтисодиёти умумий қонуниятларини, жараёнини билмасдан, мамлакатларнинг тажрибаларини эътиборга олмасдан туриб бозорга ўтишда катта муваффақиятларга эришиб бўлмайди.

Бундан ташқари бозор иқтисодиётига таъсир кўрсатувчи, ҳатто унинг барча томонларини аниқлайдиган хусусийликлар мавжуд. Бу, аввало ҳудудий белгилар, табиий ҳолат бўлса, яна тараққиёт даражаси, иқтисодий аҳвол, мавжуд урф-одат, миллий ва диний ҳодиса ва омиллар ҳамдир. Бу томонлар ҳеч бир мамлакатда бошқаларига ўхшаган бир хил бўлиши мумкин эмас. Булар ва шуларга ўхшаш хусусият, омилларни ҳисобга олмасдан ва уларга асосланмасдан бозор иқтисодиётига ўтиш, юмшоқроқ қилиб айтганда, хаёлий уринишдир. Чунки умумийлик, яъни бозор томон бўлган ҳаракат хусусийликдан бошланади ёки мавжуд алоҳида ҳар бир мамлакат учун хос бўлган хусусиятларни эътиборга олган ҳолда бошланади.

Бозор иқтисодиётининг шаклланиши шу икки асос бўйича: умумийлик, яъни умуман бозор иқтисодиётига хос қонун, ҳодисалар ва хусусийлик, яъни ҳар бир мамлакатга хос ху-

сусиятлар бўйича амалга ошади. Бунинг бошқача йўли бўлиши мумкин эмас. Шу икки томонни эътиборга олган ҳолда бир бутун ҳаракат дастури яратилади. Натижада бозор муносабатларига ўтишнинг йўли белгиланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос бозорга ўтиш йўли мавжуд дейилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг йўли ҳар бир мамлакат учун ўзининг миллий моделини юзага келтиради ва шу модел умумийлик ва хусусийлик, шу билан бирга фойдаланиш керак деб маъқул топилган мамлакатлар тажрибаларидан таркиб топиб, у ҳаракат дастури бўлиб ҳисобланади.



16-тарх. Бозор иқтисодиётига ўтиш асослари

Ҳар бир мамлакатнинг бозор муносабатлари тизимини яратиш дастури бўлар экан, у миллий бозор моделида ўз аксини топади. Тархдаги уч асосий қисмдан иборат миллий модел барча мамлакатлар учун хос бўлиб, ўз ичига бозор иқтисодига ўтишнинг зарур томонларини олади. Агар умумий қонун, қонуният ва иқтисодий воқеликларни умумийликка киритсак, ҳар бир мамлакат учун хос мавжуд шароитларни хусусийлик деб олсак, жаҳон бозор иқтисодиёти тараққиёти тажрибалари, ёрдамларини ҳамкорлик деб умумлаштириш мумкин.

Масалан, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ислоҳот ва дастурларнинг асосий мазмунини олсак, албатта улар шу қисмлардан таркиб топади, унда умумий қонуниятлар ва жаҳон тажрибаси Ўзбекистон шароити асосида амалда қўлланилиши мумкин. Жаҳон тажрибаси ўзаро ёрдам ва ҳамкорликни ҳам ўз ичига олади.

Бунда яна бир нарсага эътибор бериш керак бўлади. У ҳам бўлса, шуки, бу миллий модел умуман эски бозор қоидалари эмас, балки энг сўнгги бозор самаралари асосида юзага келиши керак. Чунки бир вақтлари мавжуд бўлган

бозор билан ҳозирги бозорларнинг фарқи жуда катта. Ҳозирги давр ривожланган бозор иқтисодиёти анча тартибли, юқори самарали, уюшган даражада бўлиб, қадимги бозордаги кўп салбий томонларнинг олди олинган ва катта тажрибалар натижасида бозор цивилизациялашгандир. Шунинг учун миллий модел инсон қўлга киритган бозор иқтисодиёти ривожининг энг маъқул усуллари қўллаш ва бундай иқтисодий тизим ўзгаришида кам талофот кўриш, имкони борича қисқа вақт ичида амалга ошириш йўллари асосида шаклланиши керак. Бозорга ўтишда бу соҳадаги салбий томонларни, оғир оқибатларни четлаб ўтиш, уни қайтармаслик йўллари қўллашда бор тажрибалардан унумли фойдаланилади.

9-жадвал

XVIII—XIX асрлар ва ҳозирги давр бозорини таққослаш

XVIII—XIX асрлардаги бозор иқтисодиёти белгилари	Ҳозирги давр бозор иқтисодиёти белгилари
1. Стихияли ёввойи рақобат	Цивилизациялашган рақобат
2. Хусусий, асосан майда хўжаликлар	Йирик хўжаликлар, корпорациялар
3. Соф бозор иқтисодиёти	Аралаш иқтисодиёт
4. Стихияли бозор иқтисодиёти	Тартибга солинаётган бозор иқтисодиёти

Жадвалдаги таққослаш эски ва ҳозирги бозор иқтисодиётининг фарқларини кўрсатиши мумкин. Агар бозор иқтисодиёти бошланғич даврларига унинг салбий томонлари кўпроқ таъсир этса, ҳозирги даврда унинг ҳар томонлама юқори даражада цивилизациялашгани ва жамият бозор тараққиёти жараёнида ўтган давр ичида унинг бир қанча салбий томонларининг олди олинганлиги ва ижобий томонлари бойитилганлигини фарқлай олиш мумкин.

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётини шакллантириш модели уч нарсага асослангандир: 1) умумийлик — бозор иқтисодиётининг умумий қонун, жараён, воқеликлари; 2) хусусийлик — бозор иқтисодиётига ўтишдаги Ўзбекистонда мавжуд шароитлар, яъни табиий, миллий, иқтисодий, географик ва маданий хусусиятлар қабилар; 3) мавжуд жаҳон мамлакатлари бозор тажрибаси, ундаги ҳамкорлик.

Ўзбекистоннинг миллий бозор модели

Умумийлик:	Хусусийлик:	Халқаро тажриба, ҳамкорлик:
1) Бозор иқтисодиёти қонунлари	1) Иқтисодиёт даражаси ва халқ ҳўжалик тузулмаси	1) Жаҳон, бозор ҳуқуқий асослари
2) Ижтимоий муҳофаза	2) Географик ҳолат	2) Бозор тараққиёти усуллари
3) Бозорга ҳос умумий бошқа воқеликлар	3) Табиий бойликлар 4) Маданий, илмий даража	3) Умумий ҳамкорлик
4) Бозор шаклланишининг умумий амалий қоидалари	5) Миллий хусусиятлар	4) Иқтисодий ёрдам

Ўзбекистон миллий бозор модели асослари жадвалда кўрсатилганидек, миллий модел бозор иқтисодиёти шаклланиши учун зарур асос ва томонларни ўз ичига олади. Маълумки, уларнинг биргаликдаги амалиёти ўзининг катта самарасини бермоқда.

Ўзбекистон бозор иқтисодиёти йўлини узил-кесил танлаганлигини таъкидлар эканмиз, миллий мустақиллик аввало мустақил, ривожланган иқтисодиётга асосланган бўлиши, бу эса совет империяси давридаги иқтисодиётни тубдан ўзгартириш, унинг ўрнига ҳар томонлама ривожланган ва халқ фаровонлигини таъминлай оладиган иқтисодиётни пайдо қилишни, ҳозирги цивилизацияли жамиятга ҳос бозор иқтисодиётини барпо этишда бошқача йўли йўқ эканлигини тан олмоғимиз зарур.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтишнинг концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосини бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг миллий модели ташкил этади. Бу миллий модел бир қанча амалий дастурларни ўз ичига олади. Буларнинг энг асосийлари: хусусий корхоналарни кенгайтириш, мулкни кенг ҳажмда хусусийлаштириш, тадбиркорликни авж олдириш, майда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, жаҳон иқтисодиётига қўшилиб бориш, эркин баҳоларни жорий этиш, янги молия-кредит тизимини яратиш, бозорга ҳос пул муомаласини пайдо қилиш ва умуман, иқтисодий рақобат таъсирини кенгайтириш шароитларини яратиб боришдан иборат.

Ўзбекистоннинг келажаги иқтисодиёти ривожланган, аҳолиси фаровон, ҳақиқий демократияга асосланган жамиятни барпо этиш экан, демак, бунинг асосий шарти бозор муносабатлари асосидаги иқтисодиётни қуришдир. Бу Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясининг туб мазмунини англатади. Бу концепция иқтисодий қолоқликдан қутилиш, унинг ўрнига ривожланган ва республика халқи манфаатига бўйсунган иқтисодиётни қуриш учун бозор иқтисодиётига ўтиш заруриятига асосланади.

Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли мавжуд экан, унинг асосида бозор иқтисодиёти концепцияси ва миллий модели ётади. Президент И.А. Каримов “Республиканинг бозор муносабатларига ўтишида ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгаришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, уни халқаро обрў-эътиборини мустаҳкамлаш учун пухта моддий негиз яратади”, деб таъкидлайди.¹

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўз йўли, ўз миллий модели мавжуд, деган сўз республиканинг ўзининг махсус бозор иқтисодий қонунлари, яъни миллий иқтисодий қонунлар бор, деган хулоса эмас. Бу, биз юқорида кўриб ўтган умумийлик, хусусийлик ва мамлакатлар тажрибалари бирлигидир ва шу билан бирга ҳамкорликда, биргаликда амалга ошириладиган вазифалар, деган маънони билдиради.

Ўзбекистон миллий модели бозор иқтисодиётини изчиллик билан тиклаб бориш, унга босқичма-босқич ва шароитлар яратилиши билан аста-секин ўтиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кенг қўллаган ҳолда ижтимоий барқарорликни таъминлаб бориш йўли билан ўтишни тақозо қилади. Миллий моделда ўз аксини топган Ўзбекистоннинг бозорга ўтишдаги ўз йўли бозор иқтисодиёти шаклланиши учун уч томонни, яъни ички ва ташқи шароитларни яратиш, бозор иқтисодиёти мақсадларига эришиш ва умуман, бу жараёнлар шакллари яратиш каби-ларни ўз ичига олади.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли, 1993, “Ўзбекистон”, 23-бет.

а) Бозор иқтисодиёти шаклланиши **ички шароитлари** деганимизда, аввало мулкни хусусийлаштириш, давлат монополиясининг олдини олиш, хусусий мулкнинг турли шакллари **ни** яратиш, шунингдек, ишбилармонликни ривожлантириш, **барча** мулк шакллари тенглигини таъминлаш, халқ хўжалиги ва ишлаб чиқаришнинг замонавий самарали тузилишини яратиш ва булар асосида халқ фаровонлиги ҳамда истиқбол ишончини яратиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши кабиларни тушунамиз.

б) Бу жараённинг **ташқи шароитлари** деганимизда жаҳон иқтисодиётига қўшила бориш усуллари **ни** қўллаш, халқаро иқтисодий муносабатларда фаол қатнаша бориш, жаҳон меҳнат тақсимоотида ўз ўрнини ярата бориш, жаҳон бозорида кенгроқ иштирок этиш йўли ва усуллари **ни** қўллаб бориш кабиларни тушунамиз.

в) Бозор иқтисодиётига **ўтиш шакллари**ни яратиш деганимизда иқтисодий эркин фаолият, бозор иштирокчиларининг эркин рақобатлашуви, хўжаликларнинг турлилиги, ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш каби иқтисодий воқеликларга ўтиш ўзининг шакллари **ни** талаб этиш, булар мавжуд шароитларга қараб пайдо бўлиши, ўзгариши ва такомиллашувини тушуниш керак. Масалан, хўжалик юритиш шакллари **ни** турлилиги, мулк шакллари тенглиги ва рақобат ривожини бизнинг шароитимизда, биринчи навбатда, давлат мулк монополиясига барҳам бериш ва унинг хусусийлаштириш шакллари **га** боғлиқ. Бу ҳеч қачон бир хил бўлмайди ва олдиндан маълум андоза бўйича рўй бермайди. Бу жараён давлат мулк **ни** текинга бериш, имтиёзли баҳода бериш, ким ошди савдоси асосида хусусийлаштириш кабилар билан бир қаторда ижара, оилавий пудрат, ҳиссадорлик каби шакллари **ни** юзага келтирмоқда ва буни белгилайдиган кўп миқдордаги омилар эътиборга олинмоқда. Зеро, бозорнинг турли томонларига тааллуқли жараёнга хос шакллари **ни** эътиборга олиш, улардан ўз жойида ва вақтида иқтисодий шароитга мос ҳолда фойдаланиш ва уларни такомиллаштириш бозор иқтисоди шаклланишини тезлаштиради.

Ўзбекистон миллий моделидаги муҳим томонлардан яна бири шуки, бозор иқтисодига ўтиш **си**лиқ, осонлик билан рўй беради деб ҳисобламай, бу оғир, машаққатли ва маълум

иқтисодий бузилиш, беқарорлик каби салбий ҳодисалар бўлиб туриши, эътибор сусайганда бундай салбий оқибатларнинг чуқурлашуви рўй бериши мумкин. Чунки бу бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтишдан иборат бўлиб, кўпчилик иқтисодий воқелик бир-бирига қарама-қаршидир. Бундай ўзгариш миллий моделнинг ҳар томонлама мукамал бўлиши ва умумийлик, хусусийлик ҳамда жаҳон тажрибасини ўз шароитларини тўла ҳисобга олиб қўллаш кабиларни ўз ичига олишни талаб қилади.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги миллий моделнинг амалдаги ҳаракати реал шароитга асосланган ҳолда, мавжуд ва рўй бериши мумкин бўлган барча иқтисодий ҳодисаларни эътиборга олган тарзда бўлиши, жуда эҳтиёткорлик, ҳамкорлик ва тадбиркорлик асосида бўлишини талаб қилади.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОРЛАШУВИ ЗАРУРИЯТИ

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланишида катта таъсир кўрсатадиган ўзига хос хусусиятлар борки, булар мавжуд иқтисодий вазиятдан келиб чиқади. Маълумки, буларни эътиборга олмай, бу соҳада кутилган натижага эришиб бўлмайди. Иқтисодий вазият бозор муносабатларига ўтишни миллий иқтисодиётнинг шаклланиши, индустриалаштиришни тезлаштириб, меъёрга етказиш билан биргаликда амалга ошириб боришни талаб этади. Аввало шунини таъкидлаш керакки, булар бир вақтда юз берадиган ҳодисалар бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар айтилиб келинган вақтдаги ҳаракатдан иборат, учқови ҳам жуда аҳамиятли ва республика тақдирини белгиловчи ижтимоий-иқтисодий асослардир. Буларни ўз аҳамияти, асоси ва ҳаракат хусусиятлари бўйича **уч иқтисодий жараён бирлиги** (уч бирлик) деб аташ тўғри бўлади.

1. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотнинг туб мазмуни **миллий иқтисодиётни юзага келтириш**, уни шакллантиришдан иборатдир. Чунки мамлакат бусиз ўз суверенлик мазмунини йўқотади. Мустақил иқтисодиётсиз сиёсий мустақиллик эътиборсиз бўлиб, жамият тузумлари халқ манфаатига тўла хизмат қила олмайди, аввало туб мазмуни билан иқтисодиётдан республика ман-

фааги учун самарали фойдаланиб бўлмайди. Миллий иқтисодиётни шакллантириш унинг барқарорлигини таъминлашдан бошланади. Собиқ мавжуд ягона халқ хўжалиги комплекси бузилиши билан иқтисодий алоқалар барбод бўлди, улар узилиб кетдики, бусиз халқ хўжалиги ҳаракати нормал давом эта олмайди ва мавжуд инқироз ҳолати юз беради. Барқарорлаштириш иқтисодий алоқаларни тиклашга ҳаракат қилиш ва янгиларини юзага келтиришни талаб қиладики, бу барча тармоқ, корхона, хўжаликлар ва ишлаб чиқариш, ижтимоий инфраструктурага тааллуқлидир.

И.А. Каримов: “Иқтисодиёт барқарор мавжуд бўлган ша-роитдагина бозорга муваффақиятли ўтиш мумкин... Иқтисодиётни барқарорлаштириш — бу бозорни шакллантириш йўлидаги зарурий ва муқаррар босқичдир”, деб бежиз айтмаган.¹

Иқтисодий алоқаларни тиклаш ва янгиларини юзага келтириш халқ хўжалигини тиклаш ва ривожланиш асоси бўлиб, у ўз ичига ички ва ташқи алоқаларни олади.

Мустақил иқтисодиёт давлатнинг ўз молия-кредит, пул тизимларини талаб қилади. У, аввало мамлакат манфаатидан келиб чиқса, сўнгра ташкил топиш зарур бўлган бозор иқтисодиёти манфаатидан келиб чиқади. Бунда миллий пулни жорий қилиш, янги банклар тизими, айниқса кенг тармоқли тижорат банкларини тузиш зарурийдир.

Миллий манфаат, янги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни эътиборга олган ҳолда янгича тақсимот муносабатларини киритиш, унинг амалий шаклларини қўллаш зарурияти туғилади. Биринчи навбатда, бунда ижтимоий ҳимоя эътиборга олиниб, даромад манбаи бўлмаган ёки паст бўлган, ёрдамга муҳтожларни қўллаш аҳамиятлидир.

Булардан ташқари республика халқ хўжалиги тузилишини ўзгартириш талаб қилинадики, у мустақил миллий иқтисодиёт талабига мос келиши керак. Уни хом ашё йўналишидан озод қилиб юқори даражали ишлаб чиқаришга ва тайёр маҳсулотлар яратувчи ишлаб чиқаришга айлантириш мақсадга мувофиқдир.

¹ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, 1992, “Ўзбекистон”, 60-бет.

Ўзбекистон халқ хўжалиги тузулиши
(ялпи ички маҳсулот бўйича, % ҳисобида)

Тармоқлар	1990 й	1993 й	1996 й
Саноат	22,8	28,9	25,8
Қурилиш	10,6	11,7	10,8
Қишлоқ хўжалиги	33,3	30,8	32,54
Хизмат кўрсатиш	34,4	31,3	31,0

Жадвалда келтирилган рақамлардан кўриш мумкинки, қишлоқ хўжалиги тармоқлари жуда катта ўрин эгаллайди. Саноат ва қурилиш ривож топган мамлакатларга таққослаганда нисбатан жуда орқада.

Эндиги дастлабки вазифа инқироз тарзида юзага келган шахсий истеъмол бозори муаммосидир. Бунда, аввало озиқ-овқатлар ишлаб чиқаришни изга солиб, бевосита оғир аҳволнинг олдини олиш, шу билан бирга энг зарур ноозиқ-овқат моллари етиштиришни ҳал қилишдир. Бу соҳада мамлакатимизда авж олаётган майда корхоналар жуда кўл келади. Буларнинг афзалликлари шуки, катта капитал харажатларни талаб қилмайди.

Бу соҳада, биринчи навбатда, майда корхоналар, айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бирламчи ишлов берувчи тармоқларнинг юзага келиши айтиш мумкин. Булар фермер хўжаликлари, ижара асосидаги оилавий пудрат, касаначиликлар кабилардир.

Шу билан бирга катта-катта иншоотлар ҳам юзага келмоқдаки, булар республикамиз манфаатига бўйсундирилган янги ишлаб чиқариш тузилишини яратишда катта ишлар бошланганидан далолат беради. Чунончи, автомобиль саноатини олайлик. Асакада йирик саноат корхонаси барпо этилиб, бу корхонада енгил автомобиллар, шунингдек, кичик юк ташувчи машиналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Хоразм вилоятида катта автобуслар ишлаб чиқарилиши, бундан ташқари Самарқанд ва Тошкентда юк ташувчи машиналарнинг эҳтиёт қисмларини йиғиштирадиган катта бўлмаган корхоналар қурилди ва улар маҳсулот бера бошлади.

Автомобиль саноати бу билан қаноатланмай, зарур қисмлар ишлаб чиқаришни ҳам ташкил этмоқда. Бунга Қува-

сойдаги автомашиналар учун турли хил ойналар, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида поршень, халқа, аккумулятор кабилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, уларнинг иш ҳажми кенгайтирилимоқда. Булар республикамиз бозори ва ташқи бозор учун автомобиллар чиқариш муаммосини ҳал қилишдаги жуда катта ҳаракат ва унинг дастлабки натижаларидир.

Шунингдек, компьютерлар, радио-электрон товарлари ишлаб чиқаришнинг уюштирилиши жуда эътиборга сазовор ишлар бўлиб, булар республика халқ хўжалиги, тобора ташкил топаётган бозор иқтисодиёти талабларига мос келади.

Металлургия тармоғини, айниқса қора металлургияни кенгайтириш йирик муаммолардан биридир. Зеро, бусиз халқ хўжалиги ривожини тасаввур этиш қийин.

Худди шундай нарсани ўрмон хўжалиги ва ёғоч саноати устида ҳам айтиш мумкин. Чунки бу тармоқ тўлалигича Россияга боғлиқ эди. Теракчиликни кенгайтириш соҳасидаги фикрлар ва бошланғич қилинаётган ишлар бу муаммодаги илк қадамлардир. Лекин бу тармоқни ҳам бозор талаби асосида ташкил этиш жуда муҳим вазифадир.

Фармакология, яъни дориворлик тармоғи эса бизда деярли бўлмаган. У фақат Тошкентдаги битта ўртача ҳажмдаги корхона билан чегараланган эди. Бу тармоқни ривожлантиришда республикамизнинг имконияти катта. Масалан, хом ашё, илмий асос етарли. Демак, бу тармоқ бўйича алоҳида хўжаликлар ташкил этиш, мавжуд хом ашё ресурсларидан тўла фойдаланиш ва бу тармоқни ривожлантириш жуда долзарб масала.

Энергетикага бўлган талаб ҳам катта. Албатта, бунинг имкониятлари чегараланган ва у доимо такомиллашиб, янги усуллар ҳисобига бойиб бориши турган гап. Лекин бунда бир нарсага алоҳида эътибор бермоқчимиз, у ҳам бўлса қуёш энергиясидан фойдаланиш. Маълумки, республикамизда бунинг илмий асослари устида кўп ишлар қилинди ва яхши натижаларга эришилди. Лекин унинг саноати юзга келганича йўқ. Ахир жаҳон тажрибасида жуда майда ҳажмда қуёш энергиясидан кенг фойдаланиш тажрибалари, айрим уйларни нур билан, иссиқ сув ва хоналарни иситиш махсус ускуналар билан қуёш ҳисобига амалга оширилишининг мисоли кўп-ку! Бизнинг иқлимий шароитимиз ҳам

бунга катта имконият туғдиради, албатта. Агар қуёш энергиясидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилса, нур устига аъло нур бўлади.

Республикамизда кимё саноати ҳам анча ривожланган. Лекин у асосан бир томонлама, яъни минерал ўғит ва ҳашоратларга қарши заҳарли дорилар, бироз сунъий тола ва бўёқлар ишлаб чиқаришга қаратилган. Лекин бу тармоқнинг асосий ўрни сунъий хом ашё ва материаллар билан халқ хўжалигини таъминлашдан иборат бўлиши даркор. Чунки саноат тараққиётини энг чегаралаётган нарса зарурий хом ашё ва унинг учун зарур материаллар: тола, сунъий чарм, турли хил пластмассалар ва улардан олинадиган истеъмол буюмлари, қурилиш материаллари ва ҳоказолардир. Табiiй ресурсларнинг қисқариб бориши ва саноат тараққиёт ҳажмига унинг бутунлай мос келмаслиги ҳамда бу тафовутнинг ортиб бориши кимё саноати тармоғининг тараққиётини зарурий вазифалардан қилиб қўяди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига келсак, уларга бирламчи ишлов бериш бирмунча ривожланган. Лекин бозор талаби, ривож топган мамлакатлар даражаси нуқтаи-назаридан бу тармоқни янгидан яратиш талаб этилади.

Бирламчи ишлов бериш саноати тармоғининг вазифаси маҳсулотни қадоқлаш, қўшимча маза ва ҳид бериш, етилмаган моддаларни қўшиш, узоқ сақланиш хусусиятини бериш, унинг тўла истеъмолини таъминлаш, исроф бўлишининг олдини олиш кабилар бўлиб, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу тўғридан-тўғри озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришдан иборатдир. Маълумки, ривож топган мамлакатларда озиқ-овқат маҳсулотлари деярли натурал ҳолда бўлмай, албатта бўлак-бўлак ҳолида ишлов бериш орқали бойитилган ҳолда ишлатилади.

Янги юзага келадиган бирламчи ишлов бериш саноат тармоғи маҳсулотининг сифатини кўтариш билан бирга далада, омборларда ва бевосита истеъмол чоғидаги тежам билан озиқ-овқат етишмовчилиги муаммосини ҳал қилади.

Ишлаб чиқаришнинг хом ашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ҳосил қилишга йўналтиришни тезроқ ҳал қилиш ҳам давр тақозосидир. Бунга пахтачиликни мисол келтириш мумкин. Маълумки, унинг республикамиз учун аҳамияти катта ва деҳқончилигимиз унга мослашган,

унинг ривожи учун зарур имкониятлар мавжуд. Пахтачиликдан оқилона фойдаланилса, у юқори даромадли тармоқдир. Бундаги энг муҳим нарса унинг тўла тайёр маҳсулот даражасидаги комплекслигини таъминлаш ҳамда хом ашёлик йўналишидан қутулишдир. Бунинг учун, аввало тўқимачилик саноатини кенгайтириш ва ривожлантириш, шу билан бирга тикувчиликни авж олдириш, жаҳон бозори талаби асосида тайёр кийимлар чиқаришни кенг кўламда авж олдириш зарур. Маълумки, жаҳон бозорида табиий толали кийим-кечакларга талаб жуда катта у юқори даромад манбаидир. Баъзи жамоа хўжаликларида чет капитал ҳисобига бундай комплекснинг, бирлашма корхоналарнинг барпо этила бориши жуда қувончли ҳолатдир. Бунинг тезда кенгайтиши мақсадга мувофиқ.

Ипакчилик, қорақўлчилик устида ҳам шундай фикр айтиш мумкин. Ипакчилик, шойичилик, атласчилик ва улардан гўзал кийимлар тикишни ҳозирнинг ўзидаёқ халқимиз ихтиёрига бериш мумкин. Чунки ҳозир буни майда ишлаб чиқариш ҳисобига амалга оширишнинг тўла имконияти мавжуд.

Рангли металлургия, айниқса олтин ва мис маҳсулотларидан фойдаланишнинг ҳам катта имкониятлари мавжуд, бундаги хом ашё йўналишининг олдини олишнинг имкониятлари катта. Мевачилик, сабзавот, полизчилик кабиларда бу соҳада тезроқ муваффақиятларга эришиш мумкин.

12-жадвал

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича соф моддий маҳсулот кўрсаткичлари (% ҳисобида)

Тармоқлар	1991 й	1993 й	1996 йили 1993 йилга нисбатан
Соф моддий маҳсулот ундан:	96,1	78,6	98,5
саноат	92,1	71,8	96,0
қишлоқ хўжалиги	99,6	89,0	97,2
қурилиш	84,3	37,3	92,0
транспорт	99,7	74,6	93,3
аҳоли жон бошига	94,1	73,5	95,4

Жадвалдаги рақамлар иқтисодиётни барқарорлаштириш соҳасида кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини бериб, халқ хўжалигида кескин пасайишларга йўл қўйилмаганликдан далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, мувозанатни сақлашга муваффақ бўлинмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг шаклланишида, жаҳон меҳнат тақсимотида республиканинг ўз ўрнини топиши ва халқаро хўжалиги интеграциясига тезроқ қўшила бориши катта аҳамият касб этади. Бу, албатта янги ишлаб чиқариш тузилишига боғлиқдир.

Миллий иқтисодиёт янгича инфраструктурани шакллантиришни талаб этиб, бу ҳам ишлаб чиқариш инфраструктурага, ҳам ижтимоий инфраструктурага тааллуқлидир.

ИНДУСТРЛАШТИРИШ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШ

Уч бирликнинг иккинчи таркибий қисми **индустрлаштириш** бўлиб, бу соҳада собиқ совет даврида, айниқса, унинг 1920—1930 йилларда олиб борилган индустрлаштириш сиёсати туфайли бир қатор ишлар қилинди ва саноат тармоқлари вужудга келиб, республикада ҳам ўзига хос индустрия яратилди. Лекин бу индустрияни миқдор ва сифат, умуман моҳияти нуқтаи назаридан ҳақиқий индустрлаштиришдан фарқлаш керак. Чунки ўша даврдаги индустрлаштириш собиқ совет давлати манфаатига қаратилган эди. У республика иқтисодиёти манфаатига мос келмай, халқ истеъмоли саноати жуда заиф ҳолда бўлган эди. Бундан ташқари йирик корхоналар асос бўлиб, майда ишлаб чиқариш индустрияси деярли яратилмаганди.

Халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқларида асосан қўл меҳнати ҳукмронлик қилади. Бу, аввало қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби тармоқларга тааллуқлидир. Айтайлик, энг оғир ишлардан бўлган юклаш ва юк тушириш асосан қўлда бажарилади. Боғдорчилик, сабзавот, полизчиликда деярли техника қўлланилмайди. Савдода механизациялаш ҳатто 10% га ҳам етмайди. Фермер хўжаликлари, ижара ва оила пудрати хўжаликлари учун техникавий қуроллар яратилмаган, ёрдамчи хўжаликларни бутунлай тилга олмаса ҳам бўлади.

Ҳисоблаш, ахборот, асбобсозлик тармоқлари ҳам бошланғич даражада бўлиб, тиббиёт, маориф, илмий-тадқиқот

кабиларнинг техник таъминот ҳолати жуда паст даражада бўлган.

Замонавий иқтисодиёт кенг кўламдаги, турли тармоқларга эга бўлган, халқ хўжалигини тўла қамраб оладиган индустрлаштиришни талаб қилади. Тўхтовсиз ривожлана оладиган техника ва технология, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг поёнсизлиги фақат индустрия орқали яратилади. Бир сўз билан айтсак, тўла индустрлаштириш бозор муносабатлари ҳукмронлигининг моддий асоси бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги замон Ўзбекистон иқтисодиётига хос уч бирлик жараённинг учинчи томони — **бевосита бозор муносабатларига ўтиш**, бозор иқтисодиётининг шаклланиб боришидир. Бу истиқболнинг асосий йўли бўлиб ва биз сиз билан кўриб ўтган биринчи ва иккинчи жараёнлар шунга қаратилгандир. Бунинг мазмуни ҳукмрон бўлиб келган мавжуд нобозор иқтисодиётини енгиб, унинг ўрнига бозор усулининг тўла ҳукмронлигини таъминлашдир.

Айтиб ўтганимиздек, миллий иқтисодиётнинг шаклланиши ва индустрлаштириш, албатта бозорга мослашган ҳолда амалга ошиши зарур. Масалан, янги иқтисодий алоқаларни юзага келтириш, халқ хўжалик тузумини, айниқса ишлаб чиқариш тузумини янгилаш бозор талаби асосида олиб борилмоқда. Хом ашё йўналишини ўзгартириш зарур экан, аввало у бозор талаби асосида, энг зарур халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг устунлиги, бундаги йўқ бўлган тармоқларни ташкил этиб, уни ривожлантиришдан бошланади. Пахта комплексида тайёр кийимларгача бўлган комплекс ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва бунинг жамоа хўжаликларининг ўзларида амалга оширилиб, бунда чет капитали билан қўшма корхоналар ташкил этилаётгани мақсадга мувофиқдир.

Озиқ-овқат, енгил саноатда, қурилиш материаллари ва хўжалик моллари ишлаб чиқарилишида халқ талабидан келиб чиқадиган бозоргир янги молларнинг пайдо бўлиши амалий мисоллардир.

Мамлакатимиз ишлаб чиқариши учун, юқорида айтганимиздек, янги бўлган автомобилсозлик тармоғининг

яратилиши жуда қувончли ҳол. Чунки бунга бозор талаби жуда юқори. Шунингдек, телевизорлар, компьютерлар, электрон аппаратлар ишлаб чиқариш юзага келмоқда. Халқаро бозорга кириб бориш, мустақил равишда экспорт ва импортни амалга ошириш ва бунда самарадорликка эриша бориш бозор шаклланишидаги муҳим босқичлардир. Оз вақт ўтишига қарамасдан бу соҳадаги Туркия, Германия, Англия, Жанубий Корея, Хитой, Покистон каби мамлакатлар билан кенгайиб бораётган иқтисодий алоқалар, чет мамлакатлар инвестициясининг кенгайиб бориши бунинг яққол мисolidир. Халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг кучайиши ва жаҳон иқтисодий интеграциялашуви, биринчи навбатда, дунё бозорига қўшилиш ва умуман, бозор муносабатларининг кенг ҳаракатига йўл очишни талаб қилади.

Бозор учун зарур шарт бўлган мулк шакллари пайдо бўлмоқда. Бунда давлат мулки тасарруфидан чиқишни тезлаштириш, мулк хусусийлашувини авж олдириш жуда муҳимдир. Мамлакатимизда фермер хўжалиklarини ташкил этиш, ҳақиқий деҳқон хўжалиklarини тиклаш, ижара, оила пудрати каби хўжалик турларини ривожлантириш тезлашмоқда. Демак, бозор муносабатлари асоси бўлган мулк шакллари ва турлари, хўжалик хилларининг пайдо бўлиши, албатта, амалга ошаётган иқтисодий ислохотнинг таъсирини кучайтирмоқда, буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти шаклланишининг одим қадамларидир.

Шунингдек, ҳиссадорлик жамиятлари, бирлашмалар, концерн, кооперативлар, ширкатларнинг кўпайишига кенг йўл очилмоқда, буларнинг барчаси бозор муносабатлари учун зарур бўлган иқтисодий ҳаракат майдонини кенгайтирмоқда.

Шу билан бирга бозорга ўтиш билан боғлиқ бўлган баҳо сиёсати амалга оширилиб, асосан эркин баҳо шароити юзага келтирилди. Чунки товарларни сотишнинг чакана нархлари талаб ва таклиф асосида эркин шаклланмоқда. Меҳнат бозори, қимматбаҳо қоғозлар бозорлари аста-секин шаклланмоқда, кўчмас мулклар олди-сотдиси бошланмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги муҳим соҳалардан ҳисобланган молия-кредит ва пул тизимларининг янгилашиши, миллийлашиши бозор мазмунида бўлиши соҳасида катта ишлар, кескин ўзгаришлар юз бермоқда. Чунончи, жуда қисқа вақт ичида ҳақиқий миллий пулга эга бўлдик.

Бозор инфраструктурасини яратишда одим қадамлар ҳам сезиларлидир. Бунга компьютерларнинг дадил кириб келиши, алоқа воситалари, ахборот тизими, товарлар силжиши ва уларнинг тез ҳаракати шароити, йирик олди-сотди ҳисоб-китобларини амалга ошириш асослари каби тармоқлар юзага келмоқда ва бозор шароитларини кенгайтирмоқда.

Республикамизда иқтисодий фаолият ҳар томонлама бозорнинг шаклланишига қаратилмоқда. Бунга фақат биз миллий иқтисодиёт шаклланиши ва индустриалаштиришнинг бозорга мос ҳолда амалга ошиши билан чегараланмасдан, балки махсус бозорга хос жараёнларнинг амалга ошуви ва бозор муносабатларига ўтиш, бозор иқтисодиётининг шаклланишининг тезлашувини кўрамиз.

Бу нарса ҳозирги мамлакатимиздаги жараён фақат бозор муносабатларига ўтиш билан чегараланади, деган сўз эмас, ваҳоланки бозор йўналиши асосий йўналиш эканлигини эътироф этган ҳолда иқтисодий ҳолатнинг уч бирлик жараёнидан иборат эканлигини инкор этиб бўлмайди, чунки иқтисодий ислохотнинг мазмуни шу билан белгиланиб, унинг моҳиятини кўрсата олиши мумкин.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. Бозор иқтисодиётига ўтишдаги умумийлик ва хусусийлик. Бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожидан умумий қонун ва жараёнлар мавжуд бўлиб, уларнинг қўлланиши ҳар бир мамлакатнинг хусусиятлари билан биргаликда амалга ошиши керак. Ҳар бир мамлакатга хос хусусийлик — табиий, миллий, диний, иқтисодий ва маданий каби хусусиятларсиз фақат умумий қонуниятлар ва асосларнинг ўзи билан бозор муносабатларига ўтиб бўлмайди.

2. Ҳар бир мамлакатнинг **миллий модели** бўлиб, бу уч томон: умумийлик, хусусийлик ва жаҳон мамлакатлари тажрибасидан таркиб топади. Булар бозор иқтисодиётига ўтувчи мамлакатдаги мавжуд шароитларни эътиборга олган ҳолда амалга ошади.

3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши **уч бирлик иқтисодий жараёни** ўз ичига олади, яъни бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш, айна вақтда иқтисодиётни барқарорлаштириш, индустрлаштириш жараёнлари билан биргаликда давом этади.

4. **Иқтисодий барқарорликни таъминлаш.** Миллий иқтисодиётнинг шаклланиши унинг барқарорлигини таъминлашдан бошланиб, бозорга ўтиш аввало барқарорликдан бошланади. Сиёсий мустақилликнинг бошланиши иқтисодиётнинг собиқ совет давридаги заифлиги, республикалар манфаатига зидлиги, иқтисодий алоқаларнинг бузилиши, бир томонламалиги туфайли халқ истеъмолига мос келмаслиги барқарорликни бевосита зарурий талаб қилиб қўяди. Бусиз сиёсий мустақиллик, бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошириш мумкин эмас.

5. **Индустрлаштириш.** Замонавий иқтисодиётни бозор асосида барпо этиш тараққий этган ишлаб чиқаришни индустрия асосида қуришни талаб этади. Индустрия миллий иқтисодиёт, бозор иқтисодиётининг моддий асосидир.

6. Барқарорлик, индустрлаштириш бозор муносабатларига ўтиш асосида амалга оширилиши шарт.

МАВЗУ БЎЙИЧА САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Миллий модел нима ва унинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги аҳамияти нималардан иборат?

2. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишидаги моделни атрофлича ва мисоллар билан, бошқа мамлакатлардаги, айниқса Туркия, Хитойдаги тажрибалар билан тушунтириб беринг.

3. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси деганда нимани тушунасиз?

4. Ўзбекистондаги мавжуд уч бирликдан иборат иқтисодий воқеликни қандай тушунасиз, унинг моҳияти нимада?

5. Ўзбекистон иқтисодиётидаги барқарорликни таъминлаш ва унинг бозор иқтисодиётининг шаклланиши билан биргаликда амалга ошувини тушунтиринг.

6. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишда индустриалаштиришнинг зарурияти нимада?

7. Нима учун иқтисодий барқарорлаштириш ва индустриалаштириш жараёнлари бозор иқтисодийнинг шаклланиши билан боғлиқ ҳолда амалга ошириши керак?

IX. БОЗОР ИҚТИСОДИЙТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ РОЛИ

Ҳар бир мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтишда ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бу иқтисодий жараёнга катта таъсир кўрсатади ва унинг аниқ йўллари белгилаб беради. Булар ичида ҳудудий, миллий, географик, урф-одат, ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси каби омиллар мавжудки, буларни эътиборга олмасдан бу соҳада муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Аmmo бу мавзуда бундай хусусиятлар устида эмас, балки мавжуд ҳолат, мувозанатларни ҳисобга олган ҳолда бозорга ўтишда давлатимизнинг алоҳида роли устида гап юритмоқчимиз. Ўзбекистон давлатининг бу жараёндаги аҳамияти, фаолияти диққатга сазовордир. Буларнинг ичида энг асосийларини оладиган бўлсак, давлатнинг бозор иқтисодийтининг шаклланишидаги фаол ташаббускорлиги, бозор асосларининг давлат томонидан яратилиши, хўжаликни бошқариш ва иқтисодий тартибга келтиришдаги мувозанатни таъминлаш, кетма-кетлик ва ислоҳот усулини моҳирона қўллаш, бозорга ижтимоий йўналиш бериш кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.


Мустақиллик сиёсатининг бошланғич даври, собиқ Совет Иттифоқига кирган суверен республикалар билан янги муносабатлар ўрнатиш, юзага келган ўта монополияга аста-секин барҳам бериш, узоқ вақт давом этган ўта марказлашган хўжалик бошқарув тизимидан эркин иқтисодий ҳаракатга ўтиш каби шароитда бир яхлит тизимдан бунга қарама-қарши бўлган иккинчи тизимга ўтиш жуда эҳтиёткорликни талаб этиб, бозор муносабатларига ўтишни амалга оширишда давлат родини кучайтиради.

Узоқ йиллар давомида тўла марказлашув, қаттиқ планлаштиришни жорий этиш хўжалик юритишдаги мустақиллик асосларига шунчалик зарба берганки, ким бўлишидан қатъи назар, ишчими, ташкилотчими, раҳбарми — у ижрочига айланиб қолган. Хўжалик соҳасида ташаббускорлик, деҳқон-

чилик деярли йўқ қилинган, ҳаттоки қонуний тақиқланган, жинойий жавобгарликка тортиш кабилар мавжуд бўлган.

Бундай шароитда эркин бозор иқтисодиёти шаклланишини ўз ҳолига қўйиб бериш ва тадбиркорликка ўзидан ўзи бирданига ўтилаверади, деб ўйлаш жуда нотўғридир. Мавжуд тизимни синдириш, марказлашувга барҳам бериш, планлаштирув тизимини йўқ қилишнинггина етарли деб топип очикдан-очик бебошлик, тартибсизликни ўрнатишдан бошқа нарса эмас.

Нобозор иқтисодиётидан бозор иқтисодиётига ўтиш, давлат иқтисодиётидан эркин, хусусийга ўтиш, марказлашган тизимдан воз кечиш ва тадбиркорлик асосидаги иқтисодга ўтиш, умумийлаштириб айтганда, мамлакат бўйича эски хўжалик юритиш усулидан янгисига ўтиш бошқаришни, тартибга солиб туришнинг ҳаддан ташқари йирик жараёнини ташкил этишни талаб қилади. Буларнинг ҳаммаси давлатнинг фаолияти, унинг ташкилотчилиги, ижрочилиги кабиларда ўз ифодасини топадики, бу ўз мазмуни, аҳамиятига кўра Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишдаги давлат ролининг ўзгачалиги деб умумлаштириш ҳуқуқини беради.



17-тарх. Беш тамойил

Ўзбекистонда бозор шаклланиши асосида тархда келтирилган Президентимиз И. А. Каримов томонидан олдинга сурилган беш тамойил ётади. Бунда давлат фаолияти етакчи ҳисобланади.

Бу нималарда ўз ифодасини топади? **Биринчидан**, ташаббускорлик давлат томонидан бўлиб, мавжуд тизимни синдириб, йўқ қилиб бориш ва бозорча усулларни киритиб, уларни қўллай боришда давлатнинг ўзи катта фаолият кўрсатмоқда. Бозор иқтисодиётининг шаклланиши бир дастур асосида олиб

борилиб, у амалга оширилаётган ислохотда ўз аксини топмоқда ва бу соҳада маълум сиёсат белгиланган ҳолда унинг ижроси бўлиб давлат юзага чиқмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги давлатнинг дастлабки роли қонунчилик фаолиятида кўринади. Бозор шароитларини таъминловчи қонун, қоидалар ва уларнинг ижросини таъминлаш жуда муҳимдир. Шунга кўра, аввало зарур ҳуқуқий муҳит яратилган бўлиб, буни таъминлайдиган муҳим қонунлар қабул қилинган. Булар қаторига “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”, “Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”, “Меҳнатни муҳофаза этиш тўғрисида” қабиларни киритиш мумкин. Бундан ташқари қисқа вақт ичида бир мунча қонунчилик ва норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, улар ижро этилмоқда. Булар Президент, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқаларнинг бу соҳадаги фармон, қарор, кўрсатмаларидирки, улар қонун ижросини таъминлашда, бозор иштирокчиларининг фаолияти учун шароит яратишда ва уларнинг ҳимоясини таъминлашда аҳамиятлидир.

Қабул қилинган қонунлар ҳақиқий ҳуқуқий, қонуний муҳит яратиш учун такомиллашиб, тўлдирилиб борилмоқда. Давлат идоралари бозорга мослашган ҳолда ўзгариб концерн, бирлашмалар, акцияли жамиятлар ташкил этилмоқда. Давлат мулки шароитида булар бозор муносабатларига ўтишда имконият туғдириб беради.

Давлатнинг хўжалик соҳасидаги ҳукмронлиги тақдирини белгиловчи хусусийлаштириш ташаббусининг ўзи давлат кўлидадир.

Бозор иқтисодиётига хос хўжалик турларини оладиган бўлсак, бунда давлат ташаббускорлиги жуда юқоридир. Масалан, хусусий хўжаликларни кенгайтириш, фермерчиликни авж олдириш, жамоа, кооператив, ширкат хўжаликларини тиклаш қабиларнинг бошида давлат турибди ва уларнинг кенг ривожланишида давлатнинг катта манфаатдорлиги сезилмоқда.

Маълумки, бозор муносабатларининг тикланишида чет эл капиталининг кириши, чет инвестициясининг кенгайиши жуда аҳамиятли. Шунга кўра уларни бизнинг мамлака-

тимизга жалб этиш, уларнинг фаолияти учун зарур шарт-шароитларнинг яратилиши ташаббускорлигининг тўлиғича давлат қўлида эканлиги кўзга ташланади. Айниқса, бу масалаларни ҳал қилишда Президентнинг ташаббуси, фаолияти жуда юқоридир. Чет мамлакатларга чиқиб, бевосита давлат бошлиқлари ва бошқа зарур шахслар билан учрашув, катта тарғибот ишларини бажариш, зарур муаммоларни жойида ечиш кабиларда намунали ишлар олиб борилмоқдаки, давлат аппарати шу соҳага тўла йўналтирилмоқда. Шунингдек, бу ишларнинг ижроси қаттиқ кузатилиб, назорат кучайтирилмоқда.

Бу соҳада 1994 йилнинг феврали ва 1995 йилнинг январидан Президентнинг иқтисодий ислохотни тезлаштириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш, хорижий сармояларни жалб этишни тезлаштириш ва уни ҳимоялаш чора-тадбирларига қаратилган фармони жуда аҳамиятли эканлигини таъкидлаш жоиздир. Шунга кўра, бу масалалар бўйича Президент бошлиқ идоралараро кенгаш тузилиши диққатга сазовор. Маълумки, бозор муносабатларини кучайтириш, бозорча иқтисодиётни шакллантиришда бу чора-тадбирлар катта ўрин эгаллайди. Чунки у иқтисодий ислохотни тезлаштириш, бозор йўлидаги пайдо бўлаётган тўсиқларни олиб ташлаш, бозорга ишонч туғдириш соҳасида жуда аҳамиятли ва мамлакатимиз учун бу ҳақиқатдан тақдирий масала эканлигини кўрсатувчи далилдир.

Иккинчидан, бозорча халқ хўжалиги тузилишини яратиш, инвестициянинг асосий қисмини бажариш ҳам давлатнинг зиммасидадир.

Бозор муносабатларининг энг асосий хусусияти иқтисодиётнинг талабга тўла тобелиги, яъни иқтисодий манфаатдорлик, иқтисодий тизим талабидан келиб чиқиши зарурлигидир.

Халқ хўжалиги структурасини ўзгартириш ва уни бозор талабига мос ҳолга келтириш борасидаги ишлар бошланиб, катта муваффақиятларга эришилмоқда. Буларнинг ҳаммасида давлат бошқарувини, унинг ташаббусини кўрмоқдамиз.

Халқ хўжалиги структурасини ўзгартириш янги технология асосида бўлиши замонавий техника ва янги-янги тармоқлар барпо этиш жуда йирик маблағларни талаб этади. Ҳозирча хусусий капитал буларни таъминлаш даражасида эмас, унинг

ўзи давлат кредити ҳисобига оёққа турмоқда. Чет капитал эса ҳали сезиларли эмас. Шунинг учун йирик инвестиция асосан давлат томонидан амалга оширилмоқдаки, бусиз бозор муносабатларининг тикланиши, унга ўтишни тасаввур этиб бўлмайди ва бунда давлат алоҳида ўринга эга эканлигини кўрамиз.

Инвестицияда ўтиш даврида давлатнинг асосий ўрин эгаллашидаги яна бир нарсага эътибор бериш керакки, бу хусусий тадбиркорларнинг ҳозирги имкониятларининг чегараланганлиги билан ҳам боғлиқдир. Чунки хусусий тадбиркорлик энди шаклланиб келаётган даврда уларда катта ишлар учун маблағлар бўлмаслиги, шу билан бирга, уларнинг тез вақт ичида сармояларининг фойда билан қайтишига мойиллиги бу соҳадаги асосий юкни давлат зиммасига ташлайди. Янги тармоқлар, катта иншоотлар кўп маблағларни узоқ вақтгача банд қилиш билан боғлиқ бўлиб, қисқа вақт ичида самара бермайди. Бундан ташқари, умумий истеъмол билан боғланган йирик инвестициялар ҳам, албатта давлат томонидан амалга оширилади. Шу билан бирга хорижий инвестициялар қатнашувида амалга ошириладиган кўшма корхоналар ҳам асосан давлат маблағи ҳисобига юзага келади.

Шаклланаётган тадбиркорларнинг қарз сармоялари ҳам, биринчи навбатда, давлат ҳисобига шаклланади. Кўриниб турибдики, давлат бозор иқтисодиётига ўтишда ҳақиқий ислоҳотчи сифатида юзага чиқмоқда.

Учинчидан, иқтисодий тизим ўзгаришида, бозорга ўтишда кетма-кетликни таъминлашда давлат ролининг аҳамиятлилиги. Маълумки, жамиятдаги катта ўзгаришлар, иқтисодий тизимнинг туб ўзгаришлари кўпинча жуда оғирлик билан, катта моддий ва бошқа талофотлар орқали рўй беради. Эскича, масалан, собиқ марксизмча йўлни олсак, у революцион йўлни афзал кўрди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳақиқий революцион усул ортиқча йўқотишлар, ҳатто қон тўкишларга олиб келди. Шунга кўра, мақсадга эволюцион йўл билан эришиш мумкин бўлиб турганда революцион усулнинг ҳеч ҳожати йўқ. Чунки у жамият учун жуда қимматга тушиши мумкин. Шуни ҳам айтиш лозимки, эволюцион йўл тартиб, онгли ёндашув ва катта меҳнат орқали аста-секинлик ҳаракатининг таъминланишини талаб қилади. Албатта, бундай куч давлат бўлиши мумкин, холос.

Ўзбекистонда бозорга ўтиш ислоҳот усулида давом этмоқда. Бу эса масалаларни кетма-кет ечиш, шароитга қараб иш кўришни талаб этади. Тайёргарликсиз кескин ўзгаришга йўл қўймаслик ва янгисини яратмай туриб, эскисини йўқ қилиш керак эмас. Акс ҳолда ундан фойдаланиб туриш асосий усул бўлиб ҳисобланади, буларнинг барчаси давлат бошчилигида, давлат ижроси орқали амалга оширилмоқда. Бу усулни барча соҳаларда қўллаш мумкин. Масалан, мулкни хусусийлаштириш жараёнини олсак, аввало майда мулк шакллари юзага кела бошлади ва у майда савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридан бошланди. Шу билан бирга, аҳоли турар жойларини давлат тасарруфидан чиқариб, хусусий мулкка ўтказиш онгли равишда тартиб билан кетма-кетликка риоя қилинган ҳолда амалга оширилмоқда. Энди ўрта ва йирик иншоотларни, корхоналарни хусусийлаштиришга ўтилмоқда. Бу соҳада 1993—1994 йиллардаёқ қишлоқ хўжалигида катта иш амалга оширилиб, давлат хўжаликларидан 700 дан ортиғи давлат тасарруфидан чиқарилиб, турли хўжаликларга айлантирилди. Жамoa хўжаликлари ичида деҳқончилик хўжаликларига ўтиш ва ижарачиликни авж олдириш кенг кўламда олиб борилмоқда. Бундан кейин ҳақиқий хусусий хўжаликларга ўтиш мумкин бўлади. 1996 йили қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 97,7 фоизи нодавлат мулки шаклидаги хўжаликларга тўғри келган.

Саноат соҳасида ҳиссадорлик, акцияли хўжаликларга ўтиш авжига чиқмоқда. Эркин нархларга ўтиш бир неча босқич билан амалга оширилди. Муомала соҳаси, пул, молия, банклар тизимида ҳам шундай ҳолатни кўриш мумкин. 1997 йилга келиб хусусий хўжаликлар сони 100 мингдан ошиб кетди.

Бозор ҳаракати ўз қатнашчиларига боғлиқдир. Улар қанча кўп ва турли бўлса, у шунча тез ҳаракатда бўлади ва унинг соҳа, тармоқларга таъсири ўсиб боради. Бунда бизнесни билиш, бизнесни амалга оширувчиларнинг мавжудлиги аҳамиятлидир. Аввало давлат тасарруфидаги корхоналар бозорга кира бориши, уларнинг хўжалик фаолиятлари бозор мазмунида бўлиши тижорат усулининг кучайишини талаб этади. Шундагина улар бозор иштирокчиларига айланишлари мумкин. Шунинг учун ҳам давлат корхоналари-

нинг бошқарилиши менежерлик, маркетинг мазмунида бўлса, улар бозорга мос келади ва бозор шароитида самарали фаолият кўрсатишлари мумкин. Давлатимиз эса буни кетма-кет ҳал қилиб, бор имкониятларини ишга солмоқда. Масалан, ўқув тизими, кадрлар тайёрлаш ислоҳот қилинмоқда. Янги-янги мутахассисликлар очилмоқда. Кўплаб ёшлар чет мамлакатларга жўнатилмоқда. Ўқув юртаримизга чет мамлакатлардан йирик мутахассис олимлар жалб қилиниб, ишламоқда. Бу чора-тадбирлар албатта ўзининг самарасини беради. Маълумки, буларнинг ҳаммаси давлат томонидан ва унинг сармояси ҳисобига амалга оширилмоқда.

Бозор иқтисоди шаклланиши жуда мураккаб бўлиши, у узоқ вақт ичидаги кетма-кет ҳаракатлардан иборат бўлиши билан бирга ундаги энг муҳим субъектив омил ҳам мавжуддир. У ҳам бўлса инсонларнинг кўникиш муаммосидир. Эски тоталитар тартибдаги кўникмалар янгича шаклланиши керак. Маълумки, бундай нарсалар тезлик билан амалга ошмайди ва узоқ вақтни, давлатнинг жуда катта фаолиятини талаб этади.

Тўртинчидан, бозорга ижтимоий йўналиш бериш, ижтимоий мазмунга эга бўлган бозор иқтисодиётини шакллантиришда давлатнинг етакчи роли мавжуддир. Бозор иқтисодиётининг шаклланиши даври, ундаги рақобат шахсий даромад учун кураш жараёнидан иборат бўлиб, инсон манфаатига тескари бўлган ҳолатларни ҳам юзага келтиради. Булар қаторига нарх-навонинг кўтарилиб бориши, даромадлар табақаланиши, ишловчилар ўртасида иш жойи учун кураш, корхоналар синиши туфайли ишсизликнинг ортиб бориши кабилар киради. Бундан ташқари, ишга лаёқатсиз, кам даромадга эга бўлган аҳолининг тижоратга боғлиқ бўлмаган соҳада банд бўлган қисмини бозорнинг салбий таъсиридан асраш талаб қилинади, уларни бозор юзага келтирадиган қийинчиликлар билан юзма-юз қолдириб бўлмайди. И.А. Каримов, бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тик кўз билан, реал қараш керак, бозор иқтисодиётининг фақат ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак, деб таъкидлайди.

Бу айниқса, давлат томонидан ислоҳот даври, бозорга ўтиш даврида кучли ва фаол ижтимоий сиёсат ўтказишни тақозо этади.

Бозор иқтисодиётининг тиклана ва ривожлана бориши хусусий соҳанинг бу ишга жалб этилиши ўсиб бориши билан давлат ижтимоий ҳимояда ўз ҳиссасини орттириб боради. Шунинг учун ўтиш даврида давлат бундай пайтда устувор тадбирларни тез қўллаш оладиган тарзда амал қилиши керак. Бу тадбирлар умуман меҳнатдан фойдаланиш, меҳнат муносабатларини белгилаш, энг кам ҳақ олиш миқдорини белгилаш, ижтимоий суғурта ва унинг учун маблағлар ажратишларнинг бозорга хос тизимларини яратишдан, ишсизлик нафақаси, ишсизликнинг олдини олиш чораларини кўришдан иборат. Айниқса, бозор шароитида замонавий нафақа тизимини яратиш жуда муҳимдир. Чунки бу ҳақиқатдан ҳам инсон манфаатини таъминлаш, қариллик, ишга нолойиқлик ёшида инсонни моддий ҳимоя этишдир. Республикамизда қисқа муддат ичида шундай ишлар амалга оширилган ва у доимо такомиллашиб бормоқда. Ҳозирги вақтдаги нафақа тизимида энг кам нафақа миқдори энг кам меҳнат ҳақидан юқоридир. Такомиллашган ва кенг тармоқли нафақа тизими мавжуд. Шунингдек, тўловсиз ўқиш, илм олиш, тиббиёт хизмати ҳамда маданий-маориф тармоқлари билан бирга турли мавжуд имтиёзларни, стипендия, болалар ҳаёти, уларнинг дам олиши ва тарбиясига оид давлат харажатлари, меҳнаткашлар дам олиши, даволанишидаги касаба ташкилотлари ёрдами кабиларни эътиборга олсак, ижтимоий ҳимоянинг жуда катта эканлигига амин бўламиз.

12^а-жадвал

Нафақахўрлар ва даромад

	1990 й.	1992 й.	1996 й.
Нафақахўрлар, минг киши	2377	2628	2736
Шулардан энг кам олувчилар, %	48,4	27,8	17,2
Даромад, %:			
Маош	78,2	74,9	73,7
Нафақа, стипендия, ёрдам пуллар	10,2	12,6	15,3

Жадвалдаги рақамлар ижтимоий таъминотнинг яхшиланганлигини кўрсатади.

Юқорида баён этилган масалалар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич йилларидаёқ анча такомиллашган инсон ижтимоий ҳимояси ташкил этилиб, у инсонни бозорнинг салбий таъсиридан асраб, унинг нормал ҳаёт кечириши учун зарур даромад манбалари яратиш имконини туғдиради. Демак, бозорга ўтиш даврида, ислохотни амалга оширишнинг бошлариданоқ бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишлари давлатимиз томонидан яратилган дейиш мумкин. Шу билан бирга, бозор муносабатларига ўтишда энг муҳим ва энг оғир вазифалардан ҳисобланган инсоннинг ижтимоий ҳимояси муаммосининг ҳал қилиниши, бозорнинг ижтимоий йўналишига асос солинганлиги жуда катта муваффақиятдир.

Бешинчидан, бозор иқтисодиётини тартибга солиш тизимини яратишда давлат ролининг муҳимлиги. Аслида бозор эркин нарҳда, ўз ички қонунлари таъсири остида ҳарakat қилишни истайди ва унга сунъий аралашув, айниқса, бошқариш, тартибга солиш билан боғлиқ бўлган чоралар бозор табиатига қарши бўлиб, унинг муносабатларини чегаралашга олиб келади. Жаҳон тажрибалари бозор стихиясининг олдини олиш, унинг ҳаракатига онгли равишда ёндашув зарурлигини, иқтисодиётни ҳар томонлама инсон манфаатига қаратиб, имкони борича бозор усулининг салбий оқибатларига йўл қўймаслик ва унинг олдини олиш, унинг учун зарур ишларни қилиш шартлигини кўрсатади. Булар бозор муносабатлари шароитларида ҳўжаликни бошқариш, уни тартибга солиш муаммоси мавжудлигини билдиради. Бундан бозор иқтисодиётини тартибга солиш зарурияти, албатта бу ҳам давлат томонидан амалга оширилиши ва уюштирилиши талаб этилади. Бу асосан иқтисодий усуллар туфайли амалга оширилади ва бунда солиқ, кредит, имтиёзларнинг турли шаклларида, ҳатто баҳодан фойдаланиш кабилар қўл келади.

Кўриниб турибдики, бозор ҳаракатига ижобий таъсир кўрсатиш мақсадида давлат тартибга солишнинг турли самарали механизмларини яратиши ва улардан моҳирона фойдаланиб, у билан бозор муносабатларини мазмунан тўлдириши, умуман инсон иқтисодий фаолияти даражасини кўтариши зарур.

Бу ерда бир нарсага эътибор бермоқчимиз, у ҳам бўлса бошқарув ва тартибга солиш, шунингдек, иқтисод ва ҳўжа-

лик тушунчаларидир. Кўпчилик иқтисодчилар бозор шароитида уни тартибга солиш зарурияти устида бир фикрда бўлиб, бошқарув усули, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг хўжаликни бошқаришга аралашмаслигини эътироф этадилар. Бу умуман тўғри, чунки ривож топган мамлакатлар тажрибаси шуни исботлайди.

Бу тушунчаларни эътироф этган ҳолда хўжалик ва иқтисод бир нарса эмаслигини, бу тушунчалар ўртасида фарқ борлигини эътиборга олиб айтиш зарурки, давлатнинг хўжалик ишларини бошқариши умуман бозор шароитига тўғри келмайди. Лекин иқтисодни уюштириш, бошқариш зарурияти бор. Чунки хўжалик умуман хусусий характерда бўлса, иқтисод умумийдир, у хўжаликлараро муносабатни ҳам ўз ичига оладиган тушунчадир. Шу билан бирга, Ўзбекистонда мавжуд иқтисодий-ижтимоий ҳолат, ўтиш даври шароити шуни кўрсатадики, айна юзага келган мувозанат давлатнинг тартибга солиш вазифасини бошқариш билан мослаштириши зарурияти ҳам туғилмоқда. Чунки хусусий соҳа ҳали жуда заиф ва тажрибасиз, давлат мулки, хўжалигининг ҳал қилувчи аҳамияти катта. Бундай шароитда хусусий хўжаликларга ёрдам қилиш, бозор муносабатларига ўтишни тезлаштириш мақсадида давлат фаолияти самарадорлигини ошириш бошқарув усуллари ҳам қўллашни талаб этмоқда.

Давлатнинг хўжаликни тартибга солиш вазифаларини бошқариш билан мослаштириш, бундаги мувозанатни таъминлашда давлат буюртмаси, давлат томонидан хом ашё, материал ва энергия билан таъминлаш кабилардан кенг фойдаланиш мумкин. Чунки ишлаб чиқариш воситалари асосан давлат ихтиёрида, айниқса, хом ашё давлат мулкидир. Айтишлик, пахта хом ашёси, пилла, қорақўл, тамаки кабиларнинг асосий қисми давлат тасарруфидадир. Умумий йўналиш манфаати ва бозорга ўтишни тезлаштириш ўтиш даврида зарурият туфайли давлат бошқарувини давлат тасарруфидан бошқа хўжалик турларига ҳам қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда, фикримизча, классик бозор иқтисодиётига ўтишдан фарқли ўлароқ, давлат мулки ҳажми юқори-роқ даражада ва жамоа хўжаликларининг хусусийлашувининг тезлашишига қарамай, хусусий хўжаликлар ҳозирча асосий ўринни эгалламаяпти. Чунки бунда ижара, ширкат шакллариининг аҳамияти ошиб, то индивидуал хусусий хўжа-

лик юритиш тажрибаси юқори даражага кўтарилмагунча, мавжуд шакллар амалда бўлиб туради.

Бундан шундай хулоса қилиш керакки, Ўзбекистонда барча хусусият ва имкониятларни эътиборга олган ҳолда, бозорнинг шаклланиши даврида давлат томонидан тартибга солиш ва бошқарув қўлланилиб турилади. Шу билан бирга давлат мулки ҳиссаси маълум вақтгача юқори бўлади. Бу Ўзбекистоннинг бозорга ўтишдаги ўзгачалигига кириб, унинг бу соҳадаги хусусиятларининг кенглиги ва бойлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бозор муносабатларига ўтишда, иқтисодиётнинг шаклланишида Ўзбекистонда давлатнинг ўрни жуда катта. Бунда ташкилотчилик, тартибга солиш, бошқарув каби воситалардан оқилона фойдаланиш иқтисодий тушкунликнинг чуқурлашиши, ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши каби оғир аҳволларга олиб келмайди. Аксинча, бу иқтисодий ҳолатни деярли сақлаш ва бозор муносабатларига ўтишда катта муваффақиятларга олиб келмоқда. Сиёсий, иқтисодий ва умуман, ижтимоий мувозанат сақланган ҳолда бозор томон ҳаракат тезлашмоқда.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. **Ўзбекистонда бозорга ўтишда давлат роли.** Бу асосан давлатнинг фаол ташаббуси, бозор асосларини давлат томонидан шакллантирилиши, иқтисодиёт мувозанатини таъминлаш, иқтисодий ислохотни кетма-кет ҳал қилиш, бозор иқтисодиётига ижтимоий йўналиш бериш кабилардан фойдаланишни ифодалайди.

2. Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланишида давлат фаолиятининг асосида Президент олдинга сурган **беш тамойил** ётади: иқтисодий устуворлик, қонунлар ва уларга риоя этиш устуворлиги, кетма-кет ва аста-секинликка риоя этиш, давлат ташаббускорлиги, фаол ижтимоий сиёсат ўтказиш.

3. Ишлаб чиқаришдаги **структуравий ўзгаришлар** давлатнинг бевоситалиги, айниқса, инвестициянинг асосий қисмини ўзига олиши катта самаралар бериб, янги тармоқлар шаклланиб, иқтисодиётдаги йирик муаммолар ҳал қилинмоқда ва иқтисодий мустақиллик яратилмоқда. Бу, биринчи навбатда, нефть ва ғаллакорлик тармоқларидаги муваффақиятларда аён бўлмоқда.

4. Бозорга ўтишда **ислоҳот йўли** қўлланилиб, кескинликларнинг олди олиниб, жамият мувозанатлари таъминланмоқда.

5. Давлат бозор иқтисодиётига ўтиш даврига хос нафақа тизимини яратган ва барча фуқаро даромад манбаи билан таъминланган. Умуман, **фаол ижтимоий сиёсат** кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

6. Иқтисодиётни **тартибга солишнинг** самарали усуллари қўлланилмоқда.

7. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг **миллий модели** муваффақиятли амалга ошириб, бу жараён тезлашмоқда ва иқтисодиётда катта ўзгаришлар юз бермоқда.

МАВЗУ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ ВА САВОЛЛАР

1. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишдаги давлат родини қандай тушунасиз, унинг ўзгачалиги нимада?

2. Халқ ҳўжалиги тузулишининг такомиллашувида давлатнинг ташаббусини мисоллар билан тушунтиринг.

3. Ишлаб чиқаришнинг структуравий бозор талаби асосида ўзгариши ва бунда давлат инвестициясининг аҳамиятини кўрсатган ҳолда бундай жараённинг халқ истеъмолита таъсирини мисоллар билан кўрсатиб беринг.

4. Президент олдинга сурган Ўзбекистоннинг бозорга ўтишдаги ўз йўлини ва бундаги беш тамойилни кўрсатиб, тушунтиринг.

5. Иқтисодий ислоҳот ва бундаги кетма-кетлик, аста-секинликни қандай тушунасиз? Бу саволга ижтимоий мувозанатнинг таъминланишини кўшиб жавоб беринг.

6. Давлатнинг бозор иқтисодиётини бунёд этишдаги фаол ижтимоий сиёсатини қандай тушунасиз?

7. Бозорга хос нафақа тизимининг моҳияти нимада?

8. Иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан устуворлигининг моҳиятини ечиб беринг, унинг бозорнинг шаклланишидаги аҳамиятини кўрсатинг.

9. Бозор муносабатларига ўтишда иқтисодиётнинг тартибга солиниши зарурияти ва бунда давлатнинг родини тушунтириб беринг.

X. БОЗОР ИШТИРОКЧИЛАРИ. БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

БОЗОР ИШТИРОКЧИЛАРИ ТУШУНЧАСИ

Бозор иқтисодиёти тизимида иштирокчи (субъект)лар мавжуд бўлиб, улар бозорни ташкил этувчи, моҳиятини кўрсатувчи, амалда рўёбга чиқарувчи сифатида аҳамият касб этади. Бу аввало, бозор муносабатлари ифодаловчилари бўлиб, улар турли хилда ва турли мазмунда бўладилар.

Умуман олганда, бозорда кўзга ташланувчи иштирокчилар аввало харидорлар ва сотувчилардир. Юзаки қарганда, бозор худди фақат шулардан, яъни харидор ва сотувчилардан иборатдек бўлиб туюлади. Ҳақиқатда бу айни чуқур ва сермазмундир. Амалда эса улар аввало талаб орқали истеъмолчилар ва таклиф орқали ишлаб чиқарувчилардир. Ҳар қандай сотувчи, бозорнинг хизматчиси айни вақтда харидор сифатида ҳам бозорда иштирок этади.

Айтиш мумкинки, бозор иштирокчилари ўзларида бозор муносабатларини ифодаловчи, бозор моҳияти сифатида муносабатда бўлувчилардир. Булар фаолият, хўжалик, мулк кўринишлари нуқтаи назаридан, айтганимиздек, хилма-хил бўлади. Иқтисодиётдаги ҳаракат, ресурслар, товар ва хизматлар, даромадлар ҳаракати нуқтаи назаридан бозор иштирокчилари уч асосий хўжаликка эгалик қилувчилардир. Булар оила (уй) хўжалиги, фирма-корхона ва давлатдир. Буларнинг иқтисодиёт жараёнидаги ҳаракатлари, вазибалари турлича ва улар бир-бирларини тўлдириб келади.

Уй хўжалиги (оила) битта ёки бир неча шахслардан иборат бўлган иқтисодий бирлик бўлиб, мустақил бир қарорга келадиган ва масалани тўла эркин ҳал қиладиган мулкдорлардир. У аввало маълум ресурснинг эгаси, ўз талабини тўла қондиришга, ихтиёридаги ресурслардан фойдаланишни юқори даражага етказишга уринадиган иқтисодий бирликдир. Уй хўжалигига барча истеъмолчилар, ёлланма ишловчилар, йирик ва майда капитал, ер, ишлаб чиқариш воситалари эгалари киради.

Фирма ҳам иқтисодий бирлик бўлиб, у ҳам эркин ва мустақил қарор қабул қилиш хусусиятига эга. Чунончи, фирма ишлаб чиқариш омилларидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилиб, уларда товар ва хизматлар ҳосил қилган ҳолда бошқа фирмаларга, уй хўжалигига ва давлатга сотади. Фирмаларга тадбиркорлар ва уларнинг корхоналари киради.

Давлатга ҳукумат муассасалари кириб, улар юридик ва сиёсий ҳокимиятга эгалик қилади ва улардан хўжалик иштирокчилари ва бозор устидан умумий мақсадни кўзлаган ҳолда назорат ўрнатилганда фойдаланилади.

Улар бозор иқтисодиётида бир-бирига боғлиқ ҳолда ҳаракат қиладилар.

**Бозор иқтисодиётидаги уч асосий иштирокчилар
ва уларнинг вазифалари**

Давлат	Фирма	Уй хўжалиги
Иқтисодиётни тартиб-лаштиради.	Ишлаб чиқариш омиллари ва хизматларни сотиб олади.	Ресурсларга мулккий эгаллик қилади ва уларни фойдаланиш учун сотади
Иқтисодиёт фаолияти қондаларини белгилайди ва шароитларини яратади		
Солиқ ва бошқа усуллар билан даромадни қайта тақсимлашда қатнашади. Бозор иштирокчиси сифатида иқтисодий фаолият кўрсатади.	Товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаради ҳамда уларни сотади.	Товарлар ва хизматлар сотиб олади.

Жадвалда давлат биринчи бўлимда бўлишига қарамай, у ўз вазифаси бўйича асосан мувофиқлаштириш мазмунидаги ишларни бажаради. Шунинг учун талқин қилишни фирмалардан бошлаб, давлат билан якунлаш маъқул бўлади.

ФИРМА

Иқтисодий иштирокчилардан бўлган фирма корхона асосида ташкил топиб, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучининг технологик қўшилишини амалга оширади. Корхоналардаги хўжалик фаолияти фирмалар томонидан амалга оширилади. Фирмалар турли кўринишда, якка ҳолда ёки бир неча ишлаб чиқариш бирлашмаларидан иборат бўлиши мумкин. Бозор шароитида тадбиркорлик асосан фирмаларда ўз аксини топади ва фирмалар орқали бозор моҳиятини тушуниш енгил кўчади. Шунга кўра, айниқса, ҳозирги замон бозорини унинг асосий иштирокчилари бўлган фирмаларсиз, унинг ташкилий томони, турли иқтисодий ҳолатлардаги ўзини тутиши ва ҳаракатлари сиз тасаввур этиб бўлмайди. Фирма тўлиғича хусусий соҳа бўлиб ҳисобланади.

Фирмалар саноат, қурилиш, савдо, транспорт, қишлоқ хўжалиги кабиларда мавжуд бўлиб, даромад олиш мақса-

дида ташкил топади. Фирмалар куйидагилар бўйича ўзаро фарқланади: 1) Хўжалик фаолияти ва ҳаракат хусусиятлари. 2) Ҳуқуқий ҳолатлари. 3) Мулкӣ ҳолатлари. 4) Капиталга боғлиқлиги ва назорат таъсири. 5) Фаолият соҳаси бўйича.

Хўжалик фаолияти бўйича фирмалар саноат, савдо, транспорт ва алоқа каби, шунингдек, страхование, инженеринг, банк ва молия-инвестиция, илмий ва инновацион кабилардан иборат бўлади. Булар ичида энг йириги саноат фирмалари бўлиб, маҳсулот сотиш ҳажми бўйича 50 фоизни ташкил этади. Фақат АҚШнинг ўзида 1 миллиондан ортиқ шундай фирмалар мавжуд.

Шунингдек, фирмалар савдо соҳасида ҳам кенг тарқалгандир. Булар улгуржи, чакана савдо, савдо-тижорий, экспорт-импорт кабиларни амалга оширади. Масалан, АҚШда буларнинг сони 3,5 миллиондан ошади. Булар саноат компаниялари ичида ёки ўзлари мустақил фаолият кўрсатиб, хўжалик ва юридик боғлиқ ёки мустақил бўлишлари мумкин. Бундай фирмалар сотиб олиш ва сотиш ўртасидаги фарқлар ҳисобига ўз тижорий ишлари учун фойда оладилар. Буларнинг фаолияти асосан тижорий мазмунда бўлса ҳам йирик фирмалар товарларини қайта ишлаш, қадоқлаш ва товарлар страхованиеси каби ишларни ҳам бажарадилар.

Транспорт соҳасидаги фирмалар юк ва одамларни ташиниш билан шуғулланади. Булар темир йўл, автомобил, ҳаво ва сув транспортлари каби фирмалардир. Шунини ҳам айтиш керакки, темир йўл кўпинча давлат ихтиёрида бўлади. Бунга сабаб қимматга тушиши, кам фойда келтириши, ҳатто зарар келтиришидир. У ўз ҳажми бўйича ҳозирги даврда сув ва ҳаво транспортига нисбатан паст туради.

Бозор иқтисоди ривож топган мамлакатларда банк, страхование, молия-инвестиция, яъни қимматга эга қоғозлар ва кўчмас мулклар ҳамда ижаралар билан боғлиқ ишларни бажарувчи фирмалар ҳам кенг авж олган. Бундай фирмалар сони АҚШда 2 миллиондан ортиқдир.

Илмий таҳлил ва инновация, шунингдек, ахборот, консултация каби хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фирмалар ҳам мавжуд. Бундай фирмалар АҚШнинг ўзида 6

миллионга яқин. Буларнинг ичида инженер-техник хизматлари кўрсатувчи фирмаларнинг салмоғи катта. Булар лойиҳалаш, қурилиш ва иншоотларни фойдаланишга топшириш, янги технологиялар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш кабиларни амалга оширади.

Фирмаларнинг кейинги бўлиниши соҳалар бўйича бўлиб, уларнинг фаолият турлари турлича. Улар бир соҳа тармоғида иш кўрувчи ёки кўп соҳа ва тармоқларида иш кўрувчи фирмаларга бўлинади. Бир хил соҳа тармоғида иш юритувчи фирмалар ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари билан чегараланмай, молиявий ишлар ва тижорий ишлар билан ҳам шуғулланадилар. Кўп соҳали фирмаларнинг ўзини иккита бўлиш мумкин, яъни асосий соҳа хусусиятини сақловчилар ва турли соҳалилик асос бўлган фирмалар. Масалан, “Жилетт” фирмаси соқол оладиган асбобсозлик ва лезвие ишлаб чиқариш ҳамда сотишга асосланган ҳолда парфюмерия-косметика, ручка, чарм-галантерея, қоғоз-ёзув буюмларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан ҳам шуғулланади. Корея республикасидаги “ДЭУ” фирмасини олсак, у автомобиль, телеаппарат, қурилиш ва бошқа бир қанча соҳа, тармоқларда фаолият кўрсатади. Шунинг учун унинг асосий соҳасини кўрсатиш қийин. У концерндан иборат бўлиб, корхоналар гуруҳини ташкил этади.

Кўп соҳали фирмаларнинг (диверсифицияли) бозор механизмларининг самарали ишлашида роли катта. Улар анча иқтисодий турғунлик ва рақобатга чидамли бўлади. Чунки капитални силжитиш, яъни уларни истиқболи йўқ соҳалардан истиқболли соҳаларга ўтказиш имкони катта.

Диверсифициялашган фирмаларнинг иккинчи тури, яъни асосий соҳаси бўлмаган фирмаларнинг конгломерат деб аталувчи фирмалари мавжуд бўлиб, бунда бир-бирига технологик боғлиқ бўлмаган тармоқ, соҳалар бирлашиб, уларда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш мақсади бўлмайди, улар асосан акция баҳоси даражаси ҳисобига бойишни мақсад қилиб олади. Улар албатта пировардида рақобатга чидай олмай, кўпинча синади ёки тезда бозорга мослашган ҳолда кўп керак бўлмаган бўлим, фирмаларини ёпиб, маълум устун соҳани кучайтиради.

Хусусий-ташкилий томондан фирмаларнинг бўлиниши-ни олсак, тури, миқёси ёки хўжалик фаолияти соҳасидан қатъи назар, маълум давлатлар томонидан белгиланган қонуният туфайли иш кўришади. Бунда фаолиятнинг барча томонлари мавжуд қонунлар асосида ташкил этилиши, жавобгарлиги, аъзоларининг ваколоти, солиқларга муносабати, фойда ҳисоб-китоби, бошқарув тизими, юз бериши мумкин бўлган ташкилий томонлар, ёпилиши ва фаолиятининг тўхтатилиши кабилар аниқ белгилаб қўйилади. Фирмаларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари олсак, якка фирмалар ва жамиятли бирлашма фирмалар бўлади. Булар ичида энг қадимгиси ва кўп тарқалгани **якка эгаликка асосланган фирмалардир**. Биргина АҚШда буларнинг сони 11 миллиондан ортиқ бўлиб, улар асосан, магазинлар, ҳар хил устахоналар, маиший корхоналар каби молиявий имкониятлари чекланган якка ҳолдаги тадбиркорликдан иборат майда бизнесдир. Шунинг учун ҳам уларда ишлаб чиқаришни, умуман, фаолиятни кенгайтириш учун қўшимча маблағ ахтариш, албатта заруриятга айланади ва ана шу заруриятлар майда бизнеснинг бирлашувига олиб келади. Натижада турли ширкат ва жамоалар вужудга келади. Аввало жамоада сармоялар бирлаштирилиб, мулкий чегараланишсиз фирма фаолиятида унинг олдидаги мажбурият асосида қатнашадилар. Бу **тўла ширкатни** ташкил этади. Иккинчи ҳолатда тадбиркорлар капиталларинигина бирлаштириб, алоҳида иш кўрадилар. Бунда фирма олдидаги жавобгарлик фақат пай билан чегараланади. Бунга чегараланган жавобгарлик асосидаги жамоалар ва ҳиссадорлик жамиятлари киради.

Жамоалашган бизнеснинг энг оддий шакли ва барча мамлакатларда кенг тарқалгани **тўла ширкат**, унда асосан икки ёки ундан кўпроқ кишилар бирлашиб хўжаликда фаолият кўрсатадилар.

Ширкат аъзоси юридик шахс ҳисобланмайди, шундай бўлса ҳам унга оддий шахслар билан бирга юридик шахслар ҳам аъзо бўлиши мумкин. Шунинг эътиборга олиш керакки, ширкатнинг фойдасидан солиқ олинмайди, балки унинг ҳар бир аъзоси ўз даромадидан солиқ тўлайди. Шунинг учун ҳам бундай ширкатлар бошқа хил ташкилий-

ҳуқуқий шакли ширкатлардан солиқ тўлаш бўйича фарқланади. Бунда капиталдан ташқари аъзолар бошқарувда ҳам фаол қатнашадилар. Ширкат аъзолари ичида даромад ҳар ойда уларнинг қўшган капиталлари ҳиссасига қараб тақсимланади. Ширкатда тўла мулк жавобгарлиги, ҳатто шахсий мулкни қўшган ҳолдаги жавобгарлик қўлланилади. Мулк жавобгарлиги бу жиҳатдан яқка бизнесдан фарқ қилмайди.

Ширкат аъзоларидан бирининг чиқиб кетиши ширкат тақдирига ҳам даҳлдор. Чунки чиқувчининг ҳиссаси қайтарилиб, ширкатни бошқатдан ташкил этиш ҳамда янгидан шартнома тузиш керак. Бундай аҳвол тўла ширкатнинг миқдори ва бўш маблағларни ишга солиш имконини камайтиради. АҚШда 1,5 миллион шундай ширкатлар бўлиб, улар унча катта бўлмай, асосан савдо-тижорий соҳаларда иш кўришади.

Бундан ташқари аралаш ширкатлар ҳам бўлиб, буларда ҳақиқий аъзолар билан бирга омонатчилар ҳам бўлади. Омонатчилар бошқаришда қатнашмайди, уларнинг жавобгарлиги ўз омонатлари билан чегараланиб, ширкат мулкига алоқалари бўлмайди ва ўз омонатларига тушадиган фоизни оладилар. Бу хил ширкатларнинг кенгайиши учун имкониятларнинг чегараланиши сабаби сармояларнинг пай усулида жамғарилишидир. Пай гувоҳномаси акция мазмунига эга эмас ва қўлдан-қўлга эркин ўтмайди.

Бу камчилик яна бошқача ширкат, яъни акцияли **аралаш ширкатда** эътиборга олиниб, омонатчилар ҳиссадорлик ҳуқуқига эга бўладилар. Пай гувоҳнома ўрнига аъзони қиммат қоғозга эга қилади ва омонатчи эркин муомалада қатнаша олади. Бу эса ширкатнинг имконини анча кенгайтиради. Ширкат аъзоларининг қизиқиши шунда бўладики, улар икки марта солиқ тўлашдан озод бўладилар. Лекин бу шаклдаги ширкатнинг кенгаймаганлигига сабаб унинг қонуний чегараланганлиги, яъни қарз сармояларининг облигация қарзи сифатида қўллашнинг таъқиқланишидир.

Шериклик бизнеси қандай ҳуқуқий шаклда бўлмасин, дастлабки капитал харажати талаб этилмаса фойдали бўлади. Шерик асосан савдо-тижорат соҳасида фаолият кўрса-

тади. Ишлаб чиқаришни олсак, бу албатта ишлаб чиқариш омиллари учун дастлабки катта харажатларни талаб қилади, бунда ширкатлар фаолияти чекланади.

Ширкатлардан ташқари жамиятлар мавжуд, улардан бири “ёпиқ ҳиссадорлик жамият”ларидир. Улар асосан чекланган жавобгарлик асосида ташкил топади. Бу, айниқса оилавий корхоналарда кенг қўлланилади. Фарбий Оврўпода бундай фирмалар сезиларли ўрин эгаллайди. Шуни ҳам айтиш керакки, бу жамиятлар қонун томонидан бир қадар чегараланади. Айтайлик, облигация чиқариш ҳуқуқи ва оммавий аъзолик пайига ёзилиш ҳуқуқига эга эмас. Бундан ташқари аъзолар сони ҳам чекланади. Чунки чет аъзоларсиз ҳам жамият ичидаги аъзолар сони етарли бўлади.

Ташкилий-ҳуқуқий бўлинишнинг энг сўнгги шакли — **ҳиссадорлик жамиятларидир**. Бу маълум ҳўжалик фаолиятини алоҳида қимматга эга бўлган акциялар чиқариш йўли билан юзага келган капиталлар бирлашмасидир. АҚШда ҳиссадорлик жамиятлари корпорация деб аталади. Кейинги вақтларда бу термин бошқа мамлакатларда ҳам, шу жумладан, республикамизда ҳам кенг тарқалмоқда. Қонун бўйича ҳиссадорлик жамиятларини ташкил этувчилар сони чегараланади. Ҳиссадорлик жамиятларига якка шахслар, юридик шахслар аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

Қимматбаҳо қоғозлар чиқариш ва уларни тарқатиш бўйича ҳиссадорлик жамиятлари ёпиқ ёки очиқ бўлиши мумкин. **Очиқ ҳиссадорлик жамиятларида** акциялар эркин ҳолда муомалада бўлади. **Ёпиқ ҳиссадорлик жамиятларини** олсак, акциялар фақат ташкил этувчилар ўртасида тарқатилади ва акциялар эркин бозорга тушмайди. Шунинг учун бундай жамиятни ташкил этувчилар ҳиссадорлик жамиятининг устав капиталини тўла шаклантира олиш имконига эга бўладилар.

Ҳиссадорлик жамияти бошқа хил тадбиркорлик фаолиятдан кўйидагилар билан фарқланади:

1. Бу биргаликдаги корхона бўлиб, фаолияти чегараланган жавобгарликка асосланган, чунки жамият жавобгарлигини фақат ўз мулки билан таъминлаш имконига эга бўлиб, жавобгарликнинг унинг аъзоларига дахли бўлмайди. Бу иштирокчиларни ўзига тортади ва қўшимча капитал жалб этиш имконини кенгайтиради.

2. Ҳиссадорлик ҳуқуқи мулкӣ ва шахсийга бўлинади. Мулкӣлик жамият аъзосига дивиденд олиш ва жамият тугатилса, ўз улушига эгалик ҳуқуқини беради. Шахсий бўлса, бошқарувда қатнашиш ҳуқуқини беради. Мажбурият битта холос, у ҳам бўлса, акция ҳақини тўлашдир.

3. Ҳиссадорлик жамияти капитал бирлашмасининг энг турғун шаклларида бўлиб, омонатчиларнинг чиқиб кетиши бунга таъсир этмайди. Акция эркин бозор муомаласида қатнашиши туфайли жамиятга аъзо бўлиш ва чиқиш муаммосини туғдирмайди.

4. Ҳиссадорлик жамияти ўз фаолиятини амалга ошириш учун катта молиявий имкониятларга эга бўлади. Жамиятнинг капитали акциялар сотиш орқали шаклланади. Бир корхонада йирик, майда, жуда майда капиталларни жамғариш имкони бор. Сўнгра фойда ва акциялари ҳисобига капитал кўшилиб боради.

5. Капитални сафарбар этишнинг ҳиссадорлик шаклига кооператив фирмаларнинг бошқариш тузуми мос келади. Кўп сонли акция эгалари кооператив бошқарувида қатнаша олмаганлиги туфайли жорий хўжалик фаолиятини таъминлайдиган идоралар мавжуд (умумий мажлис ва бошқарма ёки директорлар кенгаши).

6. Ҳиссадорлик жамиятида ҳисоб-китоб очиқ бўлиши керак. Йилнинг чораги ва йиллик ҳисоботи жорий матбуотда эълон қилинади.

Ҳиссадорлик жамиятлари ҳозирги бозор иқтисодиётида йирик ишлаб чиқаришни ташкил этишда асос бўлиб ҳисобланади. Агар АҚШда 80-йилларда 16 миллиондан ортиқ корхона мавжуд бўлган бўлса, улардан тахминан 3,2 миллиони корпорациялар эди. Барча корхоналар 8753 миллиард доллар товар ишлаб чиқарган бўлса, шунинг 7861 миллиард доллари корпорацияларга тўғри келган. Ҳиссадорлик жамияти барча соҳаларда фаолият кўрсатиши мумкин. Ҳиссадорлик жамиятлари, айниқса АҚШда жуда яхши ривожланган, ҳатто миллий белгига айланиб қолган.

Мулк шакллари нуқтаи назаридан фирмаларда турлилик мавжуд бўлиб, фарбда улар фақат иккига бўлинади, яъни давлат ва хусусий. Маълумки, хусусий якка эгалик фирма-

лари, ширкат-шерик эгалик фирмалари ва корпорация ёки ҳиссадорлик жамиятларига бўлинади. АҚШда фирмаларнинг 70 фоизи якка эгалик, 10 фоизи шериклик ва 20 фоизи корпорациялардан иборатдир. Лекин умумий фирмалар миқдоридан 31 фоизи майда ва жуда майда хусусий корхоналарга тўғри келади.

Худудий-миллий миқёс бўйича фирмалар миллий ва трансмиллийга бўлинади. Трансмиллий корпорациялар йирик концернлар бўлиб, булар халқаро аралаш фаолиятни юритадилар. Бозор иқтисодиётида уларнинг ўрни жуда катта. Асосан йирик ишлаб чиқариш шундай фирмалар қўлида жамланган бўлиб, улар жаҳон иқтисодиёти шаклланишида етакчи роль ўйнайди.

Миқдорий томондан фирмалар йирик, ўрта ва майда бизнесларга бўлинади. Бундай бўлиниш шартли бўлиб, мамлакатлар бўйича табақаланган. Масалан, АҚШда, фирмаларда 500 дан кам ишчи банд бўлса майда, 500 дан 1000 тагача ишчи банд бўлса ўрта фирма ҳисобланади. Кўпчилик Фарбий Оврўпо мамлакатларида эса ишловчилар сони 50 дан 500 гача бўлса, бундай фирмалар ўрта фирмалар дейилади. Бундай фирмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ва рақобат кураш стратегияси мавжуддир.

УЙ ХЎЖАЛИГИ ВА ДАВЛАТ

Бозор иштирокчиларининг кейинги йирик бўлинмаси оила хўжалигидир. Бу бозор иқтисодиётида икки ёқлама хусусиятга эга. Бир томондан, оила хўжалиги ишлаб чиқариш ресурслари эгалари бўлса, иккинчи томондан, сарфхаражатларни амалга оширувчилардан иборат бўлади, яъни улар ҳам таклиф, ҳам талаб шаклланишида иштирок этадилар. Уй хўжалигининг даромад олувчи сифатида қатнашувида мулкдан (капитал, иш кучи, ер, ссуда, ишлаб чиқариш воситаларидан) фойдаланиш ҳаракати ва шахсий тақсимотдаги қатнашувини фарқлай билиш керак. Фойдаланиш ҳаракати ишлаб чиқариш жараёнида даромад олиш билан боғлиқ бўлади. Масалан, иш ҳақи ишлаб чиқарувчиларга бевосита бажарилган иш учун берилса, рента ва процент ресурслардан фойдаланиш учун тўланади. Фойдаланиш ҳаракати ишлаб чиқариш жараёнида даромад олиш билан боғлиқ бўлади. Айтайлик, иш ҳақи ишлаб чиқарув-

чиларга бевосита бажарилган иш учун берилса, рента ва процент ресурслардан фойдаланиш учун тўланади. Фойда эса хўжалик эгаларига қолади.

Шахсий тақсимотни олсак, бу фойдаланиш ҳаракатидаги тақсимотга қарам бўлиб, айрим уй хўжаликлари ўртасида жами даромаднинг тақсимланиши усулига боғлиқдир. Бунда қўлланиладиган усул турлари, маълумоти, мутахассислик сифати, ҳудудий жойлашиш кабилар ва омад таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади.

Уй хўжалигини сарф-харажат нуқтаи-назаридан оладиган бўлсак, бунда уларни ўз даромадларининг тақсимловчиси сифатида кўрамиз. Даромадларнинг бир қисми солиқлар кўринишида давлатга кетади, қолган қисми эса истеъмол ва жамғармага айлантирилади. Шахсий истеъмол қисми яна ишлаб чиқаришга тушади, чунки ишлаб чиқарувчилардан товарлар, хизматлар сотиб олинади. Жамғарма қисми эса банкларга қўйилади, суғуртага, акция ва облигацияларга айлантирилади. Жамғарманинг уй хўжалиги даромадидаги алоҳида қисми бозор иштирокчилари томонидан уй-жой сотиб олиш, узоқ муддат фойдаланиладиган асбоблар ва жиҳозлар учун сарф этилиб, уй хўжалигининг келажак даромадлари ҳимояланади.

Бозор иқтисодиёти иштирокчиларининг асосийларидан яна бири давлат дедик. Бозорда хусусий тадбиркор билан бирга давлат ҳам фаол қатнашади. Давлат тадбиркорлиги давлат корхоналари фаолиятида ифодаланиб, бу миллий иқтисодиёт тараққиёти учун зарур бўлган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва уларни бозорга олиб чиқишдан иборатдир. Давлат корхоналари тижорий ва нотижорий асосдаги ҳаракатда бўлишлари мумкин. Айтайлик, Италияда тижорийлик устунлик қилади. Шу билан бирга улар жуда мослашувчан бўлиб, ҳукумат иқтисодий сиёсатига қараб ўзгарувчандир. 1980 йилларда Англияда давлат сектори умумиқтисодиётда 18,7 фоиз бўлса, хусусийлаштириш натижасида бунинг 2/3 қисми шахслар ва жамоаларга ўтказилган эди. Францияни олсак, унда ҳам 80-йилларда давлат қисми иқтисодиётда 22,8 фоизга етган бўлса, кейин пасаяверди. Шу билан бирга давлат корхоналарида ислоҳотлар ўтказилиб, ўзини-ўзи қоплаш усуллари қўлланила бошланди.

Мамлакатлар	1	2	3	4	5	6	7	8
Англия	75	75	75	75	25	75	75	75
Франция	75	75	75	75	—	75	75	75
ФРГ	75	75	75	50	25	75	75	25
Япония	75	75	25	25	—	75	75	25
Швеция	75	75	50	75	—	—	75	75
АҚШ	75	25	27	25	25	25	25	25

Ривожланган мамлакатларда давлат тадбиркорлиги (тармоқларга нисбатан% ҳисобида: 1-почта, 2-алоқа, 3-электроэнергетика, 4-газ саноати, 5-нефть қазиб чиқариш, 6-кўмир қазиб чиқариш, 7-темир йўл транспорти, 8-пўлат эритиш саноати)

Жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, ривож топган мамлакатларда айрим тармоқлар бўйича давлатнинг ҳиссаси жуда катта. Буни почта, алоқа, темир йўл транспортларида яққол кўриш мумкин. Лекин пўлат эритиш, электро-энергетика, газ саноатларида ҳам бу сезиларлидир. Лекин буларнинг ичида АҚШ, Япония давлатлари бир қанча ўзгаликка эга.

Давлат корхоналарини фаолият асослари бўйича 3 гуруҳга бўлиш мумкин: 1) бюджет корхоналари, 2) ижтимоий корпорациялар, 3) аралаш ҳиссадор жамиятлари.

Бюджет корхоналари юридик, хўжалик мустақиллигига эга бўлмайди. Улар давлат маъмурий бошқарилишига қарам бўлиб, бевосита вазирлик, маҳкама ёки маҳаллий ҳокимият ихтиёридадирлар.

Давлат бюджет корхоналарининг барча даромад ва харажатлари бюджет орқали ўтади. Бундай корхонанинг раҳбарлари, ишчи ва хизматчилари давлат хизматчилари ҳисобланади. Давлат тижорат корхоналари озчиликни ташкил этади. Бундай корхоналарнинг энг кўпи ижтимоий корпорациялар бўлиб, улар ҳиссадорлик жамиятлари шаклида ҳукуматлар қарори билан ташкил топади. Лекин акцияларнинг ҳаммаси давлатники ҳисобланади. Давлат бошқарувига кирмаса ҳам, лекин фаолиятлари келишилган ҳолда амалга ошади.


Ижтимоий корпорациялар ўз капиталига эга бўлиб, уларнинг хўжалик фаолиятлари тижорий асосда амалга ошади. Асосий сармоялари давлат ҳисобига ташкил топиши билан хусусий фирмалардан фарқ қилади.

Аралаш ҳиссадорлик жамиятлари тадбиркорлик фаолиятида кенг қатнашиш имконига эга бўладилар. Масалан, Буюк Британиянинг “Бритиш аэроспейс” йирик авиакомпания корпорацияси дунёда “Боинг”дан кейин учуш аппаратлари чиқариш бўйича иккинчи ўринда туради. Бу корпорация 1981 йили нодавлаштирилиб, хусусий халқ компаниясига айлантирилди, лекин 81 фоиз акция давлат ихтиёрида қолди. Аралаш компаниялар ҳиссадорлик жамиятига оид қонунлар бўйича фаолият кўрсатади. Буларнинг ўз капиталлари ҳиссадор капитал, капиталлашган фойда, эмиссия даромадларидан таркиб топади. Давлат ва хусусий акциячилар фаолиятларидан дивиденд тарзида даромад оладилар. Лекин хусусий фирмаларга нисбатан давлат аралаш фирмалари давлат субсидияси, дотацияси, кафолати, хом ашё билан таъминлаш, маҳсулот сотиш кафолати каби имтиёзларга эга.

18-тарҳда бозорнинг асосий иштирокчилари ва булар ўртасида бозор орқали ресурс, маҳсулот ва даромадларнинг умумий ҳаракати, тақсимланиши, турли харажатларнинг амалга ошиши кўрсатилган.

Ресурслар уй хўжалигидан ресурслар бозорига ва ундан икки томонга, яъни фирмалар ва давлат томон ҳаракатда бўлади. Ҳақиқатан ҳам фирмалар ва давлат корхоналари ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучини уй хўжалигидан бозор орқали: ё сотиб олади, ё ижарага олади.

Фирмалар ресурслар сотиб олар экан, харажатларни амалга оширади. Давлат ҳам уй хўжалигининг ресурслар бозорида иштироки туфайли маблағ сарф қилади ва ишлаб чиқариш омилларига эга бўлади. Демак, айтилиши вақтда асосий бозор иштирокчилари бўлган фирмалар, уй хўжалиги ва давлат ресурслар бозорини ташкил этишда қатнашадилар. Лекин даромад олишда ресурс бозорида фақат уй хўжалиги қатнашади. Кўриниб турибдики, ресурс бозоридаги таклифни шакллантиришда фақат уй хўжалиги иштирокчи бўлса, талабнинг шаклланишида фирмалар ва давлат иштирокчи бўлиб чиқади.



18-тарх. Асосий бозор иштирокчилари ва иқтисодий айланиш

Энди маҳсулот бозорининг иштирокчилари ва иқтисодий ҳаракатда бу бозорнинг ролини кўрайлик. Фирмалар, уй ҳўжалиги ва давлат биргаликда маҳсулот бозорининг иштирокчилари сифатида қатнашади. Фирмалар маҳсулот бозорига товар ва товарлашган хизматларни таклиф этадилар. Шунингдек, давлат товар ва хизматлар таклифининг шаклланишида иштирок этади. Уй ҳўжалиги эса товар ва хизматларни бозордан сотиб олувчи сифатида иштирок этиб, фақат талабни шакллантиришда қатнашади. Демак, маҳсулот бозоридаги талабни уй ҳўжалиги билан давлат биргаликда шакллантиради, таклифни шакллантиришда эса фирмалар қатнашади.

Даромадлар ва харажатлар ҳаракатини кўрадиган бўлсак, бу ресурслар ва товарлар ҳаракатига акс ҳолда юз беради. Харажатлар фирма ва давлатдан ресурслар бозорига томон йўналишда бўлади. Шу билан бирга давлат томонидан хара-

жатлар маҳсулот бозорига ҳам қаратилган бўлади. Уй хўжалигини оладиган бўлсак, унинг харажатларининг йўналиши маҳсулот бозорига, пул даромади ҳаракати маҳсулот бозоридан фирмаларга қаратилган бўлиб, бу савдодан келадиган тушумлардир.

Шундай қилиб, ресурслар ва товарлар, товарлашган хизматлар ҳаракати соат мили йўналишига тескари ҳолда, харажатлар ва даромадлар ҳаракати эса соат мили йўналишида амалга ошади.

Бозорсиз иқтисодий ҳаракат ҳам мавжуд бўлиб, бу давлат билан боғлиқдир. Агар давлат фирмалар ва уй хўжалигини товарлар ва хизматлар билан таъминлашда қатнашса, улар, ўз навбатида, давлатни солиқ билан таъминлаб туради.

Фирмалар ўз даромадларини маҳсулот бозорлари орқали олсалар, уй хўжаликлари ўз даромадларини ресурслар бозори орқали оладилар. Давлат эса бевосита фирма ва уй хўжаликларидан солиқ орқали даромад олади.

Шундай қилиб, фирмалар, уй хўжаликлари ва давлат бозорда, яъни ҳам ресурслар бозори, ҳам маҳсулотлар бозорида иштирок этадилар. Фирмалар ресурслар бозорида талабни юзага келтириб харидор сифатида иштирок этса, маҳсулот бозорида таклифни шакллантириб сотувчи сифатида иштирок этишади. Уй хўжалиги бунинг акси сифатида ҳаракатда бўлади. Давлатни олсак, у ресурслар, товарлар, хизматлар, даромадлар ҳаракатига ҳомийлик қилиб, иккови бозорда ҳам иштирок этади. Шу билан бирга давлат бу ҳаракатларни назорат этган ҳолда ва солиқлар воситасида фирмалар ва уй хўжалиги фаолиятларига таъсир ўтказади. Шундай йўллар билан миллий маҳсулот, иш билан бандлик, инфляция даражалари ҳамда даромадни қайта тақсимлашда таъсир кўрсатиш имконига эга бўлинади. Бошқача қилиб айтганда, давлат пул маблағларини солиқлар ҳисобига жамлаш билан иқтисодиётнинг самарали ривожланишини таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва ҳуқуқий асосларга эга бўлиш имконини қўлга киритади.

Бу ерда биз давлатнинг бозор иқтисодиётидаги иштирокчилигини асосан тадбиркорлик фаолияти билан чегаралаймиз. Чунки унинг иқтисодиётдаги фаолиятини бозор иқтисодиётини тартибга солиш мавзуида ҳам кўриб чиқамиз.

БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Бозорда тараққий этган турли ишлаб чиқариш структураси мавжудлигига қарамай инфраструктура бўлинмаси катта аҳамият касб этади. Бусиз ва унинг ривожисиз бозор иқтисодиёти самарали ҳаракатда бўла олмайди.

Бозор инфраструктураси деганимизда воситачилик тармоқлари, транспорт, алоқа, ахборот кабиларни тушунамизки, буларсиз товарлар ҳаракати, тижорат кабиларни тушуниб бўлмайди, албатта. Шунинг учун биринчи навбатда, бозорнинг тижорий томонларини ифодаловчи савдо-воситачилик бўлимлари ва биржалар билан танишиб чиқайлик.

15-жадвал

Бозор инфраструктураси

Инфраструктура бўлинмалари	Вазифалари	Даромад хусусиятлари	Хиллари
Савдо-воситачилик	Олди-сотди ишларини бажариш	Товарлар билан иш кўриш	Савдо, комиссиян, ваколатли, брокер
Биржа	Савдо билан боғлиқ келишувлар	Бевосита товарсиз савдо қилиш	Товар, фонд, меҳнат биржалари
Транспорт	Юк ва йўловчиларни ташиш	Моддий буюм ва одамлар билан иш кўриш	Автомобиль, темир йўл, ҳаво, сув транспортлари
Ахборот, алоқа	Бозор ҳолатини билдириш	Товарларсиз хизмат билан иш кўриш	Радио, телевидение, космос, компьютер
Омбор хўжалиги	Бозорларни товарлар билан таъминлаш	Моддий бойликлар билан боғлиқ бўлиш	Ишлаб чиқариш қорхоналари, улгуржи ва чакана савдо
Банклар	Пул муомаласини таъминлаш	Пул билан фаолият кўрсатиш	Давлат, хусусий, марказий, тижорат, миллий банклар

Бозор аввало товарлар, товарлашган хизматларнинг олди-сотдиси, шунингдек, савдо-воситачилик фаолияти жараёнидан иборат. Бунда мустақил иш кўрувчи савдо воситачиси ишлаб чиқаришнинг топшириғи билан шартномалар ёки алоҳида топширмалар бўйича олди-сотди ишини амалга оширади. Бу иш оддий бўлиб кўрингани билан, харидорлар то-

пиш, олди-сотдини амалга ошириш, тўловлар кафилигини таъминлаш ва уларни қарз пуллар билан қоплаш, товарларни бехатар жойига етказиб бериш, зарурият бўлса чегарадан товар ўтказишни таъминлаш каби вазифаларни ижро этишни талаб этади.

Жадвалда бозор инфраструктурасининг тармоқ-бўлинмалари ва уларнинг фаолиятига хос томонлар кўрсатилган. Сиз билан жадвалда кўрсатилган бўлинмаларнинг хусусиятларини кўриб ўтайлик.

Воситачилик фаолияти асосан қайта сотиш, комиссия, вакиллик ва брокерликлардан иборатдир. Қайта сотиш ўз маблағи ҳисобига ўз номидан, воситачи савдогар томонидан амалга оширилади. **Комиссион савдо комиссионер** деб аталмиш шахс томонидан комитент деб аталувчи топшириқ бўйича бажариладиган олди-сотдидир. Вакиллик товар эгаси номидан ва ҳисобидан олди-сотди билан боғлиқ юридик ва амалий ишларни ижро этади. Брокерлик — сотувчи ва харидор ўртасидаги алоқани ўрнатиш билан боғлиқ вакиллик фаолиятидир.

Товарларни қайта сотиш билан савдо уйлари, экспорт ва импорт, чакана савдо фирмалари, импортер кабилар шуғулланади. Масалан, АҚШда 240 мингдан ортиқ савдо-воситачилик фирмалари бўлиб, уларда 2,6 миллион киши ишлайди. Бу фирмалар товар хиллари, хизмат турлари бўйича ихтисослашиб иш кўрадилар. Пахта бозорида “Андерсон” ва “Клейтон” фирмалари, ғалла бозорида “Каргил”, “Континентал Грейн” каби фирмалар мавжуд. Машҳур фирма ҳисобланган “Луис Дрейфус” Францияда жойлашган. У ғалла, ўсимлик ёғи, кофе, чорва савдоси билан шуғулланади, 1,5 миллион тонна юк ташувчи 50 та кемалари бор, жаҳондаги йирик хусусий банклар билан боғланган, биржа савдосини ҳам олиб боради.

Бозор иқтисодиёти инфраструктурасида ва унинг воситачилик тармоқларида **биржа** катта аҳамият касб этади. Биржаларнинг бир неча хили бўлиб, улар асосан товар, фонд, меҳнат ва бошқа биржалардан иборат. Обороти бўйича биринчи ўринда товар биржаси туради.

Жаҳон товар биржасида бор-йўғи 100 га яқин товар хиллари савдоси амалга ошиб, бунда қишлоқ хўжалик товарлари сезиларли ва катта ўринни эгаллайди. Шунга қарамай,

умуман, товар биржаларининг йиллик обороти 3,5—4 миллиард доллар ёки шундай товарлар жаҳон савдоси оборотининг деярли 1/3 қисмини ташкил этади.

Энг йирик биржа марказлари АҚШ, Англия ва Японияда жойлашган. Жаҳон халқаро биржа оборотининг 90 фоизи уларга тўғри келади. Ўзбекистонда ҳам биржалар пайдо бўла бошлади.

Товар биржаси. Бу доимий ҳаракатдаги бозор кўри-нишларидан бўлиб, асосан оммавий қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, озиқ-овқат ва хом ашё савдоси билан шуғулланиб, бунда товарларнинг бир хиллиги асос бўлиб ҳисобланади. Савдода бевосита товарларнинг ўзи қатнашмай, белгиланган стандарт ва нишоналар билан олди-сотди қилинади. Бунда биржа контракти асосида қатъий белгиланган сифат ва олиб келиш муҳлати аниқ кўрсатилиб иш тутилади. Шунинг учун биржадаги савдода товарлар қўлдан-қўлга ўтмай, уларнинг ҳуқуқлари, яъни уларга эгалик ҳуқуқини берувчи расмий қоғозлар қўлдан-қўлга ўтади. Бир товар устида бир неча марта шундай ҳодиса бўлиши мумкин.

Одатда товар биржасида икки усулда савдо амалга ошиши мумкин: реал товар устида келишув ва муҳлатли (фьючерли) келишув юз беради. Фьючер келишувда фақат товарга бўлган ҳуқуқнинг олди-сотдиси юз беради, яъни ҳуқуқий расмий қоғоз савдоси амалга ошади. Бу хил биржа айниқса ривож топган мамлакатларда кенг авж олган. Чунки реал товар биржа савдоси атиги 1—2 фоизни ташкил этса, қолгани фьючер биржасига тўғри келади. Бунинг талаби жуда кучли бўлиб, уни бекор қилиш айрим ҳолатлардагина юз беради.

Фьючер биржаси савдосидан мақсад шу товарни ўз муҳлатида олиш эмас, балки келишув вақти билан амалдаги вақт ўртасидаги баҳо фарқи келтирадиган фойдани кўзлашдир. Чунки вақт ўтиши билан баҳо ўзгаради, натижада ё сотувчи, ё сотиб олувчи ютади ёки ютқазади. Амалда фьючер биржа савдоси бўйича келишмалар асосидаги товарларнинг реаллиги 2 фоиздан ошмайди. Фьючер контрактлари ҳисобот палаталарида келишув вақтидаёқ рўйхат қилиниб, сотувчи ёки сотиб олувчи шу палата билан боғлиқ бўладилар.

Биржалар очик ва ёпиқ бўлиши мумкин. Фонд биржалари қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ келишувларни амалга оширади. Булар орқали капиталлар сотилиши юз беради.

Банк тизими. Товарнинг бозордаги ҳаракати айни вақтда пул муомаласи, ҳаракатидир. Чунки у туб мазмуни билан товар-пул муомаласидир. Пул ҳолати, ҳаракати товар ҳаракатига таъсир кўрсатади. Бу ҳаракатнинг таъсири албатта ҳар хил, яъни кўп ва оз, саёз, чуқур ёки кенг ва тор. Пул хўжалигини уюштириш, уни ҳаракатлантириш банкларга боғлиқ. Чунки банк пул ҳаракати билан боғлиқ муомалаларни уюштирувчи корхона ҳисобланади. Бундан ташқари молия органлари мавжуд бўлиб, пул ҳолати, унинг таъсири, ундан фойдаланиш шу молия идораларига боғлиқ. Улар пул билан боғлиқ тартиб-қоида, пул воситасида даромад тақсимлаш ва бозорни тартибга солиш каби вазифаларни бажарадилар. Демак, аввало банклар, қолаверса молия идоралари бозор иштирокчилари ҳисобланади.

Банклар пулга оид иш ва вазифаларни бажаришларига қараб ҳар хил бўлади. Айтайлик, марказий эмиссияли банклар пул чиқариш, уларни йиғиш, сақлаш, муомаллага чиқариш каби ишларни уддалайдилар. Булар ўз ҳолатига кўра бош, асосий банк, эмиссияли банклар ҳисобланади ва бошқа банкларни ҳам пул билан таъминлаб турадилар. Пул эмиссиясини амалга оширадилар, пул birlikлари ўртасидаги тенглик, миллий пулларни бир-бирларига алмаштириш каби ишларни бажарадилар. Шунингдек, бу банклар давлат томонидан чиқарилган пулларни жамғариш, уларни тақсимлаш, муомаллага чиқариш каби вазифаларни ҳам адо этадилаки, бюджет сармоялари уларнинг хазинасига йиғилади. Бизнинг шароитимизда **Марказий банк** асосий пул сармояларининг эгаси ҳисобланади.

Бундан кейин **коммерция-тижорий** банклар туради, улар ҳақиқий товарлар ҳаракатини таъминлайдиган банклардир. Бу банклар асосан товарлар учун бўладиган кредитларни амалга оширадилар. Айтайлик, товар ишлаб чиқарувчи товарларини улгуржи савдогарга қарзга сотар экан, бу тижорий банк воситачилигида амалга ошади. Маълумки, бозорда

пул билан боғланган фаолият тури кўп, буларнинг фаолияти шу тижорий банклар орқали амалга ошади. Бозор иштирокчилари ўз хўжалик фаолиятларида, албатта бу банкка муурожаат этадилар. Шунинг учун умуман тижорий ишларнинг ҳаракат тезлиги, уларнинг самарадорлиги бу банклар фаолияти ва бозор иштирокчилари билан бўлган алоқа ҳажми, тезлигига боғлиқдир.

Кўриниб турибдики, банклар бозорнинг жуда муҳим ва таъсирли иштирокчилари бўлиб, пул орқали бозорни жонлантириб, бозор фаолиятини кучайтирадилар ва барча бозор иштирокчиларига таъсир кўрсатадилар. Банклар мулк нуқтаи назаридан асосан давлат ёки хусусий бўлиши мумкин.

Бозор инфраструктурасида **транспортнинг** ўрни катта. Маълумки, товарлар ички ва ташқи бозорлар миқёсида талабга қараб ҳаракатда бўлади. Бунинг учун турли транспорт хиллари хизмат қилади. Энг асосийлари темир йўл ва автомобиллар, пароход ва самолёт, вертолётлардир. Транспорт турлари ҳар хил товарлар ташиш учун мослаштирилган. Айтайлик, денгиз ва дарё кемалари қуруқ юк, сууқ ва газ юклари ташийдиган кемалар, шунингдек, темир йўлда кўмир вагонлари, бензин ва нефть вагонлари, турли газ маҳсулотлари вагонлари, контейнерлар, автомашиналар ташишга мослашган вагонлар, шу билан бирга чорва, озиқ-овқат ташийдиган музхонали вагонлар ва ҳоказолар мавжуд.

Бозор талаби асосида автомобиль транспорти жуда ривожлангандир. Автомобиль транспортининг хилма-хил турлари бўлиб, улар товарларни ўз вақтида керакли жойга етказишга ва бундаги минг-минглаб юзага келадиган талабларни ўз вақтида, зарурий даражада қондиришга қаратилган.

Товар ҳаракати транспорт воситалари билан бирга **омбор хўжаликларига** боғлиқки, уларнинг товар турларига қараб мослашиши, транспорт ривожига қараб жойлашиши жуда аҳамиятлидир. Ҳар бир товар тури ва хили, истеъмол хусусиятига қараб, унинг мавжуд сифатларини сақлаш учун алоҳида махсус омбор, базалар юзага келтирилиб, уларда товарлар табиий ҳолатига қараб жойлаштирилади. Улар ишлаб чиқариш корхоналари, юк тушириш жойлари, порт-

лар, темир йўл бекатлари, аэропорт ва бевосита сотиш-истеъмол жойларида жойлашган.

Транспортлар хўжалигида бир-бирига боғлиқлик, бир-бирини тўлдириш ва воситачилик қилиш ҳоллари мавжуд. Агар темир йўл бўлмаса, у сув транспорти ёки автомобиль ва ҳаво йўли транспорти билан тўлдирилади. Лекин барча транспорт турлари учун автомобиль транспорти воситачилик ролини бажаради ва шу хил транспорт билан ҳақиқий истеъмол жойига етказилади.

Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиётида транспорт турларининг ўрни катта. Бусиз товарларнинг сотилиши ва истеъмолга тайёр бўлишини тасаввур этиш мумкин эмас. Шунга кўра бу хўжалик эгалари уларнинг қайси мулк шаклида ва хўжалик турида бўлишидан қатъи назар, улар бозорнинг муҳим иштирокчиларидир. Ҳақиқатан ҳам ишлаб чиқариш билан истеъмолни боғлайдиган бозор муносабатлари бўлса, буларни реаллаштирадиган, товар етказиб берадиган транспортчи-бозор иштирокчиларидир. Бевосита истеъмол қилинадиган товар ишлаб чиқариш даражасидан қатъи назар транспорт ривожини орқали ҳар қандай товарлар бозорини авж олдириш мумкин.

Бозор ривожини учун муҳим тармоқлардан яна бири унинг инфраструктурасини ташкил этадиган **ахборот ва алоқа** тармоқларидир. Янги техника-технология туфайли бу тармоқлар жуда авж олди ва инсон ҳаёти, фаолиятида ўз аҳамиятини жуда оширди. Бу айниқса, бозор иқтисодиётида кўзга ташланади.

Албатта иш тури қанча кенг ва мураккаб бўлса, ахборот хили ҳам кенг ва кўп талаб қилинади. Чунки ўз фаолиятига боғлиқ барча соҳаларни билиш, хабардор бўлиб туриш, улардаги ҳолатга тўғри баҳо бериб иш тутиш, ўзининг иш самарадорлигини билан боғлиқ тармоқ, соҳа фаолиятларини билиб туриб, ўз ҳулосасининг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиниши керак.

Ахборотнинг аҳамияти, айниқса биржаларда сезиларли бўлиб, ҳатто тақдир кўпинча шунга боғлиқдирки, бунинг ҳаммаси ахборотга бўлган талабни жуда кучайтиради. Бозорда иштирокчи ҳамма нарсани, хўжалик ва тижорий муаммоларни ўзи ҳал қилиши талаб этилади.

Кейинги 15—20 йиллар ичида ахборот, алоқа индустрияси шундай авж олдики, бу тармоқлар жуда қулай, юқори самарали техникани юзага келтириб, замонавий асбоб-ускуналар яратилиб, улар ривожланган мамлакатларда кенг фойдаланила бошланди. Ахборот, алоқа хўжаликлари кенг тармоқли бўлиб, тез ва кўп ахборот олиш имконини туғдиради ва бозор иштирокчиларининг бу соҳадаги талабларини қондириш даражасига кўтарилади. Компьютерлар, электрон ҳисоблаш машиналари, космос алоқа усуллари, замонавий радио, телефон алоқалари кабилар бунинг мисолидир. Буларга талаб ва уларнинг бозор ривожигаги ўрни жуда катта.

Бозор иқтисодиёти талаби асосида йирик, кенг тармоқли ахборот ва алоқа корхоналари юзага келтирилган. Бунинг ташкилотчилари, яъни бозор инфраструктурасининг ахборот, алоқа тармоқлари ва уларнинг эгалари ишлаб чиқарувчи, истеъмолчиларга ўхшаган бозор ҳажми, ривожини белгиловчи иштирокчилардан ҳисобланади. Бу бозор иштирокчилари ўз фаолиятларини кенгайтирса, авж олдирса, бозор муносабатларининг ривожланишига янада имкон туғдиради.

Бир хил бозорларда иштирокчиларнинг фаолияти одатдаги товарлар ва хизматлар билан иш кўришдан фарқланади. Бу, айниқса меҳнат бозори, пул бозори, илмий ишланмалар каби бозорларда кўзга кўринади. Меҳнат бозорида миллионлаб иш кучи эгалари ўз товарлари билан қатнашадилар ва бевосита тадбиркорлар билан ўзлари мулоқотда бўладилар. Бошқа товарлардан ўзгачалиги, яъни буюм ҳолида ифода бўлмаганлиги билан фарқланади. Шунингдек, бунинг баҳоси олди-сотдида, яъни бозорда юзага келса ҳам, унинг баҳо ҳақи истеъмол қилингандан кейин тўланади. Бундан бошқа бозор иштирокчилари ўртасида бўладиган муносабатларнинг энг фарқли томони шуки, баҳоси бевосита бозорда тўланмай, кейин, яъни бу товардан фойдаланилгандан кейин иш ҳақи тариқасида тўланадики, бундаги асосий шарт товар эгасининг товар сотиб олувчини кредитловидир.

Бу товарларнинг оммавий ёлланиши шароитларида олди-сотди воситачилар орқали юз бериши, масалан, касаба ташкилотчилари, меҳнат биржалари кабилар орқали бозор вазифаси бажарилиши мумкин.

Илмий ишловлар бозорини олсак, бунда асосан ақлий меҳнат маҳсули, лойиҳалар, режа, илмий ишлов — товар сифатида сотилади ва этасининг ўзгариши бошқа ҳолатлардек таклиф ва талаб мазмунида амалга ошади. Бу ё ёлланма меҳнат шаклида, ё тайёр фикр акс эттирилган ҳолатда юз бериши мумкин.

Пул бозори ва уларнинг иштирокчилари фаолияти ҳам бошқа товарлар бозоридан бирмунча ўзгача кўринишда бўлади. Агар пул бошқа ҳолатларда воситачилик ролини бажарса, бу ерда ўзи товар сифатида сотилади ва пул ролида бошқа қимматбаҳо қоғозлар ўз нархига эга бўлиб, шу бозорда юзага келадиган нархларда сотилади ва сотиб олинади. Ўз мазмунига кўра бунда бозор иштирокчилари савдогарлар ўртасидаги бозор муносабатларини ўзларида ифода этадилар. Пул бозорининг асоси шу пул ёки қимматбаҳо қоғозларнинг айнан зарурияти ва қадри туфайли белгиланадики, бунга сотиб олувчида эҳтиёж туғилади ва у талабга айланиб, талаб таклифни юзага келтиради.

Умумий қилиб айтганимизда, бозор иштирокчилари қанчалик турли ва кўп сонли бўлса, бозор шунчалик сермазмун, кенг ва ҳар томонлама ривожланиш имконига эга бўлади. Турлилиқ ва уларнинг миқдорий кўпчилиги рақобатни, шунингдек, бозор иштирокчилари фаолиятини кучайтиради.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. **Бозор иштирокчилари** (субъектлари) — бозорни ташкил этувчи, бозор муносабатларини ифодаловчи бўлиб, унинг асосини оила, давлат ва фирма ташкил этади.

2. **Оила** — мулк эгалари, ресурслар эгалари ҳам таклиф ҳам талабни шакллантирувчи уч асосий бирликка киради.

3. **Фирма** — корхона асосида ташкил топади. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият кўрсатади. Бозорда айни вақтда сотувчи ва харидор сифатида иштирок этади.

4. **Давлат** — бозор иқтисодиётини тартиблаштирувчи ва иқтисодий фаолият билан иштирок этувчидир.

5. **Бозор иштирокчилари** хўжалиқ фаолияти, ҳуқуқий, мулкий хусусиятлари билан фарқланадилар.

6. **Бозор инфраструктураси** — кенг миқёсдаги ишлаб чиқаришдан ташқари бозор иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи тармоқлар мавжуд бўлиб, улар қаторига савдо-воситачилик, банклар тизими, биржалар, транспорт хиллари, ахборот ва алоқа кабилар киради.

7. **Савдо-воситачилар** мустақил равишда ишлаб чиқарувчи топшириғи бўйича товарлар ва товарлашган хизматлар қайта савдосини амалга ошириб, харидорлар топиш, товарларни ўз жойларига етказиш, товарлар тўловини амалга ошириш вазифаларини бажарадилар.

8. **Биржа** келтишувлар асосида бевосита товарларсиз савдони амалга оширади. Булар товарлар, фондлар, меҳнат биржаларидан иборатдир.

9. **Транспорт** товарларни ташиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан бозор учун товар силжишини таъминлашдан иборат. Бу темир йўл, автомобиль, ҳаво йўллари ва сув транспортларидан иборат бўлади.

10. **Ахборот, алоқа** бозор иқтисодиётига хос маълумот олиш, бу соҳадаги бевосита алоқаларни амалга ошириш учун хизмат кўрсатувчи корхона ва муассасаларни ўз ичига олади. Бу бозор ҳолатини билдириш ва ўз вақтида зарур алоқаларни таъминлаб, бозор ҳаракатини тезлаштиради.

11. **Омбор хўжалиги** бозорда товарлар доимийлиги, уларнинг сифатини сақлаш, истеъмол ҳолига келтиришни таъминлаб, бозор учун муҳим вазифаларни бажарувчи иштирокчилардан иборат. Бу ишлаб чиқарувчи корхоналар, улгуржи ва чакана савдо олиб борадиган хўжаликларни ўз ичига олади.

12. **Банклар тизими** пул муомаласини таъминлайди, пул ҳаракати, кредитлар, пул тўловлари каби вазифаларни бажаради ва давлат, хусусий тижорат ҳамда миллий банк хиллари мавжуд.

МАВЗУ БЎЙИЧА САВОЛЛАР ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Бозор иштирокчилари (субъектлари)ни тушунтириб беринг.
2. Бозор иштирокчилари хўжалик фаолияти, мулкый, ҳуқуқий кўринишлари бўйича қандай қисмлардан иборат?
3. Фирма — корхонанинг бозор иштирокчилари сифатидаги асосий хусусиятларини айтиб беринг.
4. Оиланинг хўжалик фаолияти ва бозор иштирокчиси сифатидаги ўрнини кенгроқ талқин этиб беринг.
5. Давлатнинг бозор иқтисодиётдаги ўрни, роли ва иштирокчи сифатидаги фаолиятини тушунтиринг.

6. Бозор инфраструктураси моҳиятини тушунтиринг, унинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини атрофлича ёритиб беринг.

7. Бозор инфраструктураси тармоқлари ва уларнинг бозор иштирокчилари сифатида бўлиш томонларини кенгроқ айтиб беринг.

8. Бозор инфраструктурасининг ишлаб чиқариш структурасидан фарқи нимада?

9. Савдо-воситачиликнинг мазмунини тушунтиринг, унинг хилларини ва ҳар бирининг аҳамиятини кўрсатиб беринг.

10. Биржалар ҳақида нималарни биласиз? Унинг қандай турлари бор? Биржа турларининг хусусиятларини кўрсатиб бера оласизми?

11. Нима учун транспорт бозор инфраструктурасига киради? Унинг қандай турлари, хилларини биласиз?

12. Аҳборот ва алоқанинг бозор иштирокчилари сифатидаги хусусиятларини кенгроқ тушунтириб беринг. Бунга нямалар киришини ва уларнинг хусусиятларини кўрсатиб беринг.

13. Омбор ҳўжалиги нима, унинг қандай хиллари бор? Унинг бозор иқтисодиётидаги ўрнини тушунтиринг?

14. Банклар тизими ва унинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини тушунтириб беринг. Унинг хиллари ва вазифаларини мисоллар билан айтиб беринг.

15. Бозор инфраструктурасининг мамлакатимиздаги ҳолати, даражасини имкони борича амалий мисоллар билан кўрсатиб беринг.

1 XI. ТАДБИРКОРЛИК

Ҳаётимизга тадбиркорлик, бизнес каби тушунчалар тўла кира бошлади. Бизнинг турмуш тарзимиз учун булар янги тушунчалардир.

Ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида тадбиркорлик кенг ижтимоий муносабатларни ўз ичига олади ва бунда ҳуқуқий, руҳий ва тарихий томонлар мавжуд. Лекин ўзининг туб моҳияти бўйича тадбиркорлик иқтисодий ҳаётга кириб кетади. Ўз иқтисодий табиати бўйича тадбиркорлик икки томоннинг диаметрик бирлигини: умумиқтисодий мазмун ва махсус ижтимоий шакллар бирлигини ташкил этади.

XVI асрдан бошлаб тадбиркорлик фаолиятига диққат-эътибор кучайди ва иқтисодчи, руҳиятшунос, сиёсатчилар буни ўрганиш учун ҳаракат қилиб келадилар. Буларнинг ичида Ж.Б. Сэй, А. Маршалл, В. Зомбарт, Й. Шумпетер, Ф. Найт қабиларни тилга олиш мумкин.

XVIII асрнинг бошида иқтисодий назарияга биринчи бўлиб тадбиркор тушунчасини Англия иқтисодчиси Р. Кантильон киритган эди. У тадбиркорни фойда олиши чегараланмаган ва баҳоси аниқ товарларни сотиб оладую, лекин сотиш баҳоси ноаниқ бўлади, у таваккалчи, таклифни талабга мословчи, деб баҳолайди. Жан Батист Сэй эса тад-

биркорни воситачи, ишлаб чиқариш омилларининг координатори, тажриба ва билим эгаси, деб таърифлайди. Унинг даромад қисми тадбиркорлик қобилиятининг баҳоси, дейди. Зомбарт эса тадбиркорликдаги таваккалчилик фақат саноат, савдодагина бўлмай, бошқа соҳаларга ҳам хос деб, уларни қароқчи ва босқинчилар билан тенглаштиради. Шумпетерни олсак, у тадбиркорликнинг беш муҳим томонини: истеъмолчиларга номаълум янги товарлар ишлаб чиқариши; янги ишлаб чиқаришни қўллаши ва мавжуд товарлар тижорийлигини таъминлаши; янги товарларни ўзлаштириши; янги хом ашёларни ишлатиши; тармоқни такомиллаштиришини кўрсатиб беради. Тадбиркор мулкдор бўлиши шарт эмас, у ёлланувчи бўлиши ҳам мумкин. Тадбиркор янги комбинацияларни амалга оширувчи шахсдир, деб таъкидлайди.

БИЗНЕС

✓ Бизнес моҳияти, тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари бир хил. Бизнес бирон бир иш фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабат, ишбилармонликдан келиб чиқадиган муносабатдир. Бизнес билан боғлиқ шахс бизнесмен дейлади. Бу сўз инглизчадан олинган, бизнес — иш, мен — одам деган маънони англатади. Бизнес — тадбиркорлик иқтисодий категория бўлиб, хўжалик юритиш усули, иқтисодий фикрлашиш туридир.

Аввало бизнес — тадбиркорликни иқтисодий объект ва субъектлардан бошлаш ва ўрганиш керак. Унинг субъектларини кўриб чиқайлик. Тадбиркорлик якка, гуруҳ ва жамоа ҳолида юз бериши мумкин, фаолиятлари бизнес мазмунига эга бўлиши керак. Умуман, бизнес билан шуғулланадиганларни олсак, бу давлат, жамоа ва хусусий корхоналар, ташкилотлардир.

Тадбиркорлик субъектлари турличадир. Унда аввало кўпчиликни ташкил этувчи хусусий шахслар ёки якка шахслар бўлиб, улар майда корхоналар очиб фаолият кўрсатадилар ва ўз шахсий меҳнатларига асосланадилар.

Ҳиссадорлик жамиятлари жамоа тадбиркорлигига асосланган. Ижара жамоалари ер, корхонани ижарага олиб, фаолият кўрсатишдир. Кооператив эса сармояларни бирлаштириб, бирга иш тутишдан иборат.

✓ Давлат корхоналари бизнес асосида фаолият кўрсатса, тадбиркорлик субъекти бўла олади. Бизнес қоидалари,

тартиби, назорати билан шуғулланувчи давлат қисми ва ундаги меҳнат жамоалари тадбиркорлик субъектлари бўла олмайди, чунки бизнес учун капиталдан фойдаланиш имконига эга бўлганлар тадбиркорликнинг реал субъектлари бўла оладилар.

Тадбиркорлик объекти деганда, аввало маълум фаолиятни тушунамиз. Тадбиркорлик ишлаб чиқарилган товар (хизмат)лар ва шунга яраша даромадда моддийлашади. Даромад фаолиятнинг ташкилийлиги, унинг омиллари йиғиндисидан удабуронлик билан фойдаланишга боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, ташкилийлик турли ресурслар комбинацияси хусусиятларидан келиб чиқади. Тадбиркорликнинг бошида бу маълум соҳада фаолият кўрсатиш имконини белгилаш учун керак бўлса, сўнгра бундай ресурсларнинг янги комбинациялари тадбиркор учун ўта зарур бўлиб қолади. Кўришиб турибдики, *реал ҳолатда тадбиркорликнинг объекти ресурслар комбинациясини амалга оширишдан иборат экан.*

Тадбиркорлик доимо маълум мазмунда ташкил топиб, аниқ шаклларда ифодаланади. У хўжалик юритиш усули сифатида бир қанча умумий белгиларга эга. Буларга асосан хўжалик субъектларининг мустақиллиги ва суверенлиги, иқтисодий манфаатдорлик, доимий хўжалик хатарлилиги ва жавобгарликларни киритиш мумкин.

Тадбиркорликдаги мустақиллик, аввало, эркин ҳолда мустақил равишда бир қарорга келиш имкониятини беради, бу қарор бозор механизми ҳаракатини таъминлайди. Айтайлик, маълум сармоёга эга ва истаги бор шахс бизнесга киришиши, ўзининг тижорий ишини ёки ишлаб чиқаришини ташкил этиши мумкин. Чунки ишлаб чиқариш ресурслари, яъни ишлаб чиқариш воситалари ва иш кучини бозордан сотиб олиши мумкин. Нима ишлаб чиқариш, қанча ишлаб чиқариш, кимга ишлаб чиқариш, кимдан нима сотиб олиш, кимга сотиш, қайси баҳони белгилаш кабилар эркин тарзда, бозор ҳолатини эътиборга олган ҳолда тадбиркор томонидан ҳал этилади. Лекин тадбиркорликни соддалаштириб бўлмайди, яъни ҳамма нарса мумкин деб, иш тутиб бўлмайди, ҳар бир тадбиркор бутунлай якка эмас. Зеро, бозор иқтисодиёти кўпчилик фаолияти якунидир. Тўғри, тадбиркорлик юқоридан хўжайинлик қилишдан, нима қилиш, қандай ишлашни белгилаб беришдан озод бўлади, аммо бозордан ва унинг қаттиқ талабларидан, механизмлари

таъсиридан холи бўла олмайди. Тадбиркорликда мустақиллик билан иқтисодий манфаатдорлик ажралмас ҳолда боғлангандир. Даромадни, фойдани юқори даражага етказиш тадбиркорлик фаолиятини белгилловчи асосий омил бўлиб ҳисобланади. Умуман, бошланган иш, унинг кенгайтириши, ўзгариб бориши даставвал шунга боғлиқдир. Лекин шахсий манфаатдорликни худбинлик билан адаштириш нотўғридир. Чунки бозор иқтисодиётининг тараққиётида бошқарувчи шахс хўжаликни ўзининг махсус манфаатдорлигини кўзлаган ҳолда “кўзга кўринмас қўл” таъсири остида ижтимоий мақсадга эришиш томон йўналтиради ва жамият учун хизмат қилади. Масалан, Генри Фордни олсак, у албатта ўз фаолиятини хайрия мақсадида бошлагани йўқ. У шахсий манфаатини кўзлаб иш уюштирдию, лекин натижада автомобиль империясини тузди, маҳсулоти билан жаҳонга ном таратди, хўжалигини туб ўзгаришларга олиб келди.

Тадбиркорликни бойиш мақсадидаги тижорийлик, яққаю-ягона мақсад фаолияти деб бўладими, деган савол туғилади. Бунга ижобий жавоб бериш мумкин. Бунда умуман ҳаққонийлик мавжуд. Айтганимиздек, тадбиркорлик даромадсиз бошланмайди ва шу бошланғич фаолият даврида фойдани кўпайтириш асосий мақсад бўлиб, барча имконият ва қобилият шунга қаратилади. Масалан, капитализмнинг бошланғич ва тараққиёт даврида тезда бойиш, иложи борича кўп капитал йиғишдан бошқа нарса кўзланмаган. Асосий мақсад қандай йўл ва усулларни қўллаб бўлсада, фаолиятни кенгайтириш, таъсирни оширишдан иборат бўлган.

✓ Лекин ҳозир ундай деб бўлмайди. Замонавий бизнеснинг ҳаракати фақат иқтисодий мақсадлар билан чегараланмайди. Агарда шундай бўлмаса, тадбиркорликнинг ижтимоий масалаларга аралашishi, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги фаолиятларини тушуниб бўлмас эди. Чунки ривож топган мамлакатларда маориф, соғлиқни сақлаш, экологик мақсадларни кўзлаб сармоялар ажратиш ва сарф этиш, шунингдек, қашшоқликка қарши курашиш каби хайрли ҳаракатлар тадбиркор эътиборидан четда эмас.

Тадбиркорликнинг асосий хусусияти. Тадбиркорлик аввало новаторлик билан белгиланади. У доимо иқтисодий фаолиятда янгиликларни ахтариш, уларни амалга ошириш, фаолият самарадорлигини кўтариш учун ҳаракатда бўлади.

Кучли рақобат кураши шароитида бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки ҳеч нарсани ўзгартирмай, эски тартибда баҳо ҳисобига фойда олиш узоққа бормади. Харидорлар доимийлиги, уларнинг оқими, товар ва товарлашган хизматлар сифати, бу соҳадаги доимий ўзгариш ва янгиликлар харидорларни ўзига тортади. Шу билан бирга бошқаларга нисбатан баҳонинг ҳам пастроқ бўлиши товарларнинг ўтишига катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун тадбиркорликда товар хилларини ўзгартиб туриш, унинг сифатини кўтариш, ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш учун кураш кетади. Рақобатга шу туфайлигина чидамли бўлиш мумкин. Бу эса ишлаб чиқаришнинг янги технология асосида ташкил этилишида, янги усулларини қўллаб-қувватлаш, товарлар сотилишининг янги-янги йўллари топиб, қўллаб боришда ўз ифодасини топади.

Юқорида айтилганларга боғлиқ ҳолда тадбиркорликни иккига бўлиш мумкин: классик ва инновацион. Булар бир-биридан фарқ қилади. **Классик тадбиркорликни** олсак, бунда бизнес компания ёки фирма ихтиёридаги ресурслардан энг юқори натижага эришиш фаолиятнинг асоси деб олинади. Ресурсларга мўлжалланган тадбиркорлик ўз ечимларини мавжуд ресурсларга мослаштирган ҳолда белгилайди ва ресурслардан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини қўллаб боради. Иккинчи хил тадбиркорлик, яъни **инновацион тадбиркорлик** фақат мавжуд ресурсларга эмас, балки иложи борица имкониятларга, ресурслар комбинациясини амалга оширишга мўлжалланган. Тадбиркор фаолиятини таъминлай оладиган ўз ресурсларига етарли миқдорда эга бўлмаса ҳам, ўз мақсадига эришиш учун ҳар қандай усуллар, йўллар билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятларини топишга уринади. У ўз ихтиёридаги ва ташқи ресурслардан фойдаланишнинг маъқул вариантларини танлайди. Илмий-техника тараққиёти, маҳсулот сифати ва чидамлилигига бўлган талабнинг ўсиб бориши тадбиркорлик олдида туб янги техник-технологик ечимларни татбиқ этиш заруриятини қўймоқда. Бунинг учун “ақлий ҳужум” деб аталмиш йўналишни асос қилиб олиш талаб қилинади. Кейинги йилларда Фарб мамлакатларида кичик ҳажмдаги илмий ишлов тадбиркорлиги авж олмоқда.

Тадбиркорлик учун кейинги аҳамиятли хусусият шуки, у хўжалик соҳасидаги **тўхтовсиз ва хатарли жавобгарликнинг мавжудлигидир**. Бу тушунчалар бир хил бўлмаса ҳам,

лекин улар бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини келтириб чиқаради.

Хатар деганимизда номаълум, кутилмаган ҳолатлар бўлиши мумкинлигини тушунамиз. Қанчалик ўйлаб иш қилинмасин, олдиндан қанчалик ҳисоб-китоб ва чамалаб иш тутилмасин, барибир кутилмаган ҳодисалар рўй бериши турган гап ва унинг олдини олиб ҳам бўлмайди. Хатарликка иқтисодий баҳо бериб ҳам бўлмайди. Жавобгарликни олсак, бу анча аниқ нарса ва уни маълум кўрсаткичлар бўйича аниқлаш ва баҳолаш мумкин. Тадбиркорликдаги хатарлик мавжудлигининг шароитлари юқори даражали ишбилармонлик, серҳаракатлик ва рақиблик қила олиш қобилиятларини талаб этади. Тадбиркорликда муваффақиятга эришиш ёки тушкунликка тушиш муқаррар. Чунки доимо омад келавермайди. **Хатарликда сарф-харажатлар ҳамда натижалар ўртасидаги мувозанат иш тақдирини билдирувчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.** Агар бу мувозанат бузилса, бозордаги баҳо харажатни қоплаш даражасида бўлмаса, демак тадбиркорликда ҳисобга олинмаган тасодифий томонлар мавжудлиги аниқ. Бунда ё тадбиркорнинг фаолияти самарасиз, ё бозор конъюнктураси бузилган бўлади. Ишлаб чиқариш ва товарлар сотилиши шароитлари комбинациясини доимо назорат остида тутиш тадбиркорликдаги қаттиқ ишлаш, барча соҳаларни кучли назорат остида тутиш, ишловчиларни ҳам шундай шароитда тутиш заруриятини талаб қилади.

Тадбиркорлик фақат мулкдорларга хос деб бўлмайди, яъни ўз мулкни ишлатиш туфайлигина тадбиркор бўлиши мумкин, дейиш нотўғридир. Чунки мулкка эга бўлмай, қарз сармоя, ижара асосида ҳам тадбиркорликни ташкил этса бўлади. Буни давлат корхоналаридаги тадбиркорликда яққол кўриш мумкин. Маълумки, ўтган асрдаёқ капитал-мулк ва капитал-функция ажралиши юз бериб, буни ўз вақтида К. Маркс атрофлича таърифлаб берган эди. Хўжаликни юритиш, бундаги тадбиркорлик бўйича зарур қарорга келиш аллақачонлар капиталнинг эгасидан капитални ишлатувчи-бошқарувчи ихтиёрига ўтган. Бундай ҳаракат, айниқса, ҳиссадорлик жамиятларининг пайдо бўлиши билан кучайди. Якка хусусий корхоналарда, албатта мулкдорнинг ўзи тадбиркор ҳисобланади. Чунки ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш билан боғлиқ барча зарур ишларни унинг ўзи олиб боради.

Ҳозирги замон иқтисодиётида ҳўжаликлар фаолияти корпоратив асосда ривожланиши туфайли ташкилий-техник раҳбарлик менежерлар томонидан амалга оширилмоқда. Демак, тадбиркор ва мулкдор ўртасида қаттиқ боғлиқлик йўқ. Шунга кўра тадбиркорликни мулкдорлик хусусияти белгиламай, уни қарамсизликнинг моддийлашуви, ҳўжалик юритувчиларнинг мустақиллиги белгилайди.

Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти **иқтисодий фикр юритишсиз** тўла ечилмайди. Тадбиркорликка хос фикр юритиш оддий маълум ва сингиб кетган ҳолатлардан бутунлай бошқача бўлади. Қабул қилинадиган қарор ва ечимлар ўзгача янгилиги, алоҳидалиги билан фарқланиши керак. Бунда энг марказий нарса кўл остидаги кишиларни кўйилган мақсадга бўйсундириш ва уларни ана шу мақсад атрофида бирлаштира олишдир. Одатда бизнес корпорация манфаатларини аниқ белгилашга асосланган бўлиб, у аниқ ҳисоб-китоб асосида кўйилган мақсадларга эришишни билдиради. Бу, албатта зарур ахборотларни ўз вақтида йиғиш, уларни ишлаб чиқиш ва фойдаланишни талаб қилади. Ҳисоб-китоб ва ҳаракат дастурларини ишлаш юқори билимга асосланади. Кашфиётчидан фарқ қилган ҳолда тадбиркор шу кашф этилган иш билан қаноатланмайди, балки уни татбиқ қилиш ва бу жараёнда юқори самарага эришишни кўзлайди. Бу жараёнда кўп тўсиқлар, қийинчиликлар бўлиши туфайли қатъийлик, ирода талаб этилади.

Юқорида айтилган фикрларни ҳисобга олган ҳолда **тадбиркорликни ҳўжалик субъектларининг хатарлилиги билан боғлиқ ҳолдаги ташаббускорлик, ўз ғоялари ва ижтимоий иқтисодий самарага эришиш мақсадида янги комбинацияларни амалга оширувчи иқтисодий фаолият деб ифодалаш мумкин.**

Тадбиркорликни тараққий этиши нуқтаи назаридан **ривожланган ва ривожланмаган тадбиркорликка** бўлиш мумкин. Ўтиш даври учун ривожланаётган тадбиркорлик хос бўлса, бозор иқтисодиёти тараққий этган давр ривожланган тадбиркорликни яратади. Тадбиркорлик бозордан келиб чиққанлиги туфайли, у бозор муносабатлари хусусиятлари ва уларнинг таъсир доираси кенглиги билан боғлиқдир. Агарда буни бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни билан боғлаб кўрадиган бўлсак, корхоналар мустақиллиги даражаси билан унинг ҳам ўзгариб боришини фарқлай олиш мумкин. Лекин барибир корхоналар фаолиятида дав-

лат таъсирининг сақланиб туриши тадбиркорлик учун йўлни тор қилиб қўймоқда. Бундан ташқари мавжуд, аниқроғи собиқ ишлаб чиқариш тузилишининг асослиги, батамом янгиланмаганлиги ишлаб чиқарувчиларнинг монополлигига барҳам бериш имконини яратгани йўқ. Бу ҳозирча бозорда товарлар таклифи шароитини ўзгартиргани йўқ. Харидорлар — истеъмолчиларнинг тор ҳажмли, чекланган миқдордаги ишлаб чиқарувчиларга боғлиқлиги сақланмоқда. Бу, албатта тадбиркорликни анча чегаралайди ва бундай шароитда у тез ривожлана олмайди. Тадбиркорликдаги жавобгарликка келсак, уларнинг муваффақиятли фаолиятлари учун ижобий таъсир этувчи шароитлар зарурий қонуниятлар билан таъминланмоғи керак. Бунда қонунларнинг тўла ижроси учун муҳит ярата билиш аҳамиятлидир.

✓ Бозор иқтисодиётининг шаклланиш тезлигига қараб тадбиркорлик ҳам ривожланиб бориши керак.

Тадбиркорлик фаолиятини белгиловчи хусусиятлардан яна бири унинг ташкил этилиши усулидир. Бу жараён стихияли ёки ташкилий равишда юз бериши мумкин. Тарихан бу жараён стихияли пайдо бўлиб келган. Лекин ҳозир бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки стихияли жараён учун жуда узоқ вақт керак ва у салбий оқибатларга олиб келади. Бор тажрибаларга асосланган ҳолда тадбиркорликнинг шаклланишини ташкилий равишда амалга ошириш имкони бўлиб, бунда давлат асосий роль ўйнайди.

Инновацион тадбиркорлик. Тадбиркорликда иқтисодиётдаги янгича йўналиш, янги корхоналар очиш асос бўлиб, туб мақсадларни белгилайди. Чунки тадбиркорлик деганда, аввало янгича ишлаш, янги маҳсулот, янгича хизмат хилларини яратиш, янги технология ва усулларни қўллаш тушунилади. Тадбиркорлик даражаси янги маҳсулот, янгича ишлаб чиқаришни жорий қилиш, фан янгиликлари, янги технологияни жорий қилиш даражаси билан белгиланади. Демак, **тадбиркорлик аввало иқтисодий янгилик билан боғлиқдир**, яъни у инновацион тадбиркорликдир.

Инновацион тадбиркорликка кейинги вақтларда ривожланаётган венчур капитал жуда мос келади. Венчур сўзи инглизча хатарли маъносини билдиради. У фақат янги майда корхоналар, кашфиёт, илмий янгиликларга асосланган ҳолда иш бошлаши керак бўлган корхоналарга сарф этилиб, бунинг учун якка капиталдан ташқари фондлар, ҳат-

токи корпорацияларда шунга қаратилган махсус бўлимлар ташкил этилади.

Янгиликнинг даражалари бўлиб, улар оддий янгилик, технологик янгилик, инқилобий кашфиётлардир. Оддий янгилик товардаги тўхтовсиз ўзгаришлар, уларнинг такомиллашиб боришидан иборатдир. Мода, товарлар хусусиятларининг янгиланиб бориши, истеъмол қулайликларини кенгайтириб боришлар шулар жумласидандир.

Технологик янгилик эса хом ашёларни, материаллар, энергетика хилларини ўзгартириш, ишлаб чиқаришнинг янги усулларини қўллашни ўз ичига олади. Бунда автоматлаштириш, кимёвий усуллар жуда қўл келади.

Инқилобий кашфиёт янги хил товарлар ва уларнинг комплекси, ишлаб чиқаришнинг туб ўзгариши билан боғлиқдир. Бунда янги тармоқлар юзага келади. Масалан, компьютер тизими, электроника, видеотехника, туб янги алоқа воситалари, космотехника кабилар шулар жумласидандир.

Янгиликлар даражасидан қатъи назар, улар уч йўл билан тижорий маҳсулот даражасига етказилади: 1) **давлат корхоналари**, 2) **“ички” тадбиркорлик** ва 3) **тадбиркорлик орқали.** Илмий ғояларни амалга ошириш муҳим муаммолардан ҳисобланади. Чунки жуда кўп илмий тадқиқот ва кашфиётлар ҳаётий амалиётсиз қолиб кетади. Камданкам кашфиётлар, илмий ғоялар ишлаб чиқаришга ва умуман ҳаётга тадбиқ қилинади. Илмий янгилик натижалари билан тижорий маҳсулот ўртасидаги масофа жуда узоқдир.

Фан билан ижтимоий талаб ўртасида ўзаро алоқа ўрнатишда, уларни тижорий маҳсулот даражасига етказишда давлатнинг ўрни катта. Аввало давлат ўз корхоналаридаги янгиликлар билан боғлиқ вазифаларни, шунингдек, барча халқ хўжалигидаги техник янгилик сиёсатини бошқаради.

Тадбиркорлик нуқтаи назаридан давлат секторида бу соҳада маълум қулайликлар билан бирга салбий томонлар ҳам мавжуддир. Бу салбий томонлар бюрократик, сансоларлик ҳолатлари билан боғлиқ. Натижада кутилган самарага эришилмайди. Бу томондан давлат сектори хусусий сектор олдида заифлик қилади ва янгиликларни ҳаётга тадбиқ қилишда хусусий тадбиркорлик устунлик қилади.

Илмий тадқиқот натижаларини тижорийлаштиришдаги иккинчи йўл **“ички” тадбиркорлик** бўлиб, бунда мавжуд тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Чунки буларда ҳам илмий ечимларни ишлаб чиқаришда қўлланишнинг имко-

ниятлари, янги молиявий ресурслар, ишбилармонлик, ҳаракатдаги тезоблик, маркетинг тизими мавжуд бўлиб, янги маҳсулотни муваффақиятли тижорийлаштириш шароитларига эга бўладилар.

Хусусий тадбиркорликда ҳам ҳамма нарса силлиқ юз беради деб бўлмайди. Чунки уларда ҳам бюрократлик, борига кўникаш, янги оқимни ўз вақтида сезмаслик, бори билан қаноатланиш кайфиятлари йўқ, деб бўлмайди. Бундай салбий томонлар мавжудлигини сезган корпорациялар бу соҳадаги тўсиқларни олиб ташлаш ва тўхтовсиз янгиланиб бориш учун курашиб, ҳақиқий тадбиркорлик моҳиятини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар.

Илмий ғояларни янги маҳсулотларда моддийлаштиришга кейинги йўл туб мазмуни билан тадбиркорлик бўлиб, янги ғоя асосида корхона бунёд қилишдир. Бу энг оғир йўл. Чунки бу янги тадбиркорлик фаолияти билан боғлангандир. Маълумки, янги ишни бошлаш ҳамма вақт катта қийинчиликлар билан боғлиқдир. Янги тадбиркорлик барча нарсаларни янгидан, бошидан бошлашни талаб этади. Бунда тадбиркордан зарур пулни топиш, корхонага эга бўлиш ва уни ишга тушириш, тижорий иш тажрибасига эга бўлиш ва бошқа бир қанча муаммоларни ҳал қилиш талаб этилади. Бунда янги ғояни маромига етказиш, уни реаллаштириш учун қайта-қайта кўриб чиқиш зарурияти мавжуддир. Яна банкирлар билан, маҳсулот етказиб берувчилар, истеъмолчилар, улгуржи савдогарлар, реклама агенти вакиллари кабилар билан муомала қила билиш ва ҳамкорликка қўшила билиш уқуви бўлиши зарурдир. Буларсиз ҳеч қандай муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Тадбиркорлик ва иқтисодий ўсиш. Илмий тадқиқот натижаларини тижорий маҳсулотга айлантириш, янги товар ва хизмат турларини яратиш соҳасидаги энг маъқул йўл янги корхоналар, янги тармоқлар яратишдир. Шу кунда бу соҳадаги энг маъқул йўл янги тадбиркорлик, янги корхоналар, янги иш бошлаш йўли билан янги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил этишдир.

Тадбиркорлик маҳаллий иқтисодий ҳолатга катта таъсир кўрсатиб, янги иш жойлари яратади, иқтисодий асосни кучайтиради. Шунинг учун ҳам бундай тадбиркорлик иқтисодий тараққиётда энг аҳамиятлидир.

Умуман тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётдаги роли, ўрни ҳақида гап юритар эканмиз, аввало даромадларнинг

ўсиши, аҳоли истеъмолининг ортиб боришини тасаввур этамиз. Чунки ҳар бир мамлакатда тадбиркорлик ривожини ҳар бир тадбир, ҳар бир ишловчининг индивидуал даромадларининг ўсиб боришига ва натижада умуман, миллий даромаднинг ортиб боришига, шахсий истеъмоллар кўпайиб, аҳоли турмуш даражасининг кўтарилишига олиб келишини кўраемиз. Энг ривож топган, қудратли иқтисодиётга эришган ва аҳолисининг турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатлар муваффақиятлари тадбиркорлик тараққиёти натижасидир. Лекин тадбиркорлик аҳамияти фақат бу билан чегараланмайди. Чунки тадбиркорлик иқтисодиёт, жамиятдаги ўзгаришнинг ҳаракатга келтирувчи механизми, уни амалга оширувчи вазифасини бажаради. Бу ўзгаришлар умумий иқтисодий ўсишни таъминлаб, маҳсулотнинг тўхтовсиз кўпайиб боришига олиб келади. Бундай ҳодисадан барча манфаатдордир.

Тузилма ўзгариши ва иқтисодий тараққиётнинг механизми нимадан иборат бўлиши мумкин? деган савол туғилади. Баъзилар бунини инновация жараёни билан боғлиқ деб тушунтирадилар. Инновация туфайли янги товар ва хизматлар барпо этилади, шунингдек, янги тузиладиган компаниялардаги инвестициялар ҳам рағбатлантирилади. Иқтисодий тенглашувда янги инвестиция талаб ва таклифнинг ўсишига қаратилади. Чунки юзага келувчи капитал товарлар чиқаришни кўпайтириб, таклифни кўллайди. Харажатларнинг кўпайиши ва маҳсулот ўсиши эса талабни кучайтиради.

Шунга қарамай, инновация ва инвестициянинг иқтисодий ўсишдаги аҳамиятлилиги тадбиркорликнинг аҳамиятини тўла очиб бера олмайди. Чунки юқорида кўрсатганимиздек, инновация давлат ва мавжуд корхоналарда ҳам амалга ошиши мумкин.

Тадбиркорликнинг тақдири, истиқболи бозор иқтисодиёти тараққиёти билан боғлиқдир. Келажак бозор иқтисодиёти билан белгиланар экан, демак, тадбиркорлик ижтимоий ҳаётда ўзининг аҳамиятини ошириб боради. Шунинг учун йилдан-йилга тадбиркорликка жамият, давлат ва ҳукуматларнинг эътибори ортиб бормоқда. Булар тадбиркорликка боғлиқ илмий тадқиқотларнинг кенгайиши, тадбиркорлик мутахассислигини ўргатишнинг ривожини, давлатнинг тадбиркорликни кучайтириш соҳасидаги тад-

бир-чораларининг кенгайиши, жамоатчиликнинг эътиборининг ўсиши кабиларда ўз ифодасини топмоқда.

Тадбиркорлик барча соҳаларда ва тармоқларда мавжуд. Тадбиркорлик даражасига келсак, бу ҳамма соҳада бир хил бўлмаганидек, давлат корхоналари ва корпорациялардаги ёлланма бошқарувчилик билан хусусий корхоналардаги тадбиркорлик шароити ва даражасини ҳам бир хил деб бўлмайди.

Ёлланма бошқарувчилик шароитида тадбиркорлик тўла эркинликка эга эмас, чунки бунда чегараланиш мавжуд ва асосан ижрочилик устунлик қилади.

Хусусий корхоналарда эса аҳвол бошқача ва тадбиркорликдаги чегараланиш деярли йўқ. Уларда тўла иқтисодий ҳаракат шароитлари ҳукмронлик қилади, ташаббускорлик, хатарлилик чекланмайди. Корхонанинг, сармойннинг батамом тадбиркор ихтиёрида бўлиши тўла эркинлик имконини туғдиради. Шунга қараб тадбиркорликнинг икки хилини эътиборга олиш мумкин: Чекланган ва чекланмаган (суверен) тадбиркорлик. Биринчиси, ёлланма бошқарувчилик, яъни давлат ва корпорациядаги бошқарув фаолиятига тааллуқли бўлса, иккинчиси, хусусий корхона, хусусий мулк шароити ҳукмронлиги асосидаги тадбиркорликка тааллуқлидир. Булар бир-биридан мустақил иш юриши даражаси билан фарқланадилар.

ТАДБИРКОРЛИК ШАРОИТЛАРИ

Тадбиркорлик цивилизацияли тарзда шаклланиши ва шу асосда ривожланиши учун маълум шароитлар талаб этилиб, буларни тўрт қисмга бўлиб кўриш мумкин: иқтисодий, сиёсий, руҳий ва юридик асослар. Булар айна вақтда омиллар бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодий омиллар. Тадбиркорлик шароитлари деганда аввало эркин иқтисодий тараққиётни тушунамиз, яъни бу бозор иқтисодиёти моҳиятидан келиб чиқадиган эркин иқтисодий фаолият, демократик иқтисодиёт шароитидир. Маъмурий таъсирдан холилик, буйруқ ва мажбурийликнинг тубдан йўқ қилиниши туфайли тадбиркорликка йўл очиш мумкин. Чунки булар бир-бирини инкор қиладиган шароитлардир.

Тадбиркорликда нима ишлаб чиқариш, қанча ва қандай ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган товарни қаерда, қайси баҳода сотиш эркин ҳолда бозор таъсири остида ҳал қилиниши керак.

Эркин фаолият аввало ресурсларга бўлган муносабатда ифодаланиб, зарур восита истаган миқдорда, хоҳлаган хилда мақсадга мувофиқ тарзда олинishi керак. Буларнинг ҳаммаси эркин бозор шароити асосида амалга ошади. Тадбиркор бозордаги талаб ва таклиф таъсири, уларнинг мувозанати талаби асосида ҳаракат қилади. Баҳо эса эркин шаклланиб, талаб ва таклиф мувозанатининг натижасида юзага келади, у доимо ўзгарувчан бўлади. Тадбиркор тармоқ танлови, фаолият соҳаси танловида тўла эркин бўлмоғи зарур. Ўз капиталини қаерда, қандай, нима учун ишлатишни тўла мустақиллик билан ҳал қилади. У фақат бозор учун ишлаб, талаб ва таклиф, эркин баҳо таъсирида бўлиши керак.

Эркин иқтисодий эътиборлилик деб тушунмаслик зарур. Чунки тадбиркорликдаги мустақиллик жамият талабига мос ҳолда, жорий қонун, қоидалар талаби асосида ҳамда мавжуд белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар асосида амалга ошади.

Эркин иқтисодий тараққиёти, ўз навбатида, асосларга эга бўлиб, бу аввало кўп шакли мулкчилик ва рақобат шароитларининг яратилишида ифодаланади. Ўтиш даврида иқтисодий асоснинг негизини давлат мулкни хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ташкил этади. Тадбиркорликнинг шаклланиши ва унинг тақдири шу жараёнга, унинг услубига, теълигига, ҳажмига ўхшаган муҳим томонларига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мулкнинг хусусийлашуви, унинг яқка шаклланиши ҳукмронлигига барҳам бериш тадбиркорлик ривожининг асосидир.

Маълумки, мулкнинг хусусийлаш жараёни аралаш иқтисодий эътиборлилик юзага келтириш билан тадбиркорликка йўл очади. Хусусий тадбиркорлик, биринчи навбатда, оз ҳажмли капитал талаб этадиган, тез фойда келтирадиган тармоқларда ривожланади. Бу эса майда корхоналарнинг авж олиши, бандлик ва халқ истеъмоли муаммоларини ҳал қилишда жуда кўл келади. Ҳозир республикамиз шароитида бу жараённинг аҳамияти чексиздир. Олдин бу савдо-тижорий, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш тармоқлари кабилардан бошланиб, ўз навбатида, майда ишлаб чиқаришга ўтади.

Хусусийлаштиришнинг кейинги қисми ўрта, катта корхоналарни ўз ичига олиб, асосан ҳиссадорлик, корпоратив

усуллар билан амалга ошади. Бунда аввало ёпиқ, сўнгра очиқ акцияли жамиятларни ташкил этишга ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мулкни хусусийлаштириш айна вақтда тадбиркорлик учун зарур бўлган рақобат шароитларини яратиб беради. Шунга кўра нодавлат мулкларининг шаклланиши хўжалик соҳасидаги монополлашувнинг олдини олиш билан биргаликда олиб борилиши зарур. Монополияга қарши курашиш ва тадбиркорлик шароитларининг яратилишида рақобат асосий таъсир кўрсатиши керак. Тадбиркор учун хўжалик юритиш рақобат курашини олиб бориш деган сўз. Ишлаб чиқариш ташкил этилар экан, демак, рақобат курашига эътибор бериш зарур, яъни ижтимоий истеъмолга тўғри келмайдиган ва бозор томонидан сиқиб чиқарилаётган ҳодисани эътиборга олмаслик ва шу асосда ишни ташкил этмасликнинг иложи йўқ. Ҳар бир товар бўйича агарда кўп миқдорли ишлаб чиқарувчилар бўлмаса, рақобат ҳам бўлмаслиги мумкин, яъни монополия рақобатни сўндиришини юқорида кўриб ўтган эдик. Фарбдагиларнинг фикрича рақобат шароити бўлиши учун одатда камида 8—15, лекин 4—5 дан кам бўлмаган миқдорда бир хил товар ишлаб чиқарувчилар бўлиши талаб этилади.

Тадбиркорлик учун инфраструктуранинг ривожига талаб этилади. Чунки ишлаб чиқариш ресурсларини қаердан, қандай усулда олиш номаълум бўлса, кредитга ишонч бўлмаса, товар харидорлари номаълум бўлса, реклама бўлмаса ва алоқа воситалари паст даражада бўлса, бозор иқтисодиёти тараққий этиши мумкин эмас.

Сиёсий, руҳий ва ҳудудий омиллар. Сиёсий омилларни олсак, Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги таъминланмоғи зарур, бусиз тадбиркорлик юзага келмайди. Сиёсий вазият тадбиркорликка қулайлик яратиши, яъни барқарорлик, демократия ривожига шароитларини таъминлаши талаб этилади. Иқтисодиётни ғоя ва сиёсатга боғлиқлигига барҳам бериш ва тараққиёт учун хизмат қилишга қаратиш зарур.

Тадбиркорлик руҳияти ҳам бозор иқтисодиётининг шаклланиши, унинг ҳаётий таъсири даражасига боғлиқ. Шу вақтгача ҳукмронлик қилиб келган тенглик асосан истеъмол тенглигини билдириб келган. Бозор эса бундай тенгликни инкор этиб, фақат имкониятлар тенглигини ино-

батга олади холос. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир киши ўзининг хусусий ишига эга бўлган ҳолда бизнес билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Бозор тенг тақсимотни қабул қилмайди, унда фаолият натижасига қараб даромад тақсимланиши асос бўлиб ҳисобланади.

Пироварддаги тадбиркорлик ривожига қисм ҳуқуқий асослар бўлиб, бунда шуни таъкидлаш лозимки, **тадбиркорлик қонун обрўси мавжуд шароитда тараққий эта олади.** Самарали таъсир этувчи ҳуқуқий механизмни яратиш тадбиркорликка кенг йўл очиб ва тадбиркорлик фаолиятида юз бериши мумкин бўлган салбий томонларни камайтириш ва олдини олиш имконини туғдиради. Шунинг учун энг муҳими тадбиркорлик учун ҳуқуқий муҳит яратишдир.

Тадбиркорлик учун ягона ҳаракат майдони мавжудлиги, ягона пул бирлиги аҳамиятлидир. Мамлакатлараро иқтисодий майдонда эркин иш тутиш, иқтисодий битимлар тузиб иш кўриш мумкин. Бу бир давлат ҳудуди билан чегараланмайди. **Шу иқтисодий майдонда тадбиркорлик учун зарур бўлган шароит, яъни товарлар, пулларнинг эркин ҳаракати, ресурсларнинг эркин оқими, капитал ва иш кучи оқими эркинлиги кабилар мавжуд бўлади.** Иқтисодий майдон зарур инфраструктурага эга бўлади, шу билан бирга баҳо, тарифлар шаклланиши умумийлиги бўлади. Лекин иқтисодий майдоннинг доираси ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, Оврўпа бозори бир неча Фарбий Оврўпа мамлакатларини ўз ичига олади. Шимолий Америка АҚШ, Канада, Мексикани бирлаштиради. Марказий Осиё ҳозирча Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ҳудудларини бирлаштиради ва ҳоказо.

Тадбиркорликнинг муҳим хусусияти ўз-ўзини бошқариш ва маҳаллий ҳокимият доирасида бошқарилиши бўлиб, бу усул иқтисодий федерализм дейилади. Бу айниқса, АҚШ, Германия, Россия, Бразилия каби мамлакатларга хосдир.

БИЗНЕС-ПЛАН

Бизнес-план моҳияти. Тадбиркорликнинг асосий таркибий қисмларидан бири бизнес-пландир. Ҳар қандай иш режа асосида бўлса муваффақият келтиради. Олдиндан зарур ҳисоб-китоблар қилиниб, имкониятлар тўла эътиборга олинса, ўйланган иш устида тўла тасаввур ҳосил қилинса, уни

амалга ошишига ишонч ҳосил қилинади ва уни бажариш учун дадил киришилади. Бундай томонлар бизнес-планда ўз ифодасини топиши керак.

Бизнес-планнинг икки томонлама аҳамияти бўлиб, бу ички ва ташқи заруриятлардан келиб чиқади. Чунки у биринчидан, тадбиркорликнинг ўз ички имкониятларини баҳолай билишга, фаолиятнинг маъқул усулларини белгилашга ёрдам беради ва шу билан бирга фақат тадбиркор учунгина эмас, балки корхонадаги барча хизматчиларда тўла ишонч туғдиришга, иккинчидан, ташқи алоқалар ўрнатишда ҳам катта ёрдам беради. Банк, материаллар, энергия ва хом ашё етказиб берувчилар билан иқтисодий алоқада бўлиш учун аввало реал ҳақиқатдан келиб чиқадиган бизнес-план бўлиши керак.

Айтиш мумкинки, бизнес-план тадбиркорлик учун зарурият бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай корхонани ташкил этиш соҳасидаги фаолият реал, амалиётни ўзида акс этадиган, барча иш турларини бажаришни режали таъминлай оладиган бизнес-план тузишдан бошланиши керак. Бундай план марказлаштирилган ва умум хусусиятларга эга бўлган собиқ совет давридаги мавжуд марказий планлиликдан тубдан фарқи бор. Бизнес-план имкониятлар асосида, ихтиёрийлик хусусиятидаги фарқларнинг реал иш планидир.

Бу план қатъийликни инкор этади ва иш жараёнида ўзгартирилиши ва доимо аниқлик киритиб борилиши имкониятига эга бўлган, яъни тадбиркорнинг маҳоратини тўла ифодаловчи бизнес-пландир.

Бизнес-план бўлажак корхонанинг фаолият ҳажми, шу билан бирга иш кўрадиган соҳа хусусиятларига тўла боғлиқ ҳолда тузилади. Шунга кўра корхонанинг катта-кичиклиги, кенгайиши мумкинлиги ва қайси тармоққа тааллуқлилиги бу планда ўз аксини топиши керак. Чунки фаолиятдаги барча томонлар иш ҳажми ва иш соҳасига боғлиқдир. Фаолият асоси бўлган маҳсулот хили, тури белгиловчи омил сифатида юзага чиқади. Ишлаб чиқаришда ёки савдода иш кўриш бошқа-бошқа технология ва ташкилотчиликни талаб этади. Шунингдек, ишлаб чиқариш тармоқларини оладиган бўлсак, тўқимачилик ва ун саноати кабиларнинг талаб ва хусусиятлари турличадир. Шунинг учун ҳам уларнинг бизнес-планлари бир хил бўлмайди.

Маҳсулот мураккаблиги ҳам бизнес-планга таъсир этади. Унинг даражаси юқори бўлса, корхонанинг ички ва

ташқи алоқаларининг мураккаблиги ошади ва анча кенг бўлади, иш турлари ҳажми ҳам юқори бўлади ва ҳоказо. Буларнинг барчаси албатта бизнес-планда ўз аксини топиши керак.

Бизнес-плани тузишда ахборотнинг таъсири жуда каттадир. Бу аввало талаб, таклиф, молия кабиларга тааллуқлидир. Мавжуд талаб ҳажми ва корxonанинг ишлаб чиқариш ва молиявий эҳтиёжларини аниқлаш ахборотсиз бизнес-план мазмунсиз бўлади. Ишни умуман корхона очишдан олдин мақсадни аниқлашдан бошлаш талаб этилади. Чунки бизнес-план ва фаолият шу мақсадни амалга ошувига қаратилган бўлади. Масалан, тикув корxonаси очилиши кўзда тутилган бўлсин, дейлик. Бунга аниқлик киритиш зарур. Чунки тадбиркорликка уйда тикилган кийимга талаб мавжудлиги ва бу ишни кенгайтиришга туртки бўлиши мумкин. Лекин якка буюртма ёки оммавий буюртма асосида иш ташкил қилинадими? Булар олдиндан аниқланган бўлиши керак. Чунки буларнинг мижозлари ва иш технологияси бир хил эмас. Якка буюртма фақат индивидуал мижоз учун ва якка кийим тикиш технологияси асосида ташкил этилади. Оммавий буюртма ҳам магазинлар буюртмасига асосланади, лекин бунинг мижози аниқ бир шахс деб бўлмайди, балки умумий харидор қаторидаги шахслар бўлади. Шунинг учун олдиндан доналаб ёки оммавий кийим тикиш корxonаси бўлишини белгилаб иш бошлаш талаб этилади ва ахборот йиғиш шу мақсадга эришиш йўналишида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Талаб ҳолатига боғлиқ ахборот тадбиркорликнинг ишлаб чиқармоқчи бўлган товар ёки хизмат соҳасини танлаш учун керак бўлади. Бундай ахборотни тадбиркор ўзи йиғиши ёки махсус ташкилот, махсус журналларга муножаат қилиш орқали олиши мумкин. Тармоқ бирлашмалари, ҳукумат ҳисоботлари, илмий журнал мақоалари кабилардан қимматли ахборотлар олиш мумкин. Бозорнинг потенциал ҳажми тўғрисидаги маълумотлар маркетингга тааллуқли бизнес-план қисмини асослашга ёрдам беради. Шу билан бундай ахборотлар рақобатчи фирмалар, савдонинг қўшимча баҳоси даражаси, бозор ҳаракати ва ўсиш истиқболи каби маълумотлар билан тўлдирилиши керак.

Ишлаб чиқаришга оид ахборотни олсак, корxonанинг ишлаб чиқаришини белгилаш учун керак бўлади. Бундай

ахборотни худди шундай маҳсулот етиштираётган корхоналарга бевосита мурожаат этиш йўли билан олинса бўлади. Бунда албатта қуйидагиларга эътибор бериш зарур: корхонанинг ўзига ёки субподрядчикларга топшириладиган ишлар хили, материал ва хом ашё миқдори ва баҳоси, уларни таъминловчи фирмаларнинг номи, манзили, жиҳозлар ва улар билан таъминловчилар тўғрисидаги тўла маълумотлар, меҳнат ресурсларига оид маълумотлар (иш ҳақи, ҳунарлар хили, миқдори, уларни тайёрлаш имконияти), бино ва иншоотга тааллуқли тўла маълумотлар, устама харажатлар — маҳсулот, бошқарув харажатлари, электр ва сув каби харажатлари. Бундай маълумотлар тадбиркор ва инвестор учун албатта керак бўлади.

Молиявий ахборот бўлажак корхона фаолиятининг молиявий томонларини баҳолаш учун зарурдир. Бўлажак корхонани куриш, ишга солиш, бошланғич даврда молиявий қўллаш ва умуман сарфланган сармояларни қайтариш билан бирга лойиҳанинг рентабеллик даражаси аниқланади.

Янги корхонанинг ҳаётийлигини белгиловчи уч гуруҳ молиявий кўрсаткичлар мавжуд: 1) биринчи уч йиллик учун даромад ва харажат истиқболи, 2) шу муддат ичидаги нақд пул истиқболи, 3) жорий вақтдаги корхонанинг баланс ҳисоботи ва корхонанинг келажак бир йилга мўлжалланган актив (фаол) ва пассив (сув) ҳолати баланси (баланс плани).

Бизнес планни тузиш тадбиркорнинг маълум вақтини, тажрибасини, бундай ишга тайёргарлик даражасини талаб этади. Бу зарур нарса, унинг учун вақт ва билимни аяш ярамайди.

Бизнес-планнинг тахминий тузилиши ҳақида шуни айтиш мумкин: бу асосан 4 қисмни ўз ичига олади: умумий, ишлаб чиқариш плани, маркетинг плани, ташкилий план, молиявий план.

Умумийга титул варағи, кириш қисми, тармоқдаги аҳвол таҳлили, тақдим этилаётган лойиҳа моҳияти, хатарлик баҳоси ва қўшимчалар киради. Титул варағида фирманинг тўла номи ва мазмуни, тадбиркорнинг исми ва уй телефони, тақдим этилаётган лойиҳанинг қисқача моҳияти, лойиҳанинг ялпи қиймати кабилар кўрсатилади.

Шу ерда кўзда тугилган сармоя манбалари, яъни акция чиқариш, заём ва бошқалар кўрсатилиши мумкин. Албатта ҳужжатда келтирилган маълумотлар сир сақланиши қайд қилинади. Бу тадбиркорнинг ғоясини ҳимоя этиш учун керакдир.

Кириш қисми қисқа ва аниқ бўлиб, у инвесторда қизиқиш уйғота оладиган даражада бўлиши керак. Чунки инвестор шу жойи билан танишиб, бир фикрга келиши ёки акс ҳолда бутун бизнес-планни тўлиғича кўриб чиқишга мажбур бўлади. Кириш қисмида ташкил этилажак корхона нима билан шуғулланиши, қанча пул сарф этилиши, маҳсулотга бўлган талаб қандай бўлса тадбиркор муваффақият қозониши мумкинлиги каби тушунчаларни аниқ, тушунарли равишда қисқа қилиб ёзилади.

Тармоқдаги аҳвол таҳлили янги корхона ғояси билан боғлаб ҳимоя этилади. Рақобат курашидаги янги корхонанинг имкониятлари, унинг маҳсулоти тақдири шу корхона фаолият кўрсатадиган ишлаб чиқариш аҳволидан келиб чиқиши аниқ кўрсатилиши керак. Бунда тармоқдаги жорий аҳвол, ривожланиш мазмуни, рақиблар ва уларнинг янги корхонага муносабати таъсири кабиларга эътибор берилади. Шу билан бирга янги корхона маҳсулоти айнан қайси истеъмолчиларга қаратилганлиги, аниқ бозор сегменти кўрсатилади. Бу тармоқнинг истиқболи ҳукумат ҳисоботи, тармоқлар бирлашмаси ҳисоботларига асосланган ҳолда кўрсатилиши ҳам аҳамиятлидир. Чунки инвесторлар тез ривожланаётган тармоқларга сармоя кўйишни маъқул кўрадилар.

Лойиҳа моҳиятида инвесторнинг корхона қайси йўналишдалиги ва ҳажмини билиш учун маҳсулот ёки хизмат турини тўла кўрсатиш, фирманинг қандай биноларга жойлашиши, қайси мутахассислар кераклигига оид маълумотлар келтирилади.

Хатарлиликни баҳолаш янги корхоналар учун ҳам зарурий талабдир. Маълумки, янги бизнес жуда кўп тўсиқларни, қийинчиликларни енгиб бориши даркор. Буларнинг олдини олиш учун стратегияга эга бўлиш зарурдир.

Бизнес-планнинг мазмунини кўрсатувчи асосий қисмлари молия, маркетинг, ишлаб чиқариш, ташкилий томонлардан иборатдир. Корхона — фирманинг умумий фаолияти шу соҳалар фаолияти йиғиндисидан таркиб топади.

Бизнес-план қисмлари

Умумий қисм	Ишлаб чиқариш плани	Маркетинг плани	Молия плани	Ташкилий план
1. Титул varaғи	1. Корхонада бажариладиган ишлар	1. Ички омиглар	1. Даромад ва харажат ҳақидаги маълумот	1. Мулк шакли ва корхона тури
2. Кириш қисми	2. Субподрядчилар	2. Ташқи омиглар	2. Нақд пул прогнози	2. Раҳбарият ва ташкилий тузилма
3. Гармоқ таҳлили	3. Ишлаб чиқариш жиҳозлари	3. Янги товар хизмат хусусиятлари	3. Баланс плани	3. Корхона жойлашуви
4. Лойиҳа моҳияти	4. Хом ашё ва материаллар	4. Баҳо танлаш		4. Солиқ қонунлари қўлланилиши
5. Хатарлилик баҳоси	5. Иш кучи	5. Сотил тизими		
6. Қўшимчалар		6. Бозор сегментацияси		

Ишлаб чиқариш плани. Агар корхона фаолияти ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бўлса; ишлаб чиқариш плани тузилади. Бу қисмда ишлаб чиқариш жараёни ўзининг тўла аксини топиши керак. Ишлаб чиқариш қисмлари бошқа корхоналар томонидан бажариладиган бўлса, субподрядчилар аниқланиб, улар ҳақида ҳам тўла маълумот бўлиши лозим. Айталик, субподрядчи фирманинг номи, манзили кўрсатилади. Субподрядчиларни жалб этишни асослаш зарур. Бунда уларнинг хизмат тури, баҳоси, олдинги контрактлари тўғрисида маълумотлар қайд қилинади.

Янги корхонанинг ўзи бажарадиган жараён бўйича ишлаб чиқариш оқими чизигини тузиш ва бизнес-планда акс эттириши керак. Шу билан бирга ишлаб чиқариш жиҳозлари, хом ашё, материаллар рўйхати берилиб, улар билан таъминловчи фирмаларга оид маълумотлар, бу воситаларнинг тахминий қиймати кўрсатилади. Шунингдек, келажақда зарурияти туғиладиган жиҳозларнинг рўйхати, иш кучи тўғрисида ҳисоб-китоблар ҳам мазкур планга киритилади.

Башарти корхона ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмай, бошқа соҳада фаолият кўрсатиши кўзда тутилса, бундай ҳолда планнинг тузилиши бошқача бўлиб, ўзгача аталади.

Масалан, товар муомалада, сотувда бўлса, “Савдо плани” деб аташ мумкин ва бунга оид жараён ва асосий ҳодисалар ўрин олиши керак. Шунингдек, планда товар сотиб олиш, товар захиралари даражаси ва омборлар жойлашуви, жараёнлар назорати тизими кабилар кўрсатилади.

Маркетинг плани. У янги корхонанинг бизнес-планининг муҳим таркибий қисми бўлиб, мавжуд корхоналар учун ҳам жуда зарурдир. Маркетингнинг вазифаси муваффақиятли равишда бозорни эгаллашдир. Бунинг учун аввало муҳим омилларни аниқлаш зарур бўлиб, улар ташқи ва ички омилларни ўз ичига олади. Ташқи ва ички омилларни таҳлил қилиш маркетинг плани тузишнинг бошланғич даври бўлиб ҳисобланади.

Ташқи омилларнинг асосий хусусияти шуки, уларни тадбиркор ўзгартира олмайди. Иқтисодий, демографик, маданий, технология ривожини, талаб ҳаракати, мавжуд қонунлар амали, рақобат кураши, хом ашё ва материаллар таклифи кабилар ташқи омиллар ҳисобланади. Ички омиллар молия ресурслари, кадрлар ҳолати, таъминот, мақсад ва вазифалардан иборатдир.

Маркетинг планининг асосий элементларига келсак, булар умуман товар ва хизматларни таклиф эта олиш санъатида мужассамлашади. Товарнинг талабга мос келиши, баҳони тўғри белгилай олиш, товар ўткази олиш йўллари топа билиш, реклама ишини ташкил эта билиш кабилар бу санъатнинг натижалари бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш воситалари яратувчилар аниқ харидорлар учун ишлайди. Хизмат кўрсатиш соҳасини олсак, бевосита ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол этилади ва сотишда воситачиларнинг кераги йўқ. Истеъмол буюмларини харидорга сотиш эса бутунлай бошқача шароит ва усулда амалга ошади.

Булар яхшилаб ўрганилиб, таҳлил этилгандан сўнг унинг энг маъқул йўллари маркетинг планида ўз аксини топиши керак. Зеро, план расмийлик учун эмас, балки амалий ҳаракат учун тузилади. Маркетинг эса тадбиркорлик фаолиятида тақдирий жараёндир. Маркетинг плани тадбиркорликдаги стратегия ва тактикани белгилаб бериши ва унинг муваффақиятга эришувини таъминламоғи лозим. Маркетинг плани амалда уч муҳим саволга жавоб бериши керак: Ҳозир қаердамиз? Қаерда бўлишимиз керак? Манзилга қайси йўл билан ва қайси йўсинда етишимиз мумкин? Демак, марке-

тинг плани тадбиркорнинг ишончли ёрдамчиси, йўлчи юлдузи бўлиши керак. Тадбиркорнинг маркетинг бўйича ўй, фикр ва мулоҳазаларини қоғозга тушириши ўз тадбири учун жуда фойдалидир. Чунки маркетинг планининг фойдали майда-чуйдаларигача эътиборга олинган ҳолда тузилиши келатган йилда керакли ечимларни амалга оширишга ёрдам беради. Бу план ташқи аҳволнинг ўзгаришига олдиндан тайёр бўлиш имконини туғдиради.

Маркетинг планига бозорда тадбиркорнинг ўзини қандай тутиши, бозор ҳолатига қандай муносабатда бўлиши кабиларга, унинг бозорга эътиборини ўз ичига олган стратегия сифатида қараш керак. Чунки бу нарсалар фақат инвесторни ва таъминловчиларни ўзига жалб этиш учунгина зарур деб ўйлаб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, маркетинг плани қуйидагиларни, яъни: корхонанинг мақсад ва вазифаларини амалга оширувчи стратегиясини акс эттириши, унинг асосини реал исботлар ва таҳлиллар ташкил этиши, унда барча мавжуд ресурслардан тўла унумли фойдаланишни кўзда тутиши, кўзда тутилган мақсадларга эришишни таъминлайдиган ташкилий тузилмага эга бўлиши, истиқболни эътиборга ола билиши, план матнида аниқлик, қисқалик, сермазмунлик ва юзага келадиган ўзгаришларни қабул қила оладиган бўлиши, миқдорийликка эга бўлиши ва аниқ назоратни таъминлай олиши керак.

Маркетинг планининг ижроси назоратни талаб этади. Бу план кўрсаткичларини диққат-эътиборда тутиш, яъни маҳсулот хиллари бўйича сотув ҳажми, савдо агентлари ва минтақадаги бунинг ҳолатини кузатиш туфайли амалга ошади. Бунга тааллуқли ҳар қандай ахборот тадбиркорнинг ўз вақтида стратегияни ўзгартиш ҳамда зарур қарорга келиш ва фойдали чора-тадбирлар қўллашга ундайди.

Маркетинг планининг бажарилмаслиги, аввало унинг нотўғри тузилиши ва катта нуқсонларга эга бўлиши билан боғлиқ.

Бундан маркетинг планини тузишга катта эътибор билан ёндашув, ҳеч қачон расмиятчилик, бефарқликка йўл қўймаслик ва иккинчи даражали масала деб қаралмаслиги маълум бўлади.

Молия плани. Бу план маркетинг ва ташкилий планлар каби бизнес-планнинг муҳим қисми ҳисобланади. Лекин потенциал инвестор нуқтаи назаридан у алоҳида ўрин эгаллайди. Бунинг сабаби шуки, истиқбол янги корхонанинг за-

рурлигига асосланади ва иқтисодий нуқтаи назардан бу лойиҳа қанчалик амалий эканлигини исботлайди.

Молия плани уч қисмдан иборат. Биринчиси, даромад ва харажат бўйича умумий маълумот бўлиб, бу ҳеч бўлмаганда уч йилга тузилади, унинг биринчи йили ойларга бўлинади. Бунда сотув ҳажми, таннарх ва харажатлар моддама-модда келтирилади. Даромад солиғи даражасини эътиборга олган ҳолда бу маълумот асосида корхонанинг келажак соф фойдасини аниқлаш мумкин.

Иккинчиси, нақд пул тўғрисида келажак маълумоти бўлиб, бу ҳам камида уч йилга тузилади ва биринчи йили ойларга бўлинади. Нақд пул миқдорининг аҳамияти шундан иборатки, пул тушумларининг муҳлатлари турли бўлиб, нақд пулга бўлган талабларни аниқлаш учун керакдир. Маълумки, даромад ойлар ва мавсумлар бўйича пул тушумига қараб бир хил бўлмайди. Кўпинча корхона ҳиссасига пул ўтказишлар кечикиб туриши мумкин. Ҳатто товар-хизматлар хариди юқори даражада бўлса ҳам даромадлар ўз вақтида бўлмай иш ҳақи, электр ва сув, газ кабилардан фойдаланиш тўловлари учун қисман муддатли қарзлардан фойдаланиш зарурияти туғилиб туради.

Молия планининг учинчи қисми актив ва пасивлар, истиқболли ёки баланс планидан иборатдир. Бу планда корхонанинг актив ва пасивларини кўрсатиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун тадбиркор ва унинг шериклари томонидан фойда қисми ўз ўрнини топади. Инвесторнинг тўғри ечимга келиши учун планда молия планига оид тахмин, асосларнинг ҳам келтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, молия плани тадбиркорлик учун корхона — фирма пулини қаердан ва қандай, қанча олиши тўғрисида тўла аҳволни аниқлаб бериши, шу билан бирга пуллар қаерда, қачон ва қанча сарфланиши тўғрисида тўла тушунчага эга бўлиш имконини бериши керак. Шунда тадбиркор корхонанинг йил охирида молиявий аҳволи қандай бўлиши тўғрисидаги аниқликка эга бўлади. Молия плани ойларга тақсимланган ҳолда тузилганлиги сабабли фирмада жорий молиявий назоратни амалга ошириш ва янги корхоналарга хос бўлган пул етишмовчилигининг олдини олиб бориш имкониятини туғдиради.

Ташкилий план. Бу планда ташкил этилаётган корхонанинг мулк шакли, корхона хили, раҳбарият туркуми, ташкилий тузилиш, фаолият йўналиши, бино ва иншо-

отларнинг жойлашуви, ҳуқуқий ва бошқарув шакли, мулк шаклларига қараб солиқ қонунларининг қўлланиши, четдан жалб этиладиган маслаҳатчилар хизмати кабилар ўз ўрнини топади.

Мулк шаклига келсак, у уч хил бўлиши мумкин: мулкнинг якка эгаллиги, бирлашма ва акцияли жамият — ҳиссадорлик мулки. Ташкилий планда булар аниқ кўрсатилади. Агар бирлашма бўлса, шериклар ва келишув шартлари тўғрисидаги маълумот берилади. Акцияли жамият бўлса, асосий ҳиссадорлар ва уларнинг асосий капиталдаги қисми кўрсатилади. Сўнгра қанча акция чиқарилган ва яна қанча чиқарилиши кераклиги белгиланади. Директорлар кенгаши аъзолари ҳақида қисқача маълумотлар берилади. Шу билан бирга раҳбарият ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши, уларнинг маоши, мукофот ва қўшимча тўловлар кабилар ташкилий планга киритилиши керак.

Ташкилий планда ўрин олиши керак бўлган кейинги қисм раҳбарият таркиби, янги корхонанинг ташкилий тузилмаси бўлиб, раҳбар ҳар томонлама ишончли, обрўли бўлиши талаб этилади.

Одатда янги корхонанинг ташкилий тузуми жуда оддий бўлиб, барча бошқарув ишларини тадбиркорнинг ўзи бажаради. Иш ҳажми ортиб бориши, корхона фаолияти кенгайиши билан муовинлар пайдо бўла бошлайди. Бундан қатъи назар, ташкилий планда барча бошқарув вазифалари ўз аксини топиши, кадр сиёсати тўғрисида тўғри тасаввур берувчи маълумот бўлиши керак. Ташкилий тузилмада ҳар бир ижрочи ва унинг аниқ вазифалари, бошқа хизматчилар билан бўладиган алоқаси кўрсатилади. Иш натижалари, мақсадли кўрсаткичлар ифодаланиб, бу орқали ҳар бир хизматчини фаолиятига баҳо бериш имкони туғилади. Тадбиркор ҳар бир хизматчининг танлаш тамойилини белгилайди, ишловчиларнинг малакасини ошириш усуллари ни эътиборга олади.

Иш ҳажми ортиб бориши билан тадбиркор-раҳбар баъзи вазифаларни янги қабул қиладиган хизматчиларга, менежерларга бера бошлайди. Лекин барибир тадбиркорнинг асосий мижозлар билан бўладиган алоқани эътибордан қолдирмай, бунда жуда эҳтиёткорлик ва билимдонлик, юз берадиган келишмовчиликларни дарров олдини оладиган бўлиши талаб этилади. Ресурсларни тақсимлаш, савдолашувлар устида ҳам шуни айтиш керак. Чунки барибир бу ишларда тадбиркорнинг ўзи асосий роль ўйнайди. Демак,

ҳар қандай ташкилий шароитда ҳам миқозлар билан бўлган алоқа, савдолашув, ресурсларни тақсимлаш асосан тадбиркор зиммасида бўлади ва у доимо бу вазифаларни ўз диққат-эътиборида тутати.

Ташкилий планда янги корхонанинг бошқарув ва ташкилий тузилмаси қайси йўналишларга қаратилганлиги ўз ўрнини олиши керак. Булар ишлаб чиқариш, маҳсулотни сотиш ва бозорга эътибор беришдан иборатдир. Кўпинча тадбиркорлар, аксарият янги тадбиркорлар маркетинг ва товарларни сотишни бир хил нарса деб тушунадилар. Бу хато бўлиб, кўнгилсиз ҳолатларга олиб келиши мумкин. Чунки сотиш сотувчининг асосий масаласи бўлса, маркетинг харидорнинг эҳтиёжидир. Фақат ишлаб чиқариш ва сотишга эътибор бериш йўли билан даромадни кўпайтиришга интилиш албатта юқори рақобатли бозор шароитида катта қийинчиликларга олиб келади. Чунки истеъмолчи ўзининг талабига мос товар ва хизматларни сотиб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ишлаб чиқаришгагина эътибор берган корхона ташкилий жиҳатдан шаклланмаган ҳисобланади. Сотувгагина эътибор берадиган корхона маркетинг билан савдонинг вазифаларини аниқламаган бўлади.

Шунинг учун тўла ташкилий тузилмага эгалик корхона-фирма ва тадбиркордан ишлаб чиқариш, сотиш ва бозорга биргаликда асосий эътибор беришни талаб этади.

Ташкилий планга киритиладиган ва янги корхона очишнинг тайёргарлик давридаги энг муҳим ечимларидан яна бири корхонани жойлаштириш танловидир. Аввало бу корхона хусусиятига боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш эканлиги билан белгиланади, айтайлик, савдо корхонаси бўлса, қуйидаги омиллар эътиборга олинади:

- 1) Ижара шартлари.
- 2) Аҳоли гавжумлиги, уларнинг ҳаракати.
- 3) Транспорт қатнови, бекат мавжудлиги.
- 4) Машиналарнинг тўхташ ва туриши учун махсус жойлар борлиги.

5) Қўшнилари ва улар кимлар.

6) Атроф аҳоли истеъмоли хусусияти.

Шуларни акс этган ҳолат харитаси тузилиб, планга тикилади.

Ишлаб чиқариш корхонаси бўлса, бошқача талаблар қўйилади. Бунда меҳнат ресурслари ҳолати, буюртмачилар

ва таъминотчиларгача бўлган масофа, омборлар мавжудлиги кабилар асос бўлиб ҳисобланади.

Умуман, корхона қайси хусусиятда, соҳада бўлмасин, жой танлашда барча омилларни ва барча томонларни имкони борича тўла ҳисобга олишга ҳаракат қилиши керак. Чунки корхона фаолияти учун қандайдир бир муҳим ҳудудий жиҳатдан номаъқул бўлса, албатта катта кўнгилсизликлар юзага келиши мумкин.

Мулк шаклидан келиб чиқадиган корхоналар учун ҳуқуқий шакл муаммоси мавжуд бўлиб, бу ҳам бошида-ноқ аниқлашни талаб этади. Айтганимиздек, уч хил шакл бўлиши мумкин: якка мулк, бирлашма мулк, акцияли жамият. Булар бир-бирлари билан мулк тури, мулк эгаларининг жавобгарлиги, корхона бунёд этиш харажатлари, корхонанинг ҳаётий муҳлати, мулккий бегоналаш ҳуқуқлари, молиявий манба, бошқарув шакллари, фойда ва зарарларни тақсимлаш, янги капитал жалб этиш имкониятлари кабилар туфайли таққосланиши мумкин. Корхонанинг ҳуқуқий шакллари бу омиллар таъсирини эътиборга олганда устунлик, афзалликларга эга ёки эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам ташкилий структурани белгилашда бу томонларга катта эътибор бериб тўғри қарорга келиш аҳамиятлидир.

Ташкилий пландаги энг кейинги қисм мулк шакллари-га боғлиқ ҳолдаги солиқ қонунчилигининг қўлланилиши бўлиб, бунда жорий мулк шакли белгиловчи бўлади. Масалан, АҚШда солиқ бошқармаси якка мулкчилик корхонаси ва улар эгасини фарқламайди. Бундай корхоналар шахсий даромад сифатида солиқ тўлайдилар. Кўриниб турибдики, булар солиқ бўйича корпорациялар олдидан устуворликка эга. Бирлашмалар ҳам бу соҳада деярли якка хусусий корхоналарга ўхшайди. Корпорациялар эса икки хил солиқлар, яъни: корпорация даромади ва акциячилар даромади билан боғлиқдир.

Юқорида бизнес-планнинг мазмуни, стратегияси, асосий қисмлари, ҳар бир қисмининг мазмуни билан таънишдик. Кўриниб турибдики, бизнес-планни тузиш янги корхона барпо қилишда жуда муҳимдир. У, албатта маълум вақт, ғайратни талаб этади ва у иш бошловчи тадбиркор учун биринчи йили аниқ йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Кўпчилик иш бошловчилар планлаштиришга аҳамият бермай, бизнес-план тузишга эринадилар ва уни кераксиз

деб биладилар. Бу, албатга катта хато. Планлаштириш барча хўжалик фаолиятининг зарур ва муҳим қисми эканлигини ҳеч эсдан чиқармаслик лозим. Буни, айниқса банкирлар тасдиқлаши мумкин, банкротлик (корхонанинг синиши)-нинг сабаби пулнинг етишмаслиги эмас, балки тадбиркорнинг ўз фаолиятини тўғри планлаштирмаганлиги натижасидир.

Назорат тизими. Бизнес-планнинг муваффақиятли бажарилиши назорат тизимини яратиш ва иш жараёнида унга ўз вақтида тузатишлар киритиб бориш имконини беради.

Бизнес-планнинг бажарилишини кузатиш учун йил охири кутиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бунинг учун иш бошланиши билан назоратни ҳам бошлаш керак. Бу назорат нуқталарини белгилашдан бошланди. Айтайлик, даромад ва харажат мувозанати, нақд пул ҳолати, омбордаги захиралар даражаси, маҳсулот сифати, ишлаб чиқариш плани кабилар камида ҳар ойда кузатилади. Назорат тизими жуда оддий бўлиши, ечимларни белгиловчиларнинг ўз вақтида хабардорлиги жойида чора кўришни таъминлашга ёрдам беради.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. **Тадбиркорлик бизнеснинг асосий мазмунини** ташкил этиб, у хўжалик субъектларининг хатарлилик билан боғлиқ ҳолдаги ташаббускорлиги, ўз ғоялари ва ижтимоий-иқтисодий самарага эришиш мақсадида янги комбинацияларни амалга оширувчи иқтисодий фаолиятдир. Тадбиркорликнинг субъект ва объектлари мавжуд.

2. **Тадбиркорлик субъектлари** якка ҳолдаги корхоналар, корпорациялар ва давлат корхоналаридан иборатдир.

3. **Тадбиркорлик объекти**, аввало маълум иқтисодий фаолиятни билдиради. Бу ҳаракат ташкилийлик, уддабуронлик комбинациялари мазмунида амалга ошади.

4. **Тадбиркорликнинг бир қанча умумий белгилари** мавжуд. Уларнинг асосийлари хўжалик субъектлари мустақиллиги ва суверенлиги, иқтисодий манфаатдорлик, хўжалик хатарлилиги ва жавобгарликдир.

5. **Тадбиркорликнинг мустақиллиги, эркинлиги.** Бу нима ишлаб чиқариш, кимга ишлаб чиқариш, кимдан нима сотиб олиш, қандай ва кимга сотиш кабилар мустақил ва эркин ҳолда бозор ҳолати асосида амалга ошишида ифодаланади.

6. Тадбиркорлик даромад олиш, фойда кўришни асос қилган ҳолдаги фаолиятни ўз ичига олади.

7. Тадбиркорлик хатарлилик билан боғлиқ иқтисодий фаолиятдан иборат. Лекин хатарлилик пухта ҳисоб-китоб, ҳар томонлама ҳаракат қилишни асосан имкони борича олдиндан белгилаган ва чамалаган ҳолда амалга оширилади. Шунга қарамай тадбиркорликда номаълум ва кутилмаган иқтисодий ҳодисалар юз беради.

8. Тадбиркорлик иқтисодий фикр юритиш ва новаторликка асосланган. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик классик ва инновацион мазмунда бўлади.

9. Тадбиркорликнинг туб мазмуни, аввало иқтисодий янгиликларда ифодаланади. Янгилик даражалари оддий, технологик ва инқилобий янгиликлардан иборат. Янгиликни тижоррий маҳсулот даражасига етказишнинг уч йўли мавжуд: давлат, “ички” тадбиркорлик ва тадбиркорлик.

10. **Бизнес-план** тадбиркорликнинг таркибий қисми бўлиб, у режали иш олиб боришни белгилайди.

11. Бизнес-план беш қисмдан иборат: умумий, маркетинг, ишлаб чиқариш, молия, ташкилий қисмлар.

МАВЗУ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ ВА САВОЛЛАР

1. Бизнесни қандай тушунасиш? Бизнесмен ким, унинг бозор иқтисодиётидаги ўрни нимадан иборат?

2. Тадбиркорликни бозор иқтисодиётидан келтириб чиқариб, кенгроқ тушунтириб беринг.

3. Тадбиркорлик омилларини тушунтиринг ва мисоллар келтиринг.

4. Тадбиркорликни иқтисодий жиҳатдан баҳолаб беринг?

5. Тадбиркорликнинг субъектлари, объектлари деганда нимани тушунасиш?

6. Тадбиркорлик учун мустақиллик, суверенлик заруриятини тушунтириб беринг. Нима учун тадбиркорлик мустақиллик, эркин иқтисодий ҳаракатни талаб қилади?

7. Янгилик даражалари ва янгиликни тижорат маҳсулотига етказишнинг уч йўлини тушунтириб беринг.

8. Бизнес-планнинг моҳияти ва унинг асосий қисмлари нималардан иборат?

ХII. ТАДБИРКОРНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Тадбиркорлик моҳияти тадбиркор тушунчаси ва унинг фаолиятида ўз ифодасини топиб, кенгроқ аниқланади ва сермазмун бўлади.

Бизнес субъекти — бизнесмен бўлганидек, тадбиркорликнинг субъекти албатта тадбиркордир. Бозор учун у ўта аҳамиятлидир. Бозор иштирокчилари ичида тадбиркор ажралиб туради. Бунинг сабаби бозор жараёнида, бозор механизмларини ишга солишда, бозор муносабатларининг ҳаракати доирасида тадбиркорнинг ўзгачалигида, унинг алоҳида ўрин эгаллашидадир.

1 ТАДБИРКОР ТУШУНЧАСИ

Тадбиркор моҳияти. Тадбиркор бозор талаби асосида фаоллик қилади. Шунинг учун ҳам тадбиркорсиз бозор иқтисодиётини, бозор муносабатлари ҳаракатини тасаввур этиб бўлмайди.

Тадбиркор — бу асосан мулкдор, майда, ўрта ва йирик мулк эгасидир. **Мулкдорлар синфи** деганда, биринчи навбатда, тадбиркорларни тушунамиз. Тадбиркор ўз мулкидан капитал сифатида фойдаланиб, корхоналар ташкил этади, тижорат билан шуғулланади, бойликка бойлик қўшади, мамлакатнинг иқтисодий қудратини оширади. Агар тижорат ижара, қарз асосида олиб борилса ҳам барибир маҳсулот, товар унинг мулкидир. Шунинг учун ҳам мулкдорлар қанча кўп бўлса ва уларнинг мулки қанча йирик бўлса, мамлакат шунчалик бой ва халқининг истеъмол даражаси юқори бўлади.

Агар мулки бўлса инсон ўзини мустақил ва эркин сезиб, ҳаётини асоси мавжуд эканлиги, келажакка ишонч билан қараши, мулки бор ҳудудни Ватан деб билиши ҳақиқатдир. Улуғ давлат, аввало мулкдорлар синфи ҳолати билан намоён бўлиши мумкин. Президент Ислон Каримов айтганидек, мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш, уларнинг аҳамиятлилик даражасини кўтариб бориш зарур. Чунки бозор иқтисодиётини қуришда, келажакда буюк давлатни юзага келтиришда мулкдорлар синфи муҳим роль ўйнаши ва бу соҳадаги муваффақиятларга эришишда етакчи бўлиши керак.

Маъмурий давлат иқтисодиёти ҳукмронлигидаги “социализм тизимига” хос даврни олсак, унда ҳам тадбиркор инкор этилмаган, ишбилармонлик талаб қилинган, шунга чақирилган. Лекин унинг туб мазмунда бўлишига шароит бўлмаган. Унда ҳар қандай хўжалик ва ташкилот бошлиқлари, уларнинг ишини юритувчилар юқоридан тай-

инланган ва юқори белгилаган вазифанигина бажарган. Чунки корхона, хўжалик ташкилотлари тўла давлат ихтиёрида бўлиб, давлат вакили сифатида унинг номидан иш тутган. Албатта, бундай ҳолатда ва фақат ваколатлик шароитида ҳақиқий тадбиркорлик бўлмайди, мустақил иш юритиш мумкин эмас. Хўжалик раҳбари, бошлиғи, бошқарувчиси ўз мулкига эга бўлмагандан кейин уни чегараловчи юқори бошлиқ, ташкилотлар билан маслаҳатсиз, уларнинг розилигисиз мустақил қарорга кела олмайди. Бундан ташқари бозор билан бевосита боғлана олмайди. Чунки улар бозор билан боғлиқ эмас ва умуман, талаб таъсиридан четда бўлган ҳолда ҳаракат қилади.

Бундан ташқари хўжалик фаолияти билан боғлиқ барча масалалар план орқали белгиланган. Шу билан бирга ишлаб чиқариш, товарларни сотиш, уларни баҳолаш ва умуман, бу соҳаларга бирон бир ўзгаришлар киритиш фақат маълум ташкилотлар орқали амалга оширилиши туфайли иш юритишда ҳеч қандай мустақиллик бўлмаган. Пландар, уларнинг кўрсаткичлари, юқори ташкилотлар топшириқлари, сиёсий органлар қарорларини бажариш, уларга ҳеч қандай ўзгаришлар киритмаслик қаттиқ назорат остида бўлган, хўжалик соҳасида мустақил иш кўриш, ишбилармонлик қилиб, тадбиркорона ташаббус кўрсатиш жазоланган. Маълумки, бундай хўжалик юритиш шароитида номигагина тадбиркор бўлган ва у бундай нобозор иқтисодий шароитда ташаббускорликдан маҳрум этилган ва фақат ижрочига айланган, холос.

Тадбиркор ўз номи билан эски бўлса ҳам шаклланаётган, муносабатлари кенгаяётган бозор иқтисодиёти шароитида янгидан пайдо бўлиши, бозор ривожини учун тўлақонли ҳаракат қила оладиган даражада бўлмоғи керак. Чунки амалда бозор ривожини даражаси, унинг миқёси, замонавийлиги аввало тадбиркорларга боғлиқдир. Уларнинг даражаси, савияси, иш услуби, ҳаракатчанлиги, маҳорати бозор йўналишини белгилаб беради.

Шунга кўра бозор тақдири, унинг ҳолати, муваффақияти, самарадорлиги, ижтимоий йўналиши тадбиркорлар фаолияти, уларнинг ишбилармонлиги, бозорни ташкил эта билишларига боғлиқдир. Мақсадимиз замонавий цивилизацияли бозор иқтисодиётини ташкил этиш, самарали бозор муносабатлари механизмларини уюштириш экан, тадбиркорлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, мақ-

садга мувофиқ тадбиркорлар армиясини яратиш ва тарбиялаш кабиларга катта эътибор бериш, шу билан бирга бу соҳадаги мавжуд ва маъқул жаҳон тажрибаларини қўллаш талаб қилинади.

Бозор иқтисодиёти шароитида иш юритиш, сармоя, ишлаб чиқариш билан боғлиқ мулк асосан тадбиркорлар ихтиёрида бўлгани туфайли ишловчилар иккига, яъни: тадбиркорлар ва ёлланувчиларга бўлинади. Маълумки, тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳар кимга ҳам буюрмаганлиги учун бундай бўлиниш, яъни **тадбиркор ва ёлланувчилар бўлиш ихтиёрийдир**. Ишловчиларнинг асосий қисми ёлланувчилар бўлганлиги сабабли тадбиркорлар нисбатан сон жиҳатидан кам бўлади. Ривожланган бозор иқтисодиёти асосидаги мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорлар миқдор жиҳатидан бандликнинг 8, кўпи билан 9 фоизидан ошмайди. Демак, иш билан банд бўлган аҳоли қисмининг асосийси ёлланма ишловчилардир. Албатта, улар тадбиркорлар ва хусусий, давлат, корхона, ташкилот, муассасаларда ёлланиб ишловчи шахслардир. Бу бозор иқтисодиётига хос, ғоя нуқтаи назаридан биз учун янгиликдир. Бундай янги ҳолатга кўникиш, унга ўрганиш ва оддий табиий ҳаётий талаб, деб қараш зарур. Ишга ёллаш тадбиркор ихтиёрида бўлиб, у иш манфаати асосида кимни ёллаш, қанчага ёллаш, ёлланувчидан қандай ва қаерда фойдаланиш каби масалаларни ўзи ҳал қилиши керак.

Тадбиркор ва тадбиркорликнинг авж олишида бундай ҳолат тўсиқ бўлмаслиги ва бундаги кўзга ташланадиган “ноҳақлик”нинг олдини олиш талаб қилиниб, тадбиркорга нисбатан дўстона муносабатда бўлиш ҳақиқатга тўғри келади. Ривож топган мамлакатларда бу муаммо анча яхши ҳал қилиниб, зиддиятлар асосан бартараф этилган. Тадбиркор-соҳибкор билан ёлланма ишчилар ўртасидаги зиддиятлар ҳозирги даврда ўз кескинлигини йўқотган ва жамият бу соҳада жуда кўп ижобий ишларни амалга ошириб, ноҳақликнинг асослари йўқотилиб, икки томон ўртасидаги келишмовчиликка асосан барҳам берилган. Ёлловчи ва ёлланувчилар ўртасида келишмовчиликка нисбатан келишув, бир-бирини тўғри тушуниш устунлик қилади. Қашшоқланиш ҳолатларининг олди олинган ва манфаатдорликка йўл очилиб, тадбиркор ва ёлланувчилар ўртасидаги бир-бирига қарши кураш сабаблари деярли йўқ қилинган. Натижада ёлланувчиларнинг миллий

даромаддаги улуши ортиб бормоқда, ривожланган мамлакатларда у 70—72 фоизни ташкил қилади. Бундан ёлланма ишчиларнинг даромадлари юқори даражада кўтарилганлиги ва тадбиркорлар ҳамда ёлланувчиларнинг манфаатдор эканлигини кўраимиз. Илғор мамлакатларда икки томоннинг бир-биридан манфаатдорлигини кўрсатувчи далиллар кўп. Айтайлик, тадбиркор — корхона эгасининг даромади даражасининг ишчи иш ҳақиға таъсири, соҳибкор фойдасига шериклик, ёлланма ишчилар ичида акция эгаларининг кўпайиши, яъни ишчиларнинг ўзи мулкдорға айланиши, иш кучининг нормаллиги, иш ҳафтасининг қисқалиги, кенг ҳажмда ижтимоий ҳимоянинг қўлланилиши, нафақа, даромад кафолати каби чора-тадбирлар борган сари такомиллашиб бормоқда ва ўзининг самарадорлигини меҳнат унумдорлигининг ўсиб боришида ишботламоқда. Энг муҳими — бу чора-тадбирлар ишчиларнинг турмуш даражасида ўз аксини топмоқда.

Ёллоғчи билан ёлланувчилар ўртасида муносабатнинг яхши бўлиши, соҳибкорға тўла ишонч ҳосил қилиш тадбиркорнинг самарали фаолиятининг зарур шартидир.

Шаклланаётган тадбиркорлар мамлакатимиздаги бозор иқтисодиётининг муваффақиятида ўз ўрнини топа билишлари учун бу муаммонинг тўғри ҳал қилиниши ва ёлланувчиларнинг тадбиркорларға нисбатан тўғри муносабатда бўлишлари жуда катта аҳамият касб этади.

Тадбиркор ўз маблағи-капитали ва иш ҳажмиға кўра йирик ёки ўрта, майда бўлиши мумкин. Бу, албатта корхоналар ҳажми, бандилик даражаларида ифодаланади. Халқаро ўлчов бўйича асос қилиб корхонада ишловчилар сони олинади. 100 кишиғача ишловчиси бор корхоналар **майда**, 100—500 гача банд бўлганлари **ўртача** ва ундан юқорилари **йирик корхона** ҳисобланади. Минглаб ишловчилари бор бирлашма корхоналар, концернлар мавжуд бўлиб, булар жуда йирик-гигант корхоналардир. Уларнинг эгаларининг мавқеи ҳам шу йирикликка қараб белгиланади.

Албатта миқдор жиҳатидан энг кўпи майда корхона ва кичик тадбиркорлардир. Масалан, банд бўлган ишловчилар сони бўйича АҚШ да булар 54—55 фоизни ташкил этса, Японияда бу кўрсаткич 77,1 фоизға тенг, йирик корхоналар эса, мос ҳолда 21—22 фоиз ва 8,1—8,2 фоизға тўғри келади. Майда ва жуда майда корхоналарни олсак, буларда тадбир-

корнинг ўзи ҳам ёлланувчилар билан бирга ва ҳатто ундан кўпроқ ишлайди.

Қишлоқ хўжалиги, яъни аграр секторни оладиган бўлсак, фермерлар камдан-кам ишчиларни ёллайдилар ва асосан оила аъзолари билан барча хўжалик ишларини ба-жарадилар. Меҳнат унумдорлиги юқорилиги сабабли эркин рақобат даврига оид фермер-тадбиркорларнинг хонавайрон ҳолатлари бирмунча қисқариб, анча турғунлик мавжуд бўлган.

Йирик тадбиркорлик асосан акцияли капитал орқали фаолият кўрсатади. Бунда тадбиркорлик даражаси юқори, иш натижасига нисбатан жавобгарлик ҳам жуда катта. Лекин бу ўзига хос афзаллик ва устунликларга эга. Чунки бунда бозорни ўрганиш ва шакллантириш, меҳнат, молия, моддий сармоялардан фойдаланиш кабиларда имконият жуда каттадир. Меҳнат тақсимоли афзаллигидан фойдаланиш учун катта шароитларга эга. Бозор конъюнктура ўзгаришига яхши мослашади, меҳнат ихтисослашувини кенг қўллаш олади. Шунинг учун ҳам йирик тадбиркорнинг турғунлик даражаси ва фаолият самарадорлиги даражаси жуда юқори бўлиши мумкин.

Тадбиркорлар давлат ва кооператив корхоналарида ҳам мавжуд, яъни улар умумлаштирилган мулк шароитида ҳам фаолият кўрсатадилар. Давлат тадбиркорлиги ишлаб чиқариш, инфраструктура, истиқболли илмий техникавий тармоқларнинг иш меъёрини таъминлашда зарур. Маълумки, иқтисодий тармақлашган ҳолда тартибга солиш муҳтожлиги юзага келиши давлатнинг хўжалик билан шуғулланиши заруриятини туғдиради. Узоқ муддатли харажатлар, тармақлаштириш талаб этадиган, йирик маблағлар зарурияти туғиладиган тармоқлар, корхоналар ўзига хос тадбиркорликни талаб этади ва бунда давлат қўл келади. Кооперативлар майда тадбиркорликнинг бирлашуви натижасида юзага келади. Бундаги асосий мақсад маблағларни бирлаштириш, рақобатга бардошли бўлиш учун биргалашиб иш юритишдир. Шундай қилиб, хусусий тадбиркорлик билан бирга давлат ва кооператив тадбиркорлиги ҳам мавжуд.

Тадбиркор ҳақиқий ва ҳар томонлама мустақил бўлиши ва фаолияти чегараланган бўлиши мумкин. Бу тадбиркорнинг мулк эгасими ёки ёлланганми эканлигига боғлиқ, чунки хусусий мулк эгаси билан бир қаторда мулксиз бошқарувчи-тадбиркор бўлиши ҳам мумкин. Мулксиз тадбиркор

албатта ёлланган бўлади. Ишни мустақил олиб боришига ва тижорат, фаолликда мустақил бўлишига қарамай, ёлланган-бошқарувчи муҳим тақдирий масалалар бўйича мулкдор-тадбиркорга боғлиқдир. Тадбиркорнинг эркинлиги, иш кўришда мустақиллиги, мулкка бўлган муносабатига боғлиқдир. Ҳақиқий, тўла ҳуқуқли, тўлақонли тадбиркор хусусий мулкчидир.

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА САРМОЯВИЙ АСОСЛАРИ

Тадбиркорларнинг уч асосий омили мавжуд: ҳуқуқий, сармойавий ва шахсий. Аввало **тадбиркор бўлиш учун ҳуқуқий муҳит зарур**. Тадбиркорлик учун эркин иқтисодий фаолият юритиш, тижорат билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлиш, тадбиркорлик кафолати керак. Агарда тадбиркорлик учун ишонч бўлмаса, қонунан у ҳимоя этилмаса, қандай қилиб у фаолият кўрсатади, тижорат билан шуғулланади ва бозорни шакллантириб бера олади? Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтиш қанчалик ҳуқуқий муҳитга талабгор бўлса, тадбиркор ҳам шунча ҳуқуқий ва қонуний ҳимояга муҳтож. Ўзбекистон давлатининг “Ўзбекистон Республикасининг тадбиркорлик тўғрисидаги” қонуни бу борада энг аҳамиятли бўлиб, у тадбиркорликнинг фаолияти учун йўл очадиган ҳуқуқий мажмуадир. Ишбилармонликка шароит туғдириб берадиган ҳуқуқий иқлим яна “Ўзбекистон Республикаси мулкчилик тўғрисида”, “Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш тўғрисида”, “Хусусий мулк тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида” каби бирмунча қонунлар туфайли юзага келмоқда.

Ҳуқуқий муҳит тадбиркорликка оид қонунлар ижросига қаратилган қарор, фармонлар туфайли мустаҳкамланмоқда. Мавжуд қонунлар тадбиркорнинг фаолияти миқёси, ҳажми, чегараси ва шахсий ҳуқуқларини ҳамда унинг қандай ҳаракатда бўлишини тўла белгилаб бериши зарур. Шунда тадбиркор қонун асосида эркин иш тутиб, маъмурият ва шахсларга боғлиқ бўлмасдан фақат қонун олдида жавобгарликни сезган ҳолда иш тутмоғи талаб этилади. Демак, қонун тадбиркор учун фаолият асосини белгилаб беради.

Тадбиркор фаолияти учун зарур **ҳуқуқий муҳитнинг икки томони мавжуд: эркинлик ва мажбурийлик**. Биринчиси, унинг эркин фаолияти, жамият ва жамият аъзолари билан бўлган

эркин муносабатларни таъминлаш билан боғлиқдир. Таъкидлаганимиздек, тижорий эркинлик ва фаолият соҳаси танлови эркинлиги қонунлар ва уларнинг ижроси туфайли таъминланади. Шу билан бирга даромад ошишининг чегараланмаслиги, ресурслардан фойдаланиш, иш кучини ёллаш эркинликларини таъминлаш тадбиркор учун жуда аҳамиятлидир. Энг муҳими ҳуқуқий масала тадбиркорликнинг мулк муносабатларидаги, мулк ва сармоялар ҳажмининг чегараланмаслигидаги эркинликдан иборатдир. Чунки у тадбиркор иқтисодий фаолиятининг асосини белгилайди.

Қонунларда тадбиркор ҳаракатининг асосий томонлари кафолатланади ва тўла ҳимояланади. Айтайлик, унинг мулкка эгаллиги, даромад олишининг чегараланмай, бундаги кафилликнинг тўла кучга эга бўлиши аҳамиятлидир ва бу ишлаб чиқаришни ривожлантириш, даромадларнинг ортиб бориши, натижада инсон истеъмолининг ўсиб боришини таъминлайди. Давлатнинг тадбиркорга нисбатан бўлган муносабати, аввало буларнинг қонунларда акс этирилишида ва ижросини тўла таъминлашда ўз ифодасини топадики, бу тадбиркор ҳуқуқ муҳитининг асосини ташкил этади.

Тадбиркор ҳуқуқий муҳитининг иккинчи томони унинг жамият олдидаги ва инсон ҳуқуқлари ҳам турмуш шароитлари билан боғланган мажбуриятларидан иборатдир. Тадбиркорнинг мажбуриятлари унинг фаолиятидаги салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилганлигидир. Тадбиркор ижтимоий харажатларда маълум ўрин эгаллайди, бу миқдорий мажбурият шаклида бўлиб, солиқ қонунлари билан белгиланади, ижроси эса солиқ бошқармалари томонидан амалга оширилиши таъминланади. У даромад ва фойданинг бир қисмини доимо бюджетга ажратиб беради. Бу давлат томонидан кучли назорат остида амалга ошади.

Экологияни сақлаш, табиатга зарар келтирмаслик соҳасида тадбиркорнинг жавобгарлиги катта бўлиб, бу ҳам қонунларда ўз аксини топади. Табиий бойликлардан тўғри ва самарали фойдаланиш, ҳаво, сув, ҳудудларни саноат ва умуман, тижорий фаолиятлар туфайли ифлослантирмаслик бўйича тадбиркорларга катта мажбуриятлар юкланади. Шунингдек, аҳолининг яшаш шароитлари, дам олиш имкониятларини сақлаш ва яхшилаш кабиларни ҳам тадбиркор ўз фаолиятида

эътиборга олишга мажбур. Ишга ёллаш, ишлаб чиқариш шароитларини яхшилаб бориш, ишловчилар даромадини кафолатлаш, иш куни муҳлати ва бошқа бир қатор ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги қоида ва тадбирларга риоя қилиш мажбуриятлари ҳам мавжуд.


Цивилизация тараққиёти туфайли тадбиркорнинг мажбуриятлари, айниқса инсон ҳуқуқи, унинг турмуш даражасини кўтариш ортиб бориши керак.

Шундай қилиб, тадбиркорнинг ҳуқуқий муҳити дега-нимизда унга тааллуқли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар йиғиндисини тушунамиз. Чунки тадбиркор иқтисодий фаолиятидаги тўла эркинлик унинг жамият, давлат ва инсон олдидаги мажбуриятлари мувозанатининг доимо таъминланиб бориши учун зарур шартдир.

Тадбиркор ҳуқуқий муҳитининг юзага келишида давлатнинг роли асосий бўлиб, кетма-кет зарурий қонунлар чиқарилиши, уларнинг амалийлигини таъминлаб бориш ва ижро фаолиятининг такомиллашиб бориши тадбиркорликнинг ривожланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Демак, қонунлар тадбиркорнинг давлат, жамият, жамият аъзолари билан бўладиган муносабатларини ҳам аниқлайди. Агарда тадбиркорга тааллуқли қонуният атрофлича бўлиб, зарур масалаларни тўлиғича ўзида акс эттира олса, унда тадбиркор учун зарур ҳуқуқий муҳит яратилган, дейишга асос етарли бўлади. Шу нарсани яна қайд қилиб ўтиш керакки, қонунларни тўғри, онгли талқин эта билиш ва уларнинг тўғри бажарилишини назорат этиш, қисқаси бу қонунларнинг тўла бажарилишини таъминлаш бу соҳада кутилган самарани бериши мумкин. Лекин қонун жуда яхши, сермазмун бўлса-ю, ижроси бошқача бўлса, албатта тадбиркорлик авж олмайди ва тадбиркор эркин ҳаракат қила олмайди. Бундан фақат бозорга ўтиш секинлашиб, иқтисодиёт ривожини зарар кўради. Бу эса, ўз навбатида, бевосита аҳолининг турмуш даражасида ўз аксини топади.

Тадбиркор сармоясини. Тадбиркор учун иккинчи муҳим омил сармоядир, яъни у сармоядор бўлмаса ўзи мустақил иш ташкил эта олмайди. Сармоясиз иш юритувчи ҳар қандай шароитда ҳам қарам ва ижрочи, ярим мустақил бўлиб қолади.



19-тарх

Сармоя ўз манбаи билан уч хил бўлиши мумкин: хусусий, қарз-кредит ва йиғма, қўшма сармоялар. Энг муҳими, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлгани албатта хусусий сармоя, хусусий маблағдир. Ҳар бир тадбиркор иш бошлаш учун аввало маълум миқдорда зарур хусусий сармоёга эга бўлмоғи зарур. Шунн таъкидлаш керакки, тадбиркор, биринчи навбатда, ўзининг сармоядорлиги, маълум миқдордаги эркин ишлатиш имконини берадиган пул маблағига эга бўлиши шарт. Бусиз унинг хўжалик юритиш жавобгарлиги, шахсий жонкуярлиги ҳақиқий ва бозор шароитида иш юритувчи тадбиркор-соҳибкор даражасида бўлмайди. Шунинг учун ҳам аввало у шунинг ҳаракатида бўлиб, иштини бошлаши учун маблағ йиғиб, бошланғич сармоёга эга бўлади. Сўнгра шу ўзининг маблағи билан, шунингдек, уни қарз маблағи билан тўлдириб, кичик бўлса ҳам корхона очиб иш бошлайди. Ўзининг маблағи, сармоёси хусусий мулк сифатида асос бўлиб, унинг ёнига иш ҳажмига қараб қарз ола бошлайди. Маълумки, ҳар қандай қарз-кредит учун ҳам унга асос бўладиган маълум даражадаги ва миқдордаги хусусий сармоя мавжудлиги талаб этилади. Бусиз сармоя бўлмайди, яъни моддий ишонч бўлмагунча қарз берилмайди. Чунки ҳар қандай қарзнинг ҳам шarti фоизи билан қайтариб бериш ва уни қошлаш кафолатидир. Фақат қарз ҳисобига иш бошлашни чамалаш реал нарсa эмас. Айтайлик, бинони ижарага, хом ашё ва материалларни кредит ҳисобига олиш мумкин. Лекин қарз асосидаги ижарани ташкил этиш учун ҳам барибир маблағ асоси керак, яъни хусусий сармоя керак. Моддий асоссиз ваъдага қарз берилмайди ёки ижарага ишлаб чиқариш воситалари берилмайди ва бундай қарзларнинг ўзига хос қаттиқ моддий шартлари мавжуд.

Тадбиркорнинг ишлатадиган сармоясида қарз катта ўрин эгаллайди ва одатда унинг ҳиссаси хусусийдан катта бўлади. Бу айниқса, айланма сармоя ва инвестицияга тааллуқлидир. Ишонч ҳосил қилинса, қарз олиш қийин эмас, чунки кредит катта даромад келтиради ва бундан аввало қарз берувчи манфаатдор бўлади, унинг қарз учун бериладиган пули қанча тез ҳаракатда бўлса ва ҳажми катта бўлса, даромади ҳам шунчалик ортиб боради.

Ҳар қандай тадбиркорнинг, у қайси соҳа ва тармоқда ҳаракат қилишидан қатъи назар, самарали фаолияти учун асосан қарзли сармоя аҳамият касб этади. Бозор ташкилотчиси бўлган тадбиркор кенг тармоқли катта ҳажмдаги қарз олиш тизимига доимо жуда муҳтож ва усиз унинг имконияти жуда тор бўлиб, бозор ривожини учун катта ҳисса қўша олмайди. Шунинг учун ҳам тадбиркорнинг муваффақиятли иш юритиши учун кенг тармоқли ва катта маблағга эга бўлган банклар, аввало тижорий банклар тизими мавжуд бўлмоғи шарт.

Учинчи хил сармоя, яъни йиғма ёки қўшма сармоя хусусий сармоялар ҳисоби асосида пайдо бўлади. Бу асосан кооператив корхоналар, яъни ширкат, кооператив ҳамда ҳиссадорлик корхоналарига тааллуқлидир. Чунки булар ўз сармояларини бирлаштирган ҳолда қўшма капитал пайдо қиладилар ва биргаликда иш кўрадилар.

Бу сармоя хилининг шакллари кўп ва миқдоран асосан майда ва ўрта капиталларни ташкил этса, акцияли капиталлар, корпорация капиталлари жуда йирик бўлиши мумкин. Якка-якка ҳолда бу сармоялар мустақил иш бошлаш имконини бермаса, йиғилганда ва бирга қўшилганда зарурий капитал миқдори юзага келиб, капитал муҳтожлиги муаммосини ҳал қилиб боради.

Хусусий сармояларнинг йиғилиши фақат фаолият бошланиши ёки янги корхона шаклланиши билан боғлиқ бўлмай, корхонани ривожлантиришда доимо керак, чунки капиталга муҳтожлик тадбиркорликдаги доимий ҳолатдир. Янги акциялар чиқариш, янги аъзолар ҳисобига корхона сармояси, капитали доимо кўпайиб бориш имконига эга бўлади. Бу дивидендлар даражасига боғлиқдир. Бундан ташқари бу жараён рақобат кураши туфайли тезлашади, корхоналар қўшилиши юз бериб боради. Лекин ҳаракатда-

ги капиталнинг ортиб боришида фойданинг ҳиссаси ортади ва бу капитал кўпайишининг асосий манбаига айланиб боради, қарз сармоя фақат хусусий капитал учунгина зарур дейиш нотўғридир. Чунки кредитдан бирлашган капитал асосидаги корхона-фирмалар ҳам фойдаланиб, бунга муҳтожлик сезилиб туради.

Айтиш мумкинки, тадбиркорнинг самарали фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган сармоя хили ва капитал манбаи бир хил эмас, булар турли бўлиб, бир-бирини тўлдириб боради. Шу билан бирга уларнинг ўрни ҳам турличадир.

Тадбиркорлар сармоясининг шаклланишида юзага келатган фондлар ҳам ўз аҳамиятини кучайтирмоқда. Айтайлик, Ўзбекистонда давлат ёрдамида юзага келган **тадбиркорлар фонди** янги-янги корхоналарни юзага келтириб, майда ва ўрта тадбиркорларнинг иш бошлашида катта ёрдам бермоқда. Бундай фондлар тадбиркорлар бирлашмалари, иттифоқлари ихтиёрида ҳам бўлиши мумкин. Бидамизки, бунга ўхшаган халқаро фондлар ҳам мавжуд. Бу соҳада аҳамиятга эга бўлган халқаро банклар ҳам ўз фаолиятини кенгайтирмоқда. Ҳатто ривожланган мамлакатлар ҳам шу мақсад билан ёрдам фондлари, имтиёзли кредитлар уюштирмоқдалар.

Тадбиркор сармоясининг шаклланишида давлатнинг аҳамияти каттадир. Айниқса, Ўзбекистонимизнинг ҳозирги бозор иқтисодиёти шаклланиши шароитини эътиборга олсак, давлатнинг ҳар томонлама, айниқса моддий ёрдамсиз, бирон-бир тадбиркорнинг бозор соҳасидаги фаолияти ва унинг муваффақиятини тасаввур этиб бўлмайди. Чунки асосий пул маблағи, корхона, бино, жиҳоз, хом ашё, энергия, ишлаб чиқариш материаллари таъминотида давлатнинг ўрни катта. Уларни ижарага бериш, сотиш, улар билан таъминлаш ҳозирча кўпинча давлат тизимида бўлиқ. Айтиш мумкинки, шундай қонуният мавжудки, айниқса бозор муносабатларига ўтиш, бозор иқтисодиёти шаклланиши даврида, жараёнида давлатнинг қўлловисиз, унинг бевосита ёрдამисиз тадбиркорлар армиясини шакллантириб бўлмайди. Давлат, айниқса тадбиркор оёққа туриб олгунча, ўз корхонасини ишга тушириб, маҳсулотлар чиқариб, бозорда ўз ўрнини топгунча ўз ёрдамини аямас-

лиги керак. Булар ичида ижарага бериш, паст фоизли кредит бериш, маълум вақтгача солиқ имтиёзларини қўллаш кабилар катта аҳамият касб этади. Бундай ёрдам ўзини тезда оқлайди ва тадбиркор тезда бу ёрдамларни қайтариш имконига эга бўлади. Энг муҳими шуки, тадбиркор ўз йўлини топиб олиб, ўз ишини жонлантириш имконини қўлга киритди деган сўз — бозор шаклланмоқда, ривожланмоқда, деган сўздир. Чунки бозор иқтисодиётининг шаклланиши, бунда аҳоли манфаатдорлигининг ошиб бориши тадбиркор фаолиятида ифодаланади, у амалга ошираётган иш ҳажми, тижорий мазмунида ўз аксини топади. Мамлакатимизга тааллуқли бу соҳада жуда кўп далиллар келтириш мумкин. Бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган қонунларни амалга ошириш соҳасидаги мамлакатимиз ҳукуматининг кўраётган чора-тадбирлари, тўлақонли ҳаракати ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилгандир.

Бундай бажарилаётган ишлар биринчи навбатда, тадбиркорнинг сармоялашуви, бу соҳада тажрибани орттириб бориши учун имкон беради. Чунки иш ҳажмини кенгайтириш, бозор соҳасидаги фаолиятини кучайтириб бориш, тижорий соҳада катта-катта ишларни бажариш сармоя имкониятидан келиб чиқади. Агарда тадбиркор сармоя муаммосини муваффақиятли ҳал қилса, савдодан ишлаб чиқаришга ўтиш, бунда катта-катта бозор талаби асосидаги вазифаларни бажариш имконини қўлга киритиб боради. Ишлаб чиқариш, бозорни зарур товарлар билан таъминлаб бориш сармоянинг ортиб боришини талаб этади.

ТАДБИРКОРНИНГ ШАХСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Тадбиркорнинг учинчи омили — унинг шахсий хусусиятидир. Тадбиркор бўлиш учун ташқи ҳолатдан ташқари фақат шахсан ўзига боғлиқлик томонлари борки, сармоя ва ҳуқуқий муҳит тўла мавжуд бўлганда ҳам бусиз у ҳақиқий тадбиркор бўла олмайди. Бу унинг **ишбилармонлик, тижорий қобилиятидир.**


Ишбилармонлик жуда кенг тушунчага эга. Бу, аввало назарий ва амалий билимлар йиғиндиси бўлиб, бунда биринчи навбатда, иқтисодиёт асосини, айнан бозор иқтисодиётини билиш зарур. Маълумки, иқтисодиётни

тушунмай, бозорнинг фарқига бормаи туриб тадбиркор бўлиш хаёлий фикрдан бошқа нарса эмас. Бунда истак билан чегараланиш кифоя этмайди. Хаётий тажрибалар тадбиркорлар бозор иқтисодиётининг амалиётчисигина эмас, балки унинг ижодкори эканлигини кўрсатади. Чунки улар оддий ижрочи эмас, балки бозор иқтисодиёти, унинг муносабатлари, механизмларига ижобий ёндашувчилар, ривожлантирувчилардир, бозор тўғрисидаги тушунчани кенгайтирувчи, унинг турлилигини таъминловчи реал ҳолатини бойитувчи шахслардир.

Бозорни ўз вақтида сезиб бориш, унинг ҳолатини олдиндан кўра билиш, бозорнинг эртанги талаби даражасида иш кўриш ҳар томонлама билимдон, сезгир, ўткир бўлишни талаб этади. Бу аҳоли ҳаёт даражаси, даромадлар ҳаракати, турли табақадаги аҳоли талабининг ўзгариб боришини олдиндан билиш ва барча ишлаб чиқариш, тижорий фаолиятини шу ҳолатга мослашган ҳолда ўзгартириб бориш учун интилиш демакдир.

Бунинг учун тадбиркор ҳар томонлама билимдон бўлмоғи керак. Шундагина у мазмунан ишбилармон бўлиши мумкин. У замонавий техника, технология, ташкилотчилик, билимдонлик даражасида бўлмаса, орқада қолади, рақобатга бардош бера олмайди ва бозор иштирокчиси сифатида юқори даражага эриша олмайди. Тадбиркор иш юритиш соҳасида барча омил, чора-тадбир, воқеликка бир хил муносабатда бўлиб, ҳаммасини ўз диққат марказида тута олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Булардан ташқари тадбиркор ҳақиқий инсоний қобилиятлар ва хусусиятларга эга бўлиши керакки, у ҳақиқатдан ҳам иш боши, ташкилотчи, бошқарувчи, кўпчиликнинг тақдирини белгиловчи, уларни бир-бирига қовуштирувчи, бирлаштира олувчи ва юзлаб, минглаб одамларга боғлиқ ишларни амалга ошириш қобилиятига эга шахс бўлиши керак. Амалиётда ўз шахсий манфаатини халқ манфаати билан боғловчи, халқ учун зарур ишларни тўла ўз ҳисобига бажарувчи, хомийлик қилувчи, фондлар ташкил этувчи тадбиркорлар жуда кўп. Ҳар томонлама илғор, юқори маданиятли, халқпарвар ва халқ олдида катта обрўга эга бадавлат тадбиркор-соҳибкорлар айниқса ривож топган, иқтисодиёти юқори даражадаги мамлакатларда оддий ҳолатдир.

Тадбиркор ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, у бозорнинг асосий иштирокчи-



20-тарх

си сифатида, бозорни ташкил этувчи, уни ривожлантирувчи сифатида асосий шахсдир. Бозор ҳолати, даражаси, аввало тадбиркорлар, тадбиркорнинг шахсий хусусияти, қобилияти, ишбилармонлиги, ташкилотчилиги, ходимларни ўз ишига жалб эта олувчи қабиларга боғлиқдир.

20-тархда тадбиркорни белгиловчи асос ва томонлар умумлаштириб берилган. Кейинги вақтларда, айниқса 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб тадбиркорнинг шахси, унинг ижтимоий портретини ўрганишга қизиқиш ортмоқда. Инсонни ижтимоий, руҳий ва молиявий ҳатарликка боришига нима мажбур этади? Бу саволга жавоб беришга интилиш, айниқса тадбиркорлик асосларининг фан сифатида шаклланиши билан кучаймоқда. Бу соҳада илмий изланишлар, ижтимоий тадқиқотлар олиб бориш кенгайиб, умуман, тадбиркорликни илмий асосга қўйиш ва тадбиркор шахси, унинг хусусиятларини чуқурроқ ўрганиб, янги тадбиркорларнинг шаклланишига ёрдам бериш ҳаракати тезлашмоқда. Бунга майда корхоналар-

нинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятининг ошиб бориши ва бу туфайли тадбиркорликнинг оммавийлашуви, уларнинг халқ истеъмолининг ўсиши, бандлик даражасини кўтаришдаги ролининг кучайиши, бандликдаги аёллар ҳиссасининг ортиб бориши, тадбиркорликда инсон имкониятидан фойдаланиш даражасининг юқорилиги ва аёл тадбиркорларнинг кўпайиши, тадбиркорликка бўлган умумий диққат ҳамда матбуот, умуман, ахборот воситаларининг тадбиркорлар фаолияти ва шахсларига эътиборининг кучайиши кабилар сабаб бўлмоқда.

Масалан, АҚШда бу соҳада жуда катта ишлар амалга оширилиб, тадбиркорнинг мавқеи жуда юқоридир ва мулкдор, ўз бизнесига эга ишбилармон тадбиркорнинг обрўси баланд. Шунинг учун ҳам тадбиркорликка қизиқиш, шу фаолият билан шуғулланишни имкони бориचा кенгайтириш зарурий ҳолдир.

Тадбиркорнинг шахсий хусусиятларини кўрсатувчи ижтимоий портретини аниқлашга оид олиб борилган кузатувлар, тадқиқотлар натижасига боғлиқ мулоҳазаларни келтирмоқчимиз.

Тадбиркорнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар. Тадбиркорнинг шаклланишига жараён деб баҳо берилиб, бундаги босқич унинг бутун ҳаётий босқичлари билан боғлиқ деб топилади. Тадбиркорликни танлашда 9 омил келтирилади: маълумоти, унинг характери, қариндошларининг таъсири, олдинги хизмати, жамғарилган ҳаётий тажрибаси, шахсий ҳаётидаги юз берган воқеалар, ўз ишига муносабати, ҳаётий режалари ва оилавий аҳволи.

Тадбиркорнинг маълумоти тўғрисида нотўғри фикрлар мавжуд, яъни кўпчилик уларнинг маълумоти паст дейди. Амалда ундай эмас, уларнинг маълумоти, айниқса аёлларники, ўртача умумий даражадан юқори. Лекин тадбиркорларнинг маълумотлари тадбиркорлик даражасида эмас, айниқса корхонани бошқариш ўз хусусий ишини олиб бориш даражасида эмас.

Тадбиркорларнинг **болалигидаги оилавий таъсирини** ўрганиш натижалари анча сермазмун бўлиб, кўпчилик тадбиркорларнинг оталари эркин иш соҳасида бўлиб, тадбиркор бўлганлари аниқланган. Ота ва оналари иккови ҳам тадбиркор бўлган оилалар ҳам кўп бўлган. Демак, тадбиркорликни танлашда ота-оналар таъсири катта экан.

Илгариги иш тажрибасини олсак, бунинг ҳам таъсири катта бўлади. Агар у олдин яхши ишлаб, ўз ишини яхши ўзлаштирган, у ёки бу соҳада ўзини ижобий кўрсатган бўлса, тадбиркор бўлиш имкони юқори бўлади. Инвесторлар танланган соҳада тажрибаси бўлмаганларга ишонмайдилар. Лекин тажриба (АҚШ ва бошқа мамлакатларда) шуни кўрсатадики, кўпинча олдинги ишидан қониқмаган, ўзини яхши кўрсата олмаган, ишдан бўшатирилганлар тадбиркорликни танлайдилар.

Ўз ишига муносабати ва тадбиркорликдаги муваффақият ўртасида боғлиқликка оид маълумотлар кўп бўлиб, тадбиркорлар иш қобилиятлари, мақсад сари интилиш соҳасида катта обрўга сазоворлар. Улар ишда жуда кўп банд бўлиб, кечани кундузга улайдилар ва авторитар раҳбарлик тарафдорларидир. Улар ўз ишига жуда берилган, иш муваффақияти ва ўйлаганини охирига олиб бориш учун, ишлари гуллаб, барқ уриб бориши учун ҳеч нарса ни аямаслиги, ўз ҳаётини тўлиғича шунга бағишлай олишлари аниқланган.

Ишга муносабат тадбиркорнинг турмуш режаси ва шахсий ҳаётига тўла таъсир кўрсатади. Ҳақиқий тадбиркорнинг тақдири фирма-корхонадан иборат бўлиб, фақат иш ҳаётининг туб мақсадига айланади ва ундаги муваффақиятигина уни ҳаётдан қаноатлантиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тадбиркор учун энг муҳим ва тақдирий масала ҳақиқий тадбиркорга хос шахсий хусусият, тадбиркорона шахсий сифатга эга бўлишдир. Буни ҳаммага ато этмаган. Шунинг эътиборга олиш зарурки, бундай сифатга эга бўлиш, жавобгарлик билан ёндашув, мақсадга интилиш, энг оғир ва жаҳл чиқадиган вақтларда совуққон бўлиш товар ва хизматлар сифатидан ҳам муҳимроқдир.

Демак, бозор иқтисодиётини маъқул топиб, уни шакллантирар эканмиз, аввало унинг бошқарувчилари, ҳақиқий ижрочиларига ғамхўрлик қилиш заруриятга айланади. Бу юқори даражали тадбиркорларга эга бўлиш учун зарур ишларни амалга оширишни кўзда тутати. Бу, аввало мутахассислар тайёрлаш, ўқиш ва ўқитиш жараёнларини шунга қаратиш демакдир.

Мамлакатимизда бу соҳада жуда катта ишлар ва мутахассислар тайёрлашда муҳим ўзгаришлар юз бермоқда. Тад-

биркор-бизнесменлар тайёрлаш кенгайтирилмоқда. Янги-янги мутахассисликлар очилмоқда, етакчи мамлакатларга ўқишга минглаб ёшлар юборилмоқда. Ўқиш, ўқитиш, тарбиялаш, мутахассислар тайёрлаш бозор талаби асосида қайта қурилмоқда. Тадбиркорликни ривожлантиришда 1995 йили Президент қошида ташкил этилган Давлат ва жамият қурилиши Академияси алоҳида аҳамият касб этади. Унинг бу соҳада юқори даражали мутахассислар тайёрлаш, илмий муаммоларни ҳал қилиб бориш, иқтисод раҳбарларининг малакасини ошириш ҳамда бу соҳадаги ишларни республикамизда муваффақиятли олиб бориш жараёнига бошчилик қилиш аҳамияти жуда каттадир.

ТАДБИРКОР ВА МЕНЕЖМЕНТ

Бозор иқтисодида ташкилотчилик, бошқарув жуда катта аҳамият касб этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш, унинг тараққиётини таъминлаш хўжалик ҳаракатини, тижоратни самарали ташкил эта билиш, бошқарувни амалга оширув билан боғлиқдир. Булар менежерликда ўз ифодасини топади. Менежерлик ўзи алоҳида жуда катта фан. Биз бу ерда уни фақат тадбиркорга боғлабгина кўриб чиқамиз.

Тадбиркор иқтисодчи, хўжаликнинг ташкилотчиси, бошқарувчиси экан, демак, у аввало менежердир ва менежерлик касбини эгалламагунча, менежерча ташкилотчи ва бошқарувчи бўлмагунча, у ўз мақсадига эриша олмайди, иқтисодий тараққиётни таъминлай олмайди. Демак, менежерликни тадбиркорлардан ажратиб бўлмайди. Менежер — тадбиркор деган тушунчани англамайди. Чунки буларда умумийлик билан бирга хусусийлик — ўзгачалик мавжуддир. Менежер тадбиркор бўлиши мумкин, лекин тадбиркор албатта менежер бўлиши керак. Менежерлар асосан ёлланувчилардир ва улар ҳамма вақт ҳам тадбиркор эмас. Тадбиркорлар менежерлар хизматидан кенг фойдаланадилар ва бир тадбиркор кўлида ўнлаб, юзлаб менежерлар хизмат қилиши мумкин.

Албатта, тадбиркорга фақат ишбилармон, ташаббускор деб қарасак, унинг менежердан фарқи бўлмайди. Аммо тадбиркор шахсий сифати, мустақил иш эгаси, янгилик тарафдори нуқтаи назаридан қаралса, улар ўртасидаги фарқ катта.

Тадбиркор ва менеджер ўртасидаги тафовутлар

Фаолият турлари	Тадбиркор	Менеджер
Стратегик йўналиш	Асосий ҳаракатлантирувчи куч — истиқболли имкониятлардан фойдаланиш	Асосий ҳаракатлантирувчи куч — мавжуд ресурслардан фойдаланиш
Мақсадларни амалга ошириш	Инқилобийлик — кескинлик асосида тезлик билан натижага эришув	Эволюцион усуллар — узоқ истиқболни кўзлаш
Ресурсларни ишга солиш	Кенг томонли, иложи борича эркин ҳаракат имконини сақлаш	Бир қадамлик, қўйилган вазифага аталган фондларни бирданига қўлга киритиш
Ресурсларни жалб этиш шакллари	Ижара ва зарур ресурсларни вақтинча жалб этишнинг бошқа шакллари	Ресурсларни ўз мулкига айлантириш ва ишловчилар сонини кўпайтириш
Ташкилий структура	Горизонтал, норасмий алоқалардан фойдаланиш	Расмийлашган боғлиқлик алоқалари

Жадвалдаги таққослашга эътибор берсак, ҳужалик фаолиятида тадбиркор ва менеджернинг хусусиятлари ва бир-бирларидан асосий томонлар бўйича катта, ҳаттоки қарама-қарши тафовутлар борлигини кузатиш мумкин. Келтирилган энг муҳим томонлар кўрсатадики, ҳаёт тадбиркор ва менеджер учун турли талаблар қўяди.

Стратегик нуқтаи назардан тадбиркор, аввало янги имкониятлар ахтаришга интилади. Бу айниқса даромад пасая бориши, технологиянинг тез алмашуви, истеъмолчи талабининг ўзгара бориши, ижтимоий талабларнинг ўсиши туфайли сиёсий кўрсатмаларнинг янгиланиши шароитларида жуда сезиларли даражада бўлади. Агарда фақат планни бажариш ва ресурслардан фойдаланиш самардорлигини ҳисоблаш йўналиши бўлса, тадбиркорга нисбатан маъмуриятчи менеджер қўл келади.

Мақсадларни амалга оширишни олсак, бунда ҳам улар тубдан фарқланадилар. Тадбиркор масалани ўрнида ҳал қилиши, жуда тезлик билан чоралар қўллаши, маслаҳатлашиб ўтирмай, зудлик билан аниқ бир фикрга келиши, хатарли йўл танлаши керак. Менеджер эса, аксинча, янги иш тарафдори бўлмай, кўнгилсизлик билан киришади ва киришса ҳам ҳеч ўзгаришларга йўл қўймай, ишга зарар келтиради.

Ресурслардан фойдаланишда ҳам шундай ҳолатга дуч келамиз. Тадбиркор иш давлари ва маълум мақсадга эришувига қараб вақти-вақти билан янги-янги ресурсларни ишга солиб боради. Бу албатта қийин жараён, чунки инвестор, кредитчилар билан ҳал қилинади. Менеджер эса ресурсларни ишнинг айрим қисмларини кўзлаб эмас, балки жараённи бошидан охиригача кўзлаб олади.

Ресурсларни ишга солишда ҳам уларнинг ҳаракатлари бошқачадир. Менеджернинг иш ҳақи реал фойдаланилаётган ресурсларга боғлиқ бўлгани учун ресурсларни кўпайтиришга, фондларни кенгайтиришга уринади. Корпорациянинг ички қоидалари, мавжуд ҳўжалик ва моддий қизиқиш маъмуриятчи-менеджернинг ижара ва бошқа ресурсларни вақтинча жалб этиш усулларини қўлламаликка ундайди. Тадбиркор учун, аксинча, доимо пул етишмайди, янги жиҳозларга тўхтовсиз эҳтиёж туғилиб туради. Жуда тезкорлик, чаққонлик, хатарлиликка мойиллик кучли бўлиб, заруриятга кўра ижара ва ресурслардан вақтинча фойдаланишнинг бошқа турларини қўллаш эҳтиёжи тадбиркорда кучли бўлади.

Кейинги таққослаш ташкилий тузилмага оид бўлиб, менеджер мавжуд тузилма тарафдоридир. Бу бир-бирига боғлиқ тепадан-пастга қаратилган ташкилий тузилмадир. Бундай шароитда бошқарув назариясининг ўзи ваколатлик ва жавобгарликнинг жуда аниқ белгиланишини талаб қиладики, бундан оғиш менеджер учун маъқул бўлмайди, унинг моддий тақдирланиши ҳам топширилган вазифанинг тўла ва аниқ бажарилишига боғлиқдир.

Тадбиркор билан менеджер ўртасидаги умумийлик деганимизда моҳир ташкилотлилик, бошқарувчанлик, ташаббускорлик, масъулиятчилик, жонкуярлик каби хусусиятларни келтириш мумкин. Булар, албатта жуда муҳим ижобий томонлардир. Лекин иш муваффақияти учун, юқори самарали натижа учун булар етарли эмас.

Тадбиркордан қўшимча равишда тўхтовсиз янгилик тарафдори ва у боридан қониқмайдиган, тезкорлик, хатарлилик, ўта жавобгарлилик, тўла мустақиллик хусусиятларига эга бўлиши талаб этилади. **Тадбиркорда ижодкорлик ва ижрочилик мужасамлашса, менеджерда ижрочилик устун келади.**

Буларнинг асосида мустақил ҳаракат негизи ётади. Тадбиркор, биламизки, капитал эгаси, корхона бошлиғи. Шунинг учун ҳам капитал ҳаракати тўлиғича тадбиркор ихтиёридадир. Бу эса унга тўла мустақил иш тутиш имко-

нини беради ва у ҳаракатидаги капитал йўналишини белгилаш, йўналишини ўзгартиришда тўла ҳуқуқлидир. Корхона фаолиятидаги вазифани тадбиркор белгилайди ва у корхона иши учун тўла жавобгардир.

Менеджер эса ёлланувчи, у маъмуриятчи, яъни ё мудар, директор, ё бошқарувчи. Шунинг учун ҳам унга хос нарсасаларни ҳал қилиш, янги йўналишлар, умумий вазифаларни белгилаш эмас, балки асосан ижро этиш ва мавжуд белгиланган вазифаларни ўз вақтида тўла бажаришдир. Демак, умумий фарқ шуки, тадбиркор мустақил иш олиб боровчи бўлса, менеджер ижрочидир.

Бу таққослаш, умумий хусусиятларни аниқлашга қаратилган фикрлардир. Бундан истисно ҳолатлар ҳам мавжуддир. Айтайлик, менеджерлар ичида шундайлари борки, ёлланувчи бўлишига қарамай тадбиркорнинг вазифаларини ҳам бажаради. Бу кўпинча йирик корхоналар, корпорациялар бошқарувчиларига тааллуқли бўлиб, уларда мустақиллик даражаси ва жавобгарлик юқори бўлади. Оладиган даромадлари ҳам шунга монанд; жуда юқори иш ҳақи оладилар ва катта бойликка эга бўладилар, мавқелари ҳам шунга қараб юқори бўлади. Бундай талантли бошқарувчи — менеджерлар жуда қадрланиб, тадбиркорлар улар билан ҳисоблашадилар. Шунингдек, менеджерлик қобилияти паст бўлган тадбиркорлар ҳам бўлиб, асосий ишни мустақил иш олиб бориб, деярли тадбиркорга хос хусусиятларга эга бўлган бошқарувчиларга юклайдилар. Чунки бундай тадбиркорлар ўз вазифаларини чегаралайдилар.

Ижодкор-кашфиётчи, конструкторлар билан тадбиркорни таққосласак, албатта тадбиркорнинг устунлигини кўрамиз. Чунки кашфиётчи янгилик очиш билан чегараланади ва шу билан унинг вазифаси тамом бўлади. Янгиликни ҳаётга татбиқ қилиш, ишлаб чиқаришга сингдиришга қурби етмайди. Янгиликни ишга солиш, ундан фойдаланиш тадбиркорнинг қўлида ва ихтиёрида бўлади, кашфиёт тадбиркор фаолияти туфайлигина амалда қўлланилиши мумкин.

Шундай қилиб, тадбиркор ўзига хос хусусиятлар, шахсий сифатга эга бўлиб, ҳар бир мамлакатнинг катта миллий бойлигини ташкил этади. Шунинг учун ҳам юқори даражали барча хусусиятларга эга бўлган тадбиркорларни шакллантириш ўтиш даврини бошидан кечираётган республикамиз учун заруриятдир.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. Тадбиркор бозор иқтисодиётининг асосий иштирокчиси (субъекти). Унинг асосий омиллари ҳуқуқий асос, сармоявий ҳолат ва шахсий хусусиятлардан иборат.

2. Тадбиркорнинг ҳуқуқий асоси зарур қонунлар ва уларнинг тўла ижроси орқали яратилади.

3. Тадбиркор ўз капитали ёки қарз капитали асосида ҳаракат қилади. Лекин капиталга эга бўлмай ёлланган ҳолдаги тадбиркор (менеджер) бўлиши мумкин.

4. Тадбиркор шахсан ишбилармон, таваккалчи, ташкилотчи, инсонпарвар, юқори маданиятли инсон бўлиши керак.

5. Тадбиркор ва менеджер ўртасида фарқ бўлиб, бу мустақиллик даражаси билан белгиланади.

МАВЗУ БЎЙИЧА САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Тадбиркор тушунчаси нима?

2. Тадбиркорнинг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.

3. Нима учун тадбиркорга қонуний устуворлик керак?

4. Тадбиркорнинг сармоявий шартларини айтиб беринг.

5. Тадбиркор шахсини қандай тасаввур этасиз? Сизнингча тадбиркор қандай бўлиши керак ва ким тадбиркор бўла олади?

6. Тадбиркор ва менеджернинг қандай ўхшашлик ва алоҳидалик хусусиятлари бор? Буни мисоллар билан тушунтириб беринг.

ХИИ. МАРКЕТИНГ

МАРКЕТИНГ МОҲИЯТИ

Маркетинг бозор иқтисодиёти тараққиёти маҳсули бўлиб, кейинги давр учун хос ҳодисадир. Бозор иқтисодиётининг ривож топмаган давлари учун маркетинг бажарадиган ишларнинг ҳожати йўқ эди. Шунинг учун ҳам маркетингнинг ривожи асримизнинг 30—40-йиллари ва кейинги 60—90 йиллар ўз ичига олади. Фарб иқтисодчиларининг фикрича бозор муносабатлари тарихи бозор фаолияти тамойилларини асослаш билан боғлиқдир. Бу эволюция кетма-кет келган уч даврни ўз ичига олади. Биринчиси “ишлаб чиқариш концепцияси” хусусиятига эга бўлиб, ишлаб чиқариш ривожлантирилиб, хали бозор товарларга тўймаган, талаб поёнсизлиги даври эди. Иккинчи давр “товарларни сотиш концепцияси” билан боғлиқ, бу ишлаб

чиқариш анча ўсган, бозордаги товарларни сотиш муаммоси юзага келаётган ва диққат товарларни тезроқ сотиш йўлларини ахтаришга қаратилган даврдир. Учинчиси истеъмолчи-харидор даври бўлиб, бу бозор муносабатлари анча авж олган, бозор товарлар билан тўла бошлаган даврдир. Бунда илгаригидек ишлаб чиқарсанг бўлди, сотиш йўлларини топа олсанг мақсадга эришасан, деган тамойил иш бермайди. Чунки ишлаб чиқариш даври босиб ўтилган, бозорлар товарлар билан тўйган даврдир. Энди бозор муносабатларининг туб ўзгариш даври келадик, бунда ҳақиқатан ҳам тадбиркор ва унинг фаолияти тақдири истеъмолчига боғлиқ бўлиб, асосий диққат шунга қаратилиши талаб этилади.

“Ишлаб чиқариш концепцияси” ва “сотиш концепцияси” даврларида юқори фойда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги товарлар (хизматлар) ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, товар хиллари, турларини кўпайтириш, савдонинг янги йўлларини топиш туфайли таъминланиб келинган бўлса, энди тўла ишлаб чиқариш даврига ўтилиб, талаб даври бошланиши билан шароит бутунлай ўзгаради, Бир томонлама ҳаракат, яъни фақат тадбиркорларнинг товар (хизмат)лар ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириши бозор иқтисодиёти учун етарли бўлмайди. Бозор муносабатларида кескин ўзгаришлар юз бериб, бу даврга келиб **истеъмолчиларнинг асосийлиги тўла реаллаша бошлайди**. Бунга эътиборга олмай, тадбиркор ўз ўйлаган фойда даражасига эриша олмайди, яъни даромадни кўпайтириш шароити ўзгаради. Айниқса, 50—60-йилларда бу соҳада катта ишлар амалга оша бошлади ва эркин рақобатнинг салбий оқибатларининг олдини олиш тезлашди. Маркетинг тизимига ёндашув 50-йилларда юз берган бўлса, 60-йилларда у тижорий масалаларни истиқболли ҳал қилиш воситасига айланди ва у кўп қиррали, кўп вазифали фаол тизим бўлиб қолди.

Маркетинг тўғрисида бир неча фикрлар мавжуд. Масалан, Т. Левитий: “Сотиш сотувчининг манфаатига қаратилган бўлса, маркетинг — харидор истеъмолига қаратилгандир”, — деб ёзган эди. П. Дракер шундай дейди: “Сотиш ва маркетинг бир-бирига қарама-қарши ҳодисалардир. Сотишнинг мақсади унинг жуда кўпайишига эришишдир. Маркетингнинг мақсади истеъмолчини шундай ўрганиш ва тушунишдан иборатки, товарлар ёки товарлашган хизматлар ўзларининг зарурлигини, мазмунини тўла билдириши керак”.

Маркетинг назарияси ва амалиётини умумлаштириб дарслик яратган АҚШ иқтисодчиси Филипп Котляр маркетингнинг моҳиятини кўрсатар экан: “Эҳтиёжни ахтаринг ва уни қондиринг. Сота оладиган товарни ишлаб чиқаринг. Товарни эмас, мижозни севинг”, — деб таъкидлайди. Маркетинг концепцияси бўйича фирманинг мақсади истеъмолчиларни қондириш йўли билан фойда олишни таъминлашдир.

Бу ифодаларда ҳозирги замон рақобат шароитининг таъсири бор. Чунки эҳтиёжларни эътиборга олиш ва уларга қараб иш тутиш тўлақонли рақобатнинг асосидир, бусиз бозор нормал ҳаракатда бўла олмайди. Ҳозирги бозорнинг талаби, тадбиркорлик фирма ва умуман барча тузилма шу вақтда ҳаётий бўлиши мумкин. У харидорга хизмат қилиш имкониятларини топа олса, яъни шундай усулни қўллаш ва уларни амалга оширишгина уларнинг истиқболини белгилайди. Ф. Котляр айтадики, “ўз моҳияти бўйича маркетинг ташкилотнинг мақсад асоси сифатида истеъмолни қондиришга қаратилган, маркетингнинг комплекс шартлари билан мустақамланган мижозларнинг муҳтожлик ва эҳтиёжига мўлжал қилишдан иборатдир. Маркетинг концепцияси фирманинг истеъмолчи суверенлигини асос қилиб олишини ифодалайди”.

Маркетингнинг рақобат воситаси сифатида қўлланилишида тадбиркорлик фирмаси рақибига бевосита таъсир кўрсатиш йўли билан эмас, балки билвосита, яъни талаб орқали таъсир этади. Рақибларга таъсирни кучайтириш истеъмолчилар талабини қондиришга боғлиқ бўлиб қолади. Лекин харидорга ўз товарларини ўтказиш ҳоллари ҳам бўлиши мумкин. Бу, аввало монопол шароит мавжуд бўлса, иккинчидан, у бозор шароитини тўла эътиборга олган ҳолда, бозордаги ўзгаришлардан самарали фойдалана олса юз бериши мумкин.

Маркетинг ҳақиқатан ҳам “**харидор бозори**” даври учун мосдир ва унинг талаби, мазмунини ўзида акс эттирувчидир. Маркетинг мақсадини умумлаштирилса, қуйидаги имкониятларга эга бўлиш мумкин:

- 1) Энг юқори истеъмолга эришиш.
- 2) Истеъмолнинг энг юқори даражада қондирилишига эришиш.
- 3) Юқори танлов шароитига эришиш.
- 4) Энг юқори турмуш сифатига эришиш.

Маркетингдан олдин кенг авж олган “Тижорат ҳаракатларини интенсивлаштириш концепцияси” бўлиб, буни маркетинг концепцияси билан таққослаганимизда уларнинг самаралилик ва ҳозирги замон бозор иқтисодиёти талабига жавоб бериш даражаларини аниқлаш мумкин.

17-жадвал

Маркетинг ва тижорий ҳаракатни тезлаштириш концепцияларини таққослаш

Кўрсаткичлар	Тижорий ҳаракатни тезлаштириш	Маркетинг
Асосий диққат объекти	Товарлар	Истеъмолчилар талаби
Мақсадга эришув воситалари	Тижорий ҳаракатлар ва стимуллаштиришнинг чора-тадбирлари	Маркетинг ҳаракатлари
Пировард мақсад	Сотув ҳажмини кўпайтириш ҳисобига фойда олиш	Истеъмолчилар эҳтиёжини қондириш ҳисобига фойда олиш

Жадвалда келтирилган маълумотлар бу икки усул йўналишининг турлилигини кўрсатади. Чунки тижорийда иш ва мақсадга эришиш усуллари бошқа-бошқадир. Тижорийда диққат товарлар билан чегараланса, маркетингда диққат-этибор истеъмолчига қаратилган. Мақсад умумий, яъни фойдани кўпайтириш, лекин бу турли йўллар билан амалга ошади, яъни маркетингнинг диққат марказида инсон истеъмоли ётади ва шунга йўналтирилган фаолият туфайли пировард мақсадга эришилади.

Маркетинг фаолияти харажатлар билан боғлиқдир. Шунинг учун маркетингнинг самарадорлик муаммоси вужудга келади. Лекин бундан харажатлар оқлайдими, улар керакми, ҳатто умуман бундай тармоқ зарурми, деган савол туғилмайди. Чунки у бозор шароитида зарур ва бозор тараққиёти даражасига мос ҳолда кенгайиб, такомиллашиб бормоғи зарур. Шунинг учун ҳам гап бунда эмас. Ҳар соҳада бўлганидек, асосий масала ташкил эта билиш, ундан яхши фойдалана олиш, қулай чегарани топа билиш ва пировардида кутилган самарага эриша билишдир. Маълумки, бозор иқтисодиёти ривож топган мамлакатларнинг бу соҳада ҳам тажрибаси катта. Бизнинг вазифамиз бу тажрибалардан ўз шароитимиз, талабимиз асосида фойдаланиш.

Маркетингни товар ҳаракатининг деярли барча босқичларида зарурлигини, яъни талабларни юзага келтира олишини, истеъмомчини тўла қондира олишидаги аҳамиятини қуйидагича босқичма-босқич кўриш мумкин. 1. Товар юқори сифатли, маъқул баҳода бўлган тақдирда истеъмомчи бу товарга нисбатан ижобий муносабатда бўлади. Товар эгаси товар — пул муомаласини кўп уринмай амалга оширишга муяссар бўлади ва ўз мақсадига мушкулсиз эришади. Натижада кўзланган ҳажмдаги товарини сотиб, кутилган даражада фойда олиши мумкин. Бундай мазмундаги маркетинг савдо фаолияти билан тенг бўлиши мумкин. Чунки бунда жуда чуқур ва кенг бўлмаган махсус тижорий-маркетинг фаолияти юз беради холос. Айтиш мумкинки, маркетинг мураккаб бозор алоқаларини ҳаракатга келтиришда қатнашувига қарамай, бунда катта мураккаблик йўқ.

2. Бошқача ҳолат ҳам бўлиши мумкин, яъни катта уринишларсиз харидорларни жалб этиш мумкин бўлмаганда, кўзланган миқдорда товарларни сотиш, зарур фойдани олиш учун катта ташкилий-техникавий ишларни ўз ичига оладиган, кенг миқёсли тижорий ишларни талаб қиладиган маркетинг тизими талаб этилади. Бунда бозорни чуқур ўрганиш, реклама, баҳо сиёсати, товарларни сотиш ва сақлаш билан боғлиқ ишларни бажариш, қадоқлаш, товарларни ўраш, товарлар сотилгандан кейинги истеъмом билан хизматларни уюштириш каби ишларни ўз ичига оладиган маркетинг тизими талаб этилади. Бу, албатта оддий савдо эмас, балки товарлар ҳаракатини меъёрига етказиш билан боғлиқ барча ишларни амалга оширишдан иборат мураккаб жараённи ўз ичига олувчи маркетинг хизматидан иборатдир.

3. Бундан ташқари яна бошқача ҳолат мавжуд бўлиб, бунда товарларни сотиш анча оғирлашиб, энди бунинг учун жуда кўп қўшимча ҳаракатлар қилиш туфайлигина зарур даражадаги харидорларга эга бўлиш алоҳида усуллар қўллашни талаб этади. Энди фирма-корхона ҳақиқий бозорча бошқаришни ўз ичига олган мураккаб маркетинг тизимидан фойдаланиши талаб қилинади. Бунда албатта кўриниб турибдики, эркин бозор ўзаро алоқа шароитида иқтисодиётнинг ўзини-ўзи тартибга солиш механизмлари ҳаракатининг ўзи маркетинг тизимини юзага келтиради. Маркетинг, аввало корхоналарнинг тижорий фаолиятини

ифода этиб, уларнинг бозордаги ҳаракатлари таркибий қисмини ташкил этади. Бундай ҳолда маркетинг товарларнинг истеъмолчилар томон ва уларга етгунча бўлган ҳаракатларини ташкил этиш билан боғлиқ фаолиятини ўз ичига олади.

Бунинг зарурияти истеъмолчи талабига товарнинг мос келиши, шу асосда иш юритиш, ишлаб чиқаришни шунга боғлашдан келиб чиқади. Маълумки, ҳар бир тадбиркор кўр-кўрона иш бошламайди ва фақат таваккал қилиб ҳаракат қилмайди, шу билан бирга ҳеч сабабсиз ўз соҳа ва тармоғини танламайди. Албатта, бунда истеъмолчи талаби туртки бўлади. Айтганимиздек, **тадбиркорнинг манфаати истеъмолчи манфаатисиз амалга ошмайди.** Демак, унинг даромад олиши, уларнинг даражаси товарларга бўлган талаб билан белгиланади.

Бозор шароитида асли мақсад ҳаракатлантирувчи куч фойда олишга қаратилган бўлиб, бу фақат товар сотилиши туфайли амалга ошади. Бунинг учун товар талабга эга бўлиши, уни сотиб олиш қобилиятига эга бўлган истеъмолчи мавжудлиги зарур. Шунинг учун ҳар бир корхона, тадбиркорнинг товарларини истеъмолчигача етиб бориши, истеъмолчини харидор сифатида яхши билиши, товар ҳаракатини тўлиғича шунга қарата билишгина фаолиятининг муваффақиятли якунланишига имкон туғдиради. Жуда мураккаб бўлган ишлаб чиқариш билан бирга бозор талабидан келиб чиқувчи мақсадли товар ҳаракати, тижорат, истеъмолни ташкил этишгина тадбиркор, бозор қатнашчиларининг асл мақсадини рўёбга чиқариши мумкин.

Бунда маркетингнинг ўрни тижоравий мазмунли товар ҳаракати ва харидорларга сотилиши жараёнидан иборат.

Шунинг учун ҳам ҳар бир товар бозорини ташкил этиш, унинг ўз жойини топа билиш, харидорни юзага келтира билиш, шу товар билан боғлиқ хизмат кўрсатишни уюштириш, истеъмолчи талаби асосидаги барча хусусиятларга эга бўлган товар ишлаб чиқаришни таъминлаш маркетингнинг фаолият соҳасини ташкил этади.

Бир сўз билан айтганимизда, маркетинг кенг кўламли ҳодиса, таркиб топган тизимдир. Маркетингнинг ватани АҚШ. У туб мазмуни билан бозор иқтисодиёти маҳсулидир. Бозорни энди маркетингсиз тасаввур этиш қийин, чунки ҳозир маркетинг бозорнинг зарур ва кенг мазмунли таркибий қисмига айланган. У бозор туфайли тараққий этиш би-

лан бирга, ўз навбатида, бозорни тараққий эттиришда катта аҳамият касб этади. Чунки **маркетинг корхона фаолиятини тўла бозор иқтисодига қаратади, унга бозор фаолияти мазмунини сингдиради.**


Кўпинча маркетингни фирма ва микроиқтисодиёт билан чегаралашади. Аслида унинг аҳамияти бу билан чегараланмай, макроиқтисодиётга ҳам таъсир кўрсатади. Буни нималарда кўриш мумкин, деган савол туғилиши табиий. Айтайлик, маълум тармоқ маркетинг тизими маҳсулотнинг ялпи таклиф ҳажмига таъсир кўрсатади. Истеъмолчи тармоқнинг ялпи талаб ҳажми ишлаб чиқарувчи-тармоқнинг маркетинг тизими фаолиятига боғлиқ бўлиб, бунда талаб ва таклиф мувозонати маркетинг ахборотининг тўғрилиги ва самаралилиги билан белгиланади. Аслида маркетинг нархнавосиз рақобат бўлишига қарамай, баҳонинг пайдо бўлиши билан бевосита муносабатда бўлиб, булар доимо бир-бирини белгилаб келади. Маркетинг тизимининг ривож даражаси рақобат даражасига боғлиқ ва аксинча рақобат мазмуни рақобатчилар маркетинги тизими ривожига боғлиқдир. Бундан ташқари маркетинг тизими молия ва кредитлардан фойдаланишга таъсир этади.

Бундай тармоқлараро микро ва макро иқтисодий ўзаро алоқа ва боғлиқликнинг томонлари булар билан чегараланмайди. Муҳими шуки, ишлаб чиқарувчиларнинг маркетинг тизимининг ўзи микро ва макро даражаларга бўлинган ҳолда тармоқ — ишлаб чиқарувчи манфаатлари билан чегараланмай, умумий томонларга ҳам таъсир этади. У тармоқлараро мувозанатларга фаол таъсир кўрсатиб, баҳонинг пайдо бўлиш механизмлари, талаб ва таклифнинг диалектик боғлиқлиги мазмунига ҳам эга. Бундай ҳолат фақат тармоқларгагина эмас, балки умуман тармоқлараро иқтисодий бошқарувга ҳам билимдонлик ва жавобгарлик даражада ёндашувни талаб этади.

Маркетинг хизматида маълум даражадаги харажатлар билан бандлик ва бу билан шуғулланувчиларнинг билимдонлиги, малака даражалари билан рақобатни эътиборга олган ҳолда ҳаракат зарурлиги кўзда тутилади. Чунки рақибларга нисбатан қилинадиган ҳаракатларнинг устун бўлиши талаб этиладики, корхона ишлаб чиқариш ва товарларнинг сотилишини тўлиғича мавжуд аҳволга бўйсундириши зарур бўлади. Албатта, бунда маркетинг корхона фаолиятини тўла бошқарадиган даражада бўлади. Шунинг учун

хам маркетинг фақат махсус одамларнинг иши бўлиб қолмай, корхона ишчиларининг ҳаракатига айланиб кетади. Маркетинг фаолиятини нимага қаратиш керак, бор товарни сотиш билангина овора бўлиш керакми ёки ишни харидордан бошлаб, унга қараб товар ишлаб чиқаришдан бошлаш керакми? Маркетингда нима асос бўлиши керак, товарми ёки бозор ва унинг муҳитими? Бундаги хулосалар асосида маркетинг комплекси ётади. Жавобни ундан қидириш керак.

Маркетинг ҳаракатида комплекслилик талаб этилиб, бу ҳам ички, ҳам ташқи комплекслиликни ўз ичига олади. Умуман, маркетинг комплекси маълум бозор ёки унинг қисмини қаноатлантирувчи ўзаро алоқалар йиғиндиси бўлиб, у бу жараёни қуршовчи сиёсий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа шунга ўхшаш ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда юзага келади. Корхонанинг бозор шароитидаги фаолиятига таъсир этувчи ташқи маркетинг комплекси кўп қирраликдир.



21-тарх.

Давлат ва унинг муассасалари фаолиятининг корхоналар ишига таъсири ёки ҳудудий муҳитнинг эркин иқтисодий ҳаракат учун аҳамияти тўғрисида кўп гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Биз юқорида тилга олган ҳолатлар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Демографик ҳолатни олсак, бу икки томонлама аҳамият касб этади: иш кучи резерви, унинг сифати ва миқдори, шу билан бирга у истеъмолчи-харидорки, ҳар бир корхона фаолияти тўла шунга қаратилган бўлиши керак.

Ижтимоий-маданий ҳолат албатта истеъмолга, демак товар хиллари ва миқдорига таъсир кўрсатадики, уни маркетинг эътиборидан четда қолдириб бўлмайди. Ишчи ёки зиёли ҳаёти ва талаби, болалар ёки қариялар, қишлоқ ва шаҳар

аҳолиси кабиларни маркетинглик фаолияти билан шуғулла-
нувчилар эътиборга олмай иложлари йўқ.

Бозор ҳолатини олсак, бу турли омиллар таъсирининг
яқуни, у тижорий қадриятни ва товарлар рақобатлилиги-
ни белгилаб беради. Рақобатни юзага келтирувчи икки хил
омиллар бўлиб, улар доимий таъсир этувчи ва камдан-кам
таъсир этувчи омиллардир. Биринчисини англаш ва олдиндан
билиш мумкин бўлса, иккинчиси бундай эмас. Айтайлик,
умумий тараққиёт шароитининг ўзгариб бориши, инфля-
ция, илмий-техника ривожии кабиларни доимо сезиб туриш
мумкин. Лекин мавсум таъсири, офат, ижтимоий фалокат,
рақобатчилар таъсири кабиларни олдиндан билиш ва ўз вақ-
тида ҳисобга олиш қийин.

Бозор ҳолатини, истеъмолчилар хусусиятларини бел-
гиловчи механизмлар махсус мавзуларда кўрилиб, улар-
нинг кўпчилиги билан, яъни айтайлик, таклиф ва талаб,
уларнинг мувозанати, баҳо, рақобат, бозор иштирокчи-
лари билан юқорида танишиб чиқдик. Энди диққатимиз-
ни маркетингнинг ички комплексига қаратамиз. Бунга
товар, инвестиция, баҳо, товарларга қўшимча ишлов бе-
риш, реклама, сотув шакллари кабиларни киритиш мум-
кин. Юқорида қайд қилинганидек, буларни корхона мар-
кетинг туфайли бошқариши ва назорат этиши мумкин.

МАРКЕТИНГНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Товар ҳаракатини кузатиш ва мақсадга мувофиқ йўнал-
тириш маркетингдаги асосий мақсад бўлгани учун товар
энг асосий объектдир. Бу маҳсулот, хизмат кўрсатиш ёки
ахборот шаклларида намоён бўлиши мумкин. Бундаги энг
муҳим нарса харидорнинг эътибори бўлиб, харидор учун
зарур бўлса ва у сотиб олса, шунда товар мазмунига эга
бўлади. Маълумки, тадбиркор учун энг муҳим нарса то-
вар, унинг даромади, оладиган фойдаси шу туфайли амалга
ошади. Маркетингнинг мақсади товар дунёсида ўз товари-
ни аниқлаш ва белгилаш, унинг мақсадга мувофиқ ҳара-
катини таъминлашдир. **Ўз товарининг бозорда алоҳидали-
гини таъминлаш маркетингнинг муҳим вазифасидир.**

Маркетинг иш кўрадиган товарнинг бозор учун за-
рурлиги, вақтнинг узоқ ва қисқалигини аниқлаш бир-
ламчи вазифадир. Бунда, биринчидан, товарнинг бозор-
да пайдо бўлиш даври ва аста-секин унинг сотилиши
ҳажмининг ортиб бориши, иккинчидан, товарнинг тезда

бозорда инобатта олиними ва фойданинг сезиларли равишда кўпайиши, учинчидан, сотилиши ҳажми ўсувининг секинлашуви, фойданинг ўсиш даражасига етиши ва ниҳоят унинг пасайиш даври ва тўртинчидан, товар сотилиш ҳажмининг кескин пасайиши, шунга кўра фойданинг қисқариши давлари асосий босқичлардир. Умумлашган ҳолда товар умри (мавжуд даври) тўрт даврдан иборат бўлиб, улар сингиш, ўсиш, ривожланиш ва сўниш давларини ташкил қилади. Шу даврлар хусусиятига қараб товар сиёсатини белгилаш талаб этилади.

Товар сиёсатининг асосий мазмуни қайси товарни ва қайси миқдорда ишлаб чиқариш керак эканлигини белгилашдан иборат. Товарнинг бозордаги ҳолига қараб қандай усуллар билан бўлмасин ўзгартириб бўлса ҳам сақлаб қолиш ёки бу товардан воз кечиш, янгисини яратиш каби ҳал қилувчи йўл танлаш талаб этилади. Буларнинг ҳар бирининг ўз ижро йўли бор. Биринчиси, товар мажмуини сақлаш учун уни янгилашга ҳаракат қилиш, шу туфайли унинг харидоргирлик хусусиятини сақлашдир. Бунда ташқи кўринишини ўзгартириш, қандайдир қўшимча ишни бажариш, модалаштириш ёки истеъмол хизматини қўллаш кабилардан фойдаланиш керак.

Товардан воз кечишни олсак, бу унинг ишлаб чиқаришни тўхтатиш деган сўз. Бу, аввало сарф-ҳаражат ўзини оқлай олмаганлиги билан белгиланади. Товар бозорда яхши ўтмаса ёки хом ашё, материал қимматлашиб кетса шу билан бирга товарнинг истиқболсизлиги, янги технология бўйича янги товарларга ўтиш сезилган вақтда шундай қарорга келиш мумкин.

Янги товар ишлаб чиқариш аввало бозор талаби асосида, шунингдек, корхона фаолиятини кенгайтириш, унинг рентабеллигини кескин ошириш кабилар туфайли белгиланади. Бунда бир неча омиллар мавжуд бўлиб, улар қаторига бозор таъсири, товар хусусияти, сотиш муаммолари, ишлаб чиқариш кабилар киради. Бунда, албатта бозор ривожини истиқболи катта аҳамият касб этади ва товарнинг баҳоси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ишлаб чиқаришда эса янги товарга мос қувват ва хунармандлар имконияти, хом ашё мавжудлиги, техник таъминот кабилар белгиловчи омил бўлиши мумкин.

Янги товар ишлаб чиқаришни тезлаштириш, аввало истеъмолчи талабини чуқур тушуниш, маркетингга катта эътибор бериш, янги технологиядан фаол фойдаланиш кабиларга боғлиқдир.

Ҳар бир ишлаб чиқарувчи учун янги товарни тўғри танлай билиш катта аҳамият касб этиб, бу қулай харидор ва харидорлар гуруҳини топа билиш, муҳими бир хил товарга кўп миқдорда бир хил харидорларни аниқлаб, булар билан иш олиб боришга боғлиқдир. Бу бозор қисмларини белгилай билиш ёки бошқача қилиб айтганда, **бозор сегментациясини** амалга ошириш заруриятидир. Маркетинг ишида асос бўлган бозорни айрим қисмларга тақсимлаб иш кўриш бозордаги фаолиятга аниқлик киритиш, яъни таваккалчилик билан бозорга кириш эмас, балки унинг ўзига керак аниқ қисмини топиш ва белгилашдан иборатдир. Бозорни қисмлаштирув бир хил, бир хусусиятли товарларга муҳтож истеъмолчилар гуруҳини танлаш, ҳақиқий бозор талабини топа билиш жараёнидан иборатдир.

Шундай ҳаракат туфайли маркетинг ўз товарининг харидорларини топади ва уларнинг сонини кўпайтириб боради. Бозор қисмларининг тўғри белгиланганлигини қандай билиш мумкин ва бунинг мазмуни нимадан иборат? Биринчидан, бозор қисмлари аниқлиги даражаси, иккинчидан, ҳар бир қисм ҳақида маълумот-ахборот мавжудлиги ва буларни самарали баҳолаш, ўлчаш мумкинлиги, учинчидан, танланган бозор қисмининг кўзланган фойдани келтириши, тўртинчидан, бу қисмда товарнинг зарурий ҳаракати, рекламаси таъминланган ҳолда уни фойдали сотишнинг имкони мавжудлиги кабиларни таъминлашидир.

Маркетинг назариясида бозорни қисмлаштиришнинг аниқ омиллари бўлиб, уларнинг йиғиндиси унинг ташқи ва ички комплексини белгилайди. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: мижозлар, рақобатчилар, ҳокимият, ресурслар ва корхона имкониятлари.

Бозорни қисмлаштиришда (сегментлаштириш) мижозларнинг товарларга нисбатан манфаатдорлиги даражаси, уларнинг ҳажми, яъни қанча харидор бу товарлар туфайли ўз талабларини қондира олишлари, мавжуд ва бўлажак мижозларнинг тўлов қобилиятларини аниқлаш аҳамиятлидир. Рақобатчиларни олсак, кимлар рақиблик қилиши мумкин, рақиблар нималарни таклиф этиши, товар, хизматларнинг сифати, нархи, хизмат хиллари кабилар эътиборлидир. Ҳокимият омилида уларнинг корхонага боғлиқ тармоқ ва соҳаларга таъсир даражаси кабилар ҳисобга олинади. Ресурслар омили таъминот масаласи, уларни со-

тиб олиш имкониятлари, монополлик қилиш имконияти кабилардан иборат. Корхона имкониятида унинг қуввати, товар ишлаб чиқариш ҳажми, ўз-ўзини молиявий таъминлай олиши ва кредит муҳтожлиги, белгиланган бозор қисмида иш кўришда корхона ходимларининг имконлари кабилар эътиборлидир.

Бу омилларни ўрганган ҳолда истеъмолчилар талаби имкони борича аниқланилади, яъни унинг ёши, жинси, касби, оилавий аҳволи, даромади ва ҳоказолар. Чунки буларнинг барчаси аҳамиятлидир. Маркетинг бозорни қисмлаштиришда харидорларнинг янги товарга нисбатан мослашуви даражаси ва имкониятларини ҳисобга олиши зарур. Чунки баъзи харидорлар товар хилларига бефарқ бўладилар. Бир хиллари эса янги товарга тез мослашади, бошқалари секинлик билан кўникади, бир хиллари кўника олмайди ва ҳоказо. Буларни эътиборга олган ҳолда сотиладиган товар ҳажмини белгилаш мумкин.

Бозорни қисмлаштириш, яъни ўзи учун зарур аниқ бозор қисмини белгилаш ҳақиқий бозорни тайёрлашдан иборат бўлиб, сўнгра унга дадил товар олиб чиқиш мумкин. Агар бозор кенг ҳажмли ва янада кенгайдиган, шу билан бирга унда қондирилмаган талаб ҳам мавжудлиги, бундан корхона фойдаланиши мумкинлиги аниқланса, албатта бу унинг зарурий ва самарали бозор эканлигини билдиради. Бу бозорни тайёрлаш жараёнига киради.

Шу билан бирга товарни маълум бозорга ҳозирлаш жараёни ҳам бўлиб, бозор қисмлаштирилган ва тўла ўзлаштирилгандан кейин бемалол янги товар чиқариш имкони туғилади.


Маркетинг фаолиятида план, **планлаштириш ўз ўрнини эгаллайди**. Маълумки, иқтисодий фаолиятни дастурлаш, бунда тижорий ва истиқболли вазифаларни белгилаш асос бўлиб ҳисобланади.

Америка маркетинг ассоциацияси маркетингни планлаштириш ва фикрлар, ечимларни амалга ошириш, баҳони белгилаш, фоя, товар ва товарлашган хизматларни айрим шахс ва ташкилотлар мақсадини қондириш учун бўлган ҳаракатни таъминлаб, сотишдан иборат деб ифодалайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, *маркетинг оддий бозор маҳсули эмас, у ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг яхлит ҳолидаги, бутунлигича олинган ҳолидаги маҳсулидир*. Маркетингдаги реклама, бозор тўғрисида маълумотлар йиғиш, товарларни ишлаб чиқиш, баҳо-

ни белгилаш, товарларни тарқатиш йўллари аниқлаш кабилар планлаштиришнинг томонлари ва белгилари бўлиши керак.

Ф. Котляр ҳатто тижорий, яъни йиллик ва истиқболли беш йиллик планлар устида гап юритади. Унинг айтишича, бошқарувчи аввало беш йиллик план тузади. Унда беш йил ичида бозорга таъсир этувчи асосий омил ва ҳаракатлар эътиборга олинади. Шу билан бирга бозорни эгаллаш, кўзланган фойдани олиш, харажатларни эътиборга олиш зарур бўлади. Ҳар йили бу план аниқлаб борилади. Тижорий планда маркетингча ҳолат, мақсад ва муаммолар, маркетингнинг йиллик стратегияси ва уни амалга ошириш, назорат тартиби кабилар киритилади.

Маркетинг планининг қисмлари қуйидагилардан иборат:



Ф. Котляр томонидан белгиланган маркетинг плани ташкил этувчи қисмлар ва уларнинг бир-бирига боғлиқлиги кўрсатилган. Демак, маркетинг фаолияти планли режа асосида амалга ошади. Мақсадли бозорни аниқлаб бориш, маркетинг ҳаракати тизимини ишлаб бориш, натижада ишлаб чиқариш ва тижоратга янги-янги ишланмалар ва фикрларни сингдириб бориш тижорий планлар билан бирга истиқболли планлаштиришнинг қўлланишини талаб этади.

Шуни эътиборга олиш зарурки, ҳозирги бозор иқтисоди ривожда бир-бирига қарама-қарши, турли хусусиятли икки ҳаракатнинг ўзаро боғлиқлиги юз бермоқда. *Бир томондан, иқтисодий мустақил товар ишлаб чиқарувчиларнинг рақобати мавжуд бўлса, иккинчи томондан, уларнинг интеграцияси юз бермоқда.* Чунки интенсив ривожланиш марказга интилув тенденциясини тезлаштиради. Бу товарларни стандартлаштириш, замонавий технология, ахборот

тизимларини қўллаш кабиларни тезлаштиради. Лекин рақобат ҳам аҳамиятини пасайтирмайди. Чунончи, рақобат инновациявий фаолиятни кучайтириш, талаб ўзгариши туфайли маҳсулотларнинг табақаланишидаги тезлашув кабиларда ўз таъсирини кучайтиради.

Бундай ҳолатда планлилик таъсирчан бўлади. Иқтисодий алоқаларнинг мураккаблашуви планлиликни фақат микро даражада, маркетингда қўлланилишидан ташқари макро даражада ҳам қўллашлик заруриятини туғдиради.

Маркетинг вазифаларидан энг муҳими ахборот хизматини уюштириш, унинг замонавий усулларини қўллаб, самарадорлигини оширишдир. Бунинг имкониятлари жуда катта. Бу соҳада электроника, космос техникаси, компьютерлаштириш катта роль ўйнайди.

Реклама ҳам маркетинг соҳасига киради, унинг қўлланилиши кун сайин такомиллаштирилмоқда, унинг воситалари кўпаймоқда, илмий-техник ҳолати кўтарилмоқда.

ХАЛҚАРО МАРКЕТИНГ

Халқаро маркетинг жаҳон бозорларини эгаллашда қўл келади. Бунда сиёсий ва иқтисодий муҳитга эътибор бериш, кескинликка йўл қўймаслик талаб этилади. Ташқи бозорнинг рақобати кучли бўлганлиги сабабли маркетинг хизматининг аҳамияти ошади ва мураккаблашади. Бунда халқаро баланс ҳисоби, валюта курси, бож тўлови, чет кредитини жалб этиш, товар номини аниқлаш, транспорт хилини танлаш кабиларни эътиборга олмай иш кўриш мумкин эмас. Халқаро маркетинг мамлакат ичида ҳам ўз аҳамиятига эга. Маълумки, албатта экспорт, лицензиялар ҳам секин-секин авж олиб борадики, булар халқаро маркетингсиз юқори самара бера олмайди.

Ҳар бир мамлакат жаҳон бозорида қатнашишга, ундаги мавқеини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бунда халқаро маркетинг хизматини уюштирмагунча кутилган мақсадга эришиш мумкин эмас.

Халқаро маркетинг ички маркетингдан фарқланади. Ф. Котлярнинг фикрича, америка фирмаларининг халқаро маркетинг билан шуғулланишига икки нарса мажбур этади. Биринчиси маркетинг имкониятларининг қисқариши бўлса, иккинчиси ички бозор конъюктурасининг ўзгаришидир. Бунга миллий ялпи маҳсулот ўсишининг секинлашуви, давлат тадбиркорлик сиёсати, солиқнинг жуда кўтарилиши,

ташқи хорижий сармояларга эҳтиёжнинг ўсиши кабилар таъсир кўрсатиши мумкин.

Халқаро маркетинг билан шуғулланиш янгича тамойилларни қўллаш билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Маркетинг вазифаларини белгилаш, мақсадли бозорларни танлаш, маркетинг комплексини тузиш, маркетингча назоратлар ҳам ташқи маркетинг тамойиллари бўлиб қолаверади. Булар бир хил бўлишига қарамай, мамлакатлар ўртасидаги тафовутлар шунчалик кучли бўлиши мумкинки, буларни албатта билиш, ўрганиш талаб этилади.

Халқаро маркетингга таъсир этувчи шартлар, шароитлар жуда кўп. Масалан, АҚШ учун бу иқтисодиётнинг байналмилаллашуви, халқаро савдода улушининг қисқариши ва ҳукронлик ҳолатининг қўлдан кета бориши, Япониянинг рақиб сифатида мавқеининг кескин ўсиши, халқаро молиявий тизим барпо бўлиб, эркин пул алмашув имконининг ортиши, нефть мамлакатларининг таъсири, янги-янги бозорларнинг пайдо бўлиши кабилар.

Ташқи савдода бож тарифи, валюта назорати кабилар бўлиб, булар мамлакатларга қараб турлиликка эгаки, буни маркетинг четлаб ўта олмайди ва албатта, ўз фаолиятида уларни ўрганган ҳолда иш тутиши керак. Маркетингнинг халқаро ходими ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиётини ўрганиши керак, бусиз ташқи савдони режалаштириб бўлмайди. Экспорт бозори сифатида мамлакат икки томонлама қизиқиш ҳосил қилади: хўжалик тузилмаси ва мамлакатда даромадларнинг тақсимланиши. Агарда биринчисида натурал хўжалик тури, хом ашё экспорти мамлакати ва саноати ривожланган мамлакатларга бўлинса, иккинчисида, оилавий даромади паст, жуда паст ва оилавий даромади жуда юқори, оилавий даромади ўртача мамлакатлар бўлади. Албатта, бу ташқи савдонини ташкил этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Чунки шунга қараб харидорлик даражаси аниқланади. Натурал ва хом ашёвий мамлакатларда қиммати юқори товарларнинг бозорини кенгайтириб бўлмайди. Улар арзон баҳоли товарларга мўлжалланади ва умуман ташқи бозорни авж олдириб бўлмайди.

Ташқи савдоси энг тараққий этган мамлакат АҚШ дир, чунки бунда оилавий даромад нисбатан юқори. Шунингдек, Фарбий Оврўпо мамлакатларида ҳам бунинг шароити катта.

Халқаро маркетингга четдан товар сотиб олишга бўлган муносабат, сиёсий турғунлик, валютанинг чегараланиш имкониятлари, давлатнинг чет компанияларига муносабати кабилар таъсир этадики, буни халқаро маркетинг ўрганиши, зарурий тавсиялар бериши керак.

Мамлакатлардаги ҳаёт тарзи, маданий даража, урф-одат маркетинг дастурига таъсир этади.

Халқаро маркетингда қайси бозорларга чиқиш кераклиги ўрганилади. Бунда бозор ҳажми, бозорнинг ўсиб бориш даражаси, харажатлар, рақобатдаги устунлик, хатарлилик даражалари эътиборга олинади. Буларнинг натижасида қўйилган капиталнинг қанчаси юқори даромад келтириши мумкинлиги аниқланади.

Сўнгра ташқи бозорга чиқиш усуллари ўрганилади. Бунда экспорт, қўшма тадбиркорлик фаолияти, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кабиларнинг имкониятларидан фойдаланилади. Экспортни вақти-вақти билан олиб бориш ёки фаол экспорт усуллари қўлланилади. Қўшма фаолиятда лицензия, контракт, подряд кабилардан бирини танлаб олиш мумкин.

Халқаро маркетинг комплексига келсак, бунда стандартлашган ва индивидуаллашган тузилмалар мавжуд.

Халқаро маркетинг мавжуд товар чиқариладими ёки товар мослаштириладими, янги товар кашф этиладими кабиларни аниқлайди.

Рағбатлантириш, баҳони белгилаш, товарларни тарқатиш йўллари белгилаш кабилар билан боғланган халқаро маркетинг фаолияти ҳам аҳамиятлидир. Рағбатлантиришда ички усулдан фойдаланиш ёки ҳар бир мамлакатдаги ташқи савдо учун алоҳида усулларни қўллашни танлаш мумкин. Масалан, барча бозорлар учун бир хил реклама ёки бир хил рекламанинг турли шакллари қўллаш мумкин. Икковининг ҳам асосли томонлари кўп. Стандартли реклама эмблемага асосланса, фирма тез танилади. Шу билан рекламанинг алоҳидалиги маҳаллий ўзгачаликни эътиборга олади. Шу билан бирга рекламалар шароити мамлакатларга қараб турлича бўлади. Бирида телестудиянинг имкони катта бўлиши, бошқасида эса бу имконият бўлмаслиги ва газета маъқул бўлиши мумкин.

Баҳоларга келсак, бу ҳам ҳар хил бўлади. Бозорни эгаллаш вақтида баҳони паст ёки ўзининг мамлакатида ўтмаётган товар бўлса, жуда паст белгилаш мумкин. Лекин чет бозордаги паст баҳо демпинг бўлиб ҳисобланади, ма-

салан, АҚШ да антидемпинг сиёсати бож тўлашга олиб келади.

Товарларнинг ташқи савдода тақсимланишининг ҳам ўз усул ва йўллари бор. Чунки товарни аввало ўз мамлақати чегарасигача олиб бориш, сўнгра ташқи мамлакат чегарасидан то истемолчигача етказиш керак. Бунда мавжуд усуллардан фойдаланилади. Улар ўрганилиши керак бўлади.

Ташқи савдода маркетинг хизматининг маъқул тузилмасини танлаш ҳам аҳамиятлидир. Фирмалар халқаро маркетингда ўз фаолиятларида камида уч хил усулдан фойдаланишади: баъзи фирмалар ўзида экспорт бўлимини очади, сўнг халқаро маркетинг, охирида трансмилий компания ташкил этади. Халқаро маркетинг экспорт қилиб, четга товарлар жўнатишдан бошланади. Фирмаларнинг бир неча мамлакатларда иш олиб бориши халқаро маркетинг бўлими очилишини тақозо этади. Фаолият кўп миллатли даражага етиши билан халқаро миқёсдаги фаолият **трансмилий компания даражасигача** кўтарилади ва жаҳон бозорини бир бозордек кўриб, иш тута бошлайди, маркетингни бошқариш ва унинг ишларини планлаштириш жаҳон миқёси ҳажмида олиб борилади.

МАРКЕТИНГ ВА ЖАМИЯТ

Маркетинг тadbиркорларнинг манфаати асосида ташкил топади. Шунга кўра унинг ҳаракатини жамият манфаатига, *истемолчилар талабига қаратиш аҳамиятлидир.* Бунда юзага келадиган зиддиятларни ҳал қилиш муаммоси, маркетингни тартибга солиш зарурияти туғилади. Жамият маркетинг тизимига бефарқ бўла олмайди, унинг салбий оқибатларининг олдини олиш ва унинг йўналишини тўғри белгилаш чораларини қўллашга ҳаракат қилади. Давлат ва фуқароларнинг жамоа уюшмалари маркетингни тартибга солишда фаоллик кўрсатиб, зарур қонун қоидалар ишлаб чиқадилар.

Маркетинг фаоллари аҳоли истемоли манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда товарлар баҳосини ҳам истемолчига қулай тарзда ва сотувчилар учун фойда келтирадиган даражага олиб келишга ҳаракат қиладилар.

Маркетинг концепцияси истемолчиларга хизмат кўрсатиш ва шунингдек, ўзаро фойда кўришнинг илмий тизимидир. Ундан фойдаланиш ўз-ўзидан, яъни кўрин-

мас қўл йўналтиргандек иқтисодийетни кўп миллатли истеъмолчиларнинг доимо ўзгариб боровчи эҳтиёжларини қондириш томон йўналтиради.

Лекин барча маркетинг амалиёти бу назарий хулосага тўғри келавермайди. Баъзи фирмалар ишончга нолайиқ маркетинг хизматидан фойдаланишдан бош тортмайдилар. Масалан, спиртли ичимликларни олсак, уларнинг зарарли томонлари кўп, лекин бу соҳадаги хусусий савдода келишувлар ҳам кўп. Бундан булар ва бунга ўхшаш товар ва хизмат кўрсатишни таъқиқлаш зарур деган хулоса келиб чиқмайди.

Хусусий маркетингча хизматнинг салбий оқибатлари бўлиб, у кўп танқидий мулоҳазаларга олиб келади. Масалан, айтайлик, АҚШ маркетингини жамоатчилик қуйдагилар, яъни баҳолар юқорилиги, харидорларни алдовчи усулларни ишлатиш, товарларни мажбурлаш усулларини қўллаш, сифатсиз товарлар сотиш, камбағалларга паст даражада хизмат қилиш кабилар туфайли танқид қилади.

Маркетингнинг жамиятга таъсирини олсак, масалан, Америкада, унинг мавжуд салбий томонларининг кенгайишига мойиллик мавжудлиги танқид қилинади. Булар ортиқча меркантилизм, сунъий эҳтиёж, ижтимоий-зарурий товарларнинг камёблиги, хизмат маданиятининг пасайиши, бизнеснинг ортиқча сиёсий таъсири кабилардир. Демак, маркетингнинг жамият соғломлигига, унинг турмуш тарзининг юқорилашувига таъсир этиши талаб этилади.

Маркетинг фаолиятида, унинг ривожда аҳолининг маркетингни тартибга солиш соҳасидаги ҳаракатлари аҳамиятлидир. Тадбиркорлик фаолиятини тартибга соловчи икки хил ҳаракат мавжуд: консюмеризм ва табиатни асраш.

Консюмеризм — фуқаролар ва давлатнинг сотувчиларга нисбатан харидорларнинг ҳимоя қилинишига қаратилган ҳаракатдан иборат. Бунда харидорлар ва сотувчилар ҳуқуқларини таққослаганда сотувчилар устунлик қилиши таъкидланади. Шунинг учун ҳам харидорлар ҳуқуқини кенгайтириш талаб этилади.

Харидорлар маълум ҳуқуққа эга бўлиши билан бирга ўзини ҳимоя этиш мажбуриятига ҳам эга. Буларнинг ичида Президентга хат орқали мурожаат этиш ёки оммавий ахборот воситаларига, федерал ҳукуматга, штаб органларига, шунингдек, суд органларига мурожаат этиш ҳуқуқига эгалар.

Консюмеризм ҳаракати бевосита истеъмолчиларни ҳимоя этиш соҳасида маркетинг фаолиятига таъсир этса, **табиатни асраш ҳаракатида** жамоатчилик маркетингга атроф муҳитни асраш соҳасида таъсир кўрсатади. Айтайлик, атрофни ифлослантиришдан, табиий бойликларни ташиб кетишдан сақлаш, инсоният ҳаётини асраш каби-лар. Табиатни асраш фуқаролар ва давлатнинг атроф муҳитини тозалаш, ҳаётий кўламини яхшилашга қаратилган.

Тадбиркорлар маркетингнинг социал жавобгарлик йўналишидаги фаолиятини талаб этадилар. Чунки улар истеъмолчиларнинг янги ҳуқуқларини амалда тан олмақдалар.

Маданий, яъни цивилизациялашган жамиятга мос маркетинг ўзида қуйидаги 5 тамойилни ифодалаши зарур: 1) истеъмолчига мўлжалланган маркетинг, 2) но-товарли маркетинг, 3) фойдалилик хусусиятли марке-тинг, 4) жамият манфаатига хос онглилик маркетинги, 5) социал-этик маркетинглар.

Тадбиркорларнинг истеъмолчиларнинг ҳимояси, уларнинг турмуш даражасини кўтаришга қаратилган мар-кетинг фаолиятини уюштиришлари бозор иқтисодиёти тараққиётида катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш даврида мар-кетинг хизматига муҳтожлик туғилади. Албатта, товарлар танқислигида бунинг устида гап юритиш мантиқий бўлма-гандек туюлади. Лекин келажакни кўра билиш керак. Бозор маркетинг тизимисиз ривожлана олмайди. Шунга кўра бо-зор иқтисодиёти шакллана бориши билан биргаликда бу соҳа ҳам тиклана бориши керак. Ҳатто ҳозир республика бўйича Маркетинг иттифоқининг ташкил этилиши зарури-яти сезилиб, унинг маркетинг тизими шаклланишига кўмак-лашуви мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга халқаро маркетинг зарурияти туғилмоқ-да. Айниқса, бу соҳа мутахассисларини тайёрлаш, мавжуд чет мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ва уларни татбиқ этиш йўлларини ва даражасини белгилаш заруриятга ай-ланмоқда. Чунки буларнинг барчаси бизнинг амалиёти-миз учун янгилик ҳисобланади ва бора-бора бу тизимни юзага келтириб, тажриба ортириб боришимиз талаб эти-лади.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. **Маркетинг** фирмалар фаолиятини истеъмолчига қаратишдир. **Маркетинг концепцияси** фирманинг истеъмолчи суверенлигини асос қилиб олишни ифодалайди. Рақибларга бозордаги истеъмолчи талабини қондиришга қаратилган ҳаракатлар орқали таъсир кўрсатади.

Маркетингнинг умумий мақсади энг юқори истеъмолнинг қондирилишига, истеъмолчининг юқори танлов шариоитига, мумкин бўлган юқори истеъмолга, фаровон турмуш тарзига эришишдан иборат.

2. Фирмаларга хос **ташқи маркетинг** комплекси сиёсий тизим, ҳуқуқий тартиб, демократик ва ижтимоий-маданий ҳолат, бозор конъюнктураси, рақиблар, истеъмолчилардан иборат.

3. Маркетингнинг энг **муҳим вазифаси** харидорларни тўла ўрганиш, уларнинг даромадлари, турмуш даражаси, товар (хизматлар)га қондирилиши, талаб ўзгарувчанлиги кабиларни ўрганиб, фирма фаолиятини шулар асосида ташкил этади.

4. Маркетинг корхоналар фаолиятини товарлар устида ишлаш, истеъмолчилар учунгина ишлаб чиқариш, уларнинг бозорда шаклланиши мумкин бўлган истеъмол талабини эътиборга олган ҳолда иш тутишга йўналтиради.

5. **Маркетинг бозор маҳсули**, бозор учун ишловчи усул. Бозорни ўрганиш, бозорда фирманинг ўз ўрнини топиб бериш маркетинг вазифаси. Маркетинг хизматида товарлар (хизматлар)ни бозорларда жойлаштириш, ўз товарлари учун бозор қисмларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

6. Маркетинг фаолиятида **планлилик** катта ўрин эгаллаб, тижорий (йиллик) ва истиқболли (5 йиллик) планлар тан олиниб, амалда қўлланилади.

7. Маркетинг фаолияти **баҳосиз рақобат курашига** кириб, бу ташкилийлик билан бирга реклама мазмуни, ташкил этиш, самарадорлигини ошириш билан боғлиқдир.

8. **Халқаро маркетинг** мавжуд бўлиб, аввало фирманинг бу соҳадаги имкониятлари, бошқа мамлакатлардаги имкониятлар ўрганилади, яъни чет мамлакатлар бозорлари ўрганилиб, бундаги имкониятлар асосида фирма фаолияти учун зарур имкониятлар белгиланган ҳолда аниқ ҳаракат планлари тузилади.

9. Маркетинг жамият таъсирида бўлиб, ўз фаолиятида жамоатчилик фикрларини, танқидий мулоҳазаларни эътиборга олади. Бунда консюмеризм — харидорларни ҳимоя қилиш мақсадидаги жамоатчилик ва давлат органлари уюшмаси фаолияти, шу билан бирга табиатни асраш, экология билан боғлиқ жамоатчилик ва давлат органлари ҳаракати уюшмаси аҳамиятлидир.

МАНЗУ БЎЙИЧА САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Маркетинг нима, унинг моҳиятини қандай тушунасиз?
2. Маркетингнинг истеъмолчилар манфаати соҳасидаги фаолиятини мисоллар билан апрофлича ёритиб беринг.
3. Маркетингнинг вазифалари, унинг аниқ ҳаракати, фаолияти мазмунларини тушунтириб беринг.
4. Маркетинг фаолияти истеъмолни қондириш, фирмаларнинг истеъмолчи талаби асосидаги ҳаракатини белгилашдан иборат экан, фирмалар фойдаси, уларнинг фойдани кўпайтириш тақдирий муаммосини қандай тушуниш керак?
5. Маркетингнинг рақобатга муносабатини тушунтириб беринг.
6. Маркетингнинг планлиликка муносабатини аниқлаб беринг. Планликдан бозор ҳужалигида фойдаланиш мумкинми, мумкин бўлса бу соҳада сизда қандай тушунчалар бор?
7. Маркетинг фаолиятида сегментация деган тушунча бор. Бу нима, аҳамияти ва амалиётини тушунтириб бера оласизми?
8. Халқаро маркетинг, унинг шакллари, фаолият хусусиятларини айтиб беринг.
9. Маркетинг фаолиятига жамоатчиликнинг муносабати, таъсири тўғрисида нималарни биласиз? Жамоатчиликнинг маркетинг фаолиятига қаратилган қандай уюшган ҳаракат шакллари мавжуд?

XIV. БОЗОР ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Маълумки, бозор кўп турли бўлиб, бу бозор иқтисодиёти тараққиёти даражасига, муносабатларининг кўлами, таъсир этиш мазмуни кабиларга боғлиқдир. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли кўринишда шаклланиб бориши, умуман бу жараённинг тезлашуви учун зарур шароитни кенгайтириб беради.

Бозор шакллари, турларининг белгилари ҳам кўп бўлиб, уларни тизим асосида ўрганиш маъқул бўлади. Бу белгилар асосан бозор мазмуни, ҳаракат хусусияти, товарлар хили, ҳудудий омил кабилардан иборат. Буларнинг барчаси бозор иқтисодиёти ривожини учун муҳим бўлиб, уларнинг таъсири, ўрни кабиларни эътиборга олмоқ зарур. Бозор ривожига қараб белгилар таъсири, мувозанати ҳам турлича бўлиши мумкин.

Ҳар бир бозор шакли, кўриниши ўзига хос. Бир хил шакллар барча товар ва бозор ҳаракати учун умумий бир ҳолатда бўлса, бир хиллари мавжуд шароит тараққиёт даражасининг таъсири остида намоён бўлади. Масалан, товар хиллари бозори, ҳудудий бозорлар умумий хусусиятли бўлса, моддий шаклланиш бўйича бўлган бозор шакллари, албатта бозор муносабатлари мавқеи, кенглиги, таъсир доираларига боғлиқ ҳолда шаклланиб, ривожланиб боради.

Бозор турлари, шаклларининг бўлинишида мазмуний асос бўлгани маъқул. Биз ҳам ана шу асосда бозорларни турлар, хиллар ва шаклларга бўлиб, кузатишга ҳаракат қиламиз.

Аввало бозорларни турларга бўламиз. Бунда умумий хусусиятлар бирлиги асос қилиб олинади. Уч тур мавжуд бўлиб, булар бозорларнинг рақобат ҳолати, истеъмол объектлари ва ҳудудий ҳолатлари бўйича бўлинишдир. Турлар бозор хиллари ва хиллар бозор шаклларига бўлиниши мумкин. Бундай бўлиниш барча бозор турлари учун бир хил бўлмайди. Чунки баъзи бозор турлари фақат шакллардан иборат бўлиши, аксинча бир хил турлар хилларга, хиллар эса шаклларга, шакллар эса субшаклларга бўлиниши мумкин.

Рақобат ҳолати бўйича бозор турларини юқорида кўриб, унинг моделлари бўлмиш эркин рақобат, монополлашган рақобат, олигопол ва соф монопол бозорларнинг хусусиятлари, оқибатлари, харидорларга бўлган таъсирлари каби масалалар билан танишган эдик. Бунда асосий диққат монополлашувнинг бозор ривожига, айниқса харидорларга, истеъмолчиларга салбий таъсир этишини таъкидлаган эдик. Шу билан бирга рақобатли бозорни ҳимоялаш тўғрисидаги давлат сиёсатига ҳам эътибор берган эдик.

Буларга қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, рақобат ёки монополия таъсири мазмунига қараб эркин бозор ва монополлашган бозорга бўлиш мумкин. Эркин бозор кўпчиликдан иборат сотувчилар ва харидорлар бозори бўлиб, бозор иштирокчилари учун эркин фаолият асос бўлади, бозордаги ҳаракатлари ҳеч қандай тўсиқсиз ихтиёрий тарзда олиб борилади. Монополлашган бозор эса озчилик сотувчиларнинг бозорга ўз таъсирларини ўтказиши ёки тўла монополия ҳукмронлиги шароитида, рақобат чекланган ёки бутунлай йўқ холига келтирилган бўлади.

Асосий диққатимизни қолган бозор турларига қаратамиз. Бозор иқтисодиётига хос адабиётларда бозор моделлари билан бирга истеъмол объектлари бўйича бозор шаклларига эътибор бериб келинган. Кейинги вақтларда ресурс бозорларига ҳам аҳамият ортиб бормоқда. Фикримизча, ҳозирги замон бозор иқтисодиётида молия бозорлар хили ўз аҳамиятини ошириб, унинг шакллари ҳам ривожланмоқда. Шу билан бирга интеллектуал бозорларни ҳам алоҳида хилга ажратиш ва унинг шакллари алоҳида кўриб чиқиш бозор тузилишини аниқ тушунишга ёрдам беради.


ИСТЕЪМОЛ ОБЪЕКТЛАРИ БЎЙИЧА БОЗОР ТУР ВА ШАКЛЛАРИ

Кўп қиррали бозор тури истеъмол объектлари бозори бўлиб, шу белги бўйича бўлинишдир. Бунда турлар шаклларга, шакллар субшаклларга бўлинади.

Бу тур аввало истеъмол бозори ва ишлаб чиқариш воситалари бозорлари хилларига бўлинади. Бунинг асосини истеъмол этиш соҳалари турлилиги ташкил этади. Истеъмол бозори аҳолининг эҳтиёжини таъминлаш билан боғлиқ бўлади. Бунда аҳоли ўзи учун зарур товарлар ва пулик хизматларни сотиб олиб, булар олди-сотдиси амалга ошадиган бозорга мурожаат этади. Бундаги асосий тафовут шуки, бири шахсий истеъмол билан боғлиқ бўлса, иккинчиси ишлаб чиқариш истеъмоли билан боғлиқлигидир. Бунда товарлар ва хизматлар йўналиши икки хил бўлади, яъни бир хиллари инсонлар шахсий истеъмоли томон ҳаракатда бўлиб, истеъмол бозорини ташкил этса, иккинчи хиллари ишлаб чиқариш томон ҳаракатда бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари бозорини ташкил этади. Истеъмол мазмуни турлилиги бозор хилларининг шаклланишига олиб келади. Ишлаб чиқариш воситалари бозори товар хилларига ва ишлаб чиқаришдаги ўрнига қараб, ишлаб чиқариш куроллари ва ишлаб чиқариш предметлари бозоридан, энергетика ва материаллар бозоридан иборат бўлиши мумкин. Албатта бунда машиналар, асбоблар, ускуналар бозори ва хом ашё материаллар бозорлари алоҳида-алоҳида бўлади.

Ўз навбатида, истеъмол бозори ҳам инсон истеъмоли хусусиятлари ва товарлар хусусиятига кўра турли бўлади.


Истеъмол объектлари бўйича бозор хиллари қуйидаги тарзда бўлади:



Истеъмол объектлари бўйича бозор турига кирувчи бозор хиллари ресурслар, товарлар, молия ва интеллектуал бозорга бўлинган. Бу бозорлар ўз мазмунларига кўра ҳар хилдир. Агар ресурслар бозори ишлаб чиқаришни шакллантиришга хизмат қилса, товарлар бозори шахсий истеъмол учун қаратилган. Молия ва интеллектуал бозор хиллари бу икки жараёнга ҳам хизмат қилади. Бу бозор хиллари истеъмол объекти, ишлаб чиқарилиши, моддийлиги, қолаверса истеъмол усуллари билан бир-бирларидан фарқланади. Агар биринчи ва иккинчи хилдаги бозорлар моддийлашган бўлса, иккинчи ва учинчиларини бундай деб бўлмайди. Учинчиси, яъни молия бозори пул ҳаракати ва фаолияти билан боғлиқ бўлса, интеллектуал маҳсулот бозори қисман моддийлашган ҳолда бўлиб, умуман, ақлий хизмат кўрсатиш билан боғлиқдир. Истеъмол жараёнига эътибор берадиган бўлсак, буюмлашган товарлар бозордан харид қилиниб, уларни истаган вақтда истеъмол этиш мумкин. Интеллектуал маҳсулотлар эса ё бевосита истеъмол қилишни ёки вақт ўтиши билан истеъмол қилишни талаб этади. Чунки хизматлар хусусиятига кўра харид қилиш ва истеъмол қилиш бир вақтда юз бериши мумкин. Шунга қараб, бу бозор хилларида сотув, харид қилишларни ташкил этиш, демак, бозорни ташкил этиш бир хил бўлмайди. Бозор муносабатлари бир хилда таъсир этса ҳам ташкилий жараён турли тарзда амалга ошади.

Ресурслар бозори. Мазкур бозор хилини бирма-бир таҳлил қилиб кўрайлик. Ресурслар табиий, моддий бойликлар, меҳнат ресурсларидан иборат. Булар ўзларининг чекланганлиги, талабнинг юқорилиги билан фарқланиб, уларнинг асосий хусусиятлари ишлаб чиқаришни таъминлашдир. Ресурсларни бозорга уй хўжалиги, оила бирлиги чиқаради. Буларнинг ҳаракати фирма ва давлат хўжаликлари томон қаратилгандир. Шунинг учун ҳам уй хўжалигидаги моддий ва меҳнат ресурслари ресурс бозорини ташкил этиб, сотувчилар уй хўжалигидан иборат бўлса, харидорлар фирма-корхоналар ва давлат хўжалигидан иборатдир.

Ресурслар бозори шаклларини қуйидагича кўрсатиш мумкин:



Бундан кўриниб турибдики, асосий белги ишлаб чиқариш томон йўналишдан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур омиллар бозоридан иборат экан. Шунинг учун кўпинча бу ишлаб чиқариш омиллари бозори деб ҳам аталади. **Моддий ресурслар бозорида** бевосита ишлаб чиқариш маҳсули бўлмиш машина, ускуна, энергия ва бошқа моддий бойликлар билан бир қаторда бевосита табиий бойликлар ҳам бозор объекти бўлиб киради. Айтайлик, ер, руда, ўрмон маҳсулотлари, сув, ҳаво кабилар меҳнат маҳсулими ёки йўқлигига қарамай, бу бозорда олди-сотди объекти бўлиб хизмат қилади. **Моддий ресурслар кўтара савдо** орқали кўплаб миқдорда сотилади ва сотиб олинади. Бу бозордаги савдо ҳаракати бевосита ёки воситачилар орқали амалга ошади. **Моддий ресурслар бозори** турли мулк эгаларининг бозор иштирокчилигида ташкил топади. Чунки бу бозор давлат, якка ҳолидаги ёки бирлашма ҳолидаги, жамоа ҳолидаги корхоналар иштирокида юз беради. Бу бозордаги хусусиятлардан яна бири шуки, олди-сотдидан кейин мулк эгасининг ўзгариши мажбурий эмас. Лизинг тизимини қўллаш билан ижара асосида хўжалик уюштириш мумкин. Чунки лизинг тизимида ишлаб чиқариш омилли истеъмол этиш ҳуқуқи асосида сотилади холос. Масалан, ер ижарага сотилади, бу шунингдек капитал, бино, асбоб-ускуна, машина, иншоотларга ҳам тегишли бўлиб, улар вақтинча фойдаланишга сотилади, лекин мулкдорники бўлиб қолаверади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган моддий ресурслар бозори, асосан уч хил бўлади: меҳнат маҳсули бўлмаган бойликлар савдоси, лизинг бўйича савдо ва бевосита ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи (у ҳам ишлаб чиқариш учун истеъмол қилувчи) ўртасидаги олди-сотдидан иборатдир.

Меҳнат бозори ҳам шу ресурслар бозорининг кўриниши, шаклларида биридир. Бу бозор бошқаларидан тубдан фарқ қилади. Харидор, сотувчи ва талаб, таклифлар

бошқа бозорлардагидек, лекин сотиладиган товар ўзгача, яъни у бошқа товарларга ўхшаган моддий кўринишга эга эмас. Биринчидан, бозор олди-сотди жараёни товарни эгасидан ажратиш ҳолида юз бермайди. Иккинчидан, товар баҳоси бозорда белгиланади ва келишувга биноан товар ҳақи ундан фойдалангандан сўнг иш ҳақи шаклида тўланади.

Меҳнат бозорининг туб мазмуни иш топиш, иш кучидан фойдаланиш имконини аниқлашдан иборатдир. Бу бозорнинг амалиёти ва ёлланма меҳнатни амалга ошишида воситачилик қилишдир. Меҳнат бозорининг объекти махсус товар бўлиб, бу иш кучи товардир, яъни меҳнат қилишга бўлган хусусиятнинг товар бўлиб сотилиши ва сотиб олиншидир. Иш кучи ҳар бир меҳнатга лаёқатли инсонда мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси шу бозорнинг иштирокчисидир. Шу билан бирга меҳнат бозорида иш кучи бутунлай сотилмайди, балки вақтинча сотилади ёки ижарага ўхшаган маълум вақт ичида фойдаланиш ҳуқуқи сотилади.

Меҳнат бозори бир томондан, сотувчилар учун зарур иш топиш, иккинчи томондан, харидорлар учун ишлаб чиқариш, тижорий ва бошқа фаолиятларни амалга ошириш мақсадида ишловчиларни ёллаш воситасидир. Бу жараён ҳам бозор қонуни, механизмлари асосида амалга ошади.

Бозордаги баҳо мувозанати иш ҳақи дейилади. Иш ҳақи ёки иш кучи товарнинг баҳоси унинг эгасини ёлланган вақт ичида бажарган иш ҳақи эвазига тўланади. Умуман, товарларга ўхшаган иш кучининг баҳоси юқори бўлса, талаб қонунига асосан ёлловчилар кам ёллашга ҳаракат қиладилар, яъни иш кучини кам сотиб оладилар. Аксинча, баҳоси паясий, иш ҳақи даражаси нисбатан паст бўлса, харидор-ёлловчи кўпроқ ишчи ёллайди.

Меҳнатда ижтимоий муаммо асосий ўрин эгаллайди. Бозор иқтисодиёти ривожланиши, унинг цивилизацияли даражасининг ортиб бориши билан кўп нарсалар иш кучи эгаси фойдасига ҳал бўлмоқда. Бунда давлат, ишчилар уюшмаси, жамоатчилик таъсири остида кўп истиқболли ишлар амалга ошиб, кескинликнинг олди олинмоқда ва ишчиларнинг даромад даражаси анча кўтарилмоқда.

Жамоатчилик ва давлатнинг меҳнат бозорига бўлган таъсири ортиб бормоқда. Чунки мамлакатдаги ижтимоий

мувозанат кўпинча шу бозордаги мувозанатга боғлиқ бўлади. Ишга ёлланиш қоидалари, иш ҳақи даражасини қонунийлаштириш бу бозор мазмунига таъсир кўрсатади, бундан ташқари иш кучи товарнинг энг кам баҳосининг белгиланиши ҳам бу бозорга таъсир этади. Давлат томонидан белгиланган иш кучи товарнинг минимум баҳоси асосида яшаш минимуми ётади. Яшаш минимуми ҳаётийликни таъминлашдаги минимум билан, физиологик нормалар чегарасидаги озиқ-овқат истеъмоли, шунингдек, кийим-кечак, уй-жой, транспорт харажатлари, гигиена ва санитария талаблари минимумлари даражасини таъминлай оладиган даромад даражасини билдиради. Ҳозирги даврдаги меҳнат бозорида яшаш минимуми иш ҳақининг қуйи даражасини белгилаш учун ишлатилади. Агарда корхона шу минимум даражани ҳам таъминлай олмаса, касод бўлиши ва ўз фаолиятини тўхтатиши керак, яъни синиши керак.

Иш ҳақининг ўсиши ишлаб чиқариш ҳолатига боғлиқдир. У кенгайиб, ривожланиб борса, иш кучи баҳоси ҳам ошади. Агарда меҳнат унумдорлиги ўсмаса, тадбиркор ўзининг оладиган фойдаси ҳисобига ишчига тўлайдиган ҳақини оширмайди. Меҳнат унумдорлиги ўсиб борсагина ҳам фойда, ҳам иш ҳақи ошиши мумкин. Аслида иш ҳақининг ўсишига нисбатан меҳнат унумдорлигининг тезроқ ўсиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам *ҳар бир корхона, умуман мамлакат учун иш ҳақининг ўсиш чегараси мавжуддирки, уни меҳнат унумдорлиги ўсишининг тезлашуви белгилаб беради.*

Меҳнат бозорининг икки хил ажойиб хусусияти бор: сотиладиган товарнинг универсаллиги ва сотувчиларнинг ижтимоий адолатга интилиши. Бу товарнинг универсаллиги шуки, у турли касбни эгаллаши, шу билан бирга у турли фирма ва ҳудудларда ишлай олиши мумкинлигидадир. Ишчиларнинг ҳунарларини ва иш жойларини тез-тез ўзгартира олиши иш берувчи, яъни харидорлар ўртасидаги рақобатнинг кучайишига олиб келади. Чунки ҳар бир тадбиркор яхши ишловчини истайди ва уни бошқасидан оғдириб олишга ҳаракат қилади.

Меҳнат бозорида доимо икки тенденция бир-бири билан кураш олиб боради. Улардан бири касаба иттифоқчиларининг шартномалар орқали маошларини тенглаштириш учун кураши бўлса, иккинчи томондан, ривожланаётган фирма, ҳатто

тармоқларнинг юқори иш ҳақи ҳисобига ишчилар, мутахассисларни ўзига тортиш учун курашидир. Албатта, бу бошқа фирма, тармоқлардаги бандликка таъсир этмай қўймайди. Нажижада меҳнат бозоридаги баҳолар турлилиги мавжуд бўлади. Бунда тармоқларнинг бозордаги, яъни унинг товарларига бўлган бозордаги аҳволи, бошқача қилиб айтганимизда, тармоқ товарларига бўлган таклиф ва талаб мувозанати, шу билан бирга меҳнат интенсивлиги ва мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Меҳнат бозорининг кўринишларидан бири **меҳнат биржаси** бўлиб, у асосан бу соҳада воситачилик вазифасини бажаради, яъни унда иш кучи товар эгаси билан фирма ўртасида туради. Биржа таклиф ва талабни бир-бири билан боғлайди. Бир вақтда сотувчи ва харидор номидан иш тутилиб, рўйхатга олинади ва талаб бир жойга келишилган ҳолда ҳар томонлама ўрганилиб, маъқул корхона, ташкилотга юборилади. Биржалар иш кучининг сотилиши билан боғлиқ вазифаларни бажариб, заруриятга қараб, янги ҳунар ўрганиш ва бунинг учун ўқув ташкил қилиш, малякасини ошириш каби ишларни ҳам бажарадилар. Бунинг учун сармоя сотувчи ва харидорлар томонидан тушади.

Бундай ишларни бажарувчи махсус фирмалар ҳам бўлади. Булар, ҳатто халқаро меҳнат бозорида фаолият кўрсатишади. Биржа ва фирмалар меҳнат бозорининг субшакллари ни ташкил этади.

Товарлар ва хизматлар бозори истеъмол объектлари бўйича бозорларнинг кейинги хили **товарлар, хизматлар** бозори бўлиб, бу истеъмол бозорининг асосини ташкил этади. Бу бозор уч шаклдан иборат: товарлар бозори, хизматлар бозори ва махсуслашган ёки индивидуал ва айрим ҳолдаги товар (хизматлар)лар бозори шакллари.

Товарлар бозори ўзининг моддийлиги билан фарқланади. Булар ҳам жуда кўп хилли, турлилиги, маълум гуруҳлари мавжудлиги, моддий томондан, истеъмол жиҳатдан бошқа-бошқалиги билан ўз хусусиятларига эга бўлади. Жамият тараққиёти, аввало ишлаб чиқариш ривожи билан товар хилма-хиллиги ортиб бормоқда ҳамда бозорларни жуда кенгайтирмоқда.

Истеъмол буюмлари бозори товарлар турлилигига кўра турли хусусиятларга эгадир. Бу бозор озиқ-овқат бозор-

ларига бўлинади, сўнгра кундалик истеъмол бозорига ва гоҳида харид қилинадиган товарлар бозорларига бўлинади. Ишлаб чиқаришдан истеъмол томон ҳаракат, сифатини сақлаш кабилар билан боғланган хусусиятлар ҳам турли товарларда турли хил бўлиб, буларнинг бозорини ташкил этиш осон эмас. Озиқ-овқат товарлари бозорини ташкил этиш учун умумий ишлар, шароитлар билан бирга совутгичлар, қадоқлаш, ўраш каби қўшимча ишлар ҳам ташкил этилади. Зеро, маҳсулотни харидоргир қилиб тайёрлаш шарт. Шунингдек, кийим-кечак бозорлари билан техникавий товарлар бозорининг талаблари бошқача ёки қурилиш моллари бозори ҳам тубдан фарқ қилади ва ҳоказо.

Албатта, бозор ҳар бир товар учун ҳамма томонларни, бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқадиган барча жараёнларни ўзида акс эттириши керак.

Масалан, сут ва нон бозорини олсак, у харидор учун ҳар куни керак. Бу маҳсулотлар харидорга кечикиб олиб келинса сотилмаслиги, ўз вақтида сотилмагач, товар хусусиятини йўқота бориши мумкин, натижада истеъмол ҳам, ишлаб чиқариш ҳам зарар кўради, яъни бозор жараёни юз бермайди ва у ўз вазифасини адо эта олмайди.

Кийим-кечак, умуман ноозиқ-овқат товарлари бозори учун бошқача талаблар қўйилади. Албатта, унда ҳам талабга қараб вақт аҳамиятли, лекин сутдек ва нондек эмас. Ҳар бир товар бозорини билиб, тушуниб уюштириш ва ташкил этиш жуда аҳамиятлидирки, ҳар бири алоҳида эътиборни талаб этади. Булар ҳаммаси талаб ва таклиф таъсири остида амалга ошади.

Товарлар бозорида бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзи харидорлар билан муносабатда бўлиши мумкин. Майда ишлаб чиқарувчилар асосан шу йўл билан бозорга чиқади. Булар косиблар, ҳунармандлар, фермерлар каби, оилавий товар ишлаб чиқаришга асосланган бўлади.

Бундан ташқари фирмаларнинг ўзи ҳам бевосита бозорга чиқиши мумкин, лекин улар бунинг учун вакиллар белгилаши ёки тижорат бўлимлари ташкил этиши мумкин. Аммо бевосита фирмаларнинг бозорга чиқиши ҳозирги замон бозор иқтисодиёти учун умумий ҳолат эмас. Чунки асосан товарлар махсус савдо фирмалари орқали бозорга чиқади. Савдо фирмаларининг иши ҳақиқатан бозорни

ташқил этиш, уни юргизишдан иборат бўлиб, буларнинг ихтисослашуви, туб вазибалари савдо-воситачилик билан шуғулланиш бўлиб, товарларни ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиб, товарнинг ҳақиқий эгаси сифатида иш кўрадилар.

Савдо-воситачилар билан бир қаторда бозорда вакиллар-брокерлар ҳам хизматда бўлиб, улар товар эгалари бўлмайдилар, фақатгина товар эгалари номидан иш юритадилар.

Йирик фирмаларни олсак, улар **улгуржи савдони** ташқил этиб, жуда кўп савдо нуқталари, вакилликлар, брокерликни ташқил этишади. Умуман, улгуржи савдо деганда қайта сотиш ёки профессионал фойдаланиш учун товарларни сотиш жараёнини тушуниш керак. Унинг энг хусусиятли томони айрим товарлар билан иш кўришдир. Ёки айрим товарларни сотишга мутахассислашишидир. Фирмаларнинг ўзларининг улгуржи савдоси билан бирга махсус савдо фирмалари ҳам бўлади. Улгуржи савдо икки хил бўлиб, биринчиси хизматларни тўла бажарувчи ва иккинчиси чекланган хизмат ҳажмини бажарувчилардир. Лекин иккови ҳам товарларни ўз мулкларига айлантириб иш кўрадилар.

Кейинги вақтларда айрим товарлар билан савдо қилиш билан шуғулланувчи улгуржилар билан бир қаторда аралаш ассортимент товарлар савдосини ташқил этувчилар ҳам кўпаймоқдаки, улар бир хил ишлаб чиқариш фирмалари билан чегараланмай бир нечалари билан алоқада бўладилар.

Улгуржи савдода **товар биржалари** ва **ярмаркалар** алоҳида аҳамиятга эга. Бу хил савдода истеъмолчилар бевосита қатнашмайдилар. Бунда ишлаб чиқарувчи билан улгуржи савдо вакиллари қатнашади. Ярмарка биржадан фарқли равишда маълум вақтда ўтказилади. Товар биржасини олсак, бунда иштирокчилар ўзгариб туради, савдо битимлари тузилгани учун товарларнинг ўзи бевосита қатнашмайди. Чунки товарни етказиб бериш ва ҳақини тўлаш биржада юз бермай, унинг ташқарисида бўлиб, масофа роль ўйнамайди. Масалан, Ўзбекистон пахтаси Ливерпуль биржасида сотилгандек, Канада ёки Австралия ғалласи Лондон ёки Париж биржасида баҳордаёқ сотилиб, кузгача бир неча бор қўлдан ўтиши мумкин.

Бозордаги товарлар ҳаракати **чакана савдо** билан яқунланади. Чунки у асосан истеъмол билан боғланган. Чакана савдо товар ва хизматларни пироварддаги истеъмолчига шахсий нотижорий фойдаланиш учун сотиш билан боғлиқ фаолиятдир. Бу иш билан шуғулланувчи барча муассаса чакана савдони амалга оширади. Чакана савдо бозор иқтисодиётининг энг йирик тармоқларидан ҳисобланади. Масалан, АҚШда барча тижорий корхоналарнинг 25 фоизини чакана савдо магазинлари ташкил этади, бунда бандлар сони 16 миллион кишидан иборат. Чакана савдога 1,5 миллиондан ортиқ бир дўконли ва 340 мингдан ортиқ кўп дўконли муассасалар киради. АҚШдаги йирик чакана савдо фирмалари қаторига “Сире Робак”, “Сэй фуэй старс”, “К. Март”, “Дж.К. Пенни”, “Крогер”, “Американ старс”, “Лаки сторс”, “Эй энд Пи” кабилар киради. Бу фирмаларнинг ҳар бирининг йиллик обороти 10—30 миллиард долларни ташкил этади. Йирик чакана савдо корхоналари — бу универмаг ва универсамлар бўлиб, улар аралаш ассортимент товарлар билан иш кўрадилар.

Чакана савдо корхоналарининг хиллари кўп бўлиб, уларнинг асосийларига ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, эркин товар танлаш корхоналари, чекланган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, тўла хизмат кўрсатадиган корхоналарни киритиш мумкин. Иш усулига қараб чакана савдо корхоналари корпоратив, кооператив, матлубот кооперативи, хусусий корхоналарга бўлинади.

Бевосита чакана савдо корхоналарини олсак, улар махсус магазинлар, универмаг ва универсамлар, кундалик харид товарлари магазинлари, кенг профилли универсамлардир. Универсамлар комбинациялашган савдо комплексларидан иборатдир. Савдо комплекси жуда йирик чакана савдо корхонасидир. Бунга универсам, баҳоси пасайтирилган магазинлар, чакана магазин — омборлар киради. Булардан ташқари чакана савдода каталоглар бўйича савдо қилувчи намоиш-магазинлар, почта бўйича буюртма савдо, савдо автоматлар кабилар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси истеъмолчига савдо хизмати кўрсатиш вазифасини бажаради.

Бу хил бозорнинг кейинги шакли **хизматлар бозори**, яъни товарлашган хизматлар бозоридир. Бу бозорнинг хусусиятлари мавжудлиги ва бошқа шакл бозорлардан

кўп томондан фарқланиши кўзга ташланиши аёндыр. Товарлашган хизмат кўрсатиш бозорида тижорий корхоналарнинг “товар ассортименти” буюмлар эмас, балки хизматлардир. Бундаги чакана савдо корхоналарини устахоналар, шахсий хизмат кўрсатиш, меҳмонхоналар, касалхона, тиббиёт муассасалари, кинотеатр, банклар, авио-компаниялар, ресторан, сартарошхона, химчистка, коллеж кабилар ташкил қилади. Хизмат кўрсатиш корхоналари чакана хизмат корхоналарига нисбатан тезроқ кўпаймоқда. Банклар ўз хизматларини кенгайтириш йўлларини ахтарсалар, тиббиёт муассасалари тиббиёт хизматлари ҳақини олиш усуллари ва уларни тулаш йўлларини такомиллаштириш устида бош қотирмоқдалар.

Хурсандчилик индустрияси “Дисней Ленд” комплексини юзага келтирди ва унинг тармоқлари Оврўпо, Осиёга ҳам тарқалмоқда. Бозор хизмат соҳалари кенгайиб, янги-янги лари юзага келмоқда, даромадларни сарф этишда бу бозор тезроқ кенгаймоқда.


Махсус ёки индивидуал товарлар бозорларини олсак, улар ҳар бир товар хилига хосдыр. Масалан, нон бозори, ўтин бозори, кўмир бозори, автомобиль бозори, чит бозори, ун бозори кабилар. Улар йиғилиб товар гуруҳлари бозорларини юзага келтиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир фирма ўзининг алоҳида бозорларини ташкил этиш устида қайғурадики, бу асосан маркетинг хизмати туфайли барпо этилади. Албатта, бозор ўз универсаллиги билан ҳаракатланади. Лекин бу алоҳида товарлар бозори ривожини туфайли юзага келиши мумкин.

МОЛИЯ БОЗОРИ

Молия бозорининг аҳамияти жуда катта бўлиб, у бир неча шаклларни ўз ичига олади. Молия институтларига эътибор берсак, булар тижорий банклар, ссуда-омонат бирлашмалари, фонд биржалари, суғурта компаниялари кабилардир. Молия бозорининг субъект (иштирокчи)лари истеъмолчилар (“уй хўжалиги”), корхоналар ва давлатдир.

Молия ресурсларининг бозор орқали ўтадиган қисми молия бозорининг объектини ташкил этади. Бундаги муносабатлар мулкдорлар билан пулга эҳтиёжмандлар ўртасида юз беради. Пул бозорга чиқарилар экан, у истеъмолчининг талабини қондириш учун ишлатилади. Лекин шу билан бирга

пулдан фойда кўриш мақсади, пулни кўпайтириб ундан қўшимча пул топиш молия бозорида ишлатиладиган пул, яъни сотиш ва сотиб олиш жараёнлари молия бозорининг икки томонини кўрсатади, яъни бир томонда истеъмолни қондирувчи пул бозори бўлса, иккинчи томонда капитал бозори бўлади. Бу вазифалар бир неча молия бозор шакллари тақозо этади. Тархда келтирилган шаклларнинг умумийлиги бозорда пул ҳаракати, пул ва пулга тенглашилган қадриятларнинг бозор муносабатлари асосидаги иқтисодиётдаги ҳаракатидир.



22-тарх.

Қимматбаҳо қоғозлар бозорида акциялар, облигациялар, векселлар савдоси амалга ошади, унда асосий кўрсаткич ва айрибошлашдаги баҳо асосида **дивиденд** ётади. Агарда дивиденд ўсиб борса, баҳоси ҳам кўтарилади. Корхоналарнинг қўшимча капиталга бўлган эҳтиёжлари акцияларнинг эркин муомалада бўлиши, уни бозорда чегараланишсиз сотиб олиш туфайли ва сотилишидан тушган пул капитали орқали қондирилади. Бошқа тур қимматбаҳо қоғозларнинг бозори қўшимча капитал жалб этиш муаммосини ҳал қилишда жуда қўл келади. Чунки аҳоли қўлидаги ортиқча пул маблағи акция, облигация сотиб олиш орқали хўжалик фаолиятига жалб этилади. Бу аҳолига ҳам наф келтиради. Чунки аҳоли ўз жамғармалари билан ишлаб чиқаришни кенгайтиришда, хўжалик фаолиятини жонлантиришда қатнашиш билан даромад олади.

Ўзбекистонда бу бозор энди шаклланиб келмоқда. Давлат корхоналарнинг акционер жамият (ҳиссадорлик)га айланиб бориши ва акцияларини эркин муомалага ташлаш

ри қанчалик муҳим эканлигини таъкидламоқда. Президент И. А. Каримов бир неча бор бунга жуда катта аҳамият бериб, давлат мулкани хусусийлаштиришнинг ҳиссадорлик корхоналарига ўтиш шаклининг амалдаги фаолиятини кучайтиришда акциялар бозорини авж олдириш, айниқса ҳозир ҳал қилувчи аҳамият касб этиши ва қўшимча капиталга эга бўлиш имконини туғдиришига эътиборни жалб этди. Шунингдек, облигациялар чиқариш, векселларни оборотда бўлишини таъминлаш бундай бозорнинг шаклланишини тезлаштиради.

Пул бозори туб мазмуни билан расмий миллий пуллар бозорини билдиради. Бу миллий пулларнинг эркин ҳолда бир-бирига алмашуви — олди-сотдиси жараёндан иборатдир. Бу бозорнинг ривожланиши умуман, бозор иқтисодиёти ривожини учун аҳамиятлидир. Чунки иқтисодий алоқалар, айниқса хорижий мамлакатлар билан муносабатларни кучайтиришда имкон туғдирадиган жиҳатлардандир. Бунда миллий пулнинг бошқа пуллар билан беллаша олиши, тўсиқларсиз алмаша, яъни пул бозорида тенг ҳуқуқли ҳолда қатнаша олиши имконини туғдиради. Масалан, бу бозорнинг Ўзбекистонда шаклланиши аввало ўзимизнинг сўмизни бошқа пуллар билан тенглашувига, эркин тенглашувига (конвертация) олиб келади. Сўмнинг жаҳонга чиқиши ва умуман, миллий пулимизга бошқа мамлакат пулларини алмаштириш эркинлигини юзага келтиради. Бунинг учун сўмнинг қадрини ошириш, обрўйини кўтариш ва пул бозоридаги эркин ҳаракатини таъминлаб бориш талаб этилади.

Маълумки, доллар барча мамлакатлар пул бозорида эркин олди-сотди объекти ҳисобланади. Марка, фунт, стерлинг, иена, франк кабилар тўғрисида ҳам шуни айтиш керак. Бу жуда қулайлик, аввало халқаро иқтисодий алоқаларда тўловларни, ҳисоб-китобларни енгиллаштиради, фуқароларнинг хорижий мамлакатларга чиқиши, уларнинг у ерлардаги фаолиятлари учун енгилликлар туғдиради. Эмиссияли пул бозорида пуллар курси бўйича сотилади. Бу курс доимо ўзгариб туради.

Кредит бозори ҳам ўзига хос хусусиятларга эгадир. Бу ссуда капитали бозори ҳам дейилади. Бундаги савдода кредит фоизи асос бўлиб, унинг баҳоси вазифасини бажара-

ди. Кредит бозорида турли тўлов воситалари (пуллар, облигациялар ва қимматбаҳо қоғозлар) таклиф этилади. Бу кредит, ссуда қарзларга бўлган талаб асосида амалга ошади. Кредитлар, қарзлар маълум муҳлат ва маълум баҳода амалга ошади. Кредит операцияларини банклар ва бошқа кредит бозорининг муассасалари амалга ошириб, пуллар ортиқча бўлган иқтисод қисмидан уларга муҳтож бўлган жойга ўтказилади. Корхоналарнинг ўзлари вақтинча ортиқча бўлган ресурсларни бир-бирига бериши мумкин, лекин кредитдан муҳтожлик туғилган вақтдагина фойдаланилади.

Товарлар ёки меҳнат бозорларига нисбатан кредит бозорининг таъсир механизми анча мураккабдир. Инсон учун келажак бойлигига нисбатан бугунгисини ўйлаш хосдир. Шунга кўра у бугунги бойликка, бугунги истеъмолга кўпроқ эътибор беради. Эрталикни ўйлаб иш кўраётганлар эса бугун ўшанинг эвазига процент ҳисобида даромад олишлари керак. Қарздор эса бугун самарали фойдаланганлиги учун фоиз тўлайди.

Кредит бозорида давлатнинг роли катта бўлади. У кредит институтларидан кредит пулини олиб, бу пулларни қарзга бериш йўли билан давлат кредит ҳажми, уни фоиз каби кредит бозоридаги даражаларига таъсир кўрсатади. У кредитга бўлган талабни ё кўтариши, ё пасайтириши шу йўл билан аҳолининг талабини ўзгартириши, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши кабиларга таъсир кўрсатиши мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кредит бозори қонуниятларидан фаол фойдаланиш имконияти туғилади. Давлат кредит бозори фаолиятини иқтисодиёт тузилмасини ўзгартириш, истеъмол бозорини таъминлашга қаратишга ҳаракат қилади. Давлат бюджет камомадидан қутилиш соҳасидаги пул сиёсатини олиб боради. Бу тушунарли, лекин фоиз даражасининг ортиқча юқори бўлиши умуман бозор шаклланишини издан чиқариши мумкин. Шунга кўра пул сиёсати жуда эҳтиёткорликни, барча омилларни эътиборга олишни талаб этади.

Маълумки, кредит бозори пул бозори ва қимматбаҳо қоғозлар бозори билан боғлиқдир. Агар кредит бозори Ўзбекистонда ўтиш даврида ривожлана бошлаган бўлса,

пул бозори ва қимматбаҳо қоғозлар бозори энди-энди шаклланиб бормоқда, кўриб ўтганимиздек, бозор иқтисодиётида ўзларининг муҳим ўринларини тезроқ эгаллашлари керак.

Бу хилдаги кейинги шакл **инвестиция бозоридир**. Буни капиталлар бозори ҳам дейилади. Чунки бу бозор капитал харажатлар, капитал маблағлар билан боғлиқдир.

Инвестиция, яъни капитал харажатларни амалга оширишда кўпроқ қайси соҳага, яъни ишлаб чиқариш ресурсларига ёки номоддий ишлаб чиқаришга, истеъмол буюмлари тармоқларига эътибор бериш кераклигини иқтисодиётнинг умумий ўсиши ҳал қилиши керак. Инвестиция олдида ҳам доимо шундай муаммо туради: агар ижтимоий ресурслар қелажақ мақсадида сарфланилса, яъни капиталга айлантирилса, аввало қелажақ истеъмолини кўпайтириш мақсад қилиб қўйилган бўлади. Башарти асосан ҳозирги бевосита истеъмолга қаратилса, бугунги кунни ўйлаб сарф этилган бўлади.

Инвестицион ўзгариш рақобат, илмий-техник тараққиёт давлатнинг молия-кредит сиёсатига, жаҳондаги товарлар бозори ва капитал харажатлар ҳолатларига боғлиқдир. Шу билан бирга бу жараён капиталга бўлган талаб ва таклифга ҳам боғлиқдир. Шунинг учун давлат инвестиция бозоридан ўзини четда тутмаслиги керак.

Инвестиция бозори бошқа бозорлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларга таъсир кўрсатади. Биринчи навбатда, бу истеъмол бозорига қарашлидир. Бу бозор шу соҳага сарфланадиган капитал таъсири остида бўлади ва бунга капитал қўйиш анча нафли. Чунки у тез фойда келтиради. Бу жиҳатдан офир саноат фарқланади. Шунга кўра истеъмол буюмлари, хизмат кўрсатиш тармоқлари капитални ўзларига кўпроқ тортади ва буларда капиталга бўлган талаб кучлироқ туюлади.

Бундан ташқари инвестиция бозори меҳнат бозорига таъсир этиб, ундаги талабни кўтаради. Инвестиция истеъмол бозори филдирагининг тезроқ айланиши учун восита бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, иқтисодий тараққиёт, халқ хўжалигининг соҳа ва барча тармоқлари тўхтовсиз инвестицияга муҳтож. Бу зарур жойда кенгайиш ва янги қурилиш, мавжуд тар-

моқларни такомиллаштириш, уни янгилаш, ўзгартиришни талаб этади.

Умуман, капитал харажатлар муаммосини тезроқ ҳал қилишни истасак, инвестиция самарадорлигини ошириш, қурилиш ишларининг муҳлатини қисқартириш, уни биринчи навбатда, зарур жойларда амалга ошириш каби муаммоларни бозордек ҳал қиладиган усул йўқ. Бунинг аҳамияти, айниқса бозор муносабатларига ўтиш, бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида кучаймоқда. Чунки халқ хўжалиги тузилишини бозорга мослаб ўзгартириш ва буни республика манфаатига тўла қаратиш даврида инвестициянинг аҳамияти кўтарилмоқда.

Олдимизда турган вазифалар чет эл инвестициясидан фойдаланишни имкони борича кенгайтиришни талаб этади. Бунинг имкониятларини кенгайтириш биринчи навбатда, инвестиция бозорининг шаклланиши ва ривожланишига боғлиқдир. Агарда инвестициянинг ички бозори шаклланмас экан, фақат жаҳон инвестиция бозорига ишонган ҳолда, четдан катта ҳажмда уни кутиш қийин. Инвестиция бозори ҳажми ва миқёси аввало мулк шаклларига боғлиқ бўлиб, у давлат мулки ҳукмронлигининг олдини олиш, давлат тасарруфидан чиқаришни тезлаштириш билан биргаликда шаклланиши керак.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, инвестиция ҳажми кенгаймоқда, у жуда тез такомиллашмоқда. Умуман, тараққиётни тезлаштириш, айниқса иқтисодиётни кенгайтириш, уни ҳаётий талаб асосида ўзгаришини тезлаштириш бевоситаликни талаб этади. Бунда, албатта бозор усули қўл келадиги, қанчалик инвестиция бозори ривож топган бўлса, бу иш осон кўчади, иқтисодий ўзгаришдаги муаммолар осонроқ ҳал қилиниб борилади.

Бу хил бозордаги энг кейинги биз кўрадиган шакл **фондлар бозоридир**. Фондлар бозори молия бозорига кирувчи ҳамма шаклдаги бозорлар билан биргаликдаги ҳаракатда бўлиб, умуман пул бозорлари кўринишларининг барчасининг ривожланиши билан боғлиқдир. Бунда фонд биржалари аҳамиятли бўлиб, банклар, холдинглар каби акция ва бошқа хил қимматбаҳо қоғозлар чиқариши мумкин. У брокерлик жойларини сотиш, келишмалар ишти-

рокчиларининг бадаллик тўловлари, тижорий хизмат тўловлари ҳисобига даромад олади.

Фонд биржаси ўз фаолияти билан капитал концентрациялашуви, капиталнинг соҳа ва тармоқлар бўйича тақсимланиши, инвестиция ва инфляция жараёнларини тартибга солишга қўмаклашади. Фонд биржаларининг асосий ҳаракати брокерлар воситачилигида қимматга эга бўлган фондлар билан келишмалар тузиш ва уларни тўла расмийлаштириш, ҳисобга олиш билан боғлангандир. Бунда келишма муҳлати ва унинг назорати катта роль ўйнайди. Чунки келишманинг ижроси ўз вақтида амалга ошмоғи ва тўловлари мажбурий тус олмоғи зарур.

Кўриниб турибдики, бозор иқтисодиётининг ривожланиши, унинг тезлиги ва бозор механизмларининг самарадорлиги кўп жиҳатдан молия бозори шакллари ҳолатига боғлиқдир. Барча бозор шаклларига нисбатан молия бозорининг шакллари тезроқ ривожланмоқда ва ўз аҳамиятларини оширмоқда.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТОВАРЛАР БОЗОРИ

Истеъмол объектига қараб бўлинишдаги кейинги бозор хили интеллектуал товарлар бозорлари ва уларнинг шакллари дир. Бунга кирувчи бозор шаклларидаги умумийлик шуки, уларнинг объектлари ақлий меҳнат маҳсулидан иборат бўлган товарлар ва товарлашган хизматлардир. Бу хил бозор шакллари бўлган илмий-техник ишланмалар, ахборот, санъат ва адабиёт асарлари бозорларидан иборат. Бу бозорлардаги товарлар, хизматлар ўзига хос ва махсус товарлар бўлиб, бошқа товарлар дунёсидан фарқланади. Бундай бозорларда товарлар (хизматлар) эгалари ёки уларнинг номидан вакиллар бозорда таклифни уюштиради, турли ташкилот, муассаса, корхона ва айрим ҳолдаги фуқаролар талабни шакллантирадилар.

Интеллектуал бозорларда илмий ва техник ишланмалар, илмий ғоялар, илмий изланиш натижалари билан бир қаторда ахборотлар ва янгиликлар ҳамда ақлий ва юқори касб маҳсули бўлган санъат асарлари, шунингдек, адабий асарлар олдидан юз бериб, шу хилдаги товарлар (хизматлар) айрибошлаши амалга ошади.

Умуман айтганда, цивилизация тараққиёти, инсон маданий даражаси аввало шу бозорда ўз ифодасини топади. Интеллектуал бозорлар ичида энг салмоқлиси **илмий-техник ишланмалар бозоридир.**

Ривож топган бозор иқтисодиёти мамлакатларида бундай фаолият ва маҳсулотлар бозор таъсирида, талаб ҳамда таклиф кучи асосида истеъмолга тушади. Уларнинг тараққиёти фақат талаб ва таклиф таъсиридадир.

Ҳақиқатан ҳам илмий фаолият, уларнинг сарф-харажатлари бозор талаби асосида амалга ошса, уларнинг ҳаётийлиги, амалийлиги юқори даражада бўлиши мумкин. Жамият тараққиётида қайси хил илмий ечимларга муҳтожлик бўлса, ўшанга талаб пайдо бўлиб, шу илмий муаммо ёки техника ечими тезроқ ишланиши, ҳал қилиниши керакки, у ҳақиқатан ҳам бевосита ҳаёт талабидир. Бундай шароитда илмий хизматнинг жамият талабидан келиб чиқиши, илмий ечимларни ҳаёт билан бевосита боғлиқлиги устун бўлиб, илмий фаолият самараси доимо юқори бўлади.

Маълумки, илмий фаолият тараққиёт даражасига қараб жамиятдаги ўз аҳамиятини ошириб бормоқда. Тараққиётни илмий ва техника ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жамият тараққиёти илмий фаолиятнинг кучайишини талаб этади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ривожини, моддий, табиий бойликлардан фойдаланиш самарасини ошириб бориш янги-янги илмий маҳсулотларсиз мумкин эмас. Бу, айниқса ресурслар камчилиги шароитида жуда аҳамиятлидир. Буни кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг илмий сифимли даражасининг ўсиб боришида кўриш мумкинки, кам моддий, кам энергияли, кам меҳнатли маҳсулотлар ҳиссасининг ошиб бориши биринчи навбатда, илмий ечимлар, техник ишланмаларнинг натижасидир. Бундаги муваффақиятлар техник ишланмалар ва илмий ғоялар бозори ташкил топган ва ривож этган мамлакатларда каттадир. Шунинг учун ҳам жаҳонда бундай товарларга талаб юқори ва жаҳон бозорида бу шакли бозорнинг салмоғи ҳам юқори. Бундай бозорнинг ривожини илмий ечимлар, илмий фаолият самарадорлигини ошириш билан бирга илмий ходимларнинг турмуш даражасини кўтаришда аҳамиятлидир. Чунки таклиф ва талаб бундай маҳсулотларни баҳо орқали истеъмол қилинишига олиб келиши даромад олишда сунъ-

ийликка йўл қўймайди ва меҳнат баҳоси даражасига қараб амалга ошади.

Илмий-техник ишланмалар савдоси амалда патент, лойиҳалар, лицензия ва ноу-хаулар сотишдан иборатдир.

Бу бозор асосан ишлаб чиқариш янгиликлари учун хизмат қилади. Илмий-техник ишланмаларнинг жаҳон бозорида аҳамияти жуда катта, чунки халқаро миқёсдаги ишлаб чиқариш новациялари билан боғлиқдир.

Санъат ва адабиёт асарлари бозори китоб бозори, амалий санъат ва бадиий маҳсулотлар бозори, кино ва шоу-бизнес бозорлари кабиларни ўз ичига олади. Буларнинг истеъмолдаги ўрни борган сари ортиб бормоқда. Шунга кўра бундай бозорлар кенгайиши ва иштирокчиларининг кўпайиб боришига олиб келмоқда. Кино ленталари, ашула кассеталари бозори, айниқса, ёшлар ўртасида таъсирлидир ва ҳажмлидир.

Ахборот бозори телевидение, радио ва матбуотнинг кенгайиб боришига боғлиқ бўлиб, янгиликларнинг ҳам олди-сотдиси авж олиб, бу бозор ҳам кенгайиб бормоқда. Бу бозорнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги аҳамияти кенгайиб, бу бозор ҳам тез ўзгарадиган бозорлардандир. Унинг объектлари давлат ва хусусий корхона, муассасалардан иборатдир.

Умуман, ишлаб чиқаришда илм салмоғининг ўсиб бориши, ҳаётимизга санъат, адабиёт ва ахборотнинг кўпроқ кириб бориши уларга талабни ошириб бормоқда. Илмий-техниканинг ривожини, янги-янги хил технология бу бозорлардаги таклифни кенгайтirmoқда.

ХУДУДИЙ БОЗОРЛАР

Учинчи тур бозор шакллари ҳудудий белги бўйича бўлиб, булар шаҳар ва қишлоқ жойлар, маҳаллий ва миллий ҳамда жаҳон бозорларидир. Жаҳон бозори ҳақида алоҳида мавзуда гап юритамиз. Бу тур номидан билиниб турибдики, бозор шаклларининг асосий белгиловчи омили ҳудудийликдир. Маълумки, аҳоли аввало қишлоқ ва шаҳарларда жойлашиши билан фарқланади, чунончи, ишлаб чиқариш, турмуш тарзи, ижтимоий ҳолат кабиларда фарқланиб, бозорнинг шаклланишига ҳам таъсир кўрса-тади.

Қишлоқ ва шаҳар бозорлари истеъмолга кўра бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Аввало бу товарлар хили, савдони уюштириш, савдо турлари ва корхоналари кабиларда ўз аксини топади. Бу асосан қишлоқ аҳолиси кўп бўлган ҳамда шаҳар, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси, турмуш тарзи даражаси, истеъмол ҳолатида тафовутлар мавжуд мамлакатларга хосдир. Қишлоқ савдосидаги товар хиллари албатта шаҳарларникидан фарқланади. Қишлоқ жойларда сотувда кўпроқ деҳқончилик маҳсулотлари бўлса, шаҳарда саноат молларидир. Қишлоқ жойлардан маҳсулотлар шаҳар халқи учун ва саноат учун сотиб олинади. Аксинча, саноат маҳсулотлари шаҳарлардан олиб келиниб, шахсий истеъмол учун қишлоқ бозорларида сотилади. Савдо турлари шаҳарда жуда бой. Озиқ-овқат маҳсулотларининг савдодаги ҳиссасида шаҳар билан қишлоқ бозорида фарқ катта. Умумий овқатланиш корхоналарини олсак, улар асосан шаҳарда яхши тараққий этган.

Ўзбекистонда қишлоқ бозори жуда кенг бўлиб, бу бозор асосан матлубот кооперациясини ташкил этади. У жуда кенг савдо корхоналари, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш корхоналарига эга. Йиллик савдо обороти мамлакатдаги чакана савдонинг ярмидан кўпини ташкил этади. Қишлоқ бозорини майда дўконлар ташкил этади ёки маҳсулотлар қўлда сотилади, деб тушуниб бўлмайди, бу ерларда йирик савдо корхоналари, ресторанлар ҳам ташкил этилган. Саноатнинг кенгайиб бориши, йирик қишлоқларда саноат тармоқларининг кўпайиши қишлоқ бозорлари ўз объектларини кенгайтириб боришини тақозо этмокда.

Хизмат кўрсатиш бозорларини олсак, у шаҳарларда яхши ривожланган. Қишлоқларда бунга талаб кам бўлгани учун ундай эмас. Аҳолининг жойлашиши, зичлиги турлича бўлгани учун бозорни уюштириш ҳам турличадир. Аввало бу савдода, корхоналар хили, ҳажмида ўз аксини топади ва ҳоказо.

Маҳаллий бозор тушунчасига келсак, бу бевосита аҳоли яшайдиган ёки ишлайдиган жой билан боғлиқлигини билдирувчи ўзгачалиқдир. Ҳар бир турар жой — туман, вилоят кабиларнинг ўз бозори мавжуд бўлиши мумкинки, аввало бу шу ер аҳолисининг манфаатидан келиб чиқади.

Бундаги энг муҳим белги бозор аҳолисининг бевосита истеъмолга қаратилишидир. Ҳар бир турар жой учун кундалик истеъмол моллари савдосининг бевоситалиги таъминланиб, ишлаб чиқариш ҳам шунга боғлиқ бўлиши керак.

Маҳаллий бозорда шу ерда етиштириладиган маҳсулотлар савдоси билан бирга кундалик истеъмол, инсон ҳаёти билан боғлиқ товарлар савдосининг уюштирилиши зарур. Жойлардаги аҳоли ишлаб чиқарган молларни сотиш ва истеъмол учун зарур моллар билан таъминлаш маҳаллий бозорни ташкил этишдаги асосий мақсаддир. Маҳаллийлик қайси ҳажмда бўлишига, бевосита иқтисодий алоқа ривожига қараб ҳар бир маҳаллий бозор ҳажми белгиланади.

Умумий инсоний истеъмол билан бирга ҳар жойнинг ўзгалиги ҳам мавжудки, унда ишлаб чиқариш ва аҳолининг таъминланиши маҳаллий бозорга боғлиқдир.

Миллий бозор миллат, давлатчилик билан боғлиқ бўлиб, ҳар бир мамлакат ўзининг бозорини уюштиради. Бу, аввало шу миллат истеъмоли ва ишлаб чиқариши билан белгиланади. Бозорнинг мамлакат истеъмолини қондира олиши ишлаб чиқариш тараққиёти даражасига боғлиқ, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги фарқ фақат ўзидаги маҳсулот ортиқчалиги ҳисобига қопланади, яъни айирбошлаш ҳисобигагина бўлиб, бу бозор ривожига боғлиқдир.

Миллий бозорнинг асосий вазифаси мамлакат истеъмолини тўла қоплаш, шу билан бирга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб, даромадни таъминлаш, чунки бусиз истеъмол учун реал талаб шаклланмайди. Агарда маҳаллий бозор иқтисодий алоқаларда асосан горизонтал тарзда амалга ошса, миллий бозор кўпроқ вертикал ҳаракатни ўзида ифодалайди. Бунда товарларнинг вилоятлар ва туманлар ўртасидаги самарали ҳаракатлари таъминланади.

Ўзбекистон миллий бозори мустақиллик шарофати билан юзага келиб, жуда катта имкониятларга эгадир. У мамлакат иқтисодиёти, унинг бозор тизимига ўтиши билан боғланган тараққиёт имкониятларига асосланади. Бундан ташқари халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожла-

ниши, жаҳон бозорида қатнашув миллий бозорнинг тезлик билан кенгайишига, мамлакат халқи манфаатларини тўла таъминлашга олиб келади.

Жаҳон бозори миллий бозорни тўлдиради ва аҳоли истеъмолини тўла қондириш имконини кенгайтириб, мамлакатлараро меҳнат тақсимотини ривожлантиришга асосланади.

Мавзу бўйича асосий тушунчалар

1. Бозор турлари. Бу бозорнинг кўп хиллилигига оид тушунча бўлиб, бунда мазмуний бўлиниш асос бўлиб ҳисобланади. Бозор шаклларининг мазмунийлик умумийлиги асосида бозор турлари юзага келади. Уч хил бозор турлари мавжуд: 1) рақобат ва монополлик ҳолати бўйича бозор моделлари; 2) истеъмол объектлари бўйича бозор тури; 3) ҳудудий бўлиниш бўйича бозор тури.

2. Бозор моделлари тўрт хил бўлади: 1) соф рақобатли; 2) монополлашган; 3) олигополия; 4) соф монополия.

Соф рақобатли ва соф монополия бозорлари бир-бирларига қарама-қарши бўлса, монополлашган ва олигополия улар ўртасидаги бозорлардир.

3. Истеъмол объектлари бўйича тўрт хил бозор хиллари мавжуд: 1) ресурслар бозори; 2) товарлар бозори; 3) молия бозори ва 4) интеллектуал товарлар бозори. Ҳар бир хил бозор бир неча шакллارни ўз ичига олади. Масалан, ресурслар бозори моддий ресурслар ва меҳнат бозорларидан иборат бўлади.

4. Ҳудудий бозорлар беш хил бўлади: шаҳар ва қишлоқ бозорлари, маҳаллий, миллий ва жаҳон бозорларидир.

5. Бозор шаклларининг турлилиги ва уларнинг ривожланиш даражалари умуман бозор иқтисодиётининг тараққиёти даражасини билдиради.

МАВЗУ БҮЙИЧА ТОПШИРИҚ ВА САВОЛЛАР

1. Бозор турлари деганда нимани тушунасиш? Бозор турлари нималарга боғлиқ?

2. Бозор турлари ва шакллари асосини тушунтириб беринг, яъни қандай асосларга қараб бўлинишини мисоллар билан айтиб беринг.

3. Бозор моделлари қандай асосда тузилиши, уларнинг мазмуни ва шакллари мисоллар билан тушунтиринг.

4. Истеъмол объекти бўйича бозорларнинг бўлинишини қандай тушуниш керак?

5. Молия бозорининг қандай шакллари мавжуд, уларнинг аҳамияти қандай?

6. Интеллектуал бозор хилининг хусусиятлари нимада ва уларнинг қандай шакллари биласиз?

7. Ресурслар бозорининг аҳамияти ва кўринишларини, мамлакатимизда бу хилга кирувчи бозор шакллари пайдо бўлиш жараёнларини тушунтириб беринг.

8. Ҳудудий бозор бўлиниши, шакллари кўрсатиб, уларнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни, роли кабиларни тушунтиринг.

XV. ЖАҲОН БОЗОРИ ВА ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ

ЖАҲОН БОЗОРИ МОҲИЯТИ

Жаҳон бозори халқлар, давлатлар ўртасида юз берадиган иқтисодий воқелик бўлиб, мавжуд бозор шакллари ичида кенг ҳажмли ва юқори даражалисидир. Бу маълум тарихга эга. У доимо халқлар ўртасидаги барча алоқалар турининг муҳими ва етакчи соҳаси бўлиб ҳисобланган.

Жаҳон бозори шаклланиши ташқи савдонинг тараққий этиши натижасидир. Шунинг учун ҳам ташқи, халқаро савдо жуда қадим даврлардан мавжуд бўлишига қарамасдан жаҳон бозори кейинги иқтисодий тараққиёт даври, айниқса капитализм хўжалик тизими даврининг маҳсулидир. Чунки жаҳон бозорининг шаклланиши учун ўзига хос иқтисодий шароит мавжуд бўлиши шарт. Бу эса иқтисодий тараққиётнинг маълум даражасидагина яратилади.

Жаҳон бозорининг ҳозирги даврдаги амалга оширувчилари ва унда асосий роль ўйновчилар мамлакатлар ва уларнинг давлатларидир. Чунки туб мазмуни билан жаҳон бозори мамлакатлар ўртасидаги бозорлардир. Шунинг учун ҳам бунинг ташкилотчилари ва иштирокчилари аввало давлатлардир. Лекин жаҳон бозори иштирокчиларини бу билан чегаралаб бўлмайди. Чунки бунда бевосита давлатларнинг ўзи билан бирга улар номидан вакиллари қатнашадилар.

Ҳозирги давр жаҳон бозорини оладиган бўлсак, бевосита давлатлар ўзлари бу бозорда фаол қатнашадилар ва шунингдек, унинг иштирокчиларига давлатлар йўл очиб беради ва зарур шароит яратиб берадилар.

Бу бозорнинг ўзига хос ҳуқуқий томонлари мавжуд бўлиб, барча мамлакатлар учун мажбур бўлган умумий талаблар бўйича ҳаракат қилади. Бунинг асосида тенглик, мустақиллик, эркин тижорий ҳаракатни таъминлаш ётади, чунки бу нарсалар жаҳон бозорининг ривожда иштирокчиларнинг фаоллигини оширишга ундайди ва кафолатлайди. *Жаҳон бозори иштирокчилари асосан бошқа мамлакат ҳудудида ҳаракатда бўлганликлари туфайли* улар албатта тенглик, мустақиллик таъминланган ҳолдагина самарали иш тутишлари мумкин. Жаҳон бозоридаги муҳит халқаро алоқалар ҳуқуқий асоси таркибига киради.

Жаҳон бозоридаги иштирокчилар фаолияти умумий, кўпинча икки мамлакат ўртасида бевосита келишув асосида амалга ошиши мумкин. Ташқи савдода мамлакатлар манфаати катта ўрин эгаллайди ва бу ҳар бир давлатнинг бошқаси билан олиб борадиган савдо ҳажми, кўлами, ривожда ўз ифодасини топади. Бу, айниқса иқтисодий қуршов ёки имтиёзли савдо каби сиёсатларда ўз аксини топади. Сиёсий, ҳар бир тазйиқнинг жаҳон бозори ҳолатига таъсири кучли бўлиши мумкин ва сиёсатлар туфайли бу бозор ё қисқаради, ё кенгаяди. Ташқи савдони чегаралаш, бунда тўсиқлар мавжудлиги, албатта жаҳон бозорига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон бозорида фаол иштирокчи сифатида ўрин олиши унинг бошқа мамлакатлар билан алоқаси, муносабати, таъсир-эътибори, обрўси кабиларга боғлиқ. Бу бозорда ҳар бир мамлакат ўзига хос ўринни эгаллашга ва ўз таъсир-эътиборини кучайтиришга ҳаракат қилади. Бу эса жуда кўп омилларга боғлиқ бўлиб, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий мавқеларини ўз ичига олади. Уларнинг ичида энг аҳамиятлиси иқтисодий тараққиёт даражаси, ишлаб чиқариш ривожини, яъни халқаро рақобат курашидаги бардошлилиги даражасидир. Бошқа мамлакатлар учун харидоргир товарлар кўплаб ишлаб чиқарилса, халқаро бозорга йўл очилади, ўз рақибларига нисбатан устун ҳолатда бўлади.

Ўз ишлаб чиқаришини чет мамлакатлар иқтисодий таъсиридан ҳимоя қилиш учун мамлакатлар, айниқса ривожланаётган мамлакатлар тўғридан-тўғри чет моллари савдосини таъқиқлаш ёки чегаралаш сиёсатини қўллайдилар. Бундан ташқари бир қанча иқтисодий механизмларни ишлатадилар. Булар ичида энг таъсирчан, мослашувчи механизм **бож тизимидир**, бундан оқилона фойдаланилса, ташқи савдони тартибга солишда ва ўз тадбиркорларини ҳимоя қилишда яхши қурол бўлиб жуда қўл келади. Божни қўллаш туфайли чет товарлари учун яхши шароит яратиш ҳам мумкин, ёки уни чегаралаш, ҳатто таъқиқлаш ҳам мумкин.

Жаҳон бозорининг ривожи учун инфраструктура катта аҳамият касб этади. Буларнинг ичида энг муҳимлари банклар, транспорт, алоқа, ахборот кабилардир. Агарда улар яхши тараққий этган бўлса, бозор авж олиб кенгайверади, чет товарлар оқими кўпаяверади. Уларнинг иш фаолияти унумли бўлиши учун аввало зарур инфраструктура тармоқларини яратиш талаб қилинади. Бусиз жаҳон бозорида фаол қатнашиш имкони бўлмайди.

Бундай инфраструктура ташқи савдо моддий базасидир. Булар қаторига махсус асбоб-ускуналанган омборлар кирадики, улар товарларни сақлаш, қадоқлаш, майдалаш, юклаш, тушириш, маркалаш каби вазифаларни бажаради. Юклар — товарларни ташиш махсус транспорт ташкилотлари зиммасида бўлиб, унга турли транспорт хиллари жалб этилади: ҳаво, сув, темирйўл ва автомобиль транспортлари, экспорт товарлар барча мамлакатлар транспортларида ташилади.

Пул тўлов ҳисоб-китоблари банк муассасалари томонидан бажарилиб, улар махсус банклар бўлиши мажбур эмас. Молиявий операциялардан энг муҳими товарлар суғуртасидир. Бу билан махсус суғурта бизнеси муассасалари шуғулланади. Агарда мамлакат ташқи савдо инфраструктурасига эга бўлмаса, қўшимча қийинчиликларга дуч келади. Чунки чет ташқи савдо инфраструктурасидан фойдаланиш катта қўшимча харажатларни талаб қилади, яъни бошқа мамлакатлар транспорти, суғурта, бизнес, банк муассасалари, савдо компаниялари кабиларнинг хизматлари учун кўп миқдорда ҳақ тўлаш керак бўлади.

Айтайлик, товарлар ҳаракати секин ва паст даражада бўлса, у истеъмолга, демак сотувга ўз вақтида олиб келинмайди. Ахборот ва алоқа тармоқлари қолоқ даражада бўлса, бозор ҳолати, унинг конъюнктураси ноаниқ бўлиб, тўғри қарор қабул қилинмай, нотўғри тижорий ҳаракат қилинадики, бу бозор талабига мос келмайди. Банклар тизими ривожланмаса, ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга ошмайди, натижада тижорат оқсайди ва ҳоказо, бу жаҳон бозорига салбий таъсир этади.

Мамлакатлар жаҳон бозорида ўз мавқеини мустақкамлаш, бошқа мамлакатларни ўз манфаатига бўйсундириш ва рақобат қобилиятини кучайтириш мақсадида бирлашиб иш тутадилар. Чунончи, Фарбий Оврўпо мамлакатлари ўз савдо бирлашмаларини тузганлар. Ҳаттоки чегараларни очиб ташлаш, бир хил пул бирлиги киритиш, бож олишни йўқ қилиб, ягона бозор ташкил этишни амалга оширмақдалар. Осиё, Америка, Шарқий Оврўпо бозорларида биргаликда ҳаракат қилиш каби муҳим иқтисодий вазифаларни бажармоқдалар.

Бундай бирлашмалардан яна бири Шимолий Америка бирлашмаси бўлиб, унга АҚШ, Канада ва Мексика мамлакатлари киради. Улар ҳам ташқи савдода бирлашиш мақсадида тузилган. Жанубий-Шарқий Осиё, Америка, Шарқий Оврўпо бозорларида биргаликда ҳаракат қилиш каби муҳим иқтисодий вазифаларни бажармоқдалар.

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари бирлашмаси АСЕАНни олсак, бунга Индонезия, Филиппин, Япония, Малайзия, Жанубий Корея, АҚШ ва бирқанча бошқа мамлакатлар кириб, улар ҳам асосан ташқи савдо соҳасида бирлашиб, иқтисодий тараққиётда бирга иш тутишни вазифа қилиб қўйганлар. Бундай бирлашмаларнинг сони кўп.

Энг ривож топган етти мамлакат ҳам жаҳон бозорида бир хил сиёсат билан иштирок этиш, ўз манфаатларини биргаликда ҳимоя этиш, бошқа мамлакатларни эса ўз ҳаракатлари изига тушириб, ўз иқтисодиёти тараққиёти учун энг қулай шароитлар яратишга ҳаракат қилади. Бундай уюшмалар, дунёнинг бошқа қисмларида ҳам мавжуд.

Жаҳон бозори моҳиятининг энг муҳим томонларидан бири товарлар учун **юқори стандарт** белгиланиши ва **янги технологиянинг** таъсири. Жаҳон бозорида фаол иштирокчи

сифатида ўрин олишнинг энг муҳим шароити ва талаби юқори сифатли товар ишлаб чиқариш, бошқа мамлакатлар халқлари талабини қондира оладиган товарлар билан чиқишдир.

Бундай талабни Япониянинг радио, магнитофон аппаратлари, АҚШ ва Германиянинг компьютерлари, Фарб мамлакатларининг машиналари, автомобиллари ва ҳоказоларида кўриш мумкин. Қисқача қилиб айтганда, булар “Фарб импорт” товарлари, жаҳонда уларга талабгор истеъмолчилар кўп.

Ишлаб чиқариш соҳасида товарда зарурий истеъмол сифатларини яратиш, инсон истеъмоли учун керакли хусусиятларни барпо этишдир. Кам харажат ва юқори истеъмол сифатларига эга бўлган товар рақобат курашида устун келиш имконини туғдиради. Товарнинг юқори истеъмол даражага эгаллиги ва даромад талабига мос баҳо даражаси харидорларни ўзига тортади.

Бу юқори даражада тараққий этган ишлаб чиқаришнинг ҳосиласидир. Зеро, жаҳон бозори аввало юқори ривож топган товар ишлаб чиқаришнинг мавжудлигини талаб этади.

Жаҳон бозорининг иккинчи муҳим афзаллиги янги технология билан боғлиқдир. Юқорида кўрсатганимиздек, халқаро савдонинг замонавий технология, янги ишлаб чиқариш тажрибаларига мойиллиги мавжуд. Товарларнинг юқори даражали ишлаб чиқариш шароитида яратилиши уларнинг рақобатга бардош бериш, харидоргирлик хусусиятини оширади. Шунинг учун бундай ишлаб чиқариш эгалари — тадбиркорлар тўхтовсиз технологияни янгилаш, янги техника асосида ускуна, машиналар ва унга меҳнатни мос ташкил этиш ва бошқаришнинг янги-янги усуллари кабиларга жуда катта эътибор берадилар, бундай жараёнларни доимо кузатиб, ўзларида қўллаб борадилар. Шунинг учун ҳам бундай мамлакатлар ва уларнинг соҳибкорлари устунликни қўлдан бермай жаҳон бозоридида иштирокчи сифатида ҳаракат қиладилар.

Маълумки, импорт товар билан бирга янги технология ҳам кириб келиши керак. Чунки ташқи савдода янги техника, технология, асбоб-ускуна, ишланмалар ҳам иштирок этади. Бундан ташқари янгилик ҳеч қачон узоқ сир, фақат

тор ҳолдаги маълум кишиларнинг мулки бўлиб қолмайди, балки у тезроқ тарқалиш хусусиятига эга, бунинг энг қулай ва таъсирли йўли жаҳон бозорида иштирок этишни кенгайтиришдир.

Демак, жаҳон бозоридан самарали фойдаланиш хари-доргир юқори истемол сифатли товарларни сотиб олиш билан чекланмасдан, балки янги технология, техниканинг мамлакатга кириб келиши имконини туғдиради, натижада илғор ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни юқори даражада ушлаб туришда катта кўмакдош хизматини бажаради. Айтиш мумкинки, жаҳон бозорида иштирок этиш даражаси умумиқтисодий тараққиёт, аввало ишлаб чиқариш даражасини белгилаб беради. Агар кучли иқтисодиёт ва илғор ишлаб чиқаришгина мамлакатнинг жаҳон бозоридаги ўрнини белгилаб берса, жаҳон бозори ҳам ўз навбатида, бу мамлакат тараққиётига шунчалик ижобий таъсир кўрсатади. Аҳоли турмуш даражасини кўтариш мақсадида илғор ривож топган иқтисодиётни яратишда жаҳон бозорининг аҳамиятини туғри тушуниш ва бу йўлда бор имкониятлардан фойдаланиш, айниқса бизнинг мамлакатимиз учун муҳим вазифалардан биридир.

ЖАҲОН БОЗОРИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жаҳон бозорида иштирок этишнинг имконини кенгайтирадиган ёки чегаралайдиган бир неча жиҳатлар мавжуд. Булардан энг таъсирлиси **бождир** (таможня тарифи). Бу сотиладиган товар ва хизматлар учун тўланадиган солиқдир. Товарларни импорт қилувчи мамлакат учун бож даромад манбаи бўлиб ҳисобланади. Лекин у бошқача вазифани ҳам бажариши, яъни мамлакатга имкони борича товар олиб келмаслик чораси сифатида қўлланилиб, экспортчи мамлакат учун катта тўсиқ бўлиши мумкин. Шунга кўра бож **фискал ёки протекционик** тариф мазмунида бўлади.

Булардан ташқари, ташқи савдодаги тўсиқлардан бири **квота**дир. Квота орқали товар экспорти миқдори белгиланади ва шунгагина рухсат этилади. Бунда фақат товарлар миқдоригина эмас, уларнинг хиллари ҳам белгиланиб, маълум товарлар учунгина экспорт ҳуқуқи берилади. Бундан кузатилган мақсад чет мамлакатлари валюталарини сақ-

лаш, маҳаллий ва миллий саноатни ҳимоялаш, мамлакат ичидаги бандликни муҳофаза этишдир. Квотанинг энг сўнгги шакли **эмбарго** бўлиб, айрим хил импорт тўлиғича таъқиқ этилади.

Ташқи савдонинг ривожига бўлган тўсиқлардан яна бири **нотариф тўсиқлардир**. Масалан, Голландия ҳукумати соати-га 10 милдан ортиқ тезликда юрадиган тракторлар импор-тини таъқиқлайди. Демак, баъзи трактор хилларини бу мам-лакатга экспорт қилиш мумкин эмас. Товарлар хусусиятла-рига қараб экспорт чегараланади. Бу кўпроқ озиқ-овқат товарларига тааллуқлидир. Курол-аслаҳа, қимматбаҳо ме-таллар, наркотик моддалар импортининг таъқиқланиши умумий ҳодисадир.

Ҳар бир мамлакатнинг ташқи савдо ҳажми натурал ва қиймат ўлчовлари орқали белгиланади. Натурал ўлчовнинг мазмуни импорт ва экспортнинг жисмий ҳажмининг индекси билан ифодаланади. Қиймат бўйича ўлчов аса, бун-дан ташқари баҳо ўзгаришларини ҳам ўзида акс эттиради. Агар баҳо пасайса, ташқи савдо оборотининг ўсишига қара-май, унинг қиймат бўйича пасайиши юз бериши мумкин. Айтайлик, капиталистик мамлакатлар жаҳон савдо обороти 1970 йилдаги 645 миллиард доллардан 1980 йили 3978, 1988 йили 6145 миллиард долларга етган. Кўриниб турибдики, халқаро савдо жуда тезлик билан ўсмоқда.

Жаҳон бозори экспортёрлар ўртасидаги кескин рақо-бат кураши орқали ривожланади. Ҳар бир мамлакат иқти-содиётида ташқи савдо ролининг ўсиши, жаҳон савдо-сининг жаҳон ишлаб чиқариши ўсишига нисбатан тез-роқ бўлиши савдо алоқаларининг мустаҳкам бўлмаган шароитларида юз бериши рақобат курашининг кучайи-шига олиб келади. Масалан, жаҳон бозорида “тўқимачи-лик”, “автомобиль” ёки “компьютер жанглари” бўлиб туриши бунинг далилидир. Бу мамлакатларнинг жаҳон бозоридаги ҳолатларининг ўзгариб туришига олиб кела-ди. Агар 1988 йили АҚШ да ҳар бир аҳоли ҳисобига 3200 доллар ташқи савдо обороти тўғри келган бўлса, Япони-яда бу 3.700 долларга тенг бўлган. Собиқ СССРда эса бу 800 долларни ташкил этган эди.

Жаҳон савдосининг хусусиятларидан яна бири хом ашё товарлари ҳиссасининг камайиб боришидир. Чунки тайёр товарлар ҳажми жуда тезлик билан ортиб бормоқда. Айниқ-са ишлов берувчи саноат тармоқларининг маҳсулотлари,

буларнинг ичида юқори технологик товарлар, замонавий технологияни ва техник билимларни махсус товарларга айлантириб экспорт қилиш борган сари кенгаймоқда. Айтиб ўтганимиздек, интеллектуал жаҳон бозори жуда тезлик билан ўсмоқда.

Халқаро савдода машиналар, жиҳозларнинг салмоғи ортиб бормоқда. Чунки ривожланаётган мамлакатларда бундай товарларга талаб юқори. Бундай товарлар гуруҳида электротехника саноати, айниқса электрон жиҳозлар, ЭВМ ва компьютерларга талаб жуда катта бўлганлиги учун ташқи савдо оборотида улар салмоқли ўрин олмақда.

Илмий сифимли товарлар экспорти бўйича Фарб мамлакатлари ажралиб турса, импорти бўйича ривожланаётган мамлакатлар кўзга ташланади. Кейинги йилларда ўзгаришлар юз бериб, бундай товарлар экспортёрлари қаторига янги индустриал мамлакатлардан Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур, Гонконг кабилар қўшилмоқда. Лекин хом ашё мамлакатлари ҳам сақланиб, бунга нефть сотувчи ОПЕК (нефть экспорти мамлакатлари бирлашмаси) ка кирувчи 13 мамлакатни киритиш мумкин. Мис экспорти бўйича Гвинея, Ямайка, Бразилия, Суринам, қалай рудаси бўйича Малайзия, Индонезия, Боливия, Таиланд каби мамлакатларни эста олиш мумкин.

Индустриал ривожланган мамлакатлар ўртасидаги савдо ҳам тезлик билан кенгаймоқда. Жаҳон савдосининг ҳозирги 70 фоизи шу мамлакатлар ўртасидаги оборотни ўз ичига олади. Диверсификация йўли билан ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон бозорига чиқиши иқтисодиётнинг бир қанча тармоқларини ривожланиши, ташқи савдо товарлари ассортиментини кенгайтиришга олиб келиб ўз иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатмоқда, саноатнинг ривожланиб, тайёр маҳсулотлар етиштиришини кўпайтирмоқда.

Жаҳон бозори ривожи кўп жиҳатдан шу бозор баҳосига боғлиқдир. Товарнинг **жаҳон баҳоси** унинг жаҳон бозори баҳо мувозанатига боғлиқдир. Албатта бунинг даражасида жаҳон бозорига кўп товар олиб чиққан мамлакатнинг қиймат даражасининг таъсири катта бўлиши мумкин. Ташқи савдо эркинлиги шароитида рақобатнинг таъсири мавжуддир. Амалда жаҳон бозори учун кўп баҳолик хос. Бир хил товарнинг баҳоси сотиб олиниши, қаерда сотилиши, қайси валюта асосида тўловлар амалга оши-

рилиши каби бир қанча ҳолатларга қараб турлича бўлиши мумкин.

Ҳар бир мамлакатнинг миллий хўжалиги жаҳон бозорига турли даражада қарашли бўлганлиги учун давлат қонуний равишда ташқи савдо сиёсатининг маълум тартиб ва қоидаларини белгилайди. Тарихан улар икки хил қарама-қарши сиёсатда ўз ифодасини топади: протекционизм ва эркин савдо. **Протекционизм** импортга қарши сиёсат бўлиб, юқори бож ҳақи белгилаш, маълум товарлар импортини тақиқлаш ва унинг стандартларини киритиш қабиларда ўз аксини топади. Бу, албатта миллий ишлаб чиқаришни ташқи рақобатдан ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Эркин савдо сиёсатида ташқи савдо учун кенг йўл очилиб, бож олинмайди, фақат чегарада рўйхатга олинади. Лекин мамлакатлар ташқи савдода жуда муқобил сиёсат ўтказиб, ўз мамлакатларини таъминлаш учун ҳаракат қиладилар. Бунинг учун манфаатли шартномалар тузилиб, ҳар бир мамлакат бошқа шерик мамлакатларга зарур имкониятлар туғдирувчи шарт-шароитлар асосида ҳуқуқ беради. Бу ҳуқуқларда тенглик тамойили асос бўлади.

Иқтисодиёти кучли мамлакатлар жаҳон бозорида бошқаларга нисбатан ҳужумкорлик сиёсатини қўллаши мумкин. Бундан ташқари, жаҳон бозорида рақибларни кучсизлантирувчи товар демпинги сиёсати ҳам қўлланилади. Бундай вазиятда паст баҳода импорт қилиш қўл келади ва шу йўл билан бозорни эгаллашга ҳаракат қилинади.

Жаҳон бозорига чиқишнинг ўзига хос мавжуд усуллари бўлиб, улар асосан уч хил: экспорт, қўшма тадбиркорлик фаолияти ва тўғридан-тўғри инвестициялаш. Чет бозорга чиқишнинг энг оддий усули **экспортдир**. Бу ҳам ўз навбатида, иккига бўлинади: нодоимий ва фаол экспортдир. Нодоимий экспорт вақти-вақти билан чет улгуржи савдо фирмаларига товар чиқариб туришдан иборатдир. Фаол экспортни олсак, фирма ёки давлат узоқни кўзлаб маълум ташқи бозорни эгаллашга, унда ўзининг мустаҳкам ўрнини белгилашга ҳаракат қилади.

Қўшма тадбиркорлик фаолияти ташқи иқтисодий фаолиятнинг мураккаброғи бўлиб, четдаги шерик билан ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиш ва унинг маҳсулотини ўша ерда сотишга қаратилади. Бу усулнинг тўрт хил кўриниши мавжуд: лицензиялаш, пудрат ишлаб чиқариш, контракт

бўйича бошқариш, биргаликда эгалик қилинадиган корхона очиш.

Қўшма тадбиркорлик фаолияти намуналарини Ўзбекистон мисолида кўришимиз мумкин. 1995 йилнинг май ойида жаҳон савдоси шаклида Зарафшонда АҚШ ҳамкорлигидаги Зарафшон-Ньюмонт қўшма корхонасининг ишга тушиши, Асакада Корея Республикасининг ДЭУ компаниясининг фаолияти билан биргаликдаги автомобиль корхонаси, Германиянинг Мерседес Бенц компаниясининг Хоразмдаги қўшма автомобилсозлик корхоналари мамлакатимиз иқтисодиётида катта ўрин тутади.

Чет мамлакатлар бозорида фаолият кўрсатишнинг тўла шакли **тўғридан-тўғри инвестициялашдир**. Олдинги икки усулда иш тутиб маълум тажрибага эга бўлгандан, юқори фойдалилик аниқлангандан сўнг, бевосита ишлаб чиқаришни ташкил этиш йўли билан шу мамлакат бозорида маълум ўринни эгаллаш мақсадида инвестицияни қўллашга ўтилади. Бунинг қандай устунликлари мавжуд, деган савол туғилади. Биринчидан, арзон ишчи кучи мавжудлиги, иккинчидан, бу билан ўзи ва ўша мамлакат учун қулай ҳолат яратади, учинчидан, ўша мамлакат давлати, мижозлари, шериклари билан ўз товарларини жойлаштириш ва сотиш мақсадида яхши муносабатлар ўрнатади, тўртинчидан, экспортёр фирма ёки давлат ўз капитал харажатларини тўла назорат қилиш имконига эга бўлади ва истиқболли ҳаракат шароитини яратади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган бозор турлари ва шакллари деярли жаҳон бозорига ҳам оиддир. Товар (хизмат)лар ва интеллектуал бозорлар устида бу мавзуда ҳам тўхтаб ўтдик. Энди жаҳон капитал бозори ва меҳнат бозорларига эътибор берайлик. Чунки бундай жаҳон бозори шаклларининг аҳамияти ошиб, бу бозорлар тезлик билан ривожланмоқда.

Жаҳон капитал бозорининг ривожини бунга ривожланаётган мамлакатларда талабнинг ортиб боришидир, яъни четга капитал чиқаришнинг юқори фойда нормасига эга бўлишидир. Шунинг учун ҳам кредит фоизларининг юқорилашуви, дивидентнинг ўсиши, чет капиталнинг кафолатланиши ва унинг учун мамлакатларда қулай шароитлар яратилиши кабилар жаҳон капитали бозорида таклифни ҳам кўпайтирмоқда. Мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи ишлаб чиқариш ресурсларига ҳам боғлиқ бўлиб, иш кучи арзонлиги, хом ашё арзонлиги, сув, энергия кабиларнинг экс-

портер мамлакатга нисбатан фойдалилиги бу бозорни кенгайтириб, капитал оқимини тезлаштиради.

Капитал бозори ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви билан боғлиқ бўлиб, мамлакатлар корхоналарининг халқаро ишлаб чиқариш организмга қўшилишига олиб келади. Бу эса халқаро меҳнат тақсимоти нафлиликдидан фойдаланиш имконини беради ҳамда халқаро пул ва хўжалик алоқаларини кучайтиради.

Жаҳон капитал бозорида айрим шахслар, давлатлар, бирлашмалар иштирокчи бўла оладилар. Шунини таъкидлаш зарурки, четга капитал чиқариш асосан ривожланган мамлакатларга тўғри келади. Айтайлик, тўғридан-тўғри инвестициялашнинг 3/4 қисми ривож топган мамлакатларга тўғри келса, ривожланаётган мамлакатларга қолгани, яъни 1/4 қисмигина тўғри келади.

Ривож топган мамлакатлар капиталлар билан айирбош-лашса, айирбошлаш тенглик ва жаҳон баҳоси асосида юз беради. Масалан, АҚШ ва Япония, Ғарбий мамлакатлар ўртасида иқтисодий муносабатлар эркинлик, тенглик асосида амалга ошади. Чунки индустриал даража тенглигида қарамлик ҳолати юз бермайди. Ривожланаётган мамлакатларга бўлган капитал экспорти тўғрисида бундай дейиш қийин. Тахминларга кўра ривожланган мамлакатларга капитал экспорти ривожланаётган мамлакатларга қараганда икки баробар паст фойда нормасига эга бўлади.

Жаҳон кредит бозорини олсак, у ҳам ривожланиб, мамлакатлар ўртасидаги товар оборотининг ўсиши, ўзаро тўловларни амалга ошириш, чет пул маблағларини мамлакат иқтисодиёти тараққиёти мақсадида қўллаш имконларини беради. Бу бозор шакли бошқаларига нисбатан тезроқ ўсмоқда. Бу бозор сутка ичи тўла фаолиятда бўлади. Ҳозирги замон алоқа воситалари (космик алоқа, халқаро телетайп тармоқлари) тўхтовсиз мамлакатдан мамлакатга пул ўтказиш имконини беради. Бунда халқаро банкларнинг, айниқса, халқаро қайта қуриш ва ривожланиш банкларининг, халқаро валюта фонди кабиларнинг ҳиссаси катта. Халқаро кредит бозори мамлакатларда хўжалик тараққиётини тезлаштиради. Чунки чет сармоялар ҳисобига янги тармоқлар, корхоналар вужудга келади. Мазкур корхоналар товарлари жаҳон бозорида рақобатбоп бўлиб чи-

қади, ўз навбатида, жаҳон бозоридан келадиган даромад-ни ҳам кўпайтиради.

Жаҳон меҳнат бозорининг ривожини ҳам тезлашмоқда. Мамлакатлар ўртасида иш кучини кўчиши юз бериб, иш кучи товар баҳосини юқори бўлган мамлакат томон ҳаракатда бўлади. Маълумки, иш ҳақини ҳамма ерда бир хил эмас. Ривож топган мамлакатларда иш ҳақини юқори бўлади. Шунинг учун ҳам кам ривожланган мамлакатлардан юқори даромад олиш мақсадида бошқа мамлакатларга иш ахтариб кетадилар. Оғир, иш шароитини яхши бўлмаган иш жойларига ҳам четдан келганлар розини бўлиши мумкин. Бунинг сабабини равшан: иш ҳақини ўзини келган мамлакатга нисбатан юқори. Айтайлик, АҚШга Мексика, Пуэрто — Рико ва Лотин Америкасининг бошқа мамлакатларидан кўплаб ишчилар келадилар. Фарбий Оврўпо мамлакатларига эса Африка, Осиё ва Югославия, Туркиядан келади.

Четдан ёлланган ишчилар мамлакатнинг меҳнаткашларини иқтисодий аҳволига таъсир кўрсатиши мумкин, чунки улар рақиб ҳисобланади. Ишчиларнинг жаҳон меҳнат бозорини туйфайли бошқа мамлакатларга кетиши ўз мамлакатларида тажрибали ва малакали ишчиларнинг камайишини билан боғлиқдир. Шунинг учун ривожланаётган мамлакатларда бунинг олдини олиш учун ҳаракат қиладилар. Лекин ишчинини кучини экспортининг ижобий томонлари, яъни четга кетган ишчилар ҳисобига давлат қисман даромад олади, бундан ташқари ишчиларнинг малакасини ошади, оилаларига даромад келтиради.

Жаҳон иқтисодий алоқаларининг мустаҳкамлана боришини ривожланган мамлакатлардан ривожланаётган мамлакатларга ишловчиларнинг ёлланишини кўпайтирмоқда. Айниқса Яқин Шарқ нефть қазиб чиқарувчининг мамлакатларига кўплаб ишчилар келган бўлиб, улар ҳатто аҳолининг кўпчилигини ташкил этади. Бу мамлакатларда нефть қазиб чиқаришнинг шунчалик тезлик билан ўсишини жаҳон меҳнат бозорини ҳисобига бўлмоқда. Нефть эса ривожланган мамлакатлар талабинини қондиришда қўл келмоқда.

Кейинги йилларда юқори малакали ишчиларнинг бошқа мамлакатларга ёлланиб кетишини асосан Оврўподан Океан ортига ва Шарқдан Фарбга томон ишчилар миграциясида ифодаланмоқда. Бундай ҳолатнинг оқибатини вақт ўтишини билан билишини мумкин.

ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ

Жаҳон бозорида иштирок этишни кенгайтириб бориш ва уни доимийлаштириш, бунда турғунликка эришиш жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этиш имконини туғдириб, унда лойиқ ўринни эгаллаш заруриятини юзага келтиради. Маълумки, ижтимоий меҳнат тақсимотининг туб мазмуни ихтисослашув, маълум меҳнат ва пировардида ишлаб чиқариш турларига мослашувдан иборатдир. Жаҳон меҳнат тақсимоти мамлакатлараро мослашув, ихтисослашув мазмуни билдиради. Бунинг асосида, албатта жаҳон бозори ривожига ётади.

Жаҳон меҳнат тақсимоти икки омилга асосланиши мумкин. Биринчи омил маълум маҳсулотлар ишлаб чиқаришга шу мамлакатда зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжудлиги, шу билан бирга бу имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда тарихан шу хил товарлар ишлаб чиқаришнинг тараққий этишидир. Иккинчи омил эса ташқи омил бўлиб, бу ташқи бозор ривожига ва бундай меҳнат натижасининг доимий истеъмолчисининг мавжудлиги ва ташқи бозор туфайли ишончли харидорларнинг доимийлигини таъминлаш шароитидир. Кўришиб турибдики, жаҳон бозори ва жаҳон меҳнат тақсимоти бир-бирига боғлиқ, бир-бирини ривожлантирувчи иқтисодий воқеликдир.

Жаҳон меҳнат тақсимотида маълум ўрин эгаллаб, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантирган ва ўз товарлари билан дунёга машҳур мамлакатлар кўп. Масалан, бир неча юз йиллардан бери Англия ва Голландия тўқимачилик саноати билан, айниқса мовут тўқима моллари билан, Германия машиналари билан машҳурдир. Немисларнинг “Зингер” тикув машиналари бутун дунё бозорларини эгаллаган эди. Швейцария ўзининг соати билан яқин-яқинларгача бутун дунёни таъминлаб келар эди. Хитойнинг чинниси, чойи ва чити, ипак моллари, Америка ва Миср пахтаси кабилар тарихан маълум ва ҳатто ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Франциянинг модаси, парфюмерияси тўғрисида ҳам шуни айтиш мумкин.

Техника, технологик тараққиёт бунинг чегараларини жуда кенгайтириб юборди ва янги-янги ихтисослашган ишлаб чиқаришга эга бўлиб, дунёда ўз товарлари муҳим жой эгаллаган ва жаҳон бозорини эгаллаётган мамлакат-

лар сони ортиб бормоқда. Жаҳон миқёсида ихтисослашган мамлакатлар даставвал юқори индустрлашган мамлакатлардир.

Масалан, автомобиль саноатини олсак, бунда АҚШ нинг роли катта. У XX асрни автомобиллаштиришда етакчи ўрин эгаллаб, ўз доврўғини автомобиллари билан дунёга таратди. Жаҳон бозорини тўла эгаллаб келган “Форд”, “Крейслер”, “Дженерал Моторс” кабилар дунёга машҳур. Булар билан Япония, Германия, Швеция, Франция, Англия автомобиль саноати рақобатлаша олади. Япониянинг “Тойота”, Кореянинг “Самсунг” ва Швециянинг “Вольво”, Германиянинг “Мерседес”лари, ҳатто АҚШ, Канада бозорларида Америка билан рақобатлашиб харидорларни ўзларига қаратмоқдалар.

Самолётсозликда эса АҚШ жаҳон бозорида асосий ўринни эгаллаб келмоқда. Унинг “Боинг”и бутун жаҳон ҳаво транспорти фирмаларининг асосий самолётидир. Ундан кейин “С—310” дир. Асосан мавжуд йирик ҳаво йўллари шулар билан банд. Халқаро транспорт авиацияси шу самолётлар билан таъминланган.

Радиоаппаратлар, магнитофон техникаси каби Япония товарларини олсак уларнинг жаҳонда эгалламаган бозори йўқ. Бу товарларнинг жаҳонда харидорлари жуда кўп. Япония хилма-хил бундай товарларни ишлаб чиқаришга жуда ихтисослашган ва бундай товарлар, автомат-роботлар ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринни эгаллайди.

Товар ишлаб чиқаришдаги бундай ихтисослашув, жаҳон миқёсида бу соҳада асосий йўналишни белгиловчи даражада бўлиш, албатта бу товарларга барча мамлакатларда харидорларнинг кўплиги, шу билан бирга ишончли ўринни эгаллаш учун зарур тараққиёт даражасида бўлишдир.

Жаҳон меҳнат тақсимотини рағбатлантирувчи қандай куч бор, деган савол туғилиши табиий. Албатта, бунинг асоси манфаатдорликдир. Агар *мамлакатлар жаҳон меҳнат тақсимотидан манфаатдор бўлмаса, ҳеч нарса уларни бунга ундай олмайди.* Шундай экан, бу манфаатдорлик нимадан иборат? Бунинг асоси ишлаб чиқариш ва унинг шароитларидир. Ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг ўзига хос шароитлари мавжудки, у ҳунар, хом ашё, иқлим, иш кучи ҳолати, мамлакатнинг умумий тараққиёти, ма-

даният даражаси, урф-одат, ҳудудий ҳолат каби омилларни ўз ичига олади.

Ҳар бир мамлакат ва миллатнинг шу омилларга қараб ишлаб чиқариш имкониятлари юзага келади. Агар АҚШнинг автомобилсозлигини оладиган бўлсак, у аввало муҳандислик даражаси, машинасозликнинг ривожи, металлургия ва нефть саноатлари тараққиётининг маҳсулидир. Булар бўлмаганда бу соҳанинг шу даражада тараққий этиши мумкин эмас эди. Шу билан бирга бундай транспортта талаб ҳам юзага келган эди. Пировардида унинг ишлаб чиқарилишини кенг миқёсда ташкил этишга ўз вақтида мослашув, унинг тўхтовсиз ривожланиши учун зарур шароитларни кенгайтириб бориш жаҳон бозори талаби асосидаги автомобиль саноатини АҚШ да мужассамлаштириш имконини туғдириб берган. Бунинг учун тўхтовсиз илмий-техника, муҳандислик даражасини кўтариб бориш, бу билан боғлиқ тармоқларни ривожлантириш кабилар ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Демак, ҳар бир товарни ишлаб чиқаришда тенг ёки юқори даражага эришмагунга қадар жаҳон меҳнат тақсимотида қатнашиш ва арзигулик ўринни эгаллаш мумкин эмас.

Агар бир мамлакат бир хил товар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб, у билан жаҳон бозорига чиқар экан, демак, бундай фаолият аввало унинг ўзига фойдали ва бундан у манфаатдордир. Маълумки, бошқа мамлакат халқлари учун ишлаб чиқариш оддий ҳолат эмас, чунки у истеъмомлчи учун қимматга тушади. Унга ортиқча харажатлар, биринчи навбатда, катта қўшимча транспорт харажатлари талаб қилинади, товар сотилиши вақти чўзилади, товарлар ҳолати, сифатини сақлаш қўшимча сарф-харажатларга олиб келади, қолаверса, бож харажатлари қўшилади ва ҳоказо. *Жаҳон меҳнат тақсимоти кенгаяр экан, у ривожланар экан, демак, унинг иқтисодий устунлиги, унга манфаатдорлик мавжуд.*

Жаҳон бозорининг ортиқча харажатларини қоплаган ҳолда юқори даромад таъминланиши жаҳон меҳнат тақсимотида каттароқ ўрин эгаллашга ундайди, бундаги манфаатдорлик ҳар бир мамлакатни шу жараёнга тортади. Бундай шароитда ишлаб чиқариш тузилишини жаҳон меҳнат тақсимоти талаби асосида қуриш ва жаҳон бозори учун

товарлар етказиб беришга мослашув зарурияти туғилади. Бусиз умуминсоний иқтисодий тараққиётдан доимо орқада қолиш ва бунинг афзалликларидан маҳрум бўлиб бориш мумкин.

Ҳар бир мамлакат учун ўз шароитларига қараб жаҳон миқёсидаги ишлаб чиқаришга ихтисослашиш қўшимча харажатларга қараганда арзонга тушади. Чунки бошқа маҳсулотлар билан ўзини тўла таъминлашга уринишга нисбатан уларни жаҳон бозори орқали сотиб олиш арзонга тушади. Иқтисодий тараққиётда бундай меҳнат тақсимоти қанчалик афзалликларга эга эканлиги ривож топган мамлакатлар тажрибасида яққол исботланмоқда. Жаҳон меҳнат тақсимоти асосида юзага келган ишлаб чиқариш хилларини сақлаш ва тараққиётини давом эттириш ва бунда етакчилик қилиш мамлакат иқтисодиётида асос бўлмоғи керак. Умуман, ишлаб чиқаришни жаҳон талаби даражасида олиб боришнинг энг қулай, маъқул усули ва йўли жаҳон меҳнат тақсимотида катта ўрин эгаллашга ҳаракат қилиш ҳамда бу соҳада муваффақиятларни қўлга киритиб боришдир. Бунда мамлакат ва миллатнинг катта-кичиклигининг фарқи йўқдир. Люксембургнинг пўлати, Швейцария асбоблари ва автомашиналари, Швециянинг “Вольво” автомобили ёки Австриянинг дастгоҳлари жаҳон бозорида аҳамиятлидир. Ҳозирги даврда жаҳон меҳнат тақсимотида йирик мамлакатлар билан бирга Бельгия, Голландия, Дания, Корея Республикаси, Тайвань, Сингапур каби мамлакатларнинг жаҳон меҳнат тақсимотидаги ўрни ва унинг ривожига бўлган таъсири кам эмас.

Бу жараёндаги мамлакатларнинг салмоқли ўринлари ишлаб чиқариш ривожига омиллари билан фойдаланиш бўлиб, бунда ички омиллар устунлик қилади. Масалан, АҚШнинг кўпчилик тармоқлар бўйича юқори даражада бўлиши унинг ички омилларига боғлиқ. Бунда унинг табиий бойликларининг мавжудлиги катта ўрин эгаллайди.

Шунингдек, Канада, Австралия, Аргентина, Бразилия, Янги Зеландия, АҚШ да қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жаҳон меҳнат тақсимотида катта ўрин эгаллар экан, бунда табиий имкониятлардан самарали фойдаланиш асосий роль ўйнайди.

Лекин табиий имкониятлар, бойликлар, айниқса қазилма бойликлар деярли бўлмаган ёки кам бўлган Япо-

ния, Италия, Австрия, Дания, Бельгия, Голландия, Сингапур каби мамлакатлар ривожига ва уларнинг жаҳон меҳнат тақсимоотидаги ўринлари табиий бойликларга боғлиқ эмас, чунки уларда бундай имконият йўқ. Масалан, Италия “Лиамонти”, чехларнинг “Батя” пойафзаллари ўзларидаги чорвачилик ва тери саноатига асосланмаган. Улар асосан четдан келтирилган хом ашё, материаллар ҳисобига бўлиб, бунда интеллектуал бойлик, меҳнатсеварлик асосий аҳамият касб этади. Ҳар қандай моддий бойликлар қувватидан қатъи назар, бунда энг ҳал қилувчи омил албатта интеллектуал даража, янги технологиядан омилкорлик билан фойдаланишдир. Шу ўринда Япония ишлаб чиқариши намуналидир. Россия, Украина каби мамлакатларда эса жуда катта моддий имкониятлар мавжуд, табиий бойликлар жуда кўп: қазилма бойликлар, ўрмонлар катта ҳудудда мавжуд, уларнинг умумий интеллектуал даражасини ҳам паст деб бўлмайди. Лекин натижа, жаҳон меҳнат тақсимоотидаги ўрни паст ва унда иштирок этиш жуда суст. Зеро, жаҳон бозорида қатнашишда асосий ўринни хом ашё эгаллайди. Чунки истеъмол сифати паст ва жаҳон стандартига тўғри келмайди. Бу шуни кўрсатадики, бор имкониятлардан тўғри фойдаланиш, янги техника ва технологияни кенг қўллаш йўлини тутиш, бундаги омилкорлик, меҳнатсеварлик мамлакат ривожига уюшқоқлик, чидамлилиқ каби барча соҳада бўлганидек, бу соҳада ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Мавзу бўйича асосий тушунчалар

1. **Жаҳон бозори.** Бу халқаро миқёсда бўлиб, мамлакатлар ўртасидаги бозордир. Давлатлар, корпорация, компания, фирмалар ва айрим тадбиркорлар бунинг иштирокчиси бўлиб ҳисобланади.

2. **Жаҳон бозорининг энг аҳамиятли томони жаҳон стандарти** — бу юқори даражали ишлаб чиқаришнинг натижаси бўлади. Жаҳон бозори янги техника ва технология билан боғлиқ ва иштирокчи мамлакатларнинг доимий иқтисодий, айниқса ишлаб чиқариш тараққиётига ундайди.

3. **Жаҳон савдо бирлашмалари** мавжуд бўлиб, у бир неча мамлакатларнинг манфаатли халқаро бирлашувидан иборат. Бу жаҳон бозори рақобати шароитида бирлашган ҳолда ҳарakat қилишни билдиради.

4. Жаҳон бозорида **бож баҳоси** ва квоталар мавжуд, улар мамлакатлар фаолиятига таъсир кўрсатади ва даромад ҳамда ҳимоя вазифасини бажаради.

5. Товарнинг **жаҳон баҳоси** тушунчаси унинг жаҳон бозори мувозанат натижасидан иборат эканлигини билдиради. Жаҳон баҳосида товарнинг кўплиги, асосийлиги белгиловчи ролни бажаради. Лекин амалда жаҳон бозори учун кўп баҳолик хосдир.

6. Ташқи савдода **эркин сиёсат ва чегараловчи хусусият-ли протекционизм** сиёсатлари мавжуд.

7. Жаҳон бозорига чиқишнинг уч: экспорт, бирлашган тадбиркорлик фаолияти ва тўғридан-тўғри инвестиция усули мавжуд.

8. Ички бозорга хос бозор турлари ва шакллари жаҳон бозори учун ҳам асосан хосдир.

9. Жаҳон бозори **халқаро меҳнат тақсимоти**га асосланган бўлиб, булар бир-бирига боғлиқ ҳолда ривожланидилар.

МАВЗУ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ ВА САВОЛЛАР

1. Жаҳон бозори моҳиятини тушунтириб беринг. Унинг иштирокчилари деган тушунча нимадан иборат эканлигини айтиб беринг.

2. Жаҳон бозорининг иштирокчи мамлакатларга қандай таъсири бор? Бунда қандай механизмлар аҳамиятли?

3. Жаҳон савдо бирлашмаларини тушунтиринг. Қандай йирик жаҳон савдо бирлашмалари мавжуд ва булар ҳақида кенгроқ қилиб айтиб беринг.

4. Ўзбекистон қандай ва қайси халқаро савдо бирлашмаларига аъзо ва бу бирлашиш хусусияти нимадан иборат?

5. Жаҳон товар баҳосининг пайдо бўлиши, унинг таъсир этувчи омиллари хусусияти кабиларни мисоллар билан атрофлича тушунтириб беринг.

6. Эркин савдо ва протекционизм сиёсатларининг мазмуни нимадан иборат? Улар жаҳон бозорига қандай таъсир кўрсатади?

7. Қандай жаҳон бозори шакллари биласиз?

8. Халқаро меҳнат тақсимотининг моҳияти ва унинг жаҳон бозорига бўлган таъсирини тушунтиринг.

XVI. ЖАҲОН МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ

Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётининг шаклланишида бозор асосий йўналиш ҳисобланиб, уни шакллантириш соҳасида катта амалий ишлар қилинмоқда. Бунда, албат-

та бозор турлари, шаклларининг барчасини яратиш ва пировардида тўлақонли ҳаракат қиладиган, ривож топган бозор иқтисодиётини юзага келтириш зарур. Юқорида жаҳон бозори моҳияти, ривожини устида гап юритиб, унинг афзалликлари, мамлакатлар иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятига эътибор берган эдик.

Маълумки, Ўзбекистон учун жаҳон бозори жуда зарур. Чунки унинг иқтисодиётда буюк муваффақиятларга эришувини тезлаштиришда жаҳон бозорининг таъсири каттадир. Иқтисодий ислохотнинг бошиданок, бозорга ўтишнинг дастлабки вақтлариданок жаҳон бозорида қатнашиш чораларини кўра бориш давр тақозоси. Жаҳон бозори биз учун янгилик, чунки бундай имкониятга фақат мустақилликдан кейингина эришдик.

Илгари Ўзбекистоннинг бошқа мамлакатлар билан мустақил алоқа ўрнатиш имконининг ўзи бўлмаган. Иқтисодий алоқа собиқ иттифоқ республикалари билан бўлиб, у ҳам ихтиёрий тарзда бўлмай, ҳеч қандай манфаатдорлик эътиборга олинмаган, мажбуран марказдан белгиланган тарзда амалга ошган. Ҳозир бу алоқалар бузилиб, умумий иқтисодий ҳаётга таъсири катта бўлмоқда.

ЭКСПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЗАРУРИЯТИ

Ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат тақсимоти тўғрисида гап юритиш ўринсиз туюлади. Чунки бунинг иқтисодий асоси тўла яратилмаган, ташқи савдо доимийликка эга эмас. Шунинг учун экспортни амалга ошириш, имкони борича уни кучайтириш тўғрисида фикр юритиш аҳамиятли бўлиб, бу соҳадаги амалиётга бевосита таъсир кўрсатиши мумкин. Мамлакатимизнинг бу борадаги дастлабки ҳаракатлари яхши натижалар бермоқда, товарлар давлатимиз шакллантираётган ташқи савдода ишлатилмоқда. Ўтиш даври, иқтисодий ислохот қийинчиликларига қарамай, жаҳон бозорига йўл очиш муваффақиятлар келтирмоқда. Ташқи савдо обороти 1996 йили 9,3 миллиард долларга етиб, бу 1995 йилга нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Ўзбекистондаги экспорт ва импорт
(млн. доллар ҳисобида)

	1992 й.	1993 й.	1994 й.	1996 й. умумийдаги қисми
Экспорт	869,3	919,2	1007,0	49,3
Пахта толаси	679,3	568,4	766,5	38,1
Рангли ва қора металлар	40,4	33,5	31,2	3,5
Химия саноати маҳсулотлари	39,3	59,7	28,5	2,4
Импорт	929,3	980,8	1155,8	50,7
Озиқ-овқат	685,5	611,9	580,7	29,5
Машина, жиҳозлар	2,7	73,0	49,9	35,8

Жадвалдаги рақамлардан кўриниб турибдики, экспорт ва импорт жуда ҳам қисқа вақтга қарамай, ҳатто ўз оборотини кўпайтирмоқда. Демак, бу соҳада зарур ишлар жуда қисқа вақт ичида амалга оширилиб, ташқи савдо ўз самараларини бера бошлади. Чунки ташқи савдо, жаҳон бозорига чиқиш катта тайёргарлик ишларини бажариш, ташкилий муаммоларни ҳал қилишни талаб қилади.

Республикамизнинг жаҳон бозоридаги бевосита муҳим вазифаси иқтисодиётимиз мустақиллигини, унинг нормал ҳолдаги ҳаракатини таъминлаш учун зарур товарлар сотиб олишдан иборатдир. Бунда илмий-техник ишланмалар, машина ва жиҳозлар асосий аҳамият касб этиши керак. Лекин умуман жаҳон бозорида қатнашиш мувозанатини таъминлаш мақсадида экспортнинг ҳам сезиларли даражада бўлиши жуда аҳамиятлидир. Бу иқтисодиётимиз кучи ва имкониятларидан дарак беради.

Импортда озиқ-овқат товарлари салмоқли қисмни ташкил этади. Лекин кескин қўлланилаётган чоралар буларнинг ҳажми ва ҳиссасининг камайишига олиб келиши керак. Чунки Республикамиз имкониятларини ҳисобга олганда озиқ-овқатнинг асосан четдан сотиб олиниши ижобий ҳол эмас. Биз учун ҳозир бевосита тайёр маҳсулотларга қараганда интеллектуал товарлар, айниқса янги техника ва технология билан боғланган янги-янги ишланмалар ва бевосита инвестицияни сотиб олиш фойдалидир. Импорт-

да, юқорида кўрсатганимиздек, уч усулдан, айниқса иккинчиси, яъни қўшма тадбиркорлик фаолияти маъқулроқдир. Ҳақиқатан ҳам чет инвестициядан фойдаланишда асосан шу усулга кўпроқ йўл очилиб, қўллаш устуңлик қилмоқда. Айтайлик АҚШ, Германия, Хитой, Туркия каби мамлакатлар билан жаҳон бозорида ўрнатилаётган усул тайёр маҳсулотлар билан бирга қўшма тадбиркорлик фаолиятини кучайтиришга қаратилиб, бу соҳада катта-катта ишлар амалга оширилган ҳолда буни кенгайтиришга ҳаракат қилинмоқда.

Жаҳон меҳнат тақсимотида ўрин эгаллаш муаммосига келсак, албатта унинг ҳозирги бевосита вазифаси экспортни кучайтириш, бунинг учун доимий чет мамлакатларда мижозларни кўпайтиришдир.

Жаҳон бозорига чиқиш нодоимий экспорт усулидан бошланади, яъни сотиладиган товарга харидор топилишига қараб иш тутилади. Экспорт қилиш иқтисодиётимиз қандай имкониятларга эга бўлса, шундай фойдаланиш ва иқтисодиёт ажрата олиши мумкин бўлган товарлар сотилади. Бундай усулдаги ҳаракат келажакда мураккаблашган усулларни, яъни қўшма тадбиркорлик ва тўғридан-тўғри инвестиция усуллари қўллаш имконини туғдиради.

Ҳозирги даврда фаол экспортни қўллашга ўтиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш долзарб вазифадир. Бунинг ташкилий масалаларини ҳал қилиш маъқул. Бунинг учун агентликлар очил, бевосита бошқа мамлакатлардаги биз билан иқтисодий алоқада бўлувчи фирмаларни топиш ва белгилаш каби ишлар бу соҳадаги бирламчи вазифалардир. Шунингдек, мамлакатимизда чет мамлакатлар иқтисодий алоқалар ваколатлари, ваколатхоналарининг очилишига шароитлар туғдирилиб, уларни кенгайтириш ҳам бу соҳадаги қўл келадиган тадбирлардандир.

Товарларга келсак, аввало иқтисодиётимизнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланиш мумкин. Собиқ совет даврида юзага келган меҳнат тақсимоти бошланғич даврларда бирмунча маълум шароитлар туғдира олади. Аввало бу пахта толаси билан боғлиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларидир. Пахта толаси жаҳон бозорида ўз ўрнини топаётган бўлса, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Айниқса, мева, сабзавот ва полизчилик маҳсулотларининг ҳам жаҳон бозорига чиқиши учун зарур ва кўп капи-

тал сарф этилмайдиган ишларини амалга ошириш ҳам бу соҳадаги резервлар қаторига киради.

Саноат маҳсулотлари ичида ҳам шундайлари бор. Бунинг устига жуда тез бунёд этилаётган янгилари ҳам юзага келмоқдаки, қайсики улар экспортни оширишда далда бўлиши мумкин. Чунончи, магнито-электрон товарлари, автомобиль, баъзи уй-рўзгор техникаси кабилар бунга мисол бўла олади.

Булар экспортни кучайтириб, бошқа усуллар учун йўл очиб беради ҳамда Ўзбекистоннинг келажакда жаҳон меҳнат тақсимотида ўзининг мустақил ва мустақкам ўрнини эгаллаши учун асос бўлади.

ЖАҲОН МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИДАГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДАСТЛАБКИ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистонни асосан барча мамлакатлар тан олди ва ҳар соҳада биз билан алоқалар ўрнатилмоқда. Бора-бора иқтисодий алоқалар учун асос солинмоқда. Баъзи мамлакатлар билан бўлган савдо кенгаймоқда. Айтиш мумкинки, жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этишни кенгайтириш, буни мустақкамлаб, ўзига хос ўринни эгаллашнинг катта имконлари мавжуд ва бу муаммонинг ижобий ҳал қилинишининг келажаги порлоқ.

Мамлакатимизда катта миқдорда турли ер ости бойликлари, серҳосил ерларимиз бор, халқимиз меҳнатқаш, унинг мумий маданий, интеллектуал даражаси паст эмас. Шунинг учун ҳам иқтисодиётни бозор асосида ривожлантириш, жаҳон бозорида фаол қатнашиб, меҳнат тақсимотида ўзимизга яраша ўрин эгаллашимиз, умуман ривож топган мамлакатлар қаторида бўлишликнинг барча имкониятлари мавжуд. Бунда кескин ва бузғунчилик йўлидан бормасдан, кетма-кет муаммоларни ҳал қилиб бориш, янгиси юзага келмагунча эскисидан фойдаланиш, яхшими-ёмонми мавжуд имкониятларни ишга солиш талаб қилинади. Шундагина бир иқтисодий тизимдан иккинчисига ўтиш кам йўқотишлар билан ҳал бўлиши мумкин.

Жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этиш катта структуравий ўзгаришларни талаб этади. Чунки мавжуд халқ хўжалиги, айниқса ишлаб чиқариш структураси четга хом

ашё чиқариш ва кўпчилик тайёр маҳсулотларни, техникавий ва машинасозлик маҳсулотларини четдан олиб келишга мослашган. Булар, албатта республика манфаатига мос келмайди ва мустақил иқтисодиёт мазмунидан жуда йироқ. Саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқаларнинг техника ҳолати ночор, асосан харажатли ишлаб чиқариш мавжуд. Маҳсулотлар кўп моддий харажат, энергия ва меҳнатни талаб этади. Ишлаб чиқаришдаги моддий харажатлар миқдор жиҳатдан жаҳон даражасидан юқори, лекин маҳсулот анча кам ҳосил қилинади, ишлаб чиқаришнинг техникавий ҳолати ёмон, иш унуми жуда паст. Натижада ҳозирча самарадорлик даражаси ҳам анча паст.

Бундай маҳсулотлар билан жаҳон бозорига чиқиб бўлмайди. Чунки улар рақобатга бардош бера олиш даражасида эмас, чет мамлакатларда улар учун харидорлар топиш мушкул. Шунинг учун ҳам жаҳон бозори талаби даражасида бўлиш учун ишлаб чиқаришни тубдан ўзгартириш, унинг аввало техник ва технологик даражасини кескин кўтариш, шу билан структуравий ҳолатини халқаро меҳнат тақсимооти талаби асосида қайта қуриш талаб этилади. Ўшандагина жаҳон миқёсида қандайдир арзигулик ўринни эгаллаш ва иқтисодиётни ривож топган даражага кўтариш ва жаҳон рақобат курашида беллашиб, рақибларга тенг келиш мумкин.

Ҳозирги шароитда бу соҳада бир қанча тармоқлар борки, улардан халқаро меҳнат тақсимоотида экспорт усулида фойдаланиш мумкин. Бу асосан хом ашё маҳсулотларидир. Пахтачилик, пиллачилик, қорақўлчилик, рангли металлар, мева ва сабзавот, тўқимачилик саноати маҳсулотлари кабилар. Айтиб ўтилганидек, хом ашё йўналиши юқори даромад бера олмайди, лекин ишни бошидан бошлаш маъқул. Келажак учун асос солишда бор имкониятдан фойдаланишгина қўл келади. Мавжуд имкониятларни инкор этиб бўлмайди, бу бизнинг ҳозирги даврда катта бойликларимиз, шулар ҳисобига даромад қиламиз, иқтисодий ҳаётимизни таъминлаймиз. Фақат ички истеъмолимиздангина келиб чиқадиган бўлсак, бу тармоқларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш йўлига ўтишимиз ва катта-катта капитал харажатни талаб этадиган келажак усулини қўллашимиз зарур бўлади. Бу оқилона йўл эмас ва барча зарур маҳсулотларни мамлакат ичида яратишнинг имкони йўқ ва бун-

дай уриниш жуда қимматга тушади. Бу йўл билан мақсадга эришиб бўлмайди. Юқорида айтганимиздек, бунинг йўли битта, бу ҳам бўлса жаҳон иқтисодиётига қўшилиш, фойдали тармоқларни ривожлантириш ва имкони борича жаҳон меҳнат тақсимотида кўпроқ ўрин эгаллашдан иборатдир.

Шу фикр асосида мавжуд тармоқларни бирма-бир кўриб чиқайлик. Пахтачиликдан бошлаймиз. Пахтакорлик ўзбекининг жуда эски ҳунари. У чор ҳукмронлиги, айниқса собиқ совет тизими даврида жуда авж олиб, иқтисодиётимиз асосига айланган эди. Пахтачиликнинг комплекси яратилган дейиш мумкин. Бу асрлар ичида юзага келтирилган бойлик. Бизнинг табиий ҳолатимиз, деҳқончилигимиз шунга асосланган. Бунинг учун илмий базаси, техника ва технология яратилган. Халқ хўжалигининг кўп тармоқлари шу билан боғланган. Бу тармоқдан воз кечиб бўлмайди, бу ҳозирги шароитда қўлимиздаги жуда катта бойлигимиздир. Бундан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Бунинг самарадорлигини орттириб бориш учун бир қанча ишларни амалга ошириш зарур. Бу, биринчи навбатда, унинг технологиясини такомиллаштириш билан боғлиқ ишлардир. Булар пахта навини яхшилаш, тола сифатини кўтариш, унинг эртапишар навларини ҳосил қилиш, суфориш ишларини такомиллаштириш, механизациялашни охиригача олиб бориш кабилардан иборат.

Етиштирилаётган пахта толаларининг сифати ҳозирча паст ва улар жаҳон стандартига тўғри келмаганлиги сабабли кутилган даромадни келтирмайди. Тола узунлиги, пишиқлиги саноат талабига мос келади деб бўлмайди, шу билан бирга ифлослик даражаси юқори. Булар жаҳон бозорида унинг нархини пасайтириб юборади ва бошқа мамлакатлар пахта-сига нисбатан рақобатлилигини таъминлай олмайди. Лекин жаҳон бозорида толага талаб жуда катта, айниқса табиий тола, пахта толасига харидорлар кўп.

Агар булар эътиборга олиниб, пахтачилик такомиллаштирилса, замонавий технология асосида ривожлантирилса, бу нисбатан жуда юқори даромадли тармоқ бўлганлиги сабабли жаҳон меҳнати тақсимотида салмоқли ўрин эгаллаши турган гап.

Бунинг учун меҳнат унумдорлигини ошириш, тўла механизациялаш, айниқса ҳосилини териб олиш меҳнати енгиллаштириш муаммолари тезроқ ҳал қилини-

ши керак. Умуман деҳқончиликда, айниқса пахтачиликда суфориш анча қолоқ ҳолда бўлиб, жуда кўп сув исроф этилади. Ғузанинг талабига нисбатан бир неча бор кўп сув сарф этилиб, катта исрофгарчиликка йўл кўйилади. Шунинг учун ҳам бу соҳада кераксиз харажатлар кўп. Энг муҳими қадрли бўлган ва унга борган сари муҳтожлик ортиб бораётган сувни тежаш чоралари зарурдир.

Пахтачиликдаги энг қолоқлик чигит экиш ва уни ундириб олишдир. Маълумки, чигит жуда кўп сарф этилади. Ундирилиб олингандан кейин яғаналаниб, юлиб ташланади, яъни ҳар бир ғуза тупи оралигидаги экилган чигитлар бекорга сарф этилган бўлади. Натижада заруриятга нисбатан деярли бир неча бор кўп чигит фойдасиз ишлатилади. Бундан ташқари қайта экиш, кенг тарқалган. Ахир илгарилари жўяк усулида аниқ чигит ташлаш қўланилар эди. Ҳаттоки аниқ, оралаб чигит ташлайдиган агрегатлар бўлар эди.

Натижада халқ хўжалиги жуда кўп миқдорда зарар кўради. Исроф қилинган чигитлардан қанча-қанча қўшимча ёғ, совун, кунжара, шулха кабилар олиниши ва улар халқ истеъмолига, чорвачиликка озуқа сифатида ишлатилиши мумкин. Маълумки, экиш учун юқори сифатли чигит ишлатилади. Бундан ёғ ҳам, шунга ўхшаш бошқа маҳсулотлар ҳам олинади. Чунки бу чигит тўлиқ, бўлиқ чигитдир. Демак, чигит экиш ва уни ундириб олиш технологиyasини янгилаш ва самарали усулларини қўллаш ҳам пахтачиликдаги ҳал қилинадиган муҳим вазифалардандир.

Бундан ташқари пахтачиликдаги манфаатдорлик муаммоси ҳал қилингани йўқ, чунки пахтакорнинг манфаати тўла эътиборга олинганича йўқ, шунга кўра унда бу тармоқни ривожлантириш учун маъкул иқтисодий қизиқиш ҳосил қилинмаган. Бу муаммо мулкчилик шакллари, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш, маҳсулотга эгалик ва сотиш шароитларига бориб тақалади. Шунинг учун ҳам бу масалалар ҳал бўлмасдан бу тармоқ юқори даромадли, самарали бўла олиши қийин.

Пахтачиликдаги яна бир муаммо бу ҳам бўлса унинг бошқа соҳа ва тармоқлар манфаатини эътиборга олган ҳолда тараққий этишидир. Собиқ совет тизими даврида унинг монополияси ўрнатилиб, қолган тармоқлар иккинчи даражали ҳолатга келтирилган эдики, пахтачилик ҳукмронлиги ўрнатилиб, бунинг асорати ҳозиргача барта-раф қилинмади. Пахтачилик ҳисобига бошқа тармоқлар за-

рар кўрмаслиги керак, чунки инсон истеъмоли, унинг манфаати учун мавжуд барча тармоқлар фаолияти бир хил шароитда бўлиши, бирининг ҳисобига иккинчисининг ривожланишига йўл қўйиб бўлмайди. Тармоқлар ўртасидаги имтиёзлилик зарурият талаби бўйича фақат вақтинча бўлиши мумкин. Агар имтиёзлилик доимий бўлса, бунинг салбий томонлари кучайиб бораверади.

Жаҳон меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг мевачилик, узумчилик, полизчилиги ҳам катта ўрин эгаллаши мумкин. Бир вақтлари Ўзбекистон майизи, ёнғоғи, куруқ мевалари, Хоразм қовуни ва беда уруғи, қовун қоқи кабилар четда маълум ва жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлган. Ўзбекистон иқлими, табиий шароити мевачилик, полизчилик, сабзавотчиликка жуда мос. Ўзбек деҳқони, боғбон, полизчиларининг бу соҳадаги моҳирлиги юқори даражада бўлган. Демак, бундай тармоқларда тажриба етарли ва уларнинг тараққий этиши учун асосли томонлар кўп. Имкониятларимиз меҳнат тақсимотида буларнинг ўрни катта бўлишига йўл очиб беради. Гап буларни ҳақиқатан ҳам жаҳон даражасига кўтариш ва бу соҳадаги зарур ишларни бажаришдир.

Бунга эришиш учун деҳқончиликнинг бу тармоқларини ҳам тараққий эттириш ва ишни жаҳон меҳнат тақсимоти талабларига мос ҳолда уюштиришдан иборат. Бунинг учун бир қанча илғор технологияни қўллаш, маъқул навлардан маҳсулот етиштириш талаб этилади. Шу билан бирга товар ҳолати талаб этадиган саноат усулидаги ишлов беришни ташкил этиш зарурияти туғилади. Чунки жаҳон бозори учун товарнинг истеъмол сифати билан бирга ташқи кўриниши ҳам катта ўрин эгаллайди. Бу соҳада жуда кўп иш қилишга тўғри келади. Айтиш мумкинки, биз учун бу янги нарса, чунки бизнинг ҳаётимизда, товарларнинг сотилишида, истеъмолимизда бунга ҳеч эътибор бермаганмиз ва бундай ёрлик ҳаётимизда қўлланилмаган. Товарнинг ташқи кўринишига алоҳида эътибор бериш, уни рекламали асосда ўраш каби саноат бизда деярли йўқ. Бу истеъмол сифати билан бирга товар ҳолатига эга бўлишда катта роль ўйнайдик, кўпинча маҳсулотнинг ўзига қараганда уни товар ҳолати, товар кўриниши бўлган харажатлар кўп бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бирламчи ишлов бериш, бу билан боғлиқ майда саноатнинг тараққий этиши кўп қиррали иқтисодий вазифаларни бажариш билан бир-

га жаҳон меҳнат тақсимотида иштирок этишнинг катта резервидир. Буни жаҳон бозорига олиб чиқиш талабларига мос келадиган ҳолга келтирилса, унда кўп хил деҳқончилик маҳсулотларини экспорт қилиш имкони туғилади. Чунки бунга талаб катта, айниқса бу шимолда жойлашган мамлакатларда сезиларли даражада. Агарда маҳсулотларнинг чидамлилиги, транспортабеллиги юқори бўлса, албатта узоқ мамлакатлар ҳам харидор бўлиши мумкин. Меваларни, сабзавот ва полизчилик маҳсулотларини асосан қуритилган ҳолда эмас, балки ҳўл ҳолида ҳам экспорт қилиш имкони туғилиб, унинг хилини ва ҳажмини кенгайтириб бориш мумкин.

Кўриниб турибдики, республикамиз қишлоқ ҳўжалиги жаҳон меҳнат тақсимотида катта ўрин эгаллаш имкониятларига эга. Бундаги экспорт жаҳон бозорида иштирок этишнинг дастлабки йилларида жуда аҳамиятли ўринни эгаллаши ва қўшимча харажатларсиз бу соҳада катта муваффақиятларга эришиш мумкин.

ЖАҲОН МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИНИ ЯРАТИШ ВА САНОАТ СТРУКТУРАСИНING ЎЗГАРИШИ

Мавжуд имконият нуқтаи назаридан Ўзбекистон рангли металлургия тармоғининг жаҳон меҳнат тақсимотида ҳажми катта бўлиши имкони бор. Чунки бизда бу анча ривожланган ва миқдорий жиҳатдан салмоқли ўринни эгаллайди. Мис ва олтин маҳсулотлари катта ҳажмда қазилиб, ундан зебзийнат анжомлари тайёрланади, буларнинг табиий захиралари ҳам жуда кўп.

Олтин ишлаб чиқариш саноатининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги ўрни ўзига хос хусусиятга эгадир. Олтин товар сифатида эркин сотилади, пул сифатида қарзларни тўлови учун қўлланилади. Шу билан бирга бойлик рамзи ҳолатида хизмат қилиб, унинг захиралари ҳам даромад келтиради. Кўпинча чет мамлакатлар банкларида сақланиб, иқтисодий алоқалар кафолати вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам у жаҳон меҳнат тақсимотида қатнашиши, халқаро савдодаги таъсирни кучайтиришда олтин саноатининг аҳамияти жуда каттадир. Бу тармоқ дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Кўриб ўтган тармоқларимиз асосан хом ашё мазмунидаги маҳсулотлар билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу-

лар ҳисобига жаҳон меҳнати тақсимоотида қатнашувни зарурияти борми, деган савол туғилиши мумкин. Албатта, биринчи кўринишда бу самарасиз фаолият ва зарарли йўналишга ўхшаб кўринади. Бозорда фақат хом ашё билан иштирок этиш қолоқлик белгиси ва иқтисодий қарамликнинг ҳосиласидир. Лекин ҳозирги оғир иқтисодий шароитда, иқтисодий ислоҳотнинг катта маблағларга муҳтожлик даврида жаҳон бозорида хом ашё йўналиши билан қатнашиш ҳам фойдадан холи эмас. Лекин бу билан чегараланмай, мавжуд қийинчиликларни тезроқ бартараф этиш, бажарилиши зарур бўлган ишларни муваффақиятли амалга ошириш ягона йўлдир. Қарзга ботиб, иқтисодий қарамликка йўл қўймаслик учун хом ашё ҳолида бўлса ҳам жаҳон бозорига қўшилиб, жаҳон иқтисодиётида иштирок этиб бориш заруриятдир.

Бундай фаолият хили доимий бўлмай, уни мазмунан ўзгартириб бориш талаб этилади. Имконият юзага келиб бориши билан хом ашёвийлик қисқариб, унинг ўрнини тайёр истеъмол моллари эгаллаб олади. Силжиш, ўзгариш бўлмаса, жаҳон меҳнат тақсимоотида бундай мазмундаги иштирок этишнинг келажаги йўқ бўлиб, бу самарасиз усуллардандир. Бу ўринда пахтачиликнинг келажаги катта ва кетма-кет юқори поғонага чиқиб бориш жуда қўл келади. Маълумки, табиий толали кийим-кечакларга дунёда талаб ўсиб бормоқда, чунки ҳозир асосий йўналиш кимё толали кийимлар ишлаб чиқариш бўлиб, бунинг сабаби табиий толалар ишлаб чиқаришнинг чегараланишидир. Бунинг учун аввало ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва имкони борича тола экспортини чит ва умуман, пахта толали газмоллар билан алмаштириб бориш самарали йўналишдир. Биринчидан, тўқув саноатининг ривожланиши билан юқори истеъмолли товар ишлаб чиқариш, иккинчидан, бунда иш билан бандлик даражасини ошириш туфайли катта ҳажмда қўшимча даромад олиш миллатимиз турмуш даражасини кўтаришда жуда аҳамиятлидир.

Худди шундай нарсани пиллачилик, ипакчилик тармоқлари тўғрисида ҳам айтиш мумкин. Ипакчилик, атлас тўқишни майда корхоналарни кенгайтириш ҳисобига жуда ривожлантира олиш мумкин. Чунки бунга барча имконият бор, айниқса ҳунармандлар кўп ва тез вақт ичида катта капиталсиз буни авж олдириш мумкин.

Бу соҳада айтганларимиз биринчи босқич бўлса, кейингиси тикиш саноатини имкони борича кенгайтириб боришдир. Бунинг пахта хом ашёси ва тўқимачилик маҳсулотига нисбатан қанчалик даромадли тармоқ эканлигини уқдириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Тайёр кийимлар экспортининг жаҳон бозоридаги имкони поёнсиздир. Бу ҳам толани сотишга нисбатан тўқимачилик саноатининг устуворлигига ўхшаган анча қўшимча афзалликларга эга ва унинг турмуш даражасини кўтаришдаги аҳамияти катта.

Рангли металлургия тўғрисида ҳам шу фикрларни айтиш мумкин. Чунки бора-бора бунда ҳам хом ашё ўрнига тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилишга ўтиш керак. Бундаги фойда пахтачилик, пиллачиликка нисбатан анча кўп ва унинг даражаси юқоридир. Бу тармоқдаги ўзгариш анча мураккаб, кўп харажатлар, юқори техника ва технологияни талаб этади. Бунинг учун зарур саноатни яратиш керак. Бу ҳозирги аҳоли учун жуда керак, лекин келажак авлод учун ундан ҳам кўпроқ керак. Чунки бу табиий бойлик, миллатимизнинг ер ости бойлиги ва у поёнсиз эмас, уни охири бор ҳамда унда келажак авлоднинг ҳам ризқи бор. Бу бойликдан мамлакат тараққиёти учун имкони борича кўпроқ даромад келтириш, миллий иқтисодиётни кучайтириш мақсадида самарали фойдаланиш талаб қилинади.

Мамлакатимизда бу тармоқлар тараққиётининг барча имконлари мавжуд. Муҳими бунинг учун ҳал қилувчи аҳамият касб этувчи тола, пахта етиштириш бўйича дунёда етакчи ўринларни эгаллаш. Шунинг учун ҳам тўқимачилик ва тикувчилик саноатининг тараққий эттириш учун зарур хом ашё мавжуд, иш кучи эса етарли.

Лекин асосий вазифа бу тармоқни жаҳон меҳнат тақсимоти талаби асосида ташкил этиб, чет мамлакатлар харидорларининг истеъмолига мос маҳсулот яратиш, жаҳон стандарти асосида ишлаб чиқаришни уюштириш керак бўлади. Айтайлик, катта муаммолардан бири — бу газмолларнинг турлилиги, айниқса чиройли рангли бўлишидир. Демак, бу соҳада анча ишларни амалга ошириш, умуман ранг, бўёқ муаммосини ҳал қилиш, унинг ишлаб чиқаришини ҳақиқий замонавий, илғор саноатини юзага келтириб, кўп тармоқларга асос солиш керак. Бу ҳам миллий муаммо, ҳам кимё саноати муаммосидир. Фикримизча, бу фақат сунъий бўёқлар ҳисобига ҳал қилинмай, табиий

хом ашёлардан фойдаланиш, бунинг ҳам асосини солиш талаб этилади. Чунки бўёқсиз, унинг истеъмолисиз деярли бирон-бир соҳа, тармоқ бўлмаса керак. Айниқса, товарларнинг кўринишини ёқимли қилиш ва пировардида харидоргир қилишда бўёқнинг ўрни катта. Бу барча нооziқ-овқат товарларига, ҳатто озиқ-овқат молларига ҳам тааллуқлидир.

Шунингдек, технологияни такомиллаштириб бориш керак. Ҳозирги даврда, айниқса эни 2 метрли газмоллар харидоргирдир. Шунинг учун дастгоҳларни шунга мослаш ёки янгилаш даркор.

Трикотаж тўқув саноатининг ҳам имконлари жуда катта. Бунда ҳам катта-катта муваффақиятларга эришиш ҳамда бу тармоқда ҳам жаҳон талаби бўйича ишни ташкил этиш зарурдир.

Умуман, тўқимачилик саноати кимёвий толаларга жуда муҳтож, чунки аралаш толали газмолларга ҳам жаҳон бозорида талаб катта. Кимёвий тола молларга алоҳида сифатлар беради, маҳсулотнинг истеъмол даражасини кўтариб, харидоргирлилигини оширади. Халқ хўжалигида кимёвий толаларнинг алоҳида ўрни мавжуд. Шунинг учун ҳам тўқимачилик саноати, хусусан халқ хўжалиги истеъмоли учун турли кимёвий толалар ишлаб чиқаришни барпо этиш керакки, бу ҳам жаҳон меҳнати тақсимотидаги Ўзбекистоннинг ўрнини кенгайтиришга имкон яратади. Кўришиб турибдики, тўқимачилик, тикувчилик тармоқлари ривож кимё саноати билан юқори самарали бўлади.

Республикамизнинг жаҳон меҳнати тақсимотидаги ўрнига таъсир кўрсатувчи омилларга кулолчилик, мисгарлик, заргарлик кабиларни ҳам қўшиш мумкин. Маълумки, бу тармоқлар ҳақиқий шарқона хусусиятга эга бўлиб, жуда тарихий ва кенг тарқалган хунармандчиликдан иборатдир. Номи кетган Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятларидаги кулолчилик маҳсулотлари ўзгачалиги билан фарқланади. Булар аввало ўзининг бадийлиги билан ажралиб туради. Бунинг моҳир усталари жуда кўп, уларнинг маҳсулотларига талаб доимо юқори. Кулолчилик ички бозор учун уй-рўзғор буюмлари, идиш-товоқ буюмлари сифатида аҳамиятли бўлса, жаҳон бозори учун айниқса ёдгорлик — сервиз сифатида қадрлидир.

Заргарликнинг имкониятлари катта, унинг учун энг зарур бўлган хом ашё ўзимизда бор, яъни бунинг асосида

олтин ва мис ётади, бунга бошқа зарур нарсалар ҳам асосан ўзимизда етарли. Бунинг учун шароит яратилса, бу билан шуғулланишни истовчилар етарли миқдорда топилади. Асосий ҳал қилинадиган масала ишловчиларни хом ашё билан таъминлай олишдир. Чунки шу вақтгача булар қатъий давлат ихтиёрида бўлиб, ҳунармандлар, заргарларга етиб бормади, бу эса ҳунарни жуда чеклаб қўяди. Натижада тармоқ тараққий эта олмайди.

Бундай шарқона маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш жаҳон меҳнат тақсимотида қатнашишни кенгайтириш билан бирга саёҳатчиликнинг ҳам имкониятларини оширишга кўмаклашар эди.

Юқорида кўриб ўтилган тармоқлар катта харажатларсиз, кескин структуравий ўзгаришларсиз Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат тақсимотида қатнашиши мумкин бўлган тармоқлар, уларнинг маҳсулотлари жаҳон бозорларига чиқарилиб турилган ва бу соҳада озми-кўпми тажриба орттирган тармоқлардир. Асосий мақсад бу тармоқларни жаҳон меҳнат тақсимотидаги турғунлигини таъминлаш ва мавқеини ошириб боришдир. Бунинг учун, албатта қайд қилиб ўтилган зарур ишларни амалга ошириб, улар учун порлоқ йўл очиш, келажагини таъминлашдир.

Бундан Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат тақсимотидаги имкониятлари бу билан чегараланади деган хулосага келиш нотўғри. Булар янги тармоқлар, янги техник буюмлар ҳисобига доимо кенгайиши керак. Чунки бундай товарларга жаҳонда талаб жуда катта ва уларнинг харидорлари ортиб бормоқда. Бу соҳада республикамизда катта қадамлар ташланмоқда. Автомобиль, компьютер ва радиоманитола товарлари, аппаратлари устида гап юритмоқдамиз. Булар бизда илгари бутунлай йўқ эди. Мустақиллик шарофати билан ўта зарур тармоқларни барпо этиш имкони туғилмоқда. Мамлакатимизда бундай ўта талабга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асос солинмоқда. Бундаги мақтовга сазовор ҳодиса йирик енгил автомобиль ишлаб чиқариш корхонаси, магнитофон, телевизор, компьютер ишлаб чиқариш корхоналарининг барпо этилаётганлигидир.

Албатта, ҳозирги давр техника, технологияси асосида қурилаётганлиги сабабли, булар бошиданоқ жаҳон меҳнат тақсимотида қўшилиб боришлари мумкин. Ишонч ҳосил қилса бўла-

дики, чиқариладиган маҳсулотлар жаҳон талаби даражасида бўлиб, жаҳон бозорларида харидорғир товарлар қаторидан ўрин эгаллайди ва мамлакатимизнинг иқтисодий мавқеини кўтариш учун хизмат қилади.

Жаҳон меҳнат тақсимотида обрўли ўринни эгаллаш ва иштирок этишни кенгайтириб бориш, албатта мамлакат иқтисодиётини юқори чўққиларга чиқишини таъминлашдир. Бу ишни амалга оширишда жаҳон бозори рақобати самарали таъсир кўрсатади. Чунки бу умумий юксалишсиз, миллатнинг ҳар томонлама умумий тараққиётисиз бўлмайди. Бу шундай улуг вазифаки, мамлакат тараққиёти даражасини, айниқса, унинг иқтисодиётини жаҳон талаби даражасига кўтариш ва жаҳон иқтисодиётига қўшилиб боришидан иборатдир.

Жаҳон меҳнати тақсимотига қўшилиш, айти вақтда дунёдаги тараққиётдан баҳраманд бўлиб бориш, янги техника ва технологияни кириб келишидир. Бу, аввало ишлаб чиқаришнинг ривожланишини тезлашувини таъминлаш, натижада доимо илгарилаб бориш демакдир. Маълумки, бусиз жаҳон рақобат курашига бардош бериш қобилиятига эга бўлиш мумкин эмас. Ўзбекистоннинг келажаги порлоқ, унинг келажаги буюк давлат, деган гапнинг мазмуни ҳам шуни англатади. Мамлакатимизнинг ҳаракат йўналиши шу мақсадга қаратилгандир.

Мавзу бўйича асосий тушунчалар

1. **Ўзбекистоннинг жаҳон меҳнат тақсимотидаги ўрни.** Ривож топган мамлакатларга хос жаҳон бозорининг доимий иштирокчиси даражасига етиш учун жаҳон меҳнат тақсимотида маълум ўринга эга бўлиш керак. Бусиз жаҳон бозорининг доимий ва таъсирли иштирокчиси бўлиш мумкин эмас.

2. Бундай ҳаракат жаҳон бозорида қатнашувнинг оддий усулидан бошланмоғи зарур. Бу экспорт бўлиб, унинг доимий шаклини ривожлантириб, умуман экспорт ҳажмини кенгайтирилишини талаб этади. Экспорт хом ашё молларидан тайёр маҳсулотларга, тайёр маҳсулотни ҳам мураккаблаштириб бориб, машина жиҳозларни, интеллектуал товарлар ҳиссасини ошириб боришни талаб этади.

3. Жаҳон бозорига чиқишни анъанавий ва мавжуд иқтисодиёт имкон берадиган товарлардан бошлаб, аста-секин янги хил товарларга ўтиш энг самарали йўлдир.

4. Янги ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш, буларнинг ичида бутун халқ хўжалигини қайта тузиш учун ёрдам берадиган тармоқларни устуворлик билан ривожлантиришни таъминлаш жаҳон меҳнат тақсимотида таъсирли ўринни эгаллаш учун асос солиши мумкин.

5. Жаҳон бозорида фаол қатнашувда импортнинг ўрни катта бўлиб, у тўлиғича республика манфаатидан келиб чиқиши зарур. Бу соҳада импорт билан бирга чет мамлакатлар билан бирлашма тадбиркорлик фаолиятининг мамлакатимизда кенгайиши жуда аҳамиятли ва истиқболли иқтисодиёт асосларидандир.

МАВЗУ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ ВА САВОЛЛАР

1. Ўзбекистоннинг халқаро меҳнат тақсимотидаги истиқболли ўринни қандай тушунасиз?

2. Ўзбекистонда жаҳон меҳнат тақсимотида маълум таъсирли ўринга эга бўлишнинг йўлларини, усулларини тушунтириб беринг.

3. Жаҳон бозорига чиқишнинг Ўзбекистон учун ҳозирги замон усулларини айта оласизми, улар қайсилар?

4. Жаҳон меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг ўринини таъминлаш йўналишидаги халқ хўжалиги тармоқларининг ролини тушунтириб беринг.

ХVII. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Жамият тараққиёти натижасида инсониятнинг буюк бойлигига айланган бозор иқтисодиёти ўзининг катта-катта устунликларига қарамай, иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳаларига камукўстсиз жавоб беради ва ўзининг ҳаракати туфайли ҳамма иқтисодий муаммоларни тўлиғича ҳал қилиб беради, деб бўлмайди. Унинг объектив ҳаракатини субъективлилик билан тўлдириб боришлик зарурияти туғилади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЗАРУРИЯТИ

Адам Смит давридан бошлаб, давлат ва хусусий секторларнинг иқтисодиётдаги аҳамияти ва роллари тўғрисида жуда кўп назарий тортишувлар, турли фикрлар мавжуддир. Бир томондан, хусусий секторнинг тўла мувозанатлилиги ва самарадорлиги кўкларга кўтарилса, иккинчи томондан, давлатнинг аксинча самарасиз ва номувозанатлилигини исботлашга уринилган. Бундай ҳолатда ишлаб

чиқарилган товарларни фақат ҳуқуқ ва қонунга итоат этган тарздаги эркин айрибошлаш ва тақсимот ҳукмронлиги ҳимоя қилинган. Давлат аралашуви айрим товарлар, яъни умумий истеъмолга аталган товарлар бўйича сақланиши тўғрисида гапирилган. Бундай бозор иқтисодиёти эплай олмайдиган товарлар тўрт хил деб кўрсатилади: 1. Ўз табиати бўйича умумий бўлган ва биттама-битта истеъмол этишнинг имкони бўлмаган товарлар. Бунга, айниқса мудофаа товарларини киритиш мумкин. 2. Мулк ва товарга айлантириш мумкин бўлмаган бойликлар, айтайлик, тоза ҳаво, қайсики ҳимояга муҳтож. 3. Харидори йўқ бўлган товарлар ҳам бўлиб, кундалик товарлар истеъмолдан маҳрум бўлган жамият аъзоларининг бир қисми, айтайлик ишсизлар. 4. Баҳоси монополия ихтиёрида бўлган товарлар.

Бу соҳаларда бозор заифлик қилади ва самарадорликни таъминлаш учун давлатни ёрдамга чақиритиш зарурияти туғилишини англатади. Умуман, бозорни тартибга солиш зарурми, деган савол туғилади. Бунга жавоб берган ҳолда, давлатнинг беш иқтисодий фаолияти йўналишини кўрсатиш мумкин: 1. Жамиятнинг хавфсизлигини таъминлаш (мудофаа, экологик, иқтисодий, генетик кабилар). 2. Моддий бойликлар ва даромадларнинг қайта тақсимланиши йўли билан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш. 3. Давлат бюджетининг даромади ва харажати ёрдамида давлат сектори орқали иқтисодиётга таъсир этиш. 4. Вақти-вақти билан иқтисодиётнинг самарали фаолиятини оширишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш кераклиги. Бу айниқса монополияга қарши ва рақобатни қўллашга қаратилиб, иқтисодий тизимни яхшиловчи ислоҳот мазмунига эга бўлади. 5. Иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш ва тартибга солиш.

Ҳозирги даврда инсоннинг ҳаётий ҳуқуқи жамият томонидан таъминланиши зарур шарт ҳисобланиб, ишлаб чиқариш омиллари мавжудлиги, хўжалик фаолияти шакллари ва натижаларидан қатъи назар, инсоннинг мавжуд стандартга лойиқ фаровонлиги, арзигулик яшаш ҳуқуқи кафолатланиши талаб этилади. Бу цивилизация даражасидан келиб чиқади ва жамият тараққиётининг нормал ҳоллари ҳисобланади. Албатта буни бозор иқтисодиётининг ўзи бажара олмайди. Шунинг учун эркин бозор қонунлари асосида даромад тақсимланиши ҳаққонийлиги умумин-

соний нуқтаи назардан ноҳақлик эканлигини исботлаш учун кўп вақт талаб этилган. Маълумки, марксистлар учун бу ўз вақтида катта қурол бўлиб, бозор тизимини синдириш ва йўқ қилиш мақсадида фойдаланилган эди. Вақт ўтиши билан давлатнинг иқтисодий вазифалари кенгайиб, у даромадларни қайта тақсимлашда фаол қатнаша бошлади.

Бозор иқтисоди тизимида ишлашни истайдиганларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқининг тўла таъминланишини кутиб бўлмайди. Давлатнинг бунга ҳам аралашishi, ишсизликни пасайтириш чораларини қўллаши талаб этилади. Шу билан бирга уларнинг даромадини кафолатлаш, минимал чегарасини белгилаш зарурияти туғилади.

Яна шундай муҳим томонлар борки, масалан, мураккаб минтақавий муаммолар мавжудлиги, булар тарихий, миллий, демографик ва бошқа хил нобозор омиллари таъсирида юзага келади. Бу муаммоларни фақат давлат ечиши мумкин. Маълумки, миллий ва халқаро даражадаги муаммоларни давлат томонидан ҳал қилиб бориш жаҳон иқтисодиётининг соғлом тараққиётининг шарти ҳисобланади. Буларга ташқи савдо сиёсати, капитал ва иш кучининг халқаро миқёсдаги силжиши, валюта курсига таъсир кўрсатиш ва бошқа кўп нарсалар киради.

Бозор иқтисодиёти монополизм, инфляция, умумий иқтисодий фаолият пасайishi кабиларга қарши курашиш қобилиятига эга эмас. Бозор ўз ички резервлари билан буларнинг олдини ололмайди, давлатнинг ташаббуси талаб этилади.

Жамият хавфсизлигини таъминлаш, яъни миллий мудофаа, экологик, иқтисодий ва генетик хавфсизликларни таъминлаш фақат давлат томонидан ижро этилишини исботлашнинг ҳожати йўқ.

Бу қайд қилинганлар шуни кўрсатадики, жамиятдаги мувозанатни таъминлаш учун бозор иқтисодиёти тартибга солишга муҳтож ва давлатнинг ўз фаолияти билан бозор иқтисодиётининг ўзини-ўзи бошқариш, ҳаракатланиш ва ривожланиш фаолиятларини тўлдириб бориши заруриятга айланганлиги ҳеч қандай исботни талаб қилмайди. Давлатнинг иқтисодий ҳаракати, бозор иқтисодини тартибга солиб бориши соҳасида ривож топган мамлакатларда жуда кўп тажриба орттирилган. Соф бозор иқтисодиёти аллақачонлардан бери йўқ, у аралаш иқтисодиётга айланган. Иқтисодиётни программалаш,

планлаштириш, истиқболли тараққиётни таъминлаш, устувор тармоқлар тизимини белгилаш, эски тармоқларни янгилаш ва янгиларини барпо қилиш кабилар давлат иқтисодий фаолиятига боғлиқдир.

Албатта бозор эркин ҳаракати билан давлатнинг иқтисодий фаолияти ўртасидаги мувозанат қонунийдир ва давлатнинг тартибга солиш фаолиятининг самарали оқибати мавжуддир.

Бу борада шунга эътибор бериш керакки, давлат ўзига ажратилган иқтисодий вазифаларнигина бажариши ва ундан чеккага чиқмаслиги зарур. Акс ҳолда бозор механизмларига путур етказилиб, унинг ҳаракатлари сустлаштирилади, иқтисодий бузилишлар рўй беради, яъни бозор жараёнлари издан чиқиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайиши ва барибир орқага қайтиши жараёни, нодавлатлаштириш зарурияти туғилади. Бунинг учун 70-йиллардаги етакчи мамлакатлардаги инфляция, ишсизлик, иқтисодий номувозанатлик ҳолларини мисол келтириш мумкин. Бу давлатнинг ортиқча иқтисодий ҳаракатлари натижаси бўлиб, бунинг олдини олиш натижасида нормал тараққиёт йўлига ўтилган эди.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги ва унга ўтиш давридаги давлатнинг иқтисодий фаолияти ва тартибга солиш вазифасининг бажарилиши бир-биридан фарқланади. Бозор иқтисодиётини шакллантириш даврида давлат фаолияти анча мураккаблашади, чунки бозорни яратиш билан боғлиқ бўлган алоҳида вазифалар ҳам қўшилади. Булар турли мулклилиқни яратиш, давлат мулкани хусусийлаштириш, рақобат шароитини яратиш, кучли инфляциянинг олдини олиб бориш, тадбиркорликни жонлантириш, халқ хўжалиги тузилишини бозорга мослаб ўзгартириш ва ҳоказолардан иборатдир.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ БАЪЗИ ТАЖРИБАЛАР

Бозор иқтисодиётини тартибга солиш аввало инсон иқтисодий фаолияти самарадорлигини тўла меъёрга етказиб бориш ва сўнгра бозор иқтисодиёти нуқсонлари, салбий оқибатларининг олдини олиб бориш билан боғлангандир.

Маълумки, табиий ва меҳнат ресурсларидан қанчалик юқори даражада фойдаланилса, иқтисодиётнинг муваф-

фақияти инсон истеъмоли ва умуман, унинг турмуш даражаси шунча юқори бўлишининг моддий асоси яратилади.

Айниқса, ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, улардан жуда оқилона фойдаланиш зарурлиги талаб қилинади. Шу билан бирга саноат фаолиятининг бебошлиги оқибатлари, табиий бойликлар, қазилма бойликларга нисбатан лоқайдлик оқибатлари, ердан пала-партиш фойдаланиш кабилар катта-катта экологик муаммоларни яратмоқда.

Бундан ташқари бозор иқтисодиёти табиатидан келиб чиқадиган бир қанча салбий оқибатлар мавжуд. Стихияли рақобат оқибатлари, инфляция каби ҳолатлар инсон манфаатига салбий таъсир кўрсатади. Бу ва буларга ўхшаган бозор оқибати унга тўғри ёндашув, буларнинг олдини олиш, бозор тараққиётининг тўғри йўналишини таъминлаш, инсоннинг манфаатдорлигини ошириб бориш онгли фаолиятни талаб этадики, бозор иқтисодиёти тараққиётини ўз ҳолига қўйиб, бепарқ бўлиш инсон табиатига тўғри келмайди.

Бозор иқтисодиётининг тартибга солишга муҳтожлиги унинг тараққиёт даражасининг юқорилашуви сари тезлашади. Жамият бу талабни амалга ошириш имкониятларини яратиб боради. Масалан, жамият ўзи яратган давлатдан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари турли ижтимоий ташкилотлар, фондлар, айниқса халқаро миқёсдаги ташкилотлар, чунончи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг махсус органлари бу жабҳада катта ўрин эгаллаши мумкин.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар бу соҳада катта ишларни амалга ошириб, тажрибаларини умумлаштириш имконини юзага келтирганлар. Айниқса, АҚШ, Япония, Германия, Англия каби йирик мамлакатлар ва Голландия, Дания, Швеция, Корея Республикаси каби мамлакатларнинг бозор иқтисодиётини тартибга солиш соҳасидаги бой тажрибалари таҳсинга сазовордир.

Буларнинг барчасидаги замонавий ишлаб чиқариш структураси, бундаги илм сифимли саноат, янги технология асосидаги ишлаб чиқаришни барпо этишда, даромадларни қайта тақсимлашнинг энг маъқул усулларини қўллашда давлатнинг роли жуда юқори бўлган. Чунки мамлакат иқтисодиётининг умумий ҳолатида давлат ташаббуси каттадир.

Табиий бойликлардан фойдаланиш, экология муаммоларини ҳал қилиб бориш соҳасида эришилган муваффақиятлар цивилизация намуналарига айланиб бормоқда. Моддий харажатларни камайтириш, янги энергия манбаларини топиш, атроф муҳитни асраш соҳаларида янги технологик ишланмаларни қўллаш, чиқитсиз ишлаб чиқаришни кенгайтириш соҳасидаги техник янгиликлар кўпроқ қўлланмоқда.

Бир вақтлари саноат ташландиқлари билан ифлосланган Америка шимолидаги йирик қўллар ҳозир тоза, деярли эски табиий ҳолига келтирилган. АҚШда бир қанча нефть қудуқлари ёпилиб, келаси авлод учун сақланмоқда. Саноат корхоналари экологик талабга жавоб бермагунча унинг ишга тушиши тақиқланади. Автомобилларни нефть маҳсулоти ёқилғисидан электр қувватига ўтказиш устида катта ишлар олиб борилмоқда. Борган сари экологик тоза зоналар кўпаймоқда. Фарбий Оврўпода ҳам бу соҳада бир қатор ишлар амалга оширилган. Илгари жуда ифлос, саноат чиқиндилари билан заҳарланган Рейн дарёси ҳавзаси ва унинг атрофида анча фойдали ишлар амалга оширилган.

Ҳудуди кичик, лекин саноати ривожланган, корхоналари жуда кўп бўлган Японияда экологик муаммо кучли эмас, чунки у жаҳонда технология нуқтаи назаридан энг илғор мамлакат ҳисобланади. Мамлакатда келажак техника ва ишлаб чиқариш устида кўп ишлар қилинган, иқтисодий истиқбол муаммолари соҳасида режалар тузилмоқда.

Инсоннинг тақдирий масалаларидан бўлган аҳоли нуфузи, унинг яқин келажаги, таъминоти, айниқса озиқ-овқат муаммоси каби масалаларга жаҳон жамоатчилиги ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан кўпроқ эътибор берилмоқда.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат аҳлига муносабатнинг яхши томонга ўзгариши жуда фойдалидир. Бу соҳада ҳам анча муваффақиятлар мавжуд. Меҳнатни тежаш, унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳозирги илғор ишлаб чиқаришнинг хусусиятларидандир.

Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишда бўлиши соҳасидаги орттирилган тажрибалар ҳам аҳамиятлидир. Чунки бу инсон манфаати билан боғлиқ бўлиб, унинг турмуш даражасига таъсир кўрсатувчи омилдир. Бозор иқтисодиётига мос нафақа тизимини яратиш ва унинг доимо такомил-

лашиб бориши, ишсизликнинг олдини олиш ва оқибатларини юмшатиш чоралари албатта инсон манфаатидан келиб чиқади.

Таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиёти эркин ҳаракатларни истайди ва унга аралашув албатта акс ҳолатдир. Шунинг учун ҳам тартибга солиш ва бозор иқтисодиёти ҳаракатлари ўртасида мослашув, зарурий мувозанатнинг таъминланиши талаб этилади. Чунки булар бир-бирини инкор этмай, тўлдириб бориши ва умуман иқтисодиёт тараққиёти тезлашуви ҳамда инсон манфаати тўла эътиборга олинishi керак. Тартибга солиш билан боғлиқ давлат ва жамоа уюшмалари фаолияти бозор иқтисодиёти салбий оқибатларини баргараф этиш ва олдини олишга қаратилиб, унинг самарадорлигини орттириш томон йўналтирилиши талаб этилади.

Бозор иқтисодиётини тартибга солиш усуллари, механизмлари қуйидагилардан иборат: ҳуқуқий-маъмурий усуллар (қонунлар, қарор ва фармонлар); план ва дастурлар, иқтисодий механизмлар (контракт, бюджет, солиқ тизими, субсидия, баҳо, кредит). Бу усуллар ҳам бир-бирини тўлдириб, умумий манфаатли натижага қаратилган бўлиши керак.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ МАЪМУРИЙ УСУЛЛАР

Бозорни тартиблаштиришда қўл келадиган бир қанча маъмурий усуллар бўлиб, уларнинг қўлланилишидаги асосий йўналишларни кўриб чиқайлик. **Биринчиси**, бозорларда монопольликка қарши қўлланиладиган усуллар бўлиб, бунда монопольяларнинг иқтисодиётга келтирадиган зарарларини инобатга олган ҳолда қўлланувчи таъсирли чоралар талаб этилади. Чунки бунинг ўз вақтида олди олинмаса монопольистнинг иқтисодиётдаги ноҳўй ҳаракатлари бозор ҳўжалигининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун бу ерда асосан тўғридан-тўғри маъмурий тартибга солиш қўл келади. Ҳатто баҳоларга аралашуш, рентабелликнинг пировард даражаларини белгилаш кабиларни ҳам қўллаш мумкин бўлади. **Иккинчиси**, бозор жараёнининг ташқи таъсирларини олсак, иқтисодий усуллар етарли бўлмай, ўз самарасини бермаслиги мумкин. Айтайлик, ўрмон, ер сифати, қўл кабиларни бутунлай вайрон қилинса уларни пул ёки

моддий тадбирлар билан тиклаб бўлмайди. Масалан, бизнинг худудимиздаги Орол муаммосини олсак, бунда жуда кеч қолинди, энди уни асл ҳолига келтиришнинг иложи йўқ. Бундай ҳоллар бўлмаслиги учун кескин тартибга солишнинг маъмурий усуллари, яъни чегаралаш, ҳатто таъқиқлаш кабилар қўлланилади. Бусиз табиатни сақлаш, аҳолини экологик ҳимоялашни таъминлаш мумкин эмас. **Учинчиси**, экологиядан ташқари бир қанча миллий стандартлардан иборат бўлиб, буларни ишлаб чиқариш ва қаттиқ назорат ўрнатиш йўли билан ижросини таъминлашдир. **Тўртинчиси**, бевосита инсон ҳаёти билан боғланиб, унинг минимал ҳаётий параметрларини таъминлаш. Чунки бундан пасти очлик ва гадойликка олиб келиши мумкин. Бу ишсизлик нафақаси, кўп болали оилалар таъминоти, иш ҳақининг паст даражасини белгилаш кабилар. **Бешинчиси**, жаҳон хўжалик алоқаларида миллий манфаатларни ҳимоялаш, яъни экспорт лицензияси, давлат томонидан капитал импортининг назорати кабилар. **Олтинчиси**, давлат сектори корхоналарига нисбатан маъмурий элементларни эътиборга олувчи мақсадли дастурларни амалга оширишдан иборат.

Кўриниб турибдики, маъмурий усуллар қўлланиладиган иқтисодий муҳит жуда кенг. Булар аллақачон бозор иқтисоди ривож этган мамлакатларда хўжаликларнинг ажратиб бўлмайдиган қисмларига айланиб кетган ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда аҳоли фаровонлигининг ўсишига ҳеч ҳалақит бераётгани йўқ. Жаҳон тажрибаси маъмуриятчилик ўз-ўзидан зарар келтирмаслигини гап унинг иқтисодий асосланишидалигини кўрсатиб турибди. Буни инкор этиш ҳозирги замон бозор иқтисодиётини тушуна олмасликдан бошқа нарса эмас.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида демократик тизимнинг таркиби бўлган ҳуқуқий-қонуний ҳокимият ҳам мавжуд бўлиб, жамият тараққиёти ўз ички қонуниятлари билан бирга ҳуқуқий қонунлар асосида амалга ошади. Бу ўтиш даврида ўта аҳамиятли бўлиб, айниқса биз учун жуда зарурдир. Шунга кўра бозор муносабатларига ўтиш аввало ҳуқуқий муҳитнинг яратилишини талаб этади. Ҳуқуқий муҳит қонунлар, фармон, қарор, қўлланилган орқали ва уларнинг бажарилиши билан юзага келади. Бунда қонун чиқарувчи ва ижросини таъминловчи органларнинг аҳамияти каттадир. Ўзбекистонда бозор шакл-

ланишини олсак, Олий Мажлис, Президент, Ҳукумат, Адлия органларининг фаолияти туфайли, умуман айтганда, бозор муносабатларига ўтиш ва уни ривожлантириш учун ҳуқуқий муҳит яратилди.

Яхши қонунлар мавжуд бўлиши мумкин, лекин уларнинг таъсири бўлмаса, барибир ўзгариш бўлмайди. Бу қонунлар “ишлаши”, яъни уларнинг ижроси талаб этилади.

Республикамизда бозор муносабатларига ўтишга тааллуқли бир қанча қонунлар яратилиб, улар бу жараёни меъёрий ҳолатда амалга ошишида ўз ўринларини топмоқда. Буларнинг ичида 1992 йилнинг декабрида ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул этилган Конституциямиз, мулк тўғрисидаги, хусусий мулк, кооперативлар, тадбиркорлик, корхоналар, давлат мулкани хусусийлаштириш қонунлари ва бошқа қонунларнинг ижросига қаратилган бир қанча фармон ва қарорлар ҳам жуда эътиборлидир.

Масалан, Конституцияда асосий иқтисодий тизим бозор муносабатлари, деб тан олинади. Иқтисодиёт асоси бўлган мулкчилик шакллари қайд қилинади. Масалан, 53-моддада “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир”¹, — дейилади.

Конституция асосий қонунлар мажмуаси бўлиб, бошқа қонунларда бу конкретлашади. Масалан, мулк тўғрисидаги қонунда унинг шакллари, мулкдан фойдаланиш, уни эркин тасарруф этиш каби муҳим томонлари аниқланади. Мулкдор ўз мулкига хоҳишicha эгалик қилиши мумкин. Лекин бунда экологик муҳитга, фуқаро, давлат манфаатларига зарар келтирмаслиги қайд қилинади. Шу билан бирга ер, сув, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиий захиралар миллий бойлик ҳисобланиб, улар давлат муҳофазасида бўлади.

Бозор иқтисодиёти учун хусусий мулк тўғрисидаги қонун катта роль ўйнайди. Чунки бизнинг ўтмишимиз ва ҳозирги шароитимизда унинг яратилиши ҳамда цивилизацияли даражада ундан фойдаланиш жуда аҳамиятлидир. Ҳақиқатан бу муҳим вазифанинг ҳуқуқий томони қонун-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Ўзбекистон” 1992, 18—19-бетлар.

да ўз аксини топади. Ижтимоий мулк ҳукмронлигига барҳам бериш ва хусусий мулк асослигини таъминлаш жуда қийин кўчиши мумкин. Чунки бу фақат иқтисодий масала бўлмай, кенг психологик масала ҳамдир ва одамларнинг бунга руҳий тайёр бўлишлари катта ўрин эгаллайди. Ахир 70 йилдан кўпроқ вақт ичида хусусий мулкка қарши курашиб келинган, хусусий мулкдорлар жамиятга ҳос бўлмаган шахс деб тан олинган, улар таъқибланган, бир неча авлод фақат ижтимоий мулк руҳида вояга етган. Энди бунинг аксини амалга ошириш керак, хусусий мулкнинг устунлиги, бозор иқтисодиёти учун зарурлигини инсонлар онгига синдириш зарур. Бусиз ижтимоий мулк ҳукмронлигидан хусусий мулк ҳукмронлигига ўтишни таъминлаш осон кўчмайди.

Маълумки, тадбиркорлик бозорни юзага келтиради. Уни пайдо қилиш ҳам жуда мураккаб нарса. Бу бир томондан, алоҳида хусусиятли фаолларни шакллантириш бўлса, иккинчи томондан, буларга ва буларнинг фаолиятига кўпчиликнинг кўникишини таъминлаш, муҳофаза этиш, ҳар томонлама ёрдам бериш муҳитини яратиш керак. Бундай жараёнда бу қонун амалиётининг таъсири катта.

Корхоналар тўғрисидаги қонунни олсак, бунда уларнинг фаолияти бозорча мазмунда бўлиши, бунинг учун зарур шароитлар яратиш, ҳақиқатан ҳам бу жараёни қонунлаштириш ва оддий талаб ҳолатига айлантириш кабилар ўрин олиб, бу ўта муҳим масалани қонунсиз ва унинг ҳаракатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бозор иқтисодиёти шароитига қаратилган бошқа қонунлар ҳам шундай аҳамиятлидир.

Қонунларни яратиш ва ижросини таъминлаш соҳасидаги қилинаётган ишлар бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий муҳитини яратиб, нобозор муносабатларининг олдини олишга катта шароит яратмоқдаки, бунда биз давлатимизнинг бу соҳадаги ташаббускорлиги, бошчилигини яққол кўрамыз.

БОЗОРНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ИҚТИСОДИЙ УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги иккинчи томон — бу иқтисодий механизмлардан фойдаланишдир. Бу ўз мавқеи, ҳажми бўйича асосий усул бўлиб ҳисобланадики, бунда маъмурий-ҳуқуқий муҳитнинг ҳам ўрни ва роли кат-

та ҳамда у ўз таъсир-эътибори бўйича иқтисодий механизмларни тўлдириб келади.

Иқтисодий механизмлар иқтисодиёт ҳаракатига ички куч сифатида таъсир этади, унинг таркибий қисмига айланиб кетади. Бундай механизмларнинг энг муҳимлари солиқлар тизими, субсидия, бож ҳақи, лицензия, иқтисодий имтиёзлар, давлат контрактлари кабилардир.

Солиқ умуман, давлат дастаги. Чунки у аввало давлат бюджет манбаи бўлиб, умумий ва асосан ижтимоий харажатлар шунинг ҳисобига амалга ошади. Шунинг учун у бозор тизими, усулидан қатъи назар мавжуд бўлиши керак. Лекин ривож топган бозор муносабатлари шароитида шу билан бирга тартибга солишнинг катта дастаги ёки қуроли бўлиб ҳам хизмат қилади.

Солиқлар асосан бозор муносабатларининг авж олиши, шундай иқтисодиётнинг шаклланиб, ривожлана боришига имкон туғдириши керак. Солиқларнинг тартибга солиш усули вазифасини бажариши унинг даражасининг ўзгариши ва бу ўзгариш мақсадли бўлиши орқали амалга ошади. Маълумки, солиқ даражаси кўтарилса корхона даромадини пасайтиради. Аксинча паст бўлса корхона даромадини кўпайтиради ва унинг иқтисодий аҳолини яхшилайтиди. Мана шу мазмундаги ҳаракат корхоналарни қўллаш ёки қўлланмасликда катта ёрдам беради. Айтайлик, қандайдир корхонани, тармоқни қўллаш керак бўлса, яъни унинг тезроқ ривожланишини таъминлаш зарур бўлса, солиқ миқдори, даражаси пасайтирилади ёки маълум вақтгача солиқдан озод қилинади, бу тўғридан-тўғри корхона, тармоқлар сармоёси ҳажмида ўз аксини топади.

Агарда тараққий этиш маъқул бўлмаган, фаолиятини қисқартириш талаб этиладиган корхоналар бўлса, уларда солиқ ҳажмини ошириш зарурияти туғилади. Бу эса, уларнинг нормал ҳаракати ва ривожига таъсир этади. Зарарли, аҳоли манфаатига акс таъсир этувчи иқтисодий фаолият қаттиқ ва кучли солиқ орқали заифлашади. Бу халқ истеъмоларида кам ўрин эгаллаши керак бўлган моллар ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади.

Солиқ солишда структуравий ёндашув жуда аҳамиятлидир. Тезлашган амортизация ва шу туфайли модернизация йўналишини қўллаш ҳам самаралидир. Чунки бунда солиқни қисқартириш билан амортизация муҳлатини

қисқартириш усули мавжуд бўлади. Амортизация муҳлатининг қисқартирилиши уни ривожлантиради. Бу эса, дастгоҳларни янгилаш, янги технологияга ўтишни тезлаштиради, бу бевосита ишлаб чиқаришни янгилаш билан боғлиқ.

Солиқ механизми шундай етакчи механизмки, у жуда таъсирчан бўлиб, корхоналар, тармоқлар иқтисодий ҳолатини тез ўзгартиришда қўл келади. Шунга кўра бозор муносабатлари шароитида солиқнинг самарали бўлиши, бозор талабларига мос келиши унинг тизимини яратиш ва бу тизим доимо бозор шароитини, ҳолатини ўзида акс этиб бориши керак. Унинг хиллари ва шакллари кўп бўлиб, шароит ва талабга қараб тез ўзгарадиган ҳамда мослаша оладиган бўлиши талаб қилинади. Бу ҳақиқатан ҳам бозор иқтисодиётининг солиқ тизими бўлиши керак. Бу тизим давлат манфаатини таъминлаш ва бюджетни тўла шаклланиши билан бирга бозор иқтисодиётини тартибга солиш қуроли бўла олиши, шу билан бирга ўзига юкланган вазифадаги жазолаш ва тақдирлаш механизми бўлиши керак.

Бозор иқтисодиётини тартибга солишда **кредитдан** ҳам фойдаланилади. Бунда марказий банк кредитини эътиборга олиш керак. Юқорида айтганимиздек, пул давлат ихтиёрида бўлиб, у орқали ҳам бозорга таъсир ўтказилади.

Кейинги бу соҳадаги механизмлардан бири давлат **контракти** асосидаги савдодир. Бозор иқтисодиётига ўтишда умуман бу механизмнинг роли катта. Ўзбекистон шароитида у алоҳида аҳамият касб этади. Бу давлатнинг муҳим роли билан, шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиёти хусусияти, яъни техник экинлар, саноат хом ашёлари бўлмиш пахтачилик, пиллачилик, қорақўлчилик, тамакичиликнинг салмоғи билан ҳам белгиланади. Шундай ҳолатни ғаллачилик, боғдорчилик, мева ва сабзавотчилик устида ҳам айтиш мумкин.

Бу тармоқларнинг маҳсулотларида давлат харидининг ўрни катта. Айниқса, бу пахтачиликда жуда сезиларлидир. Маълумки, етиштириладиган пахта харид қилинади ва давлат корхоналарида қайта ишланади. Пахта заводлари ҳозирча давлат қўлидадир. Шунингдек, тўқимачилик, тикувчилик тармоқлари ҳам ҳозирги вақтда асосан давлат ихтиёрида, унинг тасарруфидан чиққанича йўқ. Хусусийлашганида ҳам давлат ҳиссаси кам бўлмайди. Шу-

нинг учун ҳам бу механизмдан кенг ва оқилона фойдаланиш, унинг маъқул усул ва шаклларини юзага келтириш ҳамда самарали фойдаланиш талаб этиладики, ўтиш даврида унинг ўрни катта.

Давлат харидида имтиёзли шароитлар яратиш, давлат томонидан кўрсатиладиган ёрдамларни зарур хўжаликларни қўллаш учун ишлатиш мақсадга мувофиқдир. Бора-бора харид қилиш шароитларини эркин бозорга яқинлаштириб бориш, ҳатто ундан ҳам яхши шароитлар яратиш корхоналарни рағбатлантиради ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ундайди. Чунки давлат харидининг ҳар томонлама устунликка эга бўлиши хўжалик фаолиятларининг авж олишини қўллайди, иқтисодий ва руҳий ҳолатининг кўтарилишига тўғри таъсир этади.

Давлат буюртмаси механизмидан иқтисодиётни тартибга солишда фойдаланиш борган сари ихтиёрийлик асосини сингдириб бориш, маъмуриятчилик, мажбурийликдан воз кечиб бориш бозор иқтисодиёти учун хизмат қилади. Бу механизм ўзининг умумийлик хусусияти билан хусусийлигини ҳам кенгайтириб бориши керак. Бу давлат буюртмалари амалиётда ҳар бир корхоналарга, хўжаликларга алоҳида ёндашувни кенгайтириб бориши мақсадга мувофиқлигини англатади. Ҳар бир хўжалик учун имкони борича ишлаб чиқариш шароитларига қараб баҳо белгилаш аҳамиятли бўлиб, бу уларнинг фаолиятига самарали таъсир кўрсатади.

Кейинги вақтларда кенгайиб бораётган хўжаликлар ихтиёрида қоладиган маҳсулот қисмининг ортиб бориши давлат хариди ҳажмини белгилашга боғлиқ бўлиб, четга маҳсулот чиқариш, унинг ҳисобига техника ва бошқа зарур нарсалар олишдаги тижоратни кенгайтирмоқда. Бундай шароитда давлат буюртмаси ўзининг афзалликларини кўрсатиб бориши керак.

Давлат хариди **контракт тизими** асосида амалга ошиб, тармоқлараро алоқаларда таъсирлидир, у айти вақтда марказлашган тарздаги тартибга солишнинг ташкилий маркази сифатида юзага чиқиши мумкин. Унинг амалийлиги, таъсирчанлиги кўпчилик бозор иқтисодиётли мамлакатлар тажрибасида яққол кўринади. Давлат хавфсизлиги, мудофаа учун қурол-аслаҳалар ва бошқа ижтимоий талаблар учун товар ва хизматлар сотиб олиш бу соҳадаги имкониятларни кенгайтиради. Бу иқтисодий ривожланиш-

нинг омилларидан бўлиб, технологик занжир хизматини бажаради ва бир қанча фирма, компанияларни ўз ичига олади ва халқ хўжалиги комплексига таъсир ўтказади.

Контракт тизимнинг таъсирини ошириш фақат тайёр маҳсулотлар хариди билан чекланмай, комплекс талабларни ҳисобга олган ҳолда уларнинг ривожий йўналишини белгилаши талаб қилинади. Давлат буюртмалари планли равишда олиб борилиб, илмий изланишлар, тажриба-конструкторлик ишлари кабиларни ўз ичига олиши ва янги ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришлар билан биргаликда олиб борилиши юқори унум беради. Демак, контракт тизимининг оёққа туриши учун иш унинг ижрочи органларининг иқтисодий ва молиявий прогноз ҳамда планлаштириш органлари билан биргаликдаги ҳаракатлари асосида олиб борилиши керак. Шунда у мамлакат хўжалик ҳаётида давлат таъсирининг етакчи қисмига айланади.

Бундан ташқари, айниқса ўтиш даврида аҳамиятли бўлган ижтимоий вазифалардан бири ишчилар бандлигини таъминлайдиган корхоналарни бозор ихтиёрига тўла ташлаб қўймай, уларни сақлаб туриш чораларини қўлашдир. Чунки улар иш ўринлари билан таъминловчи ижтимоий вазифалари мавжуд бўлган корхоналардир. Айтайлик, иқтисодий ривож топган мамлакатларда шундай корхоналар комплекси бўлиб, улар давлат бюджетининг дотацияси ҳисобига махсус органлар ташкил этилиб бошқарилади. Бундай корхоналар турли тармоқларга мансуб бўлганлиги туфайли, улар бевосита ҳар томонлама давлат томонидан бошқарилиши талаб этилади.

Кейинги бу соҳадаги иқтисодий механизм **баҳодир**. Юқорида таъкидлаганимиздек, баҳо талаб ва таклиф мувозанати натижаси бўлиб, рақобат кураши туфайли эркин ҳолда баҳонинг юзага келишигина ҳақиқий бозор мазмунини ташкил этади. Бу абсолют (мутлақ) ҳолат бўлмай, бу жараёнда давлат ҳам иштирок этиши ва баҳодан умуман иқтисодиётда тартибга солиш қуроли сифатида фойдаланиш зарурияти туғилади. Бу асосан давлат контракт тизимига тааллуқлидир. Шу билан бирга инфляцияга қарши чораларда ҳам баҳо ишлатилиши мумкин (баҳолар даражасини ушлаб туриш, иш ҳақи даражасини сақлаш).

Давлат баҳосининг таъсири, айниқса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харидида кучлидир. Ўзбекистонда хўжалик-

лар, пахтакор хўжаликларнинг иқтисодий ҳолати аввало мана шу харид нархларига боғлиқдир. Агар харид нархи паст бўлса хўжаликлар даромади камайиб, улар ночор аҳволда бўлади, харид нархи юқори бўлса, даромад ҳам юқори бўлиб, хўжалик равнақи учун яхши шароит яратилади.

Демак, баҳо даражаси хўжаликларга манфаатли таъсир кўрсатиб, мақсадларни амалга оширишда хизмат қилади. Давлат харид нархларининг бозор ҳолига қараб ўзгариб бориши, айниқса кейинги йилларда пахта ва ғалла харид баҳоларининг кўтарилиши бу хўжаликларнинг фаолиятини рағбатлантиришда катта ўрин эгаллайди. Ғалла мустақиллиги муаммосини ҳал қилишда ва бу тармоқни кенгайтиришда юқори харид баҳоларини белгилаш яхши самара берди. Республикада ғалла майдонлари кенгайиб, уни етиштириш тезлик билан кўпаймоқда. Пахтакорликда ҳам катта-катта сифат ўзгаришлари юз бермоқдаки, бунда ҳам иқтисодий рағбатлантириш вазифасини бажараётган баҳо механизмнинг ўрни катта.

Бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлат **субсидияси** қўлланилади. Бу тадбиркорларга ёрдам шаклида бўлиб, янги технологияни жорий этиш, экологик мувозанатни сақлаш, фундаментал илмий ишлар, товарларни зарурий сақлаш кабилар учун сарф этилади. Субсидия давлат бюджетидан бериладиган мақсадли маблағ бўлиб, у қайтарилмайди.

Бозор иқтисодиётини тартибга солишда **бож ҳақи ва лицензия** каби механизмлар аҳамияти ўсиб бормоқда. Булар асосан чет мамлакатлар билан бўладиган ва кундан-кунга ўсиб бораётган иқтисодий алоқаларда қўлланилмоқда. Чет мамлакатлардан мол олиш ва иқтисодиётимиз учун зарур алоқаларни ўрнатишда бож механизми рағбатлантириш ёки йўл тўсиш қуроли сифатида хизмат қилади. Керакли зарурий шароитда бож ҳақи даражаси пасайтирилиб, йўл очилади ёки аксинча ҳолда бож ҳақи даражаси кўтарилиб, йўл бекитилади. Кўриниб турибдики, мамлакатимизга зарур товар, асбоб-ускуналарни четдан олиб келиш, чет савдогарларнинг фаолиятини тартибга солишда замонавий ва бозор талабидан келиб чиқадиган бож ҳақи тизимининг қўлланилиши ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда катта ўрин эгаллайди.

Лицензияни олсак, бу четга мол чиқаришни рағбатлантириш ёки акс таъсир кўрсатишда ижобий роль ўйнайди. Четга

маҳсулот чиқариш, айниқса, тайёр маҳсулотлар чиқаришни ҳуқуқлантиришда кенг қўлланилади. Аввало юқори сифатли маҳсулот етиштириш, жаҳон стандарти даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда бу механизм жуда қўл келади. Чунки биринчи навбатда, лицензия четга маҳсулот чиқариш имконига эга бўлган корхоналарга берилиб, бошқаларни шу даражада бўлишига даъват этади.

Четга мол чиқаришни кўпайтириш барча афзалликлар билан бирга валюта муаммосини ҳал қилишда аҳамиятлидир. Мамлакатимиз ҳозирги ўтиш даврида, инвестицияни кенгайтириш зарурияти ўсиб бораётганда чет техника ва технологиясига бўлган талабнинг ўткирлигида кўп миқдорда чет валюталарига эга бўлишни талаб этади. Бу муаммони ҳал қилишда ҳам лицензия механизмидан самарали фойдаланиш қанчалик аҳамиятли эканлигини исботлашнинг зарурияти йўқ.

Кўриниб турибдики, бож ҳақи ва лицензия механизмларидан бозор иқтисодиётини тартибга солишда ишлатиш катта устунликларга эга, ўта муҳим иқтисодий, сиёсий вазифаларни бажаришда ўрни каттадир. Энг муҳими ишлаб чиқариш даражасини кўтариш, самарали бозор иқтисодиётини юзага келтиришда таъсири жуда аҳамиятлидир.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги энг асосий иқтисодий механизмларнинг моҳияти ва қисқача таъсир этиш мазмуни билан танишиб чиқдик. Албатта, улар алоҳида мустақил таъсир этадилар ва ҳар бирининг ўзига хос ўрни мавжуддир. Лекин бунда қаттиқ чегара бўлиши мумкин эмас. Давлат ёки жамоатчилик бу механизмларни биргаликда, бир-бирига боғлаган ҳолда ва бир-бирини тўлдириб умумий мақсад сари ҳаракатлантирган ҳолда фойдаланади. Шу билан бирга шароит ва мақсадга қараб бу механизмларнинг бири етакчи, қолганлари кўмакчи сифатида ҳаракат этишлари мумкин. Аммо бу механизмларнинг хусусияти ва имкониятларини эътиборга олган ҳолда ундан фойдаланиш асосий йўналишдир.

Бозор иқтисодиётини тартибга солишда, умуман самарадорликни оширишда **планлаштиришнинг** механизм сифатидаги ўрни кам эмас. Шунини таъкидлаш зарурки, гап ўтмишдаги умумий планлилик тизими, ялпи план тартиби устида бораётгани йўқ. Чунки унинг қанчалик зарарли эканлигини ҳаёт кўрсатди. Ҳозир ёрдамчи механизм сифатида фойдаланиш, микро ва макро иқтисоди-

ёт даражасида самарадорликни ошириш мақсадида фойдаланиш зарурияти устида гап юритмоқчимиз.

Планлилик ишлаб чиқаришни, умуман иқтисодиётнинг умумлашуви даражасининг талабидир ва инсон иқтисодий фаолиятининг йирик муваффақиятида юзага келган илмий ва амалий бойликдир. Микроиқтисодиётда планлилик зарурят эканлиги маълум нарса. Чунки бусиз тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди.

Макроиқтисодиётни олсак, бунда истиқболли масалаларнинг албатта планлаштирилиши талаб этилади. Бундан ташқари умумий иқтисодий ҳолатларда ҳам буни кўриш мумкин. Масалан, йирик иқтисодий-ижтимоий дастурлар ҳам план талаби асосида юзага келади, план кўрсаткичлари билан аниқ ҳолига келтирилади ва тўлдирилади. Бу, айниқса экологик муаммоларда яққол кўринади.

Демак, бозор иқтисодиёти шароитида бошқа иқтисодий механизмлар билан биргаликда планлиликнинг ҳам ўзига хос ўрни мавжуд.

Давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашуви, унинг тартибга солиш жараёни катта эҳтиёткорликни талаб қилиб, **маъмурий ва иқтисодий усулларни қўллашда** чегарани билишлик катта аҳамият касб этади. Бунинг қандай асосий талаблари мавжуд? **Биринчидан**, бозор механизмлари боғлиқлигига таъсир этиш ва уларнинг бузилишига олиб келувчи ҳар қандай ҳаракат зарарлидир. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Айтайлик, директив мазмундаги ҳаракат тўғри келмайди. Мажбурий планлаштириш, ресурс ва товарларни сунъий тақсимлаш, баҳолар устидан маъмурий назорат олиб бориш кабилар шулар директив мазмунидаги ҳаракат қаторига кириб, булар бозор механизмларини ишдан чиқаради.

Иккинчидан, бозор иқтисодиёти ўзини-ўзи тартибга солиш механизмларига эга бўлганлиги учун иқтисодий усулларни қўллаш давлат учун кўпроқ қўл келади. Лекин бу зарурий вақтларда маъмурий усулларнинг қўлланилишини инкор этмайди, ҳатто тақозо этади. Умуман олганда, бозор иқтисодиётини тартибга солишда маъмурий ва иқтисодий усулларни бир-биридан ажрагиш қийин, улар бирга қўлланилади ва бир-бирини тўлдиради.

Учинчидан, иқтисодий усуллар қанчалик маъқул бўлмасин, улардан жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарур. Агарда солиқ, кредит-пул, бюджет-пул усулларини олади-ган бўлсак, булар ҳам эски мажбурий планлаштиришдан

кам эмас, билмай қўлланилса улар ҳам катта зарар келтириши мумкин.

Тўртинчидан, иқтисодий усулларнинг ҳаммаси ҳам кам-кўстсиз эмас. Улар ичида ижобий билан салбий усуллар ҳам бор. Масалан, давлат қиммат янги технологияни киритди, дейлик. Дастлаб унинг фойдали тижорий томонлари бўлмаслиги мумкин. Бу технология ишсизликни кўпайтириши, ижтимоий муаммони кучайтиришга олиб келишдан йироқ эмас. Ёки инфляцияга қарши пул сиёсати банк фоизининг ўсишига олиб келиши ва ҳоказолар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, **бозор давлатнинг тартибга солиш фаолиятини чегаралайди, жуда нозиклик билан иш тутишни талаб этади.** Бозор иқтисодиёти имкониятлари тўла ишга солинган деб бўлмайди. Бу соҳада биронта ҳам идеал давлат бор, дейиш қийин.

Мавзу бўйича асосий тушунчалар

1. **Бозор иқтисодиётини тартибга солиш зарурияти бўлиб**, бу бозорнинг ўзини-ўзи бошқариши, тартибга солиши механизмларининг ҳаракати иқтисодиётнинг тараққиёт талабини тўла таъминлай олмаслиги билан боғланган. Бу бево-сита бозор ҳаракати, шу билан бирга иқтисодий истиқбол муаммолари билан ҳам боғлиқдир.

2. Бозор иқтисодиёти ривожда ўз асоси билан ижобийлик устунлик қилади ва буни алмаштиришнинг иложи йўқ, айтганимиздек бозор тизими, усулидан бошқа йўл йўқ. Лекин унинг камчилик ва салбий томонлари ҳам борки, давлат ва жамиятнинг иқтисодиётни тартибга солиш фаолиятлари буларнинг олдини олишга қаратилгандир. **Бозор ҳам идеал тизим эмас.**

3. **Бозор ва давлат биргаликда ўз фаолиятлари билан иқтисодиёт тараққиётини тўла таъминлайди.** Давлат фаолияти билан тўлдириш бозорнинг инсон манфаатига қаратилиши ва фаровонликни ошириб бориш муаммоларини тўла-роқ амалга оширишга муваффақ бўлинади. Бу соҳада етакчи ва юқори даражали бозор иқтисодиёти мамлакатларининг тажрибаси жуда каттадир.

4. Давлатнинг бозорни тартибга солиш соҳасидаги фаолияти умумий истеъмол, иқтисодиётнинг комплексли тараққиёти, ижтимоий йўналиш билан боғлангандир.

5. Бозор иқтисодиётининг тартибга солинишида **маъмурий ва иқтисодий усуллар** мавжуддир. Маъмурий усуллар асосан бозорнинг салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган. Буларга монополияга қарши кураш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, миллий стандартлар ишлаб чиқиш, ижтимоий, жаҳон хўжалик алоқаларида миллий манфаатларни ҳимоялаш кабиларни қўшиш мумкин.

6. Иқтисодий усуллар бозор механизмларини тўлдириш, унинг самарадорлигини ошириш билан боғлангандир. Буларга солиқ, давлат контракти, бож тарифи, лицензия, субсидия зарурий ҳолатларда кредит ва баҳо механизмлари назорати кабиларни қўшиш мумкин.

7. Маъмурий ва иқтисодий усуллардан фойдаланишда бозор механизми ҳаракатига зарар келтирмаслик, бозор фаолиятининг сустлашувига йўл қўймаслик ва умуман бозор иқтисодиёти йўл қўйган чегарадан чиқмаслик катта самара беради ва умумий тараққиётни таъминлайди. Бу усуллар бири-бирига боғлиқ ҳолда, бир-бирини тўлдирган ҳолда қўлланилиш хусусиятига эгадир.

МАВЗУ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ ВА САВОЛЛАР

1. Бозор иқтисодиётининг тартибга солиниш заруриятини бозор фаолияти мазмуни билан биргаликда тушунтиринг.

2. Бозор иқтисодиётини тартибга солишнинг мазмуни нима, у қандай йўллар билан амалга оширилади?

3. Бозор иқтисодиётини тартибга солишнинг қандай усул ва механизмларини биласиз, улар қандай хусусиятларга эга?

4. Бозор иқтисодиёти тартибга солинишидаги маъмурий усулларни кўрсатган ҳолда уларнинг моҳиятини ва ҳаракат мазмунини тушунтириб беринг.

5. Бозорни тартибга солинишининг қандай иқтисодий усул ва механизмларини биласиз? Уларнинг ҳаракатини, бозор иқтисодиётига таъсирини мисоллар билан тушунтиришга ҳаракат қилинг.

6. Бу икки усулнинг қўлланиш услуби боғлиқликлари, мувозанатлари каби масалаларга эътибор берган ҳолда бир мақсадли ҳаракат эканлигини агрофлича ёритиб беринг.

ХVIII. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛИШ МОҲИАТИ

Цивилизацияли жамият учун бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши зарурий ҳолатдир. Бу инсон манфаати, ҳимояси, унинг турмуш даражаси, муаммосидан келиб чиқиб, жамият бозор муносабатлари камчиликларига, улар юзага

келтирадиган салбий оқибатларга бефарқ бўла олмайди. Бозор ривожининг ижтимоий йўналишида бўлиши ҳозирги замон талаби бўлиб, бу соҳада, айниқса тараққий этган мамлакатларнинг тажрибаси катта.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиётининг устунлиги инсон манфаатларидан келиб чиқишлиги, унинг ривожини шу туфайли амалга оширилишидадир. Лекин бу абсолют ҳолат деб бўлмайди. Чунки ҳар қандай объектив ижтимоий ҳолатдек бозор иқтисодиётида ҳам бебошлик, томонлар манфаатларининг доимо бир меъёردа таъминланмаслиги жараёни мавжуд.

Бозор иқтисодиётидаги салбий оқибатлар фақат унинг “қўли етмаслиги” билан боғлиқ бўлмай, умуман унинг тараққиётидаги нормал ҳолатлар билан ҳам боғланган. Хусусий манфаатни таъминлаш учун бўлган ҳаракатнинг ўзи учун бозорда қулайликлар ахтариш шафқатсиз рақобат кураши туфайли юз бериши ва бунда имкони бор усуллардан фойдаланиш ҳамда ҳар қандай уринишларга йўл қўйиб берилса, албатта бу жуда оғир оқибатларга олиб келиши турган гап. Бошқача қилиб айтганда, *бозор оқибатига оддий халқни истеъмолчи сифатида яккама-якка, рўпарама-рўпара қўйиш инсон тақдирига бефарқ қараш бўлади.* Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти оқибати натижасида пайдо бўладиган оғир ва ноинсоний шароитга тушиб қолишнинг олдини олиш учун имкони борича ёрдам қўлини чўзиш давлатнинг муҳим вазифасидир.

Бозор тараққиётидаги рақобат курашининг натижаси унинг иштирокчилари учун икки хил натижа билан яқунланади. Ҳолиб томон ўз иқтисодий имкониятларини орттириб борса, мағлуб — ўз имкониятларидан маҳрум бўлиб боради. Лекин бу юзаки кўриниш. Ички ҳолат, биринчидан, умуман корхоналар тақдири, ишловчилар даромади билан, иккинчидан, инфляция, асосий аҳолининг турмуш даражаси муаммоси масаласи билан боғлиқдир.

Бундай ҳодиса, айниқса ўтиш даврида кучаяди, чунки иқтисодиётда туб ўзгаришлар юз беради. Ўзбекистонда бозорнинг шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари устида сўз юритганимизда уч бирлик иқтисодий жараёнига эътибор берган эдик. Айни вақтда миллий иқтисодиётнинг шаклланиши, индустриалаштиришнинг амалга ошуви ва бозор муносабатларига ўтиш иқтисодиётдаги, унинг тизимидаги, тузилишидаги, моддий асосидаги юз бераётган асосли

туб ўзгаришлар ижтимоий муаммони жуда ҳам кескин қилиб кўяди. Демак, Ўзбекистон шароитида бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ижтимоий муаммо миллий иқтисодиёт ва индустриалаштириш туғдирадиган ижтимоий муаммолар билан қўшилиб кетиб, бунда ижтимоий муаммо ўз таъсирини жуда ҳам кучайтиради.

Бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналишининг асосий мазмунини аҳолининг ижтимоий ҳимояланиши ташкил этади. Бундаги энг муҳим чора-тадбирлар аввало ишсизлик, аҳоли даромади табақаланиши муаммоларини ечишдан иборат.

Айтганимиздек, бозор ривожини рақобат курашининг таъсири остида бир томондан, ривожланиш ва иккинчи томондан, ишсизликнинг ўсиб бориши, камбағалликнинг пайдо бўлиши билан амалга ошади. Маълумки, рақобатга бардош беролмаган хўжаликлар пировардида фаолиятини тўхтатиш ёки ўзгартириши, фаолият ҳажмини қисқартиришга ва натижада ишловчиларни бўшатишга мажбур бўлади. Жамият, мамлакат бўйича олсак бу катта миқдордаги ишсизликнинг кўпайишига олиб келади.

Ишсизликнинг ўсиши, камбағаллашув ўтиш даврида анча тезлашиши мумкин. Чунки айни вақтда структуравий ўзгариш юз бериб боради, яъни рақобатсиз ҳам кераксиз корхоналар ўрнига бошқалари, яъни манфаатлилари тикланиб, талабга мос хўжаликлар пайдо бўлиб боради. Масалан, Ўзбекистонда ҳозирги вақтда бир қанча йирик корхоналар шундай ҳолатда бўлиб, уларда ишлаб чиқариш ўзгариши тезлашиб бормоқда. Собиқ совет тузуми даврида юзага келган иқтисодий алоқаларнинг ўзгариши натижасида бир хил корхоналар маҳсулотига талаб ортса, бошқаларига камайиб бормоқда. Бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқдир.

Яна шу нарсани қайд қилиш керакки, ишсизлик бозор шароитида ҳамма вақт ҳам бевосита ходимга боғлиқ эмас. Тўғри, иш жойи қисқаришида биринчи навбатда, лаёқатсизлар ишдан бўшатилади. Бу, албатта барча ишсизларни ўз ичига олмайди. Чунки рақобат туфайли бутун бир корхона фаолиятини тўхтатадики, бунда ишсизлик барчага бир хил таъсир этади ва энг қобилиятли, юқори малакали ишчи, техник ходимлар ҳам ишсиз бўлиб қолади. Рақобат таъсирида юзага келган ишсизликка тушиб қолишликда ходимнинг ҳеч қандай айби бўлмайди ва уни бозор шарои-

ти шундай аҳволга тушириб қўядики, у албатта ҳимояланиши керак.

Бундан ташқари бозор доирасидан четда бўлган ногиронлар, қариялар, кўп болали оилалар ҳам борки, улар ҳам ҳимояга муҳтож.

П. Самуэльсон ва В. Нордхаус айтганидек, бир оилада тўкин-сочинлик ва бошқасида камбағаллик мавжуд бўлса, талаб ва таклиф ёмон ишлаши бозор механизмининг айби билан эмас, балки даромад тақсимотининг камчилиги ва номукамаллиги туфайли юз берадиган ҳодисадир. Бунга давлат қайта тақсимлаш сиёсати орқали ёрдам бериши мумкин.

Бундай аҳвол даромадлар ўртасидаги фарқ туфайли юзга келиб, пировардида иқтисодий танлов тамойилига бориб тақалади. Аҳоли даромади устида қисқача тўхталиб ўтайлик. Маълумки, инсоннинг иқтисодий фаолияти унинг учун даромад олиш билан яқунланади. Даромад хилларининг асосий қисми пул шаклига эга, чунки яратилган маҳсулотдан одамлар ўзига тегадиганини пул даромади сифатида оладилар. Бу пул харид учун сарфланиб, эҳтиёж қондирилади. Бозор иқтисодиётида пул ресурслар эгаларига ва ресурслардан фойдаланиш туфайли келган пировард натижаларга боғлиқдир.

Бозор иқтисодиётида даромад олиш чекланмайди ва ҳар бир чиқариш омилига қараб у доимо ўсиб бориш хусусиятига эга. Ҳар бир ресурс эгаси, яъни иш кучи эгаси иш ҳақи, капитал эгаси фойда ва ер эгаси рента оладилар. Шу билан бирга пул эгаси фоиз қилиб қўйган меҳнати учун қарилик пенсиясини олади. Лекин даромад олиш бу билан чекланмайди. Аввало бир қисм даромад натурал ҳолда олинади. Бундан ташқари иш кучи эгаси иш ҳақи билан бир қаторда фойда олади. Булар ҳаммаси бозор қонидаси асосида юз беради. Бунда ресурс омиллари берган натижа асосида бозорга хос эквивалент тақсимоти ҳукмронлик қилади. Лекин бунга қўшимча равишда ноэквивалентлик ҳам мавжуд бўлиб, бозор қонунлари таъсирсиз инсонийлик муносабатлари маҳсули сифатида ишга нолойиқ аҳоли қисми учун қўлланилади. Бу қисм миқдори умумдавлат талаб-эҳтиёжи асоси билан белгиланади.

Даромад пировардида бозорнинг ресурслар сарфини қанчалик инобатга олганлигига боғлиқдир. Айтайлик, тадбиркор ва унинг ихтиёридаги ишчилар қанчалик уринмасин, меҳнат унумдорлиги юқори бўлмасин, унинг охири бозорга боғлиқ.

Яъни товар ёки хизматнинг талабга тўғри келишига, харидорғирлигига, сотилишига, ё қисман сотилишига, кутган, ё кутмаган баҳоларда сотилишига боғлиқ.

Даромадлар хили ҳам, таркибий тузилиши ҳам турли бўлади. Даромадлар таркибий қисмининг асосини иш ҳақи, маош ташкил этади. Масалан, АҚШда 80-йиллар бошида иш ҳақи даромадлар йиғиндисининг 3/4 қисмига тенг бўлган. Иш ҳақининг ҳажми асосан меҳнат унумдорлиги даражасига боғлиқ. Юқори малакали меҳнатнинг ҳақи ҳам юқори бўлади. Лекин иш ҳақига таъсир кўрсатувчи бошқа томонлар ҳам мавжуд. Масалан, иш ҳақи даражасига меҳнатнинг оғир-енгиллиги, нуфузли ва нуфузсизлиги, яшаш ва иш шароитлари, ишдаги қўнимлик кабилар ҳам сезиларли таъсир кўрсатади, шунингдек, иш ҳақи ёлловчи ва ёлланувчиларнинг келишувларига ҳам боғлиқ бўлади.

Ҳозирги даврда юқори малакали ишчиларга талаб катта. Шунинг учун Фарб мамлакатларида иш кучига сарф этилган капитал юқори иш ҳақини таъминлайди, дейишади. Иш кучига сарф этилган инвестиция иш қобилиятини кўтаради, инсонга билим, ҳунар, касб бериб, меҳнат маҳоратининг ўсишига олиб келади.

Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида даромаднинг бундай боғлиқлиги ўз билими, малакаси учун сарф-харажатни аямаслик ва катта ҳажмда амалга оширишга олиб келади.

Рента, фойза ер билан пул эгаллигига ҳамда бу ресурсларнинг даражасига боғлиқ бўлса, фойда тадбиркорлик сифатидаги хусусиятларга боғлиқ бўлади. Лекин тадбиркор нормал фойда билан бир қаторда ортиқча фойдага ҳам эга бўлиши мумкин. Бу тадбиркорнинг яхши иш юритиши учун тўлов бўлиб, бу хатарли, таваккалчилик учун иқтисодий фойда сифатида тўланилади. Чунки эркин бозорда рақобат туфайли қанчалик бошқа томонлар эътиборга олинмасин барибир бозорда маълум даражада номаълумлик мавжуд бўладики, кутилмаган ҳодиса бўлиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Лекин юқори фойда монополик ҳолатида ҳам юз бериши ва бошқанинг меҳнати натижаси бўлиши мумкин. Унинг фойдасини бир қисми ўз юқори фаолиятининг бир қисми бўлиб бошқаларнинг меҳнатидан фойдаланиш ҳисобига, капиталистик шаклда ҳам бўлади. Бунда даромад хиллари бир-бирига қўшилиб кетади. Масалан, ер эгаси ўзи капи-

тал сарф этиб, ишчиларни ёллаб, ўзи ҳам бевосита ишла-са, бундаги рента, фойда, иш ҳақи ва бошқалар ҳисобига юқори фойда олиш кабиларни бир-биридан ажратиш қий-ин. Масалан, АҚШда 1994 йилда оила иш ҳақи ва маоши барча даражаларга нисбатан 73 фоиз, мулкдорлик дарома-ди — 8 фоиз, корпорациялар фойдаси — 8,0 фоиз, ссуда проценти — 10 фоиз, рента — 1,0 фоизни ташкил этган. Бу, албатта доимий кўрсаткичлар эмас, улар ўзгариб тура-ди. Лекин бу кўрсаткичлар ўтган йилларга таққосланилса, рентанинг пасайиб боришини, шунингдек, корпорация-лар фойдасининг ҳам бироз пасайишини ва иш ҳақи қис-мининг кўпайишини кўрсатади.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида юқори да-ражали ишбилармон, яхши хизмат кўрсатувчи рақобатда устун чиқади. Иш натижаси, фаолият ҳосили турлича бўлиб, бунда иқтисодий танлов таъсирини кўрамиз ва бундай воқелик даромадларнинг доимо турлилиги, оз-кўп, юқори ва пастлигини таъминлаб туради. Бунинг бозор муносабатлари таъсиридаги оқибати кучлидир. Чун-ки рақобат кучаяди, фаолият тезлашади, сифат юқори. Шунинг учун ҳам **иқтисодий танловга асосланган бозор тақсимот муносабатлари тенгликни инкор этиб, тенгсиз-ликни тасдиқлайди.** Бу эса иқтисодий ўсишда катта турт-ки бўлади.

Тенгсизлик юзаки қараганда, адолатсизликни билдира-ди, аммо адолатли ва адолатсиз тенгсизлик мавжудлигини ёддан чиқармаслик керак. Албатта юқори малакали, демак, юқори унумли меҳнат учун паст иш ҳақи олишдаги тенг-сизлик адолатли тенгсизликдир. Шунингдек, тадбиркорликда ҳам шахсий хусусиятлар ва таваккалчилик даражаларига нисбатан юқори ёки паст фойда олишдаги тенгсизлик ҳам адолатлидир. Ёки бўлмаса дивиденд, рента каби даромадлар ҳам адолатлидир, чунки улар мулк учун олинадиган даро-мад турларидир.

Адолатсиз даромадлар ва тенгсизликни ҳам инкор қилиб бўлмайди. Биржадаги курс ўзгариши ҳисобига бирданига катта фойда олишда албатта адолатсизлик бор, бу фақат омаднинг ўзи. Чунки бу чайқовчилик мазмунидаги даро-маддир. Йирик пулдорларнинг банкка пул қўйиб катта да-ромад олишини ҳам адолатли деб бўлмайди, чунки бунда ҳеч қандай меҳнат, уриниш, ҳатто ўйлаб кўриш ҳам содир бўлмайди.

Албатта, адолатли даромадлар ортиб бориши керак, чунки бу ҳалол ва цивилизацияли жамиятга мос келади. Тенгсизлик инсониятга хос нарса, у ҳаракатни, жараённи тезлаштиради ва туртки хизматини адо этади, яъни ривожланиш учун интилиш туғдиради. Зеро, барчанинг ҳаракати ҳамма учун бир хил унум бериши, бир хил даромад келтириши мумкин эмас. Бу инсоннинг қобилияти, малакаси, фикр юритишига боғлиқ. Қолаверса оила турлилиги туфайли самара ҳам турли бўлади, демак, даромад ҳам турли бўлади.

Даромад турлилиги оилаларда жуда сезиларлидир. Чунки бунга аввало оиланинг катта-кичиклиги, ишловчиларнинг кўп-озлиги, қолаверса иш унумларининг турлилиги кабилар таъсир этади. Шунга кўра бир хил оиланинг даромади юқори бўлса, иккинчи оиланики кам бўлади. Шунинг учун оилалар бой ва камбағал оилаларга бўлинади. Бу ҳам бозор иқтисодиётидаги оддий ва табиий ҳолатдир.

Тенглик худди адолатлиликдек туйилади. Тўғри, тенглик барчанинг бозор иқтисодиётида иштирок этиш, фаолият кўрсатиш, даромад олиш ҳуқуқига эга бўлиш, мулкдор бўлиш кабиларда ўз ифодасини топади. Лекин даромаддаги тенглик боқимандаликка, жавобгарликни сезмасликка, беғамликка олиб келади, бу бозор иқтисодиёти қонуниятларига тамоман зид.

Тенгсизлик бозор иқтисодиётининг барча жабҳаларига хосдир, яъни айрим ишловчилар, мулкдорлар, оилалар, мамлакатлар бўйича олсак, барчасида даромад тенгсизлиги, истеъмолдаги тенгсизлик, ҳаётий шароитлар тенгсизлиги кабиларни кўрамыз. Бу тенгсизлик нормал ҳолат бўлиб, юқори даромад учун ҳаракат қилишга интилишни кучайтиради.

Камбағаллик, ишсизлик ва аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш муаммолари бозор иқтисодиёти тараққиёти натижасида ўзгариб бормоқда. Чунки цивилизацияли ривож топган бозор иқтисодиёти ўзининг ижтимоий йўналиши билан даромад даражасини кўтармоқдаки, бу жамият учун ижобий ҳодисадир. Бозор иқтисодиёти механизми аралаш иқтисодиёт шароитида оилавий фаровонликка мўлжалланган ва товар ишлаб чиқарилиши инсонларнинг тирикчилик эҳтиёжини қондиришга қаратилган бўлиши керак. Ишлаб чиқариш давридан сўнгги талаб даврида бозор механизми товарлар, хизматлар сероблиги ва уларнинг талабни тўла қондириш даражасида бўлишини тақозо этади.

Меҳнат унумдорлиги даражасининг юқорилиги моддий ишлаб чиқаришга нисбатан номоддий соҳаларнинг устуворлик билан ривожланишини таъминлайди.

Бундай иқтисодий тараққиёт даражасида инсонпарварлик тамойилининг моддий асослари яратилган бўлиб, бойлар ва камбағаллар қарама-қаршилигининг кескинлиги йўқотилади. Иқтисодиётнинг демократиклик тамойили устунлиги таъминланиб, мулкдорлар кўпаяди. Иш кучи эгаларининг айна вақтда мулк эгаси бўлиши имконияти туғилади. Иш кучининг моҳияти ўсиб, малакали меҳнат ишлаб чиқаришда, умуман, иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳал қилувчи ўринни эгаллаб боради. Ишчилар акция эгалари бўлиб, иш ҳақи билан бирга дивиденд оладилар, корхонага, акцияга қараб эгаллик ҳуқуқига эга бўладилар.

Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши икки томонлама амалга ошиб боради. Биринчиси ва асосийси, мулк эгаларининг фаолияти тадбиркорликнинг ривожланишидан иборат. Мулк турларидан қатъи назар, капиталми, иш кучими, ерми, пулми барибир ҳар бири ўз мулкидан фойдаланишни кўпайтиришга ҳаракат қилади, унинг унумдорлигини ошириб, самарасини кўпайтиради. Иккинчиси, давлат ортиқча даромадга эга бўлганларнинг бир қисм даромадларини марказлаштириб, камбағалларга беради ва бу уларнинг фаровонлигини таъминлаб бориши билан боғлиқ ҳолда амалга ошади.

Умуман, мулкдорлар ичида нуфузли бўлиш учун ҳаракат қилиш асосан инсонийликни таъминлаш, инсонпарвар бўлишга ундайди. Бу эса бозор иқтисодиётидаги ижтимоийликнинг энг муҳим омиллариандир. Умуминсоний фаолият, инсон ғамхўрлиги иқтисодий ҳаётда асосий хусусиятларга айланиб боради.

Демак, бозор иқтисодиётининг ўзи ижтимоий йўналишда бўлиб, фаровонликни таъминлаб боради. Лекин бозор иқтисодиёти ўз фаолият доирасидаги иштирокчиларгагина таъсир кўрсатади, қолганлари эса давлат таъсири доирасида бўлади. Ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатлари таърибаси асосий масала ёки муаммо камбағалга тўғри моддий ёрдам кўрсатиш, уни қўллаш ёки ҳимоялашда эмас, балки ИТП — илмий техник прогрессда, ресурсларнинг самарали ишлашида эканлигини кўрсатади. Меҳнат унумдорлигини кескин кўтариш ва бунинг асосида ўртача истеъмолчини ошириб бориш ўзидан-ўзи минимал ҳаётий даражани кўтаради. **Ижтимоий прогресс асоси сифатида технологик прогресс шун-**

дай шароитлар яратадики, унда инсон арзийдиган ҳаётнинг ишончли имконини қўлга киритиши ва камбағалликдан холи бўлиши мумкин.

ИШСИЗЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИБ БОРИШ

Давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги йирик фаолияти ишсизликнинг олдини олишдан иборат. Ишсизлик умумий иқтисодий тенгликнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ижтимоий кўрсаткичлардандир.

Уч хил ишсизликни бир-биридан фарқлаган ҳолда кўрсатиш мумкин. Биринчиси нормал ҳолатдек мазмунга эга бўлиб, иш ахтариш, ишга жойлашув билан боғлиқ ишсизликдир. Бундай ишсизлик доимо бўлиши мумкин, чунки маълум қисм одамлар ишдан ишга кўчиш, кўнглидагидек ва мос иш ахтариш туфайли вақтинча ишсиз ҳисобланади. Бу **фрикцион** ишсизлик деб аталади.

Иккинчи хил ишсизлик — ишлаб чиқаришдаги тузилма ўзгаришлари туфайли бўлиб, бу ҳам доимий мавжуд бўлади. Чунки бу асосан ривожланиш билан боғлиқ воқеликдир. Айтайлик, механизациялаш, автоматлаштириш, янги технологияга ўтиш туфайли мавжуд мутахассисликлар ўзгариши юз беради. Бундан ташқари ҳарбий саноат конверсияси (айниқса Россия саноатида кенг миқёсда давом этмоқда) ёки бошқа хом ашёга ўтиш, янги хил материаллар ишлатишга ўтиш туфайли ишлаб чиқаришни ўзгартириш кабилар мутахассисликни ҳам ўзгартиришга олиб келади. Албатта, бундай ўзгаришлар маълум даражадаги ва миқдордаги ишсизликни ташкил қилиб, меҳнат бозорида иштирок этишга олиб келади. Бундай ишсизлик **тузилмавий ишсизлик** дейилади. Буни ҳам фрикцион ишсизликка ўхшаган бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Чунки тузилма технологик ўзгаришларни тўхтатиб бўлмаганидек ва ташқи иқтисодиётдаги алоқалар ривожини, умуман, бозордаги товарлар эҳтиёжи — талабининг ўзгаришларини тўхтатиб бўлмаганидек, бу хил ишсизликнинг бутунлай олдини олишнинг иложи йўқ.

Учинчи хил ишсизлик — анча мураккаб ва унинг таъсири ва мазмуни бошқачароқ. Маълумки, иқтисодиёт ривожини ва унинг асосини бўлган ишлаб чиқариш тараққиёти бир текисда давом этмайди. Вақти-вақти билан ёки маълум муҳ-

лат ичида кўтарилиш, пасайиш юз бериб туради. Бир вақт-лари заруриятга кўра хом ашёвий тараққиёт тезлашиб, бундай тармоқлар жуда кенгайган. Сўнгра технологик ўзгаришлар натижасида моддий сифимлиликнинг олдини олиш натижасида ва табиий хом ашёларнинг камайиб бориши билан бу тармоқлар қисқара борди, шунингдек, бунинг таъсири хом ашёларнинг бирламчи қайта ишловчи тармоқларига ҳам ўтди.

Кейинги йиллардаги ривожланиш илмга оид маҳсулотлар ишлаб чиқариш, шунингдек, маълумот ва билим соҳаси, соғлиқни сақлаш ҳамда бошқа хизматлар тармоқларининг тезликда ўсиши билан боғлиқдир. Бу эса тўғридан-тўғри мавжуд иш кучи ва талаб қилинадиган иш кучи ўртасидаги сифат фарқини оширади. Масалан, тоғ саноати мутахассисига дастур тузувчилик иши таклиф этилса ёки металлургия мутахассисига тиббиётга хос иш таклиф этилса, албатта ҳеч маъқул бўлмайди.

Иқтисодий тараққиётдаги нотекислик вақти-вақти билан иш фаолиятининг сусайишига олиб келиши билан боғланган ишсизлик **циклик хусусиятли ишсизликдир**. Кўриниб турибдики, бундай ишсизлик ўз хусусияти бўйича олдингилардан фарқланади. Бунинг улар каби зарурияти йўқ ва иш фаолиятини кучайтириш, иш жойларини кўпайтиришга боғлиқ бўлади.

Умуман, ишсизлик деганда биринчи ва иккинчи хили эътиборга олинмай, фақат учинчиси, яъни циклик ишсизлик тушунилади. Ишсизликнинг олдини олишда ҳам учинчи хил ишсизлик кўзда тутилиб биринчи ва иккинчилари ҳисобга кирмайди.

Бозор иқтисодиётида ишсизлик касали доимийликка эга. Бу эса оғир ижтимоий муаммоларга олиб келиши мумкин. Иш билан бандликни фақат бозорча келишув ва унда меҳнат иш ҳақига алмашади деб тушуниш етарли эмас. Чунки иш билан бандлик ҳаёт тарзидан иборатдир. Ишсиз қолиш турмуш тарзининг туб ўзгариши деган ҳодисадир. Бунда даромад билан бирга инсоний ўзгаришлар юз беради. Зеро, ишсизлик катта ижтимоий салбий оқибатдир. Доимий ишсизлик камбағалликдан қашшоқликка олиб келиши мумкин.

Оммавий ишсизлик ижтимоий салбий оқибатлар билан бирга катта иқтисодий зиён келтиради. Бу маълум даражадаги ишлаб чиқарилмаган маҳсулот қисмидир, амалий маълумотларга кўра ишсизлик 1 фоизга ошса, халқ хўжалиги ўртача 2,5 фоиз маҳсулот йўқотади.

Шунинг учун ишсизликка қарши курашиб, иложи борица унинг олдини олиш зарур.

Бу соҳадаги асосий вазифа давлат зиммасига тушади. Давлатнинг бир қатор чораларни, ҳатто зарурият тақозоси билан сунъий иш жойлари ташкил этиши ҳам фойдадан холи эмас.

Бундаги муҳим тадбирлар қаторига меҳнат бозорини ривожлантириш, меҳнат биржаларини тараққий эттиришлар ҳам киради. Бу соҳада ИТПнинг кенг қўлланиши, инқирозга қарши сиёсатни қўллаб бориш, экспорт-импорт ва иш кучи интеграцияси сиёсатларини амалга ошириб бориш яхши натижалар беради.

Давлат меҳнат бозорига таъсир кўрсатиб бориши керак. Чунки бу бозор товарлар бозоридан, ундаги таклиф ва талаб мувозанатидан фарқланади. Ж. Кейнснинг таъкидлашича, давлат ишсизлик билан кураш олиб бориши ва буни истеъмол ва инвестиция товарларига бўлган талабни ошириши ва молиявий фаол сиёсатни қўллаш йўли билан амалга ошириши зарурдир. Шунингдек, давлатнинг умумий билим даражаси ва қайта ўқитишга қаратилган чора-тадбирларни кенгайтириши ишсизликка қарши курашда жуда қўл келади. Чунки бу ишчининг ҳар қандай шароитга мослашиши, янги меҳнат шароитларига кўника олишига ёрдам беради.

Тузилма ўзгаришлар ишловчилардан юқори билимдонликни талаб этади. Япониянинг, айниқса 50-йиллардан бошланган йирик тузилма ишлаб чиқаришдаги кам ижтимоий харажатлар билан амалга ошганиги бунинг мисоли бўлиши мумкин. Агар 50-йилларда Япония ишлаб чиқаришида енгил саноат асос бўлган бўлса, 60-йилларда металлургия, кўмир саноати, кемасозлик, автомобиль саноати асос бўлган. 70-йилларга келиб, илмга оид тармоқлар асос бўла бошлади. Давлатнинг бундай шароитларда одамларни қўллаши Жанубий Кореяда ҳам амалга оширилди. Бунда давлатнинг ижтимоий ҳимоя сиёсати энг камбағал мамлакатлардан ва ишга лаёқатлиларнинг деярли ярми ишсиз бўлган мамлакатдан ривож топган мамлакатга айланишида жуда катта ёрдам берган. Ишсизликнинг олдини олишга қаратилган ижтимоий ҳимояда касаба уюшмалари ҳам ўз таъсирини кўрсатиши даркор. Лекин кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда аралаш иқтисодиёт ривожланиши билан буларнинг таъсири сусаймоқда. Масалан, АҚШда 1945 йили ишга лаёқатлиларнинг 35 фоизи касаба уюшмасининг аъзоси бўлган бўлса,

1995 йили бу кўрсаткич 14 фоизга тушиб қолган. Бу касаба уюшма аъзоларининг қисқаришини кўрсатади. Бунинг бир неча сабаблари бор. Айтайлик, сиёсий соҳадаги бунга бўлган салбий муносабат ва қонунчиликдаги касаба уюшмаларига нисбатан бунинг таъсири, интеллектуал меҳнат ва аёллар меҳнати қисмининг ортиб бориши ёш ишчиларнинг бу ташкилотларга қизиқмаслиги кабилар бунинг сабаби бўлиши мумкин. Чунки касаба уюшмаларининг меҳнат бозорига таъсири пасайиб бормоқда.

Америка ҳукумати эса бундай ҳодисага фаол қатнашмай, ўзини деярли четда тутати ва касаба уюшмаларининг шаклланиши ҳамда фаолияти учун имкон туғдириб, уларга муносабатини ўзгартирмай келмоқда.

Ишсизлик даражасига ички омиллар билан бирга ташқи омиллар ҳам таъсир этади. Капитал ва товарлар импорти, экспорти албатта ишсизликни кучайтириши мумкин. Ишчиларнинг миграциясини олсак, четга чиқиш ишсизликни камайтирса, мамлакатта четдан ишчиларнинг келиши ишсизликни кўпайтиришга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистонда ишсизликка қарши қаратилган ижтимоий ҳимоя ўтиш даври хусусиятлари билан анча мураккаблашади ва ҳажми кенгайди.

Ўзбекистонда собиқ совет даврида асосан яширин ҳолдаги ишсизлик мавжуд эди. Кейинги йилларда уларнинг миқдори 2 миллиондан ортиқлиги маълум бўлди. Бу асосан аҳолиси зич бўлган Фарғона водийси вилоятлари, фақат қишлоқ жойларга тааллуқли эди.

20-жадвал

Ўзбекистонда халқ ҳужалигидаги бандлик, млн. киши

	1992 й.	1993 й.	1994 й.	1996 й.
Аҳоли сони	21,9	22,2	22,5	23,1
Меҳнат ресурслари	10,4	10,6	10,8	11,2
Х/Х бандлик	8,3	8,2	8,2	8,6
бандлик, аҳоли сонига нисбатан, %	38,1	37,0	36,4	37,3
бандлик меҳнат ресурсларига нисбатан, %	79,4	77,5	75,9	76,7

Жадвалдаги рақамлардан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, яъни кейинги 5 йил ичида бандликнинг бироз ўзгаришини кўрамиз.

Умуман, ҳозирги тузумимиз учун ишсизлик худди янги ижтимоий-иқтисодий ҳолатдек туйилади. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги ишларнинг кўп қисми янгидан, биринчи қадамлардан бошланиб, комплекс равишда амалга ошиши зарур. Ишни ҳуқуқий масалалардан бошлаш, унга боғлиқ қонунларни яратиш, ишга тушириш, бу соҳа билан шуғулланувчи органлар ишини жонлантириш биринчи даражадаги ишлардир.

Ишсизлик билан муаммони ҳал қилишда янги иш жойларни тайёрлаш, оммавий равишда янги зарур ҳуналарни ўрганиш муҳимдир. Бунда аввало майда корхоналарнинг пайдо бўлишига эътибор бериш керак. Чунки бизнинг шароитимизда бу энг истиқболли соҳа. Шу пайтгача бизда йирик корхоналар асос бўлиб келган эди. Бозор иқтисодиёти эса майда корхоналар ҳажмини орттиришни талаб этади ва бунинг учун шароитлар яратади.

Кейинги йилларда республикада бу соҳада бир қанча ишлар амалга ошмоқда. Қишлоқ жойларда, айниқса туман марказларида бундай корхоналар сони кўпаймоқда, лекин озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бирламчи ишлаш тармоқларида унинг таъсири ҳозирча анча кам. Майда корхоналарнинг қишлоқ жойларда кўпайиши жуда яхши. Аммо бу нарса шаҳарларда ҳам амалга ошмоғи зарур. Майда корхоналарнинг кенг қулоч ёйишида хусусий, жамоа мулкларидан кенг фойдаланиш муаммоси эътиборга олинishi керак ва бунда кооперативлар ҳам ўзларига хос ўрин эгаллаши мумкин. Майда корхоналар фақат юқорида қайд қилинган соҳалар билан чегараланмай, бошқа соҳаларда ҳам ривожланиши мумкин. Масалан, ишлаб чиқаришда, асбобсозлик, қурилиш материаллари ва шунингдек, хизмат кўрсатиш тармоқларида кенг қўлланиши керак. Чунончи, Японияда электро-техника, радиотелевизор тармоқларида, АҚШда ҳатто автомобиль саноатида улар салмоқли ўрин эгаллашади.

Хизмат кўрсатиш тармоқларини оладиган бўлсак, майда корхоналар учун катта қулайликлар мавжуд. Асосан бу тармоқ шулар ҳисобига авж олади. Мамлакатимизда эса бу соҳа жуда орқада бўлиб, ривож топган мамлакатларга қийёслганда деярли йўқ даражада.

Бундан ташқари янги иш жойлари барпо этилаётган янги тармоқлар қайта юзага келаётган йирик корхоналарда кўплаб пайдо бўлиб туради. Шу билан бирга уйда ишлаш, яъни касаначиликни авж олдириш, хунармандчиликни кенгайтириш, айниқса совғалар билан боғлиқ ишлаб чиқаришни тараққий эттириш имконлари кенг. Саёхатчилик истиқболи, чет саёхатчиларнинг кўп келиши совға молларининг ишлаб чиқарилишини талаб этади.

Кўриниб турибдики, ишсизликни енгиллаштиришнинг олдини олиш истиқболи катта. Янги иш жойларининг бўлиб туриши деярли доимий хусусиятга эга. Айниқса, бу ўтиш даврига тааллуқлидир. Халқ хўжалиги структурасини янгилаш, индустрлаштиришни амалга ошириш, янги тармоқларни яратиш бориш бу соҳадаги имкониятларни кенгайтириб боради. Лекин бу ўз-ўзидан ҳал бўладиган ҳодиса эмас. Бунинг учун тўхтовсиз хунар ўрганишни кенгайтириш ва доимо иқтисодий ҳолатни ўрганиб бориш, корхоналар фаолиятини таҳлил этиш талаб этилади.

Маълумки, янги иш жойлари асосан технология, техникага асосланиб, янгича хунарни талаб этади. Демак, ҳукумат янги хунарни эгаллаш учун зарур ўқиш жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш ишларини ўз вақтида адо этишни таъминлаши керак. Бошқа ва керакли хунарни эгаллаш учун қайта ўқитиш, янги касбларни ўрганиш тизимини яратиш бу соҳадаги энг муҳим ишлардан биридир.

Ишсизлик билан боғлиқ вазифаларни муваффақиятли бажаришда меҳнат биржаларининг ўрни катта. Улар ҳудудлар бўйича ташкил этилиб, кенг тармоқли бўлишлари ва имкони борича ўз фаолиятларини кенгайтиришлари, бундай жойлардаги ҳокимиятлар билан бирга иш олиб боришлари юқори самара беради.

Ишсизлик билан боғлиқ бўлган ишлар амалиёти ҳаёти-миз учун янги бўлганлиги сабабли бу соҳада катта муваффақиятларга эришган мамлакатлар тажрибаларидан ўзимизнинг шароитимизга мос ҳолда фойдаланиш аҳамиятлидир. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти маҳсули бўлган ишсизликка тааллуқли яна бир нарсага эътибор бериш зарур. Бундай ҳолатнинг иқтисодиётга таъсири масаласидир.

Маълумки, ишсизлик икки томонлама мазмунга эга, биринчиси айтганимиздек, иқтисодиёт учун катта зарар келтириб, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётини секинлаштиради. Энг муҳими ишловчининг ижтимоий аҳволини ёмонлаштиради ва унга моддий ва руҳий зарар кел-

тиради. Лекин, иккинчидан, умуман ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади, яъни ишчи ишсизлик ҳолатига тушмаслик учун рақобат курашида қатнашади. Бунда ишчи малакали, интизомли бўлиш, унумли меҳнат қилиш ва иш жойини сақлаш учун рақибларга нисбатан устун бўлишга ҳаракат қилади. Булар меҳнат унумдорлигининг юқори даражада бўлишида, меҳнат самарадорлигининг ошишида аҳамиятлидир.

АҲОЛИ ДАРОМАДИНИНГ ТАБАҚАЛАНИШИ

Бозор иқтисодиётининг самараси фаровонликда, инсонлар турмуш даражасида ўз ифодасини топади. Бунинг асосий жиҳати ноз-неъматлар истеъмолдан иборатдир. Маълумки, бу ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ. Лекин истеъмол ҳажмида миллий даромаднинг тақсимланиши, яъни унинг аввало истеъмол ва жамғариш қисмларига бўлиниши муҳим аҳамият касб этади. Бозор иқтисоди ривожига жамғариш самарадорлигининг ўсиб бориши, унинг нисбатан камайиши ҳисобига истеъмол қисмининг доимо кўпайиши унинг қонуниятларидан ҳисобланади. Чунки инвестициялар илғор техника-технологияга қаратилиб, меҳнат унумини орттириб борадики, бу истеъмолни кенгайтиришга хизмат қилади. Бундан ташқари бу жараён, ўз навбатида, инсон омили аҳамиятини ошириш, яъни унинг истеъмолга аҳамият бериш ва малакасини ошириш билан боғлиқ бўлади. Чунки миллий даромаднинг кўпроқ истеъмолга қаратилиши иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлайди. Турмуш даражасининг ўсиши аҳоли сони ўсишининг секинлашувига — истеъмолчилар сони ўсишининг сустлашувига олиб келади. Бозор иқтисодиёти қонуниятларидан яна бири турмуш сифатининг кўтарилиши бўлиб, бу истеъмол сифатида ўз аксини топади. Истеъмолдаги ўзгариш сифатли товарлар қисмининг кўпайиб бориши, даромаднинг борган сари юқори сифатли товарларни кўпроқ сотиб олишга қаратилиши мазмунига эга бўлади. √

Турмуш даражаси икки хил бир-бирига боғлиқ кўрсаткичларга, яъни қиймат-пул ва моддий-натурал кўрсаткичларга эга. Пул кўрсаткичлари жуда кўп. Лекин энг муҳими реал даромаддир, қайсики пул даромади миқдори, мажбурий тўлов ва чегиришлардан аҳоли ихтиёрида қоладиган қисми ва сўнгра баҳоларга боғлиқдир. Пул даромади кўпайиб, баҳо ўзгармай турса реал даромад ошади.

Моддий-натурал кўрсаткични олсак, бундаги асосий кўрсаткичлар қаторига жон бошига натурал ҳолда озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой майдони, узоқ муддатли истеъмол буюмлари, сув, энергия кабилар миқдори киради. Маълумки, бунинг турмуш сифати учун аҳамияти катта. Чунки ҳаёт гўшт, сут, мева, сабзавот, ширинликлар ҳисобига ўтадими ёки асосий истеъмол нон, картошка, чой истеъмоли ҳисобига ўтадими? Масалан, Ўзбекистонда гўшт истеъмоли кейинги икки йилнинг ўзида жон бошига 26 килограммдан 40 килограммгача ўсган ва нон истеъмоли 50 килограммга камайган. Бу аҳоли истеъмолида катта ўзгариш юз бераётганини кўрсатади. Албатта абсолют ҳолда кичик ўзгариш, лекин иқтисодий ислоҳот, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларини эътиборга олсак, жуда аҳамиятли сифат ўзгаришидир.

Лекин даромадлардаги тафовутлар, турмуш даражасидаги паст-баландлик, камбағаллик муаммолари мавжуд бўлиб, доимо ижтимоий ҳимояни кўндаланг қилиб қўяди. Ҳар бир инсоннинг истеъмоли оилага, оила бюджетига боғлиқдир. Оилавий ҳаёт ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг ичида олди-сотди юз бермайди. Лекин оила умумий иқтисодий ҳолатга боғлиқ, унинг иқтисодий ҳолати иқтисодиёт тараққиётига боғлиқ. Шунинг учун ҳам 1992 йил Нобель мукофоти лауреати Гэри С. Беккернинг хизмати одамларнинг шахсий ҳаёти иқтисодий реалликнинг умумий қоидаларига буйсунишини исботлашдан иборат эди. Бу, айниқса оила бюджетига ўз ифодасини топади.

Оила бюджети мамлакат иқтисодий тараққиётини баҳолаш имконини туғдиради. Бу ўтган асрдаги немис иқтисодчиси Эрнст Энгель томонидан аниқланган бўлиб, бу қонун Энгель қонуни дейилади. Мазкур қонун бўйича оила даромади ўсиши билан озиқ-овқатга бўлган сарф-харажат қисми пасаяди, кийим-кечак, турар жой ва коммунал хизмат харажатлари ўзгармайди ва маданий ҳамда бошқа номоддий харажатлар сезиларли равишда ўсиб боради. Унинг кўрсатишича, озиқ-овқатлар харажати даражасига қараб оилалар фаровонлигини аниқлаш мумкин.

Оила бюджети умумий миқдори ва даражаси билан ҳам фарқланиб, бой ва камбағал оилаларга бўлинади. Бу фуқароларнинг қайси хил товарлар ва хизматларга талаби кўплигини, шу билан бирга мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий мувозанатни билдиради.

Аҳолини ижтимоӣ ҳимоялаш доимо такомиллашиб, мамлакат иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрса-тиши керак. Агарда камбағалларга кўрсатиладиган ғамхўр-лик, бир томондан, инсонийлик бўлиб, аҳолининг қаш-шоқланишидан сақлашни билдирса, иккинчи томондан, бундаги ортиқчалик меҳнатга интилишни пасайтириши ва умуман, иқтисодий ривожланишга салбий таъсир этиши мум-кин. Шунинг учун, албатта бунинг ижобий чегарасини топа билиш муҳим аҳамият касб этади.

Давлатнинг ижтимоӣ ҳимоя сиёсатида фуқароларнинг жам-ғармаларига бўлган муносабати ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, бу бозор иқтисодиёти шаклланиши даврига тааллуқли. Умуман, нормал бозор иқтисодиётида фаровонлик ўсиб бориши жам-ғарманинг ҳам имконини оширади. Жамғармаларни инфляция-дан ҳимоялаб, қадрини пасайтирмай, айниқса инвестицияда фойдаланиш самаралилигини таъминлаш, умумий иқтисодий ривожланишни тезлаштиради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бозор иқтисодиётида қат-нашувчилар фаолияти маълум даражадаги даромад олиш, фойда олиш билан яқунланади. Албатта, бу сармоя ҳажми, фаолият самарасига боғлиқдир. Даромад олиш бозор муно-сабатлари таъсирига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўли-ши мумкин. Хўжаликлар фаолиятида банд бўлганларнинг даромади тижорат, талаб ва таклиф мувозанати, рақобат-нинг таъсири кабиларга ёки умуман айтганда, корхона фаолияти натижаси ва тадбиркорнинг фойда даражасига боғлиқ. Чунки асосий ишловчиларнинг даромади ёлланма меҳнатдан келиб чиқадики, бунда уларнинг даромад дара-жаси корхона даромадига боғлиқ бўлади.

Лекин бошқа хил даромад манбаи ҳам бўлиб, у деяр-ли доимий хусусиятли ва унинг даражаси давлат бюдже-ти имкониятидан келиб чиқади. Булар давлат томонидан маош сифатида даромад оладиганлар бўлиб, давлат хиз-матчилари, маорифчилар, ўқитувчи ва илмий хизматчи-лар, талабалар, соғлиқни сақлаш ходимлари, маданий оқартув тармоқлари, маъмурий идоралар хизматлари, ҳарбий ва ички ишлар, тартибни сақлаш муассасалари ходимлари кабилардир. Булардаги даромаднинг умумий-лиги шуки, унинг миқдорини бевосита давлат белгилай-ди ва бу миқдор нисбатан доимийдир.

Биринчи тоифадагиларнинг маоши тижорат туфайли ўзга-риб турса ва аввало тадбиркор, иш берувчига боғлиқ бўлса,

иккинчи тоифаларники бюджет имкониятларига боғлиқдир. Буларнинг барчасига ижтимоий ҳимоянинг нима алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин. Давлат ихтиёридагиларнинг даромадини юзага келтиришда ижтимоий ҳимоя зарурлиги тўғрисида бундай савол туғилмаса ҳам, хўжаликлардаги, айниқса хусусий тармоқдагиларнинг даромади тўғрисида шундай савол туғилиши мумкин.

Даромадлардаги тафовутлар бевосита бозор муносабатлари таъсир этувчи соҳада банд бўлганларга тааллуқлидир. Шунинг учун ҳам ёлланиш, меҳнат қилиш, шунингдек, даромад пайдо бўлишлик асослари давлат томонидан яратиладиган қонунлар туфайли белгиланади. Айтайлик, қайси соҳа, тармоқ бўлмасин, буларнинг умумийлиги мавжуддир. Бунинг ижросини давлат ўз назорати остига олади. Чунки булар умуминсоний манфаатдан, инсон ҳуқуқларидан келиб чиқади.

Бозор таъсири тижорат соҳасида банд бўлганлар учун ҳам умумий маош даражаси белгиланадики, ҳар бир ишчининг маоши бундан паст бўлмаслиги керак. Иш куни давоми, меҳнат қилишнинг шароити, ишчига инсон сифатидаги талаб барча соҳада бир хил бўлиши мажбурийдир. Даромадлар ҳисобига бўладиган турли тўловлар, солиқларда ихтиёрийликка йўл қўйилмайди. Булар қонуний белгиланган шаклда ва миқдорда бўлишлиги керак. Қандай хўжалик шакли ва эгалигидан қатъи назар меҳнат ҳақи кафолатланиши, айниқса давлат томонидан кафолатланиши керак.

Давлат ихтиёридан даромад олувчилар жуда кўпчиликни ташкил этади. Буларнинг даромад даражаси эркин иқтисодий соҳадагидан катта фарқ қилмаслиги ва турмуш даражасининг пасайишига олиб келмаслиги лозим. Шунга кўра бевосита бозордаги даромад даражасига ва нарх-навонинг ҳолатига қараб маошлар миқдори мамлакатимизда ҳам ўзгариб бормоқда.

Бундан ташқари бевосита меҳнатсиз даромад оладиганларнинг сони ҳам катта, булар асосан меҳнатга нолайиқ одамлардир. Буларнинг асосини нафақахўрлар ташкил этади. Иқтисодий нуқтаи-назардан ҳимояга муҳтож бўлганлар, аввало шулардир. Бозор иқтисодиёти шуларнинг турмуш даражасига таъсир кўрсатади. Цивилизация шароитида меҳнатга нолайиқ одамларни иқтисодий жиҳатдан қўллаш, бозор таъсиридан ҳимоя қилиш ҳар бир давлатнинг бурчи бўлиб, замонавий нафақа тизимини амалга ошириш унинг

ўз фуқароларига муносабати ёки катталарни иқтисодий қарамликдан қутқариб, турмуш даражасини пасайишига йўл қўймаслиги давлатнинг ҳақиқий инсонпарварлик вазифасини адо этиш даражасини белгилаб беради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, барча соҳаларда бўлганидек, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Биринчи навбатда, камбағаллашув ўсади, ишсизлик кўпаяди, муҳтожлик ошади. Маълумки, ишга яроқсизлар — ногиронлар, қариялар, кўп болали оилалар тўла давлат таъминотидадир.

21-жадвал

Ўзбекистонда нафақахўрлар ва уларнинг даромадлари

	1990	1993	1996	1996 йил 1990 йилга нисбатан, %
Нафақахўрлар, минг киши	2377	2831	2729	114,9
Нафақа ва ёрдам пулларининг умумий даромаддаги ҳиссаси, %	10,2	11,8	10,1	бир оз фарқланади
Ёши бўйича нафақахўрлар ичида энг кам олувчилар, %	48,4	17,8	18,6	деярли 3 баробар камайган

Жадвалдаги рақамлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда нафақахўрлар катта рақамга тенг, улар умумий аҳолига нисбатан деярли 12% ни ташкил этади ва йилига кўпайиб бормоқда. Даромад улуши бўйича ҳам салмоғи катта. Нафақалар тизимининг такомиллашуви натижасида кам нафақа оладиганлар кескин камайиб бораётти, бу жуда ижобий ҳолат.

Ўзбекистонда нафақа тизими бир неча бор такомиллашиб, юзага келган оғир шароитларни эътиборга олган ҳолда ҳар томонлама замон талабига жавоб бера оладиган даражага етказилган. Нафақа даражаси маош даражасидан жуда кам фарқ қилади. Шу билан бирга аҳолининг барча қисми бу тизим билан қамраб олинган. Ҳозир даромадсиз ҳеч ким қолмади. Илгари эса фақат меҳнат қилган вақти асосида нафақа белгиланиб, кўпчилик меҳнатга лаёқати йўқлар нафақа олмас ва ҳаддан ташқари иқтисодий оғир аҳволда қолар эдилар. Айниқса, бундай аҳвол қишлоқ жойларда кўп бўлиб, кўпчилик аёллар шундай шароитда эдилар. Ҳозирги кунда барча қандайдир даромадга эга. Нафақалар

тури кўпайган. Кўп болали оналар, фарзанд кўраётганлар, болалигидан ногирон бўлиб меҳнат лаёқатини йўқотганлар ва шунга ўхшаганларнинг ҳаммаси тўла ижтимоий ҳимоя остига олинган. Нафақаларнинг ҳам энг паст миқдори белгиланган. Талабалар, аскарлар ҳам тўла давлат ҳимоясидадир.

Даромадга таъсир кўрсатувчи давлат томонидан қўлланиладиган чора-тадбирлардан яна бир тури маълум мутахассисларга белгиланган имтиёзлардир. Масалан, уруш қатнашчилари, байналмиллалчилар, ўқитувчилар, тиббиёт хизматчилари, аскарлар кабиларга бир қанча иқтисодий енгилликлар туғдирилган. Булар қаторига шахсий даромад солиғидан озод қилиш ёки имтиёз бериш, уй-жой тўлови, коммунал хизмат ҳақи тўлашдаги имтиёзлар киради. Маълумки, бундай имтиёзлар шахсий даромад миқдорига ижобий таъсир кўрсатади.

Аҳолининг даромади билан боғлиқ бўлган ижтимоий муҳофазанинг энг инсонпарварлик хусусияти шуки, у инсоннинг иқтисодий эркинлиги, иқтисодий ва жисмоний ҳаётини белгилаш билан боғлиқдир. Бу эса инсон учун энг муҳим масаладир. Бу масалани тўғри ҳал қилиш давлат етуклик даражасидан далолат беради.

Ўзбекистон давлатининг иқтисодий ҳимоя соҳасидаги алоҳида қайд қилишга сазовор томони — болалар тақдири, уларга нисбатан алоҳида ғамхўрлик, алоҳида эътибор билан қарашдир. Мамлакатимизда “Соғлом авлод” дастури асосида катта-катта ишлар амалга ошмоқда ва бу билан боғлиқ тармоқлар ўз фаолиятини кучайтирмоқда. Бу соҳадаги муваффақиятлар алоҳида тақдирланмоқда. Шулар қаторида бир қанча иқтисодий имтиёзлар киритилиб, у ўз самарасини бера бошлади. Бунинг икки томонлама аҳамияти бўлиб, бу бевосита болаларнинг ҳаётини таъминлаш, шу билан бирга келажак авлоднинг соғлом асосини ташкил қилишдан иборатдир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг кейинги тадбирлари **инфляция** билан боғланган. Маълумки, бозор иқтисодиётидаги қатнашувчиларнинг таклиф томони, яъни тадбиркорларнинг нарх-навони кўтаришлари учун интилишлари кучлидир. Бу албатта, юқорида айтганимиздек, шахсий манфаат билан боғлиқ. Чунки юқори баҳо харидорларнинг бевосита даромад даражасига таъсир кўрсатади. Агарда бу таклиф томонини манфаатдор қилса, талаб томонига, шахсий истемолга салбий таъсир кўрсатиб, аксинча даромад-

нинг пасайишига олиб келади. Баҳонинг кўтарилиши натижасида кам мол сотиб олинади ва талабни қондириш даражаси пасайиб боради. Шунинг учун инфляция бевосита турмуш даражасининг пасайиши билан боғлиқ бўлиб, доимо ўткир ижтимоий муаммолардан ҳисобланади.

Юқори баҳони ушлаб туриш учун монопол усуллари қўллаш ва монополия, олигопол бозор шароитларини яратишга уринадиларки, бу чайқовчилик мазмунидаги савдога олиб келади. Бунинг учун товарларни ушлаб туриш ва сунъий талабни юзага келтириш учун уринадилар, яъни иложи бориша таклиф билан талаб ўртасидаги мувозанатни бузиш, таклифнинг тезлик билан ўсиш ҳаракатини секинлаштириш ва бозорда кескин ҳолат юз бериши учун уринадилар. Бундай ҳаракатлар албатта баҳонинг кўтарилиши ва шундай ҳолатнинг узоқ давом этиши билан яқунланиши мумкин. Бу бозор муносабатларининг объектив ҳолатига зид ҳаракатлар бўлишига қарамай, эътибор берилмаса ҳаракатдаги сунъийликка олиб келиши ва инфляция кучая бориши мумкин.

Ўтиш даврини олсак, инфляция асосан объектив кучга эга бўлади. Чунки бунда ишлаб чиқариш қисқариши, иқтисодий алоқаларнинг бузилиши билан товар ҳаракатидаги сунъийлик ортиб бориши мумкин. Шу билан бирга четдан ва умуман узоқдан товар олиб келиш кўпаяди, харажатлар ортиб боради. Бундан ташқари сунъий талаб имконияти кучаяди. Товар ҳаракати секинлашади, муомалага кўп пул чиқарилади ва ҳоказо.

Буларнинг ҳаммаси инфляцияни кучайтиради. Агарда бунга қарши чоралар ўз вақтида қўлланилиб турилмаса, унинг аҳолига таъсир этувчи салбий оқибатлари ўсиб боради. Инфляцияга қарши кураш ишлаб чиқаришни ривожлантириш, пул муомаласини тартибга солиш, молия интизомини кучайтириш, тўловларнинг ўз вақтида амалга ошириш чораларини қўллаш, муомалага ортиқча пул чиқаришга йўл қўйилмасликдир.

Ўзбекистонда инфляцияга товарлар тақчиллигининг таъсири каттадир. Иқтисодиётда юз бераётган туб ўзгаришлар муомаладаги товарлар миқдорининг камайиши, талабнинг таклифга нисбатан тез ўсиши, яъни таклифнинг орқада қолишини кучайтирди. Айниқса, бу истеъмол буюмлари бозорида кескинликка олиб келди. Шунинг учун ҳам бозорларни товар билан таъминлаш энг долзарб вазифа бўлиб қолди. Бу, аввало истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни

кенгайтириш ва умуман товар ресурсларини кўпайтириб, бозорни кўпроқ қондириш заруриятини бирламчи вазифа қилиб қўйди.

Мамлакатимизда бу соҳада бир қанча тадбирлар қўлланилиб, буларнинг ичида энг муҳимлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришдир. Бу, аввало озиқ-овқат молларига тааллуқлидир. Масалан, ғалла ва нефть мустақиллигини таъминлаш, озиқ-овқат саноатини кенгайтириш, истеъмол буюмлари саноатини ривожлантириш жуда муҳимдир.

Молия интизоми, пул муомаласини тартибга солишда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Миллий пулнинг киритилиши бундаги катта муваффақиятлардан биридир. Умуман, мамлакатимизда янги молия-кредит тизими яратилиб, у такомиллашмоқда. Буларнинг ҳаммаси инфляцияни юмшатиш, бундаги кескинликнинг олдини олиш имконини туғдирмоқда.

Савдода тартиб ўрнатиш, товарларни бозорга тушишини тезлаштириш, яъни товарларнинг харидоргача бўлган йўлини ва вақтини қисқартириш чораларини қўллаш бу соҳадаги бебошлик ва тартибсизликларга барҳам беришда кўл келади.

Инфляцияга қарши курашувда четдан товар олиш имкониятларидан самарали фойдаланиш, умуман, бошқа мамлакатлар билан бўладиган ташқи савдонинг тараққий этиши катта аҳамият касб этади. Айниқса, кейинги қисқа вақт ичида бу соҳада мамлакатимиз катта муваффақиятга эришди. Ҳозир ўнлаб мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилиб, улар билан бўладиган савдо миқёси тезлик билан ўсиб бормоқда ва мамлакатимиз манфаатдор бўлган товар ва хизматларни сотиб олишда анча ютуқлар қўлга киритилиб, бу жараён тезлашмоқда. Бунда Туркия, Германия, АҚШ, Корея Республикаси, шунингдек, Хитой, Ҳиндистон, Англия каби мамлакатларнинг ҳиссаси ортиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси мамлакатимизда инфляциянинг олдини олишдаги муваффақиятларга олиб келмоқда ва нарънавонинг ўсиб бориши даражаси анча пасайтирилиб, сўммизнинг қадрли бўлиши учун қилинаётган ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Бу, албатта аҳоли турмуш даражасида ўз аксини топмоқда.

Юқорида кўрилган масалалардан кўриниб турибдики, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бозор иқтисодиётини таркибий қисмига айланиб кетади. Шунинг учун ҳам ижтимоий

ҳимоялаш асослари ўтиш давридаёқ шаклланмоғи зарур. Бундаги кечикиш бозор соҳасидаги муваффақиятларга тескари таъсир кўрсатиши турган гап. Бунинг олдини олиб бориш айна вақтда бозор иқтисодиётига ўтишни тезлаштиради ва бундаги оғирлик ва йўқотишларни камайтиради. Иқтисоди ривожланган кучли мамлакатлар тажрибалари бозорнинг бошланғич давридаёқ унинг ҳаракатига ижтимоий йўналиш мазмуни бериш цивилизацияли бозор иқтисодиётини яратишдаги зарур шарт эканлигини кўрсатмоқда.

Мавзудаги асосий тушунчалар

1. **Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишда бўлиш-лиги** инсон манфаатидан, унинг фаровонлигини таъминлашдан келиб чиқади. Бозор тизимида иқтисодий танлов тамойили асосида даромадлардаги тафовут мавжуд бўлиб, у турмуш даражасига таъсир этади.

2. Бозор иқтисодиёти фаолият кўрсатиш, иш юритиш тенглигини ва шунга қараб даромад олиш ҳуқуқини таъминлайди. Лекин даромадлар тенглигини инкор этади.

3. **Мулкдорлик даромад келтиради:** иш кучи иш ҳақи ва маош сифатида, капитал ва тадбиркорлик фойда, ер, рента, ссуда фоиз келтиради. Иш кучи эгаси айна вақтда акционер бўлса иш ҳақи ва дивиденд олиши мумкин. Ер эгаси ўзи капитал сарф этиб меҳнат қилса рента, фойда ва иш ҳақи олиши мумкин.

4. Ривожланган мамлакатларда даромаднинг асосий қисмини, яъни деярли $3/4$ қисмини иш ҳақи ташкил этади ва фойда, рента, процент, дивиденд кабилар $1/4$ қисмдан ошмайди.

5. Даромад даражаси ресурсларнинг самарадорлигига боғлиқ, улар қанчалик юқори унумли бўлса, эгаларига шунча кўп даромад келтириши мумкин.

6. Ривожланган бозор иқтисодиёти, ижтимоий йўналиш хусусиятига эга бўлиб, аралаш иқтисодиёт шароитида ўз механизмлари туфайли оммавий фаровонликни таъминлаши мумкин. Лекин, айна вақтда ишсизлик ва аҳоли даромади табақаланиш жараёнини ҳам тақозо этади. Булар эса аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини талаб этади.

7. Бозор иқтисодиёти тараққиётига **ишсизлик** хос бўлиб, у уч хил кўринишда намоён бўлади: фрикцион, структуравий

ва циклик ишсизликлардир. Булар нормал иқтисодий ҳаракат маҳсулидир.

8. Ишсизликнинг олдини олиш ва бу соҳада ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлат асосий роль ўйнайди.

9. Бозор иқтисодиётига хос **даромад тенгсизлиги**, аҳоли даромади табақаланиши камбағалликнинг олди олинишини талаб этади. Бу муаммони ҳал қилиш давлат вазифаси бўлиб ҳисобланади.

10. Жамиятда ишга яроқсизлар, ногиронлар, қариялар, кўп болалик оилалар мавжудки, улар доимо ёрдамга муҳтождирлар. Уларни ижтимоий ҳимоялаш давлатнинг вазифаси бўлиб ҳисобланади.

11. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш **даромадларни қайта тақсимлаш** йўли билан амалга оширилиб, асосан давлат бюджети ҳисобига бажарилади.

МАВЗУ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ ВА САВОЛЛАР

1. Бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналиши деганда нимани тушунасиз?

2. Бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналишнинг асосий томонларини аниқлиб уни кенгроқ тушунтириб беринг.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида фаровонлик муаммосини қандай тушунасиз, оммавий фаровонликнинг таъминланиши қонуниятининг мазмуни нимадан иборат?

4. Бозор иқтисодиётида даромадлар манбаи ва турларини аниқлаб, уларни тушунтиринг.

5. Даромаднинг тақсимланиши, бозор иқтисодиёти қонуни мазмунини талқин қилиб беринг.

6. Турмуш даражаси, турмуш сифати каби тушунчаларни айтиб беринг.

7. Ишсизликнинг пайдо бўлиши, унинг турларини тушунтириб беринг. Ишсизликнинг ижтимоий оқибатлари ва умуман, бозор иқтисодиётига таъсирини айтиб беринг.

8. Даромадларнинг табақаланишини қандай тушуниш керак, унинг қандай оқибатлари бор?

9. Давлатнинг аҳолини ҳимоялаш фаолиятини тушунтириб беринг.

МУНДАРИЖА

Суз боши	3
Кириш	5

I. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ МОҲИАТИ, БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ

Бозор иқтисодиёти тушунчаси	12
Бозор муносабатлари ва инсон манфаати	15
“Аралаш иқтисодиёт” тушунчаси	20
Бозор иқтисодиёти ва товар ишлаб чиқариш	24
Ишлаб чиқариш ва талаб даврлари тушунчаси	26
Бозор ва нобозор иқтисодиёти	30

II. ИҚТИСОДИЙ РАҚОБАТ, МОНОПОЛИЯ ВА УЛАРНИНГ БОЗОР РИВОЖИГА ТАЪСИРИ

Иқтисодий рақобат тушунчаси	39
Монополия ва бозор моделлари	48

III. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА МУЛК ШАКЛЛАРИ

Мулк шакллари тушунчаси	58
Давлат мулки	63
Хусусий мулк	65
Давлат мулкини хусусийлаштириш	71

IV. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАР

Талаб категорияси тушунчаси	80
Таклиф категорияси тушунчаси	87
Ресурсларга талаб ва таклиф хусусиятлари	93
Баҳо ва унинг хусусиятлари	94
Конъюнктура хизматлари	102
Фойда ва планлаштиришнинг аҳамияти	104

V. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ҚОНУНИ, УНИНГ ҲАРАКАТИ

Талаб ва таклифнинг диалектик ривожи	109
Талаб ва таклиф мувозанати	112
Талаб қонуни	115
Таклиф қонуни	116
Талаб ва таклиф қонуни	118

VI. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДА ПУЛ, МОЛИЯ ВА БАНК ТИЗИМЛАРИ

Пул ва пул муомаласи	128
Молия ва унинг хусусиятлари	134
Кредит ва банклар фаолияти	145

VII. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ДАСТЛАБКИ ШАРОИТИ

Ўзбекистонда бозор тарихига оид	152
Ишлаб чиқариш даражаси	157
Халқ ҳўжалигининг умумий ҳолати	159

VIII. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШДАГИ МУҲИМ АСОСЛАР

Миллий модел	163
Иқтисодиётнинг барқарорлашуви зарурияти	169
Индустриаллаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтиш	175

IX. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИНГ РОЛИ

X. БОЗОР ИШТИРОКЧИЛАРИ. БОЗОР ИНФРАСТРУКТУРАСИ

Бозор иштирокчилари тушунчаси	192
Фирма	194
Уй ҳўжалиги ва давлат	200
Бозор инфраструктураси	207

XI. ТАДБИРКОРЛИК

Бизнес	217
Тадбиркорлик шароитлари	227
Бизнес-план	230

XII. ТАДБИРКОРНИНГ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Тадбиркор тушунчаси	244
Тадбиркорнинг ҳуқуқий ва сармоявий асослари	249
Тадбиркорнинг шахсий хусусиятлари	256
Тадбиркор ва менежмент	260

XIII. МАРКЕТИНГ

Маркетинг моҳияти	264
Маркетингнинг вазифалари	272
Халқаро маркетинг	277
Маркетинг ва жамият	280

XIV. БОЗОР ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

Истеъмол объектлари бўйича бозор тур ва шакллари	286
Молия бозори	295
Интеллектуал товарлар бозори	301
Худудий бозорлар	303

XV. ЖАҲОН БОЗОРИ ВА ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИ

Жаҳон бозори моҳияти	307
Жаҳон бозори хусусиятлари	312
Халқаро меҳнат тақсимоти	319

XVI. ЖАҲОН МЕҲНАТ ТАҚСИМОТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎРНИ

Экспортни ривожлантириш зарурияти	325
Жаҳон меҳнат тақсимотидаги Ўзбекистоннинг дастлабки вази- фалари	328
Жаҳон меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг ўрнини яратиш ва саноат структурасининг ўзгариши	333

XVII. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ

Бозор иқтисодиётини тартибга солиш зарурияти	339
Бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги баъзи тажрибалар	342
Бозор иқтисодиётини тартибга солишдаги маъмурий усуллар	345
Бозорни тартибга солишда иқтисодий усуллардан фойдаланиш	348

XVIII. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИЖТИМОЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ижтимоий йўналиш моҳияти	357
Ишсизлик муаммоларини ҳал қилиб бориш	365
Аҳоли даромадининг табақаланиши	371

Мухтор Расулович Расулов

ОСНОВЫ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ

На узбекском языке

Издательство “Ўзбекистон” — 1999,
Ташкент, 700129, Навои, 30

Бадий муҳаррир *У. Салихов*
Техник муҳаррир *М. Хўжамқулова*
Мусахҳиҳ *М. Йўлдошева*

Теришга берилди 10.12.97. Босишга рухсат этилди 05.05.98. Бичими 84×108¹/₃₂. Таймс гарнитура юқори босма усулида босилди. Шартли бос.т. 20,16. Нашр т. 21,1. Буюртма № К — 916. Нусхаси 5000.

“Ўзбекистон” нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30 уй.
Нашр № 121—97.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

"ЎЗБЕКИСТОН"